



**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ
ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ТИНЧЛИК ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО
ҲАМЖИҲАТЛИК МАРКАЗИ**

**ЗАМОНАВИЙ СИЁСАТШУНОСЛИК:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

(Ўкув қўлланма)

Тошкент – 2008

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
илмий-услубий кенгашида маъқулланган.**

Муаллифлар жамоаси: Р. Ф. Фармонов, Н. Ў. Тўлаганова,
М. Т. Турдиев, Қ. А. Жўраев, У. Н. Муҳаммадиев

Масъул муҳаррир: Қ. А. Жўраев

Муҳаррир: Н. М. Усманова

Техник муҳаррир: Ф. З. Тўраев

Такризчилар: Сиёсий фанлар доктори С. А. Жўраев
Сиёсий фанлар доктори Э. С. Султонова
Сиёсий фанлар номзоди К. М. Аҳмедов

The publication was implemented within 2006-2007 UNESCO Participation Programme of the Republic of Uzbekistan (No.37515804UZB - Research Studies of the Center for Peace Education and Intercultural Understanding at the UWED).

Мазкур ўқув қўманнада сиёсатшуносликнинг асосий назарий жиҳатларини қамраб олувчи мавзулар бевосита амалиёт билан, хусусан, Ўзбекистон амалий воқелиги билан чамбарчас боғлиқликда тақдим этилган. Қўлланнада келтирилган илмий тушунча ва шарҳлар мумтоз сиёсатшунослик назариялари ва концепцияларига асосланган бўлиб, ўз навбатида, муаллифлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган чукур иқтисодий, сиёсий, ижтимоий маънавий ислоҳотлар ва ўзгаришларни, қолаверса, сиёсий жараёнларни таҳлил қилишга ҳам ўз диққатларини қаратганлар.

Мазкур қўлланма юзасидан фикр-мулоҳазаларни қўйидаги манзилга юбориш мумкин: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси.

ISBN 978-9943-340-08-4

МУНДАРИЖА

Кириш. Ўзбекистонда сиёсатшунослик фани ва унинг ривожланиши истиқболлари	4
1-мавзу. Сиёсатшунослик ва унинг сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни	7
2-мавзу. Сиёсий фикрнинг манбалари ва шаклланиши	18
3-мавзу. Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихи	50
4-мавзу. Сиёсий жараёнлар	68
5-мавзу. Жамиятнинг сиёсий тизими	79
6-мавзу. Сиёсий ҳокимият	90
7-мавзу. Демократия назарияси ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши	109
8-мавзу. Давлат – сиёсий тизимнинг асосий институти сифатида	129
9-мавзу. Сиёсий партиялар ва партиявий тизимлар	141
10-мавзу. Ижтимоий гуруҳлар сиёсатнинг субъекти сифатида	156
11-мавзу. Сайлов тизимлари ва сайлов технологиялари	169
12-мавзу. Сиёсий элита ва лидер	182
13-мавзу. Сиёсат ва миллатлараро ҳамда динлараро муносабатлар	198
14-мавзу. Сиёсий конфликтлар	209
15-мавзу. Сиёсий онг ва сиёсий мафкуралар	220
16-мавзу. Сиёсий маданият ва сиёсий ижтимоийлашув	236
17-мавзу. Халқаро сиёсат ва халқаро тизим	248
18-мавзу. Ташқи сиёсат. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси	262
Адабиётлар рўйхати	279

Кириш

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумки, сиёсий билимлар жамиятни ривожлантирища муҳим ўрин эгалайди. Сиёсий билимлар асосида нафақат давлат ва жамият бошқарувини тўғри ташкил қилиш мумкин, балки шу билан бирга, жамият ҳаётининг энг муҳим стратегик йўналишлари бўйича сиёсий башоратни амалга ошириш ва истиқболдаги турли ривожланиш концепцияларини ҳам ишлаб чиқиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда ушбу фанга жуда катта эътибор берилади. Айниқса, ривожланган мамлакатларда сиёсий билимлар олий ўқув юртларида кенг ўқитилади ва ўрганилади. Шу билан бирга, ушбу мамлакатларда сиёсий тадқиқотлар билан шугулланувчи алоҳида маҳсус илмий-тадқиқот институтлари, марказлар, жамгарма ва уюшмалар ташкил этилган. Масалан, Францияда Миллий бошқарув институти (ENA), Сиёсий фанлар институти (*Institut des Sciences Politiques*), АҚШда Уруш ва тинчлик тадқиқотлари институти (IWPR), Норвегияда Тинчликни ўрганиш институти (PRIO), Швецияда Демократия ва сайлов тизимларини ўрганиш халқаро институти (IDEA), Ҳиндистонда Сиёсий тадқиқотлар маркази (CPR) каби ўнлаб илмий муассасалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, Farb мамлакатларида олиб борилаётган тадқиқотлар, аввало, ўзининг амалиётга йўналтирилганлиги билан ажralиб туради. Айнан ана шу алоқадорлик, яъни назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги уларда давлат ва жамият бошқарувининг тўғри ташкил қилинишига олиб келди ва бу ҳол, пировард натижада, ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиети-ни таъминлаб берган омиллардан бири бўлди, десак янгишмаймиз.

Хозирги кунда Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки ёш мустақил республикамиз ўзсиёсий тизимини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида дадил қадам ташламоқда. Демак, ушбу йўналишда илмий назариялар, концепциялар ва қарашларнинг изчил тизимини шакллантиришни давр тақозо этмоқда.

Мустақилликнинг ўтган йилларида сиёсий билимларни ўқитиш ва ўрганиш бўйича талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, турли олий ўқув юртларида ва илм даргоҳларида сиёсатшунослик бўлимлари очилди (бу борада Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси каби илмий-ўқув муассасалари пешқадамлик қилмоқдалар). Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси (OAK) томонидан сиёсий тадқиқотларни жонлантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1992 йилдаёт ОАК томонидан сиёсий тадқиқотлар соҳасида тўрт йўналишда (23.00.01-сиёсатшунослик назарияси ва тарихи, 23.00.02-сиёсий институтлар ва жараёнлар, 23.00.03-сиёсий маданият, 23.00.04-халқаро тизимлар ва умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммолари) илмий тадқиқотларни фаоллаштириш мақсадида ихтисослашган илмий кенгашлар ташкил этилди. Натижада, 1992-2007 йиллар мобайнида юртимизда ўнлаб фан докторлари ва номзодлари этишиб чиқди. Бугунги кунда эса сиёсий муаммолар соҳасида юзлаб олим ва мутахассислар илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Республикамиз сиёсатшунослик фанининг ўтган ўн олти йиллик ривожини сарҳисоб қилиб, бу борада салмоқли ишлар қилинганилигига гувоҳ бўламиз. Энг аввало, янгича фикрловчи олимлар гурӯҳи шаклланди ва ушбу фанининг муҳим инфраструктураси бунёд этилди.

Лекин, назаримизда, бу ишлар ҳали жуда кам. Сиёсатшунослик фанини ривожлантириш бўйича ҳали бир қатор ишларни амалга ошириш лозим. Чунончи, ўзбек тилида дарслклар, кўлланмалар, ўқув дастурларини нашр этиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда илмий тадқиқотлар олиб борилаётган илмий марқарзлар ва олимлар билан яқиндан танишиш ва ҳамкорлик ўрнатиш, сиёсий ҳаётнинг турли муаммолари бўйича тадқиқотларни янада фаоллаштириш, ушбу илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, республикамиздаги сиёсатшунос олимлар ўюшмаларини ташкил қилиш каби бир қатор ишларни ҳам амалга ошириш лозим. Сиёсатшунослик фани ўқитилаётган олий ўқув юртларини керакли ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, ушбу фандан сабоқ берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, кенг оммани сиёсий тадқиқотлар билан яқиндан таништириб берувчи телерадио дастурлари ва даврий нашрларнинг сифатини яхшилаш ҳамда янгиларини бунёд этиш, Интернетда маҳсус веб-саҳифалар ташкил қилиш сингари каби долзарб муаммолар турибди.

Маълумки, давлат ва давлатчилик сиёсатшунослик фанининг марказий мавзуларидан бири ҳисобланади. Шу боис, И. А. Каримовнинг “Бугун биз қандай давлат қураяпмиз, унинг сиёсий ва ижтимоий ңегизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак?” деган саволга “Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси ҳалқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир”¹ деб айтган сўзлари Ўзбекистон сиёсатшунослигининг методологик асоси ҳисобланади. Ўтган ўн олти йилдан сал кўпроқ вақт давомида Ўзбекистон Республикаси бугун бир тарихий даврни ўз бошидан кечирди. Мамлакатимизда ўтказилаётган чукур иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ижтимоий ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равища бозор иқтисодиётига ўтишининг “ўзбек модели” деган ном олди. Бу тарихий тажриба қатор сиёсатшунос олимлар, иқтисодчилар, тарихчилар, қолаверса давлат арбоблари томонидан кунт билан ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанининг долзарб муаммоларига бағишлиб, 2007 йил давомида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ўтка-

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том. Т., 1996. 6-бет.

зилган туркум илмий-амалий анжуманларнинг иштирокчилари сиёсий фанлар олдидаги турган долзарб вазифлар қатори «дарсликлар, ўкув дастурлари ва ўкув-методик кўлланмаларнинг етишмаслигини» ҳам алоҳида таъкидладилар. Кўлингиздаги ушбу китоб ана шу бўшлиқни оз бўлса-да, тўлдиришга хизмат қилишидан умидвормиз. Ундан олий ўкув юртларида сиёсатшунослик фанидан сабоқ берадиган ўқитувчилар, магистрлар, талабалар, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фанлар соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган тадқиқотчи-мутахассислар бирдек фойдаланишлари мумкин.

Ушбу кўлланмани тайёрлашда «Сиёсатшунослик асослари» ўкув кўлланма (ТДШИ-2005), «Сиёсатшунослик асослари» маъruzалар матни (ЖИДУ, 2005), «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалаиёти» олий ўкув юртлари учун дарслик (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2005) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан нашр этилган «Сиёсатшунослик» маъruzалар матни (Тошкент, 2000), Политология. Ўкув кўлланмана (Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент давлат юридик институти, 2006) каби нашрлардан кенг фойдаланилди. Шунингдек, кўлланмана мақзууларини янада аниқроқ баён қилиш мақсадида турли тизими-ли-мантикий жадваллардан ҳам кенг фойдаланилди.

Ушбу ўкув кўлланмани тайёрлашда ўз маслаҳатларини аямаганлиги ва уни нашр этишда кўрсатган беминнат ёрдами учун ЮНЕСКО ишлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби А.Н.Икрамовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Мазкур китобда муаллифлар ўз олдиларига қўйтган мақсадларга қай даражада эришганликларини вақт кўрсатади. Шунингдек, зукко ва доно талабалар, талабчан ўқитувчилар кўлланмана мазмуни билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деган умиддамиз.

Рахмон Фармонов,
т.ф.д., проф., ЖИДУ ижтимоий-гуманитар
фанлар кафедраси мудири.

СИЁСАТШУНОСЛИК ВА УНИНГ СИЁСИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Режа:

1. «Сиёсат» категорияси ва унинг объектив мазмуни. Сиёсат ва ахлоқ.
2. Сиёсатнинг объект ва субъектлари.
3. Сиёсатшунослик фани ва унинг сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни.
4. Сиёсатшуносликнинг қонуниятлари ва категориялари.
5. Ўзбекистонда сиёсташнуослик фанининг ривожланиши.

1. «Сиёсат» категорияси ва унинг объектив мазмуни. Сиёсат ва ахлоқ.

«Сиёсат» тушунчаси – қадимий тушунчалардан бири. Ҳозирги тилларга ва маданиятга «сиёсат» атамаси қадимги юон тилидан узлантирилган сўз (politika) сифатида кирган. У давлат билан ҳукмронлик муносабатларини, одамлар ва жамият устидан раҳбарлик қилиш илми билан боғлиқ қадимги юон тушунчаларига асосланади: «полис» (шаҳар-давлат), «политикос» (давлат арбоби), «политейя» (конституция). «Сиёсатшунослик» – «политология»нинг ўзбекча таржимасидир. «Политология» сўзи лотинча икки сўз бирикмасидан ташкил топтан: «политике» (politike) – жамоат ва давлат иншлари ҳамла «логос» (logos) – таълимот, яъни давлат ва жамоат ишлари ҳақидаги таълимот. «Шу нуқтаи назардан, – деб ёзди рус олими В. В. Желтов, – Сиёсатшунослик – сиёсат, ҳукумат муносабатлари билан боғлиқ инсонлар ҳаётий фаолияти, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ташкил этилиши, сиёсий институтлар, тамоиллар, тартиботлар, шахслараро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги фан»¹.

«Сиёсат» анъанавий равишда давлат ва жамоат иншларини, одамлар, ижтимоий гуруҳлар, халқлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ фаолият соҳасини англатади. У сиёсий институтлар ва ташкилотларнинг фаолият кўрсатишини, сиёсий меъёрлар ва анъаналарни, одамларнинг ҳокимият-бошқарув ва ташкилотчилик фаолиятини, ижтимоий-сиёсий манбаатлари ва эҳтиёжларини, сиёсий ғоялари ва қарашларини ўз ичига олади.

Сиёсатни инсоннинг руҳий ҳолатлари ва ҳусусиятларидан ажратиб бўлмайди. У муайян институционал ижтимоий-маданий ва ғамадунвий муҳитда шаклланади ва амалга оширилади, унга турли омиллар таъсир кўрсатади. Ўзига ёкиш-ёқмаслигидан қатъий назар, инсон сиёсий тизимини муайян типи таъсири доирасидан ташқарида бўла олмайли. Шу маънола сиёсат дунёси муқаррар ҳодисасидир.

¹ Желтов В. В. Политология. Ростов-на-Дону. 2004. С. 6.

Сиёсат – синфлар, ижтимоий гурухлар ўртасидаги ҳокимият ва жамиятни бошқаришта оид муносабатлар, фаолият, хатти-ҳаракат ва коммуникацион алоқаларнинг кўп қирралї олами. Сиёсатнинг асосий омилларини, энг аввало, катта ижтимоий гурухлар (синфлар, миллатлар, ҳалқлар, цивилизациялар), уларнинг манфаатларини ифода этувчи сиёсий ташкилотлар, институтлар, ҳаракатлар ва сиёсий лидерлар ташкил этади.

Жамият ўзаро боғланган, кўп жиҳатдан мустақил бўлган ҳўжаликнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларининг ўзига хос мажмуасидан иборат. Жамиятнинг сиёсий соҳаси унинг бошқа соҳаларидан шу билан фарқ қиласиди, у муайян маънода уларга нисбатан устунлик қилувчи ролни ўйнайди. Сиёсий соҳанинг бундай мавқеи унинг доирасида қабул қитинган қонунлар, қарорларнинг бошқа ижтимоий соҳалар томонидан бажарилиши мажбурий эканлиги билан боғлиқ. Шу сабабли, сиёсий соҳа жамият тараққиётининг ўтиш ва бошқа ўзига хос даврларида тегишли устунликларга эга бўлади. Айни пайтда, сиёсат соҳаси жамиятнинг бошқа барча соҳалари билан чамбарчас боғланган, уларга қарам ва улардан бирламчи материаллар олади.

Сиёсатнинг роли ўзининг универсаллиги, барча соҳаларни қамраб олиш хусусияти, ижтимоий ҳаётнинг давлат аҳамиятига молик масалаларидан тортиб шахс муаммоларигача бўлган барча ҳодисаларига таъсир ўtkаза олиш қобилиятида намоён бўлади. Шунга кўра, сиёсат маънавият, иқтисод, ҳукуқ, маданият ва ахлоқ билан чамбарчарс боғлиқдир.

Жамият сиёсий соҳасининг хусусиятларидан бири шуки, у ўзига хос «турткি берувчи» жиҳатга эта. Унинг асосий ўзаги – жамиятнинг сиёсий ташкилоти – нисбатан доимийdir. Шу билан бир вақтда, кўплаб сабаблар билан боғлиқ равишда айрим масалалар ва ҳодисалар, агар улар ижтимоий манфаатлар марказига тушиб қолса, сиёсий хусусият касб этиши мумкин. Сиёсат кўп жиҳатдан ўз даври, муайян тарихий ва тамаддуний шароитларга, жамиятдаги ҳукмрон мафкурага, ахлоқий ва диний меъёрларга, инсоннинг ривожланиш даражаси, маданияти ва дунёқарашига боғлиқ. Инсон, кишилар жамияти, унда ҳукмронлик қилувчи сиёсий институтлар, меъёрлар ва анъаналар қандай бўлса, сиёсат ҳам шундай бўлади.

Сиёсатнинг асосий негизлари қўйидагилардир:

- демократия;
- инсонга йўналтирилганлик, жиноятчиликка барҳам бериш;
- маънавият;
- ўз ватанинга фуқаролик мұҳаббати;
- сиёсатнинг муайян тарихий шароитлардан келиб чиқиши, бошқа фанлардан ҳам фойдаланилган ҳолда белгизаниши;
- сиёсат миллатлар, ижтимоий гурухлар, давлатлар ўртасидаги уларнинг эҳтиёjlари ва манфаатларини амалга оширишга оид муносабатлар сифатида қаралиши;
- сиёсатнинг давлат ишларида иштирок этиш, давлат фаолиятининг шакллари, вазифалари ва мазмунини белтидаши;
- сиёсат – мислионлаб кишиларнинг тақдир, унинг инсон манфаатларига йўналтирилшини демаклди.

Сиёсат жамиятда муйян вазифаларни бажарали. Уларнинг айримларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) жамиятнинг барча гурухлари, қатламларининг ҳокимиёт нуқтаси назаридан муҳим манфаатларни ифода этиш, одамларга ўз эҳтиёжларини қондириш ва ижтимоий мақомини ўзгартирish учун кўшимча имкониятлар бериш;

2) юзага келадиган зиддиятларни оқилона ҳал этиш, уларни фуқаролар ва давлат ўртасидаги тамаддунлашган мулоқот ўзанига йўналтириш;

3) сиёсий ва иқтисодий жараёнларни бошқариш ва уларга раҳбарлик қилиш;

4) аҳолининг турли қатламларини бирлаштириш;

5) шахсни ижтимоийлаштириш ёки инсонни шакллантириш. Унинг моҳияти шундан иборатки, сиёсат кўп ҳолларда инсонни ўзгартирadi.

6) ижтимоий тараққиётнинг инновационлигини таъминлаш ёки ҳаётни ижтимоий ташкил этишнинг янги шаклларини яратиш.

Сиёсат ҳақида санъат сифатида гапириш учун барча асослар бор. Давлатни бошқариш, жамият барқарорлигини таъминлаш ҳам санъатdir. Сиёсат – олдиндан кўра билиш санъати, ўйлаб қўйиладиган қадамлар, амалга ошириладиган тадбирлар, ҳаракатлар, ён беришлар ва ҳисоб-китоблар соҳаси.

Ҳақиқий инсонпарвар ва демократик жамият учун хос бўлған ҳалол сиёсатга ўтиш – узоқ давом этувчи ва мураккаб жараён. Сиёсат санъат сифатида, у билан шуғуланаётган ҳар бир кишининг тўғри сиёсий хатти-харакатлари нимадан иборатлигини, қандай йўллар билан энг кам куч сарфлаган ҳолда мақсадга эришиш мумкинлигини, муйян босқичда нималар мумкин ва мумкин эмаслигини англаб этишни билдиради.

Сиёсат санъат сифатида одамларни фаоллаштириш воситаларини воқе-лилка мос тарзда танлай олишда намоён бўлади. Моҳир сиёсатчи одамларни мураккаб вазифаларни ҳал этишга қўзғатиши мумкин бўлган пайтни тўғри белгилай олади. Унинг муваффакияти, фаолликка фақат биргина маъмурият-чилик билан эмас, балки одамлар учун қулай шароитлар яратиш, доимий ва оқилона талабчанлик билан эришишга ҳам боғлиқ. Раҳбарнинг маҳорати инсон ҳулқ-атворининг барча мураккаб жиҳатларини фарқлай олишдан иборатdir.

Моҳирона сиёсат чуқур ўйланган ва эҳтиёткор бўлиши лозим. У инсондан ўзининг бутун ақл ва иродасини ишга солишини, қатъиятли бўлишини, ҳис-туйғуларини жиловлай олишни талаб қилади. Ахлоққа мужассам бўлган умуминсоний қадриятлар узилиб қолган бўлса, яратувчиликка эмас, бузгунчиликка хизмат қилувчи, ғаразли мақсадларни кўзда тутувчи сиёсат ҳам моҳирона бўлиши мумкин.

Қадимги Шарқ, Греция ва Римдаги қарашларга кўра, сиёсат ва ахлоқ бир-биридан эжратилемаган. Плутарх “виждонсиз кишига ҳокимиятни ишониб топшириш ақдисиз кишининг қўлига қилич бериш билан баробар” эканлигини таъкидлаган эди. Айнан шу фикрни XIX асрда Т. Жефферсон ҳам илгари сурди: «Бутун бошқарув маҳорати ҳалол бўлиш маҳоратидан иборатлир».

Ахлоқ ижтимоий онгнинг ва унинг амалда рўёбга чиқарилишининг шаклларидан бири бўлиб, у одамлар ҳулқ-атворининг ижтимоий зарур типини

барқарор этади. Риоя қилиниши давлат органлари томонидан құллаб-қувватланадиган ва назорат қилинадиган ҳуқуқий месъёрлардан фарқли ўларок, ахлоқ месъёрлари жамоатчилик фикри ва таъсирига, ишонч, анъана ва одатларга сүянади. Ахлоқ инсоннинг жамиятга, ҳокимият тузилмаларига, жамоага, оиласа нисбатан хатти-харакатларида ўз ифодасини топади. Ахлоқ қадриятлари вақт үтиши билан ўзгаради. У турли халқларда турлича бўлади. Ахлоқнинг асосий муаммолари яхши одат, хулқ-автор. фаолият нимадан иборат, одобга хос, муносиб ишлар нималар эканлиги ҳақидаги масалалардир. Ахлоқ шахсий дунёқарашнинг таркибий қисми бўлиб, кўп жиҳатдан шахс учун ижтимоий-сиёсий дунё манзарасини белгилайди.

Сиёсат инсон фаолиятининг энг муҳим соҳаларидан бири бўлғанлига учун уни ахлоқдан ажратиш мумкин эмас. Сиёсат оламига, унинг институтлари, муносабатларига, сиёсий дунёқарашга, жамият аъзоларининг хулқ-авторига даҳлдор бўлган ахлоқий қадриятлар ва месъёрлар яхлит ҳолда сиёсий этикани ташкил этали. Ундан сиёсатга баҳо бериш, хусусан, айрим шахсларнинг сиёсий фаолиятини баҳолашда фойдаланилади.

Ахлоқ инсонни ўз хулқ-авторидан четга чиқиб кетишдан сақладайди, индивид билан бутун жамоа ўртасидага зиддиятларнинг ҳал этилишига хизмат қиласи. Ахлоқ сиёсатни, назоратсиз сиёсий фаолият эркинлигини чеклаб қўяди, шу сабабли, сиёсат кўп ҳолларда ундан қутулишга интилади.

Сиёсат билан ахлоқ ўртасидаги умумийлик шундан иборатки, улар ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи энг дастлабки воситалар сирасига, ижтимоий танлов соҳасига киради. Шу сабабли, улар одамлар хулқ-авторини бошқаришнинг ҳаракатчан ва ўзгарувчан воситаларидир. Сиёсат ва ахлоқнинг асосий вазифалари ўзаро мос тушади. зеро, уларнинг ҳар иккиси ҳам, гарчи аксар ҳолларда ушбу инсоний вазифаларни бажаришдан узоқ бўлсалар-да, умумжамоа баҳт-саодати ва ижтимоийadolatни ҳимоя этиш даъвосини қилалилар. Сиёсатда ахлоққа хос бўлган виждан азоби функциясини суд бажаради ва белгилантан месъёрларнинг бузилиши учун мавжуд қонунлар асосида жазолар тайинлайди.

Сиёсат ва ахлоқнинг бирга қўшилиши барқарор жамиятнинг нормал ҳолати ҳисобланади. Сиёсат томонидан ахлоқ месъёрларининг писанд қилин-маслиги сиёсатни ахлоққа зид қилиб қўяди. Ўз фаолияти ва унинг оқибатлари аҳамиятига кўра, сиёсат ҳар доим ахлоқийлик ва масъулият соҳаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ахлоқ билан иттифоқда бўлмаган сиёсат масъулиятдан ҳоли бўлали, бусиз эса у одамлар назоратидан чиқиб кетган техника ва фан сингари, оммавий қирғин воситасига, ҳокимиятни эгаллаш ва сақлаб туришнинг гайриинсоний механизмига, одамларни озод қилиш, ҳимоя этиш эмас, балки асоратга солиш қуролига айланиш ҳавфига дучор бўлиши мумкин.

Хозирги шароитда сиёсатга маънавий мезонларнинг таъсири кучайиб бормоқда. Шу сабабли, кўплаб сиёсий қарорларнинг «нархи» бир неча марта ошиб, сиёсат ва сиёсатчиларга ижтимоий фикр таъсири ортмоқда.

Ахлоқнинг сиёсатга таъсири бир қатор йўналишлар бўйича амалга оширилиши мумкин ва зарур. Бу – маънавий мақсадларнинг қўйилиши, уларга ва

амалдаги вазиятта мос усуулар ва воситаларнинг танланиши, сиёсий фаолигат жараёнида ахлоқий қоидаларнинг ҳисобга олинишидан иборат. Мазкур талабларнинг бажарилиши мана шу жараёнда фойдаланиладиган усуулар ва воситаларга боғлиқ. Сиёсатнинг мақсади бойлик ортириш ёки диктатни кўзда тутивчи ҳокимият учун эмас, балки лидер томонидан қўйилган олижаноб сиёсий вазифаларнинг амалга оширилиши, масалан, демократия тантанаси учун курашиш, миллый низоларнинг олдини олиш, иқтисодий ўсишни кўллаб-кувватлаш, мамлакат аҳолисининг фаровон ҳаётини таъминлаш бўлмоги лозим.

Сиёсатчи ҳокимият учун курашар экан, уни сунистеъмол қилишини эмас, балки унинг ёрдамида ижтимоий муҳим вазифаларни ҳал этишини мақсад қилиб қўяди. Шу сабабли, сиёсатчининг муваффакияти, энг анвало, унинг фаолият дастурининг ҳаётйлиги, унга жамият ва тарих томонидан берилган баҳолар, охир-оқибатда ижтимоий арбобнинг билим ва тажрибага таянган, ахлоқийликка асосланган қарори энг тўғри қарор бўлиб чиқади.

2. Сиёсатнинг обьект ва субъектлари.

Сиёсатнинг асосий «ҳаракат қилувчи шахслари» унинг субъектлари бўлиб, улар сиёсий фаоллик манбаи сифатида майдонга чиқадилар. «Субъект» ва «объект» тушунчалари (лотинча *subjectum* – эга, *objecrum* – предмет) гуманитар билимнинг муҳим категорияларидандир.

Субъект – фаол ҳаракат қилувчи ва идрок этувчи. Субъект деганда, онг ва иродага эга бўлган индивид ёки ижтимоий гуруҳ тушунилади.

Объект – субъектнинг билиш ва бошқа фаолияти нимага қаратилган бўлса, ана шуни англатади.

Сиёсат субъекти – сиёсат обьектига йўналтирилган предмет, амалий сиёсий фаолият соҳибидир.

Сиёсат субъектларига – индивидлар (оддий шахслар ёки сиёсий лидерлар); ижтимоий гуруҳлар – жамоалар, этник гуруҳлар, диний жамоалар, сиёсий элита, синфлар, омма, фуқаролик жамияти, халқлар, миллатлар, тамаддуллар; сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар) киради. Кишиларнинг сиёсатдаги иштирокини куйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) кишиларнинг сиёсатда фаол, онгли иштироки, улар томонидан ўзларининг англаб етилган манфаатлари ва қадриятларининг тасдиқланиши;

2) «фуқаролик» типидаги пассив иштирок, яъни улар томонидан сиёсий ролларнинг моҳиятини азалдан берилган, шак-шубҳасиз бўлган бирон нарсага сўзсиз бўйсунгандари ҳолда идрок этиши;

3) стихияли ёки онгсиз иштирок;

4) сиёсий бефарқликнинг намоён бўлиши, сиёсатда иштирок этмаслик.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва унинг тобора ривожланиб бориши билан «сиёсийлик»нинг анъанавий чегараларининг торайиб бориш таомили амал қиласи, бироқ сиёсатнинг сифатига бўлган талаблар давлат соҳасида ҳам, ижтимоий соҳада ҳам ошиб боради.

3. Сиёсатшунослик фани ва унинг сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни.

Сиёсатшунослик фани сиёсий жараёнларни бир мамлакат доирасида эмас, балки 1) маҳаллий; 2) минтақавий; 3) дунёвий ва глобал макон ҳамда замон доирасида ўзаро чамбарчас боғлиқликда ўрганади. Шу билан бир қаторда, жаҳоннинг турли минтақаларида долзарб сиёсий муаммоларни ҳал қилишда эришилган натижаларни ўрганади ва уларни сиёсий тажриба сифатида умумлаштиради (I-жадвал).

I-жадвал

Сиёсатшуносликнинг фан сифатидаги асосий функциялари

№	Функциянинг номи	Функциянинг маҳияти
1.	Методологик функция	Сиёсатшуносликнинг асосий хуносалари алоҳида олинган ижтиомий ҳодисаларни ўрганувчи хусусий сиёсий назариялар учун асос бўлиб хизмат қиласди.
2.	Назарий билиш функцияси	Сиёсатшунослик сиёсат тўғрисида, унинг жамиятдаги роли тўғрисида билимлар ҳосил қиласди.
3.	Дунёқараш ҳосил қилиш функцияси	Сиёсий воқелик тўғрисида аниқ тасаввурларнинг шакланишига кўмаклашади.
4.	Регулятив функция	Сиёсий билимларни егалаш кишининг сиёсий хатти-хараратларига бевосита таъсир кўрсатади.
5.	Истиқболни белгилаш функцияси	Сиёсий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини очиб берар экан, сиёсатшунослик объектив равишда башорат ёки истиқболни белгилаш функциясини ҳам бажаради.
6.	Аксеологик (баҳолаш) функция	Сиёсатшунослик сиёсий институтлар, тузум, сиёсий жараёнлар ва ҳодисларга баҳо беришга имкон тугдиради.

Манба: Сиёсатшунослик асослари. Маърузалар тўплами. Т., 2005.

Сиёсатшунослик сиёсий жараёнларни ўрганувчи фан сифатида бир қатор предметлар: сиёсий иқтисод, сиёсий фалсафа, сиёсий тарих, социология, ҳалқаро муносабатлар, геополитика ва бошқалар билан узвий боғлиқ, қолаверса улар билан турдош. Бироқ, ўз навбатида, сиёсатшунослик мустақил фан бўлиб, ўзининг обьекти ёки предмети, категориялари ва ўзига хос қонуниятлари ҳамда хусусиятлари билан ажralиб туради. Сиёсатшуносликнинг обьекти, юқорида қайд қилингандек, жамиятнинг сиёсий жабҳаси, уларда содир бўлаётган барча ҳодиса, жараёнларни қамраб олади. Тўғри, сиёсатшуносликдан ташқари жамиятнинг бу соҳасини ҳукуқ, сиёсий тарих, сиёсий фалсафа, сиёсий иқтисод, социология, ҳалқаро муносабатлар, геосиёсат ва бошқа предметлар ҳам ўрганади. Бироқ уларнинг ҳар бири ўз хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ўз обьектига эга. Демак, сиёсатшунослик фанининг обьекти ёки предмети биринчи навбатда сиёсат ва сиёсий жараёнлардан иборат.

Бугунги кунда сиёсатнинг қандайdir бир қисқача таърифи тўғрисида сўз юритиш ниҳоятда мушкул. Сиёсий арбоблар, давлат раҳбарлари, сиёсатшунос олимлар бугунги кунда демократик тамойиллар юксалган мамлакатларнинг фуқароларини сиёсий майдонга жалб қилмоқдалар. Сиёсат ва унинг майдони ҳақида сўнгги тўрт юз йил давомида жуда кўп маълумотлар тўпланди.

Инсониятнинг янги даврга қадам қўйиши муносабати билан сиёсат мутлақ кўпчилик кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжига айланди. Ҳатто сўнгги пай-

тларга келиб, ҳалқаро сиёсат ҳудудийлашаш, жаҳон сиёсат майдонида янгидан-янги мустақил давлатлар пайдо бўлди ва улар сиёсат субъектларининг фаол иштирокчиларига айландилар. Масалан, Ёвропача сиёсат, АҚШ сиёсати, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий концепцияси ва ҳоказодар бунга мисол бўла олади. Сиёсатнинг қирралари жуда кўп бўлиб, унинг мазмани, моҳияти юздан ортиқ маъно ёки тушунчага эга. Жамиятнинг ривожланиши, такомиллашуви, айниқса, ривожланган демократик давлатларда сиёсат одамларнинг кундалик эҳтиёжига, амалиётига, ҳар бир фуқаронинг онгли фаолиятидаги сиёсий маданиятига айланди (2-жадвал).

2-жадвал

Сиёсатшуносликнинг обьекти, предмети ва методлари

Сиёсатшунослик обьекти	Сиёсатшунослик предмети	Сиёсатшунослик асосий методлари
Сиёсат, жамият ҳастининг сиёсий соҳиси	Сиёсий ҳокимиятнинг шакланиши, амал қилиши ва ўзгариши қонуниятлари	Диалектик, тиимли таҳдид, тарқиий функционал, бихевиористик, киссий, аниқ тарихий ёндашув, социологик, қультурологик, норматив, институционал, субстанционал ва бошқа умумифзи методлари

Манба: Сиёсатшинослик асослари. Материалтар тўплами. Г., 2005.

Албатта, доимий ёки бетараф сиёсат мавжул бўлмаса-да, сиёсатнинг ўзига хос қонуниятлари бор. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатими янинг ўзига хос сиёсати борлиги. Ўзбекистон мамлакатининг дунёла ягона экантиги, бу сиёсат ҳалқимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги ҳамда мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилишини биладилар ва ўзлари ҳам ана шу сиёсатнинг субъектлари сифатида фаолият кўрсатадилар. Сиёсат – бу ҳокимият ҳамда, ўз навбатида, сиёсат жамиятни барқарорлаштириш, ижтимоий тартибни сақлаш тамойиллари ҳам ҳисобланади.

Биринчидан, сиёсат ҳокимият сифатида ҳокимиятни бошқарувчиларга бўйсунади ва у, ўз мазмунига кўра, мамлакат бошқарувини таъминлашга хизмат қиласи. **Иккинчидан**, бирон-бир ҳокимият доимий, мутлақ эмас, балки у, аввалимбор, жамиятни барқарорлаштириши ёки шу йўл орқали жамиятни ривожлантиришга хизмат қиласи. Табиийки, ҳокимият олиб бораётган сиёсат ҳаммага ҳам маъкул келавермайди, шу сабабли, танқилга учрайди. Бирон мухолифат каби танқид ҳам конструктив характеристерга эга бўлиши керак. Ҳокимият, одатда, ўз ҳукмини мағкура орқали, маълум бир гоя орқали амалга ошириши ҳам мумкин. Сиёсат жамиятда автоном ёки маълум маънода мустақил бўлиб, ўз қонуниятларига эга.

Сиёсат ҳокимият сифатида ҳамда сиёсат мамлакатни бошқарини тамойили сифатида ўзаро мухолифликка, қарама-қаршиликка ҳам эга.

Сиёсат ўз навбатида тарихий характеристерга эга. Гап ўзинин келиб чиқиши, замона зайли билан ўзгариши ва ўга мосдашувчанилиги орқали ажralиб туради. Жамиятнинг ўзгариши, ривожланиши билан сиёсат ҳам ўзгаради, унинг янгидан-янги қирралари кўзга ташланади. Қандайдир мавхум дунёвий демократик сиёсат тўгрисида гап бўлинни мумкин эмас. Ёки коммунистлар «башорат» қилганларидек, маълум босқичда сиёсат тугамайли ёки орсан

кетмайди, балки сиёсат доимо таомиллашиб боради. Сиёсатнинг изчилиги ва легитимлиги унинг қанчалик одиллиги ва халқчиллиги, шунингдек, жамият аъзоларининг манфаатларига қанчалик мос келиши билан боғлиқ.

Сиёсат – кишиларни бошқариш санъатидир, шу билан бирга, сиёсат давлат ва жамиятни бошқариш тўғрисидаги фан ҳисобланади. Сиёсат ва сиёсатдоностарнинг фавқулодда ёки маҳфий, ҳадеб кўзга ташланавермайдиган хусусиятлари тўғрисида ҳам гапириш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, мутлақ демократик жамият бўлмагандай, бутунлай Эркин кишилар тўғрисида ҳам гап бўлиши мумкин эмас. Эркинлик – бу демократик жамиятдаги шахсларнинг онгли равишда амалга ошираётган фаолиятидан иборат. Идеал сиёсат бўлмаганидек, идеал демократик ҳокимият ҳам мавжуд эмас. Демак, сиёсат – тарихий, у кишиларни бошқариш санъати, у давлатни, жамиятни ўрганиш илми бўлиб, маълум бир макон, замон ҳамда аниқ вазият билан бевосита боғлиқ.

4. Сиёсатшуносликнинг қонуниятлари ва категориялари.

Сиёсатшунослик ҳуқуқшунослик, сиёсий тарих, социология фанлари билан жуда ҳам яқин. Бироқ сиёсатшунослик сиёсий фан сифатида ҳуқуқий фанлар учун методологик ёки услубий асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки сиёсатшунослик фанининг илмий-назарий асослари, холосалари ҳуқуқий фанларда акс этган масалаларнинг сиёсий моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди.

Сиёсатшуносликнинг *сиёсий тарих* фанидан фарқ қиласдиган томони шундаки, сиёсий тарихда давлатлар, сиёсий системалар, ташкилотлар, ҳаракатларнинг вужудга келиш тарихи, уларнинг амалий фаолияти, ташкилий тузилиши, анжуманлари билан боғлиқ масалалари ўрганилса, сиёсатшунослик асосий эътиборни давлатлар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, ташкилотларнинг сиёсат субъектлари сифатидаги ролининг очиб боришига ҳамда улар орқали жамиятдаги сиёсий ҳаёт, сиёсий жараёнлар ва рўй бериши мумкин бўлган сиёсий воқеаларнинг моҳияти ва унинг турли қирраларини илмий жиҳатдан очиб беришга қаратади.

Ўз ишвабатида, сиёсатшуносликнинг уни *социологиядан* ажратиб турасидан энг муҳим фарқи социология асосий эътиборини ижтимоий масалаларга қаратса, сиёсатшунослик кўпроқ сиёсатга оид муаммоларни ўрганади ва талқин қиласди. Демак, жамиятни бошқариш, идора қилиш ва уни барқарорлаштиришига бевосита дахидор бўлган давлат, халқаро сиёсий ташкилотлар, сиёсий партиялар, оммавий давлат ва нохукумат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш жамоаларининг фаолияти ҳам сиёсатшуносликнинг предмети ҳисобланади.

Сиёсатшунослик фани бошқа сиёсий фанлар каби маълум бир **қонуниятларни ўрганади**. Улар, олатда, икки гуруҳга бўлиб ўрганилади.

Биринчи гуруҳга мансуб бўлган қонуниятлар у ё бу мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётиди амал қиласдиган қонуниятлардан иборат. Масалан, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, ҳокимият тақсимоти механизмидаидан самарали фойдаланиш, сиёсий партиялар ўртасидаги соглом рақобатни таомиллаштириш, сиёсий бошқариш тамойилларидан унумли фойдаланиш каби кўпилаб қонуниятларни чисол келтириш мумкин.

Иккинчи гурухни халқаро сиёсий муносабатлар жабхасида амал қылувчи умумий қонуниятлар ташкил этади. Бундай қонуниятларда түрли давлатлар, түрли халқаро ташкилоттар, ҳудудий уюшмалар билан сиёсий алоқада ва ҳамкорликни амалга ошириш, жағон халқтарининг тинч-тотув яшашы учун олиб борилган саъй-харакатлар, халқаро низо ва келишмовчиликларни бартараф этишда сиёсий воситалардан фойдаланиши. инсоният олдида турган долзарб муаммоларни ҳал қилишда сиёсатнинг серкірра санъатидан фойдаланиш назарда тутилади.

Табиийки, сиёсатшунослик ҳам бошқа фанлар каби ўз *категориялари-га* ёки ўзига хос тушунчаларига эга. Улар жамиятда юз берадиган сиёсий воқеа-ходисаларни, сиёсий жараёнларни, сиёсий ҳаётни, сиёсий муносабатларни, давлатларнинг ички, ташқи, халқаро жабхадаги сиёсатини ҳилма-хил муаммоларини ифолалашга хизмат қиласи. Сиёсат, сиёсий ҳокимият, жамият сиёсий системаси, давлат ва нохукумат ташкилотлари, сиёсий партиялар, сиёсий ташвиқот, сиёсий муносабатлар, сиёсий онг, сиёсий маданият, демократия, халқаро сиёсий муаммолар, халқаро муносабатлар, сиёсатнинг субъекти, объекти, консерватизм, либерализм, легитимизм ҳокимият органлари, сайловлар ва бошқа тушунчалар сиёсатшуносликни турли сиёсий фанлардан фарқлашга ҳамда бу фанининг мөхиятини тушунишга хизмат қиласи.

Сиёсатшунослик фанининг айрим категориялари давлат, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар сингари тушунчалар фалсафа, сиёсий іктисод, сиёсий тарих, социология сингари фанлар учун ҳам муштарақ ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

Замонавий сиёсатшунослик мактаблари

№	Мактаблар	Тадқиқот соңалари	Асосий намояндайлари
1.	АҚШ – Буюк Британия сиёсатшунослик мактаби	Сиёсий модернизация, барқарорлик, сиёсий мажаролар, ташқи сиёсий масалаларини ишлаб чиқилиши.	С.Линсент, К.Райт, С.Хантингтон, Г.Мортентайу, Ж.Сартари, Р.Дарендорф
2.	Француз сиёсатшунослик мактаби	Сиёсии режимлар типологияси, легитимлик, партийий-сиёсий инфратузилма масалалариниң ўрганилиши.	М.Дюверже, Ж.Бурдо, М.Кроэье, Р.Арон
3.	Немис сиёсатшунослик мактаби	Сиёсий тиимларнинг қиёсий тақдизи, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқни давлатнинг амал қилишини муаммолари.	П.Майер, К.Фопп Бенне, И.Фетчер
4.	Поляк сиёсатшунослик мактаби	Жамият сиёсий ҳаёті, сиёсий тиизими демократлаштиришнинг асосий йўналишлари, концептуал тадқиқотлари	Ш.Боднер ва бошқ.
5.	Ўзбек сиёсатшунослик мактаби	Қиёсий сиёсий тиизлар, хорижий мамлакатларнинг демократлаштириш тажрибаси, сиёсий институтларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий модернизация муаммолари.	З.Мунаваров, С.Журев, Р.Жумасев, Р.Фармонов, И.Эргашев, С.огатуморолов, Н.Жўрасев ва бошқ.

Манба: Сиёсатшунослик асослари. Маргузилар тұлпами Т , 2005.

5. Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанининг ривожланиши.

Сиёсатшунослик фанининг ривожланиши, унинг фан сифатида ўрганилиши ҳамда олий ва ўрта маҳсус ўқув даргоҳларида ёшлар томонидан эгалланниши билан ҳам боғлиқ. Маълумки, собиқ шўролар даврида бу предмет фан сифатида инкор этиб келинди. Чунки ўша бир ёқламаликка асосланган коммунистик мафкура нуқтаи назаридан сиёсатшунослик «буржуа фани» деб баҳоланди ва уни ўрганишга эътиборсизлик билан қараб келинди. Ҳолбуки, мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, ўзгаришлар бошқа предметлар таркибида қўшиб ўрганилди. Сиёсатшуносликнинг айрим муаммолари сиёсий иқтисод, фалсафа, сиёсий тарих каби фанларга тиқиширилтиб ўргатилар эди.

Собиқ шўролар даврида сиёсий фанлар бошқа фанлар доирасида асосан марказда ўрганилиб, Ўзбекистон аҳолиси, айниқса, ёшлари бу жараёндан бутунлай четда элилар, десак муболага бўлмайди. Биргина мисол: Москва давлат ҳалқаро муносабатлар институтида «Дипломатия тарихи», «Дипломатия асослари», «Сиёсий тарих», «Халқаро муносабатлар тарихи ва назарияси», «Минтақашунослик», «Халқаро ҳуқуқ» каби сиёсий ва ҳуқукий фанлар ўрганилган бўлиб, бу даргоҳда таълим олган ўзбекларнинг сони 70 йил ичida бармоқ билан санарли эди. «Халқаро дўстлиги» шиори остидаги бу мустамлақачилик сиёсати бошқа миллат нақиллари қатори ўзбекларнинг миллий, сиёсий онгини оширишга, уларнинг ичидан кадрлар, ҳарбий мутахассислар, айниқса, сиёсатшунослик, ҳалқаро муносабатлар ва дипломатия соҳасида иқтидорли, етук, кўзга кўринган давлат ва жамоат арбобларини стиширишга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришанидан кейин ўтган ўн олти йилдан кўпроқ вақт давомида асрга татигулиқ тарихий давр босиб ўтилди. Мустақилликнинг дастлабки Йиллариданоқ мамлакатимиз олий ўқув юртларида «Сиёсатшунослик»ни алоҳида фан сифатида ўрганиш ва ўқитилишига киришилди. Бу фан бошқа сиёсий фанлар қатори олий ўқув юртларимизнинг ўқув режаларига киритилди ва кенг ўрганилмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Президент хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси, Тошкент Ислом университети каби олий ўқув юртлари ҳам мустақиллигимиз маҳсулни бўлиб, бу олий ўқув юртларида ҳалқаро муносабатлар, ҳалқаро ҳуқуқ, дипломатия, исломшунослик соҳалари бўйича иқтидорли мутахассислар тайёрланмоқда. Бу олий ўқув даргоҳларида сиёсатшунослик фанига ҳам кенг ўрин берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси сиёсатшунослик фани бўйича магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёзиш ва ҳимоя қилишга онд ихтисослашган кенгашлар тузди. Натижада қисқа вақт ичидан ўнглаб мутахассислар сиёсий фанлар магистри, номзоди ва доктори илмий даражаларини олишга муваффақ бўлдилар.

Ҳозирга қадар сиёсатшунослик фани бўйича бир қатор дарсликлар, ўқув қўлланималари, ўқув дастурлари гузилди. Кўплаб илмий асарлар, мақолалар ёзилиб, нашр этилмоқда. Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанининг ривожи, истиқболлари Ватанимизда амалга оширилаётган чукур иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ислоҳотлар ва ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Юртимиздаги осойиншалик, барқарор ривожланиши, ҳалқимизнинг бунёд-

корлиги, ўз миллий урф-одатлари, тарихий бой анъаналари тикланди ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг ўзбекча модели жаҳон жамоатчилигини ўзига жалб қилмоқда.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичидаги биринчи бўлиб бозор иқтисодига асосланган адолатли, демократик жамият қуришга ўтиш даври муаммолари ни муваффақиятли ҳал этмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг бутунги кундаги муаммолари, унинг бой тарихий мероси, истиқболлари, хорижий мамлакатлар билан алоқалари, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятияга тўлақонли аъзо бўлиши ва ўз мустақилигини мустаҳкамлаш жараёнлари Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанининг ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Жаҳон тараққиёти қоидаларига асосланган сиёсатшунослик фанининг мазмун-моҳиятини мустақил Ўзбекистон тажрибалари асосида бойитиш, етук мутахассис кадрлар етиштириша ана шу тажрибалардан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ва ташки сиёсатини атрофлича ўрганишини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон» нашриётида ўзбек ва рус тилларида чоп этилган асарлари тўғламида мустақиликка эришилган 1991 йилдан бўён ўтган давр ичидаги Ўзбекистонда амалга оширилган муҳим иқтисодий, сиёсий, сояйиб ва маданий ўзгаришлар яқдol акс этган. Сиёсатшуносликни фан сифатида ўрганиш ва ўқитишида И. Каримов асарлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам муҳим манба ролини ўтайди. Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанининг ривожида 1997 йилда ишлаб чиқилган ва бугунги кунда унинг учинчи босқичидаги вазифалари ижросига киришилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг аҳамияти ҳам диққатта сазовор.

СИЁСИЙ ФИКРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Режа:

1. Кадимги Шарқда сиёсий, ҳукуқий фикрнинг пайдо бўлиши.
2. Кадимги Юнонистон ва Римда сиёсий ва ҳукуқий билимлар ривожи.
3. Ўрга асрларда Европада шаклланган сиёсий таълимотлар.
4. Ўйғониш даври ва Реформациянинг сиёсий гоялари.
5. Сиёсий ва ҳукуқий билимларнинг янги даврдаги ривожи.
6. XX асрдаги сиёсий таълимотлар.
7. Ҳозирги замон сиёсатшунослигининг асосий оқимлари ва янги тамойиллари.

1. Кадимги Шарқда сиёсий-ҳукуқий фикрларнинг пайдо бўлиши.

Сиёсий таълимотлар тарихи фақат сиёсатшуносликклика эмас, балки ижтимоий фанлар тизимида ҳам муҳим ўрин тутади. Зоро, сиёсий таълимотларда турли синflар ва ижтимоий гурухларнинг манфаатлари ўз ифодасини топади. Мазкур манфаатлар сиёсий ҳокимият томонидан ҳимояга муҳтоҷ бўлади ва ушбу эҳтиёж ҳукмрон синflарни ўз назарияларини ишлаб чиқиш ва асослашга даъват этади.

Бундан ташқари, сиёсий таълимотлар тарихи – улкан тажриба. Замонавий сиёсий ҳайётнинг бирон-бир муҳим масаласини усиз ҳал этиш мумкин эмас. Бу тажриба ҳозирги давр учун долзарб бўлган кўплаб оригинал ечимларни ўз ичига олгани ҳолда, олимлар ва амалиётчиларга ўз изланишларини ўтмиш тажрибаси, олдинги даврнинг ўзига хос хусусиятлари билан қиёслашдан иборат ноёб имкониятни ҳам яратиб беради.

Сиёсий фикр инсоният тамаддунининг вужудга келиши билан бир вақтда пайдо бўлган. Тамаддунининг ilk ўюқлари Шарқда – Миср, Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитойда тахминан милодгача бўлган 4 минг йилликда юзага келди. Шаҳарлар, давлатлар, ёзув, теварак-атрофни ўраб турган дунё ҳақидаги билимлар айнан шу ерда пайдо бўлган. Савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривожланган, кишилар ва кишилар гурухлари ўртасидаги мулкий тенгизлиқ уларнинг ижтимоий мавқеи билан асоратта солиниши натижасида вужудга келган. Цивилизация инсоннинг фақат оила, уруғ жамоаси доирала-ридагина эмас, балки давлат доирасида, яъни ижтимоий-иктисодий ва син-фий тенгизлиқ ҳукмронлик қилиш ва бўйсуниш шароитларида ҳам биргалиқда яшай олиш қобилиятини тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси инсонларнинг ilk сиёсий тасаввурларида ўз аксини топади.

Чунончи, Мисрда ҳозирга қадар маҳаллий ҳукмдорлар бўлмиш фиръавнлар улуғворлигининг рамзлари бўлган мақбара-пирамидалар сақланиб қол-

ган. **Фиръавн** сиймосида ҳукмдорнинг олий сиёсий ҳокимияти ҳам, бош коҳин, яъни маънавий ҳукмдор ҳам бирлашган эди. У табақаларнинг ижтимоий «пирамидаси»нинг тепасида турадиган ва яратувчи худо билан одамлар орасида воситачи ҳисобланган.

Энг қадимги сиёсий-диний ҳужжатлардан бири – **«Птахотеп насиҳатлари»** (милодгача бўлган XXVIII аср) да барча мисрликларнинг фиръавнга сўзсиз ва мутлақ бўйсунишлари, ижтимоий тенгисизликининг зарурияти ва мақсадга мувофиқлиги, хўжайинларнинг «куйи» табақага мансуб одамларга яхши муносабатда бўлишлари лозимлиги ҳақида сўз юритилган.

Месопотамияда Вавилония, Оссурия ва Хетт подшолигининг қонунлари энг муҳим ёдгорликлардир. Улар подшоларни ўз аъёнлари ёрдамида ҳукмронлик қилувчи, худоларга ўхаш мавжудотлар сифатида тасаввур қилганлар. Масалан, Вавилон подшоси Хаммурали қонунларида (милодгача бўлган XVIII аср) ҳукмдор қаттиққўл, аммо «кучлиниң кучизини хафа қилишига йўл қўймайдиган, етимлар ва бойларга нисбатан адолат кўрсатилиши» ҳақида гамхўрлик қилувчи, ўз фуқароларининг адолатли отаси сифатида таснирланган.

Қадимги Ҳиндистонда муқаддас матнлар ва **Веда битиклари** сиёсий ғояларнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилган. Инсоннинг тўғри, имонли ҳаёт кечиришини белгилаб берувчи диний-фалсафий, сиёсий, ахлоқий ва ҳукуқий қоидаларнинг йиғиндинсиздан иборат бўлган **«Ману қонунлари»** (инсонларнинг афсонавий аждоди) да ҳам муқаддас китобларнинг таъсири сезилиб туради.

Қадимги Ҳиндистонда яратилган энг машҳур ва мазмундор сиёсий рисола **«Артхаастра ёки сиёсат шами»** бўлиб (милодгача бўлган IV-III асрлар), унинг муаллифи брахман Каутилья ҳисобланади. Рисолада энг муҳим давлат, сиёсат ва хўжалик масалаларининг бутун мажмуси таҳлил этилган, амалий маслаҳатлар берилган.

Ушбу китобнинг давлат асосларига бағишланган бўлимида шундай лей-илади: «Давлатнинг асосий унсурлари қўйидагилар: подшо, вазир, мустаҳкамланган шаҳарлар, қишлоқ жойлари, хазина, қўшин ва иттифоқчилар». Асарда «идеал подшо», айниқса жуда муфассал тавсифланган. Одамларни унинг томонига жалб қилувчи сифатлар нуқтаи назаридан у юқори наасабли, баҳтили ва омадли, адолатли, сўзидан қайтмайдиган, ўз атрофига ёмон одамларни йўлатмайдиган киши бўлиши лозим. У қизиқувчалик, ўқишга, билишга бўлган қобилият, билган нарсаси хусусида фикр юритиш, маъносиз фикрларни рад этиш ва ҳақиқатни изчил ҳимоя қилиш сингари ақдий сифатларга эга бўлиши керак. Унинг фаолияти сўзамоллик, топқирлик, яхшилик, узоқни кўра билиш, ёмонликни қайтара олиш, уруш зълон қилиш ёки сулҳ тузишда моҳир бўлиш каби ижобий хусусиятлар билан ажralиб туриши, шунингдек, у ҳирсдан, очкўзлик, паришонхотирлик, тухматта мойиллик каби салбий сифатлардан холи бўлиши лозим. Асарнинг шу бўлимида қўйидагича огоҳлантириш ҳам мавжуд: «ижобий фазилатларга эга бўлмаган шоҳ ўз фуқаролари ёки душманлари қўлида ҳалок бўлади»¹.

¹ Хайдаров А. А. и др. Основы политологии. Т., 2003. С. 20.

Подшоҳ томонидан ўтказиладиган машваратлар (мажлис, йиғилиш)га алоҳида эътибор берилган. Машварат ёпиқ бўлиши, «ундан бирон сўз ташқа-рига чиқмаслиги, у ерга қушлар ҳам назар ташлай олмаслиги» кераклиги уқтирилган.

Машваратнинг қўйидаги бешта унсури санаб ўтилади:

- ишга киришиш усули;
- етарли миқдордаги материал ва одамларнинг мавжудлиги;
- вақт ва жойнинг белгиланиши;
- муваффақиятсизликларга қарши турла олиши;
- ишнинг хайрли якунланиши.

Асарнинг «Ўз мамлакатида содиқ қишиларнинг ва сотқинлик кайфиятидаги одамлар тоифаси орқасидан кузатиш» деб аталган бўлими алоҳида диққатта сазовор. Бу ўринда жосуслик ва провокациялар техникаси тасвирлаб берилган. Асосий мансабдор шахслар – оддий шаҳарликлар, қишлоқ аҳолиси – барчанинг ортидан доимий кузатув олиб бориши лозим.

Жосусларга одамлар тўпланадиган жойларга – мажлислар залларига ва ҳатто, ибодат учун таҳорат олинадиган жойларга кириб олиш тавсия этилган. Соchlари қирилган ёки ўриб олинган дарвешлар қиёфасидаги жосуслар одамларнинг мамнунлиги ёки норозиликларини билиб олишлари зарур бўлиб, бу ҳукмдор сиёсатидан мамнун ва рози бўлганларни подшоҳ ўз тұхфа ва инъомлари, илтифоти орқали сийлаб, норозиларни жазога тортиши учун асос бўлган.

Қўриниб турибдики, подшоҳ ҳокимияти томонидан жосусларга тавсия қилинаётган хатти-ҳаракатлар нуқтаи назаридан қараганда «идеал подшоҳ» образи ўз жозибасини йўқотади.

«Артхашастра»да таъкидланишига кўра, давлат ташқи сиёсатида олтита усулдан фойдаланиши лозим:

- душман томонларини ўзига боғлаб қўювчи шартнома тузилишини тақозо этувчи сулҳ;
- рақибга зиён етказиш мақсадида урушиш;
- бефарқлиқ ҳолатида кутиш вазияти;
- ҳужум, яъни душманга ҳужум қилиш чора-тадбирларини кўриш;
- четдаги бошқа бирор билан, бошқа давлатлар билан иттифоқ тузиш йўлини излаш;
- гоҳ уруш, гоҳ сулҳдан фойдаланишдан иборат икки ёқлама сиёсатдан фойдаланиш.

Асарда кўриб чиқилган қўйидаги масала ҳам диққатга сазовор: кучли, лекин адолатсиз ҳукмдорга қарши уруш бошлиш керакми ёки кучсиз, лекин адолат билан ҳукмронлик қилаётган ҳукмдорга қаршими? «Артхашастра»даги жавоб қўйидагича: кучлироқ бўлган, лекин адолатсизлик билан ҳукмронлик қилаёттан подшоҳга қарши бориш зарур. Зоро, бундай ҳукмдорга ҳужум қилинса, унинг фуқаролари унга ёрдам бермайдилар; улар ўша ҳукмдорни қуниб юборишлари ёки душман томонга ўтишлари мумкин. Агар анча заиф, лекин адолатли ҳукмдорга ҳужум қилинса, у ҳолда фуқаролари унга ёрдам берадилар ва урушнинг оқибати қандай тугаши номаълум бўлади.

Рисоланинг бошидан охиригача ҳар қандай воситалар билан ҳокимият

ва бойликни күлгө киритиш, ҳимоя қилиш ва кенгайтириш лозимлиги таъкидланади. Ҳусусан, яхши воситалардан ҳам, шунингдек, агар улар ишончли ёки бирдан-бир имконият бўлса, салбий воситалардан ҳам бир хилда фойдаланиш керак¹. Бир неча минг йил ўтгандан сўнг бу фикрни италиялик сиёсат-шунос Н. Макиавелли ҳам алоҳида такрорлаган.

Қадимги Хитойда сиёсий фикрнинг туғилиши ва унинг ҳусусияти жиддий ўзига хосликка эга эди. Гарчи осмон иродаси олий, белгиловчи ибтидо – дао (йўл, қонун) сифатида тан олинса-да, унга муқаллае китоблар таъсир кўрсатмаган. Хитой донишманларининг дикқат марказида давлатни ташкил этиш, уни бошқариш, инсон ва жамият муносабатлари мӯаммолари турар эди.

Бу ҳол Хитойнинг буюк файласуфи **Конфуций** (асли номи хитойчага Кун Фу-цзу – маъноси кун устози, милоддан олдинги 551-479 йиллар) ижодила яққол намоён бўлади. Конфуцийнинг асосий асари «Лунь-юй» (Баҳе ва таҳни) ҳисобланади. Унинг таълимоти конфуцийлик деб аталиб, Хитой тарихида диннинг ўзига хос эквиваленти вазифасини бажарган.

Конфуций Хитойнинг Лу подшоҳлигига туғилиб, ҳаётининг аксарият қисмини шу ерда ўтказган. Конфуций яшаган даврда Лу подшоҳлигига ички ижтимоий-сиёсий вазият ўта оғир бўлған. Подшоҳ номиганна таҳтда ўтирган, асосий сиёсат ва ҳукмронликни ўша даврдаги кучли қабила бошқартган. Ушбу вазиятдан келиб чиқиб, Конфуций ўз асарларида ҳукмдорнинг адолатли бўлиши, олиб борилаётган сиёсатнинг ҳалқ манфаатларига мослигини таъминлаш ҳақида орзу қилиган. Ўз асарларида у шу ғояларга даъват қилиб келган. Конфуций таълимотидаги энг муҳим ғоялардан бири ҳокимият билан ҳалқ ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳалқнинг ишончини сақлаб қолишдан иборат эди. Акс ҳолда, унинг фикрича, давлат таназзулга юз тугади².

Конфуций қадимги давр меъёрларини чуқур ўйлаган, ўзи яшаган воқеликни ҳисобга олган ҳолда ижодий талқин қилиган. Ҳокимият келиб чиқишининг илоҳий ва табиий жиҳатларини тан олар экан, у одамларининг ҳаётини қай тарзда ташкил этиш, давлатда адолатли ва оқилона тартибни таъминлашни ўзининг асосий мақсади деб билган. Бу тартиб бенита турли хил ўзаро тенг бўлмаган муносабатларни тақозо этади: ҳукмдор ва тобелар, эр ва хотин, ота ва ўғиз, ака ва ука, устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар. Уларда бир томондан фармойиш, амр-фармон, иккинчи томондан, сўзсиз бўйсуниш бўлиши лозим. Ҳукмдорликни адолат ва марҳамат билан олиб бориш, бўйсунгандаги эса садоқат ва самимийлик кўрсатиш керак. Шу билан бирга, Конфуцийда дўстлар ўртасидаги муносабатлар ҳам алоҳида ўринга эга бўлиб, дўстликда ҳар икки томон эзгулик қоидасига амал қиласидилар.

Конфуций сиёсий таълимоти асосида эзгулик, инсонийлик тамойили ётади. Инсонийлик нима? – деган саволга у шундай жавоб берган: «Уйда ўзини одоб билан тутиш, ишга эҳтиром билан қарап, бошқалар билан муносабат-

¹ Қаранг: Арташаstra или наука политики. М., 1993. С. 31-37; 284-299.

² Муссий И. Сто великих мыслителей. М., 2004. С. 33.

да ҳалол бўлиш»¹. Унинг одоб-ахлоқコレクсынинг олий мақсади – давлат ва жамиятда адолатли ижтимоий-сиёсий режим ўрнатишдан иборат эди.

Конфуций давлатнинг патриархал-патерналистик концепциясини ривожлантирган. Унинг таъкидашича, давлат – катта оиласидир. Император ҳокимияти гўё оила бошлиги – отанинг ҳокимиятидек адолатли ва қўл остидагиларга меҳр-шафқатга асосланган. Ҳукмдор ва фуқаролар муносабати – оила аъзалирининг муносабатини эслатади: кичиклар катталар қарамогида ва уларга итоат қиласиди. Конфуций одамларни ижтимоий келиб чиқишига кўра 4 қатламга ажратади:

- 1) аслзодалар (ҳар қандай билимга туғилишдан эта);
- 2) билимларга ўқиши-ўрганиш жараёнида эга бўлганлар;
- 3) билимларни қийинчилик билан ўзлаштирувчилар;
- 4) билим олишга интилмайдиганлар.

Шу тариқа, одамлар ўртасида тенгисзлик мавжудлиги ва оми одамлар, куйи табакалар, кичиклар олий насаб аслзода, катталарга бўйсунишлари зарурлиги белгилаб берилади. Ҳокимият оқсусяклар қўлида тўпланиши лозим. Конфуций ҳокимиятнинг адолат ва меҳр-шафқатга асосланиши кераклигини, фуқаролар эса исёнлардан ўзларини тийишлари лозимлигини ўқтиради. Бошқариш – ҳаммани жой-жойига қўйиш демакдир². Давлат ҳокимияти халқ ишончисиз мавжуд бўла олмайди, аммо ҳукмдорлар ҳаммага ўринак бўлишлари лозим. Конфуций таълимотига кўра, «Ҳукмдор халқни ўз фарзандидек севиши, фуқаролар ҳукмдорни ўз отасидек ҳурмат қилиб, эъзозлаши лозим», дейилади. Одамларнинг «нажиб» ва паст кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди, дейилган. Бу таълимот Хитойда кўп асрлар давомида ҳукмрон идеология бўлиб хизмат қилиб келди.

Адолатли тузум ўрнатиш барча одамларга, энг аввало, уларни бошқарётган кишиларга даҳлдор бўлган муайян қоидалар (ли) ва меъёрлар (сю) га риоя қилинган тақдирлagini мумкин бўлади. *Ли* – бошқарувнинг поғонали тизимида одамларнинг хулқ-атвор қоидалари бўлиб, улар айримларни хушомадгўйликдан, бошқаларни ўзбошимчаликдан асрайди ва уларнинг ҳар бирiga ўз қадр-қимматини сақлаш имконини берали. Ҳукмдор мансабдорлардан лига мувофиқ равишда фойдаланишга, мансабдор эса лига қатъий риоя этишга мажбур. Лига сўзсиз риоя қилинмаган тақдирда бутун бошқарув тузилемаси яроқсиз бўлиб қолади ва охир-оқибат бузилади.

Сю меъёрлари ўз табиати ва вазифаларига кўра анча кенгроқдир. Оиласидаги, уруғдаги, барча дараражадаги қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатларнинг жами мана шу меъёрлар билан тартибга солинган. Бу меъёрлар Хитойга хос бўлган қариндошлий муносабатлари маданиятини таъминлади. Оиласидаги қариндошлар ўртасида ўзаро ҳурмат муносабатларининг йўлга қўйилиши жамият ва давлатда тўғри муносабатлар ўрнатилишининг гаровидир.

¹ Антология мировой политической мысли. В 5. Т. 1. М., 1997. С. 53.

² Юсупова Г.Х., Бугаева Г.А. Сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланишини тарихи. Политология курси бўйича маъruzалар матни. 1-қисм. Т., 2000 . 7-14-бетлар.

Конфуцийликда инсоннинг фақат хулқ-авторига эмас, фазилатига хос хусусиятларга ҳам дахлдор бўлган яна бир меъёр – **женъ** (женъ – инсонни севиш, инсонийлик маъносида қўлланилган) бор. Бу сўзнинг моҳиятини Конфуцийнинг қуйидаги мулоҳазаларидан англаб олиш мумкин: «Агар одобри бўлсангиз, сизга нисбатан ҳурматсизлик қўлмайдилар; агар тадбиркор бўлсангиз, сизни қўллаб-кувватлайдилар; агар сиз ҳалол бўлсангиз, сизга ишонадилар; агар жиддий бўлсангиз, муваффақиятга эришасиз; агар хушфеъл бўлсангиз, бошқаларнинг хизматларидан фойдалана оласиз»¹. Женнинг маъноси ана шу фазилатларга эга бўлиш ва уларни доимий равишда рўёбга чиқаришдан иборат. Умумлашган хулоса шуки, «сиёсатда женига жиддий амал қилинса, ҳалқни осон бошқариш мумкин»². Конфуций вафотидан бир неча аср кейин унинг сиёсат соҳасидаги гоялари расмий мафкура даражасига кўтарилиган ахлоқий-сиёсий доктринага асос бўлиб хизмат қилди.

Конфуций таълимоти танқилчилари “бу олижаноб таълимот, бироқ реалистик эмас, ундан Шарқ мустабидлигини мафкуравий жиҳатдан оқлаш мақсадларида фойдаланса бўлади”, деган фикр билдирадилар.

Чунончи, Хитой сиёсий фикрининг конфуцийлик билан рақобатда бўлган оқими – легизмнинг асосчиси **Шан Ян** (милодгача бўлган 390-338 йиллар) конфуцийлик услубидаги эзгуликка чақиришларни – Қуруқ маҳмадоналик, конфуцийчиларни эса – ҳалқнинг елкасида ўтирган паразитлардир, деган эди. Шунга қарамай, факт фактлигича қолди: «миллиарл аҳолига эга бўлган Хитой XX асрнинг ушбу мамлакатни ларзага келтирган барча инқилобларга қарамай, ҳозирга қадар ўзининг қадрият мезонлари, одатдаги маданий стереотиплари, турмуш тарзи ва жамиятдаги ўзаро муносабатларнинг табиатига кўра асосий эътибори билан конфуцийлик мамлакати бўлиб қолмоқда. Конфуцийликнинг тарихий аҳамияти ҳам мана шундадир»³.

2. Қадимги Греция ва Римда сиёсий фикрининг ривожланиши.

Қадимги Грециянинг сиёсий фалсафаси ҳақли равиша Қадимги дунёсиёсий фикрининг чўққиси ҳисобланади. У аввал-бошданоқ озод кишилар мафкураси сифатида ривожланди, шу сабабли унинг асосий қадрияти озодликдир. Элладанинг жуғрофий жойлашувига хос хусусиятлари, бошқарувнинг турли шакллари ёнма-ён яшаши, давлатлараро муносабатлар ва маданий услубларнинг хилма-хисилиги сиёсий ҳаётнинг ҳақиқатан бой бўлишини таъминлади. Кўплаб шаҳар-давлатларда фуқаролар ҳокимиятни бошқаришда фаол иштирок этдилар, ҳокимиятнинг легитимлиги дунёвий бўлиб, бутун Эллада ҳокимият учун шафқатсиз кураш майдонига айланди.

Дастлаб юнонларда ҳам сиёсат ҳақида афсонавий тасаввурлар (Гомер, Гесиод ва бошқалар) мавжуд эди. Бироқ милодгача бўлган VI-V асрларга келиб, улар билишининг фалсафий усуслари, рационалистик ёндашувлар томонидан сиқиб чиқарилдики, буларнинг чўққиси мантиқий-тушунчавий таҳ-

¹ Мусский И. А. Сто великих мыслителей. М., 2004. С. 35.

² Ўша жойда. 36-бет.

³ Василев Л. С. Вопросы истории. 1989. № 3. С. 105.

лил (Сүкрот, Платон), эмпирик (Аристотель) ва тарихий (Полибий) тадқиқотлар бўлди.

Платон (Афлотуи) (милоддан олдинги 427-347 йиллар) Афинадаги зодагон оиласдан чиққан ва Сүкротнинг шогирди эди. Платон буюк сиёсий-фалсафий даҳо сифатида ўзининг ҳастини адолатта йўтирилган давлат тузиш лойиҳасини яратишга бағишилади. Натижада, у объектив идеализм фалсафасига асос солди. Платон идеал давлатнинг соғр рационал моделини яратишга интилган эди. Унинг давлатчилик ҳақидаги таълимоти, ғоялар назарияси, этика ва гносеологияси – донишманл фалсафасининг асоси ҳисобланади. Платон ўзи яшаган даврнинг ижтимоий-сиёсий қийинчиликларига қарамасдан, барқарор ижтимоий тизимнинг қонун-қоидалари, тартиб ва тамойилларини яратишга ҳаракат қилди. Платоннинг фикрича, давлатчиликнинг асосий ғояси «адолат ғояси, унинг идеал сиёсий режим яратишдаги хизматидир»¹. Кўплаб саёҳатлар қўлган ва ҳастни кузатган Платон мавжуд ҳукуматлар нотўри бошқарилади, леган хуносага келган эди. Унинг фикрича, ҳалқни ҳаётнинг барча мураккабликларидан мансаб лавозимларини эгаллаган тўғри фикрловчи файласуфлар ёки худо инояти билан файласуф бўлган ҳукмдорларгина халос эта оладилар².

Атрофни ўраб турган дунёда ҳамма нарса пайдо бўлади ва йўқ бўлиб кетади, ғоялар оламида эса давлат ўз табиатидаги тугаллик туфайли ўзгаришлардан ташқарида мавжуд бўлади. Бу давлатда ҳеч қандай зиддиятлар бўлиши мумкин эмас, ҳамма нарса оқилона кўрилган бўлиши лозим. Платон утопия яратишдан иборат назарий фаолият билан шуғуллана бошлаган. У ўз тафаккурида воқеиликда мавжуд бўлмаган, қачонлардир ҳаётга татбиқ этилиши эҳтимолдан узоқ бўлган нарсанинг образини яратди. Шунга қарамай, Платон ўз ғояларини амалга ошириш имкониятларига эга бўлишга интилган эди. Сиёсат нима, леган саволга Платон, «ҳақиқий сиёсат – тўғри тарбиялаш йўли билан фуқароларни адолатли ва комил қилиб етиштиришдир», деб жавоб берган эди³.

Платоннинг сиёсий ғоялари унинг «Давлат» асарида тўлиқ баён қилинган. Диалог иштирокчилари чинакам адолат ҳукмрон бўлган идеал давлат қиёсасини яратишга интилганлар. Платоннинг фикрига кўра, давлатдаги барқарорликнинг гарови меҳнатни кўнгил мойиллигига қараб тақсимлашдир. Давлатни мазкур вазифа учун маҳсус тайёрланган файласуфлар табақаси бошқариши лозим. Данлатни ҳимоя этиш – алоҳида соқчилар табақасининг иши. Учинчи табақа – дехқонлар ва ҳунармандлар – давлатнинг фароновониги учун вижданан меҳнат қилишлари лозим.

Платон биринчи ва иккинчи табақанинг ҳаёт тарзини муфассал тасвирлайди, аммо дехқонлар ва ҳунармандларнинг турмуш тарзи борасида ҳеч нарса демайди ва бу ҳол тасодифий эмас. Платоннинг фикрига кўра, бу табақа давлатда ҳеч нарсани ҳал этмайди. Давлатнинг барча ишлари биринчи ва

¹ Карап: Кузинин В. И. Словарь античности. Платон. М., 1989. С. 436.

² Мусский И. А. Сто великих мыслителей. М., 2004. С. 69.

³ Ўша жойда. 69-бет.

иккинчи табақа билан боғлиқ. Бир-бирининг ишларига араташиш, бир табақадан бошқасига ўтиш – давлат учун жуда улкан зарар. Мана шундай давлатдагина тұла адолат үрнатылади.

Платон ўз фояларини Сицилияда (Сиракуза) ҳәётта тәтбиқ этишига уринди. Бундай уринишилардан ҳеч қандай амалий натижә чиқмади. Фояларининг утопиядан иборат эканлигини ҳис эттан Платон умранинг охирларила яратған «Қонунлар» асарыда кишиларни мажбуран бўйсундириб «баҳтли» қилувчи ҳарбий-полиция давлатчилигини ташкил этиши ҳақида ҳам фикрлар билдириб ўтган эди.

Платон фақат идеал давлат ҳақидаги таълимотни яратибгина қолмай, давлат кўринишининг бошқа шакллари ҳақида ҳам фикр юриттган. Платоннинг фикрича, давлат кўринишининг идеал шаклита қонунчилик ва ақл-идрок асосида фуқароларнинг энг яхшилари ҳукмронлик қиласидан аристократик республика яқин туради. Бироқ адолатли давлат кўришининг асоси бўлган ақл-идрок тамойили билан бир қаторда инсон руҳида бошқа кучлар ҳам борки, улар асосида давлат кўринишининг сохта, бузилган шакллари ётиши мумкин¹.

Платон томонидан яратилган идеал давлат лойиҳасини унинг энг машҳур шогирди *Аристотель* бу борада ўзининг машҳур бўлиб кетган «Платон менинг дўстим, аммо ҳақиқат азизроқдир» деган иборасини айтиб танқид остига олди. У Платонни ҳар бир кишининг шахсий баҳтига шутур етказган ҳолда, давлатнинг ролини орттириб юборгани учун танқид қилди, одамларнинг учта типи ҳақидага афсонанинг қачонлардир ҳақиқатга айланishi га шубҳа билдирилди, чунки, унинг фикрича, одамлар мағрур ва ҳасадгўйдирлар, улар ҳеч қачон ўзлари учун олдиндан белгилаб қўйилган ролларга рози бўлмайдилар.

Аристотель ҳарбийлар табақасида аёллар ва болаларнинг умумий бўлишига қарши чиқиб, жангчиларда хусусий мулкнинг бўлмаслиги ҳақидаги фикрларга нисбатан ўзининг муносабатини билдирар экан, инсоннинг табиатига фақат унга тегишли бўлган нарсалар ҳақида ғамхўрлик қилиш истаги хослигини таъкидлаб ўттан эди. Мулкий тенглик ижтимоий ҳаётининг турғунлигига ва кучли, истеъодли одамларнинг порозиликларига сабаб бўлиши мумкин. Мулк бўлмаса, инсон ўзининг меҳнатсеварлик, аёлага ҳурмат, болаларга меҳр, сахийлик ва саҳоватпарварлик сингари энг яхши хислатларини намоён эта олмайди.

Барибир, давлат тузумининг ана шу адолатсиз, сохта шаклларига ишди-видуал характеристлар типлари мос келади. Ақл-идрок ва донолик билан бир қаторда инсонларга ҳокимиятпаратслик, шуҳратпаратслик, очкўзлик, худбинлик қаби сифатлар ҳам хоски, улар жамият *аристократик* тузилишининг айниши ва бузилишига олиб келиш мумкин.

Донолар давлати (аристократия) *тимократия*, яъни куч ва шуҳратпаратслик ҳокимияти билан алмашади. Ҳокимият тепасида ҳаётининг бутун мазмуни уруш ва бойлик орттиришдан иборат бўлган жангчилар туради.

¹ Платон. Государство // Собр. соч. В 4 т. Т. 3. М., 1994. С. 330-359.

Шундай қилиб, тимократия бошқарувнинг олигархия шаклига айланиши мумкин.

Олигархия (оцилик ҳокимиияти) – бу ҳокимият тепасида бойлар туралидиган тузум, у мулк цензига, яъни мулкий чеклашга асосланган. Олигархик давлатларда олижаноб одамлар ҳам ҳукмдорларнинг манфаатиарастлиги туфайли камбағаллик ва хонавайрон бўлишдан, фуқаролик ҳукуқларини йўқотишдан қочиб қутула олмайдилар. Бундай одамларнинг қалби нафратга тўлади ва улар давлат тўнтириши қилиш режасини ўйладилар, барча маблағларини ана шу мақсад йўлида сарфлашдан ҳам қайтмайдилар. Камбағалларнинг ғалабаси эса демократик давлат кўринишига ўтишни билдиради.

Демократияда Греция шароитларида фуқароларнинг ўзига хос тенглиги мавжуд эди. Кўп масалалар қуръя ташлаш орқали ҳам қилинар, форумларда муҳокамага қўйиларди. Бироқ ҳалқ йигинида ҳамма нарсани чаққон демагоглар томонидан бошқарилиб турувчи оломон ҳам этган. Натижада демократия – бу ҳалқ ҳокимиияти эмас, балки ҳалқ кимнинг тасири остида бўлса, ўшанинг ҳокимиияти бўлиб қолар эди. Энг асосийси, Платоннинг фикрига кўра, демократия чекланмаган озодликни жорий этди, ҳамма нарсага йўл қўйиб бериш хаосга, яъни тартибсизликка олиб келди, одамлар ҳатто қонун билан ҳам ҳисоблашамай қўйдилар.

Бироқ «... месъеридан ортиқ озодлик айрим шахс учун ҳам, давлат учун ҳам ҳаддан ортиқ қулликдан бошқа оқибатта олиб келмайди. Демократия ҳаддан ортиқ озодликдан тиранияга айланиб кетади, – деган эди Платон, – энг буюк ва энг шафқатсиз қуллик пайдо бўлади. Одамлар тартиб йўқлигидан безор бўладилар, ана шу пайтда тираннинг мудҳиш гавдаси намоён бўлиб, у тартиб ўрнатади, бироқ одамлардан озодликни тортиб олади».

Аристотелнинг асосий сиёсий асари «Сиёсат» ҳисобланади. «Давлат, – деган эди Аристотель, – одамларнинг ўзаро мuloқотда бўлиш, бир-бирларига ёрдам бериш, умумий эҳтиёжларини қондириш зарурати туфайли пайдо бўлади. Фақат худолар (улугликлари сабабли), варварлар (қолоқликлари сабабли) ва ҳайвонлар (ақл-идрокка эга бўлмаганликлари сабабли) давлатга эга эмаслар. Давлатнинг асоси инсоннинг ақл-идрокка эга табиатидир. Адолат ва адолатсизлик, эзгулик ва ёвзлик, ҳақиқат ва ёлғон ҳақида тушигчаларга эга бўлган ҳолда одамлар давлат мuloқоти шароитларида яшай оладилар.

Давлатдаги энг асосий куч – ҳокимиият, у давлатни жипслаштиради ва унинг айрим бўлакларга бўлинниб кетишига йўл қўймайди. Давлатда ҳам, худди оиласидаги сингари, кимдир бошқариши, кимдир эса бўйсуниши лозим. Бир давлат бошқа давлатдан ҳокимииятнинг ташкил этилиш шакли билан фарқ қиласи.

Аристотель давлат кўрининининг унга маълум бўлган *158 турши* таҳлил қиласи ва мана шундай катта фактик асосга сунянган ҳолда, давлат кўрининиши шаклларининг типологиясини ишлаб чиқкан. Даълат кўрининининг барча шакллари, Аристотелнинг фикрига кўра, учта «нотўғри» шаклга бориб тақалади. Битта энг яхши одам ҳукмроилик қиласиган давлатнинг тўғри шакли *подшоҳ ҳокимиияти* леб аталади; энг яхши одамлар бо-

шқарадиган түғри шакли *аристократия*, күпчиликни түғри бошқариш эса *полития* деб аталади.

Давлат ишлари бир нафар тасодифий шахс қўлида бўлган нотўғри шакл *тирания*, озчиликни ташкил этувчи бойлар ҳокимият тенасида турган нотўғри шакл *олигархия*, жипслашамаган кўпчилик бошқарувидаги нотўғри шакл *демократия* ҳисобланади. Моҳиятига кўра, Аристотель кўпчиликнинг уюшган ҳокимияти – *мұйтадил демократияни* (полития) кўпчиликнинг уюшмаган номўтадил ҳокимияти – *оломон ҳокимияти* (охлократия)дан алоҳида ажратади. У тиранияни бошқарувнинг энг ёмон шакли, демократияни эса барча номақбул бошқарув шаклларининг энг беозори, деб ҳисоблаган.

Аристотель таклиф қилган таснифда «*қонун*» ва «*умумий фойда*» тушунчалари мавжуд. Аристотель давлат ҳаёти ҳақидаги қонунларга жуда катта аҳамият берган. Аристотелнинг фикрича, қонунлар умумий фойдани, давлатнинг фойдасини, барча фуқаролар фойдасини, бойлар ва камбағаллар, зодагонлар ва халқ фойдасини ҳимоя қилиши керак. Улар муросасозлик табиатига эга бўлиб, ҳеч кимнинг манфаати учун хизмат қилмайди. Лекин барча тоифанинг ўзаро мuloқotda фойда олганлари ҳолда ягона давлатда бирга яшашларига имкон яратади. Тўғри шаклларлан оғишлари хоҳ тиран ҳокимияти даврида бир кишига ёқиш учун қилинган бўлсин, хоҳ бойлар ҳукмроғлигида озчиликка ёки демократик режимда кўпчиликка ёқиш учун қилинган бўлсин, барибир қонунларга ноисандлик билан қараш хусусиятига эга бўлади.

Қадимги Римда сиёсий-хукуқий таълимотлар, энг аввало, машҳур нотиқ ва давлат арбоби *Цицерон* (милодгана бўлган 143-103 йиллар) номи билан боғлиқ. Унинг сиёсий ва хукуқий қарашлари учта асарда баён этилган бўлиб, улар «Давлат ҳақида», «Қонунлар ҳақида», «Бурчлар ҳақида» деб аталади. У биринчи бўлиб хукуқ ва давлатнинг ҳамда хукуқий муомаланинг субъекти сифатида «фуқаро» тушунчасини илмий муомалага киритди.

Бунда табиий хукуқ ва давлат ажралмасдир ва улар бир пайтда бўлади, деб ҳисобловичи Платон ва Аристотелдан фарқли ўлароқ, Цицерон, аввал табиий хукуқ пайдо бўлади, сўнгра эса лавлат ва ёзилган қонунлар вужудга келади, деб ҳисоблаган¹. Хукуқшунос ва тажрибали матъмуриятчи сифатида у, «Давлат – бу қонун жамияти. Бойликни ва қобилиятларни баробар қилиб бўлмаса-да, аммо, ҳеч бўлмагандан, қонун олдидаги хукуқлар тент бўлиши зарур»², деб таъкидлайди.

Цицерон давлатни халқ мулки сифатида таърифлайди ва бунда «рим халқи» ва «оломон» тушунчаларини қатъян фарқлайди. Унинг фикрига кўра, халқ кишилар хукуқининг умумийлиги ва умумий манфаатига асосланган бирлашмасдир. «Оломон»га эса у унинг бефарқлиги, исёnlарга ва давлатга зарар етказувчи бошқа ноқонуний хатти-харакатларга мойиллиги учун таъна қиласди ва ҳурмат қилмайди. Бошқарувнинг *учта оддий шаклини* – подиоҳ ҳокимияти, аристократлар ҳокимияти ва халқ ҳокимияти (демократия)ни бир-биридан фарқлаган ва уларнинг ҳар биридаги афзалликларни эътиборга

¹ Цицерон. Диалоги. О государстве. О законах М., 1969. С. 95.

² Ўша жойла. 98-бет.

олган ҳолда Цицерон давлатнинг энг оқилона шакли сифатида ана шу афзаликларнинг барчаси фаолият кўрсатадиган қоришиқ шаклнинг тарафдори бўлиб чиқди.

Рим империясида сиёсий фикрнинг ривожланиши учун Сенека, Эпикур, Марк Аврелий кўп ишлар қилдилар. Светоний ўзининг «Ўн икки Цезарнинг ҳаёти» китоби билан сиёсий портретлар яратиш анъанасига асос солди.

Қадимги Римда ҳукуқшуносларнинг (Гай, Павел, Ульпиан, Юстиниан ва бошқалар) ижодий саъй-ҳаракатлари туфайли янги фан – юриспруденцияга асос солинди, унинг диққат марказида назарий ва амалий хусусиятга эга бўлган муаммоларнинг катта мажмуаси турарди. Рим ҳукуқининг ютуқлари ҳозирга қадар ҳукуқшунослик фанларининг ривожланишидаги бошлиғич асос бўлиб келмоқда.

Милодий биринчи асрда Рим империяси ҳудудида **насронийлик дини** (христианлик) кенг тарқалди. Илк христиан илоҳиётчилари ҳар ким ўз ишини қилиши керак, деб ҳисоблаб, сиёсат билан унча қизиқмадилар. Бироқ IV аср ўрталарига келиб христианлик Римнинг давлат динига айланди ва христиан черкови сиёсатга нисбатан ўз қарашларини ишлаб чиқа бошлади.

Биринчилардан бўлиб сиёсатга черковнинг кўзга кўринган арбоби **Авлөи Августин** (354-430) эътибор берди. Унинг «Илоҳий шаҳар» рисоласи давлат ва ҳукуқ муассасалари ҳақидаги мулоҳазалардан иборат бўлиб, муаллиф ушбу муассасалар инсоннинг гуноҳи учун худо томонидан юборилган, деб ҳисоблайди. Шаклланган сиёсий муносабатларни у «инсон ҳаётининг табиий таркиби» деб атайди ва бу вақтингчалик ҳодиса (қиёмат кунигача) эканлигини кўрсатиб ўтади. У инсоннинг ўзига бўлган муҳаббати худога бўлган нафрат даражасигача етиб борган «ер шаҳри» ўрнига инсоннинг худога бўлган муҳаббати унинг ўзидан нафратланиши даражасигача борган «илоҳий шаҳар» келишига ишонади.

Августин таълимоти ўрта асрлар католик черковининг диний ҳокимиятнинг дунёвий ҳокимиятдан устунлигини асословчи янги мафкураси учун негиз бўлиб хизмат қилди.

3. Ўрта асрларда Европада шаклланган сиёсий таълимотлар.

Ўрта асрларнинг назарий асоси – христианлик мафкураси, ўрта аср сиёсий фикрининг асосий тамойили эса – **теократизм**, яъни илоҳий ғоянинг ва черков ғоясининг индивид ва давлатдан устун туришидир. Теократик ғоя черков ташкилотининг нужудга келиши ва мустаҳкамланиши билан боғлиқ рашида ривожланди ва XIII асрда тўлиқ шаклланди. Унинг ривожланишига, айниқса, Ф. Аквинский катта ҳисса қўшиди.

Фома Аквинскийнинг (1226-1274) сиёсий қарашлари унинг «Подшоларнинг ҳукмронилиги ҳақида» асарида ҳамда Аристотелнинг «Сиёсат», «Этика» асрларига ёзган шарҳларида баён қилинган. Унинг асосий асари «Теология-лар йиғиндиси»нинг қисмларидан бири қонунларга махсус багишланган. Фома Аквинский 1323 йилда авлөйлар қаторига киригилган.

Ўзининг сиёсий қарашларида Фома Аквинский ижтимоий тенгликтни рад этди ва табақаларга бўлинишни худо томонидан ўрнатилган тартиб, деб тас-

диклади. Ердаги ҳокимиятнинг барча турлари – худодан. «Давлат, – деб ёзган эди у, – ҳамжамиятга, олий ҳамжамиятга – худо давлатига тайёргарликдири. Шундай қилиб, давлат мақсад воситаси сифатида черковга бўйсунади»¹.

Бунда ҳокимиятнинг моҳияти, шакли ва ундан фойдаланишни фарқлаш лозим бўлади. Худо томонидан ўрнатилган ҳокимият одамларга зэгулик келтиради, шунинг учун унга сўсиз бўйсуниш зарур. Давлат ҳокимиятининг асосий вазифаси – умумий баҳт-саодатга хизмат қилиш, ижтимоий ишларда адолат бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиш ва фуқароларнинг тинчлигини тъминлаш. Аммо ҳокимиятдан ёмон мақсадларда фойдаланиш ҳам мумкин.

XIV асрда черков ҳокимияти заифлашиб, дунёвий ҳокимият кучайиб борди. Европада марказлашган миллий давлатларнинг яратилиш жараёни бошланди. Бундай шароитларда Папа ҳокимиятининг устунлигини рад этувчи тълимотлар пайдо бўлди. Дунёвий ҳокимият шайтондан, деб тасдиқловчи Ангустинга қарама-қарши ўлароқ, улар илоҳий бўлмаган ҳокимиятни ёқлаб чиқдилар.

Дунёвий ҳокимият мустақиллиги тарафдори сифатида инглиз файласуфи Уильям Оккам (1300-1350) майдонга чиқди. У дунёвий ишларда ҳокимият давлат қўлида, диний ишларда эса – черков қўлида бўлиши керак, деб ҳисобларди. Папаликни У. Оккам “вақтнчалик муассаса”, деб қарар ва олий диний ҳокимият диндорлар жамоаси бўлиши керак, деб ҳисоблар эди. Унинг сиёсий қарашлари кўп жиҳатдан Реформация гояларини ва уч-тўрт асрдан сўнг сиёсий фикрда ҳукмронлик қиласидаган гояларни олдиндан акс эттирган эди. Масалан, У. Оккам табиий ҳолатда одамлар мол-мulkсиз на ҳокимиятсиз яшаганлар ва уларнинг тенглиги тъминланган деб ёзган. Даълат ижтимоий шартнома билан тъйсис этилиши лозим. Давлатнинг мақсади қонунлар томонидан ҳимоя қилинувчи умумий баҳт-саодатdir.

XIV асрда ҳукмдор билан ҳалқ ўртасида шартнома мавжуд бўлса, ҳалқ ўз зиммасига бўйсуниш мажбуриятини олар экан, Ҳукмдордан ҳалқ баҳт-саодати учун ҳукмронлик қилишни талаб этиш ҳукуқига эга бўлади, деб ҳисобловчи ҳалқ ҳукуқининг демократик назариялари кенг тарқалди. Агар ҳукмдор шартномани бузса, ҳалқ бундай ҳукмронликни тирания сифатида баҳолашга ва унга қаршилик кўрсатишга ҳақли бўлади. Мазкур назарияларда факат ҳалқ ҳукуки ҳақидаги қоида эмас, балки тиранияга қарши кураш гояси, кейинчалик тиранияга қарши курашчилар, деб ном олган кишиларнинг тълимотларида акс этган гоя ҳам янг radi. Бироқ ҳалқ ҳукуқи ўрта асрлар ҳукуқи учун хос бўлган жамоа ҳукуқи бўлиб чиқди ва бунга ҳар бири ўз шахсий ҳукуқига эга бўлган индивидлар мажмуаси сифатида эмас, бир бутунлик сифатида қаралди. Индивидуализм ва индивиднинг шахсий ҳукуқлари гояси эса энди янги давр гояси эди.

4. Уйғониш даври ва Реформациянинг сиёсий гоялари

XIV-XVI асрларда Европада индустрнал жамиятнинг шаклланишига олиб келган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар бошланади. Католик черковига қарши

¹ История свободы и эпоха христианства //О свободе. Антология западноевропейской классической либеральной мысли. М., 1995. С. 397.

норозилик Реформация деб аталган чинакам оммавий ҳодисага айланди. Унинг турли мамлакатлардаги арбоблари (Т. Мюнцер, М. Лютер, Ж. Кальвин ва бошқалар) асосий қадриялари виждан эркинлиги, фикр эркинлиги бўлган дунёвий давлат тушунчасини мустаҳкамлашга хизмат қилдилар, барча кишиларниң қонун олдидаги тенглиги ғоялари пайдо бўлди. Черков дунёкарашига мазкур даврнинг айрим мутафаккирлари ижодкор инсонга бўлган ишончни қарама-қарши қўйдилар. Сиёсий доктриналарда гуманизм яққол намоён бўла бошлади, давлат ва шахс муносабатлари асосий муаммо бўлиб қолди. Шу тариқа, Уйғониш даври мафкураси юзага келди.

Уйғониш даврининг диндан холи бўлган соф сиёсий фалсафаси ва назариясини буюк италян олими, янги давр сиёсий фанининг асосчиси *Николо Макиавелли* (1469-1527) ижодида кўриш мумкин. Унинг асосий асрлари «Хукмдор», «Уруш санъати», «Тит Ливийнинг биринчи декадаси ҳақида мулоҳазалар» ҳисобланади.

Сиёсат фанини ўрганишда Н. Макиавелли тадқиқотнинг янги усулларидан фойдаланди. Меъёрий-қадрият назариясининг шаклланишига ёрдам бе-рувчи фалсафий ёндашув билан бир қаторда у воқеаликдаги сиёсий муносабатларни эмпирик кузатиш усулидан фойдаланганлиги Макиавеллини ҳозирги сиёсий фанинг асосчиси, деб қарашга имкон беради. Фалсафий ёндашувни Макиавелли ўзининг «*Тит Ливийнинг биринчи декадаси ҳақида мулоҳазалар*» асарида, эмпирик ёндашувни эса «*Хукмдор*» асарида амалга оширди.

Н. Макиавеллининг бошқарув шакллари ҳақидаги таълимоти антик давр сиёсий фикри билан мувофиқ келади. Ўнда «бошқарувнинг энг яхши шакли республикадир, чунки у инсон табиатига мослашган» деган фикрлар билдирилган. Аристотелнинг бир киши, озчилик ёки кўпчилик фуқароларнинг хукмронлик қилиши борасидаги мезонларидан Макиавелли бошқарувнинг Цицерон даврида ёк «қоришиқ шакл» деб ном олган республика усулини тасвирлаш учун фойдаланади. Республикада кўпчилик халқнинг, озчилик зодагонларнинг ва сайланган давлат бошлигининг хукмронлигига бирлашади. Кўпчилик халқнинг бошқарувдаги иштироки шундан иборатки, у зодагонларни назорат қиласи ва, шу тариқа, ҳокимиятни суиистемол қилишининг олдини олади. Зодагонларнинг бошқарувда иштирок этиши уларнинг бойликларидан фойдаланиш имконини беради. Ўз навбатида, зодагонлар сайланган давлат бошлигини назорат қиласидилар. Индивидуал ҳокимият эгасининг мавжуд бўлиши зарурат туғилган ҳолларда тез қарорлар қабул қилиш имкониятини яратади (4-жадвал).

Макиавеллининг фикрича, республикаларда озодлик ва тенгликни амалга ошириш осонрок бўлади. Макиавелли озодликдан фойдаланувчи барча мамлакатлар ва вилоятлар ҳамма соҳада фавқулодда муваффақиятларга эришадилар, деб ҳисоблайди. Бироқ республика шакли ҳамма вақт ва ҳамма жойда ҳам мумкин бўлавермайди. Бошқарув фуқароларнинг «умумий иши» деб ҳисобловчи республика халқнинг муайян сифатларига, фуқаролик фазилатларига эга бўлишини, умумий баҳт-саодатга ҳурмат билан қарашни тақозо этади. Фуқаролик фазилатлари ривожланмаган, «бузилган» халқлар учун монархия

Н. Макиавеллиниңгىр сиёсий қарашлары

Макиавеллиниңгىр сиёсий идеали — Рим Республикасы. Республика бошқаришининг яхши шаклдерикى, унда давлат тақдирин учун ҳар кимни масъулиятلى қылип қўяди.	Давлат кишилик руҳининг олий даражада на-мөн бўлишидир. Давлатта хизмат қўлиш-инсон ҳәтигининг мақса-ди, мазмуни ва баҳти-дир.	Католик чеरков таси-ри остида тушкунликка турган ҳозирги Италияда қадимги Римнинг улуғворлигитини қарама-қарши қўлиб қўяди.	Ўзаро урушлардан холи, ҳалқ галаёнлари-ни бостира оладиган кучли миллый давлат тузишни ёқлаб чиқди.
---	--	---	---

Мағба: Сиёсатгунослик асослари. Матбуузалар түтслами. Т., 2005.

афзалроқдир. Фақат якка ҳукмронликдагина феодалларнинг имтиёзли мавқесига қарши турувчи воситани топиш мумкин. У фақат ҳалқ томонидан сайланган монарх ислоҳотчигина мамлакатни бирлаштириши ва мустақил, миллый давлат тузиши мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг хатти-ҳаракатлари қораланса ҳам майли, фақат натижалари ишончни оқласа бўлди, натижалар яхши бўлса, у ҳамма вақт оқланади.

Миллый давлат кураёттан ҳукмдор шердан ҳам жасур, тулқидан ҳам ай-ёрроқ бўлиши керак, агар ўзи берган ваъдаларини бажаришнинг фойдаси бўлмаса, у ўша ваъдаларни бажармаслиги ҳам мумкин. Ҳаммадан ҳам кўпроқ у кучли бўлиш ҳақида ўйлаши лозим, чунки яхши ишларинг бўлса, яхши дўстлар ҳар доим топилади. Раҳбар инсон табиатини яхши ўрганиши ва бу билимлардан давлат манфаатлари йўлида фойдаланиши керак

Ҳамма давлатларда ва барча ҳалқларда бир хил интилишлар ва ҳис-туйгулар мавжуд бўлади: одамлар ҳокимиятни, манфаатни яхши кўрадилар, улар бекарор ва яхшиликни билмайдиган, кўрқоқ ва дангаса, иккюзламачи ва баҳил ҳамда бир-бирларига нисбатан нафратга тўладилар. Қобилиятлари чекланган бўлгани ҳолда, уларнинг истаклари беҳад, улар иллат-кусрларни фазилатларга қараганда тезроқ қабул қиласилар. Одамларнинг ана шу хусусиятларини билган ва ахлоқий мулоҳазалар-у андишаларни сиёсат мақсадларига бўйсундирган ҳолдагина подшо ўз вазифаларини ҳал этиши мумкин.¹

Машхур француз сиёсий мутафаккири ва ҳукукшуноси **Жан Боден** (1530-1596) суверенитет назариясинин асосчисидир. У ўзининг «*Давлат ҳақидаги олти китоб*» асарида монархиянинг мутлақ суверенитетини ҳимоя қилди, шу билан бирга, монарх ҳокимияти келип чиқишига кўра илоҳий эмаслигиги таъкидлади. Ж. Боден ҳам худди Макиавелли сингари, сиёсатни дин ва ахлоқдан қатъий фарқлади. «Давлат, — деб ёзган эди у, — суверен ҳокимият томонидан кўтлаб оиласларнинг ва уларнинг умумий тасарруфидаги мулклярнинг адолатли бошқарувини амалга оширишdir»².

Ж. Боден тушунчасидаги давлат ҳокимиятининг суверенитети олий, чекланмаган, ҳеч ким билан бўлишилмайдиган ҳокимиятни англатар эди. Фран-

¹ Н. Макиавелли. Государь. М., 1990. С. 42

² Ж. Боден. Шесть книг о государствстве. //Антология мировой политической мысли. Т. 1. М., 1997. С. 303

цияни хонавайрон қилаёттган ўзаро низолар ва диний урушлар даврида Ж. Боден жамиятнинг илғор доиралари қарашларининг ифодачиси, мутлақ монархия, миллий давлат тарафдори бўлиб чиқди. Подшоҳ ҳокимияти фақат илоҳий ва табиий қонуилар билан чекланган. Суверен ҳокимиятнинг таркибий қисмлари куйидагилардир: қонун чиқариш ҳукуқи, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш ҳукуқи, олий мансабдорларни тайинлаш ҳукуқи, олий суд идораси ҳукуқи, авф этиш ҳукуқи ва танга зарб этиш ҳукуқи.

Боден Монтескьёдан анча олдинроқ атроф-муҳитнинг одамлар турмушига, ахлоқи, руҳий ҳусусиятлари ва жамоа бўлиб яшаш шаклларига таъсир кўрсатишига эътибор берди. «Тарихни осон ўрганиш усули» асарида у жанубликларнинг уларга табиат сирларини очиш, математика қоидаларини аниқлаш, диннинг ва осмон жисмларининг моҳиятини англаб этиш имконини берган мушоҳада қилиш ҳусусиятини қайд этади. Шимолликларда эса ҳар хил механика, тўплар, метали кўйиш ва китоб босиш пайдо бўлди. Ўрта минтақа одамларидан қонуилар, урф-одатлар, маъмурӣ ҳукуқ, савдо, нотиқлик, диалектика ва, ниҳоят, сиёсат келиб чиқди.

Шимол одамлари – скифлар жисмоний кучни қадрлайдилар, улар талон-тарожликларга мойил, шу сабабли, исрофгардирлар. Жанубликлар ха-сис. Ўз давлатини ҳимоя қилиш учун шимолликлар кўпроқ кучга, жанубликлар Худо олдидаги кўркувга, ўрта минтақа одамлари эса – қонуилар ва адолатта мурожаат қиласидилар. Осиё, Греция, Оссурия, Италия, Франция ва Юқори Германия ўрталиқда жойлашган мамлакатлар ҳисобланади. Ж. Боден-нинг асарлари сиёсий фикрнинг кейинги тараққиёти учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди ва ўз даврининг сиёсий-назарий билимига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

5. Янги давр сиёсий таълимоти.

Янги жамиятнинг яратилиш жараёни Янги даврга (XVII-XIX асрлар), ривожланиш жараёни эса, Энг янги ва ҳозирги даврга (XX аср) тўғри келади. Тадқиқотчилар Янги даврни дунё цивилизацияси тақдиди учун муҳим давр деб ҳисоблайдилар. Саноат ишлаб чиқаришга ва кўп жиҳатдан аграр хўжаликка асосланган анъанавий цивилизацияга қарама-қарши бўлган замонавий цивилизация айнан мана шу даврда шаклланди.

XVII асрда табиатшуносликтининг ривожи бошланди, олдинги сафда табиий ҳукуқ назарияси турган янги сиёсий доктриналар ривожланади. Мазкур назарияга кўра, давлат ва ҳукуқ Худо томонидан яратилмаган, балки инсон онги қонуиларига мувофиқ одамларнинг ижтимоий муносабатлари асосида тузилган.

Табиий ҳукуқнинг биринчи йирик назариётчиси нидерланд олими, маҳшур «Уруш ва сулҳ ҳакида уч китоб» асарининг муаллифи *Гюго Гроций* (1583-1645) эди. Г. Гроций таълимотининг бошлангич нуқтаси инсон табиати, унинг ҳукуклари, кишиларнинг ижтимоий фазилатлариdir. Г. Гроцийнинг фикрига кўра, қачонлардир «табиий ҳолат» мавжуд бўлган ва унда давлат ҳам, ҳусусий мулк ҳам бўлмаган. Кишилар яшаш, мулоқот қилиш, мулк, озодлик ҳукуқларига эга бўлганлар, бу ҳукуқлар оддий тарзда инсон онги билан бел-

гиланган. Бироқ инсониятнинг доимий тараққий топиши натижасида одамлар орасида «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши» пайдо бўлган, одамларнинг табиий ҳукуқларини ҳимоя қилиш зарурати юзага келган. Бу эса инсонларнинг биргаликда яашаш меъёрларини белгилашга ва уларни ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ҳақида ижтимоий шартнома тузишга ундаиди.

Индивидларни ижтимоий шартнома тузишга ундовчи сабаблар турлича бўлиши мумкин: «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши»нинг олдини олиш, тартиб ва адолат ўрнатиш истаги ва индивидларнинг табиий тенглигини уларнинг қонун олдидағи тенглиги билан мустаҳкамлаш кўйиш ва ҳоказо. Табиий ҳукуқ назариясининг тарафдорлари ижтимоий шартнома гоясидан турли сиёсий, ҳукуқий ва давлатта оид муаммоларни тушунтиришда фойдаланганлар.

Табиий ҳукуқ ва ижтимоий шартнома назариясининг учта мактаби фарқланади. Уларнинг энг машҳур вакиллари – Т. Гоббс, Ж. Локк, Ш. Монтескьё ва Ж. Ж. Руссолардир.

Англиялик файласуф *Томас Гоббс* (1588-1679) кишилар жамиятда тартибни сақлаш эвазига ўзларининг барча табиий ҳукуқларини монархга топширганлар, деб ҳисоблаган. Ўзининг машҳур асари «*Левиафан*»да у монархия тарафдори бўлиб чиқади ва подшоҳнинг иродаси – олий қонун, унга ҳамма бўйсуниши керак, деб тасдиқлайди. Ҳокимиятнинг бўлининини уйўлайтиб бўлмайдиган иш, деб ҳисоблади, чунки бу ҳол давлатнинг заифлашувига олиб келади. Кучли давлат эса одамларга хос иллатлардан қутулиш воситасидир.

Т. Гоббс ўзининг «Табиий ва сиёсий қонунлардан парчалар» ва «Фуқаро тўғрисида» китобларида фуқаролар урушлари сабабларини ва уларнинг олдини олиш йўлларини англаш воситаси сифатида биринчи ўринга кўяди. Давлатни эса у худо томонидан эмас, балки унинг бандалари – одамлар томонидан ўрнатилган «сунъий жисм» сифатида баҳолайди. Давлат ва ҳукмрон шахснинг кўйидаги 2 муқаддас бурчи мавжуд:

- Халқ фаровонлигини таъминлаш.
- Мамлакат тинчлигини муҳофаза қилиш.

Т. Гоббс фуқаролар урушининг олдини олиш учун буржуа диктатураси зарурлигини исботлашга уринади. Давлат ўзида жамланган ягона идора воситасида тинчликни сақлаши, табиий қонунлар бажарилишини таъминлаши, тартибни сақлаши, хунармандчиликни ривожлантириши, инсонларнинг диний, маънавий, ахлоқий қарашларига ҳам таъсир этиши керак бўлади.

«Хукмронлик ҳақида икки рисола» номли китоб муаллифи, англиялик файласуф *Жон Локк* (1632-1704) Т. Гоббслан фарқли ўлароқ, одамлар ижтимоий шартнома тузар экан, ўзларининг деярли барча ҳукуқ ва эркинликларини сақлаб қоладилар ва давлатдан ана шу ажралмас ҳукуқларини, эркинликларини ҳимоя қилишда маълум бир меъёрни сақлаган ҳолда фойдаланадилар, деб ҳисоблаган.

Ж. Локк биринчилардан бўлиб ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва иттифоқ (ташқи сиёсат соҳаси) ҳокимиятларига бўлининиши ҳақидағи назарияни илгари сурди ва бунда бошқаларга «буйруқ бериши» лозим

бўлган қонун чиқарувчи ҳокимиятни энг муҳим деб ҳисоблади. У чекланган монархия тарафдори бўлиб, абсолютизмни табиий ҳолатдан ҳам ёмонроқ деб биларди. У ҳамма учун баравар ва доимий қонун эркинлик кафолатидир, деб ҳисоблар эди.

Ж. Локк ўзининг **«Бошқаруш тўғрисида иккى маҳсума»** асарининг 1-қисмида қироллик ҳокимияти илоҳий асосда эканлитгини айтиб, танқид қиласди. Англияда 1688-89 йилларда давлат тўнгаришидан кейин янги ижтимоий-сиёсий режим барпо этилди. Ж. Локкнинг фикрича, қонунлар шахс эркинлигини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳукуқларини кенгайтиришнинг зарур шартидир. «Қаердаки қонунлар бўлмаса, у ерда эркинлик бўлмайди». У кишиларни ягона мақсад учун курашишга бирлаштирган давлат сиёсий ҳокимиятни ҳам кишилар воситасида амалга оширмоғи лозим», дейди.

Француз файласуфи **Жан-Жак Руссо** (1712-1778), ўз навбатида ҳалқ бевосита ҳукмронлик қилиши керак, умумнинг хоҳиш-иродаси учун ҳеч қандай чеклашлар бўлмаслиги лозим, деган фикрни байён қилди. Ўзининг **«Ижтимоий шартнома ҳақида»** номли рисоласида (1762) у бойлар томонидан алданган кишилар ўз эркинликларини курбон қилдилар ва ижтимоий шартнома асосида кейинчалик уларнинг ўзларини эза бошлаган давлат на ҳукуқни яратдилар, деб ёзди.

Ж. Ж. Руссо биринчилардан бўлиб давлат билан фуқаролик жамияти ўртасидаги фарқни кўрсатиб берди. У Г. Гроций ва Т. Гоббснинг буйруқ берувчилар ва бўйсунувчилар ҳар доим зарур, деган фикрларини танқид қилди; унинг фикрича, табиий ҳолатда қуллар ҳам, хўжайинлар ҳам бўлмайди; одамлар ўз ҳукуқларини ҳокимиятга шартнома асосида топширганликлари сабабли, ҳокимият суворенитети ҳалққа тегишлидир.

Демократия гояси Ж. Ж. Руссонинг ҳалқ суворенитети ҳақидаги таълимотига сингдирилган. Қонунлар – кишиларнинг умумий хоҳиш-иродаси актлари, подши қонунларидан юқори туриши мумкин эмас. Демократия ва эркинлик қонунлари ҳалқнинг ўзи яратиб тасдиқлаган заминдагина мавжуд бўлади. Одамлар тенглигининг ашаддий тарафдори бўлган, Ж. Ж. Руссо, айни пайтда, ҳукуқий ва жисмоний тенглик ўртасидаги фарқни англаб етди.

Шарль Луи Монтескье (1689-1775) ўзининг Женевавда яширин тарзда нашр этилган **«Қонунлар рухи ҳақида»** номли асарида Франциядаги мутлақ режимни танқид қилди ва мустабидликнинг озодлик билан бирга яшай олмаслигини кўрсатди. У устунликка интигувчи кучларни мувозанатта келтиришга ўринди. Мазкур мувозанатни у подшиоҳнинг мутлақ ҳокимиятини бир-бирини ўзаро жиловлаб туриши лозим бўлган уч тармоққа – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш орқали амалга ошириш мумкинлигини исботлашга интилди.

Ш. Монтескье ҳукмронликнинг асоси деб қонунларни ҳисоблади. Олий суд қонун чиқаришни ҳам, қонунларнинг бажарилишини ҳам назорат қилиши лозим. У ўз асарида «эркинлик қонунлар рухсат берган ишларни қилиш ҳукуқидир», деб ёзган эди.

Ш. Монтескьеңнинг фикрига кўра, давлат бошқаруви шакллари унинг ҳудудининг ўлчамларига боғлиқ; ҳудуди унча катта бўлмаган давлатлар лес-

потия бўлишлари керак. Бунда у агар федерация тарзида ташкил этилса, улкан ҳудудларда ҳам республика яратиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Ш. Монтескьеъ оптимист эди, у тараққиётга ишонар ва уни сиёсий эркинликлар билан боғлиқ деб биларди. Унинг фикрига кўра, сиёсий эркинликлар иқтисодиёт, саноат ва савдо-сотиқнинг ривожланишига хизмат қиласди. Инсонпарварлик ҳақида инсоннинг биринчи қонуни сифагидаги мулоҳазаларига ҳам, зўравонликдан, бир халқнинг бошқа халқ томонидан асоратга солинишидан воз кечиш ҳақида даъватлари ҳам ўзига хосдир.

Ш. Монтескьеънинг фикрича, иқлим, замин ва замин усти ҳолати халқлар руҳининг шаклланиши ҳамда ижтимоий тараққиёт табиатини белгилаб беради. У мустабид феодал сиёсий ҳукмронлик тизимини аёвсиз танқид қиласди. Католик черковининг дунёвий ҳукмронлик қилишга уринишини қоралайди. Шу билан бирга, диннинг асосий вазифаларини кўрсатиб беради. Табиий қонунлар жамият вужудга келишидан аввал мавжуд бўлган, қонунлар давлатнинг тури (республика, монархия, деспотия)га боғлиқ, бошқарувни эса ижтимоий-иқтисодий, географик ва иқлим каби омиллар белгилайди. «Агар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар бир шахсда ёки бир ташкилотда мужассамлашса, эркинлик бўлмайди. Негаки, бу монарх ёки сенат золим қонунлар яратиб, уларни зулм қилиш учун қўллаши мумкинлиги хавфи мавжуд бўлади. Эркинлик суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан ажратилмагандан ҳам бўлмайди. Агар бирор шахс ёки бирор ташкилот шу уччала ҳокимиятни якка ўзида тўпласа, ҳамма нарса ҳалок бўлар эди...»

Германиялик черков тарғиботчиси *Томас Мюнцер* (1490-1525) Ер юзида синфсиз, зиддиятлардан холи бўлган, хусусий мулкчилик тугатилган алоҳида давлат ҳокимиятини илгари суради. У ўзининг «Хукмдорлар алдида тарғибот» асарида сиёсий ҳокимият ҳалқ оммаси номидан ва унинг манфаатлари йўлида амалга оширилганда қонуний ҳамда ҳукуқий ҳисобланиши мумкин, дейди. У қўзғолонга раҳбарлик қылгани учун қатл қилинади.

Инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби *Томас Мор* (1478-1535) ўзининг «Утопия» китобида хаёлий Орол аҳолиси яратган тузум ижтимоий-сиёсий режимлардан энг афзали, энг инсонпарвари, энг демократлашган, энг ақдли, интизом ва эркинлик, тартибот, ташаббускорлик, меҳнат ва роҳат жамиятини тасвиrlайди. Хусусий мулкчиликни тенгисзилик ва адолатсизликнинг асосий сабабчиси сифатида инкор этади. У эркесевар руҳи учун қатл этилади.

Ушбу даврда яшаб ўтган яна бир кўзга кўринган мутафаккир, италиялик файласуф, шоир, сиёсий арбоб *Томаззо Кампанелла* (1568-1639) бўлиб, у ўзининг «Қўёш шаҳри» китобида коммунистик жамиятни тарғиб қиласди. Бу фикрларни у «Мессия подшалиги» асарида янада ривожлантиради. Диний подшолик мұқаррарлиги хаёли билан бойитилади... Меҳнат қилиш барча учун баробар ва 4 соатдан ошмаслиги лозим дейди.

Самузл *Пуфендрофф* (1632-1694) давлатнинг пайдо бўлишини худонинг хоҳиш-иродаси билан боғлайди. Давлатни вужудга келтиришининг асосий ташаббускори худодир. Давлат фақат мутлақ ҳукмронлик шароитида ўз мақсадларини амалга ошира олади.

Янги даврнинг прогрессив фояларини америкаликлар ҳам ҳимоя қилдилар, улар орасида Т. Жеферсон, Т. Пайн ва А. Ҳамильтонларни алоҳида қайд этиш зарур.

Томас Жеферсон (1743-1826) – Америка халқининг демократия учун олиб борган озодлик кураши тарихидаги энг ёрқин шахслардан бири. У ўша даврнинг буюк инқилобий ҳужжати – Америка Кўшма Штатларининг Мустақиллик Декларацияси (1776 йил 4 июлда қабул қилинган) муаллифидир. Декларациянинг асосий қоидалари қуидагилардан иборат: барча одамлар туғилишдан тенг яшаш, эркин, мулкдор, баҳтли бўлиш ва хавфсизлик ҳукуқларига эгадирлар; ҳокимият халқ манфаатлари йўлида фаолият кўрсатиши керак, агар у бу манфаатларга зарар етказса, халқ ўзига ёқмаган бундай ҳукуматни афдаришга ҳақли; ҳокимиятлар бўлинниши тамоийли амал қилиши лозим. Моҳиятига кўра, бу ҳужжат тарихда биринчи Инсон ҳукуқлари декларацияси эди.

Америка инқилоби даврида **Томас Пайн** (1737-1809) ҳам ўзининг радикал сиёсий-ҳукуқий қараашлари билан чиқди. «*Софлем фикр*» номли памфлетида мустамлакачиларга Буюк Британия Америка халқини қулликда тутиб турганини, улар зўравонликка қарши зўравонлик билан жавоб қилишга ҳақли эканликларини кўрсатиб берди. Мустақиллик учун кураш ҳар бир халқнинг табиий ҳукуқидир. У биринчилардан бўлиб давлат ва жамият ўргасидаги фарқни белгилади ва бунда давлат жамиятнинг маҳсули эканлигини, шу сабабли, жамиятдан юқори тура олмаслигини кўрсатиб ўтди. У халқнинг хавфсизлигини, унинг ҳукуқлари ва эркинликларини энг кўп даражада таъминлайдиган бошқарувни бошқарувнинг энг яхши шакли деб ҳисоблади.

Александр Ҳамильтон (1757-1804) қараашлари бутунлай бошқача сиёсий дунёқараашга асосланган. Унинг сиёсий назарияси негизида одамларни «юқори» ва «куйи» (бой ва камбагал) табақаларга бўлиш ётади. А. Ҳамильтоннинг фикрича, давлатнинг асосий вазифаси ҳусусий мулкни халқдан ҳимоя қилишдир. Шу сабабли, у одамларнинг ҳукуқлари уларнинг мол-мулкига мос равишда тақсимланиши лозим, деб ҳисоблади. А. Ҳамильтон демократияга қарши эди, у конституциявий монархия учун кураши, талаблари инобатга олинмагандан сўнг чекланмаган наколатга эга бўлган, умрбод сайланадиган президентлик ҳокимияти ўрнатиш гоясини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Унинг таклифи асосида 1787 йилги Конституцияда икки палатали қонун чиқарувчи орган мустаҳкамлаб қўйилди.

XIX асрнинг биринчи ярми – Европанинг лидер мамлакатларида индустрнал цивилизациянинг узил-кесил шаклланиш даври. Ушбу давр асосий сиёсий мафкураларнинг узил-кесил шаклланиши, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни ўрганишга янги методологик ёндашувларнинг пайдо бўлиши билан ажрабиб туради.

Мазкур даврнинг лидер сиёсий мафкураси **либерализм** бўлиб қолган эди (Б. Констан, И. Бентам ва бошқалар). Инсон ҳукуқи ва эркинликлари, унинг дахлисизлиги, ҳусусий мулк ва иқтисодий фаолият эркинлиги, давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги, ҳокимиятнинг бўлинниши ва бошқалар унинг асосий қадриятлари сифатида эълон қилинди. Аста-секин либераллар конституциявий монархия ва ценз билан чекланган сайлов ҳукуқини идеал леб

тан олишдан янги идеалга – умумий сайлов ҳуқуқи мавжуд бўлган демократик республикани ёқлаб чиқдилар. Уларга ислоҳотларнинг инқилобий усулларидан воз кечиш хос бўлиб қолди. Ушбу даврда демократия муаммолари чукур тадқиқ этилди (А. Токвиль ва бошқалар).

Мана шу даврнинг ўзида сиёсий **консерватизм** ҳам шаклланди. Унинг мазмунини ташкил этувчи конкретоялар тарихий тараққиёт жараённича ўзгарди, аммо ўша йилларда баён этилган умумий дунёқараш тамойиллари бугунги кунга қадар сақланиб келмоқдаки, улар сиёсий ҳаётнинг тарихи таркиб топган шаклларининг сақланиши, давлат манфаатларининг шахсий ҳуқуқлар ва эркинликларга нигатив устуворлиги, одамларнинг тенглигини инкор этиш, демократик институтларнинг рад қилиниши ва бошқалардир. Э. Берк У. Вордсворт, С. Колдриж, Ф. Ламенне ва бошқалар мазкур давр консерватизмининг назарийчилари ҳисобланадилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида ижтимоий ҳаётни таълиқ этишна янги методологик ёндашув – позитивизм вужудга келади (О. Конт, Ж. Миль ва бошқалар). Сиёсий ҳодисаларнинг моҳиятини билишдан воз кечиб, позитивизм сиёсий фаннинг вазифаларини уларнинг статистикаси ва динамикасини ўрганишдан иборат қилиб қўйди. Ушбу услуг сиёсат соҳасида конкрет ижтимоий тадқиқларнинг бошланишига туртки берди. Бу усуздан турли сиёсий мафкураларнинг тарафдорлари бирдек фойдаландилар.

Мана шу даврда **социализм** (коммунизм) сиёсий мафкурасининг шаклланиши ниҳоясига етди (А. Сен-Симон, Ш. Фурье, Р. Оуэн ва бошқалар). Социалистик назарияларга бағишланган бой адабиётларнинг мавжудлиги уларга батафсил тўхталиб ўтишга эҳтиёж қолдирмайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Европадаги индустрисал жамият ривожланишда давом этди ва аста-секин ўз кўрининшини ўзgartирди: аср охирига келиб иқтисодий жиҳатдан энг кўп ривожланган мамлакатларда ёркин рақобат монополиялар ҳукмронлиги билан алмашади. Европа давлатлари олий ишчилар томонидан олиб борилган курашлар натижасида ижтимоий қонуничилик унсурларини қабул қилдилар. Маҳаллий касаба уюшмалари иқтисодиётга, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига тобора фаолроқ аралаша бошладилар. Либерал ва социалистик сиёсий мафкураларнинг туркираб ривожланиши билан бир қаторда сиёсий фикрда консерватив, антидемократик тамоиллар ҳам кучайиб борди.

Позитивизм фанда мумтоз фалсафий усусларни тобора кўпроқ сиқиб чиқарди, аммо XIX аср охирига келиб, унинг имкониятлари чекланганилиги аён бўлиб қолди. Сиёсий мугафаккирлар яна давлатнинг моҳияти борасидаги «боқий» муаммоларга қайтдилар, сиёсатчилар эса фалсафий методологиянинг энг қимматли ютуқларига қайта мурожаат қилдилар. Мазкур даврда либерал гояларни **Г. Спенсер** (1820-1903) ўзининг «Давлат органик назарияси», **Г. Еленик** (1851-1911) ўзининг «Давлатнинг дуалистик назарияси» номли асарлари орқали ривожлантирилар. Г. Спенсер давлатни биологик организмга ўхшатиш анъанасини бошлаб берди. У, давлатнинг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш леб ҳисоблади, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга аралашувини қоралар экан, тўрачилик (бюрократия)

ҳақидағы қызық ғояларни илгари сурди, сиёсатни тадқиқ этишда тизимли, тузилмавиғ функционал таҳлил асосларини, аналогия усууларини яратди.

Г. Елленикнинг фикрича, давлат субъектив онг феномени бўлиб, иккиманган табиатта эга, шу сабабли, у, ҳам социологик, ҳам ҳуқуқий усуулар ёрдамида тадқиқ этилиши мумкин. У сиёсий муносабатларни ҳокимлик қилишининг умумий мақсадлар билан бирлаштирилган ҳукмронлик муносабатлари сифатида қабул қиласди. Бу муносабатлар, албатта, ҳуқуқий чегаралар доира-сида амалга оширилиши лозим.

XIX асрнинг иккинчи ярмида сиёсий фикрнинг аксил демократик тамойиллари куяйиб борди. Сиёсий институтларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида олий ирқни ҳукмронликка олиб келувчи турли ирқлар ўртасидаги кураш, табиий танланишнинг белгиловчи омиллари, деб ҳисобловчи концепция пайдо бўлади. Ушбу концепция тарафдорлари «ирқ» атамасини турлича тушунар эдилар. А. Ҳобино, ҲС. Чемберлен, Л. Вольтман ва бошқа мутафаккирлар уни соғ биологик маънода талқин қилдилар. **Ф. Ницше** (1844-1900) эса бирмунча бошқача талқин этди. Унинг фикрича, олий ирқ – бу энг аввалио, жамиятнинг интеллектуал элитаси, энг катта «ҳукмронлик иродасига» эга бўлган кишилар. Ф. Ницше демократияни ҳукмронлик иродаси заиф кишилар томонидан ўйлаб топилган ва унинг ёрдамида улар ҳукмронлик иродаси кучли кишиларни ўзларига бўйсундирадилар; инсониятнинг бутун тараққиёти буюк мақсадга эришишнинг – «ўта кучли одам» ирқини шакллантиришнинг воситаси, холос, леб ҳисоблайди.

Мана шу лаврнинг ўзида **Ф. Ратцель** даълат фаолиятининг лидер тамойили географик макон учун курашдан иборат, деб тасдиқлаб, «геосиёсат» концепциясини ёқлаб чиқди. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, XIX асрда инсониятнинг XX асрдаги тараққиётини белгилаб берган сиёсий оқимларнинг назарий асослари яратилди.

6. XX асрдаги сиёсий таълимотлар.

XX асрда сиёсий фаннинг ривожланиши бошқа асрларга қараганда бой бўлди. Бу аср гоявий курашлар кескинлашган, ва айни пайтда, сиёсий мафкураларнинг ўзаро яқинлашуви, бир-бирини тўлдириши бошланган аср эди. Шу билан бир вақтла, у янги услубий ёндашувларнинг пайдо бўлиши, бир қатор анъанавий методологияларнинг қайта тикланиши ва янгиланиши даври бўлди. Бу аср янги сиёсий гояларнинг туғилиши ва ўтмиш меросининг қайтиши ҳамда қайта идрок этилиши аспи эди.

XX асрда сиёсий фикр учта асосий йўналиш бўйича ривожланди:

- академик йўналиш;
- ижтимоий-фалсафий назариялар;
- яққол ифодалантан амалий йўналишга эга бўлган мафкуравий концепциялар.

Академик йўналиш XX аср бошида АҚШда университет муҳитида пайдо бўлди ва сиёсий фаннинг мустақил ақадемик фан сифатида тан олиниши билан боғлиқ. Европада ушбу йўналишнинг бошланғич асослари М. Вебер, В. Парето томонидан баён этилди. Академик фикрнинг кўпчилик накиллари учун

сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича мафкуравий баҳслардан четда турин ва бутун дикқат-эътиборни сиёсий хулқ-атворнинг қонуниятларини ҳамда сиёсий институтларнинг фаолият кўрсатишини ўрганиш, шунингдек, сиёсий тизимларнинг моделларини ва зиддиятларнинг умумий назарияларини яратиш хосдир.

Ижтимоий-фалсафий назариялар индустрисал, постиндустриал, ахборот жамиятлари назариялари, неомарксистларнинг «танқидий назарияси» ва бошқалардан иборат. Мазкур назарияларда академик фикрнинг «позитив» билимдан фарқли ўлароқ, ҳозирги замон «ривожланган жамиятлари»нинг асосий хусусиятлари тадқиқ этилди.

Сиёсий фикрнинг соғ мафкуравий йўналиши олдинги икки йўналишдан фарқли ўлароқ, фақат юз берастган воқеаларнинг марказида бўлишгагина интилиб қолмай, балки аввалиги икки йўналишнинг назарий ишланмаларидан фойдаланиб, ижтимоий ўзгаришларнинг стратегияси ва тактикасини ўз вақтида ишлаб чиқишига ҳам ҳаракат қиласди.

Макс Вебер (1864-1920) йирик немис социологи, жамиятшунос файласуфи, тарихчисидир. Ҳозирги замон сиёсий фанида у, асосан, сиёсий ҳокимиётнинг легитимлиги (қонунийлиги) масаласини ўрганувчи сиёсий ҳокимиёт назариясини, ҳозирги жамиядта рационал бюрократиянинг ҳукмонлиги назариясини, ҳозирги замон демократияларида расмий ҳукуқ ҳукмонлигининг муқаррар равишда раҳбарлик жараёнларининг бюрократлашувига ва ўз қиёфасини йўқотишига олиб келувчи камчиликларига барҳам берувчи «плебисцитар» демократия назариясини ишлаб чиқсанлиги ва, ниҳоят, ҳозирги капитализмни рационаллик тамоилиининг инъикоси сифатида таҳлил қилганлиги туфайли катта обрў-эътиборга эга (5-жадвал).

5-жадвал

M. Вебернинг сиёсий қарашлари

Вебер сиёсий тадқиқларинда ақтаг мувофиқлик янасига амал қилиши. Ақтаг мувофиқлик сиёсатда формал ҳукуқ институтларнинг жорий этилишида, парламентаризм ва ҳолигри замон мъмуритчилигига на-моён бўлади.	Ижтимоий тузум масаласила синфий тафовутлар ва ҳолатларнинг кўп ўлчамлилиги концепциясини илгари суради: ҳожимингта муносабати, алоҳида тарухларнинг кимтиёзи, кишиларнинг диний ва мафкуравий белгиларига қароб бўлиниши ва ҳ.	Расмиятчи раҳблар ва сиёсий партиялар ўргасидаги кураш ҳозирги замон давлатининг сиёсий ҳётида и асосий ихтилофдир.	Социалистик ижтимоий муносабатларининг галаба қилиши мумкинлигини инкор этили ва бюрократиянини кулратилилиги тўғрисидаги фикрни илгари суради.
--	---	---	---

Манба: Сиёсатшунослик асослари. Матбуналар тўплами. Т., 2005.

М. Вебер замондошлари Гаэтано Моска, Вилfredo Парето, Роберт Михельслар сиёсий элиталар назариясига асос солдилар. Сиёсий ҳокимиёт мавзунини ривожлантирувчи элиталар концепцияси ҳозирги замон сиёсий фанига унинг таркибий қисми сифатида киради. Италия мактаби вакиллари В. Парето (1848-1923), Г. Моска (1858-1941) ва Германиядан Италияга келган немис олими Р. Михельс (1876-1936) ушбу назариянинг асосчилари ҳисобланади.

Уларнинг қараашларини «макиавеллистик» мактабга киритиш мумкин, чунки элита жамиятда ҳукмронлик қилувчи гуруҳ сифатида биринчи марта уларнинг ватандоши Макиавеллининг тадқиқотларида кўриб чиқилган, деб ҳисобланади.

Газмано Моска – италиялик тадқиқотчи, сиёсатшунослик фанининг асосчиларидан бири. Унинг «Бошқарув назарияси ва парламент бошқаруви», «Сиёсий фан асослари» каби асарлари мавжуд. Г. Моска барча жамиятларда одамларнинг икки синфи – ҳукмронлик қилувчилар ва бошқарилувчилар синфи мавжуд бўлиши ҳақидаги тасаввурни ривожлантириди. «Биринчиси ҳар доим кам сонли бўлиб, у барча сиёсий функцияларни бажаради ва ҳокимият берадиган афзаликлардан баҳра олади, айни пайтда иккincinnиси – анча кўп сонли синф – биринчиси томонидан бошқарилади ва назорат қилинади»¹.

Тарихий тараққиёт жараённада мавжуд бўлган сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг икки асосий тамойили – аристократик ва демократик тамойиллар омманинг ҳукмронлигини кўзда тутмайди. Уларнинг фарқи шундаки, биринчи ҳолатда уларнинг доирасига кирмайлиган кишилар ҳисобига тўлдирилмайдиган гуруҳ назарда тутилади. Иккincinnисида эса кенг омма орасидан ўзларининг психологик хислатларига кўра ҳокимиятни амалга ошириш нуқтаси назаридан фойдали бўлган кишилар ҳисобига шаклланадиган элитага дуч келинилади.

Г. Моска демократиянинг рисоладагидек меъёрий фаолияти – яхши уюшган раҳбарлик қилувчи қатламнинг мавжуд бўлиншига муҳтоҷ, деб ҳисоблайди. Бироқ элиталарнинг янгиланиш концепциясида у, ҳатто, демократик тизимда ҳам демократик назоратни эътибордан соқит қиласди. Унинг фикрига кўра, сайловлар – бу фақат элитани янгилаш йўли, омманинг раҳбарлар устидан назарот қилиши шакли эмас. Шу туфайли, унинг концепцияси, ўз моҳиятига кўра, авторитар хусусият касб этади.

Г. Москадан мустақил равишида, «элиталар концепцияси» – эмпирик социологиянинг асосчиси, иқтисодчи **Вильфредо Парето** томонидан ишлаб чиқилди. У ўзининг «Элиталарнинг юксалиши ва қулаши», «Умумий социология оид рисола» асарларида элиталар назариясига оид асосий қоидаларни баён қиласди. В. Паретонинг фикрича, элита – ҳокимият, бойлик – билим, обрў-эътибор ва шунга ўхшаш ҳар қандай ижтимоий қадриятларни ўтчайдиган энг юқори ўринни эгалловчи кишиларнинг барчасини ўз ичига олевичи, қадрият маъносидан маҳрум атамадир. Элита ҳукмронлик қилувчи ва ҳукмронлик қилмайдиган элита (контрэлита)ларга бўлинади. Элиталарнинг икки типи мавжуд – «шерлар» (бошқарувда кучга суюнадиган, шафқатсиз, қатъиятли раҳбарлар) ва «тулкилар» (музокаралар, ён бериш, ишонтириш усулларини қўлловчи эпчил раҳбарлар).

Жамиятнинг ривожланиши элиталар қуони ёки айланиши орқали юз беради: «Инсоният тарихи – бу элиталарнинг доимий алмашинуви тарихи, баъзилари юксалади, бошқалари инқирозга учрайди». В. Парето «элиталар-

¹ Моска Г. Правящий класс. //Антология мировой политической мысли. В 5 т. Т. 2. М., 1997. С. 118.

нинг оммавий айланиши» ёки инқилоб ҳақидаги масалани, эски элитанинг контэрэлита томонидан омма ёрдамида сиқиб чиқарилишини ва унинг ўрни янти элита томонидан эгалланишини кўриб чиқди. Инқилобий алмашинувнинг мана шу жараёнида эски элитанинг кўп вакиллари ўлдирилади, қамоқقا олинади, сургун қилинади ёки ижтимоий поғоналарнинг энг қуйисига тушириб қўйилади. Бироқ уларнинг айримлари ўз синфини сотиш эвазига кутулиб қолади, бунда улар кўпинча инқилобий ҳаракатда лидер мавқенини эгаллайдилар. В. Паретонинг хulosаси шундан иборатки, инқилобий ўзгаришларнинг асосий натижаси эски элита қолдиқлари аралашган янги элитанинг пайдо бўлишидир.

Шундай қилиб, *элиталар назариясининг* энг муҳим қоидалари қўйила-гилардан иборат:

- дунёла ҳар доим элиталар, яъни танланган, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган озчилик ҳукмронлик қилиб келганилиги ва ҳукмронлик қилини лозимлиги ҳақидаги қоида;
- элитада Г. Моска ва В. Парето алоҳида аҳамият берган руҳий омилларнинг мавжуд бўлиши.

Элиталар назарияси турли сиёсий тизимларда раҳбарлик қилувчи гурухларнинг эмпирик таҳлили учун асос бўлиб хизмат қилди.

Сиёсатиуносликнинг XX асрда юзага келган яна бир муҳим йўналиши сиёсий партияларни таҳдил қилишдир. Ушбу йўналишнинг асосчиларидан бири *Роберт Михельс* ҳисобланади. «Демократия шароитида сиёсий партияларнинг социологияси» номли асар унинг қаламига мансубдир. Роберт Михельс барча ижтимоий ташкилотларни бошқариб турувчи қонунни кашф қилди ва уни «олигархиянинг төмир қонуни» деб атади. Ушбу қонунга кўра, ташкилот, корхона ва жамоаларда, улар қайси соҳада тузилган бўлмасин, муқаррар равишда кўпчиликни бошқарадиган озчилик вужудга келади.

Давлат ташкилотида, партияларда, касаба ююшмаларида, бошқа жамоат ташкилотларида, черковда ҳокимият бошқаришга моҳир бўлган, юқори тузилмалар таркибига кирган кишилар қўлида жамланади ва бу юқори тузилмалар оддий аъзолар назоратидан чиқиб кетади. Ҳатто партияларда ҳам бошқарувга ноқобил бўлган оддий омма доҳийларни илгари сурадики, улар вакт ўтиши билан оддий аъзолардан ажralиб қоладилар ва партия элитасига айланадилар. «Тарихий эволюция олигархиянинг олдини олиш учун қўлланиладиган барча профилактик чоралар устидан кулади. Агар доҳийларнинг ҳукмронлигини назорат қилиш учун қонунлар қабул қилинса, бундан доҳийлар эмас, қонунлар заифлашади»¹.

Партияни демократик жамиятнинг идеал миниатюраси сифатида қарар экан, Р. Михельс партия олигархиялашувининг қонунийлигини умуман демократия тараққиётiga татбиқ этади ва давлатни бошқаришда барча фуқароларнинг иштирок этишлари мумкин эмаслиги ҳақидаги хulosага келади.

Макиавелистлар мактаби назариялари Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши

¹ Михельс Р. Социология политических партий в условиях демократии. //Антология мировой политической мысли. В 5-т. Т. 2. М., 1997. С. 196.

лари ўргасидаги даврда Италияда, Германияда, Францияда кенг тарқалди. Аммо уларнинг кенг тарқалиши ва машҳур бўлиши Америка қитъасида юз берди. 30-йилларда Гарвард университетида В. Паретони ўрганишга оид семинарлар ўтказилди. Г. Москанинг сиёсий ҳодисаларни ўрганишга эмпирик ёндашув ҳақидаги, тадқиқот обьекти жонли воқелик эканлиги тўғрисидага фоялари сиёсий фаннинг, хусусан, Чикаго мактабининг шаклланишига хизмат қилди. Сиёсатшунослашинг умумжаҳон конгрессида (Мюнхен, 1970 й.) сиёсий элиталар борасидаги кўплаб тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилган Италия мактабининг алоҳида роль ўйнаганлиги қайд этилди.

7. Ҳозирги замон сиёсатшунослигининг асосий оқимлари ва янги тамойиллари.

Сиёсий фикр тараққиётининг асосий йўналишлари таҳлил этилар экан, ана шу ривожланишни таъминловчи сиёсатшуносликнинг асосий миллий мактаблари ҳақидаги тасаввурларни ҳам кўзда тутиш лозим бўлади.

Бу соҳада ҳозирги даврда олидинги ўринлардан бирида турувчи ва энг кўзга кўрингани **АҚШ сиёсатшунослик фани**дир. АҚШ сиёсатшунослик фанининг тараққиётида қўйидаги даврлар алоҳида ажратилиди:

XIX аср охиридан биринчи жаҳон урушига қадар;

Ҳар икки жаҳон урушилари ўргасидаги давр;

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр.

1930-1940 йилларга келиб, Farb сиёсатшунослигидан кўра Америка сиёсатшунослиги тобора устунлик қила бошлади ва унинг таъсири устун бўлиб қолди. Мазкур даврда ижтимоий ва гуманитар фанларнинг ривожланиш маркази АҚШга кўчди. Европанинг тоталитар давлатларида бу соҳадаги тадқиқотлар ўз аҳамиятини йўқотди ёки тўлалигича хукмрон режимларнинг ғоявий ва сиёсий-ташвиқот мақсадлари учун хизмат қила бошлади. Тарихда мисли кўрилмаган «ақлиларнинг оқиб кетиши» ва интеллектуал ҳамда ижодий элитанинг Европа қитъасидан Америкага кўчиб кетиши ҳодисаси юз берди. Нацизм даврида немис сиёсатшунослиги амалда йўқ қилинди.

1932 йилдан 1938 йилгача олий мактаб ўқитувчиларининг ярмидан кўпроғи ҳамда интеллектуал ва илмий элитанинг кўплаб атоқли намояндлари, масалан, З. Фрейд, К. Левин, К. Мангейм, Э. Фромм ва бошқалар Германияни тарқ этдилар. Италияда ва бошқа кўпчилик Европа давлатларида ҳам сиёсий фаннинг тақдирни шундай бўлди.

Урушдан кейинги даврда Америка сиёсатшунослигининг таъсири фақат Европа қитъасига эмас, балки Лотин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатларига ҳам кенг тарқалди. Урушдан кейинги ўн йилликларни сиёсий фан ривожида янги босқич сифатида қараш мумкин. Ушбу даврда Европа мамлакатларида сиёсий фаннинг қайта тикланиш ва янада ривожланиш жараёни кенг миқёсда авж одди.

Бунда, энг аввало, сиёсий фан доирасининг тўхтовсиз кенгайиб бориши диккатни жалб этади. У сиёсий тизимлар, сиёсий жараён ва сиёсий ҳаракатларни қамраб олди. Методологик муаммоларга, хусусан, Европа сиёсий фанида катта эътибор берилди. АҚШда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам сиёсат-

нинг турли-туман масалаларига оид улкан адабиётлар оқимининг пайдо бўлиши, янги илмий марказларнинг яратилиши ва бошқалар Америка сиёсий фанининг гуллаб-яшнаётганидан далолат берар эди.

ХХ асрнинг 1940-1950 йиллари охиirlарида дунё сиёсий фанида америкаликлар муҳим роль ўйнашда давом этдилар. Маэкур даврда америкалик сиёсатшунослар аста-секин сиёсий жараёнларни қиёсий-тарихий тасвирашдан уларни ижтимоий жараёнлар билан ўзаро боғлиқликда ўрганишга ўта бошлидилар.

Улар айрим кишилар ва ижтимоий гурухлар хулқ-атвори руҳий асосла нишининг жамиятдаги сиёсий жараёнларга таъсирини ўрганишга алоҳида эътибор бердиларки, бу ҳол сиёсий фанга *бихевиоризмнинг* кириб келишига ва сиёсатшуносликда бихевиористик йўналишнинг шаклланишига олиб келди. 1930-йилларда сиёсий муносабатларнинг шаклий тузилмасини инсоннинг «табиий» моҳиятидан келтириб чиқаришга уринган Ч. Мерриам бошчилиги даги бир гурух Чикаго университети олимларини бу йўналишнинг асосчилари деб ҳисоблайдилар. Бу доктринани янада ривожлантириш устида Гарольд Лассуэл ишлалди. 1960-йилларда тадқиқотчи бихевиористлар орасида Д. Истон, Р. Даъъ ва бошқа кўзга кўринган назариётчилар бор эди.

Ҳозирги пайтда Америка сиёсатшунослигига бу фанга оид тадқиқотларнинг асосий йўналишлари қўйидагилардир:

1) Америка бошқаруви ва сиёсати асосларини — умуммиллий сиёсий институтлар, сайлов технологиялари, сиёсий йўлбошчилик, сиёсий хулқ-атвор ва бошқаларни ўрганиш;

2) кўп мамлакатлардаги сиёсий муаммоларни талқиқ этиш билан боғлиқ бўлган қиёсий сиёсат;

3) халқаро муносабатлар ва халқаро сиёсат, уруш ва тинчлик, халқаро ижтимоий ҳаракатлар, қуролланиш ва қуролсизланишни назорат қилиш, халқаро ташкилотлар фаолиятига оид муаммолар ўрганилади;

4) сиёсий фалсафа ва сиёсий фан, сиёсий фикрнинг тарихидан бошлаб унинг ҳозирги фалсафий талқинларигача қамраб олган муаммоларнинг кең доираси ишлаб чиқилади;

5) сиёсатни ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаларида — шахс миқёсидан ижтимоий гурухлар, ишлаб чиқариш, ишбилармонлик ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатишнинг амалий жиҳатларини тадқиқ этувчи амалий сиёсатшуносликнинг мазмун ва усувларини ишлаб чиқиши.

Ҳозирги замон сиёсий фанининг асосчиларидан бири — *Чарльз Мерриам* (1874-1953). У 17 йил давомида Чикаго университетининг сиёсий фанлар бўлимига бошчилик қилди. Ана шу бўлим доирасида сиёсий тадқиқотларнинг Чикаго мактаби шаклланди. Сиёсий фанни сиёсий хулқ-атвор ҳақидаги фан сифатида тасаввур қилишни айнан Ч. Мерриам номи билан боғлайдилар.

Ўзининг «Сиёсатнинг янги жиҳатлари» номли тадқиқотида Ч. Мерриам ўтган юз йил давомида сиёсий тадқиқотлар соҳасида эришилган ва катта илмий салоҳиятга эга бўлган ютуқларни тадқиқ этиб чиқди. Унинг фикрича, уларнинг илмийлиги сиёсий foялар, институтлар, жараёнларни сиёсий ўрганишга, географик муҳитни, этник ва биологик хусусиятга эга фанларни таҳ-

лил қишишга, ижтимоий ва иқтисодий күчларни сиёсий жараёнлар билан боғлиқ равишда ўрганишга, сиёсий ғоялар ва институтларнинг келиб чиқишини биологияда эволюцион назариянинг кашф этилиши билан боғлаб тадқиқ этишга, сиёсий жараёнларнинг статистик ёки математик таҳлили шаклидаги сиёсий ҳодисаларнинг миқдорий ўлчовларидан фойдаланишга интилганликларида намоён бўлади. «Ўйлайманки, — деб қайд қилган эди у, — сиёсатни, балки, эҳтимол умуман ижтимоий фанларни тадқиқ этишнинг миқёслари ва усууларида юз берадиган муҳим ўзгаришлар арафасида турибмиз»¹.

Ч. Мерриам ижтимоий фанлар соҳасида фанлараро тадқиқотлар ўтказишга, сиёсий ҳодисаларни таҳлил этишда табиий фанларнинг маълумотларидан кенг фойдаланишга даъват этди. «Биология, психология, антропология, медицина ҳақидағи фанлар ўз тадқиқотлари натижаларидан ижтимоий вазиятларда фойдаланиш ўйлидан олға бормоқда. Уларнинг вакиллари ҳамма ерда — Конгрессда, марказларда, судларда бор. Гарчи табиий фанлар билан шугууланувчи олимларнинг даъвولари ва ижтимоий ақидалари кўп бўлса ҳам, сиёсатшунослар уларга беписандлик билан қарамасликлари керак. Муҳими, сиёсатшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар бир-бирларига қараб йўналмоқдалар, жамиятшунослик ва табиатшунослик бир-бирини тўлдирган ҳолда, ўз куч-ғайратларини бирлаштириб, инсоният олдида турган улуғвор вазифани рационал билиш ва одамларнинг хулқ-авторини назорат қилиш вазифасини ҳал этмоқдалар»².

Ч. Мерриам янги фаннинг методологик муаммоларини ҳал қилишдан ташқари, сиёсий ҳокимият ва демократия назарияси масалаларини ўрганди, янги методлар ёрдамида Америка сиёсий партиялар тизимини ва сиёсий лидерлик муаммоларини тадқиқ этди.

Гарольд Лассуэл (1902-1978) сиёсий фан доирасидаги тадқиқотларга йўналтирилган ва сиёсий хулқ-авторни ўрганишда ижтимоий психология таҳлилидан кенг фойдаланадиган интеграциялашган сиёсий билимни яратишга интилди.

Г. Лассуэл индивиднинг сиёсатга муносабатини тақозо этувчи асосий омил шахсиятнинг психологик механизмидир, деб ҳисобловчи сиёсий руҳшунослик таҳлили (психоанализ) назариясини шакллантириди. Ана шу назарияга мувофиқ, у сиёсий шахслар типологиясини ишлаб чиқди. Г. Лассуэл шахснинг у ёки бу сиёсий ролни танлашга мойиллиги мезонидан келиб чиқсан ҳолда, сиёсатчиларнинг учта асосий типини ажратиб кўрсатди:

- маъмуриятчи;
- тарғиботчи;
- назариеччи.

Г. Лассуэл сиёсатчиларнинг юқорида кўрсатилган типларини тавсифлар экан, уларнинг ижобий ва салбий хусусиятларини қайд этган ҳолда, аралаш тип деб ҳисоблади.

¹ Мерриам Ч. Новые аспекты политики. //Антология мировой политической мысли. В 5-т. Т. 2. М., 1997. С. 197.

² Ўша жойда. 207-бет.

Ўзининг «Сиёсат: ким нимани қачон ва қандай олади?» деб номланган тадқиқотида Г. Лассуэл жамиятдаги қадриятларни тақсимлаш ҳақидаги масалани тадқиқ этиши сиёсий фаннинг асосий вазифаси деб қаради, зоро, сиёсий фаолиятнинг ўзига хослиги шу масалага келиб тақалади. Агар жамиятнинг иқтисодий соҳасида моддий қадриятлар, маданият соҳасида маънавий қадриятлар ишлаб чиқилса, сиёсий соҳада қадриятлар ишлаб чиқарилмайди, балки тақсимланади. Қадриятларни ким тақсимласа, ҳокимиятнинг эгаси ҳам ўша бўлади. Ким нимани, қачон ва қандай олади – бу, Г. Лассуэлнинг фикрига кўра, сиёсий жараён ва сиёсий хатти-ҳаракатларни таҳдил қилинча асосий масаладир.

Яна бир машҳур америкалик сиёсатшунос Габриэл Алмонд бўлиб, унинг тадқиқотлари доираси сиёсий тизим ва сиёсий маданият масалаларини қамраб олади.

Г. Алмонд томонидан ишлаб чиқилган сиёсий тизим мөлелида “кириш” ва “чиқиш” функцияларига кўпроқ эътибор берилган. Америкалик сиёсатшуносга сиёсий маданиятнинг таркибий қисми бўлмиш сиёсий қарашлар ва сиёсий тизим фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабат мавжудлигини кўрсатиб берди.

Г. Алмонд замонавий сиёсатшуносликнинг класиклари қаторига кириб, унинг асарлари фақатгина қиёсий сиёсатшунослик ва сиёсий назария эмас, балки умуман сиёсатшунослик фанининг ривожи учун ҳам аҳамиятлидир. Г. Алмонд сиёсатшуносликда энг кўп тилга олинадиган муаллифлардан ва шу кўрсаткич бўйича қиёсий сиёсатшунослиқда етакчидир. Алмондинг концепциялари ва амалий хуносалари ушбу кўлланманинг бошқа бўлимларида ҳам ўз аксини топган.

Роберт Даљ эса қарорларни қабул қилувчи элиталар ва турӯхларни тадқиқ этиш, либерал демократик назарияни таҳдил қилиш билан шуғулланди. Унинг «Демократик назарияга кириш», «АКПДаги плюралистик демократия» деган китобларининг номлари уларнинг йўналиши ва мазмунидан дарак бериб туради.

Халқаро муносабатлар ва низолар соҳасидаги тадқиқотлар XX аср сиёсий фикрининг ривожланишидаги йўналишлардан бирини ташкил этади. Америка сиёсий фикрининг бу соҳадаги мумтоз вакили – *Ганс Моргентай* (1904–1982). У ишлаб чиқсан асосий концепция бу куч атамалари билан ифодалана-диган «манфаат» концепциясидир. Мазкур концепция «сиёсатни назарий идрор этиш имконини бериб, сиёсий фанга рационаллик назариясини олиб киради. У ташки сиёсадаги ҳайратланарли яхлитликни очиб беради; шу тариқа, Америка, Буюк Британия ёки Россиянинг ўз-ўзича изчил сиёсати бир-бирининг ўрнига келувчи давлат арбобларининг интеллектуал ва ахлоқий сифатларидан, турли мотивлар ва майллардан қатъий назар, воқеаларнинг оқилона, тушунарли занжири сифатида намоён бўлади»¹.

Г. Моргентай, халқаро сиёсат бошқа ҳар қандай сиёсат сингари таъсирга

¹ Моргентай Г. Международная политика. //Антология мировой политической мысли. В 5-т. Т. 2. М., 1997. С. 501.

эга бўлиши учун курашиш керак, деб ҳисоблади. Бу кураш вақт ва маконда универсал бўлиб, тажриба бу фикрни рад этиш мумкин эмаслигини қўрсатади. Ҳар қандай сиёsat куч-кудратни сақлашга ёки уни оширишга ёхуд намойиш қилишга интилади. Ҳалқаро хулқ-атворнинг уч типи мана шу уч намунага мувофиқ бўлади.

Миллат куч-кудратининг унсури дипломатия ҳисобланади. Дипломатия миллий манфаатларни тинч воситалар орқали таъминлашга қодир бўлиши лозим. Дипломатиянинг асосий тўртта қоидаси, Г. Моргентаунинг фикрига кўра, куйидагилардир:

1) уруш руҳини уйғотиши мумкин бўлган доктриналардан, мавҳум ғояларга берилиб кетишдан холи бўлиш;

2) ташқи сиёсий мақсадлар миллий манфаатлардан келиб чиқдан ҳолда баён этилиши ва адекват куч-кудрат билан қўллаб-кувватланиши;

3) дипломатия сиёсий вазиятни бошқа давлатларнинг ҳам нуқтai назаридан кўриши лозимлиги;

4) давлатларнинг улар учун ҳаётий муҳим бўлмаган барча масалалар бўйича ўзаро ён беришларга тайёр бўлишлари¹.

Г. Моргентау энг асосий манфаатлардан тортиб майда, маҳаллий манфаатларгача бўлган миллий манфаатлар таснифини ишлаб чиқди. У давлатнинг қудратини белгиловчи омиллар тизимини кўрсатиб ўтди. Улар жумласига, биринчи навбатда, дипломатиянинг сифати, жуғрофий муҳит, табиий заҳиралар, ҳарбий қудрат ва саноатнинг салоҳияти, аҳолининг сони, миллий табиат ва ахлоқни киритди.

Америка сиёсий фани кўпчилик Европа мамлакатларидаги сиёсий фанининг ривожига катта таъсир кўрсатли. Урушдан кейинги икки ўн йилликда, айниқса, 1960-1980-йилларда немис сиёсий фани ҳам улкан ютуқларга эришиди. Бу ютуқлар, энг аввало, К. Байме, Г. Люbbe, Т. Рормозер ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ.

Германия сиёсий фанининг табиати ва йўналишлари ҳақида унинг ўрганиши объекти бўлган муаммоларни санаб чиқиш орқали ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин:

- сиёsat назарияси;
- сиёсий ғоялар тарихи;
- фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг фаолият кўрсатиши.

Хозирги замон сиёsat назариясининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида – сиёсий таълимотлар тарихини ўрганишга катта зътибор қаратилмоқда. Бунда немис сиёsatшунослигининг доимий ривожланиб бораётган таомонили бу борацаги тадқиқотлар доирасининг кенгайишидир.

Немис сиёсий фани бир томондан назарий, фалсафий ва миллий қадрият асосларининг, иккинчи томондан, эмпирик асосларнинг узвий боғланиш анъаналари нетизида ривожланди ва фаолият кўрсатди. Германияда сиёсий фанининг бир неча концепциялари мавжудлиги диққатни тортади. Улардан бирининг тарафдорлари уни давлат институтлари динамикасини ўрганиш

¹ Моргентау Г. Ўна манба. 504-507-бет.

билин түлдирилгандын давлатшунослик сифатида талқин этадилар. Иккинчи гурух вакиллари сиёсий фаннинг ягоналигини инкор қилиб, сиёсий фанлар – тарих, социология, психология ва иқтисод ҳақида сүз юритади. Учинчи концепция тарафдорлари эса, сиёсий фанга социологиянинг бўлимларидан бирни сифатида қарайди. Тўртингчى ёндашув эса сиёсатшуносликнинг вазифаси ҳозирги замонни тарихий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат, деб ҳисобловчи тадқиқотчиларнинг ёндашувидир.

Учинчи концепция тарафдорларидан бирни немис социолог олими ва сиёсий арбоби, ижтимоий зиддият назариясининг асосчиси – *P. Дарендорф* (1929 йилда туғилган). Р. Дарендорфнинг фикрига кўра, ҳар қандай жамиятдаги кишиларнинг ҳар бир гурухи муайян позициянинг вакили сифатида намоён бўлади. Бунда ҳар бир позиция муайян ижтимоий ролни бажариш билан боғлиқ. Ижтимоий роль муайян бир жамиятда маълум бир позициянинг вакилига берилган хулқ-автор усусларининг йигинидисидир. Бошқача айттанды, бу ижтимоий чоралар тизими ёрдамида ҳар бир конкрет инсонни ўзини муайян тарзда тутишга мажбур қилишдир. Хулқ-авторни меъёrlаштиришнинг мажбурий табиати Р. Дарендорф «мажбурий мувофиқлаштирилган ассоциациялар» леб атаган ижтимоий гуруҳларнинг энг муҳим белгиси деб ҳисобланади.

Қарор топган меъёrlарга сўзсиз риоя қилиш инсонга анча юқори манқеларга кўтарилиш имконини, меъёrlарни белгилаш, уларни шархлаш ва бошқа одамларнинг меъёrlарга тўғри келмайдиган хулқ-авторига қарши чоралар кўллаш ваколатини беради. Мана шу ваколатларнинг жами хукмонликнинг мавжудлигини англатади, кимнингдир хукмонлик қилиши, кимнингдир бўйсуниши эса зиддиятга олиб келади.

Р. Дарендорф зиддиятнинг табиати ва моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда синфларни асосий белгиси хукмонликда иштирок этиш ёки иштирок эт-масликтан иборат бўлган низолашувчи ижтимоий гуруҳлар сифатида таърифлайди.

Р. Дарендорф фақат зиддиятларнинг моҳиятинигина аниқлаб қолмайди, балки уларни 15 турга ажратиб тасниф қилишга уринади. Битта ролга турли гуруҳларнинг давво қилиши, роллар ўртасидаги, ижтимоий гуруҳлар ичидағи, гуруҳлар ўртасидаги ва бошқа зиддиятлар, айниқса, катта аҳамиятга эгалар.

Олим зиддиятларни ҳал қилиш имконияти мавжудлигини ҳам кўзда тутади. Зиддиятлар қанча кескин бўлса, ижтимоий сафарбарлик, яъни бошқа мақомдаги позицияларга ўтиш шунчалик қийинлашади.

Ханна Арендт (1906...1975) эса тоталитаризм муаммоларини чукур ўрганинг немис сиёсатшунос олимаси эди. Ўзининг «Тоталитаризмнинг манбалари» (1951) асарида Арендт таъкидлаган эдик, нацизм на сталинизм замонавий давлат шакллари бўлиб, уларни анъянавий бўйсундириш шакллари билан адаштираслик керак. Тоталитаризм ўз давлати ва ундан ташқарида чекланмаган ҳокимият томон ҳаракат қиласади. Унинг алоҳида белгилари сифатида давлат мағкурасининг мавжудлиги ва террорнинг сиёсий ҳокимиятни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш воситаси эканлиги, ягона тўғри кой деб тан олинадиган мағкуранинг амалда жорий этилиши кабилар намоён бўлади. «Тоталитар

одам», ... Арендтнинг фикрича, автоматлаштирилган, ... бегоналашган индивид, «омма»нинг колектив ижтимоий танага зўрлик ва умумий мафкураий манипуляция ёрдамида бирлаштириладиган вакили. Унинг рояларига кўра, тоталитар режимнинг идеал модели бу одамда ҳаракатнинг оддий мотивлари, кейинчалик очлик ва қийноқлар ёрдамида нормал психологик ва тана реакциялар бузиладиган ёки йўқ қилинадиган нацистлар концлагеридир.

Арендт – маълум маънода замонавий америка сиёсий назариясининг асосини белгилаб берган машхур немис муҳожир-олимлари (Г. Моргентай, Т. Адорно, М. Хоркхаймер, Г. Маркузе, Л. Страусе ва б.)дан бири хисобланади. Ўз тадқиқотларида у Фарбий Европа илмий анъанаасига, Платон, Аристотель, Макиавелли, Гоббс, Руссо, де Токвиль, Маркс, Кант ва бошқаларга асосланган ва шу сабабли, универсал ижтимоий феноменларни уларнинг индивидуал ўлчами, яъни «инсон ҳолати»ни инкор қўлмаган ҳолда таҳлил қилиди. Унинг асосий ижодий қизиқишлари тоталитаризмни ўрганишдан ташқари, сиёсий ҳаёт (оммавийлик соҳаси)нинг автономлигини таъминлашнинг назарий ва амалий вазифаси; озодликнинг «сўз», «ҳаракат» ва «плюрализм»ни ўз ичига олган коммуникатив амалиёт (мулоқот) сифатида қайта талқин қилиниши; Америка республиканизми назарий меросининг эркин сиёсий тартибот куриш тажрибаси сифатида талқин қилиниши каби масалаларни ҳам қамраб олган эди. Арендт ўз илмий-фалсафий хуносаларини кўп ҳолатларда конкрет муваммолар – тоталитаризм, революция, оммавий жамият шароитида маданият инқирозлари, озодликнинг занглаши ва бошқа масалаларнинг таҳлилига асосланган ҳолда чиқарар эди.

Францияда сиёсий фанинг шаклланиши иккита рамзий сана – Э. Бутли томонидан «Сиёсий фанларнинг эркин мактаби»га асос солинган 1871 йил ҳамда А. Зигфриднинг «Фарбий Франциянинг Учинчи республика давридаги сиёсий харитаси» номли китоби нашр этилган 1913 йил ўргасидаги таҳминан ярим аср ичida юз берди. Ушбу икки сана ўртасида Француздар сиёсий фанининг асосини ташкил этган кўп тадқиқотлар эълон қилинди.

Франция сиёсатшунослигининг ўзига хос жиҳати – сиёсий фанинг астасекин Конституциявий ҳукуқдан ажralиши ва, асосан, сиёсий институтлар ва муносабатлар, сайлов тизимлари ва сайловлар, ижтимоий бошқарув билан боғлиқ масалаларнинг ўрганилишидир. Франция сиёсатшунослари томонидан ривожлантирилган институтлар назариясига кўра, сиёсат турли сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, касаба ўюшмалари) фаолиятининг натижасидан иборат. Демак, сиёсатшуносликнинг асосий вазифаси мазкур жамиятда фаолият кўрсатадиган турли хил институтларни ўрганишдир. Сиёсий ҳокимият эгалари сифатида институтлар тегишли ҳукуқий меъёрлар билан мустаҳкамлаб кўйилган барқарор тузилмалар сифатида намоён бўлади. Кейинги йилларда Франция сиёсатшунослиги Америка сиёсий фанининг таъсири остида институтларнинг амалда фаолият кўрсатиши ва ўзаро таъсирини ўрганишни бошқа ижтимоий омилларни ўрганиш билан боғлаш зарурлигини тобора кўпроқ англаб етмоқда.

Франция сиёсатшуносларининг асосий дикқат-эътибори сиёсий ҳокимият концепциясига қаратилган. Улар сиёсий ҳокимиятни тарихий жиҳатдан

кўриб чиқар эканлар, унинг аста-секинлик билан борган эволюциясига эътибор берадилар. Ушбу эволюция ҳокимият шаклларининг аноним шаклидан тортиб, дунёнинг кўп мамлакатларига хос бўлган институциялашган ҳокимиятгача бўлган ўзгаришларида намоён бўлади.

М. Дюверже (1917 йилда туғилган) «Сиёсий партиялар», «Сиёсат социологияси: сиёсий фан унсурлари», «Янус. Фарбнинг икки юзи» каби тадқиқотларида ҳокимиятнинг иккизоламачилиги концепциясини баён қилди. Ушбу концепция механик ва узвий бирдамлик назариясидан келиб чиқсан эди. Унга кўра, ҳокимият аввал бошдан иккизоламачидир, чунки сиёсат индивидлар ва грухлар ўртасидаги курашдан иборат ва унда ютиб чиқсанлар мағлублар ҳисобига имтиёзлардан фойдаланадилар ҳамда, айни пайтда, давлатнинг бутун ресурсларини ўзлари учун фойдали бўлган ижтимоий тартибини ўрнатишга йўналтирадилар.

Сиёсий партиялар муаммоларини ўрганиб чиқиб, М. Дюверже ҳозирги замон сиёсий партияларининг ташкил этилиши кўп жиҳатдан демократик тамойилларга мос эмас, деган хulosага келади: сиёсий партияларнинг умумий эволюцияси улар билан демократик режим меъёрлари ўртасидаги фарқни кучайтиради. М. Дюверженинг фикрига кўра, сиёсий партиялар эволюцияси парламент фаолиятига жiddий таъсир кўрсатади.

Француз социологи *Раймон Арон* (1905-1983)нинг «Демократия ва тоталитаризм» тадқиқоти сиёсий режимлар назариясига багишлиган. Р. Арон давлатни «мафкурадан холи қилиш» концепцияси ва ягона индустрисал жамият назариясининг муаллифларидан бири, сиёсий жамиятшуносликка оид тадқиқотлар ўтказган олимдир.

Мишель Крозье сиёсат инсонни ўзгартира олмайди, чунки унинг ўзи узлуксиз тарзда ўзгариб туради, деб ҳисоблайди. Сиёсат ва давлат жамиятда асосий ролни ўйнашга даъво қиласликлари лозим. Улар кишиларнинг тақдирини ҳал қиласликлари, балки ўз фаолиятларини шароитлар яратиш билан чеклашлари лозим.

XX асрнинг сиёсий фикри сиёсат нима, демократия, ҳокимият, давлат ва бошқаларнинг моҳияти нимадан иборатлиги ҳақида эски муаммоларни кўп жиҳатдан янгича ҳал қилаётган ўйналишлар, илмий мактаблар ва сиёсий қарашларнинг катта диапазони билан ажralиб туради.

XX аср сиёсий мутафаккирларининг каттагина қисми фақат илмий ёндашув вакиллари бўлиб қолмасдан, балки у ёки бу ижтимоий позицияни эгалайтилар. **Бу жиҳатдан ҳозирги замон сиёсатшунослик фани сиёсий тояларнинг ривожланиши тарихида фақат айрича бир ёндашув сифатида қолади.**

Сиёсий фикр тараққиётининг бутун тарихи замон даъватларига оқилона жавобларни қидириб топишдан иборатdir. Уни ўрганиш ҳозирги давр киши сига сиёсат дунёсини баҳолашда догматизм ва бирёзламаликдан қутулиш имконини беради. Сиёсий ва ҳукуқий фикр тарихи инсоннинг дунёни бутун мураккабликлари билан кўришга уринишидан гувоҳлик беради.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Река:

1. Исломгача бўлган даврда Марказий Осиёда сиёсий-хукуқий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши.
2. Ислом таълимотининг вужудга келиши ва Ўрта асрларда Марказий Осиёда сиёсий-хукуқий билимлар ривожи.
3. Амир Темурнинг давлат тўғрисидаги қарашлари.
4. XVIII—XIX асрларда Марказий Осиёда сиёсий таълимотлар ривожи.
5. XIX аср охири ва XX аср бошларида жадидчилик гоялари.

1. Исломгача бўлган даврда Марказий Осиёда сиёсий-хукуқий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Марказий Осиё мамлакатлари ўзининг географик жойлашуви жиҳатидан ҳам дунё цивилизацион тараққиёти, унинг сиёсий-хукуқий қарашлари шаклланиши ва ривожланиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ҳудудда дастлабки сиёсий қарашлар диний қарашлар билан қоришиб кетган эди. Илк диний қарашларнинг вужудга келиши, дунёний динлар, буддавийлик, зардуштийлик, христианлик динлари ва иудаистик ҳамда манихейлик каби диний қарашларнинг кенг тарқалиши исломгача бўлган давлатчиликнинг ривожланишига, ҳамда унинг сиёсий бошқарув усулига бевосита боғлиқ равишда кечди.

Хусусан, қадимги даврлардан бутунги кунга қадар сақланиб келган турли ривоятлар, ҳалқлар ўртасида кенг тарқалган афсоналар, Алномиш, Гўрўгли, Кунтуғмиш, Ҳасанхон каби ҳалқ оғзаки ижоди намуналарида туб ҳалқ урф-одатлари, давлат сиёсий бошқарув ҳокимияти ва у билан боғлиқ бўлган турли амал қилиш услублари илк манбалар ва тасаввурларда ўз аксини топгандир. Шу жумладан, қадимги Бақтрия ва Хоразм давлатларининг турли ҳалқлар ва элатларига хос сиёсий анъаналари ва унинг идрок этилиши ҳамда мазкур ҳалқлар сиёсий-хукуқий қарашларида диний анъаналарга таяниши, жамоавийликка асосланиши хусусиятлари негизидаги умумий қарашларнинг илк белгилари пайдо бўлган эди.

Шу тариқа, Марказий Осиё ҳалқлари диний-дунёвий ва сиёсий қарашлари шаклланиши жараёнини қуйидаги тарзда даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- а) Қадимги давр;
- б) Ўрта аср;

в) Янги давр;

г) XIX аср охири ва XX аср бошларидаги сиёсий қарашлар;

д) XX асрнинг иккинчи ярмидан мустақилликкача бўлган давр;

е) Мустақиллик даври.

Қадимги диний қарашларнинг оддий анемистик кўринишидан кўп худолилик (политеистик) даражасига етиши ва улар аста-секинлик билан якка худоликка (монотеистик) интилиши жамият тараққиётida улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. Ҳусусан, уч минг йиллик тарихга эга бўлган *«Авесто»* китобининг тарихий манба сифатидаги аҳамияти бениҳоядир. Жумладан, зардуштийлик диний таълимотида тупроқ, сув, ҳаво ва оловнинг асос сифатида олиниши ҳамда Ахурамазда ва Ахураман ўртасидаги кураш том маънода зороастризм диний таълимотининг асосий моҳиятини ҳам, характерли ҳусусиятларини ҳам очиб беради (6-жадвал).

6-жадвал

Зардушт шандлари

- Доно ўз ақлу фаросати билан нодон қалбини ёритмоғи лозим.
- Доно ўзгаларни ўз билимидан баҳраманд этмоғи зарур.
- Эй мардум! Шундай киши гапига қулоқ тутингки, у донишманл ва ростлик тарафдори бўлсин.
- Ким фаросатли, оқил ва тўғри бўлса, парвардигори олам унинг ҳомийсидир.
- Кексалар гапига қулоқ солинг ва андиша билан мулоҳаза юритиб, яхши билан ёмонни ўзинтиз ажратиб олинг.
- Жаҳонга ҳақорат кўзи билан қарайдиган кишилар поктийнатликдан йироқдирлар.
- Пок хулқли юрт ҳамиша юксалиш ва тараққиётда бўлади.
- Кишилар яхши хулқ билан камолот ва мантуликка эришадилар.
- Яхшилик одамни мангулик кишвари – жаннатга элтади.
- Яхши устозлар тангрига яқин одамлардирлар.
- Нодоннинг ибодат пайтида рақсга тушгиси келади.
- Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг мўътабар одатdir.
- Рост сўз сендан қоладиган энг кутлуғ ёдгорликлар.
- Рост амалдан бошқа ҳеч нарса билан шугулланманг.
- Ҳамма яхшилик тилайдиган одамларга яхшилик етсин.
- Тоғ жилғаларидан биттасини қуритган одам, Тангри душманидир.
- Дўстлик ришталарини поклик билан маҳкам тут.
- Ер юзининг яхшилари адогсиз дарёдирлар.
- Ким ёлғон сўзга оғиз очса, баҳт қуши ундан қочади.
- Соғлиқ – энг яхши дўст, касаллик – даҳшатли душман.

Манба: Бобоев X., Мирҳамидов М., Ҳасанов С. Ўзбекистонда сиёсий ва ҳукуқий таълимотлар тарихи. Т., 2005.

Марказий Осиёда кенг тарқалган **буддизмийлик дини** дунёдаги энг күп тарқалган динлардан бўлиб, мил. авв. 6-5 асрларда Ҳиндистонда пайдо бўлди. Бу таълимот Марказий Осиё орқали жанубий-шарқий Осиё мамлакатларига ва Узоқ Шарқдacha кенг тарқалди. Мазкур диний таълимотта Синнадҳартҳа Гаутама асос солган бўлиб, у бошқа динлардан фарқли равишда, дунёдаги ёч бир нарса, ҳатто худолар ҳам ўзгармас эмас, каби гояларни илгари суради. Унда Нирванага етишиш учун ахлоқий баркамолликка интилиш гояси ҳамда Будда, Ҳарма, Сангхага эътиқод гояси муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиёда Будда дини катта мавқега эга бўлғанилигини Ўзбекистон жанубида жойлашган Кушон подшолиги маркази Далярзинтепада то-пилган ашёвий далиллар мисолида ҳам асослаш мумкин. Шунингдек, ундан кейинги даврда кенг тарқалган зардуштийлик ва христианлик динлари хусусиятларини ўзида мужассам этган **монийлик таълимоти** ҳам ўзига хос из қолдириганилигини кузатиш мумкин.

Дунёда кенг тарқалган учта асосий диний таълимотдан бири сифатида **христианлик динига** милоднинг бошларида Исо пайғамбар томонидан асос солинган бўлиб, унга кўра, худо ягонаидир, аммо у муқаддас учлик (Троица)-да намоён бўлади. Унинг ақидалари, эътиқод талаблари ва ҳукуқий ҳам ахлоқий меъёrlари Библия китобида ўз аксини топган.

Шунингдек, христианлик Рим империяси давридан дастлаб икки оқимга, яъни католик ва православга ажralган бўлса, кейинчалик Европада 16 асрда амалга оширилган реформистик ҳаракат натижасида учинчи оқим – протестантлик ҳам вужудга келди.

Христианликнинг диний таълимот сифатида Бақтрия ва Марв ҳудудида кенг тарқалнилигини таъкидлаш жоизdir. Самарқанд вилояти Ўргут туманида сақланиб келаётган христиан монастри ва чёркови кўринишидаги то-пилмалар мисолида ҳам бу таълимотнинг ислом динига қадар кенг тарқалнилигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўрта Осиё ҳалқлари сиёсий-ҳукуқий таълимотларни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. V-VI асрларда Ўрта Осиё ҳудудида кўтарилиган ҳалқ кўзғолони йўлбошчиси **Маздак ва унинг таълимоти** дикқатга сазовордир. Унинг барча одамларнинг тенг ҳукуқлилиги тўгрисидаги таълимоти кенг тарқалган эди.

Умуман, Исломгача бўлған даврда Марказий Осиёда сиёсий-ҳукуқий қарашларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни узоқ даврни ўз ичига олган бўлиб, унда турли диний таълимотларнинг кириб келиши ва, шунингдек, миссионерлик ҳаракатлари ҳам катта рол ўйнаганилигини таъкидлаш жоиз.

Арабларнинг 7 асрдан бошлаб Марказий Осиёга фаол кириб келиши бошқа диний таълимотларга барҳам бериш билан бирга Марказий Осиё ҳалқлари маънавий-маърифий ҳаётининг асосий илдизларидан бири сифатида унинг давлат тузилиши ва бошқарув ишларида катта аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин.

Маълум маънода таъкидлаш жоизки, бадавий турмуш тарзига эга бўлган араблар томонидан **ислом дининиг** минтақамизга тарқалиши ягона диний таълимот шаклланиши билан минтақа туб ҳалқлари тараққиётига катта ҳисса

қўшган бўлса-да, унинг маънавий моҳияти, ҳадис илми ва диний таълимот сифатидаги бугунги дунёвий қиёфаси улуғ бобоқлоғиларимиз, ислом илми пешволари Исмоил Бухорий, Баҳовиддин Нақшбандий, Абдуҳолик Риждувоний, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий каби алломалар томонидан қайта кашф этилди яъни дунёвий дин сифатида тақдим этилди.

2. Ислом таълимотининг вужудга келиши ва Ўрта асрларда Марказий Осиёда сиёсий-хукуқий билимлар ривожи.

Бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бу ўтмиш тажрибасини чукур идрок этишни талаб қиласди.¹ Шуни айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи, ушбу минтақадаги сиёсий фикрнинг ривожланиш тарихи ана шу тажриба маъбаларидан биридир.

Марказий Осиё дунё цивилизациясининг илму зиё таратган, ўз даври тараққиётининг юқори чўққиларига чиқдан, маърифат ва маъданият ўчоқларидан бири бўлган. Унинг ҳудудида энг қадимги замонлардан бошлаб деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ, илму фан билан шуғулланган қудратли давлат бирлашмалари бирин-кетин, бир-бирининг ўрнини эгаллаган ҳолда вужудга келган.

Марказий Осиё халқлари исломлаштирилгандан сўнг ислом дини ушбу халқарнинг сиёсий қарашлари, давлат бошқарув услуби ва умуман, яшаш тарзига катта таъсир кўрсатди. Албатта, Ислом цивилизациясининг вужудга келишида *Мұхаммад алайҳиссаломнинг* хизматлари беқиёс (570 – 632) бўлди. Куръони Каримдаги назарий масалалар чориёлар даврида амалий аҳамият касб этиди ва 632 – 661 йиллар давомида халифалар – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али фаолиятида *Куръон ва сунналар* сиёсий ва хукуқий меъёрларнинг манбаига айланди;

Яман ҳукмдори Муаззам ва пайғамбар Мұхаммад с. а. в. ўргасидаги қўйилати мунозара ва савол-жавоб дикқатга сазовор:

Мұхаммад:— Сен нимага асосланиб ҳукм чиқарасан?

Муаззам: — Оллоҳнинг кўрсатмасига биноан.

Мұхаммад: — Бундай кўрсатмалар Куръонда мавжуд бўлмаса-чи?

Муаззам. — Унда Оллоҳнинг ҳадислари асосида.

Мұхаммад: —Агар у ердан ҳам топмасанг-чи?

Муаззам: — Унда ўз ақлимга таяниб, ўзимнинг фаҳму фаросатимга асосланиб ҳукм чиқараман.

Фикр фани хукуқшуносликнинг ривожланиши ва шариатнинг шаклланишида катта роль ўйнади.

Мужоҳидлар Куръон ёки ҳадисларда қайд этилмаган ҳолатлар бўйича ҳукм чиқариш ҳукуқига эга бўлганлар. Шундай қилиб, ўрта асрларнинг VII асридан бошлаб Ислом цивилизациясида ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар шаклланди, уларни бир-бирларига қарама-қарши қўйиш эмас, балки биргаликда қўшиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Каранг: Каримов И. А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. // Янгича фикрларни жашилаш-давр талаби. Т. 5. Т., 1997. 185-бет.

Исмоил Бухорий, Абдухолик Фиждувоний, Хўжа Баҳовиддин Накшбанд, Имом Термизий, Аҳмад Яссави каби ислом дунёсининг уламолари билан бир қаторда Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ал Ҳоразмий, Аҳмад ал Фарғоний, Ибн Сино, Замахшарий каби дунёвий олимлар Рӯдакий, Дақиқий, Фирдавсий каби шоирлар Турон ва Эрондан етишиб чиқди. Бу борада араб халифалигига ислом дини ва сиёсатнинг ўзаро иттифоқи вужудга келди.

Ибн Рушд (1126—1198) ҳаёти ва фаолияти диккатта сазовор. Ҳасрда «Пок биродарлар» ташкилоти вужудга келди, бу ташкилот руҳоний шиалардан иборат бўлиб, улар ўз даврларининг илмларига оид энциклопедияни яратдилар. «Пок биродарлар ва ҳақиқатгўй дўстларнинг рисолалари» номи билан машҳур ушбу асар 51 рисоладан иборат бўлиб, фалсафа, маънавият, дин, тишигунослик ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳаларни қамраб олади. Ибн Рушд динни бошқарув санъати деб билган, ҳатто идеал давлатда ҳам дин ана шундай роль йўнаши керак бўлган, чунки ҳамма ҳам ҳаёт фалсафаси ҳақиқатини тушуниб етмайди.

Маълумки, IX—XII асрларни Марказий Осиёда Уйғониш даври ҳам деб айтишади, чунки IX аср бошига келиб, Моварооннаҳр араблар зулмидан озод бўлиб, бу ерда мустақил миллий давлатлар вужудга келди. Барча билим тармоклари билан биргаликда сиёсий, ҳуқуқий ва фалсафий қарашлар гуркираб ривожланди.

Абу Наср Фаробий (873 — 950) Арасту асарларини чуқур ўрганиб, ҳатто унинг хатоларини кўрсатиб беришга муваффақ бўлди. У фақат ўрта аср Шарқига эмас, балки Европа илм аҳлига ҳам катта таъсир кўрсата олди. Фаробий буюк аллома, яъни олим сифатида 160дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирди. Унинг асарлари фаннинг турли соҳаларига бағишлиланган бўлиб, ҳанузгача ўз амалий аҳамиятини йўқотган эмас. Олим «*Иҳсон ал-улум*» асарида илмлар таснифини яратди, 30 дан ортиқ илмлар таърифини берди. Унинг таълимотига кўра илмлар 5 турга бўлинади: 1) тил; 2) мантиқ; 3) математика; 4) табиий ва илоҳий билимлар; 5) шаҳар ҳақидаги фанлар. Мусиқашунослик фани ҳам Фаробий номи билан боғлиқ. Олим ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўғрисида «Фозил шаҳар аҳли қаранилари ҳақида китоб», «Баҳт-саодатга эришув ҳақида» каби илмий асарлар яратди (7-жадвал).

7-жадвал

Фаробийнинг «идеал жамоа» ҳақидаги қарашлари

Фаробий жамоаларнинг катта-кичикилгига қараб, уларни уч турга бўлади:	Фаробий шаҳар-давлатларни уларнинг мазмунига кўра иккι турга бўлади:	Фаробий жоҳидлар шаҳрини кўйидагига таснифлайди:
1) Буюк жамоа дунёдаги барча ҳалқларнинг бирлашуви; 2) Ўрта жамоа бир ҳалқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа; 3) Кичик жамоа алоҳида бир шаҳар-давлатни ташкил қўйувчи жамоа.	1) Ал-Мадина ал-Фозилия (Фоилилар шаҳри аҳолиси); 2) Ал-Мадина ал-Жоҳилия (Жоҳиллар шаҳри аҳолиси); Фозиллар шаҳри аҳолисининг асосий вазифаси — тинчликни таъминлаш, адолатни ҳимоя қилиш, одиг судловини ўрнатиш; асосида баҳт-саодатга эришиш. Жоҳиллар шаҳри аҳолисининг вазифаси буларгингизлицир.	1) Зарурий эҳтиёжлар шаҳри; 2) Айрибошловчилар шаҳри; 3) Разолат ва бадбахшлик шаҳри; 4) Обрўпарастлар шаҳри; 5) Амалпарастлар, ҳокимиятпастлар шаҳри; 6) Шаҳматпарастлар шаҳри; 7) Беномуслар шаҳри; 8) Бекарорлар шаҳри; 9) Адангансир шаҳри.

Манба: Сиёсатшунослик асослари. Маърузалар тўплами. Т., 2005.

Инсон жамоаси, – деб таъкидлайди Фаробий, – одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган талаблари натижасида вужудга келган. Ўзаро ёрдам, бирлашув натижасида кўп юмушлар ижро этилади. Бундай жамоанинг энг етук шакли шаҳардир. Фаробий барча инсонларни ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсонлар жамоасини тузиш ҳақида орзу қиласди. Давлатнинг вазифаси,— дейди олим, инсонларни баҳт-саодатга олиб боришадир, бу эса илм ва яхши ахлоқ, яхши хулқ ёрдамида кўлга киритилади.

Фаробий давлатни бошқаришнинг турли шаклларини таҳтил этди. Олим ҳар томонлама етук шахснинг давлат бошқаруви (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар бошқаруви (аристократия), демократия каби идора қилиш усууларини қайд этди. Фаробий ҳар томонлама етук, барча аҳолини баҳт-саодатга, илм-маърифатга олиб берувчи идеал жамиятни орзу қиласди. У инсонпарвар, буюк мутафаккир олим эди. XII асрдаёк унинг асалари лотин тилига ўғирила бошланди.

Фаробий ўрта аср Шарқ мутафаккирлари орасида биринчи бўлиб жамият ва давлат муаммолари ҳақида фикр юритди. Олим шаҳар-давлат бирлашмасининг ҳаёти ва ўзига хослиги, давлатнинг функциялари ва уни бошқарини шакллари; давлат бирлашмасининг вазифалари ва пировард мақсади, ялни бирлашувга эришишнинг йўллари ва усуслари каби масалани кўриб чиқди.

Давлатнинг пайдо бўлиши ва фаолият кўрсатишига Фаробий одамларнинг бирлашишга бўлган табиий интилишларининг натижаси сифатида қради. У ҳар бир инсоннинг пировард мақсади – баҳтга эришиш деб ҳисоблади. Аммо инсон унга якка ўзи эришолмайди. Бунинг учун кўп одамларнинг биргаликдаги куч-тагиратлари ва фаолияти ҳамда ана шу фаолият учун шароит яратувчи ва уни йўналтирувчи муайян ижтимоий ташкилот зарур.

Фаробийнинг фикрига кўра, давлат икки тида бўлади. Биринчи тип «эзгуликка асосланмаган» бўлиб, у саробга, соҳта баҳтга олиб келади. Бундай давлатларга ўз замонида мавжуд бўлган барча давлатларни киритган. «Эзгуликка асосланган» иккинчи тип модели олим томонидан «Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб» номли рисолада ишлаб чиқилган бўлиб, у одамларга чинакам баҳт бера оладиган давлат. Фаробий идеал давлат деганда, унда яшовчиларнинг бир-бирини тушунишига, инсонпарварликка, уларда юксак миллий қадриятларни кўришга ва унинг ҳаётини яхшилаш истагига асосланган давлатни тасаввур қиласди (8-жадвал).

Фаробий давлатнинг нормал фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан унинг қандай бошқарилаёттанига боғлиқ, деб ҳисоблаган ва шу боис, ҳукмдорнинг шахсига катта аҳамият берган. Унинг фикрича, ҳукмдор муайян ақлий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлиши, бошқарувнинг умумий қонунларини билиши ва мамлакат аҳолисини ўз ортидан эргаштира олиши, одамларни тарбиялаши, уларнинг хатти-ҳаракатларини умумий баҳт-саодатта эришишга йўналтириши ва уларни ана шундай фаолиятни амалга оширишга ундаши лозим.

Фаробий доно ҳукмдор бошчиллик қиласиган мутлақ монархия тарафдори эди. У ҳукмдор атрофида интеллектуал элита туриши керак деб ҳисоблар, шу билан бирга, агар ҳукмдор унга зарур бўлган барча сифатларга эга бўлмаса, давлатни жамоавий тарзда бошқаришни йўлга кўйиш мумкин, деб биларди.

Фаробийнинг “одил шоҳ” ҳақидағы таълимоти

Фозиллар шаҳри ҳокими хислатлари	Ҳокимиятда ворисийлик ва раҳбарда қўшимча олтита талаб ҳосил қилиш заруринати
1) Соғлиқ; 2) Фаҳм-фаросатлилик; 3) Кучли хотирага эга бўлиш; 4) Зуқколик; 5) Нотиқлик; 6) Маърифатлилик; 7) Қаноатлилик; 8) Ҳакиқаттуйлик; 9) Олижоноблик; 10) Моллараст бўлмаслик; 11) Адолатпарвардлик; 12) Мардлик	1) Доңишмандлик; 2) Кувваи қофизага эга бўлиш; 3) Ижод, ихтиючилик қобилиятига эга бўлиш; 4) Башборатуйлик хислатига эга бўлиш; 5) Қизғин сўзлашиш ва нотиқлик хислатига эга бўлиш; 6) Етарли жисмоний кувватга эга бўлиш, ҳарбий санъатни яхши билиш.

Маъба: Сиёсатшунослик ассоциатари. Матбуозалар тўплами. Т., 2005.

Абу Райҳон Беруний (973—1048) Маъмун Академиясининг аъзоси бўлиб, у 200 га яқин илмий асарларнинг муаллифидир. Европада олим Ал Борон номи билан машҳур. Фаробий каби Беруний ҳам буюк қомусий олим. Унинг «Геодезия», «Минералогия», «Масъуд қонуни», «Сайдана», «Хиндистон» каби асарлари маълум ва машҳур. Беруний босқинчилик, зулм, адолатсизликни қаттиқ қоралайди. Араб босқинчилиги туфайли Ватанимизда содир бўлган маданий ёдгорликларнинг йўқ қилинишини ҳам қаттиқ қоралайди. Жамоа ва тил кишиларнинг бирлашуви натижасида нужудга келган, деб таъкидлайди.

Абу Райҳон Беруний биринчилардан бўлиб дүйё тарихи ва маданиятини у ёки бу мамлакатнинг географик жойлашуви нуқтаи назаридан ёритиб берди. Муайян даражада уни геосиёсатнинг отаси леб аташ ҳам мумкин. Ўз вақтида Абу Райхон Беруний «Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлиқ, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъя борлигини башборат қилиб, илмий асосслаб берган»¹.

Беруний ҳар уч ойда алмашиниб турадиган ва фуқаролар томонидан галма-галдан бошқариладиган давлатни идеал деб ҳисоблади, лекин унинг фикрича, бошқарувчи фуқаролар фақат зодагонлардан ва йирик ер эгала-ридан бўлиши зарур эди. Шунингдек, давлатнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун ўзаро ёрдам, тинч-тотув яшаши ва умумжаҳон фаровонлиги сингари қоидаларга риоя қилиниши лозим. У, айниқса, давлатларнинг тинч-тотув яшашини кўп тарғиб қилди, чунки уни ҳалқнинг баҳт-саодати ва фаровонлигининг гарови деб биларди. Бошқарув шакли ҳақидағи масалада у монархия шаклини кўллаб-кувватлади ва уни бошқарувнинг идеал шакли, деб ҳисоблади. Берунийнинг фикрига кўра, давлат ва қонун-

¹ Қўранг: Каримов И. А. Амир Темур – фахримиз, гуруримиз. // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. Т., 1997. 183-бет.

лар инсон баҳт-саодати учун хизмат қилиши, давлатни эса маърифатли подшо бошқариши лозим эди.

Беруний Шарқ, Греция, Рим маданиятларининг чуқур билимдони эди. Олим мамлакатнинг ободонлиги илм-фаннынг ривожига боғлиқ, инсоннинг баҳти эса, унинг билим ва маърифатида деб таълим берар эди. Унинг ғоялари рационализм ва прогрессив таълимотга асосланган эди.

Абу Али ибни Сино (980— 1037) Фарбда Авиценна номи билан машхур бўлиб, у ҳам Беруний каби Маъмун Академиясининг аъзоси бўлган. Абу Али ибни Сино ҳам Фаробий, Беруний сингари Арасту асарларини зўр қизиқиш билан ўрганди ва уларни Европа аҳди учун қайтадан қашф этди. Олимнинг буюк асари «Тиб қонунлари» араб тилида баён этилган. Абу Али Ибн Синонинг «Донишнома» асари эса форс-тожик тилида ёзилган.

Абу Али ибни Сино давлатга бирлашувининг табиий зарурати сифатида қарали. Ўзининг «Китоб ал-ишорат ват-танбидат» (Қўрсатмалар ва танбеҳлар китоби) номли асарида у шундай деб ёзган эди: «Агар бир одам ҳамма ишни ўзи қиласиган бўлса, унинг зиммасига жуда оғир юк тушган бўлур эди, бинобарин, улар ўртасида келишув бўлмоғи лозим».

Ибн Сино жамиятнинг ҳар бир аъзоси фойдали меҳнат билан шуғулланадиган, бекорчилик қораланадиган давлатни идеал деб ҳисоблаган. У идеал ижтимоий тартибни ва ижтимоий адолатни таъминлайдиган доно ҳукмдорга катта умид боғлаган. Абу Али ибни Сино жамиятда тенгсизлик тарафдори эди, чунки, унинг фикрича, фақат бойлардан ёки, аксинча, фақат камбағиллардан иборат бўлган жамият фаолият кўрсата олмайди. Агар жамиятнинг барча аъзолари бой бўлиб кетсалар, одамларда ҳамдардлик, ўзаро ёрдам ҳисси йўқолади. Агар жамиятнинг ҳамма аъзолари камбағал бўлса, бундай ҳалқ қирилиб кетади.

Ўрта аср илоҳиётчи ва ҳукуқшунос олими *Абу Ҳасан ибни Маварди* (973-1058) адолатли давлат курилишининг тарафдори бўлган. У данлат куфр билан туриши мумкин, лекин адолатсизлик билан турмайди, деб ҳисоблар эди. Мавардининг «Ал-аҳқом ас-султония» (Султонлик аҳқомлари) деб аталган рисоласи машхур бўлиб, унда муаллифнинг «идеал мусулмон давлати» ҳақилағи хаёлий тасаввурлари баён қилинган.

Низомулмур XI асрда яшаб ижод этган бўлиб, сultonи Маҳмуд Фазнавийнинг бош вазири назифасини ижро этган. Бизгача унинг «Сиёсатнома» асари етиб келган. Бу асар бошқарув илмига бағишлиланган бўлиб, сиёсат бобида энг қимматли асарлардан бири ҳисобланади. Унда Шарқ ва Farбинing XI асрнага бўлган сиёсат соҳасидаги қимматли фикр-мулоҳазалари жамланган. Асар Соҳибқирон Амир Темур бобомиз томонидан синчилкаб ўрганилган ва юқори баҳоланганди. Амир Темур томонидан ёзилган “Темур тузуклари” китоби “Сиёсатнома” таъсирида ёзилган дейиш мумкин.

Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий ғояларнинг ривожланиши тарихида буюк ўзбек шоюри ва мутафаккири *Алишер Навоий* (1441-1501) муҳим ўрин тутади. Навоийнинг давлат ва ахлоқ соҳаларидағи идеалининг асосий қоидлари унинг «Садиқ Искандарий», «Хайрат ул-аброр», «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида баён қилинган (9-жадвал).

Навоийнинг «юксак жамият», «одил шоҳ» ҳақидағи таълимоти

<p>Навоий марказлашган монархия тизими тарафдори эли. Аммо у:</p> <ul style="list-style-type: none"> • мутлак ҳуқуқуларга эга эмас. • кентайш билан давлатни бошқаради. • олимлар фикрига таянади. 	<p>«Одил подшоҳ кўзгува бу бу (ёвуз шоҳ) аниңг орқасидадир. Ул ёруғ субҳ ва боқону кечасидир». (Маҳбуб ул-кулуб).</p>	<p>«Одил шоҳ» олиига қўйган талаблар: Ўзингараво кўргаган нарсани ҳалқингига ҳамраво кўрма; ўз қўшичиларигини қийнама, уларни қашшоқ ҳолга ташлама; ҳалқингни қийнама, акс ҳолда шарагифи номинг булғанади; ҳалқингни талама, уни мулкдан бегона қилма; қалбинг тоза бўлсин; адолатли бўл; ҳимматли, олижаноб бўлгин; «максадга мувоғиқ» урушларни амалга ошириша тўхтама; одил, ҳалоскор бўл; кудодан најот тила; ҳақиқаттўй бўл; ҳалкларвар бўл.</p>
--	---	--

Минба: Сиёсатшунослик асослари. Матбуналар тўплами. Т., 2005.

Алишер Навоий мамлакатнинг тарқоқлигини, ўзаро урушларни қатъий қоралаган, фаолиятини донишмандлик ва адолат асосига курган маърифатли ҳукмдор бошлигидаги марказлашган давлат барпо этишга чақирган Навоийнинг фикрига кўра, адолат – ҳукмдор фазилатларининг асосий мезони. «Коғир бўлса ҳам одил бўлган шоҳ, – деб ёзди у «Хамса» достонларидан биринча, – мамлакатни обод қиласи, золим эса, гарчи у мусулмон бўлса ҳам, уни вайрон этади».

Ўз асарларида Алишер Навоий ҳатто ҳукмдорни сайлаб қўйиш ва унинг ҳокимият функцияларини чеклаш тоясини ҳам илгари сурган. Унинг фикрича, ҳукмдор бирорта ҳам муҳим давлат масаласини доно маслаҳатчилар билан келишмасдан, кенгашибасдан туриб ҳал қиласлиги керак.

Атоқли шоир ва файласуф, асли келиб чиқиши ўзбек уруғидан бўлган ва узоқ вақт Ҳиндистонда яшаган *Мирзо Абдулқодир Бедил* (1644-1721) давлатнинг келиб чиқишини ўзига хос тарзда изоҳлаган. У ижтимоий-сиёсий муаммоларга кўнъ ёътибор қаратган. Бедил давлатнинг манжудлиги азалий эмаслигидан келиб чиқади. У давлат жамиятнинг бойлар ва камбағалларга, эзувчилар ва эзилувчиларга бўлиниши натижасида пайдо бўлған, деб ҳисоблади. Бойларнинг манфаатларастлиги ва ҳукмронликка интилиши улар ўртасида урушлар келиб чиқишига ва аввал майда, сўнгра эса, анча қудратли марказлашган давлатларнинг ташкил топишига олиб келдики, бу давлатлар бойлар манфаатларини ҳимоя қилиш қуролига айланди. Ўз асарларида Бедил адолатли ижтимоий тузум яратиш зарурлигини асослади, мустабидликни қоралади, зўравонлик ва ижтимоий адолатсизликка қарши чиқди.

Худди Навоий сингари, Бедил ҳам ижтимоий ҳодисаларни тушунишда идеалист бўлған ва жамиятнинг яхшиланишида ҳукмдорларнинг ақл-идроқи ҳамда маънавиятига умид боғлаган.

3. Амир Темурнинг давлат тўғрисидаги қарашлари.

Амир Темур (1336-1405) – буюк давлат барпо этган улкан шахс ва дипломат. Унинг номи дунёдаги еттита энг буюк шахслар қаторида тилга олинини тасодифий ҳол эмас. Амир Темур сиёсат майдонига чиққанида эндиғина 24 ёшга тўлғанди. Мамлакат парчаланиб кетган, маҳаллий сиёсий кучлар ўргага

сидаги қарама-қаршиликлар авж нүқтасига етган эди. Мазкур давр барча учун – зулмни ўз елкасида ҳис этган оддий фуқаролардан тортиб, сиёсий арбоблар ва Мовароуннахр руҳонийларининг вакилларигача – ҳаддан ташқари оғир пайт бўлган. Жамият унинг озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларини ўзида мужассам этадиган бир халоскорга муҳтоҷ эди¹.

Амир Темур ана шундай доҳий, бутун бир жасоратлар даврини яратган шахс сифатида сиёсат майдонига чиқди. Амир Темур ўзаро урушларга барҳам бериб, тарқоқ ерларни бирлаштириш, ўз даврининг энг қудратли, марказлашган давлатларидан бирини яратишга муваффак бўлди, у бошқарув механизмини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Бутун дунёда олти аср давомида бу улуғ шахсга бўлган қизиқиши сусайгани йўқ. Ўтган олти юз йил давомида Амир Темурга бағишлиб яратилган катта асарларнинг сони Европа тилларида 500 тани, Шарқ тилларида эса 900 тани ташкил этади².

Амир Темур давлат қурилишининг моҳир назариётчиси на амалиётчиси сифатида фаолият кўрсатиб, ўз давлатининг ички ва ташқи ҳётига оид масалаларни кўтариб чиқар ва ҳал қиласади. У яратган ҳокимият тузилмаси ва давлат бошқаруви аппаратининг функциялари «Темур тузуклари»да баён қилинган.

Бу ўринда давлат қурилишига замонавий ёнданув билан кўп умумийликлар бор. Темур ҳокимият тизимининг аниқ ишлами ва ҳар бир кишининг ўз вазифалари нимадан иборат эканлигини яхши билишига катта эътибор берди. Ҳар бир вазирга давлат ҳаётининг муайян соҳаларини биринтириб кўйган: кимdir бошқа мамлакатлар билан муносабатлар учун, кимdir иқтисодий ва молиявий муаммолар учун, яна кимdir девон иши учун, бошқаси божхона иши учун, яна кимdir диний масалалар учун маъсул эди. Божхона ва девонни Амир Темурнинг ўзи ишда аниқликни таъминлаш учун ташкил этган эди. У ўз давлатининг қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлашга интилди (10-жадвал).

Амир Темур давлатнинг таянчи на ҳимоячиси сифатида унинг аҳамиятини такомиллаштириш ва кучайтиришга катта эътибор қаратди. У шундай деб ёзган эди: «Кўшин бошлиқлари ва оддий жангчиларни рағбатлантириши учун олтинни ҳам, қимматбаҳо тошларни ҳам аямадим, мен уларни ўз дастурхонимга таклиф қилдим, улар эса жангларда мен учун ўз жонларини фидо қилилар. Уларга лутф-иноят кўрсатиб, уларнинг менга содик бўлишларини таъминладим»³.

Соҳибқирон ўз ҳалқининг фаровонлиги учун кўп буюк ишларни амалга оширди. Бошқа кўплаб лашкарбошилардан фарқли ўлароқ, у бўйсундирилган ерлардаги моддий ва маънавий қадриятларни, интеллектуал элитани йўқ қилиб ташламади. Ҳар доим олиму фузалоларга хурмат кўрсатди. Уларнинг фаолиятини қўллаб-кувватлалаш учун ўзига хос «мукофот жамғармалари» таъсис этди. Аксарият ҳолларда олим ўз ватанида кўрмаган иззат-хурматни

¹ Қаранг: Каримов И. А. Амир Темур – фахримиз, гуруримиз. Янгича фикрлари ва ишлари – давр талаби. Т. 5. Т., 1997. 181-182-бет.

² Ўша жойда. 184-бет.

³ Амир Темур. Темур тузуклари. Т., 1992. 31-бет.

Темур саройида күрар эди. Амир Темурнинг донолиги, унинг маданият хазинасини асрлар давомида сақлаб қолишига интилиши мана шунда намоён бўлади. Зеро, ҳеч нарса олим кишилар тарқатадиган илм зиёсидан ортиқроқ қимматта эга эмас.

10-жадвал

Амир Темур давлати ва унинг тузилиши

Давлатнинг ижтимоий асосини ўн икки тоифа ташкил этади:	1. Саййидлар, фозил кишилар. 2. Ишиблармонлар. 3. Художйи, гарки дунё қўлганлар. 4. Ҳарбийлар. 5. Сипоҳ ва раият. 6. Махсус ишончли кишилар. 7. Вазирлар. 8. Ҳаким, мунажжим, табиб ва муҳадислар. 9. Ҳалис олимлари. 10. Ахли ҳунар ва санъаткорлар. 11. Сўфийлар. 12. Савлогар ва сайдёхлар.
Давлат тақдирини уч нарса ҳал қўлдари:	1. Подшо. 2. Ҳазина. 3. Аскар.
Амир Темур давлатида вазирларнинг аниқ иерархик тузилмаси мавжуд бўлган:	1. Бонг вазир. 2. Вазири синоҳ. 3. Эгасиз мулкнинг иш вазири. 4. Молия ишлари ва зири. 5. Чегараларни назорат қўлувчи вазир. 4. Сарҳад назоратчиси.
Амир Темурнинг шиори:	«Рости-русти», яни «Куч—адолатда»

Манба: Сиёсатиуносилик асослари. Матбуотиёт тўплами. Т., 2005.

Амир Темур «маънавият ҳалқнинг бундан кейинги фаровонлигини белгилаб беради», леб ҳисоблар эди. Шарофиддин али Яздийнинг сўзларига кўра, Амир Темур яна шундай деган эди: «Олимлар ва дин арбоблари подшоҳларга ўзларининг маслаҳатлари ва насиҳатлари билан ёрдам беришлари керак. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва осойишталикини мустаҳкамлаш, оддий одамларнинг ҳаётини яхшилашдан иборатдир». Ўзининг ана шундай давлат сиёсати туфайли Амир Темур мамлакатда маърифатнинг мисли кўрилмаган даражада ривожланишига кўмак берди.

Амир Темур сиёсатининг муҳим хусусиятларидан яна бири Европа мамлакатлари билан алоқалар ўрнатилиши эди. Мазкур мамлакатларда Амир Темурни буюк давлат арбоби сифатида танидилар. У Византия, Венеция, Греции, Испания, Франция ва Англия билан алоқалар ўрнатган эди.

Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакат иқтисодиётида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқдан олинадиган даромал давлат ҳазинасига келиб тушар ва ҳалқ фарононлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғориш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришга сарфланар эди. «Темур тузуклари»да бундай дейилали: «Қўриқ ерни ўзлаштирган ва суғорган, унга экин эккан ёки қаровсиз ерларни экин экиш

учун яроқлы ҳолатта келтирған деңқон бириңчи йил солиқлардан озод қилинади; иккінчі йил у ўзи қанча тұлаш лозим деб ҳисобласа, шунча тұлаши мүмкін; үчинчі йили эса, у солиқлар ҳақидаги умумий қонунға бўйсунишга мажбур¹.

Амир Темур даврида солиқ солиши тизими ҳам ишлаб чиқылди. «Солиқларни йигишида халқ устига ортиқча солиқлар солиши ёки вилоятларни хароб қилишдан эхтиёт бўлиш лозим, чунки халқнинг хонавайрон бўлиши давлат хазинасининг бўшаб қолишига олиб келади, хазинанинг бўшаб қолиши эса қўшиннинг тарқаб кетишига, бу эса, ўз навбатида ҳокимиятнинг кусизлашишига сабаб бўлади», – деб ёзган эди Амир Темур². Унинг даврида халқаро савдо ҳам ривожланди ва гуллаб-яшнади. Амир Темур даврининг энг муҳим жиҳатларидан бири – халқаро қарвон йўллари – савдо йўллари хавфсизлиги таъминланган эди. Бунинг учун кўп сонли соқчилар сақлаб турилар, савдо-гарлар ва саёҳатчилар учун кўтлаб қулагиларга эга бўлган қарвонсаройлар барло қилинганди.

Маълумки, диний таълимотлар ва тарбия жамият ҳаётида катта аҳамиятга эга ва улкан роль ўйнайди. Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англар эди – жамият зэтиқодсиз яшай олмайди. Одамлар зэтиқодсиз, динсиз яшаши мүмкін эмас. Шу муносабат билан у «Мен ҳамма вақт ислом динини қўллаб-куватладим», деб қайд қилган эди³.

Амир Темурнинг ислом динига муносабатининг энг муҳим қирраси – иборат жамиятнинг барқарорлiği ва гуллаб-яшнаши, ижтимоий адолатни, мътнавий покликни таъминлаш мақсадида ислом дини асосларини мустаҳкамлашдан эди. Унинг қатъий фикрига кўра, давлат – давлат бўлиши, дин эса дин бўлиши лозим. Бу фоя ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Айнан шу туфайли Амир Темур даврида ислом дини обрў-зэтибор топди ва гуллаб-яшнади, тараққий этди. Айни пайтда, халқнинг дунёқараши кенгайди, давлат билан халқ ўргасидаги муносабатлар ўзига хос ўйнунлик касб этди.

Буюк саркарда Амир Темур ўлими олдидан авлодларга шундай қасият қилган:

«... Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда күчилларнинг ожизларга озор беришига йўл қўймадим. Халқларнинг осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб туринглар ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингиздаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар...

Агар, сиз менинг қасиятларимга амал қысаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатта, шафқатта кўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осойишталик Турон заминида узоқ вақт сақланади.

Агарда ўзаро низолашишга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги қасиятла-

¹ Ўша жойда. 31-бет.

² Ўша жойда. 32-бет.

³ Ўша жойда. 25-бет.

римни бажаришларингизга монелик қила олмайди¹. Бу доно васият асрлар оша бизгача етиб келди.

Амир Темурнинг сиёсий мероси ва фаолиятини ўрганишдан биз қандай хулосалар чиқарамиз?

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўз нутқларидан бирида таъкидлаб ўтганидек, «Бизнинг давримизда, олдимида ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш вазифаси турган бир пайтда Амир Темур биз учун улуғ давлатта асос солган шахс сифатида қадрлидир. У шундай давлатнинг пойдеворини, унинг ҳукуқий асосларини яратди. Унинг давлатчилик ҳақидаги фикрлари фақат ўз даври учун эмас, балки келажак авлодлар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўз давлатини бошқаришда Амир Темур фақат кучга эмас, балки ақлидрок ва ҳукуқий асосларга ҳам таянди.

Унинг «давлат ишларининг тўқиз улушкини кенгаш, тадбир, машварат, қолган бир улушкини қилич билан амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир².

Амир Темур фаолиятининг биз учун ибратли бўлган томонларидан яна бири шуки, у савдо-иктисодий алоқалар орқали халқлар ва мамлакатлар ўртасида ягона маконни барпо этишда катта муваффақиятларга эриши. Шу тариқа, Ўзбекистон ўзаро манфаатли асосда халқаро миқёсда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур 600 йил аввал ўйлаган ва ана шундан келиб чиққан ҳолда, ўз сиёсати йўналишини белгилаган эди. У барпо этган ягона савдо-иктисодий маконда бугунги кун учун намуна бўлиб хизмат қила оладиган вазият таркиб топди. Амир Темурнинг ушбу сўзлари бунинг далилидир: «... Мен шундай тартиб ва интизом ўрнатдимки, бир ёш бола бошига зар тўла лаганни қўйиб давлатининг у чеккасидан бу четига қадар борса, унинг бир донасига ҳам ҳеч ким қўл теккиза олмайди».³

Шундай қилиб, Амир Темур кучли давлат тузди. Ушбу давлатнинг қудрати ва шон-шурхати бизнинг давримизга қадар сақланиб келган бетакрор маънавий мерос ва ноёб ёдгорликлар ҳамда меъморий мажмуаларда ўз аксини топгандир.

4. XVIII—XIX асрларда Марказий Осиёда сиёсий таълимотлар ривожи.

Феодал тузумнинг ниҳоясига етиши ва озодлик курашининг ўсиб бориши Ўтра Осиёда ижтимоий-сиёсий фикрнинг ривожланишига хизмат қилди.

Аҳмад Дониш (1827—1897 й.) Бухорода маорифни, маданиятни, санъатни ривожлантириш, шу тариқа, халқ ҳаётини енгиллаштиришни орзу қилган эди. У ўз сиёсий қарашларида Бухоро амирлиги давридаги сиёсий тартиб ва ҳаракатларни, давлат бошқаруви ва тузилиши, амирлик олиб борган ички ва ташқи сиёсат моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилди. Аҳмад

¹ Каранг: Каримов И. А. Амир Темур – фахримиз, гуруримиз. Янгача фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. Т., 1997. 189-190-бетлар.

² Ўша жойла. 18-бет.

³ Ўша жойла. 28-бет.

Дониш Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий қарашларини қаттиқ танқид қилди.

Аҳмад Дониш «халқ билан ҳукмдор ўргасида халқни талон-тарождан ҳимоя қилиш мақсадида тузилган битим бўлиши шарт, шу сабабли, ҳукмдорнинг энг биринчи вазифаси халқнинг фаровоиликни ҳақида ғамхўрлик қилишидир», деган эди. Аҳмад Донишнинг Бухоро амирлигидаги воқееликка қарши кескин норозилик билдириши ҳам шундан келиб чиққан эди. Ватани ва халқининг асрий қолоқликларни ҳалос бўлишини А. Дониш анвал амир томонидан ислоҳотлар ўтказиш зарурати билан боғлади. Унинг фикрига кўра, ислоҳотларнинг асосий йўналишларида қўйидагилар бўлиши лозим эди:

- мамлакатнинг мустақилигини таъминлашига қодир бўлган адолатли давлат тузуми ўрнатиш;
- таълимни ривожлантириш, саводхонликни ошириш;
- давлат идораларининг фаолият кўрсатишини ва мансабдор шахсларнинг уларнинг қўл остидаги кишилар билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш;
- қонунсизлик ва ўзбошимчаликка қонуний тартибни қарши қўйиш;
- дехқончиликни ривожлантириш;
- ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш;
- олимларга ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо.

Махтумқули (XVII-XVIII асрлар) яшаб ижод этган даврда адолатсизлик, жаҳолат авж олган эди. Ўзбошимча беклар, тўралар, оқсоқоллар ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида меҳнаткаш халқни шафқатсиз эзар эди. Мазлум халқ уч томонлама таъкиб қилинар эди. Бир томондан, Эрон шоҳининг босқинчилик сиёсати меҳнаткаш халқнинг тинкасини қуритса, иккинчи томондан, Бухоро хонлигининг талончилик мақсадидаги юришлари мамлакатни ниҳоятда қашшоклаштирган, Хива хонлигининг даҳшатли зулми оддий халқни хонавайрон қилган эди. Ўз тақдирини жафокаш халқ тақдирни билан чамбарчас боғлаган Махтумқули мана шу феодал тузумига бефарқ қараб туролмади. У ўз асарларида феодал ижтимоий-иқтисодий тузумни аямасдан танқид қилди. Золим беклар, инсофисиз бойлар, босқинчи хонларга нисбатан ўзининг ғазаб туйгуларини ифода этиб асарлар яратди.

Махтумқулининг ижтимоий-сиёсий қарашларидаги ахлоқий масалалар ҳам катта ўрин туради. Унинг панд-насиҳатли шеърлари, золимликни, адолатсизликни, такаббурлик ва мақтанчоқликни, номардлик ва иккюзламачиликни қаттиқ қоралаган, юксак инсоний ахлоқни улуғлаган. Шу сабабли, истебдодли шоирнинг ижтимоий мазмундаги асарлари узоқ замонлардан бери Марказий Осиё халқлари, шоир ва баҳшиларининг дилидан чуқур жой олган, уларга жўшқин илҳом бериб келган.

Қорақалпоқ шоири ва мутафаккири *Бердақ* (1827-1900) ўз сиёсий қарашларидаги Хива хонлиги маъмурий сиёсий идора усулини фош қилди. Хива хонлиги феодал монархиядан иборат бўлиб, давлат тегасида қўнгирот урунига мансуб бўлган хон туради. Хон чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, давлат бошқаруви отадан болага мерос бўлиб ўтаверади. Олий давлат боиқаруви, маъмурий лавозимдагилар хоннинг қариндош-уруглари эди, у судлов ишларни таъминлаштирганини таъминлаштирган.

рида қонунсизликни күрди. Аҳоли тирикчилиги – ер билан, лекин ер – хон кўлида, амалдорларга қараши. Ҳоннинг солиқ сиёсати даҳшатли, ўлпонларнинг 25 га яқин тури бор. Ана шу ижтимоий адолатсизликни қоралади. Буларни ўзининг «Аҳмоқ подшо» достонида битди. 1998 йил декабрида қорақалпоқ мумтоз шоири Бердақ тавалудининг 170 йиллиги кенг нишонланди.

Мумтоз ўзбек адабиётининг оташқалб шоири *Оғаҳий* (1809-1874) ўзининг сиёсий қараашларини бадиий таржима ва асарлари орқали баён этган. У 19 асарни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. «Юсуф ва Зулайҳо», «Шоҳу гадо» достонлари шулар жумласидандир. Оғаҳийнинг сиёсий қараашларида 2 тенденция мавжуд бўлиб, у, бир томондан, давлатни бошқариш масаласида маърифатпарварлик, инсонпарварлик, демократик қараашларни илгари сурган бўлса, иккинчи томондан, масалани бир томонлама ҳал қилиб, топиш қийин бўлган идеал маърифатпарвар шахс ролига баҳо беради.

1999 йил декабрида Урганч шаҳрида Оғаҳийнинг 190 йиллиги кенг нишонланди.

Яна бир ўзбек шоири *Сатторхон* (1843-1902) хонлик тизимини ўзбoshимчаликда, қонунсизлик ва пораҳўрликда, мамлакат фаровонлиги, илм-фан ривожи ҳақида ғамхўрлик қилмаслиқда айблади. Шу сабабли, ҳам мамлакат қолоқ, дейди у. Сатторхоннинг фикрича, жамият тараққиётининг асоси илм-фан, маърифат ташкил қиласди. У маърифатни жамият фаровонлигининг гарони, деб билган.

Фурқат (1858—1909 й.) — XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётининг мумтоз вакили бўлиб, бу даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар адабиётда ҳам акс этди. Фурқат феодал-хонлик тартибларини қаттиқ таңқид қилди. Фурқат маърифат, ижтимоий адолат ва ҳалқ фаровонлигини таъминловчи тартиблар ўрнатиш зарур, деб таъкилади. Фурқат бошқа маърифатпарвар шоирлар — Сатторхон, Муқими, Завқий каби ижтимоий тараққиёт жамият аъзоларининг чукур билимга эга бўлишига боғлиқ, деб тушунди. Фурқатнинг фикрича, нодонлик — жамият учун, инсон учун ҳақиқий оғатдир. Фан эса — кишига йўл кўрсатувчи, теварак-атрофдаги дунё ҳақида билим берувчи чироқдир, «дилнинг муроди, кўнгилларнинг сурори, кўзларнинг нури илмлир», дейди у. Фурқат фан ва санъат ривожлансанагина, ҳалқнинг фаровон яшаси ва маърифатли бўлишига ғамхўрлик қилинсанагина, мамлакат тараққий қиласди, жамият аъзоларининг орзу-умидлари рўёбга чиқади, дейди.

Фурқат Бухоро ва Хива ҳукмдорлари ҳокимиятининг даҳлисизлигига шубҳа билан қаради, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши чиқди. У фанни нодонлик ва жоҳишликка қарши курашда асосий куч деб ҳисоблаб, унинг ютуқларини мадҳ этди, феодал урушлар ва қабилавий низолардан воз кечишга чакирди. Фурқат хонлик тартибларининг тутатилиши, диннинг давлатдан ажратилиши ва ҳалқни маданиятга яқинлаштиришни мамлакат тараққиётини, ҳалқ фаровонлигини оширишнинг асосий шарти, деб ҳисоблади.

Ўзбек демократик фикрининг XIX-XX асрлар чегарасида яшаган яна бир буюк вакили *Муқими* (1850-1903) бўлиб, у фақат феодал тартибларни эмас, балки янги пайдо бўлган эксплуататор-капиталистларни, Туркистон-

даги рус маъмуриятини қаттиқ танқид қўлиб чиқди. Фурқатдан фарқли ўлароқ, Муқимий юқоридан амалга сирорладиган ислоҳотларга умид боғламади. У мавжуд давлат ҳокимияти тўлалигича бойларга қарам, у ҳеч қачон халқ манфаатларини ҳисобга олмаган ва олмайди ҳам, леб ҳисоблар эди.

Муқимий ҳам илм-фан жамият ривожини белгиловчи кучdir, деган фикрни баён қўлди ва уни ташвиқ қўлишга катта ҳисса қўши.

Бошқа маърифатпарварлар қатори Муқимий ҳам тарихни, мамлакатнинг тараққиёт йўлларини белгилашда илм-фан асосий кучdir деган тушунчага асосланди. Улар мамлакат қолоқлигинини асосий сабаби феодал-хонлик ижтимоий тартибларида деб билиб, уни танқид остига олдилар.

Шунингдек, XIX асрнинг охири – XX асарнинг бошларида Туркистон ахолисининг сиёсий, хуқуқий, маданий, маърифий савиёясини оширишда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сатторхон, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлион каби халқимизнинг асл фарзандлари жонбозлик кўрсатдилар ва давлатни идора қилиши, жамиятни бошқариш тўғрисида ўзларининг қимматли ғояларини халқ ичига тарқиб қўлдилар.

5. XIX аср охири ва XX аср бошларида жадидчилик ғоялари.

XIX аср охирида Туркистон ўлкасида «жадидчилик» ҳаракати пайдо бўлди. Бу ҳаракатнинг халқимиз миллий, ижтимоий ва маданий тарихида ўзига хос ўрни бор. Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўриниши бўлиб, унинг намояндалари мамлакатни қолоқликдан чиқариш ва миллий тараққиётга эришининг маърифий йўлини кўрсатдилар.

Чор Россиясининг чекка ва мустамлака ўлкаси бўлган Туркистонда мактаб-маорифнинг янгиланиши, янги адабиётнинг вужудга келиши, миллий театр, матбуотнинг туғилиши ва йўлга қўйилиши ҳам жадидчилик ҳаракатининг самараларидир.

Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида бир хиллик бўлмаган: идора усулида конституцион монархия ва республикачилик қарашларида хилма-хиллик бўлган, баъзи масалаларда жиддий фарқ борлигини инкор қўлмаган ҳолда, жадидлизм муайян қарашлар тизими сифатида шу давр эҳтиёжларини ифодалар эди.

Жадидчилик ижтимоий-сиёсий қарашларида чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик режимига қаратилган ғоялар билан бирга иккиласишишлар, мўътадиллик ғоялари уйғунлашган эди. Бунда матбуотнинг роли ўси. Жадидчиларнинг газета ва журнallари ўлкада кенг тарқалиб, мусулмон ахолисининг сиёсий онги ўсишига таъсир эта бошлади.

1906 йилдан бошлаб Туркистон жадидлари ўзларининг «Тараққий», «Хуршид» номли газеталарини нашр қила бошлади. Унда мўътадиллик, иккиласишишлар, журуғасизлик сезилиб турса-да, чоризм сиёсатини кескин қораловчи мақолалар ҳам босилиб турди.

Жадидчилик оқими ташкилий жиҳатдан ўз низом ва дастурига эга эмас эди. Сабаби, у ташкилий жиҳатдан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилимаганди.

Жадидчиликнинг кўзга кўринган намояндлари қўйидагилардир:

Исмоилбек Гаспрали (1851-1914) – юқори аслзодалар оиласидан. Кримда мусулмон диний мактабида таълим олган, асли ўзи Кримнинг Боғчасарайидан эди. Туркистон жадидлари ўз сиёсий дастурини ана шу Крим-татар сиёсий арбобидан олди. У Москнада, кадетлар корпусида ҳарбий таълим олган. Туркия ва Францияда 2 йил яшаган. Крим ярим оролида яшаган аҳолининг 25 фоизини ташкил қилган крим-татарлари орасида турк тилини сақлаб қолишини ёқлаган. 20 йил «Таржимон» журналини нашр этди. И. Гаспрали 1893 йили Бухоро амири Абдулаҳадга янги усул мактаблари тузишни таклиф қилиб, рад жавоби олди. У Туркистонга жадидчилик оқими ни биринчи бўлиб ёди. 1910 йили Туркистоннинг гурули жойларида 50 га яқин шундай мактаблар ташкил этди. Тошкентда 20 та, Кўқонда 16 та шундай марказий жадид мактаблари очилди. И. Гаспрали ҳар бир миллатнинг маориф-маданиятини миллий заминда олиб бориб, миллий тил учун кураш ташкил қилган эди. У туркий халқлар учун ягона тил, имло масаласини ҳимоя қилиб чиқди. И. Гаспрали «Юз йилдан сўнг. 2000 сана» романини ёзди. У синфий кураш назариясига қарши эди. «Маданияти йўқ миллатнинг саноати бўла олмас. Бизнинг бугунги вазифамиз ҳали маданий ўсувдан, шунга йўл ҳозирловдангина иборат». У ўз романида қонсиз кечадиган инқилоб ҳақида ёзди. Энг яхши орзу ҳам, агар у зўрлик ва куч билан амалга ошадиган бўлса, зулмлир, ҳар хил кўрсатмалар, буйруқ, зўровонликлар бўлса, бундай «мамлакат ва жамият муқаррар равишда казарма вазиитига келиб қолади» деган эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий (1879-1919) – Самарқанд шаҳрида руҳоний оиласида дунёга келди. У ҳаж қилиб Макка ва Мадинага борди, Миср ва Туркия шаҳарларида бўлди. Петербург, Москва, Қозон, Уфа ва Оренбург каби Россия шаҳарларида бўлди. Беҳбудий жадид оқимига кўшилиб, Туркистоннинг Россиядан ажralиб чиқишини ва унинг мустақил давлат сифатила ички ва ташки сиёсат олиб бориши лозимлигини ҳимоя қилди. Жадидлар 1917 йил февраль инқилобидан сўнг ўз сиёсий ташкилотларини тузишга киришди. 1917 йил марта «Шўрои Исломия» ташкилотига асос солди. Мусулмонларни бу ташкилот атрофига бирлаштиришга чақириди. Беҳбудий озодликка эришища маърифатнинг ролига юқори баҳо берди. У «Маориф бўлимида турған мусулмонларнинг бошини силангиз. Мафкурага ёрдам этингиз. Туркистон болаларини илмсиз кўйманг, озодлик йўлини кўрсатинг» деган ўзм.

Мунавваркори Абдурашидов (1878-1931) – Туркистонда жадидизм ҳаракати раҳбарларидан бири, педагог, зиёли оиласида туғилган. Тошкентда Юнусхон мадрасасида таълим олган. 1903 йили жадид мактаблари очиб, ўзи унда дарс берган. Шу мактаблар учун кўлланма, дарслик ёзган. У маҳаллий бойлар кайфиятини ифода қилган. У эски мактабларни ислоҳ қилиб, унда дунёвий илmlар ўқитилишини ёқлаб чиқди ва халқни маърифатга чақириди. Мунавваркори «Шўрои Исломия» ташкилоти тузувчиларидан бири эди. Бу ташкилотта маҳаллий бойлар, руҳонийлар кирган. Ташкилотнинг талаби Туркистонда буржуза Россияси таркибида миллтий-диний автономия тузиш, маданият ва маориф соҳасида капитализм ривожи учун зарур бўлган баъзи ислоҳотлар ўтка-

зишдан иборат эди. У 1931 йил 26 апрелда собиқ шўро режими тарафдорлари томонидан қатл этилди.

Фитрат (1886-1938) — ўзбек ёзувчisi ва олимни. У дин на эски дунё саркитларига қарши курашган. Самарқанд Педакадемиясида ишлаган. «Қиёмат» пьесаси, «Заҳронинг имони» (1920), «Қийшиқ эшон» (1930), «Рўзилар» каби драматик асарлари билан феодал тузумига ва динга қарши чиқди. 1938 йил 4 октябрда Тонкентда шўро тузуми тарафидан отиб ўлдирилган.

Чўлпон (1893-1937) — ўзбек шоири, таржимон, санъатшунос. У дастлаб мадрасада, сўнг рус-тузем мактабида ўқиган. 1919-20 йилларда «Турк ГОСТА» газетасида муҳаррир, «Қизил байроқ», «Туркистан» каби газеталарда адабий ходим, 1924 йилдан Москва ўзбек драма студиясида, кейин Ўзбекистонда маориф ва театр соҳаларида ишлаган. 1938 йил 4 октябряда Сталин сиёсати туфайли отиб ўлдирилган.

Умуман, жадидчилик ҳаракатининг ҳусусиятлари қўйидагилардан иборат:

Жадидчилик ҳаракати Туркистанда сиёсий жараёнлар ривожланишига катта ҳисса қўшили. Маърифатчилик ҳаракати сифатида бошлаган ҳаракатларида ҳалқнинг умумий саводи на маърифатини кўғариш қоясини илгари сурди.

Жадидлар динга қарши курашган эмаслар, балки шариатга қаттиқ риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмлар бериш асосида ислоҳ қилиш зарурлиги масаласини кўтардилар.

Жадидчилар ҳаракати Россиянда вужудга келган бойшениклар партияси билан бир вақтда шакланди. Истиблод ҳукумати жадидларни дин пешволалига қарши қўйишга ҳаракат қилса, жадидлар маърифат йўли билан ҳалқ онгини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар.

Шундай қилиб, биз юқорида баён этган, номлари зикр этилган давлат арабблари, мутафаккир олимлар сиёсий-хукуқий билимларнинг ривожида катта ҳисса қўшдилар, фуқаролик жамияти, инсонпарвар хукуқий даюват бар-по этишининг назарий ҳамда амалий тамойилларини белгилаб бердилар.

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Режа:

1. Сиёсий жараёнлар тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Сиёсий жараёнларниг ўзига хос хусусиятлари.
3. Сиёсий жараёнларниг структураси.
4. Сиёсий фаолият ва сиёсий жараёнлар.
5. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида сиёсий жараёнлар.

1. Сиёсий жараёнлар тушунчаси ва унинг моҳияти.

Инсоният XXI асрга хусусан фан, технология ва ахборот соҳаларидаги улкан ютуқлари билан кириб келди. Бинобарин, янги аср остонасидан бутун дунёда сиёсий жараёнлар янада жўшқинланди, ўзига хос аҳамият касб эта бошлади.

Хўши, сиёсий жараёнларниг ўзи нима?

Сиёсий жараёнлар ўн ёки юз йиллар олдин пайдо бўлган тушунча эмас. Унинг тарихий илдизлари давлатчиликнинг, қолаверса, илк жамиятнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Зотан, ҳар бир жамиятни характерлайдиган асосий хусусиятлардан бири сиёсий жараёнларниг мавжудлигидир.

Сиёсий жараёнлар кишилий жамияти ривожланишининг барча даврларида мавжуд бўлган, аммо унинг фаоллик даражаси турли даврларда турлича намоён бўлиб, ўзига хос характер касб этган.

Жамиятда турли ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар, мураккаб сиёсий воқеалар рўй бериб туради. Аммо уларнинг моҳияти, мақсадлари, шунингдек, уларни келтириб чиқарадиган сабабларни англаб олиш анча мушкул. Сиёсий жараёнларниг бугунги кунда долзарблиги ҳам айнан ана шунда намоён бўлмоқда.

Сиёсий жараёнларга кўп сонли кишииларниг тортилиши, сиёсий арбобларниг фаолияти, сиёсатнинг янада кўпроқ даражада омма назорати остига ўтишига олиб келмоқда.

Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, шахснинг сиёсий мақоми, унинг хукуқ ва эркиниллари муаммосини ўта кескинлаштирилди. Бинобарин, сиёсий жараёнларниг моҳиятини ўрганиш мухим аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий жараёнлар ва унинг хусусиятлари, таърифлари тўғрисида турли хил фикр-мулоҳаталар мавжуд:

Сиёсий жараёнлар – жамият сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришлар бирлигидан иборат. Даълатларниг ички ҳаёти ва халқаро сиёсий муносабатлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳам сиёсий жараёнларниг таркибий қисми ҳисобланади.

Сиёсий жараёнларнинг яна бир бошқа таърифи қуйидагича ифодаланади:

Сиёсий жараёнлар деб жамиятнинг сиёсий ҳәётида турли хилдаги воқеа-ходисаларнинг рўй бериб туриши, уларнинг объектив қонуниятлар ҳаракати асосида давом этиши ва шу асосда жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиб боришига айтилади.

Хуллас, сиёсий жараёнларнинг турли давр олимлари томонидан берилган турфа таърифлари мавжуд. Аммо унинг моҳияти ягона, яъни сиёсий жараёнлар бу – жамият ва сиёсат ёки шахс ва сиёсат муносабатидир.

Кенг маънода эса сиёсий жараёнлар – жамиятнинг сиёсий фаолиятидир.

Жамиятнинг сиёсий ҳәётида содир бўладиган барча ҳаракатлар оқими яхлит жараёндир.

Умуман, «жараён» сўзининг туб моҳиятига эътибор берсак, «жараён» сўзи лотинча «processus», яъни «давом этиши» маъносини билдиради. Демак, сиёсий жараён ҳеч қачон турғун ҳолатда бўлмайди, у ҳар доим ҳаракатда бўлади. Худди шунингдек, «жараён» сўзи нафақат сиёсий соҳада, қолаверса, ижтимоий фанларнинг барча соҳаларида кенг қўлланилади, жумладан, тарих, фалсафа, психология, ҳуқуқшунослик ва бошқалар.

Сиёсий жараёнлар сиёсий муносабатлар иштирокчилари ва институтларнинг фаолиятини амалга ошириш ҳамда сиёсатдаги субъектларнинг ўзаро муносабатларини таъминлаш механизmlарини ўзида мужассамлаштирган.

Сиёсий жараёнларнинг фаолиги қай даражада бўлмасин, уни назорат қилиш ёки тўхтатиб қолиш мумкин эмас. У объектив жараён бўлиб, кишилар ёки гуруҳларнинг хоҳиш-истагига бўйсунмайди. Шу сабабдан ҳам, сиёсий жараёнларнинг боришини истаган вақтда, истаган томонга буриб юбориш мумкин эмас. Сиёсий жараёнлардан фақат бир гуруҳ ёки бирор шахс ҳам ўз манбаатлари йўлида фойдалана олмайди. Сиёсий шахс ва сиёсий гуруҳлар ҳамда ташкилотлар сиёсий жараёнларга таъсир қилиши мумкин, ҳолос. Бу жараёнлар ўзининг объектив қонуниятлари асосида даном этади.

Сиёсий жараёнлар «сиёсий муносабатлар», «сиёсий институтлар» каби тушунчаларга нисбатан мазмунан анча кенг маънони англатади. Агар «*сиёсий муносабатлар*» тушунчаси турли субъектлар ўртасидаги муносабатни ифодаласа, сиёсий жараёнлар эса ҳам субъектлар, ҳам объекtlар ўртасидаги муносабатларни ва уларнинг ҳар бирида рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Шунингдек, сиёсий муносабатлар ва сиёсий жараёнларни сиёсий институтларнинг таъсирисиз, уларнинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. *Сиёсий институтлар* нисбатан мустаҳкам, ўзгармас, барқарор ҳусусиятга эга бўлиб, сиёсий тизимга бевосита таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан сиёсий жараёнларнинг яна бир таърифи вужудга келади:

Сиёсий жараёнлар – сиёсий воқеаларнинг тараққиёти, сиёсий субъектларнинг жамият сиёсий тизимини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида олиб борган сиёсий ҳаракатлари механизмидир.

Шу ўринда, сиёсий жараёнларнинг таърифи тўғрисида галирганда,

юқоридаги фикрларни ҳисобга олған ҳолда, ҳозирги сиёсий жараёнларнинг моҳиятига мос хulosавий таърифни яратиш эхтиёжи пайдо бўлали:

Сиёсий жараёнлар жамиятнинг барча соҳаларида рўй берадётган сиёсий ва ижтимоий воеа-ҳодисаларнинг яхлит тизимиdir. Сиёсий онг, сиёсий ҳарбдорлик, сиёсий фаолият ва ички ҳамда ташқи сиёсат билан боғлиқ барча ҳаракатлар сиёсий жараёнларнинг сиёсий тизим сифатида ривожланишида асосий омил вазифасини ўтайди.

Сиёсий жараёнлар сиёсий онг, сиёсий фаоллик ва демократик тамойилларнинг қай даражада ривожланганлигини белгиловчи асосий мезонлардан бириди.

Сиёсий институтларга давлат ёки унинг органлари – қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти, лоббизм ва сиёсий раҳбарлик институтлари киради. Жамиятда сиёсий фаолият, сиёсий ҳаракатлар ҳам сиёсий институтлар таъсирида амалга оширилади. Сиёсий онгнинг шаклланиши ҳам худди мана шу сиёсий институтлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, жамиятда сиёсий онгнинг юқори даражада шаклланиши сиёсий жараёнлар динамикасини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади.

2. Сиёсий жараёнларнинг ўзига хос ҳусусиятлари.

Маълумки, сиёсий жараёнлар давлатнинг ички ҳаётида ва ҳалқаро миёсла ҳамда умуман жамиятда рўй берадиган барча ўзгаришларни акс эттиради. Бу ўзгаришлар ўзининг моҳияти, мазмуни ва ҳусусиятларига кўра, бир-биридан фарқ қиласига учун ҳам уларнинг сифат ва миқдор мезонларини бир хил ўлчов билан изоҳлаш мумкин эмас.

Ҳозирги дунёдаги *сиёсий режим* ва давлатлардаги сиёсий манзаранинг хилма-хиллиги туфайли ҳар бир давлатдаги сиёсий жараёнлар ўзининг ҳусусиятларига кўра бир-биридан кескин фарқ қиласади.

Ҳар бир давлатда фаолият кўрсатадиган сиёсий кучларнинг ҳар хиллиги ҳам сиёсий жараёнларнинг хилма-хиллигига таъсир кўрсатади. Ҳатто бирор бир мамлакатда сиёсий ҳокимиятнинг алмасиши ва, пировардида, шу мамлакат ижтимоий ҳаётидаги тартибларнинг ўзгариши ҳам сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатади. Чунки янги ҳокимият мамлакатнинг сиёсий йўлини ўзgartirishiغا, мавжул муаммоларни янгича усуllар ёрдамида ҳал этишига ҳаракат қиласади.

Аммо сиёсий жараёнларнинг кескин фарқ қилувчи томонлари билан бирга уларнинг умумий, ўхшаш томонлари ҳам мавжуд. Ҳозирда, айниқса, бутун жаҳон ҳамжамиятини ўз домига тортаётган глобаллашув жараёни даврида ҳам сиёсий жараёнлар айrim ҳусусиятларининг умумлашиши табиий ҳодисадир.

Масалан, бутун дунё мамлакатларида демократлаштириш, кўппартиявиyilik тизимини яратиш, инсон ҳуқуқларини таъмилаш, уни ҳимоя қилишга доир жадал ҳаракатлар сиёсий жараёнларнинг умумий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Албатта, глобаллашув жараёнида нафақат сиёсий соҳаларда, балки бошқа соҳаларда ҳам умумий механизmlар вужудга келиши муқаррар (11-жадвал).

Сиёсий жараён тарқиби

Сиёсий муносабатлар. Субъектларнинг ҳокимиятни донрасилаги сиёсий манфаатларини бошқариш ва мувофиқаштириш борасидаги алоқалар. Сиёсий муносабатларнинг амалига ошиши нағиасида сиёсий жараённинг янгилиниши, сиёсий ғоялар, билимлар, тажриба, қадирятлар, ахборот ва ҳ.к., шунингдек, сиёсий фаолият қақшлари ва узатилиши рўй беради.	Сиёсий жараён субъектлари. Сиёсий жараён интироқчилари. Уларга шахслар, қатламлар, этнослар, конфессионал ва демографик гурухлар (ижтимоий) ва сиёсий институтлар киради. Иккита муҳим жиҳатни бирлаштиради: онглиллик; фаоллик.	Сиёсий хулқ-автор. Шахс ижтиомий гурухларнинг сиёсий ҳокимиятни амалга оширишида, ўз сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишида интироқ этиши шакли. Сиёсий интироқ. Сиёсат субъектларининг сиёсий муносабатларга жалб қилинганлиги.
--	--	---

Манба: Отамуродов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Қодиров А. Политология. Т., 1999.

Сиёсий жараёнлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг умумий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- ҳар қандай давлатда ҳам сиёсий жараёнларнинг бош манбай ва лидер кучи ҳалқ оммасининг онгли фаолиятидир;
- агар кишилар жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол интироқ этмасизлар, сиёсий жараёнларнинг кечиши сустлашади ва бундай шароитда ҳар қандай сиёсий институтларнинг фаол ҳаракати ҳам ўзининг самарали натижасини бермайди.

Сиёсий жараёнларнинг яна бир хусусияти шундаки, у «сиёсий фаоллик» тушунчаси билан ҳам узвий боғлиқ, яъни кишиларнинг онгли сиёсий фаолияти сиёсий жараёнларнинг боришини белгилар экан, унда жамиятнинг ҳар бир аъзосининг давлатда амалга оширилаётган сиёсий ишларда фаоллик билан интироқ этиши тақоюз этилади. Бинобарин, жамиятдаги сиёсий фаоллик инсонларнинг эркинликлари, демократик тамойилларнинг таъминланиши билан узвий боғлиқ. Жамиятда фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари таъминланса, демократик тамойилларга амал қилинса, сиёсий жараёнлар ҳам, сиёсий фаоллик ҳам юқори даражада бўлади. Ёки аксинча, тоталитар ёки демократик тамойиллар таъқиб қилинган давлатларда, сиёсий жараёнлар анча суст даражада намоён бўлади.

Сиёсий жараёнларнинг боришини, унинг даражасини белгилаб берадиган лидер кучли сиёсатнинг хилма-хил субъектларидир.

Сиёсат субъектлари дунёнинг барча мамлакатларидаги сиёсий жараёнларга бўлган катта таъсири билан муҳим аҳамият касб этади. Сиёсат субъектлари, бир томондан, сиёсий жараёнларнинг ифодаси сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан, улар жамиятнинг сиёсий ривожланишига таъсир этади, сиёсий жараёнларни таъминлаб турувчи куч сифатида фаолият кўрсатади.

Сиёсий жараёнларда сиёсат субъектларининг фаолият кўрсатиши ҳар бир мамлакатнинг сиёсий режими, унинг тарихий ва миллий шароитларига кўра, турли даражада бўлади. Масалан, дунёнинг айрим мамлакатларида си-

ёсий партиялар ва ҳаракатларнинг жамият сиёсий ҳётидаги мавқеи кучти бўлса, баъзиларида эса сиёсий партия ва ҳаракатларнинг иштироки анча суст бўлали. Лекин шунга қарамай, сиёсий жараёнларнинг давлат ташкилоти ҳамма мамлакатларда ҳам лидер куч сифатида фаолият кўрсатади.

Сиёсатнинг бошқа бирон-бир субъекти давлат ташкилоти синтари имкониятларга эга эмас. Шунинг учун ҳам, сиёсий жараёнларнинг боришида, уларда рўй берадиган сиёсий муаммоларни ҳал қилишда лавлат асосий куч сифатида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодигўтига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири, яъни давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигининг моҳияти ҳам мана шунда. Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу тамойиллар нафақат иқтисодий, ижтимоий, қолаверса, сиёсий соҳаларда ҳам аҳолининг кучли ҳимояланганилиги билан ажralиб туради.

3. Сиёсий жараёнларнинг структураси.

Сиёсий жараёнларнинг яна бир хусусияти шундаки, уларни яхлит бир тизим ҳолида ўрганиб бўлмайди. Бинобарин, сиёсий жараёнлар ўз характеристига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Умумий сиёсий жараёнлар;
2. Хусусий сиёсий жараёнлар.

Сиёсий жараёнларнинг бу икки гуруҳи нафақат ўзининг таъсир доираси ва унда қатнашувчилар кўлами билан, балки шаклланиш моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда натижалари билан фарқланади. Аммо, шу билан бирга, сиёсий жараёнларнинг бу икки гуруҳи ўртасида уларни боғлаб турувчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, хусусий сиёсий жараёнлар умумий сиёсий жараёнларнинг моҳияти, шакли ва амалга оширилишига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Умумий сиёсий жараёнлар бутун жамиятни қамраб олади ва жамиятда мавжуд сиёсий тизимнинг ўзгаришига олиб келади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, умумий сиёсий жараёнлар хусусий сиёсий жараёнларнинг йигиниди-си эмас.

У хусусий сиёсий жараёнлардан нафақат таъсир доираси ва кўлами билан, балки жараёнлар ўз мазмун-моҳияти ва шаклига кўра ҳам фарқ қиласди.

Умумий сиёсий жараёнлар қўйидаги уч шаклда амалга оширилади:

- эволюцион (тадрижий);
- революцион (инқилобий);
- кризис (инқироз).

Эволюция – сиёсий жараёнларни аста-секин, босқичма-босқич амалга оширишдан иборат бўлиб, сиёсий жараёнларнинг энг асосий ва нисбатан кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Эволюцион ўзгаришлар маълум давр шароитида жамиятда сиёсий жараёнларнинг амалга оширилишида сиёсат субъектлари ва фуқаролар ўртасида кескин фарқларни вужудга келтирмайди.

Сиёсий тизимнинг миқдор ва сифат ўзгаришида эволюцион жараёнлар энг маъқул йўлни тақлашла ва барқарор ривожланишини таъминлашда катта

аҳамиятга эга. Сиёсий жараёнларнинг эволюцион даврида аҳоли барча қатламларининг манфаатлари ҳисобга олинади. Эволюцион даврда мавжуд муаммоларни имкон даражада ҳал этиш устувор ва мақбул усул ҳисобланади. Сиёсий жараёнларнинг эволюцион даврига хос бўлган яна бир асосий жиҳати шундаки, ушбу даврда мавжуд муаммоларни ечишда куч ишлатиш инкор этилади.

Сиёсий жараёнларнинг босқичма-босқич шаклда ривожланиши давлатни бошқарувчи элита ва электорат, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, ўз-ўзини бошқариш органлари ўргасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар келтириб чиқармайди.

Сиёсий жараёнларнинг *революция* шаклида ривожланиши жамият ҳаётини тубдан ва кескин ўзгартиради ва у давлат тўнталиши содир бўлиши билан боғлиқ.

Сиёсий инқилобда куч ишлатиш, курол йўли билан давлат ҳокимиятини ўзгартириш каби кескин хатти-ҳаракатлар амалга оширилади. Натижада, мавжуд барча сиёсий органлар фаолияти тўхтатилади. Унда миллион-миллион курбонлар, катта (ҳар соҳадаги: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий) йўқотишилар ҳам содир бўлиши мумкин.

Тарихий тажрибадан маълумки, инқилобий шаклда ривожланган сиёсий жараёнларда, кўпинча эришилган ютуқлардан кўра жамиятнинг зарар кўрган ҳолатлари ва йўқотишилар кўпроқ учраб туради.

Ва ниҳоят, умумий сиёсий жараённинг учинчи шакли *сиёсий инқироз* бўлиб, унинг асосий кўрсаткичи – қарама-қаршилик, келишмовчилик, тўқнашув ва зиддиятлар натижасида ҳокимият структурасини назорат қилишининг йўқолишидир. Сиёсий жараённинг бундай шароитида сиёсий институтлар ўргасида мутаносиблик бузилади, натижада, аҳолининг амалга оширилаётган сиёсий жараёнлардан норозилиги кучаяди.

Худди шу ўринда ислоҳотларнинг инқироз шаклида ривожланиши ҳозирги пайдо мухим бўлган хавфсизлик масаласини кескинлаштиради. Аммо сиёсий жараёнларнинг инқилобий ва инқироз ҳолатларининг вужудга келишига аниқ сабаблар ва омиллар ўз таъсирини кўрсатади.

Инқирознинг негизи иқтисодий ва ижтимоий соҳада намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, ислоҳотларни амалга ошириш чоғида барча соҳаларни ётиборга олиш тақозо этилади. Албатта, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги ўзгаришилар сиёсий жараёнларга ёки ижобий, ёки салбий таъсир этиши мумкин.

Хусусий сиёсий жараёнларнинг таркибий элементлари қўйидагилардир: сабаб ва унинг пайдо бўлиши, обьект ва субъект ҳамда мақсад.

Хусусий сиёсий жараёнлар жамиятда муаммо ва қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўз ечимларини талаб қилишлари натижасида пайдо бўлади.

Масалан, бирон-бир давлатнинг солиқ тизимидағи норозилик қонунчилик фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Бундай муаммолар кичик бир гуруҳ ёки кенг жамоатчиликнинг фикрини, манфаатларини ифода этиши мумкин.

Хусусий сиёсий жараёнларнинг обьектлари деганда сиёсий жараёнлар-

ни ривожлантирадиган муаммолар назарда тутилади. Улар турли соҳадаги муаммолар бўлиши мумкин:

- бирор-бир сиёсий (мақсадларнинг) манфаатларнинг пайдо бўлиши ва уларни амалга оширишнинг зарурлиги;
- янги сиёсий институтлар, партиялар, ташкилотлар, ҳаракатлар, блоклар ташкил этиш;
- ҳокимият таркибини қайта ташкил этиш, ҳокимият тизимидағи сиёсий ўзгаришлар, Вазирлар Маҳкамаси таркибининг қайта тузилиши;
- мавжуд сиёсий ҳокимиятни қўллаб-куватлаш, қайта ташкил этиш ва бошқалар.

Юқоридаги муаммоларнинг моҳиятини тушуниш учун сиёсий жараёнларда қатнашадиган субъектларнинг мақсад ва вазифаларини билиш лозим. Айтиш жоизки, хусусий сиёсий жараёнлар фақатгина сиёсий соҳага тегишли эмас. У жамиятнинг ҳар қандай: иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларида ҳам пайдо бўлиши ва ривожланиши мумкин (масалан, иқтисодий ёки ижтимоий муаммонинг сиёсий муаммога айланаб кетиши).

Хусусий сиёсий жараёнларнинг мақсадлари. Ушбу элемент сиёсий жараёнларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки сиёсий жараёнларнинг мақсадлари унинг нимага йўналтирилганлиги, уни келтириб чиқарган сабаблар ва сиёсий ҳаракатнинг моҳиятини англатади. Сиёсий жараёнларнинг аниқ мақсадларини билиш ва тўғри тушуниш ушбу ҳаракатларга тўғри баҳо бериш имконини ҳам яратади. Сиёсий жараёнларнинг мақсадлари бир гуруҳ ёки бутун жамоатчилик мақсадлари йигиндисидан иборат бўлиши мумкин.

Хусусий сиёсий жараёнларнинг яна бир хусусиятларидан бири— жараён қатнашчиларининг таркиби миқдори турли хил бўлишидадир. Масалан, хусусий сиёсий жараёнлар турли ижтимоий-сиёсий институтлар, ташкилотлар ва ҳатто давлат иштирокида ҳам бўлиши мумкин. Сиёсий жараёнларда бутун бир сиёсий партия ёки алоҳида бирор бир шахс ҳам иштирок этиши мумкин.

Сон жиҳатдан хусусий жараёнларнинг иштирокчилари бутун бир давлатни ҳам қамраб олиши мумкин. Бу сиёсий жараёнларнинг юқорида кўриб ўтилган таркибий элементларига боғлиқ. Масалан, сиёсий жараёнларнинг ўз олдига қўйган мақсади бутун жамият ёки кўпчилик манфаатларини ифода этса, бундай ҳолларда сиёсий жараёнларнинг кенг тарқалиши— бутун давлатни қамраб олиши мумкин.

Хусусий сиёсий жараёнларнинг типологияси ҳам мавжуд:

1. Хусусий сиёсий жараёнларни ўз кўламига кўра иккига— асосий (базавий) ва локал (маҳаллий) сиёсий жараёнларга бўлиш мумкин.

Асосий сиёсий жараёнларда аҳолининг фаоллигини, яъни ҳаракатларда аҳолининг турли қатламларининг иштироки тақозо этилади. Бундай кенг миқёсли сиёсий жараёнларга мисол тариқасида давлат ҳокимиятининг сиёсий, иқтисодий ва ҳукуқий соҳаларда қарорлар қабул қилиш ва унда омманинг фаол иштирок этишини келтириш мумкин.

Локал (маҳаллий) сиёсий жараёнлар нисбатан тор доирала бўлиб, ўз-

ўзини бошқаришни ривожлантириш, шакллантириш ва сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатларнинг ривожлантирилиши билан боғлиқ.

2. Сиёсий жараёнларни жамият билан ҳокимият ўргасидаги муносабати-га кўра иккига бўлиш мумкин. Ушбу характерга (хусусиятларга) биноан ху-сусий сиёсий жараёнлар иккига бўлинади:

- 1) Барқарор сиёсий жараёнлар;
- 2) Бекарор сиёсий жараёнлар.

Хозирда сиёсатшунослар томонидан хусусий сиёсий жараёнларнинг ба-рқарор тури анча мукаммал ўрганилган. Улар мустаҳкам сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий, юқори даражадаги ҳуқуқий меъёрлар, сиёсий маданият билан боғлиқ. **Барқарор сиёсий жараёнлар** қонуний ҳокимият ва жамиятда можароларнинг кескинлашмаган даврида рўй беради.

Бекарор сиёсий жараёнлар эса сиёсий тизимдаги ёки сиёсий ҳокимиятдаги инқирозли вазиятларда найдо бўлади ва ривожланади. Мавжуд сиёсий ҳокимият кескин вазиятни ҳал эта олмаган тақдирда сиёсий жараёнларда барқарорлик-нинг бузилиши ҳолати вужудга келади. Бундай вазияттарда мавжуд сиёсий ҳокимиятга қарши муҳолифатнинг шаклланишини ҳам кузатиш мумкин.

Сиёсий жараён ҳокимиятни ҳаракатда ўрганади. Шу туфайли, сиёсий жараён мавжудлигининг 3 таркиби ажратилади: турғунлик, ривожланиш, инқироз тартиблари.

1) **Турғунлик тартибидаги шаклланиб бўлган сиёсий муносабатлар одатдаги чегараларда тутиб турилади. Бу тартибда сиёсат субъектлари фаолиятида консерватизм ва анъанааларга содиқлик етакчи бўлади.**

2) **Ривожланиш тартибидаги жамият ичидаги ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришларга мувофиқ равишда сиёсий тизимнинг бошқарув ва амал қилиш услублари ўзгара бошлайди.**

3) **Инқироз тартибидаги шаклланиб бўлган сиёсий яхлитликнинг йўқолиши, марказдан қочма кучларнинг ортиб бориши, ҳокимият қабул қилаётган қарорларнинг бажа-рилмаслиги, сиёсий ҳокимият легитимлиги йўқолиб боришини англатади.**

Сиёсий жараён турлари. Сиёсий жараёнларни туркумлашнинг бир қанча усуллари мавжуд:

1. **Маданият тури.** Демократик жамиятлар учун маданиятни ўзлаштириш қийинчилклари мавжуд.

2. **Сиёсий жараённинг устувор тури:** а) консенсусли (келишувли) тури; б) консенсусли, аммо унда муаммоларни ҳал этиш тури; в) давлат муаммоларни баён этиш ва ижтимоий гуруҳ тури; г) муаммоларни кўйишида пас-сив, лекин долзарб масалаларни ечишда фаол, шунинг учун манфаатли тур-руҳлар қаршилигини ечишга асосланган тури.

3. **Ўтиш даврини** бошидан кечираётган жамиятларда сиёсий тизим муво- занатини таъминлаш услубларига кўра 3 турга бўлинади: а) технократик тури (қонунчиллик ва сиёсий анъанаалар доирасида); б) идеократик тури (анъана-вий жиҳатларга хос, умуммиллий ғоя асосида бирлаштириш); в) харизматик тури (Шарқ маданиятида сиёсий етакчи ролига юқори баҳо берилади).

Умуман, сиёсий жараёнларнинг кўрсатиб ўтилган бу турлари соғ ҳолда учрамайди, улар бир-бирини тўлдириб келади.

Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни. Сиёсий қарор – ҳокимият амал қилиши билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воситаларни белгиловчи жараён. Сиёсий ҳокимиятнинг хусусияти шундаки, унда сиёсий талаб аниқ ифодаланмаган бўлса ва шу талабни ифодалаётган субъектларнинг доимий тазиёки сезилмаса, тизим бундай талаб ва эҳтиёжлар жамият ҳаёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлса ҳам жавоб бермайди. Шунинг учун турли даражадаги сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг бош вазифаси – ўз манфаатлари ва талабларини давлат ҳокимияти институтлари амалга ошираётган бошқарувга доир қарорларга киритишдан иборат. Сиёсий қарорлар сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технологиясидир. Сиёсий қарорларни қабул қилиш З босқичдан иборат:

1. **Тайёргарлик босқичи** (халқ оммаси фаол иштирок этади).

2. **Қарорларни қабул қилиш босқичи** (давлат, унинг органлари, партия).

3. **Қабул қилинган қарорларни амалга ошириш босқичи.**

Иккинчи босқичдаги сиёсий қарорларни қабул қилишнинг бир неча усуллари мавжуд:

Компромисс – узаро ёнбосишлиар натижасида эришилган битим.

Консенсус (келишув) – қарор овоз бериш йўли билан эмас, келишув йўли орқали қабул қилинади.

Уступлик – сиёсатда бирор сиёсий куч ёки давлатнинг бошқа сиёсий куч ёки давлатларга нисбатан кучлироқ бошқа мавқени эгаллаши.

Учинчи босқичда ҳокимият қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этади. Бу қарорлар сиёсатнинг барча субъектларини қониқтирумайди, лекин уларнинг амал қила бошлашини таъминлаш зарур.

Сиёсий иштирок жамият аъзоларининг ички сиёсий муносабатлар ва ҳокимият таркибига жалб этилганлигини билдиради.

Сиёсий иштирокнинг қўйидаги асосий турларини санаб ўтиш мумкин:

- 1) тўғридан-тўғри (бевосита) ва билвосита сиёсий иштирок;
- 2) умумий ва чекланган сиёсий интирок;
- 3) ихтиёрий ва мажбурий сиёсий иштирок;
- 4) анъанавий, фаол ва пассив сиёсий иштирок;
- 5) легитим ва нолегитим сиёсий иштирок;
- 6) қонуний ва ноқонуний сиёсий иштирок¹.

Сиёсий иштирок шакллари ҳам турлича. Уларга ахборот қабул қилиш на узатиш; сиёсат ва давлат арбоблари ҳамда ташкилотлари билан мулоқот; сайлов ва бошқа сиёсий кампанияларда иштирок этиш; намойишларда, сиёсий иш ташланыларда, оммавий норозилик ҳаракатларида, озодлик урушлари ва инқилобларда; бошқарув на ўз-ўзини бошқарувда; қонунлар яратиш, уларни ҳимоя қилиш на уларга амал қилишда; сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар фаолиятида иштирок этиш киради.

Сиёсий иштирок қўйидаги вазифаларни бажаради:

¹ Қонуний ва ноқонуний сиёсий интирок илмий алабиётларда конвенционал ва но-конвенционал сиёсий иштирок леб ҳам юритилади.

- турли манфаатлар, талаблар, умидларни ифодалаш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш;
- сиёсатчилар ва бошқарув аппарати ходимларини таңлаш. Улар фаолиятини назорат этиш;
- Бошқарувга доир қарорлар ва сиёсат йўналишини белгилашга аҳолини жалб этиш;
- сиёсий ижтимоийлашув;
- ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- бюрократия билан курашиш, фуқароларнинг сиёсат ва бошқарувдан бегоналашувига қарши кураш.

Сиёсатни амалга ошириш учун унинг барча даражаларида зарур нарсалар қуйидагилар:

- Шахслар* – сиёсий фаолият субъектлари.
- Механизмлар* – анъаналар, урф-одатлар, қонидалар, қонунлар сиёсий фаолият субъектларига таъсир этиш услублари.
- Институтлар* – сиёсий фаолият субъектларининг сиёсий фаолият механизмлари билан алоқадорликда амалга ошувчи таъбиrlарни қўллаб-куватловчи, туртки берувчи, назорат қўлувчи ва текширувчи ташкилотлар.

Шундай қилиб, сиёсий жараёнлар жамиятнинг сиёсий ҳаётida турли хилдаги воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериб туриши, уларнинг объектив қонуниятлар ҳаракати асосида давом этиши ва шу асосда жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиб боришини англатади.

4. Сиёсий фаолият ва сиёсий жараёнлар.

Сиёсий жараёнларнинг асоси ва уни ҳаракатга келтирувчи омил – сиёсий фаолиятда қатнашувчи инсонлар ёки уларга таъсир қўлувчи сиёсий гуруҳлар ва ташкилотлардир.

Сиёсий фаолият кенг тушунча бўлиб, у бирор бир партия фаолияти ёки сиёсий раҳбарнинг нутқи ёки сиёсат субъектларининг сиёсий жараёнларда ёки бошқарунда қатнашиши билан изоҳланади. Сиёсат субъектларининг сиёсий фаолияти уч турга бўлинади:

- 1) Давлат бошқаруви;
- 2) Сиёсий раҳбарлик ва бошқарув;
- 3) Оддий фуқароларнинг сиёсий ҳаракатлардаги иштироки.

Юқоридаги категориялар, яъни давлат бошқаруви, сиёсий раҳбарлик ва бошқарув, оддий фуқароларнинг сиёсий иштироки асосан сиёсий фаоллик мавзусига тегишли бўлганлиги ва унинг умумий ҳолда сиёсий жараёнларга боғлиқлигини билиш билан кифояланиш мумкин.

Сиёсий жараёнлар динамикаси. Умуман олганда, сиёсий жараёнлар жамиятда сиёсий тизимни шакллантириш, амалга ошириш ва ўзгартиришга йўналтирилган бўлади. Сиёсий жараёнлар жамиятдаги турли хил ижтимоий гуруҳлар (сиёсатнинг микро ва макроактёрлари)нинг ўз манфаатларини амалга оширишга бўлган ҳаракатлари натижасида ривожланади. Жамиятдаги жуда кўп омилларга боғлиқ равишда сиёсий жараёнлар ривожланиб боради.

XX аср охири – XXI аср бошларида сиёсий жараёнлар янада жадаллаш-

ди, ривожланди. Бунинг асосий сабабларидан бири оммавий ахборот тизимларининг ривожланиши ва ахборот технологияларининг тараққиётидир.

Сиёсий жараёнларда *шахснинг ўрни ва роли* жуда муҳим. Ижтимоий тараққиёттинг кескин ривожланиши шахснинг сиёсат майдонидаги ўрни ва роли ҳамда унинг аҳамиятигининг ошишига олиб келди. Одам нафақат биологик, балки ижтимоий мавжудотдир. Шунинг учун ҳам, ҳар бир сиёсий фаолият шахснинг турмуш даражаси, онги, унинг ижтимоий ва сиёсий фаолиятларига таъсир қилмоқда. Сиёсатта афкор омма янада кенгроқ тортилмоқда, улар фаолиятининг жадаллашуви юз бермоқда. Бу жарабён аҳолининг барча табакаларини, ҳатто илгари сиёсий манбаатлари бўлмаган табакаларни ҳам ўзига тортмоқда.

Сиёсий жараёнларга кўп сонли кишиларнинг тортилиши сиёсий арбоблар фаолияти ва сиёсатнинг янада кўпроқ даражада омма назорати остига ўтишига олиб келмоқда.

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ

Режа:

1. Сиёсий тизим тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Сиёсий тизимниг функциялари. Сиёсий тизимларниг фаолият кўрса-тиш моделлари.
3. Сиёсий тизимлар типологияси ва социодинамикаси.
4. Ўзбекистонда шаклланаштаги сиёсий тизимниг ўзига хос хусусиятлари.

1. Сиёсий тизим тушунчаси ва унинг моҳияти.

Ҳозирги замон сиёсатшунослик фанида сиёсатни системали таҳтил қилиш муҳим ўрин тутади. Бунда сўз жамиятниг сиёсий ҳаётини ўзига хос қонуналири ва ривожланиш хусусиятларига эга бўлган қандайдир яхлит тизим сифатида тасаввур қилиш тўғрисида бормоқда. Бу қонуналарни билиш сиёсатни чу-кур тушуниш имконини беради, жамият бошқарувини такомиллаштириш, унинг ривожланишини олдиндан айтиш учун зарур назарий асос яратади.

Сиёсатда *системали ёндашувонинг* моҳияти ва аҳамияти шундаки, у «сиёсат» тушунчасини бир бутун яхлитлик, тизим, майдон сифатида шакллантириб, унинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирини турли усуслар орқали таҳтил қилишга, сиёсатни айнан кишиларниг фаолияти ва хулқ-атворлари ти-зими сифатида тасаввур этишга имкон беради.

Аввало, жамиятниг сиёсий тизимига таъриф беришдан олдин, тизим нима эканлигини ойдинлаштириб олиш керак. *Тизим* маълум алоқа туфайли бирлашган элементлар йигиндисини ифода этади. Сиёсий тизим эса, сиёсий ҳокимиятлар билан алоқадор бўлган элементларни ўзида бирлаштиради. Сиёсий тизим жамиятниг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, жамият тизими-даги элементларни бирлаштириш ва мавжуд имкониятларни амалга оширишга сафарбар қилувчи механизmdir. Демак, жамиятниг сиёсий тизими – сиёсий ҳокимиятни шакллантирувчи ва амалга оширувчи воситалари бўлган давлат, давлат ташкилотлари ва муносабатларниг йигиндисидир.

Унинг моҳияти қуйидаги вазифаларда ўз ифодасини топади. Сиёсий ти-зим ўзида жамиятниг иқтисодий, ижтимоий ва миллий тузилмаларини, демографик жараёнларни, аҳолининг маълумот даражаси, ижтимоий онг ҳолатини, маънавий ва маърифий ҳаётни, ҳалқаро аҳволни акс эттиради. Сиёсий тизим орқали манфаатларниг асосий гуруҳлари аниқланади. Масалан, ҳозирги шароитда, фикримизча, жамиятимизниг сиёсий тизими олдида турган энг мураккаб вазифа бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтища турли манфаатлар мувозанатини тўғри аниқлаб олишдан иборат бўлиши мумкин.

Сиёсий тизим мұвоғиқлаштириш ва яхлит ҳолға келтириш вазифаларыни ҳам бажаради.

Сиёсий тизим жамиятда ҳокимият ва бошқарувни шакллантириш ва амалда рүёбга чиқариш билан боғлиқ мұносабатлар, ҳаракатлар йигиндисидан иборат.

Сиёсий тизимнинг жамиятдаги бошқа тизимлардан қандай фарқи бор?

Биринчидан, бу фарқ сиёсий тизим доирасыда қабул қылғанадиган қарорларнинг бутун жамият учун мажбурийлігінде намоён бўлади.

Иккинчидан, унинг ижтимоий мұхит ва, аввало, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузилмаси билан bogланиб кеттанилигидир.

Учинчидан, сиёсий тизимнинг мұстакил тарзда фаолият юритишидадир.

Сиёсий тизим сиёсат субъектлари ўртасындағы ўзаро таъсирнинг аниқ тарихий шаклларини ўзида акс эттирады, бу улар мажмунини вужуда келтирады, сиёсий фаолиятни белгиланган чегараларда тартибга солали, расмийлаштиради ва якунлайды. Жамиятнинг сиёсий тизими – бу сиёсий, ижтимоий, юридик, мағкураний, маданий меъёрларга, тарихий анъаналар ва муайян жамият сиёсий режимининг күрсатмаларига бўйсуналигидан сиёсий институтлар, хизматлар, мұносабатлар, жараёнлар, жамият сиёсий ташкилоти тамойилларининг яхлит, тартибга солинган мажмуи.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида амалда бўлган турли туман ижтимоий тизимлар, биринчи навбатда, уларга хос сиёсий тузилмаларнинг характеристига кўра фарқланади.

Сиёсий тизимларни тадқиқ этиш сиёсий ҳаётнинг турли томонларини илмий-назарий кўриб чиқишдан бошлаб, тушунча ва таърифларни эмпир-коциологияк тадқиқотлар таъсирида ишлаб чиқишига ўтишин таъминлайди. Сиёсий тизимлар назариясини ўзлаштириш раҳбар кадрларни тайёрлаш учун мұхим методологияк на назарий аҳамиятта эга, чунки бу уларни ҳозирги муаммоларни тушунишга илмий ёндашув билан куроллантиради.

Сиёсий тизим жамиятнинг синкларға бўлинниши ва давлатнинг пайдо бўлиши жараёнида вужудга келади. Давлат асосида бирлашган жамиятнинг тараққиёти давомида сиёсий тизим янада мұраккаб на кўп тармокли кўришиш олади. Шунинг учун унинг тузилиши, ишлаш тартиби ҳамиша жамиятнинг иктиносидий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ривожланиш даражаси, шунингдек, бир қатор ҳалқаро, географик ва бошқа омиллар билан белгиланадиган аниқ тарихий хусусиятга эга бўлади.

Сиёсий тизим узоқ муддат мобайнида ривожланиши (АҚШ, Буюк Британия) ҳам, шу билан бирга, тезда, инқилобий равишда ўзгариши ҳам мүмкін (собиқ СССР, Шарқий Европа мамлакатлари). Бундай ривожланиш жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаолиги, уларнинг сиёсий маданияти даражасига боғлиқ бўлади. «Мамлакатимизда амалда давлат бошқарувини тизими таркиб топди. Давлатимизда қонун чиқарувчи олий орган – Олий Мажлис бор, сайлаб қўйиладиган маҳаллий ваколатли органлар – Кенгашлар бор, Президент бор, Бони вазир, Бони вазир ўринбосарлари бор, тегишли ваколатта эга бўлган вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари бор. Таркиби, ана шу тизимнинг ҳаммаси, унлаги ҳар бир ҳокимият гузилмаси ўз вазифаларини

аниқ бажариши ва ягона пировард мақсадни, яъни халқ иродаси ва умидларини рўёбга чиқаришни кўзлаб ишлаши керак»¹.

Бу тизимнинг самарали ишлаши учун қўйилдагилар зарур:

• биринчидан, давлат бошқарув тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшаб такомиллаштириш. Бу тўхтовсиз давом этадиган жараёндир;

• иккинчидан, кадрлар масаласини ҳал этиш. Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши лозим;

• учинчидан, ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик, аввало, сайлаб қўйилдаган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни бутун чоралар билан кучайтириш лозим»².

Жамиятнинг сиёсий тизими бир қатор тузилмавий ёки, аниқроғи, асосий бошланғич тизимлардан ташкил топади: ижтимоий институтларга онг (давлат, сиёсий партиялар ва манфаатлар групх), норматив ва тартибга солувчи (уни кишиларнинг кундалик ҳаётидаги хулқ-атвори билан белгилана-диган турли-туман мейъёрлар нужудга келтириди), коммуникатив (сиёсий тизим институтлари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўяди, бу тизимнинг унсурларига, ҳукуматта ахборот узатадиган каналлар ва оммавий ахборот восита-ларини киритиш мумкин); мафкуравий (сиёсий онг), сиёсий-маданий, сиёсий шаклдаги тизимлар шулар жумласидандир.

Жамиятнинг сиёсий тизими тузилмасида қўйилдагиларни ажратиб кўрса-тиш мумкин:

- сиёсий ташкилотлар (институтлар);
- сиёсий мейъёрлар;
- сиёсий муносабатлар;
- сиёсий онг;
- сиёсий маданият;
- сиёсий мулоқот;
- сиёсий иштирок.

Сиёсий тизим тузилмаларини нисбатан аниқроқ тасаввур қилиш учун унинг ҳар бир таркибий қисмини алоҳида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Сиёсий тизимнинг энг фаол ва жўшқин қисми *сиёсий ташкилотлар* ҳисобланади. Сиёсий фаолиятнинг ҳар қандай кўриниши уюшган шаклларда – ятона мақсадга тобе кишиларнинг биргаликдаги ҳаракати ва ушибу бирликни бошқариш учун қабул қилинган муайян қоидалар, мейъёрлар орқали амалга оширилади.

Жамиятнинг сиёсий ташкилоти – моддий асосни вужудга келтирадиган муайян ташкилотлар ва муассасалар мажмуй, сиёсий тизим бутун биноси-нинг пойдевори, унинг муайян вазифаларини амалга оширадиган маъмурӣ-

¹ Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. . //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т. 7. Т., 1999. 386-бет.

² Ўша жойда. 387-бет.

бошқарув тузилмаси. Уларнинг ўзаро муносабати натижасида ушбу жамиятда сиёсий ҳокимият амалга оширилади.

Сиёсий ташкилот давлат, партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари, оммавий ахборот воситалари ва черковни ўз ичига олади. Давлат ва партияянинг ўзи сиёсий ташкилотлар ҳисобланади, яъни улар тўғридан-тўғри ва беносита кенг кўламда сиёсий ҳокимиятни амалга оширади ва шунга интилади, ҳокимиятни амалга ошириш ёки ҳокимият учун кураш улар фаолиятининг асоси ҳисобланади. Носиёсий ташкилотлар сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда деярли иштирок этмайдилар. Уларнинг сиёсийлашув жараёни мамлакат ҳаётининг муайян босқичларидагина содир бўлади.

Сиёсий муносабатлар – сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ва амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда жамиятда қарор топадиган муносабатлар. Сиёсий муносабатлар сиёсий тизимнинг таркибий қисмлари ўртасидаги тўғри ва айланма алоқаларнинг тузилмавий асосини ўзида ифодалайди.

Сиёсий тамойиллар ва меъёрлар ҳам сиёсий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади ва амалда сиёсий тизим доирасидаги сиёсий муносабатларни тартибга солади. **Сиёсий режимлар** бир-биридан қанчалик фарқланса (масалан, авторитаризм ва демократия), тегишли сиёсий тизимлар фаолиятининг асосида ётадиган тамойил ва меъёрлар ҳам ўзаро шунчалик фарқланади.

Сиёсий тамойиллар ва меъёрлар конституция, қонун ва кодекслар орқали мустаҳкамланади. Улар сиёсий муносабатларга катта жўшқинлик бағишлаб, уларни тартибга солади.

Сиёсий онг қонунлар ва сиёсатни амалга ошириш механизmlарини билиш имконини беради, инсоннинг атроф-муҳитга ва сиёсий ҳаётга муносабатини шакллантириди, давлат сиёсатининг мақсад ва мазмунини тушунишга ёрдамлашади, сиёсий тизимнинг қолган барча тизимларини мўътадиллаштиради. Сиёсий онг – сиёсатнинг субъектив мезони. Сиёсий фаолиятни акс эттириш даражаси ва шаклларига кўра сиёсий онг тузилишида диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ икки даража – назарий мағкуралаштирилган ва оддий даражалар фарқланади¹.

Сиёсий маданият жамиятда мавжуд сиёсий тизимнинг таянчи бўлиб хизмат қиласи, аҳолининг барча қатламларини бирлаштириш (ёки ажратиш) имконини яратади ва бу билан ҳокимиятни қўллаб-куватлаш учун кенг ижтимоий замин тайёрлайди ёки бунга нисбатан аксинча ҳолат юз беради. Сиёсий маданият, шунингдек, тизимга нисбатан ривожланишда қадрият-одатлар устунлиги ва талабларини тақозо қиласи.

Сиёсий маданият – жаҳон умумий маданиятининг ажралмас таркибий қисми. Тарихий-сиёсий ривожланиш жараёнида ҳалқлар сиёсий тажриба ортирадилар. Мазкур тажриба таъсирида инсонларда сиёсий онг шаклланади. Одамларнинг сиёсий онги эса, ўз навбатида, ижтимоий табақалар, ҳалқларнинг сиёсий хулқ-атворини белгилайди. Бинобарин сиёсий маданият уч жиҳатнинг, яъни тарихий-сиёсий тажриба, сиёсий онг ва сиёсий хулқ-атворнинг муштараклигидир².

¹ Олийқориев X., Фойибназаров Ш. Сиёсий маданият. Т., 2004. 120-бет.

² Ўша жойда. 5-бет.

Сиёсий мұлоқот тегишли ахборотнинг тарқалишини ўз ичига олади.

Сиёсий шитирок фуқароларнинг сиёсий тизим ёки мұхолифатни тегишли даражада құллаб-қувватлашларини ўзида ифодалайди.

2. Сиёсий тизимнинг функциялари. Сиёсий тизимларнинг фаолият күрса-тиш моделлари.

Сиёсий тизимнинг моҳияти уни ташкىл этувчи барча қыслар ва уларнинг ишлеш хусусиятларини талқық этиши жараёнда нисбатан тұлық тушунилади ва очилади. Умумлаштириб айтгайда, сиёсий тизим жамият мавжудлигининг иқтисодий асослари, ижтимоий тузилиши, демографик ва экологик жараёнлар, ахолининг саволхонлик даражаси ва маълумоттарга әгалитети, ижтимоий онг ҳолати, маънавий-мағкуравий ҳаёт ва халқаро ҳаётни қамраб олган ҳолда, жамият ҳолатини акс эттиради.

Шундай қылиб, сиёсий тизим моҳияти ва тушунчасининг таҳлили күйидеги хуласаларга олиб келади:

1) Сиёсий тизим фаолиятининг асосида хусусий ва ижтимоий ҳаёт тафутларындағы ётади. Шунинг учун сиёсий тизимнинг асосий назифаси кишилар фаолияти ва хүлк-авторини тартибга солищдан изборат;

2) Сиёсий тизим аъзолари турли ёки қарама-қарши мақсауларни күштеппелер мүмкін ва бу ҳолат ички зиддиятларнинг манбасы ҳисобланади. Бу зиддиятлар келишув ёки күч ишлатиш йўли билан бартараф қилиниши мүмкін;

3) Олий сиёсий намояндалар ҳамма нарсанинг қонуний бўлишига интиладилар (ўзларининг халқ, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишлари), бунинг учун ўз аҳволларини оқладиган мағкуруни яратадилар ва тарқатадилар. Хусусан, юқори доира алоҳида ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг хусусий манбаатларини ифодалашинга ҳаракат қиласи;

4) Ҳар қандай сиёсий тизимнинг амал қилиши бошқа сиёсий тизимлар билан у ёки бу даражада алоқаларнинг мавжуд бўлишини тақозо қиласи.

Бугунги кун сиёсатшунослик фанида сиёсий тизимлар фаолиятининг илмий таҳлили аналитик модел асосида амалга оширилади. Сиёсатшунослар сиёсий тизимлар фаолиятини яққол тасаввур қилиши ва түпнунишга имкон берадиган бир қанча моделларни ишлаб чиққанлар. Улардан иккитаси – америкалик политологлар Д. Истон ва Г. Алмондинг сиёсий тизимлар назариясининг асосини ташкىл этадиган қараушларини кўриб чиқиши мүмкін.

Д. Истон «Сиёсий тизим» (1953), «Сиёсий таҳлия чегаралари» (1965), «Сиёсий ҳаётнинг системали таҳлили» (1965) каби тадқиқотларида ҳар қандай сиёсий тизим, шунингдек, бу тизимларнинг асосини ташкىл этадиган бошлангич тизимлар таҳлилиниң асосларини баён қиласи.

Д. Истон сиёсий тизимни унинг воситасида жамиятда қадриятлар (моддий ва маънавий) қатыяят билан тақсимланадиган ўзаро муносабатлар сифатида белгилади ва шу заминда, унинг аъзолари ўргасидаги зиддиятлар бартараф қилинишини таъкидлади. Биринчидан, сиёсий тизим жамиятта қадриятларни тақсимлаши керак. Иккичидан, сиёсий тизим бу тақсимотнинг мажбурий эканлигига фуқароларни ишонтира олиши лозим. Д. Истон талқинидаги сиёсий тизимнинг моделига кўра, сиёсий тизим «кириш» (яъни, тизим

нимани “истеъмол” қиласи), унинг мослашув ва сақланиш механизмлари ва функциялари, шунингдек, «чиқиш»га (яни, у нима ишлаб чиқаради ва қандай ривожланади) эга бўлади. Д. Истон киришнинг икки шаклини ажратиб кўрсатади: талаб ва қўллаб-куватлаш.

Талаб – жамиятда қадриятларни исталган тарзда тақсимлаш муносабати билан ҳокимият органларига йўналтирилган фикр. Д. Истон талабларнинг бир неча шакларини ажратиб кўрсатади:

а) тақсимловчи (иш ҳақи, иш вақти, таълим олиш, тиббиёт хизмати кўрсатиш шартлари ва бошқа хизматлар ҳақида), яъни бойлик ва хизматларни тақсимлашга таалуқли барча талаблар;

б) тартибга солувчи (жамоат хавфсизлигини таъминлаш, бозор ва ишлаб чиқарувчилар устидан назорат ва бошқалар ҳақида), яъни тартибга солиши билан боғлиқ бошқа барча талаблар;

в) алоқа қилунчи (сиёсий ахборотларни тақдим этиш, сисий кучлардан фойдаланиш ва бошқалар ҳақида), яъни мулоқот ва ахборот соҳасидаги талаблар.

Талаб сиёсий тизимни заифлаштириш тамойилига эга.

Қўллаб-куватлаш, аксинча, сиёсий тизимни кучайтиришга олиб бора-ди. У сиёсий тизимга ижобий таъсир кўрсатадиган барча фикрлар ва ахлоқнинг барча варианtlарини қамраб олади. Солиқларни ўз вақтида тўлаш, ҳарбий бурчни бажариш, раҳбариятта содиқлик, режимни қўллаб-куватлаш мақсадида ўтказиладиган намойишлар ва шу кабилар қўллаб-куватлашнинг намоён бўлиш шакллари деб ҳисобланиши мумкин.

Қўллаб-куватлаш муҳит талабини тегишли қарорларга айлантирадиган ҳокимият органларининг нисбий барқарорлигини таъминлайди, шунингдек, ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида амалий чораларни қўллаш учун зарур шарт-шароитлар яратади. Қўллаб-куватлаш сиёсий ҳамжамият аъзолари ўртасида келишувни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Д. Истон сиёсий режим, ҳокимият ва сиёсий ҳамжамиятни сиёсий тизимдаги қўллаб-куватлашнинг асосий обьектлари деб ҳисоблайди. Объектларга мувофиқ равишда у қўллаб-куватлашнинг уч турини ажратиб кўрсатади:

1) сиёсий тизим таянадиган эркинлик, плюрализм, мулкка эгалик каби қадриятларни ўз ичига олган ҳолда, барқарор ишончлар мажмуи сифатида тушуниладиган режимни, шунингдек, ҳокимият меъёрлари (конституциявий, ҳуқуқий) ва тузилмаларини қўллаб-куватлаш;

2) ҳокимиятни, яъни хоҳ расмий, хоҳ норасмий бўлсин, унинг барча институтлари, масалан, маъмурий вазифаларни бажараладиган харизматик доҳийларни қўллаб-куватлаш;

3) сиёсий ҳамжамият, яъни сиёсий меҳнат тақсимоги туфайли ўзаро боғланган шахслар гуруҳини қўллаб-куватлаш. **«Кириш»** натижасида атроф-муҳитнинг тизимга таъсир кўрсатиш жараёни содир бўлади, бунинг оқибатида унда реакция – қадриятларни тақсимлаш бўйича нуфузли қарорлар кўринишида **«чиқиш»** юз беради.

Ташқаридан олинган ички туртқиларга тизимнинг жавоби қарорлар ва ҳаракатлар шаклида амалга оширилади, янги қонунлар, баёнотлар ҳам улар

қаторидан ўрин олиши мумкин. Қарорларнинг бажарилиши қонун кучи билан таъминланади.

Сиёсий ҳаракатлар бундай мажбурий хусусиятга эга эмас, лекин ижтимоий ҳаётнинг турли томонлариға сезиларли таъсир кўрсатади. Улар жамият ҳаётининг турли соҳаларида бошқариш на долзарб муаммоларни ҳал қилиш чора-тадбирлари тизими шаклида амалга оширилади ҳамда иқтисодий, экологик, ижтимоий ва бошқа сиёсатни ташкил этади.

Шундай қилиб, сиёсий тизим ташқи муҳит билан ҳар томонлама ўзаро боғлиқ муносабатда бўлади. У тушаётган талаб ва қўллаб-кувватлашларни ўзини ўзи бошқаришга эга эканлиги шарти билан тегишли қарорлар ва ҳаракатларга айлантириши керак. Унда кечастган сиёсий жараёнлар ахборотларнинг алмашиш, «кириш»дан «чиқишга»га айланиш жараёнларидир. Сиёсий тизим атроф-муҳитнинг сигналларига жавоб қайтарар экан, бир нақтнинг ўзида жамиятда ўзгаришларни амалга оширади ва барқарорликни қўллаб-кувватлайди. Шу билан бирга, агарда ўзгарувчанлик тизим фаолиятида унинг ўзига хос хусусияти сифатида майдонга чиқса, яшаш ва ўзини сақлаб қолиш, аслини олганда, унинг муҳим белгилари ҳисобланади.

Д. Истон сиёсий тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирига зытибор қаратишга ургу берар экан, сиёсий тизимнинг жамиятда мувозанатни қўллаб-кувватлашга ёрдам берадиган ички тузилмасига тўхтамайди. Бу унга сиёсий тизим чегараларини аниқ таърифлашга имкон бермади. Яна бир америкалик сиёсатшунос Г. Алмонд бу камчиликни бартараф этишга интилиб, «сиёсий тизим» тушунчаси остида «сиёсий қарорлар қабул қилишга алоқадор бўлган барча унсурларни» тушунишни таклиф қилди. У муайян сиёсий функция ва ролларни бажарадиган барча институтларни сиёсий тизим таркибиға киритди.

Г. Алмонд, шунингдек, «кириш» ва «чиқиш» функцияларини ажратиб кўрсатди, лекин Д. Истондан фарқи ўлароқ, у ҳар бир сиёсий институт зиммасига муайян сиёсий вазифа юклади.

Г. Алмонд таълимотига кўра, сиёсий тизимнинг тузилиши сиёсий фаолиятни шакллантирадиган ва ҳамма кузатиши мумкин бўлган иш. Унинг фикрича, барча сиёсий тизимлар икки асосий функция мажмуй – «киритиш» ва «чиқариш»ни амалга оширади.

«Киришга оид функцияларга у қўйидагиларни киритди:

- сиёсий умумлаштириш ва жамият аъзолари ўргасила қатнашиш руҳининг тарқалишига ёрдам берадиган нимаики бўлса, қатнашишга жаҳіб қилиш;

- манфаатлар артикуляцияси (талабларнинг шаклланиш жараёни). Манфаатлар гуруҳини амалга оширадиган сиёсий конверсиялар жараёнидаги илк функционал қадам;

- манфаатлар бирлашуви (ҳаракатларнинг муқобил дастурларида талабларни тўлдириш қандай содир бўлади). Талабларни давлат сиёсатининг муқобилларига айлантириш қобилияти;

- ахборот узатиш ва ишонтириш жараёнларини ўз ичига оладиган сиёсий алоқа.

«Чиқиш»га оид функцияларга у қўйидагиларни киритди:

- меъёрлар ишлаб чиқиш;

- суд тартибидә мөһөрларни құллаш;
- мөһөрларга риоя қилиш устидан назорат.

Шундай қилиб, Г. Алмонднинг фикрича, сиёсий роллар ва функцияларни умумлаштириш ва тақсимлаш орқали нафақат сиёсий тизимнинг ўзи, балки бутун жамиятнинг барқарорлиги ва унинг ўзгарувчан шароитларга мослашуви таъминланали.

3. Сиёсий тизимлар типологияси ва социодинамикаси.

Хозирги дунёда мавжуд бүлган сиёсий тизимларнинг хилма-хиллиги уларнинг шаклланиш ва амал қилиш жараёнларига тарихий анъанаалар, маданият, иқтисодий ривожланиш, фуқаролик жамиятининг етуклиги, сиёсий шарт-шароитлар ва шу каби күплаб омиллар таъсир ўтказишини кўрса, у ёки бу омилларнинг устунлиги уларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигини тақозо этади. Лекин уларни яқинлаштирадиган, уларнинг универсал механизмлари (роли ва амал қилиш қонуниятлари)ни намоён этишга имкон берадиган нимаики бўлса, назарий ва амалий қизиқиши ўйғотали.

Сиёсий тизимларни таснифлашнинг амалий аҳамияти шундаки, улар шарт-шароитларнинг етарли ёки етарли эмаслиги, уларнинг сиёсий институтларнинг ўз сиёсий вазифаларини муваффақиятли бажариш даражасида самарали ишлашини таъминлай олиш-олмаслигини аниқлашга ёрдам беради. Сиёсий тизимлар типологияси турли-туман белгиларни ҳисобга олиш асосида амалга оширилади.

Сиёсий тизимларнинг таснифларидан бири уларнинг ташқи мұхит билан ўзаро муносабатлари характеристидан келиб чиқади. Ушбу мезон бўйича улар очиқ ва ёпиқ сиёсий тизимларга бўлинади.

Ёпиқ сиёсий тизимлар ташқи мұхит билан чекланган даражада алоқага киришади, бошқа тизимларга хос қадриятларга укувсиз бўлади, ривожланиш имкониятларини тизим ичидан қидиради. Собиқ социализм мамлакатлари бунга мисол бўлиб ҳизмат қиласди.

Очиқ сиёсий тизимлар ташқи дунё билан фаол равишда ресурсларни айирбөшлияди, бошқа тизимларнинг илғор қадриятларини муваффақият билан ўзлаштирали, улар ҳаракатчан ва жўшқин хусусиятга эга бўлади.

Француз сиёсатшуноси Ж. Блондеев сиёсий тизимларни бошқарувнинг мазмунни ва шакли бўйича фарқлаб, уларнинг қўйидаги асосий турларини ажратиб кўрсатган:

1) *либерал-демократик тизимлар* сиёсий қарорлар қабул қилишда индивидуализм ва эркинлик қадриятларига асосланадилар;

2) *коммунистик тизимлар* тенглик, ижтимоий адолат қадриятларига асосланадилар;

3) *анъанавий сиёсий тизимлар* бошқаришнинг олигархик шаклларига таянадилар ва иқтисодий ресурслар ва ижтимоий мақомларни нотекис тақсимлашга асосланадилар;

4) *популистик сиёсий тизимлар* ривожланаётган мамлакатларда кўпчиликни ташкил қиласди.

Эволюция нуқтаи назаридан, *анъанавий ва замонавийлаштирилган ти-*

зимларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ; ривожланганнинг тарихий хусусиятлари жиҳатидан эса, сиёсат ва партиялар инглиз-америкача, европавий-континетал, ривожланган мамлакатларга бўлинади.

Хозирги даврда Г. Алмондинг сиёсий тизимлар типологияси кенг татбиқ этилмоқда. У сиёсий тизимларни сиёсий маданиятлар ва сиёсий жараён иштирокчилари ўртасида сиёсий ролларнинг тақсимланиши бўйича фарқлайди ва сиёсий тизимларнинг тўргутурини ажратиб кўрсатади: инглиз-америка, европавий-континетал, саноатлашмаган ва қисман саноатлашган, тоталитар тизимлар.

Инглиз-америкача сиёсий тизимга (АҚШ, Буюк Британия) сиёсий жараёнларнинг давлат, партиялар, манфаатлар гурухи ва шу каби иштирокчилари ўртасида сиёсий роль ва функцияларнинг юқори даражада тақсимланиши хосdir. Ҳукмронлик қилиш ва тъисир кўрсатиш сиёсий тизимнинг турли бўғинлари ўртасида тақсимланган. Бу хилдаги сиёсий тизим жамиятда умум томонидан эътироф этилган либерал қадриятлар (эркинликлар, хавфсизлик, мулкка эгалик ва шу кабилар) ҳимоясига асосланган ягона маданият амал қиласи.

Европавий-континентал сиёсий тизим тури (Франция, Германия, Италия ва бошқалар) сиёсий маданиятнинг бир бутун олганда умумий илдиzlари ва умумий меросга эга алоҳида қисмлардан иборатлиги билан фарқланади. Уларга эски ва янги маданиятнинг бирга яшashi, жамиятда ўз тъисир кучига эга бўлган турли мафкурадаги хилма хил сиёсий партияларнинг мавжудиги хос.

Саноатлашмаган сиёсий тизимлар аралаш сиёсий маданият (Осиё, Африка, Лотин Америкаси) – Фарб қадриятлари, этник ва диний анъанаалар қоришимасидан иборат. Бу турдаги тизимлар учун ҳокимиятнинг ошкора тақсимланмаслиги хосdir. Армия ва бюрократик аппарат кўпинча қонунчилик функцияларини ўзларига олишиади. Қонунчилик органлари суд жараёнларига аралашади. Ушбу тизимга шунингдек, шахсий авторитаризм, ягона партиянинг ҳукмронлиги ва куч ишлатиш имкониятнинг етарли даражада юқорилиги ҳам хосdir. Кейинги йилларда ривожланётган вз кам ривожланган бир қатор мамлакатлар сиёсий саҳнасида пайдо бўлаётган бу сиёсий тизимларда монархиядан тортиб ҳарбий диктатурагача бўлган турли туман режимларни кўрамиз. Аҳоли асосий қисмининг жамиятни бошқаришдан чётлатилиши – уларнинг ўзига хос белгиси ҳисобланади.

Қисман саноатлашган сиёсий тизимлар ҳам ўзига хос сиёсий маданиятга эга. Бунга Европа ва Осиёнинг айrim мамлакатлари ҳамда СССР парчаланганидан кейин пайдо бўлган бир қатор МДҲ давлатлари тизимини киритиш мумкин. Бу турдаги тизимларнинг умумий жиҳатлари куйдагилар:

- демократиянинг турли хилларини вужудга келтирувчи сиёсий тизимнинг ижтимоий асоси сифатидаги давлат ва фуқаролик жамиятининг оз ёки кўп даражада ажратилганлиги;

- янги ижтимоий институтлар сонининг ортиб бориши даражаси;
- давлат бошқарувининг рационал-бюрократик хусусияти.

Бу турдаги сиёсий тизимлар давлат ҳокимияти ва бошқарув ташкилотларининг кенг кўламдаги ранг-баранг шакллари ва режимларнинг барча машҳур кўринишларини ўз ичига қамраб олали.

Сиёсий тизимларни сиёсий режимлар, яъни ҳукмронлик хусусияти ва жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилиш тамойиллари бўйича тасифлаш етарли даражада кенг тарқалган ҳисобланади. Ушбу мезонлар **демократик, авторитар ва тоталитар сиёсий тизимлар**, шунингдек, улар оралигидаги турларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Сиёсий тизим ўз навбатида бир қатор **кичик тизимларга бўлинади**. **Маданий-мағкуравий кичик тизимнинг** мақсади мамлакатда амал қиласиган сиёсий партияларнинг матлум фоялар ва қарашларга таянишлари билан боғлиқдир. Сиёсий партиялар ўзларининг турли фояларни жамият тараққиётни йўналишларининг ҳокимият учун кураш услублари ва концепцияларидан келиб чиқиб, илгари суришлари мумкин.

Таъбир жоиз бўлса, шуни таъкидлаш лозимки, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатда амал қиласиган ҳуқуқ меъёрларига тўла-тўқис риоя қиласаргина, ўша жамиятнинг сиёсий тизимида ўз муносаб ўринларига эга бўладилар. Акс ҳолда уларнинг фаолияти давлат томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Бугунгача дунёдаги сиёсий партияларнинг фаолиятларида либерал, консерватив, радикал, миллӣ, социалистик ва бошқа турлаги мағкуралар илгари сурилганилиги маълум. Демократик давлат маълум бир концепцияга таънса ҳам, у ёки бу мағкурани давлат мағкураси сифатида белгиламайди.

Жамиятнинг сиёсий тизими ва унинг ташкилий тузилмалари маълум бир сиёсий меъёрга таяниб фаолият кўрсатадилар. Акс ҳолда унинг фаолияти уйгун ва барқарор ривожлана олмайди.

Меъёрий кичик тизим – бу давлат ва сиёсий тузилмалар даражасида тан олинган сиёсий ахлоқ ҳисобланади. Унинг асосий ҳужжати конституция бўлиб, у жамият ва давлат ҳаётининг меъёrlарини ўзида ифода этади.

Оммавий ахборот воситалари, коммуникациялар, инфратузилмалар кичик тизими жамият ривожида катта ўрин тутади. Унинг жамият сиёсий тизимдаги ўрни матбуот, радио ва телевидениеларни ўз ичига олганилити сиёсий жарабёнларни холисона етказиш ва баҳолаш, ҳалқни уни ижросини таъминлашга сафарбар этиши билан белгиланади. Хуллас, сиёсий тизимдаги унинг асосий ўрни сиёсий фаолият билан боғлиқ.

Сиёсий тизимнинг юқорида келтирилган кичик тизимлари бир-биридан мустақил равишда фолиият кўрсатадилар ва, айни найтда, улар бир-бирлашиб ўзаро боғлиқдир. Уларнинг ўзаро уйгун ҳолатлари фаолияти сиёсий тизимнинг барча механизмларининг нормал ишлашини таъминлайди.

Умумлаштириб олганда, **сиёсий тизимнинг асосий вазифалари** кўйилашадилардан иборат:

- жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириши, унинг кундалик ҳаётий фаолияти учун зарурий дастурларни ишлаб чиқиш;
- Қўйилган мақсадларга эришиш учун жамият ресурсларини ва имкониятларни сафарбар этиши;
- Жамият тизими барча элементларини умумий мақсад ва қадриялар йўлида интеграциялани ва бирлантириши;
- Жамият ички ва ташкии хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлаш;

• Жамият аъзоларининг сиёсий онгини шакллантириш, уларни сиёсий иштирок ва фаолиятта мослаштириб бориш.

Легитимлилик деганда ҳақиқий сиёсий ҳётнинг зарур даражасига расмий-сиёсий ва ҳуқуқий меъёрлар орқали эришиш тушунилади.

Давлатнинг яна бир муҳим белгилари унинг суверен бўлишидадир.

Аввало, бу бизнингча жамиятимизда содир бўлаётган, ҳозирги ўтиш даврида давлат бошқарувининг барча соҳасини ислоҳ қилиш ва тартибга солиш ҳамла уни тобора мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боришида ўз ифодасини топмоқда. Бу тўғрила Президент И. А. Каримон кўйидагиларни гаъкидлагантар. “Ўтиш даврида жиловни қўлдан бермаслиги керак. Шундагина у давлат бўлади. Жилов қўлдан кетган жойларда аҳвол қандай аянчли эканини кўриб турибмиз”¹.

4. Ўзбекистонда шаклланётган сиёсий тизимнинг ўзига хос ҳусусиятлари.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сиёсий тизимни шакллантириш, давлат курилиши ва бошқаруви соҳасида амалга оширилган муҳим ўзгаришлар ҳам давлатнинг жамият сиёсий тизимини мустаҳкамлашга кучи ижобий таъсир этаётганлигини кўрсатмоқда. Президент И. Каримовнинг «Биз барпо этаётган давлат, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат курилиши соҳасида бошқа ҳалқлар эришган таҳжираларга, ижтимоий қадриятларга асосла ниши лозим»,² деган фикрида мамлакатимизнинг ички сиёсий ҳёти тўла демократик асосларга эга бўлиши лозимлиги қайд этилганлигини кўрамиз. Ўзбекистонда шаклланган сиёсий хилма-хиллик, кўппартиявийлик унинг сиёсий тизими моҳиятини, мазмунини, асосий йўналишларини белгилаб бермоқда. Республикада энг муҳим масалалар бўйича умумхалқ муҳокамаси ни ўтказиш, демократиянинг бошқа кўринишлари – фуқаролар йиғилишлари, жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш каби воситалар орқали иш юритиш, унинг сиёсий тизими таркибида сиёсатнинг янги субъектлари фаолият кўрсатаётганлиги мамлакатимизда сиёсий тизимнинг ривожланиб ва такомиллашиб бораётганлигини амалда кўрсатмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан бошлаб бир палатали парламент фаолият кўрсатиб келди. Кейинчалик, мамлакатнинг маънавий шаклланиш йўлидан ишонч билан ривожланиши натижасида мамлакатнинг олий қонунчилик органини ислоҳ қилиш – икки палатали парламентни шакллантиришга жиддий зарурат пайдо бўлди.

Юқори палатага сайланган вакилларнинг асосий вазифаси қуи палатада тайёрланган қонунларни кўриб чиқиши ва шу муносабат билан тегишли қарорлар қабул қилишдан иборат.

Қуи палатани ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва сиёсатни чукур таҳлил қила оладиган мутахассислар ташкил этади, қуи палатанинг асосий функцияси қонунлар устида ишлаш ҳисобланади. Юқори палата қуи палата томонидан тайёрланган қонун лойиҳаларини чукур ўрганиб, унинг кўлланиш даражаларини аниқлайди, кўриб чиқади ва шу асосда тасдиқлади.

¹ Қаранг: Каримов И. А. . Биздан озод на обод Ватан қолсин. Т., 1996.

² Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995. 9-бет.

СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ

Режа:

1. Ҳокимият тушунчаси ва унинг моҳияти.

2. Сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши ва кўринишлари. Сиёсий режимлар типологияси.

3. Сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги ва турлари.

4. Фуқаролик жамияти ва ҳокимият.

1. Ҳокимият тушунчаси ва унинг моҳияти.

Сиёсатшуносликнинг асосий масаласи «ҳокимият» бўлиб, бу атама жуда кўп маъноларга эга. Табиатшунослар табиат устидан ҳукмронлик қилиш ҳақида, иқтисодчилар хўжалик ҳокимияти ҳақида, файласуфлар жамият объектив қонунларининг ҳукмронлиги ҳақида, хукуқшунослар давлат ҳокимияти ҳақида, руҳшунослар инсоннинг ўз-ўзига ҳукмронлик қилиш, педагоглар эса ота-оналарнинг болалар устидан ҳукмронлиги ҳақида сўз юритадилар.

Ҳокимият сиёсатнинг ўзагини ташкил этали ва ана шу нуқтаи назардан ҳар доим кишиларнинг дикқатини тортиб келган. *Н. Макиавелли* сиёсий ҳокимиятнинг давлат ҳокимияти сифатидаги моҳияти ва табиатини асослаб берди. Унинг фикрига кўра, давлат сиёсатининг асосий мақсади ҳар қандай восита-лар билан ўз ҳокимиятини кучайтиришдан иборат. Ҳокимиятнинг қуороли ва хукуқ асоси – «яхши қонунлар» ва «кудратли қўши». Ҳокимият – одамларнинг эҳтиросларини жилонашга ва уларда фуқаролик фазилатларини тарбиялашга қодир бўлган куч. Н. Макиавелли давлат ҳокимияти ўёки бу синфининг қўлида бўлиши керак эмас, балки давлатни ташкил этувчи барча унсурларни ўзида бирлашириши лозим, деб ҳисоблаган. Н. Макиавелли танқидчилари “унинг ҳокимиятни сақлаша барча воситалар яхши”, деган тамойилини кес-кин тандқид қиласидар ва уни ҳокимиятнинг куч-кудрат ресурсларига ҳаддан зиёд эътибор берганлиқда айблайдилар.

Немис файласуфи *M. Вебернинг* изоҳлашига кўра, ҳокимият одамларнинг одамлар устидан ички оқланган зўравонликка асосланган ҳукмронлигидир. Ҳокимиятнинг асосий воситаси – зўравонлик. Сиёсат эса ҳокимиятда иштирок этишга интилишни англатади (12-жадвал).

М. Вебер биринчи бўлиб ҳокимиятнинг ўз ҳоҳиш-иродасини ўтказиш имконияти сифатидаги моҳиятини очиб берди. Фалсафий ёндашув нуқтаи назаридан, ҳокимият кимгадир амр-фармон бериси, ниманилир тасарруф этиш қобилияти, хукуқи ёки имконияти, одамларнинг хукуқлар, обрў-эътибор, ирода, мажбурлаш сингари воситалар ёрдамида амалга ошириладиган фаолияти ёки хулқ-атворидир.

Ҳокимият тасиғи

Ҳокимиятнинг асосий турлари	Иқтисодий; сиёсий; ҳуқуқий; ҳарбий; диний; мънавий; оиласвий
Ҳокимиятни амалга ошириш юситалари	Ҳуқуқ; анъаналар; ишонтириш; мажбурлан; манипуляциялар; обрў-эътибор
Ҳокимиятнинг намоён бўлиши ва уни тақшил этиш шакллари	Ҳукмронлик; раҳбарлик; бошқариш; мувофиқдашириш; ташкил этиши; назорат

Манба: Фағуров С. М., Ҳайларов А. А., Тўлаганова Н. Ў.
Сиёсатшунослик асослари. Ўкув Қўлланма. Т., 2005.

Сиёсат ижтимоий ўзаро муносабатлар шакли сифатида ҳокимиятда ўз ифодасини топади. Жамият тараққий топиши билан сиёсий муносабатлар ва ижтимоий муносабатлар тобора кучлироқ интеграциялашади, мажбуровчи ҳокимият янада кенгроқ ўрин эгаллай бошлайди.

Сиёсатнинг предмети ҳар қандай ҳокимият эмас, балки оммавий маънодаги ҳокимиятдир. Ўз вақтида Аристотель полисда сиёсий йўлбошчининг обрў-эътиборини ҳокимиятнинг бошқа шаклларидан, жумладан, хўжайнинг қуллар устидан, эрнинг хотин устидан, ота-оналарнинг болалари устидан ҳукмронлигидан ажратишга интилган эди. Сиёсат, энг аввало, оммавий ҳокимиятта эга бўлиш, уни сақлаб қолишга ва уни бошқариш мақсадида турли жамоалар ташкил этишга интилишидир. Ҳокимият жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Пул иқтисодий тизимларда қандай ўрин эгалласа, ҳокимият сиёсий тизимда ана шундай ўрин эгаллайди. Шундай қилиб, ҳокимият ҳақидаги масала – *сиёсатшунослик фанининг асосий масаласи* деб айтиш мумкин.

Ҳокимият тушунчаси сиёсий фан категориялари тизимида марказий ўринни эгаллайди. У сирли, мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодисадир. Уни тушунтиришда илмий адабиётларда хилма-хил ёндашувлар, талқинлар, таърифлар мавжуддир. Биз қуйида ҳокимият тушунчасига оид энг муҳим ёндашувларни кўриб чиқамиз.

1. Ҳокимиятнинг энг кўп тарқалган таърифларидан бири – *позитив-социологик талқинидир* (немис файласуфи ва социологи М. Вебер). Бу талқинда ҳокимият бирор индивиднинг муайян ижтимоий шароитда бошқа индивидга ўзининг иродасини ўtkазиш қобилияти сифатида тушунилади. Ҳокимият муносабатларининг асосини ўзаро таъсир доирасига киритиш муносабатлари ташкил этади. Бундай муносабатлар ҳокимият субъекти ва объекти ўргасида қарор топади.

2. Ҳокимиятнинг *теологик (диний нуқтаи назаридан) талқини* (Б. Рассел). Бу талқинда ҳокимият муайян мавсадга эришиш, кўзда тутилган натижаларга эга бўлишнинг диний ёки илоҳий нуқтаи назаридан тафсифланади. Қисқа қилиб айтганда, ҳокимият бу кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Теологик таърифда ҳокимият кенг маънода талқин этилади. Бунда ҳокимият нафақат кишилар ўргасидаги муносабатларнинг, балки инсоннинг атроф-муҳит билан, худо билан ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади.

3. Бихевиористик талқин. Бу талқинда ұқимият субъект хүлқ-атвори-нинг маҳсус түри сифатида олиб қаралади. Бунда бирорлар буюрадилар, бош-қалар бўйсунадилар.

Бихевиористик ёндашув ұқимиятни тушунишни индивидуаллаштира-ди, уни реал шахсларнинг ўзаро ҳаракатларидан иборат деб қарайди.

Ұқимиятнинг көнг тарқалган бихевиористик талқинини Г. Лассуэл так-лиф этган. У ұқимиятнинг пайдо бўлиши учун дастлабки импульсларни ин-дивидга инсонга хос бўлган ұқимиятга интилиш (ирода) ва “сиёсий энергия” эгалик қилиш ҳисси беради, деб ҳисоблайди. Инсон ұқимиятда ҳаётни яхшилаш: бойлик, обрў орттириш, эркинликка, хавфсизликка ва ҳоказо-ларга эришиш воситаларини кўради.

Шу билан бирга, ұқимият бу уни эгаллаш билан ҳузурланишга им-кон берадиган мақсад ҳамдир. Сиёсий ұқимият сиёсий кучлар интилишла-рининг тўқнашуви, баланси, яъни мувозанати сифатида қарор топади. Сиё-сий кучлар мувозанатининг бузилиши эса жамиятга инқирозлар ва ихти-лофлар олиб келади.

4. Ҳокимиятнинг психологияк талқини (З. Фрейд, К. Густав Юнг, К. Хор-ни). Бу талқин ұқимиятни реал индивидларнинг хүлқ-атвори сифатидаги бихевиористик тушунишдан келиб чиқиб, ушбу хүлқ-атвори сипати тобе томонини, кишилар онги ва руҳиятида илдиз отган ұқимият манбани очиб ташлашга ҳаракат қиласи. Бу типдаги энг кўзга кўринган йўналишлардан бири – психоанализдир. У ұқимиятта интилишни ва, айниқса, уни эгаллашни жисмоний ёки матнавий заифликни субъектив компенсация қилиш вазифа-сини бажарадиган психик энергия сифатида талқин этади. Ҳокимият иродаларнинг ўзаро ҳаракати – бирорларни бўйсунишга, бошқа биронларнинг “их-тиёрий қўшилишга” тайёргарлиги сифатида вужудга келади. Фрейднинг эъти-роф этишича, инсон психикасида шундай тузилмалар борки, улар шахсий ҳимояланганлиги ва тинчлиги учун куллик эркинлигини афзал кўришга мой-ишлик туғдирали.

Умуман психологияк ёндашув ұқимият механизмлари мотивларини буй-руқ бериш – итоат этиши муносабати сифатида тадқиқ этишга ёрдам беради.

5. Ҳокимиятнинг тизимли талқини. Бу талқин ұқимиятнинг бихевиори-стик ва психологияк таърифларидан фарқ қиласи. Агар бу икки йўналиш реал кузатишиларга таяниб ұқимиятни тушунишда қуйидан юқорига, индивид-лардан жамиятга қараб боришни талаб қиласа, тизимли усул эса ұқимият-нинг индивидуал муносабатлардан эмас, балки социал тизимдан ҳосил бўлганлигидан келиб чиқади. У ұқимиятни тизимли қабул қилган жамоа мақсадларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган мажбуриятларни унинг элементлари томонидан бажарилишини таъминлаш қобилияти сифатида олиб қарайди. Тизимли ёндашувнинг айрим вакиллари (К. Дойч, Н. Луман) ұқимиятни гуруҳий ихтилофларни тартиба соладиган ва жамиятнинг бир-лашишини таъминлашга имкон берувчи социал муомала воситаси сифати-да ифодалайди.

6. Ҳокимиятнинг тузилмавий-функционал талқини (Америка социологи Т. Парсонс). Бу талқин ұқимиятни тенг бўлмаган субъектларнинг ўзаро му-

носабати, социал ташкилотнинг хусусияти сифатида, инсонлар бирлигининг ўзини ўзи ташкил этиши, уюштириш, сафарбар қилиш услублари сифатида олиб қарайди. Инсоннинг жамоа бўлиб яшашини, кўп кишиларнинг биргаликлиги ҳаётини ҳокимиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамият турли элементлардан иборат бўлган яхлитликдир. Унинг ўзи қўйидан юқорига қараб тузилади, бошқарадиган ва ижро этувчи социал ролларни табақалаштиради. Ҳокимият – бу ресурсларни, таъсир кўрсатиш воситаларини сафарбар қилишга имкон берувчи социал мақомлар, ролларнинг хусусиятидан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳокимият раҳбар лавозимларни эгаллаш ва муайян функцияларни бажариш билан боғлиқ фаолиятдир. Раҳбар лавозимлар эса оқилона ва нооқилона чора-тадбирлар, рағбатлантириш ва жазолаш ёрдамида кишиларга таъсир қилиш имконини беради.

7. Реляцион таъриф (фр. relation – муносабат). Бу таъриф ҳокимиятни икки шерик ўртасидаги муносабат сифатида олиб қарайди. Бунда улардан бири иккинчисига ҳал қўйувчи таъсир ўтказади. Бу ҳолда ҳокимият унинг субъекти ва обьектининг ўзаро ҳаракати сифатида намоён бўлади. Субъект муайян воситалар ёрдамида обьектни назорат қиласди.

Ҳокимиятнинг энг муҳим талқинлари, ёндашувлари ана шулардан иборат. Бу талқинлар бир бирини тўлдиради ва бойитади. Уларга дикъат-эътиборни қаратиш ҳокимият назариясини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишнинг зарур шартидир.

Ҳокимият яхлит ва бир бутун ижтимоий ҳодисадир. Бу эса унинг муайян таркибий қисмлардан ташкил топганлигини инкор этмайди. Ҳокимият бир қатор тузилмалардан иборат бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг таркибига субъект, обьект ва ресурслар киради.

Ҳокимиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири субъект (актор) дир. У ҳокимиятнинг бевосита ташувчисидир.

Субъект – ҳокимиятнинг фаол, йўналтирувчи қисмидир. У алоҳида инсон, социал гурух, кишиларнинг бирлиги, мисол учун ҳалқ ёки жаҳон ҳамжамияти, давлат институтлари, сиёсий партиялар бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай инсон ҳокимиятнинг субъекти бўлавермайди. У ҳокимият субъекти бўлиши учун қатор сифатларга эга бўлиши керак. Авваламбор, бу ҳокимлика ҳоҳиш-истак, кўрсатмалар ёки буйруқларда кўриналигига ҳокимлик қилиш иродасидир. Кўпчилик кишилар ҳокимиятга эгалик қилишдан қониқиши ҳис этмайдилар. Улар учун ҳокимият ўз-ўзидан бойлик ҳисобланмайди. Кўплар, агар ҳокимият турли имтиёзларни олиш учун имкониятлар очиб бермаганда, умуман, раҳбарлик лавозимларидан ва улар билан боғлиқ бўлган маъсулиятдан ўзларини олиб қочган бўлардилар. Улар учун ҳокимиятта интилиш инструментал ҳарактерга эга, яъни бошқа бир мақсадга эришиш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Ҳокимият субъекти раҳбарлик қилишга ҳоҳиш-истак ва маъсулиятни ўз бўйнига олишдан ташқари, у билимдон бўлиши, ишнинг маъно-мазмунини, ўз кўл остидагиларининг ҳолати ва кайфиятини яхши билиши, маъжуд ресурслардан оқилона фойдалана олиши, обрў-эътиборли бўлиши керак. Жамият учун ҳокимият субъектининг уюшқоғлиги жула ҳам муҳимдир. Албат-

та, ҳокимиятнинг барча субъектларини ушбу сифатлар билан бир хил дара жада таъминланган, деб бўлмайди.

Ҳокимият субъектлари мураккаб, кўп қиррали характерга эгадирлар. Унинг бошлангич акторлари – индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар, иккинчилари – сиёсий ташкилотлар, энг юқори даражадаги субъектлари эса сиёсий элиталар ва лидерлардир. Ушбу даражалар ўртасидаги алоқалар доимо бир текисда ва силлиқ кетавермайди. Бу алоқалар бузилиши ҳам мумкин. Масалан, лидерларнинг оммадан, ҳатто ўз партиясидан ҳам узилиб қолиш ҳоллари ҳам гоҳ-гоҳ учраб туради.

Ҳокимият субъекти обьект билан муносабатларда биринчи даражали роль йўнайди. У ҳокимият муносабатларини кўрсатмалар (буйруқ) орқали ифодалайди. Бу кўрсатмаларда ҳокимият обьектининг хулқ-атвори, буйруқни бажарганлик ёки бажармаганлик учун рафбатлантирувчи ва жазолани чорала-ри кўзда тутилади. Ижро этувчиларнинг муносабати буйруқдаги мавжуд та-лабларнинг характеристига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Объект – ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементидир. У ҳокимият субъекти қарорларининг бевосита бошқарувчисидир. Объект ҳам, худди субъект каби ҳокимиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бу элементсиз ҳокимиятни та-саввур этиб бўлмайди. Ҳокимиятнинг обьектини индивид, социал гуруҳ, синф, жамият ташкил этади.

Ҳокимият субъектининг сифати, фаоллиги жамиятнинг сиёсий маданияти билан белгиланади. Бу маданият қанчалик юқори бўлса, мустабид тузумга эҳтиёж шунчалик кам бўлади.

Ҳокимиятнинг асосини ёки манбани ресурслар ташкил этади. Бу ре-сурслар ҳокимият субъекти томонидан ҳокимият обьектига илгари сурилган масалага эришиш мақсадида таъсир кўрсатиш учун фойдаланилади. Ресурслар кишиларни рафбатлантириш, жазолаш ёки ишонтиришда қўлланилиши мумкин.

Ҳокимият ресурслари хилма-хилдир. Улар илмий алабиётларда бир неча турларга, авваламбор, утилитар, мажбурловчи ва меъёрий ресурсларга бўлинади.

Утилитар ресурслар – бу кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари ва таъларини қондириш билан боғлиқ бўлган моддий ва бошқа ижтимоий восита-лардир. Бу воситалардан кишиларни рафбатлантириш учун ҳам, жазолаш учун ҳам фойдаланилади.

Мажбурловчи ресурслар – бу маъмурий жазолаш билан боғлиқ бўлган воситалардир. Бу воситалардан, одатда, утилитар ресурс иш бермай қолганда фойдаланилади.

Меъёрий ресурсларга инсоннинг ички дунёси, қадриятлар ва хулқ-атво-рига таъсир кўрсатувчи воситалар киради. Улар бўйсунувчиларга раҳбар ва ижро этувчиларнинг манбаатларини тушунтиришга, ҳокимият субъекти ҳара-катларини маъқулланишини, унинг таъблари қабул қилинишини таъминлашга чақирилганлар.

Илмий алабиётларда ҳокимиятнинг ресурсларини инсон ва жамият фа-олиятининг муҳим соҳалари – сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, социал, мада-

ний-ахборот, күч ишлатувчи соҳаларга биноан туркумлаштириш ҳам кенг тарқалган.

Сиёсий-хуқуқий ресурслар – бу ижтимоий тартибни, хавфсизликни, баракарорликни, фуқароларнинг тинч-осойишталигини, жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминловчи воситалардир. Бу воситаларга дастурий ҳужжатлар, Конституция, қонунлар ва уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар киради.

Иқтисодий ресурсларга ижтимоий ва хусусий ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш учун зарур бўлган моддий бойликлар, уларнинг умумий эквиваленти сифатида пуллар, техника, унумдор ерлар, ер ости қазилма бойликлари ва ҳоказолар киради.

Социал ресурслар – социал стратификациядаги социал мақом ёки ранг, ўриннинг амалга оширилиши ёки пасайиши қобилиятидир. Бу ресурслар қисман иқтисодий ресурсларга мос келади. Масалан, даромад ва бойлик иқтисодий ресурслар бўлиши билан бирга социал мақомни ҳам тавсифлайди. Бироқ социал ресурсларга лавозим, обрў, маълумот, медицина хизмати, ижтимоий таъминот каби кўрсаткичлар ҳам киради.

Маданий-ахборот ресурслари билим ва ахборот ҳамда уларни олиш ва тарқатиш воситалари: фан ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар ташкил этади. Таниқли американлик олим О. Тоффлернинг эътироф этишича, XX аср охири – XXI асрнинг бошларида *билим ва ахборот* ҳокимиятнинг муҳим ресурсига айланади. Ҳозирги кунда постиндустриал мамлакатларда билим ва ахборот ҳокимият амал қилишининг ҳал қилувчи омилига айланди. Анънавий күч ва бойлик ўзининг илгариги таъсирини йўқотмоқда. Ким билим ва ахборотга эта бўлса, ўша чинакамига ҳукмронлик қиласи.

Куч ишлатувчи ресурслар – бу қурол-яроғ, жисмоний мажбурловчи муассасалар ва бунинг учун маҳсус тайёрланган кишилардир. Уларнинг ўзагини армия, полиция, хавфсизлик кенгаши ташкил этади. Ресурсларнинг мазкур кўриниши ҳокимиятнинг азалдан энг самарали манбаи ҳисобланган. Сабаби, унинг фойдаланиши инсонни олий қадриятлар – ҳаётдан, эркинлик ва молмулкдан маҳрум қилишга қодирлигидир. Ҳокимиятнинг турли ресурслари, одатда, унинг субъектлари, аввало, давлат идоралари томонидан комплекс равишда қўлланилади.

Демографик ресурслар – ҳокимиятнинг маҳсус ресурсларидир. Бу ресурс бошқа ресурсларни ишлаб чиқарувчи универсал, кўп функцияли ресурслар. Инсон моддий бойликларнинг яратувчиси, аскар ва партия аъзоси, билим ва ахборотнинг эгаси ва тарқатувчисидир. Шахс ўзининг кўп сонли қирраларидан бирида, бироннинг иродасини амалга ошируичи восита сифатида фойдаланилганда ҳокимиятнинг ресурси бўлиб юзага чиқади. Умуман, инсон нафақат ҳокимиятнинг ресурси, балки унинг субъекти ва объектидир.

Ҳокимият – бой ва хилма-хил шаклларда, даражаларда кўринадиган ижтимоий ҳодисадир. Бу кўринишлар илмий адабиётларда қандай ресурсларга асосланишига кўра, сиёсий, иқтисодий, социал, маданий-ахборот, мажбурловчи ҳокимиятларга ажратилади.

Ҳокимиятнинг энг асосий ва ўзига хос кўринишларидан бири **сиёсий ҳокимиятдири**. У жамият ҳаётида алоҳида ўринни эгаллайди. Бу шу билан белгиланадики, сиёсий ҳокимият жамият ва давлат ҳаётини бир бутунлигича ва яхлитлигича қамраб олади, уни йўналтиради ва тартибга солади, ҳокимиятнинг бошқа барча кўринишларини бирлаштиради, уларни ҳалқ манфаатларига бўйсундиради. Сиёсий ҳокимиятсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Усиз жамиятда тартибсизлик, бошбошдоқлик ва ўзбошимчалик бошланади. Шунинг учун ҳам сиёсий ҳокимиятнинг асосий мақсади – ижтимоий ва давлат ҳаётини тартибга солиш ва бошқаришдир.

Сиёсий ҳокимият – у ёки бу восита: обрў, хукуқ, зўрлик ёрдамида ҳалқ иродасини амалга ошириш кишиларнинг фаолияти, хулқ-авторига белгиловчи таъсир кўрсатиш қобилияти ва имкониятидир.

Сиёсий ҳокимият қатор хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар қуйидаги белгиларда ўз ифодасини топади:

- **легитимлиги**, яъни давлат миқёсида куч ишлатишдан фойдаланишнинг легаллиги;

- ҳар қандай бошқа ҳокимият учун қарорларнинг **мажбурийлиги**, истаган ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсата олиш хусусияти. Сиёсий ҳокимият қудратли корпорациялар, ОАВ ва бошқа муассасаларнинг таъсирини, агар бундай таъсир қонунга зид бўлса, чеклаши ёки уларни умуман тугатишин мумкинлиги;

- **оммавийлиги**, яъни умумийлиги ва дахлсизлиги. Бунинг маъноси шуки, сиёсий ҳокимият майда, контакт гурухларда мавжуд бўладиган шахсий ҳокимиятдан фарқли ўлароқ, хукуқ ёрдамида барча фуқароларга бутун жамият номидан мурожаат қила олиши;

- **марказлашганлиги**, яъни қарорлар қабул қилиш ягона марказининг мавжудлиги. Бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамиятда сиёсий ҳокимиятдан фарқ қила бориб, иқтисодий, социал ва маданий-ахборот ҳокимиятининг кўп марказлилиги. Бунда кўплаб мустақил мулкдорлар, ОАВ, ижтимоий фонdlар ва бошқаларнинг мавжуд бўлиши назарда тутилади;

- **ресурсларнинг хилма-хиллиги**, яъни сиёсий ҳокимиятнинг нафақат мажбурловчи, балки иқтисодий ва маданий-ахборот ресурсларидан ҳам фойдалана олиш имконияти.

Сиёсий ҳокимият жамиятда якка ҳолда эмас, балки ҳокимиятнинг бошқа кўринишлари: иқтисодий, социал, маданий-ахборот, мажбурловчи ҳокимиятларга таянган ҳолда ҳаракат қиласи.

Иқтисодий ҳокимият – ҳокимиятнинг мустақил кўринишларидан бири ҳисобланади. У сиёсий ҳокимиятдан фарқ қиласи. Иқтисодий ҳокимият ресурслар устидан назорат қилиши, турли-туман моддий бойликларга эгалик қилишни анлатади. Бу ҳокимият жамият тараққиётининг одатдаги, нисбатан тинч даврларида ҳокимиятнинг бошқа кўринишлари орасида устуворлик қиласи. Сабаби, иқтисодий назорат – бу инсон ҳаётининг бирор соҳасини шунчаки назорат қилиши эмас, балки жамиятнинг барча мақсадларига эришиш воситаюни устидан назорат қилишдир.

Ҳокимиятнинг мустақил кўринишларидан яна бири – **социал ҳокими-**

ятдир. У иқтисодий ҳокимият билан чамбарчас боғланган. Агар иқтисодий ҳокимият моддий бойликларни тақсимлаш қобилиятынан англатса, социал ҳокимият эса социал зинапоядаги ўринларни – мақомлар, лавозимлар, имтиёзларни тақсимлаш қобилиятынан англатади.

Ҳозирги замон давлатлари катта социал ҳокимиятта әгадирлар. Улар социал сиёсат ёрдамида ахоли кенг қатламларининг ижтимоий аҳволини яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатишлари мумкин.

Маданий-ахборот ҳокимияти – бу илмий билимлар, ахборотлар ва уларни тарқатувчи воситалар орқали кишилар маънавий дунёси устидан назоратдир. Бундан ташқари, ҳокимиятнинг бу обрў асосидаги итоаткорлик билан боғлиқ бўлган ахлоқий, диний ва бошқа кўринишларидир. Ҳозирги кунда илғор мамлакатлarda маънавий таъсир этишининг барча кўринишлари орасида илмий-ахборот ҳокимияти биринчи ўринга чиқмоқда. Билим ҳукумат қарорларини тайёрлашда, кишиларнинг онгига бевосита таъсир этишда кенг фойдаланилмоқда. Бундай таъсир кўрсатиш ижтимоийлашув муассасалари (таълим, ОАВ) орқали амалга оширилмоқда. Ахборот ҳокимияти турли-туман мақсадларга хизмат қилишга қодир. У ҳукумат фаолияти ҳақила нафақат объектив хабарларни тарқатишга, нохолисона, ноаниқ хабарларни ташвиқт-тариғибот қилиб, кишилар онги ва хулқ-атворини тўғри йўлдан чалғитишига ҳам хизмат қилиши мумкин.

Мажбурловчи ҳокимият – мажбурловчи ресурсларга таянадиган ва мажбурий куч ишлатишни қўллаш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилиш ёрдамида кишилар устидан назорат қилишдир. У иқтисодий, маданий-ахборот ҳокимияти етарли бўлмагандан амал қиласидиган, уларни тўлдирадиган ҳокимиятдир. Куч ишлатишга таяниш – мажбурловчи ҳокимиятнинг муҳим хусусиятидир. Бундан мажбурловчи ва сиёсий ҳокимият айнан бир нарса экан, деган холосани чиқармаслик керак.

Мажбурловчи ва сиёсий ҳокимиятни айнан бир нарса деб тушуниш ўринли эмас. Куч ишлатишга, мажбурашга сиёсий ҳокимият ҳам таяниши мумкин. Масалан, жиноий гурухларни тугатишида, ташқаридан бўладиган босқинчилик ҳаракатларини бартараф этишда мажбурловчи ресурслардан фойдаланилади. Бу билан уни мажбурловчи ҳокимият билан айнан бир нарса деб бўлмайди.

Сиёсий ҳокимият мажбурловчи ҳокимият сингари фақат куч ишлатувчи, мажбурловчи (жисмоний, моддий, руҳий) ресурсларга таяниши билан чекланиб қолмайди. У ижтимоий муаммоларни ҳал этишда иқтисодий, социал ва маънавий-ахборот ресурсларига ҳам таянади. Шунинг учун ҳам, мажбурловчи ҳокимиятни сиёсий ҳокимиятдан фарқламоқ керак.

Ҳокимият кўринишлари юқорида қайд этилганлар билан чекланмайди. У субъектига кўра, давлат, партия, армия, касаба уюшмалари, оила ва бошқалар ҳокимиятига; қандай функцияларни бажаришига кўра – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига; ҳокимият субъекти ва обьекти ўзаро ҳаракатининг устунлигига кўра – демократик, авторитар ва тоталитар ҳокимиятларга бўлинади. Шунингдек, ҳокимият тарқалиш кенглиги бўйича халқаро ташкилотлар; макро даражала давлатнинг марказий органлари; мезо да-

ражада вилоят, туман ташкилотлари; микро даражада бошланғич ташкилотлар ҳокимиятлариға ажратиласы.

Сиёсий ҳокимиятта қуидаги бир қатор белгилар хос:

1) сиёсий ҳокимият жамиятда ижтимоий муносабатлар ифода этилишининг зарур шакли сифатида юзага келади ва қарор топади. Сиёсий ҳокимият ўз моҳиятида ҳукмронлик субъекти билан объект ўртасидаги қарама-қаршиликни мужассам этади;

2) ҳокимият хатти-харакатларда, субъектларнинг ўзаро муносабатларида амалга ошириладиган имкониятдир. Уни ўзлаштириб олии мумкин эмас. Ҳокимиятни эгаллаш, уни бир қўлдан бошқасига ўтказиш бирорларнинг бошқаларга ўз истак-иродаларини зўрлаб тиқишириш, уларнинг хулқ-атворини бошқариш қобилиятини шакллантирувчи ва амалга оширилишини таъминловчи воситаларнинг муайян йигиндисини эгаллаб олиш ёки ўтказишдан бошқа нарсани англатмайди;

3) сиёсий ҳокимият ижтимоий тизимнинг, ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг ҳосиласидир;

4) сиёсий ҳокимият мажбурлаш билан боғлиқ. Шунга қарамай, уни фақат мажбурлаш воситасила ёки жисмоний зўравонлик орқали амалга ошириш мумкин эмас. Мажбурлаш ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг воситаси, жамиятни бошқаришнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ҳокимиятнинг асосий жиҳати одамларнинг ижтимоий ҳаётини бошқаришдир.

2. Сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши ва кўринишлари. Сиёсий режимлар типологияси.

Сиёсий ҳокимият турли кўринишларда мавжуд бўлади ва фаолият кўрсатали: давлат ҳокимияти, партия ҳокимияти, минтақавий ҳокимият ва ҳоказо. Уларнинг энг ривожлангани давлат ҳокимиятидир.

Давлат ҳокимияти – ҳокимиятнинг кўпроқ синфий табиатга эга бўлган, маҳсус мажбурлаш аппаратига суннадиган ва ҳамма учун мажбурий қонунлар чиқаришда ҳамда бошқа норматив ҳужжатларни тасдиқлашда монополияга эга бўлган шакли.

Ҳар қандай сиёсий ҳокимиятнинг зиммасига муайян вазифалар юклатилган. Улардан айримларини ажратиб кўрсатамиз:

- Жамиятда муайян ижтимоий гурухларнинг ҳукмронлигини таъминлаш;
- Одамларнинг ижтимоий ҳаётини бошқариш;
- Жамиятнинг яхлитлиги ва бирлигини сақлаш.

Хукуқий давлат сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос белгиларини, функциялари ва ривожланиш тамойилларини кузатиб боришига, уларнинг салбий оқибатлари ва қирраларини бартараф этишга мажбур. Масалан, мажбурлаш ҳар қандай сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос белгиси ва функциясидир: жамият фақат ижобий рағбатлантирувчи омиллар, шунингдек, фақат зўравонлик ва пулга асосланган тамойиллар негизида фаолият кўрсата олмайди.

Хукуқий давлатнинг вазифаси – ижобий рағбатлантирувчи омиллар билан мажбурлаш ўртасидаги меъёрни сақлаб туриш. Мана шунинг ўзи сиёсат-

дир, зеро, сиёсат, энг аввало, тинчлик ўрнатиш, мумкин бўлган нарсага эришиш санътидир. У ижтимоий ҳаракатга келтирувчи кучлар билан ижтимоий манфаатлар ўртасидаги оқилона мувозанатни ўрнатишга давлат этибигина қолмай, балки шунга мажбур ҳамдир. Сиёсатда энг асосийси, ҳокимиятни эгаллашгина бўлиб қолмай, балки ундан давлат ва жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш, юзага келаётган янги талабларни ҳисобга олиш ва шу тарзда ўзини мустаҳкамлаш ҳамдир. Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, ҳокимият қанча муваффақиятли фаолият кўрсатса, ўзи ҳақида шунча кам сўзлайди ва ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш эҳтиёжи ҳам кам бўлади.

Ҳозирги замон сиёсатшунослик фанида сиёсий тизимларнинг амал қилиш усулини намоён этадиган асосий категориялардан бири – **сиёсий режим** (лотинча regimen – идора усули). Сиёсий режим феномени таҳлилига фуқаролик жамиятига асосланган ҳолда киришиш лозим бўлади.

Сиёсий кучлар фуқаролик жамиятидан келиб чиқди. Фуқаролик жамиятиянинг нечоғлик ривожланганлиги демократик сиёсий режим вужудга келишиник асосларидан бўлиб хизмат қиласди.

Сиёсий режим – давлатнинг алоҳида шакли учун хос бўлган сиёсий муносабатлар, ҳокимият органлари томонидан кўйланадиган усул ва воситалар, давлат ҳокимияти ва жамиятнинг қарор топган муносабатлари, чафкуранинг ҳукмрон шакллари, ижтимоий ва синфий ўзаро муносабатлар, сиёсий маданият ва тафаккур турларининг мажмуи. Сиёсатшунослик фани сиёсий режимнинг уч асосий шаклини ажратиб кўрсатади: демократик, авторитар, тоталитар.

Кўпчилик сиёсатшуносларнинг фикрича, сиёсий режимга жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва демократия, мавжуд ҳукуқлар ва фуқаролар эркинлиги ҳолатини ўзида акс этирувчи қатор мезонлар хос. Улар жумласига қўйидағилар киритилади:

- давлат раҳбарининг сиёсий раҳбарлик тизимидағи ўрни ва вазифалари;
- вакиллик муассасаларини шакллантириш тартиби ва усуллари;
- сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ижтимоий ҳаракатларнинг ҳолати, таъсири ва шарт-шароитлари;
- шахснинг ҳукуқий мақоми, фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларнинг ҳолати ва кафолатлари;
- ошкора ахборот олиш учун объектив манбаларнинг мавжудлиги.

Сиёсий режимларнинг амал қилишини таҳлил этиш уларнинг бирортаси ҳам соғ кўринишда мавжуд бўлмаган, деган хуносага олиб келади. Дунёда сиёсий режимларнинг доимий эволюцияси – инқиlobлар, ҳарбий тўнтаришлар, референдумлар ва шу кабилар юситасида улардан бирининг ўрнига бошқаси келиши содир бўлиб туради. Шунингдек, аввалги режимларга қайтиш, яъни тескари ҳаракат ҳам хосдир.

Сиёсий режимларнинг барча шакллари ўз кўринишларини турлича ўзгартирган ҳолда у ёки бу мамлакатда мавжуд бўлиб келган ва ҳозирда ҳам мавжуд. Улар ҳамиша фуқаролик жамияти ва ушбу сиёсий тизимларнинг ҳақиқий ҳолатини ўзида ифодалаган ва ифодалайди.

Сиёсий режимларнинг энг кўп тарқалган кўринишлари – тоталитар, авторитар ҳамда демократик режимлардир (13-жадвал).

Сиёсий режимнинг алоҳида хусусиятлари

Сиёсий режим куйидагиларни таъминлайди	Сиёсий режим куйидагилар орқали аниқланади
Сиёсий ҳокимиятнинг барқарорлиги	Ривожланиш даражаси ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг интенсивлиги
Фуқароларни бошқариш, сиёсий муноса-батларнинг ҳокимият учун мақбул дина-микаси ва йўналиши	Хукмрон элитанинг шакллашганлиги
Сиёсий мақсадларга әришини, ҳукмрон до-иранинг мағфалларини амалга ошириш	Бюрократия (мансибдор шахслар аппарати)га му-носабатнинг ахволи
	Ижтимоий-сиёсий аппаналарнинг ривожланганлиги, жамиятда ҳукмрон бўлган сиёсий онг ва сиёсий маданият даражасининг баландлиги
	Жамиятда устувор бўлган легитимлик типи

Майба: Политология. Учебник (Под ред. В. И. Буренко, В. В. Журавлева). М., 2005.

Тоталитар режим – сиёсий диктатура шаклларидан бири. Мазкур терминга фақат салбий баҳо бериш нуқтаи назаридан қарамаслик керак. Бу – тегишли назарий таърифни талаб қиласиган илмий тушунча. Дастроб «тотал давлат» тушунчаси ижобий аҳамият касб этди. У миллат билан айнан бир хилда ўз-ўзидан вужудга келадиган, сиёсий ва ижтимоий-сиёсий омиллар ўтасидаги тафовутлар барҳам топадиган давлат маъносини билдирад эди. Бу тушунчанинг ҳозирги талқини биринчи марта фашизмга таъриф бериш учун таклиф этилди. Кейин у совет ва унга ўхшаш давлатлар моделига кенг татбиқ этилди (14-жадвал).

Тоталитаризмнинг асл белгилари уни авторитар режим билан қиёслаганда яққол намоён бўлади. Тоталитаризм шароитида давлат ижтимоий ҳаёт-тилини салбий баҳо бериш нуқтаи назарий таърифни талаб қиласиган илмий тушунча. Дастроб «тотал давлат» тушунчаси ижобий аҳамият касб этди. У миллат билан айнан бир хилда ўз-ўзидан вужудга келадиган, сиёсий ва ижтимоий-сиёсий омиллар ўтасидаги тафовутлар барҳам топадиган давлат маъносини билдирад эди. Бу тушунчанинг ҳозирги талқини биринчи марта фашизмга таъриф бериш учун таклиф этилди. Кейин у совет ва унга ўхшаш давлатлар моделига кенг татбиқ этилди (14-жадвал).

Тоталитаризмнинг илдизлари

Келиб чиқиш сабаблари	Шаклланиш шартлари	Пайдо бўлиш асослари
Революция	Ўрнатилган ижтимоий тузилишларни кескин синдириш, тури ижтимоий гурухларнинг маргинализацияси (мажруҳланиши)	Замонавий оммавий ахборот восита-ри ва улар истеъмолчиларинин найдо бўлиши
Харбий мағлубият	Сиёсий ҳокимиятнинг инқиrozи	Сиёсий ва ижтимоий жараёнлар бош-қарувига таъсир эта оладиган оммавий сиёсий партияларнинг вужудга келиши
Ички келишмовчи-ликлар	Фуқаролик жамиятининг бузилиши	Жамият устидан давлат бошқарувини ўрнатишда таҳриба ортигирин, ижтимоий муаммоларни мистисониаб одамларни сафарбар қилиш орқали ҳал этиш
Четлан тиқишигириш	Сиёсий онтингнинг эврилиши	Репрессия ва қийнани аппаратини бар-по этиш имкониятининг мавжудиги

Майба: Политология. Учебник. (Под ред. В. И. Буренко, В. В. Журавлева). М., 2005.

нинг барча соҳалари устидан ялпи ҳукмроилик қилишга интилади (15-жадвал). Тоталитаризм вужудга келишининг энг муҳим сабаблари Қўйидагилардан иборат:

- фуқаролик жамиятининг бутунлай сиёсий жамиятга сингиб кетиши;
- ижтимоий ҳаётни ҳаддан ташқари рационализация қилиши;
- индивидуал ва оммавий психологияянинг ўзига хос хусусиятлари.

15-жадвал

Тоталитаризминг сиёсий режим сифатидаги хусусиятлари

Ўзига хос жиҳатлари	Асосий кўринишлари	Тоталитаризминг асосий белгилари
Жамиятнинг барча жабхаларини қамраб оладиган мағкуранинг мавжудлиги	"Сўл" тоталитаријами (сталинизм, маонизм)	марказлашгирланган бошқарув ва иқтисодий соҳага раҳбарлик қўшиш
Давлат органлари билан узвий боғлиқ, бўлған ягона партиянинг ҳукмронлиги		ижтимоий соҳалаги ҳар бир шахс ҳулқ-авторини умумий назорат қўлиш тизимининг мавжудлиги
Доимий ёки маълум вақт давомида тақрорланиб турадиган ва ички сиёсатнинг куроли ҳисобланадиган репрессия		ягона партиянинг раҳбарлик роли ва унинг сиёсий соҳадаги диктатураси-ни эътироф этиш
Оммавий ахборот воситалари устидан давлатнинг тўла ҳукмронлиги, плюрализмнинг мавжуд бўлмаслиги	"Ўнг" тоталитаријами (итальян фашизми, герман национал социализми)	расмий мағкуранинг маънавий соҳада ҳукмронлиги ва жамият аъзолари-га маҳбурон қабул қилирилиши
Иқтисодиёт устидан давлатнинг қаттиқ наҳорати		оммавий ахборот воситаларининг партия ва давлат қўлида гўлланиниши
Мухолифат фаолият юритиги учун имкониятнинг йўқлиги		барча куроли кураш воситаларининг партия на динлат қўлида марказлашви

Мажба: Политология. Учебник (Под ред. В. И. Буренко, В. В. Журавлева). М., 2005.

Тоталитар режимнинг бошқа режимлардан ажralиб турадиган ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда террор ва қўрқувдан нафақат ҳақиқий ёки тасаввур қилинган душманларни қўрқитиш ва маҳв этиши, балки оммани бошқаришнинг кундаклик одатий воситаси сифатида фойдаланилади.

Тоталитар режимнинг яхлитлиги партия, доҳий ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини гўёки тамомила ўз комига тортиб, улар устидан тўлиқ назорат ўрнатишидагина эмас, шу билан бирга, аксарият халқ оммасининг партия раҳбарияти ёки доҳийнинг асосий мақсадлари, кўрсатмалари, мўлжалларини муқаддас билиб, ишонишида ҳам кўринади. Ҳар иккала томон гўёки универсал мақсадга эришин учун тотал бирликка айланиб кетган. Шу нуқтаи назардан, Россиядаги – коммунизм, Германиядаги – национал социализм, Италиядаги – фаизм режимларини соф тоталитар режимлар, леб ҳисоблаш мумкин.

Авторитар режим бир киши ёки бир гуруҳ кишиларнинг қаттиқуллик билан ҳокимиятни бошқариши демакдир. Авторитар режимнинг асосий мөҳияти шундаки, бунда жамият аъзоларига жуда ҳам кам сиёсий эркинликлар берилган бўлиб, улар сиёсатга тааллукли бўлмаган ишларни қилишларига руҳсат этилади (16-жадвал).

Авторитаризмнинг ўзига хос хусусиятлари

Авторитаризмнинг ўзига хос жиҳатлари	Авторитаризмнинг тоталитаризмдан фарқи
Ҳокимиятнинг сиёсий лидер ёки матлум бир гурӯх кўлида тўпланиши	Аниқ ишлаб чиқилган мағкуранинг муҳим эмаслиги
Давлат қўлила фақатгина муҳим ва ҳал қўйтувчи механизmlарнинг мавжудлиги	Жамиятнинг барча жабҳаларига кириб боруви чиқишинига давлат таъсирининг йўқлиги ва жамиятдаги жаҳониётнига утидан тотал бошқарувининг мавжуд эмаслиги
Алоҳида фуқароларнинг, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва сиёсий ҳитти-ҳаракатларини чеагаралаш ва ҳатти тартибиға солиш	Шахсий ҳәётта аралашинидан бош тортиш
Фуқароларга давлат томонидан таъкидланмаган ҳамма ишга руҳсат берини	Манбаат ва қултарни кутблаш ва пароқандайлаш имкониятнинг мавжудлиги
Демократиянинг базни белгилари (саъиевлар, парламент курашлари) нинг мавжудлиги	Иқтисодиётни ийебатан сиёсий тизимларнинг катта автономияси, иқтисодиётни марказлашган ҳамда буюр муносабатлари лоирирасила ушлаб туриш

Маъба: Политология. Учебник (Под ред. В. И. Буренко, В. В. Журавлева). М., 2005.

Демократик режим эса, аксинча, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланган, сиёсий эркинликлардан бемалол фойдалана оладиган режимdir. Демократик режимнинг асосий моҳиятини қисқача шундай таърифлаш мумкин: жамият аъзолари қонунлар билан тақиқланмаган барча ишларни қилишлари мумкин.

Қўйидаги жадвалда тоталитар, авторитар ва демократик режимларнинг асосий фарқли жиҳатларини билиб олиш мумкин (17-жадвал):

3. Сиёсий ҳокимиятнинг легитимлиги ва турлари.

Легитимлик атамаси ўзининг lugavий мазмунига кўра французча legitimité сўзидан келиб чиқсан бўлиб, у қонуний деган маънони англатади. Ҳокимият легитимлиги, одатда, унинг қонунийлиги ва адолатлиги фуқаролар томонидан ижобий баҳоланишини ва ихтиёрий тан олинишини англатади.

Легитимлик ва легалликни айнан бир хил тушунчалар деб бўлмайди. Улар бир-бирларига мос келмайдиган тушунчалардир. Агар легаллик ҳокимиятнинг ҳуқуқий асосланишини, унинг ҳуқуқий меъёрларга мос келишини англатаса, легитимлик – бу ҳалқ томонидан билдирилган ишонч, ҳокимиятни оқлаш ва қўллаб-куватлашдир.

Ҳокимиятнинг легитимлиги ўз мазмун-моҳиятига кўра хилма-хил турларга бўлинади.

Ҳокимият легитимлигининг учта мумтоз турини (М. Вебер) ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу турлар қўйидагилардан иборат:

1) **Анъанавий легитимлик.** У азалдан ўрнатилган тартибларнинг бузилмаслиги ва муқалласлигига бўлган ишончга, ҳокимиятга бўйсуниш урф-одатларига биноан қарор топлади. Унинг негизини сиёсий анъаналарга, урф-одатларга ишонч ташкил этади. Анъанавий легитимлик монархияларга хос хусусиятларни оқлашади.

Сиёсий режимларнинг турлари ва улар ўртасидаги тафсуллар

№	Мезонлар	Демократик режим	Тоталитар режим	Авторитар режим
1	Қонунчиллик	Қонунларнинг ривожланган тизими	Қонунлар тизими жуда оз	Қонунлар тизими жуда кам ишлаб чиққан
2	Хукуқ ва эркинликлар	Қояту билан тақиқланмаган барча нарсаларга рухсат этилган	Хокимият томонидан белгиланган нарсаларга гина рухсат берилган	Сийсатга алоқаси бўлмаган нарсаларгиниа рухсат берилган
3	Давлат раҳбарининг ваколатлари	Қонун билан қатъий чекланган	Амалда чекланмаган	Аслида чекланмаган
4	Хокимиятларнинг бўйниш принципи	Амала оширилган	Рад қилинади	Юзаки зътироф этилади
5	Хокимиятнинг ваколатларини оғизлеклари	Кенг доирадаги ваколатларга эга	Қўғирчоқ мақомида ёки мавжуд эмас	Қўғирчоқ мақомида
6	Хокимиятнинг маҳдлий органларини ваколатлари	Энг юқори даражада	Энг кам даражада	Номиганина кенг
7	Партиялар	Кўп партиявиийлик	Хукмрон партия лавлат партияси хисобланади	Оммавий сиёсий ятона партия
8	Мағкура	Сиёсий плюрализм (хурфикрлик)	Ягона мағкура ҳукмронлиги	Расмий ягона мағкура
9	Хукуқ-тартибот органлари	Қонун билан қатъий чекаланган	Оммавий сиёсий қўтилонларни амала оширади	Яширин сиёсий қилирув амала оширилади
10	Муҳодилат	Ошкора фаолигат кўрсатши	Тақиқланган	Инкор қилинади

Маиба: Рафуров С. М., Ҳайдаров А. А., Тўлаганова Н. Ў. Сиёсатшунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2005.

сиятдир. Бунда кўп асрлик анъаналарга, ҳокимиятнинг кўп асрлик турларига, ҳокимиятнинг мерос тариқасида ўтишига, фуқароларнинг ҳукмдорларга сўзсиз бўйсунишларига, улар ўртасидаги муносбатларнинг норасмийлигига асосланади.

Анъанавий легитимлик тарихий жараён давомида қатор ўзгаришларга юз туттан бўлса-да, уни бугунги кунда ҳам кузатиш мумкин.

2) **Харизматик легитимлик** (юнонча «харизма» — худо томонидан инъом этилган илоҳий қобилият). Бу легитимлик раҳбарнинг ҳаддан ташқари илоҳий қобилиятига, фавқулодда истеъодидига, яъни харизмасига ишонишга асосланади. Унинг негизини тарихий анъаналар эмас, балки шахсга ҳалқнинг чексиз ишончи ташкил этади.

Легитимликнинг харизматик тури анаъанавий легитимликнинг тамомила аксиadir. Анъанавий легитимлик анъана, урф-одатга боғланган бўлса, харизматик легитимлик, аксинча, шу пайтгача тан олинмаган тамомила янги нарсаларга, янги ғояларга асосланади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, харизматик легитимлик кўпинча ўтиш даврларида тез-тез кузатиласи. Ҳар бир тарихий давр муайян харизматик турдаги легитимликни илгари суради. Ундан ҳозирги давр ҳам истисно эмас.

3) **Рационал-ошкора легитимлик** – легитимликнинг мустақил туридир. У легитимликнинг анъанавий, харизматик турларидан фарқ қиласди. Рационал-ошкора легитимлик фуқароларнинг алоҳида шахсларга эмас, балки давлат тузилмаларига бўлган ишончига аосланади. Унинг манбанин оқилона англанган манфаат ташкил этади. Бу манфаат кишилардан умумжаҳон томонидан эътироф этилган қоидалар бўйича шаклланган ҳукумат қарорларига ихтиёрий бўйсуниш ҳиссини уйғотади.

Рационал-ошкора легитимлик илғор, демократик давлатларга хос ҳусусиятдир. Бундай давлатларда кишилар раҳбар шахста эмас, балки қонунларга бўйсунади. Ҳокимият вакиллари демократик тамойиллар асосида сайланадилар ва ҳаракат қиласди. Уларда Конституция асосий ҳуқуқий акт ҳисобланниб, социал ҳулқ-атворларнинг муайян қоидаларини белгилаб беради. Бу қоидаларга барча фуқароларнинг, шу жумладан, сиёсий раҳбарларнинг ҳам қаттиқ риоя қилишлари урғ-одатга айланади.

Ҳозирги замон сиёсий амалиётида рационал-ошкора легитимликни соғ, идеал ҳолла учратиш қийин. Уни кўпинчча бошқа турлар билан боғланган, оқилоналиктин анъанавийлик билан тўлдирилган ва бойитилган кўриниши ҳолида учратиш мумкин.

4. Фуқаролик жамияти ва ҳокимият.

Илмий адабиётда фуқаролик жамиятининг табиати ҳусусида турли-туман фикрлар мавжуд.

«**Фуқаролик жамияти**» тушунчасининг илдиzlари Аристотелнинг «полис» ғоисига бориб тақалади. Мазкур анъанада фуқаролик жамияти ва сиёсий давлат ўзаро бир-бирининг ўрнини босувчи атамалар сифатида қаралар эди. Қадимги грек мугафаккирлари тасаввурнида «сиёсат» тушунчаси жамият ҳаётининг барча мухим соҳаларини: оила, дин, таълим, маданият ва бошқаларни қамраб олган. Улар тор маънодаги бошқарув билан боғлаш, функциялар, масалан, қонунлар ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш, уручи, дипломатия кабилар сифатида қаралган.

Жамият аъзоси бўлиш жамиятнинг фуқароси – аъзоси бўлишни, бино-барин, унинг қонунларига мувофиқ ва бошқа фуқароларга зарар етказмасдан ҳаракат қилиши мажбуриятини аниллатар эди. Бу ҳолат антик даврда ва ўрта асрларда инсон ўзини иқтисодий, диний, ижтимоий ва бошиқа соҳулардан ташқарида тасаввур қила олмаганлиги билан изоҳданади. Ушбу соҳалар, ўз навбатида, давлат билан, шунингдек, сиёсий тизим билан ажралмас бир бутунликни ташкил этди. Ҳаётнинг барча энг мухим соҳалари, аслида, давлат сиёсий ибтидоси билан суюрилган эди.

Бундай ёндашув XVIII асрдагача ўзгармаган ҳолда сақланиб келди. Янги даврнинг матнхур мугафаккирлари Ж. Локк, Ж. Ж. Руссо, И. Кант «фуқаролик жамияти» ва «давлат» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаландилар. Аста-секин фуқаролик жамияти билан давлат ўртасида чегараланиш юз беради.

Фуқаролик жамиятининг келиб чиқиши, тарихий тақдирни, қирралари, унинг давлат ҳокимияти билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги «фуқаролик

жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутиши рад этиб бўлмайдиган факт ҳисобланади.

Чинакам фуқаролик жамияти деб ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳада энг мақбул мутаносибликка эришган, жамиятнинг доимий равишда олдга қараб ҳаракат қилиши таъминланган жамиятни ҳисоблаш мумкин. Фуқаролик жамияти шахслар иттифоқи бўлиб, уларсиз ҳеч қандай маънога эга эмас. Жамиятнинг сифати уни ташкил этувчи, ижтимоий ҳаёт шаклларига ўз хоҳиш-иродаси, интилишлари, маънавий мезонлари билан таъсир кўрсатувчи шахсларнинг сифатига боғлиқ. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши индивидуал эркинлик ғоясининг шаклланиши билан узвийдир (18-жадвал).

18-жадвал

Фуқаролик жамиятининг келиб чиқиши ва тузилиши

Тарихий кўринишлари	Таркибий тузилиши
Антик давр фуқаролик жамияти (полис)	Қонунчилик ва ҳукумат органларида ишлаб чиқарилалиган сиёсий партиялар ва лоббист гурӯҳлар (комитетлар, комиссиялар ва кенгашлар)
	Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар (экологик, урушларга қарши, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи)
Ўрга зерлар фуқаролик жамияти (феодал шаҳар-давлатлар)	Ишлаб чиқарувчилар иттифоқи, истеъмолчилар ассоциациялари, инсонпарварлик фонdlари
	Илмий ва маданий ташкилотлар, спорт жамиятлари
Замонавий фуқаролик жамияти	Фуқароларпинг ўз-ўзини бошқариш органлари, нодаклат-нотижорат ташкилотлари, муниципал жамоалари, сайловчилар уошмалари, сиёсий клублар Мустақил омчавий ахборот воситалари

Манба: Политология. Учебник. (Под ред. В. И. Буренко, В. В. Журавлева). М., 2005.

Фуқаролик жамияти хусусий мулк эгаларининг ҳамжамияти бўлиб, бу жамиятда уларнинг барчаси ижтимоий мақоми, диний ва сиёсий қарашлари, ирқий мансублигидан қатъий назар, ҳуқуқий жиҳатдан қонун олида тенгдирлар. Фуқаролик жамияти аъзолари қонунда кўзда тутилган барча воситалар ёрдамида ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Чинакам фуқаролик жамиятининг юзага келиши ва қарор топишининг зарурий шарти иқтисодий ва сиёсий ҳокимият ҳамда мулк билан ҳокимият ўргасида чегараланишнинг мавжудлигидир.

Юксак даражада ривожланган фуқаролик жамияти давлат барқарорлигининг асосини ташкил этади. Агар давлат зил кета бошласа, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам тузилмалари уни сираб қолади. Бу, айниқса, Скандинавия мамлакатлари учун хос хусусиятдир.

Юксак даражада ривожланган фуқаролик жамиятининг белгилари қуйидагилардир:

- шахс эркинлигининг асосий шарти – одамлар тасарруфила хусусий мулкнинг мавжудлиги;

• жамиятда унинг турли гурухлари ва табақаларининг турлича ва кўпдан-кўп манфаатларини акс эттирувчи ҳар хил ижтимоий тузилмалар, ривожланган ва тармоқланган демократиянинг мавжудлиги;

• жамият аъзоларининг интеллектуал, психологик ривожининг юқори даражада бўлиши, уларнинг мустақил ва эркинлиги, аҳоли қонуний хукуқларининг таъминланиши.

Буюк Британия фуқаролари ҳазил қилиб, «бизнинг давлатга икки ҳолатда ишимиз тушади, кутидан хат-хабарларни олганимизда ва кўча ҳаракати қоидаларини бузганимизда», дейдилар.

Аксинча, фуқаролик жамияти заиф ривожланган мамлакатларда кишилар доимий равишда давлатга мурожаат қилишга мажбур бўладилар: у ниманидир тартибга солади, ниманидир ҳал қиласди, ниманидир тасдиқлайди, одамларининг иш ва яшаш жойларига оид, сайёхлик ва илмий сафарлар билан боғлиқ масалаларга қадар ўзи ҳал этади.

Фуқаролик жамияти ҳаёти ва фаолиятининг кучайиши натижасида шу нарса аён бўлиб қолдики, ўз фуқароларининг кундалик меҳнат, тадбиркорлик, ижодий ва бошқа фаолиятлари билан доимий шуғулланиш давлатнинг асосий вазифаси эмас. Унинг асосий вазифаси – давлат стратегиясини ишлаб чиқиши, асосий устуворликларни, ривожланиш суръатлари ва хажмларини белгилаш, давлат ва жамиятни ҳамда фуқароларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш, ҳалқ ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини демократлаштириш, чегараларни кўриқлаш ва ички тартибни таъминлаш, мамлакат ва ҳалқ хавфисизлигани таъминлашдан иборат.

Шу билан бирга, фуқаролар ва давлат бир-бири билан хукуқлар ва мажбуриятлар орқали ўзаро боғланган бўлиши лозим. Фуқаролар суднинг қарорисиз хукуқларидан маҳрум этилиши ёки ҳукуқларининг чекланиши мумкин эмас. Айни пайтда фуқароларнинг ўз ҳукуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, даилят ва жамиятнинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак (19-жадвал).

Фуқаролик жамияти ҳақида сўз кетганда, унинг сиёсий жамият билан ўзаро ҳамкорлигининг табиатини қайд этиб ўтиш зарур. Ушбу ўзаро ҳамкорликнинг бирлаштирувчи пировард негизи инсон ҳукуқларини ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва шахсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳимоя қилишдан иборат бўлган фуқаролик жамияти – ҳукуқий жамият ҳосил бўлади.

Фуқаролик-сиёсий жамиятининг асосий тамойиллари куйидагилардир:

- ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги;
- давлат ва унинг органларининг қонун билан боғлиқлиги;
- инсон эркинлигининг, ҳукуқлари ва манфаатларининг даҳлсизлиги;
- шахс ва бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ва кузатишнинг самарали шакллари мавжудлиги.

Хозирги замон сиёsatшунослик фанида фуқаролик-сиёсий ҳокимиятининг концептуал моделлари яратилган. Улардан айримларини кўриб чиқишдан олдин шу нарсани қайд этиш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик ҳокимиятини ривожлантиришнинг асосий концептуал қоидалари Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарларида ишлаб чиқилган. Жумладан, уларда

Фуқаролик жамияти

Асослари			Характерли белгилари	Амал қилинг тамойиллари
Иқтисодий	Сиёсий	Маънавий	Аҳоли ҳаётининг шаҳарларда концепциялашуви	Ишлаб чиқаринги воситаларига ишбетан шахсий мунисдорлик
Кўп укладли иқтисодиёт	Ҳокимият ваколатларининг аксиомарказлашуви (депентализацияси)	Битта дунёкага ёки мағкуранинг устувор эмаслиги	Давлатнинг демократик қурилиши	Индивидуал эркинлик ва шахс ўзлиги
Мулкчиликниң хилма-хил шахллари	Ҳокимиятнинг бўлиниши			Халқ суверенитети ва халкнинг устузилиги ҳамда унинг ҳожижигта эталон қилиниш
	Сиёсий плурализм		Фуқароларнинг шахсий автономияси	Фуқароларнинг давлат ва жамият фюзилилган оғоҳлиги
Тартибга солинадиган иқтисодий муносабатлар	Фуқароларнинг давлат ва ижтимоий муаммоларни сишишдаги иштироки	Вижлон ва сўз эркинлиги		Ижтимоий фикр шаклланишининг эркинлиги
	Конун устуворлиги ва конун одиши барчанинг тенглиги	Бағрикенглик	Шахсий ёки фуқаролик ҳуқуқининг устузилиги	Конунларнинг адолатлилиги ва улар ижросининг барқарорлиги

Маиба: Политология. Учебник. (Под ред. В. И. Буренко, В. В. Журавлева). М., 2005.

бизнинг сиёсий қурилиш концепциямизнинг моҳияти: «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига» йўналтирилганлиги ўз ифодасини топгандир. Айнан ана шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларини ўз ҳаётлари ва бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил қилишда кенг иштирок этишларига имконият яратди, бу фуқаролик жамияти тамойилларига тўлиқ мос тушиди».

Ҳозирги замон жамиятини *сиёсий модернизациялаш концепцияси* жамиятни сиёсий жиҳатдан ташкил қилишининг ўтган даврлар тажрибасини ўзига сингдирган моделини ишлаб чиқишга бўлганд илк уринишлардан бири ҳисобланади. Ушбу назария, энг аввало, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг ривожланишига таъсир кўрсатишига хизмат қиласди.

Сиёсий модернизация тарафдорларининг асосий тезиси қуйидагилардан иборат:

- ҳокимиятни ташкил этишининг демократик шакли техник-иқтисодий тузилмалар ривожининг паст даражаси билан келиша олмайди;
- кам ривожланган мамлакатларда демократиянинг йўқлиги, саноати ривожланган мамлакатлардаги демократик сиёсий тизимларга хавф туғидираш;
- демократик фуқаролик-сиёсий жамиятига ўтиш техник-иқтисодий тузилмаларни ҳар қандай чора-тадбир билан ривожлантириш ва қарор топшириш орқали амалга оширилади;
- модернизациянинг характерли белгилари сифатида урбанизация даражасининг юқорилиги, саводхонлик, аҳоли жон бошига тўғри келадиган да-

ромаднинг юқорилиги, жамият аъзоларининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларга кенг жалб қилиниши кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Меритократия назарияси (французча *merit* – хизмат, қадр-қиммат сўзидан) алоҳида хизмат кўрсатган ва қадр-қимматга эга бўлган шахслар, мала-кали мутахассислар, технократлар, интеллектуалилар ёрдамида ҳукмронлик қилишни кўзда тутади. Мазкур назария тарафдорларининг фикрига кўра, ижтимоий тараққиёт даражаси сиёсий ҳокимият ва интеллектуалиларни бирлаштириш борасидаги тадбирларга боғлиқ бўлади. Бу шуни англатадики, тараққиётда юксак муваффақиятларга эришишни истаган жамият ўз ихтиёридаги инсоний салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишини ўрганиши лозим. Меритократиянинг вазифаси – бир томондан, ижтимоий ҳаётта интеллектуал оқими-ни олиб кириш, иккинчи томондан эса, шахс табиий истеъодининг намоён бўлишига кўмак беришдан иборат.

Меритократиянинг модели сиёсий ва ижтимоий қадрияларнинг адолатсиз тақсимотига қарши йўналтирилган. Мазкур модел адолатнинг меритократик (ҳар кимга хизматига яраша) тамойилини ўзида мужассам этиши керак.

Бутунжаҳон жамияти назариясининг моҳияти шундан иборатки, ҳозирги замоннинг барча дунёвий муаммолари ечимига фақат умумсиёсий ҳаётни юксак даражада байналмилаллаштириш орқали, янги халкаро ташкилотларни барпо этиш ёки қайта қуриш йўли билан келиш мумкин.

ДЕМОКРАТИЯ НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ

Режа:

1. Демократия, унинг моҳияти ва эволюцион ривожланиш босқичлари.
2. Демократиянинг либерал-демократик қадрнитлари ва асосий тамойиллари.
3. Демократик тизимларнинг фаолият қўрсатиш механизми.
4. Ўзбекистонда демократияни ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари.

1. Демократия, унинг моҳияти ва эволюцион ривожланиш босқичлари.

Инсоният тарихида демократиядан кўра кўп ишлатилган сўз бўлмаса керак. Турли давр ва жамиятларда кишилар бу атамага мурожаат қилиб келгандар. Бу сўз, айниқса, XX асрга келиб жаҳон мамлакатлари бўйлаб кенттарқалди.

Демократия юонча сўз бўлиб, «demos» —халқ ва «cratos» — ҳокимият демактир. Демократия бошқарув шаклларидан бири бўлиб, давлат ва жамиятни сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан идора этиш усулидир. Демократия — бу халқ томонидан идора этиш бўлиб, олий ҳокимият халқ кўлига топширилади ва халқ уни ё бевосита, ё эркин сайловлар ёрдамида ўзи сайлаган вакиллари (вакиллик демократияси) орқали амалга оширади. *Леонард Лиқомъ* таъбири билан айтганда, демократия — «халқ учун халқ томонидан амалга оширилайдиган халқ ҳокимиятидир».

Сиёсатшунослик фанида демократия турлича талқин этилади. Унга кўра, демократия: (1) давлат бошқаруви ва қурилиши шакли; ижтимоий ҳаётнинг фаолиятини ташкил қилиш тамойили; (2) инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, уларнинг бошқарувдаги иштирокини таъминлашда эришилган даражаси; (3) энг муҳим масалаларни сайловлар йўли билан ҳал қилиши; (4) ҳокимият фаолиятининг фуқаролар томонидан назорат қилиниши; (5) барча ҳокимиятлар ишидаги ошкоралик; (6) қонун устуворлиги каби тушунчаларни билдириши мумкин (20-жадвал).

Ибтидоий жамоа тузумида қадимги ҳарбий-қабилавий давлатчилик босқичларида ўзига хос демократик бошқарув шакли мавжуд бўлган. Қадимги Юнонистанда демократия бошқарувнинг бошқа усуслари (тирания, деспотизм, олигархия, аристократия кабилар) билан ўзаро ўрин алмашиб турган. Қадимги Римда эса Республикача демократия бир неча асрлар мобайнида амал қилиб келган ва кейинчалик империя типидаги монархия бошқаруви тизимига ўз ўрнини бўшатиб берган эди. Ўрта асрлар мобайнида ҳам баъзи-баъзида демократик типдаги шаҳар ва давлатлар нужудга келиб тур-

ган ва у ерда халқ йигинлари жамият ҳастида ҳал қилувчи роль ўйнаган (масалан, Голландия, Венеция, Лукка, Женева, Генуя ва ҳ. к.). Ватанимиз тарихидан яхши маълумки, Амир Темур (1336 – 1405) тузган марказлашган давлатда ҳам демократиянинг кўплаб унсурлари (қонунлар устуворлиги ва ижтимоий адолат, турли динларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, энг йирик масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзига хос йигин – қурултойнинг чақирилиб турилиши кабилар)ни кўришимиз мумкин.

20.-жадвал

Демократиянинг ўзига хос ҳусусиятлари

Демократиянинг ўзига хос жиҳатлари	Мавжуд бўлиш асослари ва ривожланиш мезонлари	
	Иқтисодий соҳада	
Халиқнинг ҳокимиют манбаи деб тан олининиши	Хусусийлаштиришнинг ривожланиши ва фуқароларнинг мулкка эгалити, мулкка эгалик қилиш ва фойдаланиши ҳамда ишлаб чиқаринни бошқариш	Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва аҳоли моддий аҳволининг яхшилиги
Фуқароларнинг тенг ҳукуқлилити	Давлат ҳокимиюти ва маҳаллий бошқарувни эмалга оширишида аҳолининг кенг қатнашуви	Сиёсий ҳукуқлар тизими ва шахс эркинлигининг ривожланганлиги ва таъминланганлиги
Қарорлар қабул қилишда озиликларнинг кўпчиликка бўйсуниниши	Ижтимоий соҳада	
Асосий органларнинг сайланиниши	Моддий ва маънавий ҳимояланганлилик	Ижтимоий ҳукуқ ва қаролатларнинг ривожланганлиги, шахснинг ҳимояланганлиги
	Маънавий соҳада	
	Жамият ва шахснинг етарли даражала ривожланган сиёсий маданияти, ўз-ўзини англаш ва кишиларнинг масъулияти	

Манба: Политология. Учебник. (Под ред. В. И. Буренко, В. В. Журавлева). М., 2005.

Таъкидлаш жоизки, оддий фуқароларнинг ўз ҳаётларига тегишли бўлган қарорларни қабул қилишда овоз бериш ҳукуқига эга бўлиш фояси турли тарихий давларда кишиларни қизиқтириб келган. Бироқ бу орзу фақат мил. ав. V–IV асрларда нисбатан рўёбга чиқсан эди, ўша даврда афиналиклар ўз жамиятлари сиёсатини ишлаб чиқиш ва қонунлар қабул қилишдаги овоз беришларда ва мулоқотларда эркин қатнашар эдилар. Улар, шунингдек, ротация асосида маъмурий кенгашларга ва судларга аъзо бўлиб кирада, шу тариқа, сиёсий бошқарувда иштирок этар эдилар. Бироқ *Афина демократияси* ниҳоятда жўн характерда ва «бевосита демократия» бўлғанлиги билан замонавий демократиядан тубдан фарқ қиласди. Афина демократиясининг камчиликларидан яна бири шунда эдики, унда фуқаролик нисбий маъно касб этган ва хотин-қизларга, қулларга, келгиндиларга фуқаролик берилмаган. Аксинча, фуқаролик жамиятнинг саралаб олинган аъзоларига берилган ва у аниа шу қатлам манфаатлари учун хизмат қилган эди.

Ташқи аловат ва ички зиддиятларга қарамай, Афина демократияси 200 йил давом этди на аста-секинлик билан инқирозга юз тутди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароликнинг берилиши борасида юқоридаги каби чекловлар нафақат Афина демократияси даврида, балки ундан кейин ҳам ва, ҳатто, XX асрнинг ўрталариға қадар Гарб парламент тизимларида ишлаб чиқилган аксарият ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топған эди. Масалан, 1789—1794 йиллардаги Буюк француз инқылобининг маҳсули бўлган тамойил — «барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва сиёсий ҳокимиятнинг халқ томонидан амалга оширилиши» ижтимоий қатламларнинг ҳаммасига тегишили эмас эди. Бошқа бир мисол: демократиянинг илк икки ўчғи ҳисобланган АҚШ ва Францияда хотин-қизлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига фақатгина XX асрнинг 2-ярмидан бошлаб эришдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, демократия XX асрнинг маҳсули эмас, балки инсониятнинг тарихий тараққиёти мобайнида узлусиз давом эттан ва қатор ўзгаришларни бошдан кечирган мураккаб жарайёнидир.

Демократия бўйича олиб борилган тадқиқотлар хилма — хиллиги ва кенг қаророви эканлиги билан ажралиб туради. Бу тадқиқотлар демократиянинг эволюцион тарихини ва унинг асосий универсал хусусиятларини очиб беради. Барча тадқиқотларни кўйидаги даврларга бўлиб ўрганиш мумкин:

I. Қадимги давр назарияси. Унда демократия шаҳар аҳолиси, яъни полисларнинг ҳокимияти сифатида талқин ўғилган. Масалан, Платон ўзининг «Республика» асарида барча бошқарув шаклларини 2 гурӯхга, яъни ижобий ва салбий гурӯҳларга бўлади. У демократияни салбий гурӯхга киритган эди.

Платон демократия тўғрисидаги қарашларини ўзининг «Давлат», «Конунлар» каби асарларида ҳам ривожлантирган эди. У демократияни давлатнинг зулмкор шаклларидан бири деб ҳисоблаб, уни тимократия, олигархия ва тирания билан бир қаторга қўйган эди. Унинг фикрича, тимократия — шуҳратпастлар ҳокимияти бўлиб, шуҳратпастлик, бойлик ортиришга бўлган майлларни кўллаб-куннатлади. Натижада, тимократия олигархияга, яъни бир ҳовуч бадавлат кишиларнинг ҳокимиятига айланади. Давлат курилишининг бундай шаклида икки синф мавжуд бўлиб, булар бойлар на камбаглардир. Бу икки синф ўртасида доимий кураш боради. Бу куран кўнчиликнинг ҳокимияти, яъни демократиянинг ўрнатилишига олиб келади. Демократик давлатда эса — «озодлик шаробидан ҳаддан ташқари мастилик ҳолати юзага келади». Алоҳида киши ва давлатда ҳаддан ташқари озодликнинг мавжудлиги охир-оқибатда қулликка олиб келади. Айни пайтда, юзага келган турли тартибсизликлар замирида ҳокимиятни кучлирок гурӯҳлардан бири босиб олади, ушбу гурӯҳдан энг уддабурони ва айёри тиранга айланади. Шу тариқа, демократия муқаррар равишида тиранияга айланади. Тирания давлат курилишининг энг номақбул усули бўлиб, худди демократия сингари у ҳам абадий эмас ва аста—секинлик билан инқирозга юз тутади. Натижада ҳаммаси яна бир бошдан қайтарилади.

Бошқарувнинг ушбу номақбул занжирини парчалаб танилаш учун Платон идеал давлат, яъни бир гурӯҳ аристократ (зодагон) донишманларнинг бошқарувини жорий этишни таклиф қиласи.

Платоннинг ушбу таснифи қарийб 2,5 минг йил давомида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Унинг тарафдорлари ҳатто ҳозирги кунга қадар ҳам топилади. Платоннинг фикрича, номақбул бошқарув шакллари ҳисобланган демократия ва монархия шу билан фарқланадики, агар демократияда ҳаддан зиёд озодлик мавжуд бўлса, монархияда аксинча, ҳадсиз-худудсиз ҳокимият мавжуддир.

Аристотель ҳам демократия назариясининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган мутафаккирлардан биридир. У бошқарув усуllibини 6 турга бўлади ва уларни 2 гуруҳга ажратади.

• *Ижобий усуllibар* – монархия, аристократия, полития;

• *Номақбул усуllibар* – зўрлик, олигархия, демократия.

Аристотелнинг фикрича, демократик бошқарув усулини жорий қилиш учун куйидаги омилларнинг мавжудлиги жуда муҳимдир:

1) Бой ва камбағаллар бошқарувда тенг ҳуқуқлилик асосида иштирок этишлари лозим.

2) Бошқарув лавозимларига кишиларни мулхий цензниң энг паст даражаси асосида тайинлаш лозим.

3) Лавозимларни эгаллашда суд томонидан таъкиб қилинмаган барча шахслар иштирок этишлари лозим.

4) Лавозимларни эгаллашда барча тенг ҳуқуқли, яъни қул бўлмаган озод фуқаролар иштирок этишлари лозим.

5) Сиёсий ҳуқуқлар қандайлигидан қатъий назар, қонунлар эмас, балки халқ оммаси суверен бўлиши лозим.

II. Ўрта асрлар сиёсий қарашларида демократия назарияси қадимги даврдагидан анча фарқланади. Бу даврга келиб «демократия – монархнинг халқ устидан ҳокимияти» деган маъно касб эта бошлаган эди. Чунки ўша даврда амалдаги қирол ҳокимияти олий ҳуқуқларининг демократик легитимизацияси (қонунийлаштирилиши)га уринишлар мавжуд эди. Бу даврдаги кўпгина муаммолар, жумладан, қонунлар кимга тегишли: халқами ёки монархами, ҳокимиятни амалга ошириш монархнинг функцияси ҳисобланадими ёки мажбуриятими, каби саволлар ўртага ташланади. Агар қадимги ва илк ўрта асрларда асосий ҳокимият қонунчилик ҳисобланса, бу даврда ижроия ҳокимиятининг мавқеи анча юксалиб, у ҳукмдор Кўлида мужассамлаши. Демократиянинг бир қатор асосий элементлари (халқ ва ҳокимият суверенитети, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ва ўзаро зиддиятларни бартараф қилиш учун шартномавий муносабатларни ўрнатишғояси) шаклланди.

Бу даврда Марказий Осиёда яшаб, ижод этган буюк мутафаккирлар ва давлат арбобларидан Фаробий, Ибн Сино, Беруний демократик жамият тўғрисидаги назарий билимларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган бўлсалар, кейинрок Амир Темур, М. Улуғбек, А. Навоий демократик тамойиллар ва қадриятларнинг аксариятини нафақат ўз сиёсий қарашларида, балки амалий фаолиятларида ҳам мужассамлаштирган эдилар.

Масалан, Фаробийнинг *идеал шаҳар (жамоа)* тўғрисидаги қарашлари демократик жамият тўғрисидаги тасаввурларга айнан мос тушади. У бу соҳада «Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб», «Сиёсат ал—мадания» (Ша-

ҳарлар устида сиёсат юргизиш) каби асарлар ёзиб қолдирган. Уларда Фаробий олижаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган. Фаробий шаҳарларни 2 га, яъни фозил ва жоҳиҳ шаҳарларга бўлади. Унинг фикрича, «маданий шаҳар ва маданий жамият (ёки мамлакат) шундай бўлалики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарни озод танлайди, ҳамма тенг бўлади. Кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъниода озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайн бўлмайди. Одамларнинг тенглик ва эркинликларига халақит берувчи сulton, яъни подшоҳ бўлмайди».

Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар мутлақ ҳоким бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синаланган, энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ҳаммата баробар муносабатда бўладилар, ҳатто ҳамманинг манфаатини ўзларинин манфаатларидан ортиқ кўрадилар, умумнинг манфаати учун ўзларинин шахсий манфаатларидан кечадилар, ҳалқ манфаати учун ўзларидаги куч—гайрат ва бойликларини аямайдилар».

Жоҳил шаҳар аҳолиси тўғрисида Фаробий қўйидагича ёзиб қолдирган: «Уларда (яъни жоҳил шаҳар аҳолиси) бутун ҳалқининг фикри-зикри, ақл-идроқи бойлиқ тўйлаш, мол-дунё ортиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан раҳбарлар ҳам раҳбарликни мол-дунё кўпайтиришда, деб биладилар. Шунинг учун улар эрта-ю кеч мол-дунё тўйлаш ҳаракатида бўладилар. Бундай раҳбарларнинг кўл остида ишлаган шаҳар ҳалқларида турли бузуқ одатлар, шаҳвоний нафс, бир-бирини қўролмаслик, бир-бирларини талапи, луни-манлик, низо — жанжаллар пайдо бўлади»!.

III. Янги даврда демократия назарияси, унинг амалиёти каби бугунлай янги босқичга кўтарилиди. Янги давр демократик таълимоти тўғрисида сўз кетганида, демократиянинг республикача концепцияси, Буюк француз инқиlobи ва унинг асосий демократик тамойиллари, замонавий демократиянинг шаклланишига муҳим ҳисса қўшган Америка Кўшма Штатлари Конституциясига алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқлар.

Бу даврда давлатнинг республикача шакли ва унга демократиянинг муносабати масаласи юзага чиқди. Таъкидлаш жоизки, XVIII аср охиригача Республика тузуми 2 кўринишга, яъни аристократик ва ҳалқ Республикалари кўринишига эга, деб талқин этилган эди. Масалан, бу давр мутафаккирларидан бири Ш. Монтескьёнинг фикрича, бошқарув шакллари 3 та (республика, монархия, деспотия) бўлиб, улардан республика ўз навбатида 2 га, яъни аристократик ва демократик республикаларга бўлинади. Шунга қарамай, Ш. Монтескьё (Сен Жюст, Ж. Ж. Руссо, М. Робеспьерлар сингари) республикага хос бўлган хусусиятлар кўпроқ демократик республикада намоён бўлишини таъкидлаган эди.

III. Монтескьё ўзининг «Қонунлар руҳи ҳақида» асарида демократия ва озодлик тояларини қарама—қарши қўяди. У бир—биридан устунлик қилинига интилган кучлар ўртасида мувозанат ўрнатишга ҳаракат қилган эди. Бу мувозанатни у ҳукмдорнинг мутлақ ҳокимиятини учга бўлиши орқали амалга оши-

риш мумкин, деган фикрда эди. Бу уч ҳокимият қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятлари бўлиб, улар бир—бирларини тўлдириб туриши ва назорат қиласи лозим эди. Монтескьё бошқарувнинг асосини қонунлар ташкил қиласи, деб ҳисобларди. Олий суд қонунчиликни ва қонунлар ижросини назорат қиласи. Монтескьё давлат бошқаруви ва шакллари унинг ҳудудига мос равишда тузилиши лозим, деб ҳисобларди. Ҳудуди катта бўлмаган давлатлар — республикалар бўлиши керак, ўртамиёна катталиқдаги давлатлар — монархия, йирик давлатлар — деспотия бошқарувига эга бўлиши керак. Шу билан бирга, у йирик ҳудудла феодал тузилмалар шароитида республика тузиш мумкинлигини ҳам инкор этмаган эди.

III. Монтескьё оптимист бўлган, у тараққиёт кучига ишонарди ва уни сиёсий эркинликлар билан чамбарчас боғлиқ деб биларди. Унинг фикрлари сиёсий эркинликлар, иқтисодиёт, саноат, савдо—сотикнинг ривожланишига катта туртки бўлган эди.

Бу даврда яшаган буюк мутафаккир ва давлат арбоби Т. Жеферсон бўлиб, демократия тўғрисида сўз борар экан, унинг номини тилга олмаслик мумкин эмас. Т. Жеферсон Америка халқининг демократия учун олиб борган озодлик қурашиб зарварақларидан муносабиб ўрин олган шахслардан биридир. У ўз замонасинини буюк ҳужжати — *АҚШ Мустақиллик декларациясининг* (1776 йил 4 июля) қабул қилинган) муаллифидир. Барча кишиларнинг ҳаёт кечириши, эркинлиги, мулкка эгалик қилиши, хавфсизлигининг таъминланиши каби ҳуқуқларга эга бўлиши мазкур Декларациянинг асосий жиҳатлари эди. Декларацияга кўра, халқ — ҳокимиятнинг бирдан—бир манбаси ва унга сувренитет хосдир; ҳукумат халқнинг хизматкоридир; давлатнинг барча органдари халқ манфаатлари йўлида фаолият юргизиши лозим ва агар ушбу манфаатларни бузсалар, халқ ўзига ёқмаган ҳукуматни афдариб ташлаш ҳуқуқига эга; ҳокимиятлар бўлинниши таъминланиши лозим. Ўз моҳиятига кўра ушбу ҳужжат 1948 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг дебочаси бўлиб, унинг учун асос бўлиб хизмат қилди.

IV. Демократия тўғрисида замонавий қарашлар. XX асрда демократия тўғрисидаги қарашлар тубдан ўзгарди. Бу даврга келиб замонавий демократия фақат давлат ёки ҳукумат доираси билан чекланиб қолмасдан, барча турдаги катта-ю кичик жамоалардаги қарорлар қабул қилиш жараёнига ҳам тааллуқли бўлиб қолли. Давлат доирасидаги демократия билан ижтимоий институтлардаги демократия ўртасида кескин фарқланишлар юзага келди. Бироқ давлатнинг ўзи кўп сонли жамоалардан таркиб тонганилиги сабабли, давлат миёсида демократия ўз устувор аҳамиятини сақлаб қолди.

XX асрда аксарият сиёsatшунос олимлар демократиянинг салбий жиҳатларидан кўра унинг ижобий жиҳатлари кўплиги учун ундан барча жамиятлар амалиётида фойдаланиш мумкин, деган холосага келдилар ва демократиянинг ижобий жиҳатлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиб ўтилар. 1) Фуқаролар тенг ҳуқуқлигини таъминлаш демократиянинг асосий мақсадидир. 2) Барча ҳукуматлар ичига оддий халқнинг талабларига мувофиқ келувчиси — демократик ҳукумат ҳисобланади. Демократия кенг омманинг сиёсий ҳаётдаги кенг иштирокини таъминлайди. Ўз навбатида, сиёсий доиралар унинг

ташвиш ва интилишлари билан ҳисоблашишга мажбурдирлар. 3) Демократия жамиятда очиқ мулоқот, ишонч ва келишувни таъминлайди. У нафақат асосий, балки асосий бўлмаган сиёсий масалалар юзасидан ҳам билдирилган барча фикр—мулоҳазаларни ифодалаш учун қулай замин яратади. Хурфиксалик (плуорализм) одатий ҳолга айланади. 4) Демократия инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди. Зеро, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларсиз очиқ мулоқот ва турли қарашларни эркин ифодалаш мумкин эмас. 5) Демократия ижтимоий ҳаётни янгилаб тuriш имконини беради. Сиёсий саҳнада ва сиёсий раҳбариятда доимий ўзгаришларни таъминлаган демократик тизимлар жамиятни янгилаш ва авлодлар алмашинувини тинч ва осойишта усуслар билан йўлга қўяди.

Таъкидлаш жоизки, бу даврдаги қарашлар ниҳоятда хилма хил бўлиб, уларни таснифлаш жуда мушқул. Чунки тадқиқотлар демократиянинг турли масалаларини қамраб олади. Масалан, АҚШнинг Гарвард университети профессори, машҳур сиёсатшунос олим С. Хантингтон фикрича, демократия мурakkab тарихга эга бўлиб, у барқарор ривожланмаган, балки ана шу тарихи мобайнида турлича қийинчиликларни бошдан кечирган. С. Хантингтон демократия бошдан кечирган уч тарихий ёки «узун тўлқинни» ажратиб кўрсатади:

Биринчи тўлқин XIX аср бошида АҚШнинг эркак жинсига мансуб аҳолиси овоз бериш ҳуқуқига эга бўлгандан сўнг бошланиб, то XX асрнинг 20-йиллари бошларигача давом этди. Бу давр мобайнида демократия 29 мамлакатда қарор топди. Биринчи тўлқиннинг заифлашуви ва орқага чекиниши 1922 йилда Италияда ҳокимиёт Муссолинининг қўлига ўтиши билан бошланди ва 1942 йилгча, яъни демократик жамиятлар сони 12 тага тушгунча давом этди.

Иккинчи тўлқин 2-жаҳон урушида Иттифоқилар козонган галабадан туртки олиб, 1962 йилгача, яъни демократик давлатлар сони 36 тага етгунча давом этди. 1962 йилдан 70—йилларнинг ўргаларигача давом этган даир иккинчи тўлқиннинг орқага чекиниши даври бўлди. Бунинг оқибатида демократик мамлакатлар сони яна 30 тагача озайди.

Учинчи тўлқин 1974 йилда бошланиб, яна 30 га яқин демократик тузумларни юзага чиқарди. Учинчи тўлқин, ҳатто Совет Иттифоқи на Африканинг айrim қисмларида содир бўлган инқилобий ўзгаришларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, демократик мамлакатлар сонини икки бараварга ошириди.

С. Хантингтоннинг мазкур концепцияси камчиликлардан холи эмас, албатта. Чунки унда учинчи тўлқин ўз равнақига эришдими ва унинг ҳам худди биринчи ва иккинчи тўлқинлар сингари орқага чекиниш хавфи борми, каби саволлар жавобсиз қолган. С. Хантингтон муайян ва аниқ хуоса чиқариш ўрнига демократия учинчи тўлқиннинг заифлашув эҳтимоли мавжуд, деган анча ноаниқ ва исбот талаб этиладиган хуоса чиқаради. У ўз хуосаларига эҳтимол қаҷонлардир вакти келиб, XXI асрда унинг кетидан тўртинчи тўлқин келар, деган мавхум башорат билан якун ясади.

Кўриниб турибдики, мазкур концепция нисбий характерга эга бўлиб, унинг муқаррар эмаслигини сиёсатшунос олимнинг ўзи ҳам тан олади. Унинг фикрича, ўтмиш сабоқларига қараганда демократиянинг келажакла жипслашуви ва кенг қулоч ёйишига таъсир ўтказа оладиган иккита ҳал стувчи омил

бор. Буларнинг биринчиси, иқтисодий тараққиёт бўлса, иккинчиси сиёсий раҳбарликдир. Иқтисодий тараққиёт демократиянинг юзага чиқиш эҳтимолини яратади. Сиёсий раҳбарлик эса, уни амалга оширади.

Демократиянинг эволюцион ривожланиш босқичлари. Демократия – доимий ўзгариш, ривожланишда бўлган ҳодиса. Инсон қўли билан демократия эзгуликка ҳам, ёвузликка ҳам йўналтирилиши мумкин. Кейингиси юз бермаслиги учун бу ҳодисанинг табииатидан келиб чиқадиган барча нуқсон-иллатлар ҳақида ўз-ўзига яхшилаб ҳисоб бериш керак бўлади. Асрлар давомида аксилидемократик тафаккурнинг жуда мустаҳкам анъаналари мавжуд бўлиб келганлиги тасодифий эмас. Демократиянинг асосий муаммолари ва, ҳатто, унинг вакиллик, плебисцитлик, партиципаторлик моделлари антик даврда ёки таърифлаб берилганлиги катта аҳамиятта эга. Ҳатто демократиялар ўртасидаги тафовут каби жуда долзарб муаммо – қонун доирасида кўпчиликнинг устулиги ҳеч нарса билан чекланмаганлиги Аристотелга ёки маълум бўлиб, у буни қатъий қилиб қўйган эди. Антик давр (Платон, Полибий), ўрта асрлар (Макиавелли) ва ҳатто Янги ва Энг янги давр (Крозье, Хантингтон) олимлари демократияга танқидий муносабатда бўллилар. Уни анархия, ўзбошимчаликка ўта мойил бошқарув шакли де ҳисоблаб, ундан нафраландилар. Масалан, Платон учун демократия кариб ҳамиша бемаънилилкка айланиш билан якун топади. «Ҳокимият оломон қўлида экан, сафсатбозлар ҳал қўлуви аҳамият касб этадилар ва қонунлар ўрнини халқ қарорлари эгаллайди».

Феодализмда автократия – авлоцдан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган якка шахснинг ҳукмронлиги, яъни монархия давлат ташкилотининг лидер шакли эди: у демократияга очиқдан-очиқ салбий муносабатда бўлли, бошқача фикрлайдиганларни шафқатсизлик билан қатағон қилди.

«Демократия» термини янги даврда инглиз ва француза буржуа инқилоблари даврида ижобий мазмунга эга бўлди. Ш. Монтескьё, Т. Гоббс, Ж. Локк, Ж. Ж. Руссо, И. Кант каби мутафаккирлар ўз қарашлари билан бу терминнинг илгариги ҳукуқини тикладилар. Ш. Монтескьё (Ж. Локк билан бир вақтда) накильлик демократиясининг институционал асосини – ҳокимиятнинг бўлининш назариясини таклиф қилди. Бу демократияни кашф этиш эди, «Инсон ҳукуқлари декларацияси» (1791 й.) эса демократияни давлат ташкилоти сифагида республика шаклида расман зътироф этди.

XIX асрда демократияга нисбатан, умуман олганда, яна ижобий муносабат билдирила бошланди. Жамоатчилик фикрида демократияга нисбатан қайтадан ижобий муносабат шаклланиши учун машҳур француза давлати на сиёсат арбоби *Алексис де Токвиль* (1805-1859)нинг «Америкада демократия» китоби пайдо бўлиши катта туртки бўлди.

А. Токвиль демократия деганда тоифалар ўртасидаги тафовутларнинг йуқолиши, фуқаролар сиёсий тенглигининг қарор топишини тушунди. XVIII ва XIX асрлардаги инқилоблар ўрга асрлардан мерос бўлиб келаётган ҳар бир кишининг ҳокимият тизими, нуфузи, маданиятдаги мавқеи аниқ белгиланадиган тарихий тузилмаларга барҳам берди. Айни маънода, демократия тузилмасиз жамият, турли тоифадаги кишиларнинг тартибсиз равишдаги аралашибуви тамойилини ўзида акс эттиради. Агар илгари ҳар кимнинг ўрни олдин-

дан белгилаб қўйилган бўлса, эндиликда жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз аҳволини на кафолатланган, на табий ва на адолатли деб ҳисоблади.

Бунда ҳар куни кураш бўлади, унда кишилар нимага арзишлари ва қандай мақомга эга эканликларини бир-бирларига исботлайдилар. А. Токвиль демократияни ҳар қанча яхши кўрмасин, унга хос бўлган анархияга айланиш хавфини кўра олди. Лекин у ҳаммадан кўпроқ демократик жамиятлардаги объектив тамойиллар марказлашувидан, инсон ҳёстининг унинг индивидуал эркинликларини чеклаб қўядиган даражада давлатлашувидан ҳанфсираган эди. Эркинликларнинг бу чекланиши, жамиятнинг қулликка қараб бориши ҳам демократик ҳусусиятта эга. Бу ҳанфсирашларнинг беҳуда бўлмаганлигини биз бугунги кун тажрибасидан кўриб турибмиз. Ҳозирги давр учун А. Токвилнинг демократия бу – жамиятни ташкил қилиш шактигина бўлиб қолмай, айни пайтда, унда кечётган жараён ҳамдир, деган холосаси жуда муҳим.

XIX аср охири ва XX асрда амалда ўз мафкураларининг негизига демократиянинг турли хил назарияларини арагаштирмаган (большевизм ва фашизмни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) сиёсий таълимот қолмади.

1917 йил инқилобидан кейин ўрнатилган пролетариат диктатураси – пролетар демократиясининг олий типи деб тантанали суратда эълон қилинди. Ленин таълимотига кўра, у буржуазия демократиясидан 100, 1000 марта кўпроқ демократик характерга эга. Лекин пролетар демократиясининг: «Нимаики инқилоб учун мақсадга мувофиқ бўлса, ўша демократикдир» (мақсадга мувофиқлик тамойили), «алмаштириб бўлмайдиган кишилар йўқ» (ҳар бир инсон – такрорланмас ҳодиса ва шу жиҳатдан ҳар бир инсоннинг ўрни алоҳида) тамойиллари амалда демократик ҳаракатга озмунча зиён келтирмади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан «Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси» 1948 йилда қабул қилинганидан кейин дунёда демократия учун курашнинг янги тўлқини бошланди.

Ҳозирги сиёsatшунослика «демократия» термини тўрт маънода қўлланилади:

- асосийси – ҳалқ ҳокимияти, «ҳалқ бошқаруви, ҳалқ томонидан ва ҳалқ учун сайланиш»;
- аъзоларининг бошқарувдаги тенг ҳукуқли иштироки ва кўпчилик овоз орқали қарорлар қабул қилишга асосланган ҳар қандай ташкилотнинг тузилиш шакли;
- муайян қадриятлар тизими, муайян дунёқарашга асосланган идеал жамият тузуми. Эркинлик, тенглик, инсон ҳукуқи ва бошқаларни бу илсалнинг таркибий қисмлари қаторига киритадилар;
- ҳалқ ҳокимиятига интилган ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар, демократик мақсад ва идеалларни амалга ошириш.

2. Демократиянинг либерал-демократик қадриятлари ва асосий тамойиллари.

Демократия ўзининг қарор топиши ва мўътадил фаолият кўрсатини учун муайян шарт-шароитларни тақозо қиласди. Ҳар бир ҳалқ ўзини-ўзи бошқаришнинг тегишли шакл ва механизmlарини ташкил қилиш учун тайёр бўли-

ши зарур. Унинг нафақат ўз ҳуқуқлари, балки жавобгарлиги, ўзини ўзи чеклашга олиб борадиган мажбурияти чегараларини ҳам англаб етиши муҳимми, бунга узоқ давом этадиган тарихий тажриба натижасида эришилади.

Чинакам демократ бўлиши учун инсон демократик муҳитда туғилиши ва ўсиши зарур.

Кўйидагилар демократиянинг белгиловчи хусусиятлари ҳисобланди:

- конституцияда ҳалқ олий ҳокимиятининг ҳуқуқий жиҳатдан тан олиниши ва институционал ифодаланиши;
- давлатнинг асосий органларининг даврий сайланиши.
- ҳокимият органлари муайян муддатга сайлаб қўйиладиган давлаттина демократик давлат деб ҳисобланниги мумкин;

• фуқароларнинг давлатни бошқаришида иштирок этишда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши. Бу белги энг камида сайлов ҳуқуқларининг тенг бўлишини ҳамда сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ҳоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида бошқа бирлашмалар тузиш эркинлиги, фикр эркинлиги, давлат мансабларини эгаллаш учун олиб бориладиган рақобатли курашида иштирок этиш ҳуқуқларининг берилишини талаб қиласи;

• қарорларнинг кўпчилик овоз билан қабул қилиниши ва уларни амалга оширишда озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши.

Демократияда ҳар доим синфилик унсурлари мавжуд бўлади, аммо улар унинг моҳиятини белгиламайди. Синфилик демократияда катта ўрин тутмайди. Бугунги кунда биз демократияга консенсус (муросаг, ўзаро ён бериш) ва жамиятда барқарорликка эришини бош манбай сифатида қараймиз.

Демократиянинг тараққиёти партияларнинг, ижтимоий ташкилотлар ва бошқа институтларнинг сони билан эмас, балки инсоннинг жамиятдаги маъқеи билан белгиланади. Демократия – умуминсоний қадрият. Қаерда ҳалқ демократияни чукур англаб етса, ҳалқнинг зътиқоди, меҳнатсеварлик этикаси кучли бўлса, ўша ерда демократия мустаҳкам бўлади.

Тарих шундай сабоқ берадики, демократия, ҳалқнинг сиёсий маданиятига ва турмуш тарзига мос келган ва зарур иқтисодий ҳамда ижтимоий омиллар мавжуд бўлган тақдирдагина, ҳалққа баҳт-саодат келтиради. Бунинг акси бўлгандга эса, у айниб, охлократияга – демагоглар томонидан йўлга солиб турилувчи оломон ҳокимиятига айланади ва тартибсизликка, анархияга, вайронагарчиликка олиб боради.

Шундай қилиб, демократия ҳалқ ҳокимияти сифатида кўп жиҳатдан утопиядир, бироқ шунга қарамай, у катта аҳамиятга эга, чунки у жамият сиёсий тараққиётининг мақсади, унинг йўналишини белгиловчи мезон ҳисобланади. Амалдаги демократия ўзининг яхшироқ кўринишида – кўпчиликнинг озчилик устидан ҳукмронлиги, ёмонроқ кўринишида эса – яхши уюшган, иқтисодий ҳокимиятга таянувчи озчиликнинг ҳукмронлигидир. Озчилик кўпчиликка нисбатан ижтимоий имтиёзларга эга бўлади, ахборот воситалари томонидан қўллаб-куватланади ва расман кўпчилик фуқароларнинг розилигини олади.

Саноати ривожланган мамлакатларда амалда манжул бўлган демократия, асосан маҳаллий миқёсда ва ишлаб чиқаришда ўзини-ӯзи бошқариш

ғоясими ҳаётта жорий этишга интилмоқда. Умумжамият миқёсида эса, демократия ҳокимиятнинг бўлинишига ва ҳалқ томонидан ваколат берилган парламент ҳокимиятининг устуворлигига асосланган бошқарув тизими — парламентаризм кўринишида намоён бўлади.

Ҳозирги замон парламент демократияси «ҳалқ ҳокимияти» тушунчасидан жуда йироқ. Шундай бўлсада, амалдаги демократия, ўзининг номукаммал эканлигидан қатъий назар, ҳозирги кунда бошқарувнинг энг оммалашган шакли бўлиб қолмоқда.

Методологик нуқтаи назардан, демократиянинг либерал, социалистик ва плюралистик кўринишларини фарқлаш муҳимdir.

Либерал демократиянинг ўзига хос белгилари:

- мулкий ва бошқа чекловларнинг йўқлиги;
- индивидуализм, индивидуининг давлат қонунларидан устунлиги тан олиниши;

• эркинликни ҳар қандай мажбурлаш ва чеклашларнинг бўлмаслиги деб тушуниш;

• давлат фаолияти соҳасини асосан ижтимоий тартибни, ижтимоий тинчиликни муҳофаза қилиш билан чеклаб кўйиш, упинг фуқаролик жамияти ишларига аралашмаслиги;

- фуқароларнинг бўлиниши;

• давлат устидан фуқаролар назорати ўрнатилишининг самарали шакли сифатида тийиб турувчи ва мувозанат сақловчи тузилмаларнинг яратилиши;

- кўпчиликнинг озчилик устидан ҳукмронлигининг чекланиши ва ҳоказо.

Социалистик демократиянинг ўзига хос жиҳатлари:

• жамоавийлик, ижтимоий манфаатларнинг шахсий манфаатлардан устунлиги;

- давлат ишларида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва фаол иштироки;

- инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши;

- сўз ва митинглар ўтказиш эркинликлари;

• фуқароларнинг бошқарувда иштирок этишлари учун ижтимоий шартшаройтларнинг яратилиши.

- ана шу асосий гуруҳларнинг демократик тарзда ташкил этилиши.

Демократия унга хос бўлган, унинг ҳаёти ва фаолиятини ҳамда самардорлигини таъмин этувчи ички механизmlар ва воситаларга эга. Ана шу механизmlарнинг энг муҳими демократик давлатнинг ҳуқуқий табиатидир.

Демократия ўзининг бутун тарихи мобайнида аниқ тамойилларни ишлаб чиқарган бўлиб, уларсиз мавжуд бўлолмайди. **Демократиянинг асосий тамойиллари**, асосан, кўйидагилардир:

- Ҳалқ ҳокимияти;

• Кўпчилик тамойили, яъни сиёсий қарорларнинг кўпчилик томонидан қабул қилиниши;

- Озчиликнинг муҳолифатга ўтиш ҳуқуқи. Озчилик ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши;

- Асосий инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши;

- Барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

- Ҳокимиятларнинг тақсимоти;
- Сиёсий рақобат ва плюрализм тамойили;
- Эркин, даврий, умумхалқ ва яширин сайловлар;
- Матбуотда эркинлик ва ошкоралик. Матбуотнинг цензуралан холи бўлиши;
- Бағрикенглик, доно прагматизм, ҳамкорлик, муроса-мадора.

Демократия асосий инсон ҳукуқларининг кафолати демакдир. Демократик жамият кишиларга аосий ҳукуқларни берибгина қолмай, балки уларни ҳимоя ҳам қилади. Асосий инсон ҳукуқларига сўз ва матбуот эркинлиги; диний эътиқод эркинлиги; мажлислар ва уюшмалар эркинлиги; қонун олдида тенг ҳимоя эркинлиги; қонунга риоя қилиш ва адолатли суд юритиш ҳукуқлари киради. Демократик жамият фуқаролари ғоялар ва қарашларнинг эркин алмашуви натижасида ҳақиқатни аниқлашга ёрдам берадилар. Фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги жамият тараққиёти учун йўл очади. Демократия чекланмаган ғоялар, маълумотлар, қарашлар, фикр-мулоҳазалар учун замин яратади, ўз навбатида, улар ҳам демократиянинг гуллаб-яшинаши учун хизмат қилади.

Демократик жамиятда диний эътиқод эркинлиги ёки виждан эркинлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Демократик ҳукумат диний эътиқод одамларнинг шахсий иши, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, бирор-бир динга эътиқод ёки мансублик ҳеч кимга мажбуран сингдирилмайди. Фуқаролар у ёки бу динни бошқасидан афзали кўрганликлари ва аксинча, бирорта ҳам динга имон келтирганликлари учун жазога тортилиши ёки жарима тўлашга мажбур этилиши мумкин эмас.

Демократик жамият фуқаролари сиёсий жараёнда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас. Улар турли ташкилотлар, уюшмалар ва кўнгилли жамиятларга бирлашиш имкониятларига эгалирлар. Жамият аъзоларининг эркин равишда бирлашуви ва ҳукуматдан айри хилма-хил гуруҳлар ташкил этиш ҳукуқи демократиянинг пойдевори ҳисобланади.

Демократия фақатгина инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш эмас, балки ана шу ҳукуқлардан келиб чиқувчи бурч ва масъулиятни бажариш ҳам демакдир. Масалан, демократик жамият фуқаролари сайловларда қатнашган вақтда ким улар номидан ҳукм юритишни ҳал этиш борасида ўз ҳукуқлари, шу билан бирга, масъулиятларини амалга оширадилар. Демак, сайловларда қатнашиш нафақат ўз ҳукуқларидан фойдаланиш, балки зиммадаги масъулиятни бажариш ҳамдир. Шунинг учун, ҳозирги кунда Farb мамлакатларининг айримларида сайловларда қатнашиш мажбурийлик даражасига кўтарилиган. Сайловларда қатнашишдан бўйин тоялаган фуқаролар учун турли маъмурий жазо чоралари белгиланган. Яна бир мисол ҳарбий хизмат бўлиб, у ҳукуқ ва бурчларни амалга оширишнинг ёркин намунасилир. Демократик жамиятнинг аксар фуқароси ўз зиммасига олган мажбуриятни ўтаётганлик ҳисси билан қонунда белгиланган хизмат муддатини адо этади.

Қонун оллида барчанинг тенг ҳукуқка эгалиги ҳар қандай адолатшарвар ва демократик жамиятнинг асосини ташкил этади. Демократик жамиятда ҳеч ким қонундан устун турмайди, қонунни эса мажбуран тиқишириш мумкин эмас, балки халқ томонидан, халқнинг ўзи учун яратилганцир. Демократик жамият фуқаролари қонунга бўйсунади. Халқ бўйсунишга мажбур бўлган

қонуннинг айнан халқ томонидан яратилиши ҳам қонун, ҳам демократия манфаатларига хизмат қиласди.

Сайловлар демократик жамиятнинг пойдеворини ташкил қиласди. Чунки демократик ҳукуматнинг куч-кудрати фақат идора этилаётганларнинг розилигидан келиб чиқади. Мазкур розиликни ҳукумат ваколатига айлантиришнинг асосий механизми – эркин ва одил сайловлар ўтказишdir.

Ҳозирги кунда барча демократик жамиятлар даврий сайловлар ўтказади, аммо барча сайловлар ҳам аслида демократик тамойилларга мос кела-вермайди. Ўнг йўналиш дастурлари, марксистик тузумлар ва бир партияий ҳокимиятлар ҳам ўз ҳукмронлигига қонунийлик тусини бериш ниятида сайловлар жараёнини саҳналаштиради. Собиқ Совет Иттифоқи бунга яққол мисол бўлади. Бундай «сайловларда» танлаш имкониятидан холи руйхат, яъни бир кишининг номзоди ўртага ташланиши мумкин. Бундай сайловлар асносида битта лавозимга бир неча номзод ҳам кўрсатилиши мумкин, аммо кўрқитиши ва қаллоблик ёрдамида ҳукумат маъқуллаган номзод ўтиши мүкаррардир. Баъзи ҳолларда сайловчилар танлаш ҳуқуқига эга бўлади, аммо уларнинг ихтиёри ҳукмрон партия номзодлари доираси билан чегараланади. Табиийки, бундай «сайловларни» демократик дейиш мумкин эмас.

Демократик сайловлар даврий бўлади. Демократик давлатларда диктаторлар ёки президентлар умрбод сайланмайди. Сайланган вакиллар халқ олдида ҳисобот беради ва муайян белгиланган муддат ўтгач, сайловчилар ҳузурига қайтиб, ўз лавозимларидағи фаолиятларини давом эттириш учун уларнинг розилигини олиши шарт. Оқибатда, демократик жамият мансабдорлари иккинчи марта сайланана олмаслик хавфи борлигини мунтазам ҳис этадилар.

Давлат арбобларини сайлаш жараёнинда овоз бериш ҳозирги замон демократик жамият ҳаётида иштирок этишнинг энг кўзга кўринган ва кенг тарқалган ва, айни пайтда, асосий шаклидир. Эркин ва одил сайлов ўтказиш қобилияти жамиятни демократик деб аташ учун асосий мезонлардан биридир.

Инсоният тарихи мобайнода демократиянинг энг фожиали саҳифалари хоҳ ирқий, хоҳ этник, хоҳ диний жиҳатдан камчиликни ташкил этган ёки аёллар каби тақиқланган турӯхларнинг тўлиқ фуқаролик ҳуқуqlари ва, шу жумладан, сайлаш ва сайданиш ҳуқуқига эга бўлиш учун олиб борган курашида намоён бўлади. Биз айни кунда энг демократик тузум деб тан олаётган АҚШда ҳам 1787 йил Конституцияси қабул қилинганида фақат оқ танли мулк эгалари, шунда ҳам эркакларгина сайлаш ва сайданиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Сайловчи ва сайланувчиларнинг мулкка эга бўлишлари шарти фақатгина XIX асрнинг бошларida бекор этилган бўлса, аёллар сайлаш ҳуқуқига фақат 1920 йилдагина эришдилар. Қора танли Америка фуқаролари 1960 йилда Жанубий Штатларда фуқаролик курашлари олиб борганликлари натижасида сайлов ҳуқуқига эга бўлдилар. Ниҳоят, 1971 йили ушбу мамлакатда ёшига қараб сайловларда қатнашиш ҳуқуқи 21 ёшдан 18 ёшга пасайтирилгач, ёш фуқаролар сайланш ҳуқуқига эришдилар.

Демократик жамият фуқаролари тенг маромда йигилиб намойишлар, илтимосномалар тузиш, бойкотлар эълон қилиш, иш ташлаш каби очик

усуллар ёрдамида ҳукмрон доиралар олиб бораётган сиёсатга қарши ўз норозиликларини билдиришга ҳаклидирлар. Бироқ эътиroz билдириш турлари қўлланилаётган пайтда энг муҳими жамоат тартибини сақлаш, яъни сўз ва йигинлар эркинлигини ҳимоя қилиш билан бирга кўрқитиш ва зўравонликка йўл қўймаслик муҳим масала ҳисобланади.

Демократик жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ниҳоятда юқори бўлиб, улар қўйидаги иккى асосий вазифани бажаралилар:

- ахборот бериш ва шу орқали халқнинг маърифатли бўлишига ҳисса қўшиш;

- ҳукумат ёки ўзга ҳукмрон доиралар олиб бораётган сиёсатни назорат қилиш. Бунда, айниқса, холисона мавқеда турган оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар ҳукуматнинг фаолиятини холисона ёритиш билан бирга мансабдор шахсларнинг ўз хатти-ҳаракатлари юзасидан ҳисобот беришини таъминлайдилар.

3. Демократик тизимларнинг фаолият қўрсатиш механизми.

Халқнинг бошқарувда қандай иштирок этиши, ҳокимият функцияларини ким ва қандай беносита ижро этиши билан боғлиқ равишда демократиянинг тўғри, либерал (конституциявий, плебисцитар), ваколатли (репрезентатив) ва ижтимоий шакллари ажратиб қўрсатилади.

Демократиянинг бевосита (тўғри) шакли қарорларни қабул қилиш, муҳокама этиши ва тайёрлашда фуқароларнинг ўзлари иштирок этишларини тақозо қиласди. Амалда ушбу шаклдан нисбатан унча катта бўлмаган жамоатларда фойдаланилади. Бунда қабул қилинаётган қарорлар оддий бўлиб, уларни тайёрлаш ва муҳокама қилиш учун маҳсус малака талаб қилинмайдиган ҳолларда фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда бевосита демократия асосан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш даражасида учрайди (АҚШ, Швейцария жамоатари, Россияда тикланаётган жамоа йигинлари).

Демократиянинг либерал шакли президент, ҳукумат, партия ёки ташаббускор гурӯҳ томонидан тайёрланган қоюн лойиҳалари ёки бошқа қарорларни маъқуллаш ёки рад этиш учун умумхалқ овоз беришида ифодаланади.

Агар тўғри демократия фуқароларнинг қарорларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул этиш иштирокини тақозо қилса, либерал демократия уларнинг фақат овоз беришда (референдум, сўровлар ва ҳоказо) иштирок этишини назарда тутади.

Ваколатли (репрезентатив) демократия. Унинг моҳияти фуқароларнинг қарорлар қабул қилишда ўз сиёсий ваколатларини улар томонидан сайланган, уларнинг манфаатларини ифодалайдиган ҳамда аниа шу манфаатларга мос ранишда қонунлар қабул қилиши, фармойишлар бериши лозим бўлган депутатларга ўтказиб бериш орқали билвосита иштирок этишидан иборат. Хусусан, ҳудуднинг катталиги ёки бошқа сабаблар туфайли фуқароларнинг муҳим сиёсий қарорларни қабул қилишда бевосита қатнашиши қийин бўлган ҳолларда ҳамда мутахассисларнинг юқори малакага эга бўлишини талаб қилувчи мураккаб қарорлар қабул қилишда ваколатли демократия жуда зарурдир.

Ҳар қандай сиёсий ёки ижтимоий тизимнинг ўз олдига ижтимоий ва иқти-

содий фарқларни энг кам даражага келтиришдан иборат мақсадни қўйишга имкон берувчи бошқарув шакли **социал-демократия** леб атади.

Ваколатли демократиянинг энг катта афзаликларидан бири эркин ижтимоий тузум ва ижтимоий вазифаларни ҳал этишининг юксак даражада самарадорлигиdir. У барқарорлик ва тартибни кафолатлайди, жамиятни унинг кенг қатламлари интиладиган текисчиликдан сақлайди. Ваколатли демократиянинг юксак самара бериши сиёсий тизимнинг оқилона ташкил этилиши, аниқ ва равшан меҳнат тақсимоти, қарорлар қабул қилувчи шахсларнинг тўғри демократия шароитларидагига нисбатан анча юқори иқтидорга эга эканликлари билан изоҳланади.

Шу билан бирга, ваколатли демократия бир қатор камчиликларга ҳам эга. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- сайловлар оралигидаги муддатда халқнинг амалда ҳокимиятдан четлатиб қўйилиши ва бу билан демократиянинг халқ ҳокимияти сифатидаги мөхиятидан узоқлашиб кетиши;
- бюрократлашувнинг муқаррарлиги, депутатлар ва мансабдорларнинг халқдан узилиб қолиши;
- мансабдор шахсларни сотиб олиш имкониятларининг нисбатан кенглиги;
- сиёсий ўйинларни амалга ошириш, ҳокимиятнинг мураккаб кўп поғонали тизими ёрдамида кўлчиликка маъқул бўлмайдиган қарорларни қабул қилиш учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги. Сайловчи – парламент – ҳукумат – бош вазир ёки президент.

Янги даврнинг кўпгина мутаффакирлари, жумладан, Ж. Ж. Руссо вакиллик демократиясини кескин танқид остига олган эди. Унинг фикрича, бундай демократия шароитида фуқаролар озодликка бир неча йилдагина бир марта эришишлари мумкин. Қолган вактда эса, улар ҳукмдорга тобе бўлиб қолаверадилар. Ҳозирги кунда ҳам бир қатор мамлакатлардаги айрим сиёсий кучлар, хусусан, «сўл» радикаллар бундай демократияга нисбатан кескин танқидий фикрлар билдирамоқдалар ва бевосита демократияни жорий этишини талаб қилиб чиқмоқдалар.

Бошқа бир гурӯҳ сиёsatшуносларнинг фикрича, вакиллик демократияси ҳозирги кунга қадар ишлаб чиқилган тизимлар ичилга энг мақбули ҳисобланади. Маълумки, мамлакат фуқаролари ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида банд эканликлари сабабли, доимий равища сиёсий фаолият билан шуғулана олмайдилар. Шу боис, вакиллик демократияси асосида улар амалдаги ҳукумат устидан доимий назорат ўрнатадилар. Назарий жиҳатдан олиб қараганда фуқаролар раҳбари (Президент ёки Бош Вазир)ни ёки қонунчилик органи (Парламент) аъзоларини сайлаб ҳукумат устидан назорат ўрнатадилар, ўз навбатида улар ҳам фуқаролар номидан иш юритиб, турли қарорларни қабул қиласидилар ёки қонунларни ишлаб чиқадилар.

Бевосита демократиянинг ҳам ўз камчиликлари бор, жумладан, етарли даражада иқтидорга эга бўлмаганлиги сабабли, қабул қилинган қарорларнинг кам самара бериши; омманинг мафкуравий таъсирларга берилувчанлиги оқибатида тоталитаризм ёки популистик авторитаризм хавфининг кучайи-

ши; фуқароларнинг катта қисмини мажбуурлашсиз, уларнинг шахсий эркинликларига дахл қилмасдан туриб, бошқаруяда доимий тарзда иштирок этишга жалб қулишнинг мумкин эмаслиги.

Демократияни амалга ошириш учун бир қатор иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний ва ташқи сиёсий шарт-шароитлар зарур бўлади. Демократияни ривожлантиришнинг *ижтисодий шарт-шароитлари* куйидагилар киради:

1) иқтисодий ривожланиш даражасининг умуман юқори бўлиши. Нисбатан ривожланган демократияга эга бўлган давлатлар иқтисодий кўрсаткичлар бўйича авторитар ва тоталитар давлатларни анча орқада қолдирадилар;

2) бозор муносабатларининг мавжудлиги. Сўнгги ўн йилликлар шуни кўрсатдики, фақат ижтимоий ишлаб чиқариш эмас, балки хусусий тадбиркорлик ва бозор ҳам демократиянинг ривожлангирилиши, тақсимотдаги ижтимоий ҳимоянинг кучайиши билан қўшилиб кета олди. Бозор иқтисодиёти иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятнинг жамиятдаги гурухлардан бирининг қўлида жамланишига тўсқинлик қиласи;

3) урбанизация даражасининг юқорилиги. Саноатнинг ривожланиши объектив тарзда шаҳар типидаги йирик аҳоли манзилларининг яратилишига олиб келади, уларнинг аҳолиси эса бошқарувнинг анъанавий шаклларига содик бўлган қишлоқ аҳолисига қараганда демократияга кўпроқ тайёр бўлади;

4) ишлаб чиқариш ва истеъмол ўргасидаги мувозанат. Агар ана шунлай мувозанат сақланадиган бўлса, унда ҳаётнинг барча соҳалари, шу жумладан, демократия ҳам қулай иқтисодий мухитда ривожланади. Мувозанат бузилган тақдирда эса, муқаррар равишда танглик, фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларининг чекланиши, давлат ҳокимиятининг бузилиши, унинг турли тармоқлари ўртасидаги зиддиятли тўқнашувлар юзага келади.

Демократияни ривожлантиришнинг *ижтимоий шарт-шароитлари* куйидагилардан иборат:

- меҳнаткашлар турмуш фаровонлигининг нисбатан қониқарли даражаси. Бу ижтимоий зиддиятларни юмшатишга, демократия учун зарур бўлган ҳамжиҳатликка эришишига имкон беради;

- ижтимоий тенгсизлик даражасининг пасайиши. Жамиятнинг бойлар ва камбағалларга бўлинини демократия йўлидаги энг жиддий тўсиқдир, зеро, у кескин ижтимоий зиддиятларга олиб келади ҳамда олигархик бошқарув учун асос бўлади;

- жамият тузилмасида ижтимоий плюрализмнинг манжуд бўлиши. Бу умумий манфаатларга эга бўлган аҳоли ижтимоий таркибининг хилма-хисилигини антлатади. Бундай гурухлар ҳокимиятнинг кимнингдир қўлида тўпланишига тўсқинлик қиласи, унинг устидан назорат қулиш имкониятини яратади. Ижтимоий плюрализм фуқаролик жамиятининг ривожланганлиги, унинг давлатга қарам бўлмаган партиялар, ҳаракатлар ва гурухларни шакллантиришга, яъни сиёсий плюрализмга қодирлигини тавсифлайди;

- аҳолининг саводхонлиги, умуман унинг маълумотта эгалиги. Шахснинг сиёсий мулоҳазаларининг асосланганлиги, фуқаролик позицияси унинг маълумотли эканлиги билан боблик. Саводсиз одам сиёсатдан ташқарида туради. У ҳокимият ёки сиёсий кучлар учун манипуляция обьекти бўлиб қолади.

5) Ақолининг сиёсий маданийти сиёсий билимларни, халқ аңыларини, сиёсатни қабул қилиш ва идрок этиш усуллари, одамларнинг ҳокимиятта муносабатини тавсифловчи қаращлари на мезонларини ўз ичига олади.

Демократиянинг *ташқи сиёсий шарт-шароитларига* қуйидагилар киради:

- аралашув;
- сиёсий таъсир кўрсатиш;
- иқтисодий таъсир ўтказиш;
- маданий-ахборот таъсири;
- яхши қўшничилик, демократияни ривожстантиришда амалий ёрдам кўрсатиш.

Тарихий тажриба шуни кўрсатдик, демократик режимларнинг ўрнатилиши кўпинча ташқи таъсир остида, шу жумладан кун қўлланган ҳолда юз берган. Бироқ демократияни ташқаридан кўр-кўронга киритиш мумкин эмас. Демократия учун давлатнинг ичидаги зарур шарт-шароитлар яратилмагунча у барқарорлик ва яшовчанлик касб эта олмайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, *демократияни амалга ошириш механизмларининг* қуйидаги жиҳатларини санаб ўтиш мумкин:

1. Ҳокимиятларнинг бўлининиши функцияси – қонунчилик, ижроя ва суд;
2. Иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ҳуқуқларнинг қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйилиши;
3. Эркин ва мунтазам даврий сайловлар;
4. Сиёсий қарорларнинг кўпчилик томонидан қабул қилининиши ва бунда озчилик ҳуқуқларининг қатъий кафолатланиши;
5. Қонуний мухолифатнинг мавжудлиги.

Демократия мавжудлигининг асосий шартлари сифатида қуйидаги учомилни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз:

А) *Иқтисодий омил* – эркин бозор иқтисодиётининг мавжудлиги. Демократик жамият муайян бир иқтисодий назария ва амалиёт усулидангина иборат бўймайди. Бирор-бир демократик мамлакатда давлат мулки мутлақ ҳукмрон бўлган иқтисодий тизим мавжуд эмас. Уларнинг барчаси хусусий гадиркорлик ва давлат мулки аралашмасидан таркиб топган иқтисодиётга эгаиди. Уларнинг барчасида эркин бозор иқтисодиёти мавжуд бўлиб, унда минг-минглаб истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар мустақил, айни пайтла, бир-бирларига боғлиқ ҳолда фаолият юритадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги демократик жамиятнинг аксариятида ҳокимият учун олиб борилаётган партиялараро мунозаралар иқтисодий масалаларга бағишилган. Чунки иқтисодий эркинлик ҳар қандай жамиятнинг асосий негизини ташкил этади.

Б) *Ижтимоий омил* – фуқаролик жамияти ва плюрализмнинг мавжудлиги. Давлат ва жамият ўргасидаги доимий боғлиқлик демократиянинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу боғлиқликни муҳим звенолар, яъни давлат ҳокимияти институтлари, сиёсий партия ва ҳаракатлар, шунингдек, ижтимоий ташкилотлар таъминлайдилар. Масалан, сиёсий партиялар ҳокимият билан жамиятни боғлаб турувчи муҳим бўғин ҳисобланади. Улар сиёсий муносабатларнинг субъекти сифатида давлат ҳокимиятидан кейинги ўринла туради. Демократик жамиятда кўп partiya вийлик foяси муҳим аҳамият касб этади. Кўппар-

тиявийлик жамиятда ғоялар хилма—хиллигини таъминлайди ва манфаатлар хилма—хиллигини ифода этади. Мавжуд сиёсий партиялар тарафдорлар жамлайди, номзодларни белгилайди ва давлат арбобларини сайлаш кампанияларини ўтказади: партиялар кўпчилик овозга эга бўлган тақдирда ҳукумат учун сиёсий дастурлар тузади; партиялар муҳолифатда бўлган тақдирда ҳукумат учун сиёсий дастурларни қўллаш билан боғлиқ турли манфаатдош гурухларни сафарбар этади; жамоатчиликни давлат сиёсатига оид муаммолардан ҳабардор этади; жамиятда мавжуд бўлган сиёсий баҳслар низоми ва қонун—қоидаларини белгилайди.

В) *Сиёсий амил*— фуқаролар сиёсий маданиятининг юқори даражаси. Демократиянинг ривожланиши демократик фуқаролик маданиятининг ривожига ҳар томонлама боғлиқдир.

Фуқаролик маданияти ҳам ўз навбатида таълим тизимининг нечоғлик тараққий эттанилиги билан ўлчанади. Бунда ҳар бир мамлакатнинг таълим тизими муҳим аҳамият қасб этади. Дарҳақиқат, таълим демократик жамиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам сўнгти йилларда фуқаролик жамиятини шакллантириш сари муҳим қадамлар қўйилди ва кўйилмоқда. Жумладан, аҳолининг сиёсий—ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ва умуман таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Республика Президенти И. А. Каримов ўзининг «Баркамол авлод орзуси» китобида демократик жамиятда таълим тизимининг асосий мақсади — мустақил, қизиқувчан ва ўз қарашларида эркин тафаккурга таянган ва, айни пайтда, демократик тамойиллар тўғрисида чуқур билимга эга бўлган фуқароларни етиштириб беришдан иборатлигини алоҳида таъкидлайди.

4. Ўзбекистонда демократияни ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари.

Жаҳон сиёсий майдонида юз берастган улкан ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатмоқда. Тобора кўпроқ очиқлик, демократик тамойилларга, умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар ва меъёrlарга содиқлик республика ижтимоий ҳаётидаги демократиялаш жараёнигагина эмас, балки ана шу ўзгаришларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинишига ҳам таъсир этиб, бу билан Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини шакллантироқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг ўтган 16 йили ичida демократик тараққиёт сари муҳим қадам ташланди. Биринчи нанбатда, демократик жамиятнинг мустаҳкам пойдевори, яъни қонунларнинг такомиллашган базаси яратилди. Шу кунгача ишлаб чиқилган қонунлар Ўзбекистоннинг демократия йўлидан оғишмай барқарор ривожланишини таъминлайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатда демократик жамиятнинг қарор топишига жуда катта ҳисса кўшиши шубҳасизdir, чунки у инсон эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Ўзбекистон Конституцияси халқ манфаатларини ифода қиласи. Халқ ҳокимиятичилигини таъминлайди. Унда халқнинг асосий ҳал қилувчи роли ҳар томонлама тўлақонли ифодасини топган. Унинг моддаларидан бирида халқ дав-

лат ҳокимиятининг бирдан-бир манбай эканлиги (7-модда) таъкидланади. 8-моддада, Ўзбекистон ҳалқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади», деган қоида мустаҳкамланган. «Жамият ва давлат ҳәётининг энг муҳим масалалари ҳалқ муҳокамасига тақдим этилади», дейилади 9-моддада. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний тамойилларга асосланади. Уларга кўра, инсон, унинг ҳәёти, эркинлиги, шаъни, қадр—қиммати ва бошқа дахлесиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Конституциямизда кафолатланган бу юксак ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг терен демократик руҳи ва табиатидан далолат беради.

«Республикамизда демократик ҳуқуқий жамият асослари фаол ранишда вужудга келтирилмоқда. Аввалги яккаҳоммиллик тизимининг иллатлари қатъиян тугатилмоқда. Кўпартиявийлик, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига тоқат қилиш реал воқеликка айланмоқда. Ягона мафкура яккаҳоммиллик га барҳам берилди. Умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бутун дунё тан олган маром ва қоидалари тобора кўпроқ қарор томоқда»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мустақил ҳуқуқий давлат қуришининг мақсад ва вазифаларини белгилар экан, Ўзбекистоннинг цивилизация ва тараққиёт чўққиларини зигалашида асосий таянч маланий ва тарихий мероснинг энг яхши жиҳатларини, ҳалқнинг гуманистик анъанааларини, умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга содиқликни синглирган, эркин ва уйғун ривожланувчи шахс эканлигини бир неча бор таъкидлади.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб, республикада барча ва ҳар қандай тузилмаларни орқа-олдига қарамасдан бузавериш мустақил давлатчиликнинг тақдиди учун оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида-ги қатъий ишонч шаклланди. Ҳалқнинг мақсади бир неча авлодлар томонидан яратилган нарсаларнинг ҳаммасини йўқотиш эмас, балки уларнинг энг яхшиларини ўзига сингдириб олиш ва демократик меъёрларга, миллий манфаатларга, мустақиллик талабларига жаюб бера олмайдиганларни қайта тузиш, мавжуд тузилмаларни янги мазмун билан бойитишидир. Ўзбекистон ҳукумати танлаган ва ҳалқ қўллаб-кувватлаган йўл ана шу тизимларнинг ҳаммасини ўзбек ҳалқининг асрий анъанаалари, миллий урф-одатлари, маданияти ва тили ҳамда жаҳон фани ривожига кўшган улкан ютуқлари асосида янги мафкуравий платформага ўқказиш ва қайта йўналтиришдан иборат. «Матъумки, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камиди утта мезон бор. Булар — ҳалқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорларининг ҳалқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришида қанчалик иштирок этишидир».² Бизнинг фикримизча, юқорида айтиб ўтилган мезонларнинг ҳаммаси мамлакатимизда демократик жамият қуриш жараёнида мавжул.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йули // Ўзбекистон: миллий истиқдол, иктисол, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996. 37-бет.

² Каримов И. А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастримиз бўлсин. //Биз келажагий-мизни ўз қўйичиз билан қурамиг. Т. 7. Т., 1998. 243-бет.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, демократия бу фақат назария ёки сиёсий жараён эмас, балки ҳалқнинг менталитети, анъаналари, маданийтининг ўзига хослиги, руҳиятини ўз ичига олган турмуш тарзи ҳамдир. Демократия ғояларини эълон қилиш мумкин, демократияни юқоридан туриб жорий этиш мумкин, аммо бу билан демократия реал ҳаётга кириб келмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир шахснинг қадриятига айланиши лозим. Бу эса бир мартада амалга ошириладиган иш эмас. Демократияни қарор топтириш учун демократия тамойилларини қабул қилишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўзлаштиришнинг узоқ давом этувчи жараёни талаб қилинади. Бунинг учун баъзи давлатларга кўп авлодларнинг алмашинуви керак бўлди.

Ўзбекистон ана шундай демократик ривожланиш анъанасига эга. Шу сабабли, демократияга босқичма-босқич ва иложи борича қисқа муддатларда ўтишнинг стратегик аҳамияти фақат жамиятдаги барқарорликни сақлаицдана гина эмас, балки янгидан пайдо бўлаётган фуқаролик жамияти куртаклари ни асраб-авайлаш ва ўстиришдан ҳам иборатdir.

Бизнинг давлатимиз учун демократик тарақкиёт йўли ҳалқ вакиллари сайлонларини, депутатлар ҳалқнинг чинакам ҳоҳиш-иродасини ифода этган ҳолда ҳаққоний иш олиб боришларини англатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Ҳалқ вакиллари ўз ҳалқи берган ваколатлари билан ҳукуматни тузади. Бу – демократик йўл».¹

Ҳалқимизнинг мамлакатимизда очик фуқаролик жамиятини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришдан иборат олий мақсад амалга ошириш мумкин бўлган вазифа эканлигига ишониш учун ҳамма асослар бор. Бой тарихимиз, жаҳон цивилизацияси ҳазинасига улкан ҳисса бўлиб қўшилган маданийтимиз, улкан табиий ва интеллектуал салоҳият, ҳалқимизнинг кўп авлодлар ҳаёти даномида шаклланган юксак маънавияти ва ахлоқий қадриятлари, меҳнатсеварлиги, очик кўнгиллилиги ва ўзбек тупроғида яшовчи барча кишиларнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносаб ўрин эгаллашга интилиши бунииг гаровидир.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқтол ва тарақкиёт йўли. //Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996. 34-бет.

ДАВЛАТ – СИЁСИЙ ТИЗИМНИНГ АСОСИЙ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА

Режа:

1. Давлатнинг вужудга келиши. Давлатнинг пайдо бўлиши тўғрисида турли назариялар.
2. Жамият сиёсий тизимидаги давлатнинг ўрни ва роли.
3. Давлатнинг мөхияти, функциялари ва бошқариш органлари.
4. Ўзбекистон Республикаси хукуқий давлат сифатида.

1. Давлатнинг вужудга келиши. Давлатнинг пайдо бўлиши тўғрисида турли назариялар.

Сиёсий фан учун давлат қадимдан тафаккурнинг бошлангич нуқтаси ва маркази бўлиб келган. Узоқ вақт мобайнида жамият ва давлат тушунчалари мазмунига кўра ва терминологик жиҳатдан ўзаро фарқланмаган. Уларни бирбиридан ажратиш йўлидаги илк қадамлардан бири Н. Макиавелли томонидан қўйилди – у давлатни белгилаш учун маҳсус *Stato терминини* жорий этди. Фуқаролик жамияти ва давлатни жiddий назарий фарқлаш биринчи бўлиб Гегель томонидан амалга оширилди. Бунда у, албатта, давлатни биринчи ўринига қўйди. Давлат ва жамиятни айнан бир нарса деб қараш анъанаси ҳозирда ҳам мавжуд – фақат назарий жиҳатдан эмас, балки кундалик онгда ҳам.

Алоҳида ижтимоий институт сифатидаги давлатнинг бошлангич манбалари, унинг вужудга келиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги масала сиёсатшунослик учун муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий фан класиклари бу борада қатор муҳим тояларни таърифлаб берганлар.

Давлатнинг пайдо бўлиши тўғрисида турли назариялар мавжуд:

Теологик концепция давлатнинг келиб чиқишини илоҳий қонунлар билан боғладайди.

Патриархал назария (асосчиси – XVIII аср инглиз сиёсий мугафаккири Роберт Філмер) давлатнинг вужудга келишини уруғларнинг қабилаларга, қабилаларнинг эса катта ижтимоий бирликларга, шу тариқа давлат гузилмаларига қадар исханик бирлашуви натижаси, деб ҳисоблайди.

Ўз вақтида Конфуций давлатнинг **патриархал-пательалистик концепциясини** баён қилиб берган эди: унга кўра давлат катта оила ҳисобланади. У хукмдорларни фуқаролар билан яхши фазилатлар асосида муносабат ўрнатишга даъват қилди. Конфуцийнинг фикрига кўра, давлат – бу умум манфаати йўлида ҳамманинг номидан амалга ошириладиган патриархал ҳокимиятнинг ривожланган шакли.

Т. Гоббс, Ж. Локк ва Ж. Ж. Руссо томонидан ривожлантирилган **ижтимоий келишув назарияси** давлатни ижтимоий ҳәётни ташкил қилиш ва тартибга солишин таъминлаш мақсадида мустақил ҳукмдор ва фуқаролар ўртасида ўринатилган ўзаро келишувдан келтириб чиқаради.

XIX асрда давлатнинг пайдо бўлишини бир гурӯхнинг иккинчисини босиб олиш билан изоҳловчи **зўравонлик назарияси** (асосчиси австриялик социолог ва ҳуқуқшунос Л. Гумплович) кенг тарқалди.

Психологик назария давлатнинг пайдо бўлишини инсон даҳосидан туғилган ғоялардан келтириб чиқаради.

Ижтимоий-иқтисодий назария давлатнинг келиб чиқиш манбаларини меҳнат тақсимотидан, жамиятни бошқариш фаолиятининг ажralиб чиқишидан қидиради. Унинг энг қадимий кўриниши – Платон қарашлари.

Марксистик назарияга кўра, давлат иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синф манфаатларининг ифодачиси сифатида жамиятнинг синфларга бўлинини натижасида пайдо бўлади. Даълатнинг барҳам топиши муаммоси бу назариянинг ажralмас таркибий қисми ҳисобланади.

Давлат пайдо бўлишининг **замонавий назарияси** юридик ҳисобланади, чунки у давлатни халқарнинг ҳуқуқларида кўради ва ҳокимиятни инсон ҳуқуқлари, яъни белгиланган даражадаги инсон эркинликлари асосий талабларининг ҳокимиятга муносабат билан боғлайди.

2. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни ва роли.

Хозирги түпнунчада давлат мураккаб, кўп функцияли, ичдан табақаланган яхлитликни ўзида акс эттиради. Бошқа сиёсий шакллардан уни расмиятчилик, муайян қоидалар, биринчи навбатда, унинг фаолиятини тартибга солалиган ҳуқуқнинг мавжудлиги ажратиб туради. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, демократик давлат қурилишига бирор бир синфининг «туб манфаатлари»ни мутлақлаштириш йўли билан эмас, балки кишилар турли ижтимоий бирликлари манфаатларининг консенсуси йўли билан эришилади.

Давлат бу – бутун халқقا, кишиларнинг барча ижтимоий бирликлари, партиялар ва ҳаракатлар, кўнгилли уючма ва иттифоқларга хизмат қилиши мажбурий бўлган орган. У тартиб-интизом ва барқарорликни, жамият ривожланишининг демократик асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга даъват қилинган.

Шундай қилиб, давлат бу – асосий элементларини қонун чиқарувчи, ижро этиучи ва суд ҳокимияти, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва давлат ҳавфсизлиги, куролли кўчлар, қисман оммавий ахборот воситалари ташкил этган мураккаб кўп қиррали тизим ҳисобланади.

Ижтимоий институт сифатида давлат муайян тарихий вазифалар ва белгиларга эга. Куйидагилар **давлатнинг умумий белгиларига** киради:

- Ижтимоий ва синфиий тафовутлар мавжуд бўлганда давлатнинг жамиятни бир бутун қилиб бирлаштиришга қодирлиги. Давлат, биринчи навбатда, ҳаммаға тааллуқни манфаатлар доирасида фаолият кўрсагади, ижтимоий яхлитликни сақлаш муаммоларини ҳал қиласи. Агарда у бу вазифаларни ҳал

қилмаса, давлат сифатидаги лаёқатини йўқотган ҳисобланади. Давлатни бир синфнинг иккинчиси устидан ҳукмронлик қилиш воситаси деб билиш моҳият эътибори билан анахистик анъаналарга эргашиш, унинг табиатини жиддий равишда нотўғри талқин этиш, давлатнинг ижтимоий яхлитликнинг умумий манфаатлари билан муқаррар алоқасини унугтиш ҳисобланади.

• Давлат бу – ҳокимият органи, лекин нафақат ишонтириши, балки, шу билан бирга, ижтимоий мажбурлаш, белгиланган меъёрларга риоя қилганилик ёки уларни бузганлик учун тақдирлаш ёки жазолаш чора-тадбирларидан фаол фойдаланадиган орган. Ошкора куч ишлатиши, жисмоний мажбурлаш монополияси.

• Давлат фаолиятининг меъёрлари ҳуқуқлари – жамиятнинг вакиллик органлари томонидан қабул қилинадиган қонунлар билан белгиланади ва мустаҳкамланади. Улар асосида жамиятни бирлаштириш ва бошқариш, давлатнинг бевосита фаолиятини қатъий белгилани амалга оширилади. Ҳамма учун мажбурий бўлган қонунлар ва меъёрлар чиқаришда танҳолик ҳуқуқи.

• Мустақиллик давлатнинг ўз чегараси ҳудудида фаолият кўрсатадиган субъектларга нисбатан энг олий ва чекланмаган ҳокимиятга эталигини билдиради. Бошқа давлатлар ҳам бу тамоийни хурмат қилишлари керак. Бу таомойил жамиятнинг эркusi мустақил ҳаёт кечириши ва ривожланишини таъминлайди. Ҳозирги давлатларнинг мустақиллик доираси битимларда мустаҳкамланган ҳалқаро иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ўзаро боғлиқликлар билан чегараланади. Мустақиллик бу муайян ҳулдулдаги олий ҳокимиятдир.

• Умумийлик ўз таъсир доирасига бошқа давлатлар фуқаролари билан биргаликда унинг ҳудудидаги барча кишиларни қамраб олади.

• Даъватнинг ўз функцияларини амалга ошириши билан боғлиқ, харатжатларини қоплаш мақсадида аҳолидан йигиб олинидиган солиқлар.

• Давлатта таъриф беришда унинг ажralиб турувчи белгилари ўзига хос хусусиятлари билан тўлдирилади, улар жумласига чегаралар билан белгиланган, барча чегара давлатлари томонидан расмий-келиниув асосида тасдиқланган ҳудуд киради. Даъват ҳудуди ер, ер ости бойликлари, ҳано кенглиги ва ҳудудий сувларни ўз ичига олади. Бу легани давлат ушбу мұхитларда ўз ҳокимиятини ўрнатали ва уларни бошқа давлатлар ва жисмоний шахслар томонидан бўладиган ташқи тажонузлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Нисбатан барқарор ва кафолатланган ҳудуд яхлитлигига эга бўлиш давлатни сақлаб қолишининг мұхим шарти ҳисобланади. Кўпгина ички ва ташқи сиёсий зиддиятлар айнан давлатнинг моддий асоси устидан назорат ҳақидаги масала атрофида авж олади.

• Давлат аҳолиси ягона миллатдан ташкил топиши ҳам мумкин, лекин, кўпинча у кўп миллатли бўлади.

• Давлат аппарати воситасида давлат фаолият кўрсатади ва ўз ҳокимиятини амалга ошириб, ривожланади. Ҳокимият давлатда институтлаштирилган характер қасб этади. Бу мазкур ҳокимиятни вақтинча амалга оширадиган шахсни сиёсий бирлик-давлатга мансуб ҳокимиятнинг ўзи билан аралаштирилмаслик кераклигини билдиради. Олий ҳокимият таркибига кирувчи шахслар атмасиб туради, лекин бу билан данлатнинг институтлаштирилган ҳокимияти йўқолмайли. Бу ўзгаришлар фуқаролар уруши ёки бошқа давлатларга бўйсу-

ниш каби давлатни йўқ қиласиган сабаблар билан бирга кечадиган ҳоллар бундан мустасно.

Давлатнинг белги ва хусусиятлари уни нафақат бошқа ижтимоий ташкилотлардан фарқлаш, балки унда ҳозирги цивилизацияда жамиятнинг яшиши ва ривожланишининг зарур шаклини кўриш имконини ҳам беради.

3. Давлатнинг моҳияти, функциялари ва бошқариш органлари.

Давлатнинг жамият сиёсий тизимидағи ўрни ва роли унинг функциялари билан белгиланади. Одатда, давлат функциялари ички ва ташқи функцияларга бўлинади.

Давлатнинг ички функциялари қўйидаги соҳалар: иқтисодий (иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиши, давлат корхоналарини бошқариш, нарх сиёсатининг ҳуқуқий асосларини белгилаш, ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солиш), ижтимоий (иш билан бандликнинг ижтимоий кафолатларини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси), таълим (таълим олишни демократлаштириш, унинг узлуксизлигини таъминлаш, таълим олиш учун барчага тенг имкониятлар бериш), экологик, солиқ йиғиши, маданий ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз ичига олади.

Давлатнинг ташқи функциялари жаҳон иқтисодига интеграциялашув ва ташқи иқтисодий шериклик, давлатни ҳимоя қилиш, дунёвий тартиб-қоидларни кўйлаб-куннатлаш, шунингдек, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликдан иборат.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, агарда давлат фаолияти Ш. Монтескь-энинг **қонун чиқарувчи, изро этувчи ва суд ҳокимияти** функцияларини ажратиш ҳақидағи foялари асосида курилган бўлса, ҳокимият органлари самараали фаолият кўрсатиши мумкин. Уларга яна давлат бошлигининг ҳокимияти қўшилади.

Давлатлар, бошқарув шакллари ва давлат қурилиши шаклларига кўра ўзаро фарқланади. Улар давлатчиликнинг тарихий анъаналари, унинг вужудга келишининг асосий хусусиятлари ва бошқалар жиҳатидан турли-тумандир. Бир томондан, ягона типдаги давлат ҳудудида давлат ҳокимияти фаолияти ва уни ташкил этишининг турли шакллари учраши, иккинчи томондан эса, турли типдаги давлат бир хил шаклда намоён бўлиши мумкин. Давлатнинг моҳияти бевосита унинг шаклидан келиб чиқди ва у орқали аниқланади.

Давлат шаклига халқнинг маданий даражаси, унинг тарихий анъаналари, диний дунёқарашлар табиати, миллий хусусиятлар, ҳаёт кечиришининг табиий шароитлари ва бошқалар жиддий таъсир кўрсатади.

Давлат шакли – мураккаб ижтимоий ҳодиса, у ўзаро боғланган уч унсурни ўз ичига олади: бошқарув шакли, давлат қурилиши шакли ва давлат режим шакли. Турли мамлакатларда давлат шакллари ўз хусусиятларига, характерли белгиларига эга, ижтимоий ривожланиши даражасига қараб улар янги мазмун билан бойиб боради. Шу билан бирга, мавжуд давлатлар шакли умумий белгиларга ҳам эга, бу нарса давлат шаклининг ҳар бир унсурига таъриф берини имконини беради.

Бошқарув шакли давлат ҳокимияти олий органларининг тузилиши, уларнинг вужудга келиши тартибини ўз ичига олади.

Давлат шакли қуйидагиларни англаш имкониятини беради:

- Давлат олий органларининг вужудга келиши ва уларнинг тузилиши;
- Ҷаъватчилик олий ва бошқа органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг курилиши;
- Олий давлат ҳокимияти ва мамлакат аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг курилиши;
- Олий давлат органлари томонидан фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларининг таъминланиш даражаси.

Кўрсатилган белгилар бўйича давлат бошқарув шакли монархия (мутлақ, конституцион, теократик, дуалистик) ва республикага бўлинади.

Монархия – бу шундай бошқарув шаклини, унда олий ҳокимийат якка бир шахс томонидан амалга оширилади ва, одатда, мерос бўлиб ўтади.

Ўз ҳокимиятидан умрбол фойдаланувчи якка давлат раҳбари (султон, қирол, император, шоҳ), олий ҳокимиятнинг ворисийлик асосида мерос бўлиб ўтиш тартиби, монархнинг юридик жиҳатдан масъулиятсизлиги класик монархистик давлат бошқарувининг асосий белгилари ҳисобланади.

Монархия қулдорлик жамияти шароитларида вужудга келган. Феодализмда у давлат бошқарувининг асосий шаклини айланди. Ҳозирги лунёда монархияга асосланган бошқарувнинг фақат анъанавий, асосан, юзаки белгилари сақланиб қолган. Ўз навбатида, монархия мутлақ, чекланган (конституцион), дуалистик ва теократик монархияга бўлинади.

Мутлақ монархия – бошқарувнинг шундай шаклини, унда олий давлат ҳокимияти қонун бўйича тўлалигича битта шахсга бўйсунади. Бундай бошқарув шакли Саудия Арабистони, Қатар, Уммон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатларда амалга оширилади.

Чекланган монархия (ёки конституциявий монархия) – бошқарувнинг шундай шаклини, унда монархнинг ҳокимияти вакиллик органлари томонидан сезиларли даражада чекланади. Одатда, бу чеклаш парламент томонидан тасдиqlанган конституция билан белгланади. Монарх эса конституцияни ўзгартириш ҳукуқига эга эмас.

Чекланган монархиянинг асосий белгилари – ҳукумат парламент сайловларида кўпчилик овоз олган муайян партияниң вакиллари асосида шакллантирилади; энг кўп депутат ўринларига эга бўлган партия лидери ҳукумат раҳбарига айланади; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд соҳалари амалла монарх ҳокимиятига бўйсунмайди, унинг бу соҳалардаги ҳокимияти рамзий ҳисобланади; қонунчилик ҳужжатлари парламент томонидан қабул қилинади ва фақат расман монарх томонидан имзоланади; конституцияга мувофиқ, ҳукумат монарх олдида эмас, балки парламент олдида ҳисобот беради. Бошқарувнинг бундай шакли Япония, Буюк Британия, Дания, Испания, Бельгия, Швеция ва бошқа мамлакатларда амал қиласи.

Конституциявий монархиянинг шаклларидан бири сифатида **дуалистик монархия** майдонга чиқади. Дуалистик монархиянинг асосий белгилари – иккисёклама харакатер касб этади; юридик жиҳатдан ҳокимият ҳақиқатда монарх томонидан шакллантирилган ҳукумат ва парламент ўртасида бўлинади; ҳукумат парламентдаги партия таркибига боғлиқ бўлмаган ҳолда шакллан-

тирилади ва унинг олдида ҳисоб бермайди; монарх асосан феодалларнинг манфаатларини ифодалайди, парламент эса буржуазия ва аҳолининг бошқа қатламларини ҳимоя қиласди. Бошқарувнинг бундай шакли кайзер Германиясида мавжуд эди (1871-1918), ҳозирда эса Марокашда амал қиласяпти.

Бир қатор давлатларда монарх мамлакатнинг нафақат дунёвий, балки диний ҳаётига ҳам бошчилик қиласди. Бундай монархиялар **теократик монархиялар** деб аталади. Бошқарувнинг бундай шакли Саудия Арабистони ва Ватиканда амал қиласди.

Бошқарувнинг яна бир шакли республика бўлиб, унда олий ҳокимият аҳоли томонидан муайян муддатга сайланган сайлов органлари томонидан амалга оширилади.

Бошқарувнинг **республика** шаклининг умумий белгилари – якка ҳукмдор ва коллегиал давлат раҳбариятининг мавжудлиги; давлат раҳбари ва бошқа давлат ҳокимияти олий органларининг муайян муддатга сайлаб қўйилиши; давлат ҳокимиятининг ўз иродасига кўра эмас, балки халқ ҳоҳиши бўйича амалга оширилиши; қонун билан кўзда тутилган ҳолларда давлат раҳбарининг юридик жавобгарликка тортилиши. Республика ҳам ҳамма вақт ва ҳамма жойда бир хил эмас. У ҳам монархия каби ҳар хил бўлади. Ҳукуматнинг парламент ёки президент олдида масъулиятлилигига қараб парламенттар республика ва президентлик республикасига бўлинади (21-жадвал).

21-жадвал

Бошқарув шаклларининг қиёсий жадвали

Парламент шакли (Германия модели)	Президентлик шакли (АҚШ модели)
Ҳукумат бошлиғи (ижроия ҳокимияти) Парламент (қонун чиқарувчилар) томонидан сайланади. Парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлади.	Президент (ижроия ҳокимияти) ва Парламент тарқиби (қонун чиқарувчилар) алоҳида сайловларда сайланади, шунинг учун Президент парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлмайди.
Ҳукумат Парламент томонидан тайинланади ва улар томонидан чақириб олиниши мумкин эмас.	Америкалик қонун чиқарувчилар Конгресснинг кўпчилик аъзолари ўнгарни сабабли, Президентни алмаштира олмайдилар. Фақат Президент жиноятда айблантанини каби истисноли ҳолатларда Сенат аъзолари учдан иккичисмининг овози билан лавозимидан четлатилиши мумкин (импичмент).
Бош Вазир умумий налада таркибига киради.	Президент ва унини ҳукумати аъзолари ҳукумат лавозимлари ва Парламент манфаатларини қўшиб олиб бориши мумкин эмас.
Президент ижроия ҳокимиятида факат вакиллик функцияларини бажаради, ҳақиқий ҳокимият ҳукумат (Бош Вазир ёки канцлер) пинг қўлида.	Президент ҳақиқий ҳокимиятта эга, у ўт сиймосида давлат раҳбари ва ҳукумат раҳбари функцияларини бирлаштирилади
Ҳукуматда қонунчилик ташаббуслари ҳуқуқи мавжуд ва қонунлар чиқарилига тўла равинида вето ҳуқуқи бор.	АҚШ Президентига қоютуғчилик ташаббуслари имкониятлари расмий равинида берилмаган. У Конгресснинг қонунчиликка оид қарорларига вето кўшини ҳуқуқига эга.. Президент гетоси учдан иккича килем кўпчиликнинг овоз берини билан бескор қилинипши мумкин.

Маиба: Рафуров С. М., Ҳайдаров А. А., Тұлғанова Н. Ү. Сиёсагашунослик асослари. Ўқув күнданма. Т., 2005.

Парламентар республикада парламентнинг роли катта. У президентни, яъни давлат бошлигини сайлайди. Ҳукумат парламент томонидан тузилади ва унинг олдидаги жавоб беради.

Президентлик республикасида президент парламент йўли билан эмас, балки маҳсус тартиб, яъни ҳалқ томонидан сайланади. У, ўз навбатида, тегиши вазирларни тайинлади. Ҳукумат парламентга ҳисоб бермайди. Ҳозирги вақтда президентлик республикаси кўринишни кенг тарқалган. У лунёдаги кўпгина мамлакатларда мавжуд. Парламент республикаси президентлик республикасига нисбатан камроқ тарқалган. У Италия, Ҳиндистон, Германия, Австрия, Финландия, Туркия, Исландия ва бошقا айрим мамлакатларда амал қиласди.

Республика бошқарувининг **аралаш шакли** ҳам мавжуд. Бу шакл икки хил моделга эга. Биринчи типга бошқарувнинг шундай шакли киради, унда парламент моделига кўра президент сезиларли даражада муҳим роль ўйнайди (ҳозирги Франция Республикаси). Бундай тизимларда Президент очиқ сайловларда сайланади, у ҳукуматни шакллантириш ва асосий лавозимларга тайинлашда муҳим таъсир кўрсатади. Ҳукумат президентга бўйсунибигина қолмай, парламент олдидаги ҳисоб ҳам беради, баъзи ҳолларда у парламент билан алмаштирилиши ҳам мумкин. Конституциявий бошқариш билан бир қаторда партия тизимлари тузилмаси ва парламентдаги кўпчиликнинг ҳақиқий муносабати муҳим роль ўйнайди. Франция Президенти парламентда кўпчилик овозга эга бўлсагина, ўз позицияларини мустаҳкам сақлаб қолиши мумкин.

Республика бошқарувининг иккинчи аралаш шакли Швейцарияда мавжуд. Бу ерда парламент ҳукуматни сайласа-да, уни чақириб олиш ҳукуқига эга эмас. Ўз навбатида, ҳукуматда парламентга нисбатан қарор қабул қилиш ҳукуқи йўқ. Ҳукумат лавозими ва депутатлик мандатини бир-бирига қўшиб бўлмайди. Ҳукуматни коллегиал орган шакллантиради, айни пайтда, президентлик тизимиға зид равишда расман қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Давлатни бошқариш шаклларининг бир-биридан фарқланнишига қарамай, парламент ва ҳукуматнинг мавжудлиги ҳар қандай типдаги давлатлар (мутлақ монархия бундан мустасно) учун умумий ҳисобланади.

Парламент бир палатали (Дания, Швеция, Белоруссия) ва **икки палатали** (АҚШ, РФ, Канада, Германия, Франция, Буюк Британия, Ўзбекистон) бўлади. Қуий палаталар ва бир палатали парламентлар ҳамиша тўғридан-тўғри сайловлар ўтказиш йўли билан, юқори палаталар эса ёки ворисийлик (Буюк Британия), ёки ҳукумат бошлигининг тайинланиши (Канада, Иордания), ёки сайлаш (АҚШ, Италия, Ҳиндистон, Франция, Россия) тамойли асосида шакллантирилади.

Қуий палата ички ва ташкиси сиёсатнинг кундалик масалаларини ҳал қилиш учун масъуль ҳисобланади. У, одатда, юқори палатага қараганда қисқа муддатли ваколатларга эга бўлади. Юқори палата қуий палата фаолиятининг ўзига хос эксперти сифатида майдонга чиқади – у қабул қилган қонун лойиҳаларини Конституцияга мувофиқ келиш-кељмаслик нуқтаси назаридан кўриб чиқади.

Ҳар иккала палата аъзолари ҳам қўйидаги парламент имтиёзига эга бўладилар:

- иммунитет (дахлсизлик);
- индемнитет (депутат парламентдаги чиқиши ва овоз бериш йўли билан қўллаб-кувватлаган чоралари учун жавобгар бўлмайди).

Парламентнинг асосий функциялари:

- Қонун ижодкорлиги;
- Вакиллик;
- Тескари алоқа функцияси – бусиз давлат органлари олиб борилаётган сиёсатнинг ижтимоий қўллаб-кувватланишини таъминлай олмайдилар. Ушбу алоқа турли усууллар билан амалга оширилади. Бир қатор давлатлар алоҳида парламент комиссарлари (омбудсманлар) институтига эга, улар давлат хизматчиларининг қонунларга риоя қилиши устидан назорат этиш мақсадида тайинланади. Ўзбекистонда бу институт парламент хузурида, Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида (1995 йил, февраль) тузиленган.

- Бюджетни шакллантириш функцияси;
- Ташқи сиёсат функцияси.

Хукумат – ижроия ҳокимиятининг олий давлат органи, парламент томонидан қабул қилинган асосий сиёсий қарорларни амалга оширади. Бошқарувининг парламент шакли амал қиласидан мамлакатларда (монархия шаклида ҳам, республика шаклида ҳам) у олий давлат органлари тизимида марказий ўрин тутади. Хукумат ваколати амалдаги қонунчилик билан белгиланади. Хукумат қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳукуқидан фойдаланиб, парламентнинг фаолият йўналишини белгилаб беради. Ўзбекистон, Франция, Ирландия, Россияда президентлар умумхалқ томонидан сайланади. АҚШ, Аргентина ва Финляндияда президент парламент иштирокисиз, лекин очиқ сайлов йўли билан эмас, балки сайлончилар коллегияси томонидан сайланади. Греция, Испания, Ливан, Мальтада президент парламент томонидан сайланади. Италия, Германия, Ҳиндистонда парламент аъзолари президентни сайловчи коллегиянинг бир қисмини ташкил этади.

Сиёсий ҳокимият ўзининг тузилишига кўра оддий ва мураккаб шаклларда намоён бўлади. Оддий давлат ҳокимиятига унитар давлатни киритиш мумкин.

Унитар давлат ҳокимияти – бу маъмурий-худудий, қисмларга бўлинган яхлит, бир бутун марказлашган давлат шаклидир (22-жадвал).

Мураккаб шаклдаги давлат ҳокимиятига федератив **давлатни** киритиш мумкин. У ўз қонун чиқарувчи органларига, ўз ҳукуматларига ва суд органларига эга бўлган бир нечта нисбий мустақил давлатлардан таркиб топади.

Бундай давлатлар ихтиёрий равишида марказлашган давлатни ташкил қиласидилар. Бу иттифоқ мамлакат ички ва ташқи ҳаётида барча Федерация аъзоларининг номидан иш олиб боради ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади; ягона фуқаролик ва ҳудуд, кредит-молия ҳамда бошқа муносабатларни ўрнатади (23-жадвал).

Давлат тузилишини шакллари ва улар ўргасидаги тафовутлар

Мезонлар	Оддий	Мураккаб	
		Федератив давлат	Конфедератив давлат
Конституция	ягона	умумий конституция асосида давлатнинг конституцияси бўлиши	умумий конституцияси йўқ, аммо бўлиши ҳам мумкин
Ҳокимият олий муассасалари	ягона	икки палатали парламент	ҳокимият муассасаларининг ваколатлари энг кўп дараҷада
Фуқаролиги	ягона	ягона ва икки фуқаролилик	фуқаролиги бўлмайди
Ҳукуқ тизими	ягона	ягона, алоҳида ҳукуқ тизимига эга бўлиши мумкин	иттифоқ шартномаси
Судлов тизими	ягона	ягона ва икки тизимли	ягона судлов тизими йўқ
Худуди	ягона	ягона. Четарани қўриқлаш ягоналир.	ягона худуди бўлмайди
Валютаси	ягона	ягона	ягона валютаси бўлиши ва бўлмаслиги ҳам мумкин.

Манба: Сиёсатшунослик асослари. Матбузалар тўплами. Т., 2005.

Федератив давлат ҳокимияти – бу тенг ҳукуқли республикалар, муҳториятлар, штатлар, ерлар, кантонлар, вилоятлар ва округларнинг ихтиёрий бирлашуви натижасида вужудга келадиган сиёсий ҳокимият шаклидир.

Ҳозирги кунда федератив давлатлар ҳокимиятига Аргентина, АҚШ, Бразилия, Австралия, Мексика, Германия, Россия, Ҳиндистон ва бошқалар киради.

Конфедерация – бу тўла мустақил давлатларнинг кўнгилли иттифоқидир. Мураккаб шаклдаги давлат ҳокимиятига конфедерацияни ҳам киритиш мумкин. У муайян мақсадларда – иқтисодий, мудофаа ва бошқа соҳадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун тузилади. Бу ҳолда давлат айрим ҳукуқларини иттифоқка берса-да, ўзининг тўла суворенитетини, мустақиллигини ва бир бутунлигини сақлаб қолади.

Турли мамлакатларнинг давлат қурилиши

	Франция	АҚШ	Англия	Германия	Россия
Бошқарув шакли	Ярим президентлик, ярим парламентар республика	Президентлик республикаси	Конституциявий монархия	Парламентар республика	Президентлик республикаси
Маъмурий-худудий бўлинини	Унитар давлат	Федератив давлат	Унитар давлат	Федератив давлат	Федератив давлат

Манба: Сиёсатшунослик асослари. Матбузалар тўплами. Т., 2005.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат сифатида.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди ва давлат тинч йўл билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эга бўлди. Кўпмиллатли республика аҳолисининг иродаси «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун билан мустаҳкамланган ва бир вақтнинг ўзида умумхалқ референдуми томонидан тасдиқланган.

Республикада бошланган ислоҳотларнинг пиравард мақсади кучли демократик ҳуқуқий давлат ва барқарор бозор иқтисоди, очиқ ташқи сиёсатга асосланган фуқаролик жамиятини қуришдан иборат бўлиши керак. Фақат шундай жамияттина Ўзбекистон ҳалқининг муносаб ҳаётини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, миллӣй маданият ва анъаналарнинг тикланиши, инсоннинг шахс сифатидаги маънавий-ахлоқий ривожланишини таъминлаши мумкин»¹.

“Барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонун устуворлигининг таъминланиши – ҳуқуқий давлатнинг асосий белтилари ҳисобланади». ² Ҳуқуқий давлат – сиёсий ҳокимият ҳуқуқий (конституцион) тартибда амалга оширилиши билан характерланувчи режим қарор топган давлат типи.

Маълумки, ҳуқуқий давлат тамойили барча ҳокимият органларининг ҳуқуқ тизимларига сўзсиз бўйсуниши, ҳокимият органлари реал бўлинишининг мавжудлиги, оммавий сиёсий доирада қарор топган қатъий жамоат назоратини кўзда тутади.

Ҳуқуқий давлатнинг биринчи тамойили – жамиятнинг барча доираларида ҳуқуқ (қонун)нинг устуворлиги ҳисобланади. У мамлакат Конституцияси (Асосий қонун) билан мустаҳкамланади, унга риоя қилинишини Олий суд на бутун суд тизими назорат қиласди.

Қонуннинг ҳақиқий устуворлиги шу билан таъминланадики, олий ҳокимият томонидан қабул қилинганидан кейин уни на қонуности хужжатлари, на фармойишлар, на партияларнинг қарорлари билан бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки ўзгартириш мумкин эмас. Шу муносабат билан қонуннинг сифати ҳақидаги масалалининг ўзи кун тартибига чиқади. У инсонпарвар, адолатли бўлиши, инсоннинг даҳсиз ҳуқуқларини мустаҳкамлаши керак. Бундан мантиқан ҳуқуқий давлатнинг иккинчи тамойили келиб чиқади: шахс эрки, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ор-номус ва қадр-қимматининг пойдорлиги, уларнинг кафолати ва муҳофаза қилиниши. Шу ўринда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан тортиқ қилинади, деб ўйлаш тўғри эмас. Инсон табиатан яшаш, муносаб ҳаёт кечириш, шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва ҳоказо ҳуқуқларга эга бўлади, давлат эса уларга риоя қилинишини кафолатлаши шарт.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон: ўз янгиланиш ва тараққиёт йўли. // Ўзбекистон миллӣ истиқол, иқтисодиёт сиёсат, мафкура. Т., 1996. 39-бет.

² И. А. Каримов. Ўзбекистон келажаги буюқ давлат. // Ўзбекистон: миллӣ истиқол, иқтисодиёт сиёсат, мафкура. Т., 1996. 119-бет.

Инсон ҳуқуқтарида унинг турли-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда фаолият кўрсатиш имконияти ўз аксини топади. Ҳуқуқий давлатда барча қонунчилик ҳужжатлари инсон ҳуқуқлари билан мувофиқлаштирилади, уларнинг бузилмаслиги тамойилига бўйсундирилади.

Лекин фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг шунчаки тантанали суратда эълон қилиниши ҳали реал ҳаётда уларга сўзсиз риоя қилинишини билдирамайди. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлатнинг учинчى тамойили фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан кузатув олиб бориши ва назорат қилишнинг самарали шакллари мавжуд бўлиши, қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатларнинг нафақат мамлакат ичкарисида, балки ҳалқаро даражада ҳам амалга оширилишини тақозо этади. Жумладан, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳалқаро ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш учун БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси каби маҳсус назорат органлари тузишган.

Бунга тўргинчи тамойил – давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши ҳам хизмат қиласи – улар қонун доирасида бир-бирларини қўллайтилар ва ишларини ўзаро мувофиқлаштирадилар.

Ҳуқуқий давлатнинг бешинчи тамойили – шахс ва давлатнинг ўзаро жавобгарлиги ҳисобланади. Бу инсоннинг бир марказ бўлиб, бутун ижтимоий тартибот унинг ва манбаатларининг атрофида фаолият кўрсатишини билдиради. Қонунлар чиқарар экан, давлат фуқаролар олдида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян мажбуриятларга эга бўлади. Лекин ҳуқуқларнинг берилиши фуқаролар томонидан ҳам муайян мажбуриятларнинг бажарилиши, масалан, қонунларга риоя қилиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, солиқлар тўлаши на бошқаларни ҳам тақозо қилишини кўзда тутиш лозим. Шу билан бирга, кишилар бунга қанчалик масъулият билан ёндашсалар, улар шунчалик кенг миқёсдаги ҳуқуққа эга бўладилар.

Бинобарин, замонавий тушунчадаги ҳуқуқий давлатнинг бош негизи нафақат қонунларда, балки улар тоталитар режимларда ҳам мавжуд, балки уларни ҳурмат қилиш ва давлат томонидан фуқаролар ҳукуматларига риоя қилинишида. Таъкидлаб ўтиш жоизки, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш имконияти давлатда тегишли иқтисодий потенциал, маданият даражаси на бошқа омилларнинг мавжуд бўлишига боғлиқ. Шу билан бирга, фуқарога унинг ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасида ҳалқаро мезонлардан алоҳида чекинишларга ҳам йўл қўйилади. Лекин давлат фуқаролар учун умум томонидан қабул қилинган ҳуқуқ ва эркинликларни энг қисқа муддатларда таъминлаш йўлида мумкин бўлган барча чораларни кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат сари илк қадамлар қўйилганligини эътироф этиш керак. Инсон ҳуқуқи ва демократия каби умуминсоний қадриятлар республиканинг миллий-давлат манбаатларига, ҳалқимизнинг ўзига хослиги, унинг анъаналарига тўла-тўқис мувофиқ келади. Инсон ҳуқуқи бизнинг жамиятда нафақат қонунлар, балки ҳалқнинг ўз-ўзини англаши, унинг ахлоқий тажрибалари, азалий кўнгилчанлиги билан мустаҳкамланади.

Республика амалда инсон ҳукуқларига тааллукчи аксарият халқаро ҳукуқий битимларнинг иштирокчисига айланди. Республика парламентидан ёш мустақил давлатнинг шиккливанишини юридик жижатдан ҳар томондаги таъминлашга йўналтирилган фаол қонун ижодкорлиги фаолияти олиб борилмоқда. Даълат бошқарувининг янги, нисбатан замонавий ва самарали тизими вужудга келмоқда, унинг негизи – президент бошқарув шакли. Жойлардаги бошқарув тизимлари қайта ташкил этилди, вилоятлар, туманлар, шаҳарларда ҳокимлик институти таъсис этилди. Қонун устуворлиги, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашга қаратилган суд ҳокимиятини ислоқ қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ПАРТИЯВИЙ ТИЗИМЛАР

Режа:

1. Сиёсий партия тушунчаси, унинг келиб чиқиши ва асосий хусусиятлари.
2. Сиёсий партияларнинг функциялари.
3. Партиялар ва партиявий тизимлар типологияси.
4. Ўзбекистонда шаклланадиган партиявий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари.

1. Сиёсий партия тушунчаси, унинг келиб чиқиши ва асосий хусусиятлари.

«Партия» сўзи лотинча «partio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «ни», «қисм» деган маъноларни англатади. Сиёсий партия – аҳолининг, синфнинг, ижтимоий қатлам ёки қатламларнинг бир қисми. Унинг найдо бўлишини сиёсатшунослар буржуа демократиясининг вужудга келиш даврига нисбат берадилар. Бироқ давлатларнинг конституцияларида партия ҳақидаги моддалар фақат XX асрга келиб пайдо бўлди.

Хозирги замон жамиятининг сиёсий ҳаёти мураккаб, зиддиятли ва хилма-хилдир. Бугун бирон-бир сиёсий партия мавжуд бўлмаган давлатни тасаввур қилиш қийин. Хозирги дунёнинг аксарият мамлакатларида икки партиявий ёки кўп партияний тизимлар мавжуд.

Сиёсий партиялар сиёсий ҳокимият механизмининг фаолият кўрсатишида ишгирорк этади ёхуд унга муайян таъсир ўтказади. Улар фаолиятининг асосий жиҳати аҳоли сиёсий онгининг шакланишига таъсир кўрсатишидир.

Сиёсий партия кўп мезонли ва мураккаб ҳодиса бўлганлиги туғайли уни таърифлашга ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Умуман олганда, учта ана шундай асосий ёндашув ажратиб кўрсатилиди. Айримлар партияни кўпроқ мағкуравий бирлашма сифатида тушунадилар. Бошқалар партияни сайлов жараёни, сайловолди кураши, ҳокимиятни эгаллашга интилиш билан боғлиқ ҳолда таърифлайдилар. Марксчилар «партия» тушунчасига синфий нуқтаи назардан таъриф берадилар. Улар партияни синфнинг энг онгли, уюшган, ўз манбаатларини ҳимоя қиласидиган қисми деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб қуйидаги таърифни асос сифатида қабул қиласи мумкин: *сиёсий партия* -- фуқароларнинг энг фаол, мағкуравий муштарақлик билан боғланган, давлатда ҳокимиятни қўлга олишга интигуочи қисми, ихтиёрий иттифоқи. Ҳокимият – ҳар қандай *партиянинг асосий мақсади*. Партия қайси ижтимоий гуруҳ ёки синфнинг ташаббуси билан юзага келган бўлса айнан шуларнинг манбаатларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Партия ўз олдига қандай мақсадларни қўйган бўлса ҳам уларга ҳокимият учун кураш, ўз ҳукуматини шакллантириш ёки коалицион ҳукумат таркибитга ўз вакилла-

рини киритиш орқали эришади. Ҳукмронликни қўлга киритган партия давлатнинг бутун қурдатидан ўзига ваколат берган ижтимоий-синфий кучларнинг манфаатлари йўлида фойдаланишга интилади.

Партия бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлардан, лоббистлар тузилмаларидан айнан шуниси билан фарқ қиласи. Бу санаб ўтилганлар ҳам худди партиялар сингари сиёсий ҳаётда фаол иштирок этади, лекин ўз олдига давлатда сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ва ҳокимиятдан фойдаланиш мақсадини кўймайди.

Партиялар билан ижтимоий ҳаракатлар ўргасидаги туб фарқ шундан иборатки, партиялар давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш учун курашадилар, ижтимоий ҳаракатлар эса унда бевосита иштирок этишга даъво қилмайдилар ва шу билан боғлиқ мажбуриятларни ҳам ўз зиммаларига олмайдилар. Сиёсий партияларнинг **асосий белгиларига** куйидагилар киради: уларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши, аъзоликнинг ва муайян ижтимоий негизнинг мавжуудлиги, сиёсий дастур ва уставга эга бўлиши, партияга бирлашган кишиларнинг умумий манфаатларга ва бир-бирига яқин бўлган мағкуравий қарашларга эга бўлиши; бир ёки бир неча лидерларнинг мавжуудлиги.

Партиялар ҳақидаги илк тасаввурлар Ж. Ж. Руссо, Ш. Монтесье, Э. Берк ва бошқа улуғ мутафаккирлар ҳамда сиёсий арбобларнинг номлари билан боғлиқ. Сиёсий партиялар муаммоси М. Вебер, Г. Москва, В. Парето каби XX аср бошларига мансуб машҳур Farb социологларининг асарларида ҳам катта ўрин эгаллайди. Сиёсий партия қачон пайдо бўлган?

Тарихдан маълум бўлган дастлабки сиёсий партиялар *Қадимги Грекияда* юзага келган. Масалан, Аристотель водий партияси ва токлар партияси ҳақида сўз юритган. Албатта, у бу ўринда ҳозирги маънодаги партияни эмас, сиёсий иттифоқларни назарда тутган. Улар нисбатан кам сонли, тор доираидаги иттифоқлар ёки гуруҳлар бўлиб, ўзларининг барқарорликлари билан ажralиб турмас, ташкилий жиҳатдан ҳам мустаҳкам шаклланмаган эди. Бу сингари партиялар ўрга асрларда ҳам мавжуд бўлган.

Сиёсий партияларнинг фаолияти XIX асрга келиб, яъни овоз бериш ҳуқуқининг кенгайиши, парламентларнинг ва парламентаризмнинг пайдо бўлиши туфайли янада жонланди. Татьбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, Европанинг бир қатор мамлакатларидаги ҳозирги сиёсий партиялар тизими нинг илк шакланиш жараёни айнан ана шу даврга тўғри келади. Масалан, Буюк Британиянинг ҳозирги кундаги йирик сиёсий партияларнинг ўтмишдошлири Тори ва Вигилар XVII асрда ёки вужудта келган бўлса-да, улар ўтасидаги ўзаро муносабатлар тизими, ҳокимият учун курашини ташкил этиш механизmlари, сайловларда иштирок этишининг замонавий шаклларига XIX асрдан бошлаб ўта бошлидилар.

Сайлов ҳуқуқининг кенгайиб бориши, жамиятдаги синфий фарқларнинг кучайиши ва ижтимоий зиёдиятларнинг чукурлашуви, кенг халқ оммасининг сиёсатга жалб этилиши билан партияларнинг роли ҳам ошибб борди. Улар тобора кўпроқ сиёсатнинг асосий субъектларига айланба бошлидилар.

Демократик жамиятда партиялар ҳалқ, парламент ва ҳукуматни бир-

бири билан боғловчи энг муҳим бўғин ҳисобланади. Айнан улар орқали давлат органлари ўзларини қўллаб-куватлаши учун оммага мурожаат қилишлари, омма эса, ўз навбатида, парламент ва ҳукумат ишига, уларни шакллантириш жараёнинг таъсир ўтказиши мумкин.

Партияларнинг вужудга келиш тарихида уларнинг *M. Вебер* таклиф этган бўлинишини барча тан олган ҳисобланади. У, хусусан, учта босқични ажратиб кўрсатади: зодагонлар гуруҳи, сиёсий клуб, оммавий партия. Шу билан бирга, қайд этиб ўтиш жоизки, партиялар шаклланишининг барча босқичларини фақат икки инглиз партияси: либерал (виглар) ва консерватив (торилар) партиялар ўтган, ҳолос. Ҳозирги замон партияларининг кўпчилиги эса бирданига оммавий партия сифатида юзага келган.

Биринчи оммавий сиёсий партияга 1861 йилда Англияда асос солинган. У «сайловларни қайд этиш бўйича либерал ўртоқлик» деб аталган эди. 1863 йилда Фердинанд Лассаль Германияда «Ишчиларнинг умумгерман иттифоқи» деб аталган биринчи оммавий ишчилар партиясини тузган.

Пролетариатнинг дастлабки сиёсий ташкилотларидан бири К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан 1847 йилда Лондонда тузилган «Коммунистлар иттифоқи» эди.

Айрим партиялар умумий сайлов ҳукуқининг жорий этилиши натижасида, сайлов қўмиталари ёки бирлашмалари негизида вужудга келди, бошқалари ўзига хос ғоявий-сиёсий клублар, учинчилари биқиқлиги ва кучли ривожланган ўзаро ёрдам туйгуси билан ажralиб турувчи ўрта асрлардаги анъанавий яширин жамиятлар асосида шаклланди. Кўпчилик партиялар католик ташкилотларидан, шу жумладан, айрим монахлик орденларидан ҳам яқинларига ёрдам бериш ва уларга хизмат қилиш ғояларини мерос қилиб олдилар. Мехнаткашларнинг партиялари кўп ҳолларда касаба уюшмалари асосида юзага келар эди.

Партиялар йирик ташкилотларнинг бўлиниб кетиши ва кўплаб майда гуруҳлар ва бирлашмаларнинг кўшилиши орқали ҳам тузилган. Миллий озодлик ҳаракатлари зонасидаги кўп партиялар яширии сиёсий тўгараклардан, миллий озодлик фронtlаридан пайдо бўлган ва ҳатто айрим ҳарбий тузилмалар асосида ҳам юзага келган.

Шундай қилиб, партиялар вужудга келишининг жуда кўп йўллари мавжуд. Партиялар пайдо бўлишининг *икки асосий сабабини* кўрсатиш мумкин:

- сиёсатда иштирок этиш соҳасини анча кенгайтирган умумий сайлов ҳукуқининг жорий этилиши;

- ишчилар синфининг ташкилий жиҳатдан ривожланиши. Бунинг таъсиси икки ёқлама намоён бўлди: бир томондан, уюшаётган пролетариат парламентда ва ундан ташқарида унинг манфаатларини ҳамоя қилувчи кўплаб оммавий партияларни яратди; иккинчи томондан эса, рақобат тақозоси билан анъанавий сиёсий гуруҳларнинг сон жиҳатдан ўсиб бораётган пролетар партияларига ўзларининг тегишли тарзда трансформация қилинган ташкилий тузilmаларини қарши қўйиш зарурати пайдо бўлди.

Партиялар сиёсий қарашлари бир-бираiga яқин бўлган шахслардан таникли топган, барқарор ва сиёсий поғоналарга эга бўлган ташкилотлар. Парти-

яларнинг асосий мақсадлари у ёки бу тарзда сиёсий тизимларда ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган. Улар аъзоларининг умумий сиёсий foяла-ри асосида партияларнинг дастурлари ишлаб чиқилади ва уларда қиска, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган вазифалар белгиланади.

Партия тузилмасида қўйидаги асосий қисмларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) раҳбарлик ролини бошқарувчи олий йўлбошли ва штаб; б) раҳбарлик қўлувчи гурухнинг буйруқларини бажарувчи барқарор бюрократик аппара-тат; в) бюрократия таркибига киргани ҳолда партия ҳаётида иштирок эгувчи фаол партия аъзолари; г) партияга эргашувчи, лекин унинг фаолиятида жуда кам иштирок этувчи пассив аъзолар. Улар қаторига партияга хайриҳо бўлган-ларни ва пул-маблағ билан ёрдам кўрсатувчиларни ҳам қўшиш мумкин.

Сиёсий партия таърифининг асосида қўйидаги тўртта мезон ётади:

1. Ташкилотнинг узоқ муддат давомида мавжуд бўлиши, яъни партия узоқ муддат давомида сиёсий фаолият кўрсатишни мўлжаллайди;

2. Миллий раҳбарият билан доимий алоқада бўлиб турувчи барқарор ма-ҳаллий ташкилотларнинг мавжудлиги;

3. Марказий ва маҳаллий ташкилотлар раҳбарларининг фақат ҳокимият-га қандайдир таъсир кўрсатишни эмас, балки ҳокимият учун курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши;

4. Сайловлар ёки бошқа усувлар ёрдамида ўзининг халқ томонидан қўллаб-қувватланиши йўлларини излаш.

Биринчи мезон (ташкилотнинг узоқ муддат мавжуд бўлиши) партияни ўз асосчилари ва илҳомчилари билан бирга йўқ бўлиб кетувчи фракциялар ва тўдалардан фарқлаш имконини беради.

Иккинчи мезон (ташкилотнинг тўла миқёсла, маҳаллий погоналарни ҳам қамраб олган ҳолда фаолият кўрсатиши) партияни ташкилотлар билан мукаммал ва доимий алоқага эга бўлмагани ҳолда фақат миллий миқёсла мавжуд бўладиган оддий парламент гуруҳидан фарқлаб туради.

Учинчى мезон (ҳокимиятни амалга ошириш учун интилиш) сиёсий партиялар билан турли ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ўртасидаги фарқни белгиланига имкон яратади. Партияларнинг бевосита мақсади – ҳокимиятни эгаллаш ёки уни амалга оширишда иштирок этиш. Партиялар жамиятни ри-вожлантириш ёки қайта қуришнинг глобал концепцияларини олға суради ва уни амалга оширишга интилади.

Тўртингчى мезон (халқнинг қўллаб-қувватлашига эришиш, хусусан, сай-ловлар йўли билан) партияни таъзиқ ўтказувчи гуруҳлардан ажратиб туради, улар, олатда, сайловларда иштирок этмайдилар, парламент ҳаётида қатнаш-майдилар, фақат партияга, ҳукуматга, ижтимоий фикрга яширин таъсир кўрсатадилар. Сиёсий партиялар – шундай сиёсий бирлашмалардирки, улар ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадлари ва идеалларини жамлан-тирилган шаклда ифода этадилар, ана шу гуруҳларининг энг фаол вакиллари-дан ташкил топадилар ва жамиятда давлат ҳокимиятини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик жараённида уларга раҳбарлик қиласидилар. Улар синфларни ва бошқа ижтимоий гуруҳларни бир-бирлари билан ҳамда давлат ҳокимияти билан боғловчии воситачи институтлар сифатида намоён бўлалилар.

Сиёсий партиялар сиёсатнинг ўзича фаолият кўрсатувчи субъектлари сингари бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан бир қатор умумий жиҳатларга эга. Жумладан, муайян ташкилотнинг ҳамда ҳокимият ва бошқарув аппаратининг мавжудлиги; уларнинг аъзоларини бирлаштириб турувчи ва тарафдорларни жалб этувчи ғоявий тамойилларнинг мавжуд бўлиши; муайян дастурий қоидаларнинг қайд этилиши (улар очиқ ифодаланиши ҳам, яширин мавжуд бўлиши ҳам мумкин); аъзолар ва тарафдорлардан иборат оммавий негизнинг мавжудлиги.

Партияларни бошқа ташкилотлардан ажратиб турувчи энг асосий белги эса уларнинг давлат ҳокимияти учун, давлат сиёсатини шакллантириш ва давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш ҳукуқи учун очиқ ва аниқ ифодаланган курашга йўналтирилганлигидир.

Сиёсий партияларни моҳияти қўйидаги асосий тавсифларга боғлиқ: партияниң ижтимоий таркиби ва ижтимоий негизи; партия раҳбариятининг таркиби, манфаатлари ва мақсадлари; ташкилотнинг дастурий қоидалари; унинг сиёсий хатти-ҳаракатларининг объектив йўналтирилганлиги.

Сиёсий партия моҳиятининг энг муҳим кўрсаткичи унинг охир-оқибатда кимнинг ва қандай кучларнинг манфаатлари ҳамда қарашларини ифода этиши, ҳимоя қилиши ва ўз кундалик фаолиятида амалга оширишидир.

2. Сиёсий партияларнинг функциялари.

Сиёсий партияниң жамиятдаги функциялари ҳётдаги масалани ўрганиш унинг сиёсий тараққиётдаги ўрни ва ролини тушуниб стиш, мақсадларини яхшироқ тасаввур этишга ёрдам беради. Жамиятнинг сиёсий тизимида сиёсий партиялар қўйидаги **асосий функцияларни** бажарадилар:

- **сиёсий мақсадни белгилаш.** Мафкурани ва дастурларни ишлаб чиқарар экан, партиялар стратегияни белгилашга, фуқароларни муқобил ва бошқа хатти-ҳаракатларнинг ҳам мумкинлигига ишонтиришга интиладилар;

- **ижтимоий манфаатларни ифода этиши ва саролаш.** Манфаатларни турхулар ҳам ифода этишлари мумкин, лекин фақат партияларгина уларни марказий давлат органларининг қарорларига таъсир кўрсатадиган шаклда бир бутун қилиб бирлаштира оладилар;

- **фуқароларни сафарбар қилиш ва ижтимоийлаштириш.** Партиялар ўз фаолиятининг узоқ муддатли ижтимоий ва ғоявий-психологик асосини яратадилар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда тегишли ижтимоий фикрни шакллантирадилар;

- **ҳукмрон элитани рекрутлаш (шакллантириш).** Ҳокимиятнинг маҳаллий органларини, ҳукуматнинг аввал яширин, сўнгра эса реал таркибини шакллантирадилар; ҳокимиятнинг ваколатли органлари билан жамият ўртасидаги алоқаларни таъминлайдилар; бошқа сиёсий институтлар билан бирга давлат бошқаруви ва ижтимоий бошқарув механизмини шакллантирадилар; ҳукумат тузилмалари ва механизмларининг барқарорлигини таъминлайдилар;

- **сиёсий ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқиши.** Сиёсий партиялар фаолиятининг асосий йўналишлари орасила дастурий қоидаларни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий стратегияни ишлаб чиқиши алоҳида ажратиб кўрса-

тиш лозим бўлади. Ҳозирги замон стратегиясини ишлаб чиқишига малакали кадрлар жалб этилади.

Сиёсий партиялар ўз тарафдорлари фаолиятида бирдамликни таъминлашга, ўзларининг иттифоқчилари томонидан қўллаб-куватланишларини ташкил этишига интиладилар. Партияларнинг мафкуравий функцияси, бир томондан, фоялар ишлаб чиқишига, иккинчи томондан, «одамларни ишлаб чиқариши» қаратилган сиёсий фаолиятда ўз ифодасини топади. Партиялар ўзларига ваколат берган ижтимоий бирлашмаларнинг манфаатлари ва хоҳиши-иродасини ифодаловчи стратегик ва тактик концепцияларни ишлаб чиқишининг ташаббускорлари ва штаблари сифатида намоён бўлади. Мазкур концепцияларнинг асосий компонентлари жамиятнинг ривожланиш ва, умуман, фаолият кўрсатиш моделларидир. Партияларнинг мафкуравий фаолияти, концепциялар ишлаб чиқишидан ташқари, ана шу концепцияларни ва уларнинг мақсадларига мос келувчи бошқа фояларни кенг тарқатиш ва тарғиб этишига қаратилган. Ҳукмрон партиялар бунинг учун давлатнинг мафкуравий функциясидан ҳам фойдаланадилар.

Партияларнинг фуқароларни ижтимоийлаштириш борасидаги фаолияти уларнинг пировард мақсадлари ва уларга ваколат берган ижтимоий гурӯҳларнинг манфаатлари билан боғлиқ. Ҳукмрон партиялар улар ҳимоя қилаётган қадриятларнинг ижобий қабул қилинишини, улар тутаётган йўлнинг кенг ижтимоий қўллаб-куватланишини таъминлайдиган ижтимоийлашувни амалга оширишга интиладилар.

Ҳар бир партия учун тегинили ижтимоий бирлашмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати жуда муҳимdir. Ушбу функциянинг мазмунини мазкур манфаатларни ифодаласининг сиёсий воситаларини таъминлаш, уларни мақсадлар ва идеаллар шаклида баён қилиш ҳамда сиёсатнинг бошқа субъектлари билан ўзаро таъсир жараёнида ҳимоя қилиши ташкил этади. Манфаатларни ифода этиш ваколати функцияси турли қатламлар ва гурӯҳларнинг ўзига хос манфаатларини мувофиқлаштириш асосида ижтимоий бирликларнинг умумий манфаатларини жамлаш йўли билан ҳамда давлат органларини эгаллаш ва улар устидан назорат ўрнатиш ёки сиёсий қарорлар қабул қилиши ва амалда ҳукмронлик қилиш жараёнида ушбу органларга тазиик ўтказишнинг турли шакллари воситасида амалга оширилади.

Партия сиёсий тизимнинг ва умуман, жамият ривожланишининг мақсадлари ва сиёсий мезонларини белгиланаётда муҳим роль ўйнайди. Бу функциянинг бажарилиши ҳажми ва самарадорлиги партиянинг сиёсий тизимдаги мавқеига боғлиқ бўлади. Бу борада энг кагта имкониятларга ҳукмрон партиялар эгадирлар. Улар бутун ижтимоий тизимнинг ҳаракат йўналишини белгиловчи сиёсатни ишлаб чиқадилар ва шакллантирадилар. Партиянинг сиёсий йўлни ишлаб чиқишида интирок этиш даражаси, бу функциянинг амалга оширилиши ҳажми ва самарадорлиги партиянинг мавжул сиёсий тизимдаги мавқеини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Партиянинг ташкилотчилик функцияси муайян кадрлар сиёсагида, яъни партиянинг ўзида, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларида кадрларни танланш ва жой-жойига кўйинидан иборат фаолиятда ўз ифодасини топади. Партияларнинг ташки-

лотчилик борасидаги ушбу кичик функциясини сиёсатшунослар *сиёсий рекрутлаш* – сиёсий раҳбар кадрларни танлаш функцияси деб атайдилар. Ўзининг сиёсий кадрлари орқали партия давлат аппаратидаги бошқа ташкилотларда ўз сиёсатини ўтказади, сиёсий тизимнинг бошқа институтларига ўз таъсирини ёяди.

Партия сафларининг бирлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлашга, партия аъзолари ва тарафдорларини ўзаро яқинлаштирувчи қадриятлар ва меъёрларни ишлаб чиқишига, раҳбарликни амалга ошириш ва партия фаолиятини бошқаришга қаратилган партия ички фаолияти жуда муҳимдир.

Сиёсий партиялар фаолиятининг муҳим йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- тегишли ижтимоий гурухларнинг манфаатларини аниқлаш, баён қилиш ва асослаш, уларни фаоллаштириш ва интеграциялаш;
- сиёсий доктриналар ва дастурлар яратиш;
- давлатда ҳокимият учун курашга ва давлатнинг фаолият дастурларини яратишида, давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш;
- умуман жамиятни ёхуд унинг бир қисмини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, ижтимоий фикрни шакллантириш;
- давлат аппарати, касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш ва уларни юқори мансабларга кўтариш;
- партия ичидаги ташкилий фаолият.

3. Партиялар ва партиявиy тизимлар типологияси.

Сиёсий партиялар муайян умумий белгиларга эгадирлар. Бу ҳол уларни турли асосларда таснифлашга имкон беради. Партиялар типологиясига уларнинг синфий табиати, келиб чиқиши, ички тузилишп, аъзолик муносабатларининг ўзига хосликлари, сиёсий мақсадлари ва бошқа мезонлар асос қилиб олиниши мумкин.

Партияларни кадрлар партиялари ва оммавий партиялар сифатида таснифлаш партияларнинг кенг гарқалган типологиясилир. Бу типология XX асрнинг 50-йиллари бошида француз сиёсатшуноси *M. Дюверже* томонидан ишлаб чиқилган.

Кадрлар партиялари XIX аср ўртасида эволюция жараёнида электорал қўмиталар ва парламент гурухларидан пайдо бўлган. Улар нисбатан кам сонли эканликлари, аъзоликнинг эркинлиги билан ажralиб туради ва, энг аввали, профессионал сиёсатчиларга ҳамда партияни моддий жиҳатдан қўллаб-куватлашга қодир бўлган молия элитасига суняди. Ушбу партиялар электорал функцияларга йўналтирилган. Уларда парламент аъзолари устунлик қиладилар. Улар, одатда, либерал ва консерватив партиялардан иборат. Кадрлар партияси фаолларни, ижтимоий элиталар вакилларини бирлаштиришга қаратилган фаолият олиб боради, уларни ўз томонларига жалб қилишга интилади, чунки улар сайловчилар ўртасида обрў-эътиборга молик ёки сайлов кампанияларига кетган харажатларни қоплашга ёрдам бериш учун етарли молмулка эгандирлар. Кадрлар партияларида уларга кирувчиларнинг сонига эмас, сифатига аҳамият берилади.

Оммавий партиялар аъзолар сонининг кўплиги ва аъзоликнинг доимийлиги билан ажралиб туради. Улар кадрлар партияларидан кейинроқ, умумий сайлов хукуқининг тарқалиши билан боғлиқ равишда ва кўп жиҳатдан ишчилар ҳаракатининг тўлқинида пайдо бўлганд. Оммавий партиялар аниқ-равшан мафкуравий йўналтирилганлиги, фаолиятнинг тарбиявий шаклларидан кенг фойдаланиши, аъзолар билан турли партия тузилмалари ўртасида қалин алоқанинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Оммавий партияларга коммунистик, социал-демократик, популистик ва фашистик партиялар киради.

Кўйида партияларнинг тасниф жадвали келтирилган. Албатта, ҳар қандай типология шартлидир, шундай бўлса ҳам, у жамиятнинг сиёсий ва партиявий ҳаётидаги сохта ва турли-туман ҳодисаларни яхшироқ фарқлашга ёрдам беради (24-жадвал).

24-жадвал

Партиялар таснифи

№	Таснифлаш мечони	Партиялар тури
1.	Синфий табиатига кўра	1) ишчи партиялар; социал-демократик, коммунистик; 2) буржуа партиялари: майда буржуа, миллтий буржуа, савдо-судхўр буржуа партиялари; 3) ўрга табакалар партиялари: демократик; 4) леҳқонлар партиялари; 5) синфлараро партиялар: ишчи-дехқонлар, зиёлилар, миллатчилик, диний, трайболистик (кабила-вий) партиялар.
2.	Сиёсий фаолият воситаидаги кўра	1) кўпроқ парламентда фаолият кўрсатувчи партиялар; 2) кўпроқ парламентдан ташқарида фаолият кўрсатувчи партиялар.
3.	Мавжуд ижтимоий тузумга муносабатига кўра	1) инқолобий; 2) ислоҳотчилик; 3) либерал; 4) консерватив.
4.	Ташкилий тузилмасининг типига кўра	1) кадрлар партиялари; 2) оммавий партиялар: катъий ёки мослашувчан тарафа ташкил этилган.
5.	Жамиятнинг сиёсий тизими-лаги ўрни ва ролига кўра	1) ҳукмрон партия; 2) ҳукмрон бўлмаган партия; 3) кам таъсирига эга партия; 4) «сўлар», 5) марказчилар, 6) “Ўнглар”; 7) мухолифатдаги партия.
6.	Давлат тузилиши шаклига муносабатига кўра	1) унитар; 2) федерал; 3) айирмачи (сепаратист) партиялар.
7.	Мафкурасига кўра	1) қаттиқ мафкуралашган партия; 2) pragmatik партия.

Манба: Гафуров С. М., Ҳайдаров А. А., Тўлаганова Н. Ў. Сиёсатшунослик асослари. Ўкув Қўлланма. Т., 2005.

Партиялар ўз фаолиятлари жараённада бир-бирлари билан муайян ўзаро муносабатларга киришадилар ва бу ҳол партиявий тизим деб аталади. Барча партиялар, шу жумладан, очиқ ва ярим ошкора фаолият кўрсатувчи партиялар ҳам, мамлакат сиёсий ҳаётига таъсири катта ёки кам бўлган партиялар ҳам партиявий тизимнинг иштирокчилариdir. Шундай қилиб, **партиявий тизим** — мамлакатда мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатадиган барча сиёсий партиялар мажмуи.

Ҳозирги босқичда партиявий тизимларнинг миқдорий мезонга, яъни ҳокимият учун курашадиган партияларнинг сонига асосланган типологияси кенг тарқалди. Бундай ёндашувга кўра, барча партиявий тизимлар бир, икки ва кўп партиявий тизимларга бўлинади.

Бир партиявий тизимлар давлатнинг барча партияларини унга тарафдор бўлган битта партияга қўшиб юбориш ҳамда бутун сиёсий ҳокимиятни монополия қилишга интилиши натижасида пайдо бўлади (масалан, собиқ ССРдаги КПСС). Бир партиявий тизимда мавжуд партия у бишан бир қаторда давлат ҳокимияти учун кураш олиб борувчи рақобатга эга бўлмайди. Ягона партияга эга бўлган жамиятларни мумтоз бир партиявий тизим дейиш мумкин. Бундай кўринишдаги сиёсий тизимларга собиқ ССР, Ироқ, КХДП каби мамлакатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу тизимларда, одатда, ягона партия давлат ҳокимияти билан қоришиб кетган бўлади. Аксарият ҳолларда ҳатто партия давлат номидан иш юритиши ҳам мумкин. Бошқа сиёсий партияларнинг тузилиши қонун томонидан тақиқлаб қўйилади. Ягона партия сиёсий фаолиятни монополлаштириб олади, партиядан ташқаришаги ҳар қандай сиёсий фаолият қонунга хилоф, деб эълон қилинади. Мамлакатдаги асосий сиёсий қарорлар олий партия раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Икки партиявий тизимлар бир-бири билан рақобат қилишига қодир бўлган иккита кучли сиёсий партиянинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Уларнинг ҳар бири мустақил равишда парламентда кўпчилик овоз олишига, ўз ҳукуматини тузишга ва, шу тариқа, ҳукмрон партияга айланishiга қодирлар, бошқаси эса, бу даврда муҳолифатдаги партия бўлиб қолади. Икки партиявий тизимнинг классик намунаси АҚШ ва Буюк Британиядир. Масалан, АҚШда икки йирик партия – Демократлар ва Республикачилар мунтазам равишда ҳокимиятда ўрин алмашиб келмоқдалар. Тўғри, АҚШда учинчи партияни тувиш саъй-ҳаракатлари ҳам бўлган, бироқ улар ҳар гал муваффақиятсизликка учраган.

Кўппартиявий тизимга хос жиҳат шундан иборатки, унда иккidan ортиқ партиялар давлат ҳокимиятини эгаллаш учун реал имкониятга эга бўладилар. Бундай тизимда, одатда, парламент аъзоларининг катта қисмига таянуви коалицион ҳукумат тузилади. Кўппартиявий тизимлар Италия, Бельгия, Голландия сингари давлатларнинг сиёсий ҳаётни учун хосдир. АҚШдан фарқли ўлароқ, Farb мамлакатларининг аксариятида кўппартиявий тизимлар мавжуд бўлиб, ушбу мамлакатларда сиёсий партияларнинг сони тахминан 3 таълан 10тагача оралиқни ташкил этади. Улар қаторига Германия, Франция, Канада, Австрия, Австралия каби мамлакатларни киритиш мумкин. Уларни, шунингдек, модификациялашган икки партиявий тизимлар деб аташ ҳам мумкин, чунки бир-бирига муҳолифатда бўлган икки йирик партия учинчи партияларни ўз атрофларига бирлаштирган ҳолда ҳукумат тувишлари мумкин.

Маълумки, ҳокимият учун курашда иттифоқлар, партиялар блоклари иштирок этади. Мазкур блокларга кирмайдиган партиялар амалда ҳокимият учун курашда ғалаба қозониш имкониятига эга бўлмайдилар. Президент ва парламент сайловлари арафасида одатда икки блок – “ўнг” ва “сўл” кучлар блоки шаклланадиган Франциянинг сўнти ўн йишиклардаги ҳаёт тажрибаси шундан яққол далолат беради. Айрим мамлакатларда икки ва кўппартиявийлик шароитларда партияларнинг **кооперациялашуви тизими** деб аталувчи тизим фаолият кўрсатади. Унинг можияти шундан иборатки, партиялар ўргасидаги рақобат кураши фақат сайловларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказиш даврида олиб

борилади, кейин эса у паргиялар ұммектелілігі билан алмашинали. Бунчай вазиаттинг юзага келишига құпроқ сиёсий күшлар мувозинатинин қарор топиши, мамлакат умумий манбаатларининг, масалан, уруш хавғи муносабати билан ватанниң ұмоя қилиш кабиларнинг биринчи үринге қойиши күмак беради.

Доминация тизими деб аталуучи тизим ҳам мавжуд. Бу тизимге давлаттинг сиёсий ҳәтида алоқида үрин тутувчи партияның узлускис, узоқ муддат давомида әкимиятни амалға ошириши хосдир. Бундай қол коалиция мавжуд бўлмаган, бошқа сиёсий партиялар томонидан мухолифат заиф бўлган, анъ-анавий тарзда обрў-эътибори катта бўлган партияларни афзал кўрувчи сайлон тизимининг мавжудлиги шароитларида мумкин бўлади. Доминация тизими, мисол учун, Япония, Хиндистон ва Швецияда мавжуд.

Таъкидиаш жоизки, партийий тизимлар типологияси универсал эмас, зеро, партияний тизимлар давлаттинг ижтимоий тузумидаги ўзгаришларга мувофиқ тарзда доимий равища ўзгариб туради. Собиқ социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва МДҲ давлатларидағи партияний тизимларнинг ўзгартырилиши бунга мисол бўла олади. Мазкур давлатлarda жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузилмаларида чукур ўзгаришлар юз бермоқда, кўп partiyий тизимларнинг шаклланишидан иборат қизгин жараёнлар давом этапти.

Хозирги кунда сиёсий партиялар жамият сиёсий ҳәётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Улар бир-бирига рақобатда бўлган турли муқобил сиёсий йўналишларни ифодалайди, муайян ижтимоий гуруҳлар манбаатларини ва эҳтиёжларини ифодалайди; давлат ва фуқаролик жамиятини боғлаб турувчи кўпприк вазифасини ўтайди. Партияларнинг асосий вазифаси турли ижтимоий қатламлар ва алоқида фуқаролар ҳамда манбаатдор гуруҳларнинг қизиқиши ва инглишишларини умумлаштириб ифодалашдир. Айнан сиёсий партиялар орқали фуқароларнинг сиёсий ҳәётдаги иштироки расман таъминланади. Сиёсий партиялар аҳолига мағкуравий таъсир ўтказади, аҳолининг сиёсий онги ва маданияти даражасини оширишда муҳим хизмат қиласи. Ўзбекистонда эса жамиятни демократлаштириша сиёсий партияларнинг роли муҳим бўлмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси партияний тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистонда мустақилликнинг ilk йилларида ёк яккапartiyий диктаттга барҳам берилди ва кўп partiyий сиёсий тизимни шакллантириши мақсад қилиб олини. Бироқ бу йўл бирданига ёки дабдурустдан бирор-бир хорижий мамлакат андозасини қабул қилиш экзига эмас, балки аста-секинлик билан, босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб олинди.

1992 йил 8 декабрда Республика Конституцияси қабул қилингандан сўнг, сиёсий партияларнинг шаклланиши учун муҳим ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиляди. қисқа фурсат ичиде мамлакатимизда ҳуқуқий асосда, парламентда фаолият кўрсатувчи партияларнинг шаклланиши жараёни содир бўлди.

Мустақиллик йилларида республикада сиёсий институтларнинг, мағкуравларнинг, фикрларнинг хилма-хиллигига асосланган ва фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришида кенг иштирок этишини таъминлайдиган янги демократик сиёсий тизимнинг негизлари вужудга келди.

Ўзбекистон сиёсий партияларининг ҳозирги фаолиятини таҳлил қылган олимларнинг аксарияти шуни таъкидлайди, сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёни демократик ислоҳотлар билан, хусусан, конституциявий ва сайлов тизими ислоҳотлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган мураккаб жараёндир.

Ҳозирги пайтда республикада *бешта сиёсий партия* фаолият кўрсатмоқда. Булар Ўзбекистон ҳалқ демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармөнлар ҳаракати – Либерал-демократик партиясидир.

Мамлакатда фаолият юритаётган асосий сиёсий партиялар. Энг тажрибали, кўп сонли ва шаклланган деб, 1991 йил 1 ноябрда ташкил қилинган *Ўзбекистон ҳалқ демократик* партиясини (ЎХДП) айтиш мумкин. ЎХДПнинг II съезди 1994 йил 1 ноябрда бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Олий Мажлиси ва ҳалқ депутатларининг маҳаллий Советларига сайловлар ўтказилиши билан боғлиқ равишда Уставда белгиланган муддатдан илгари чақирилди. Унда Партия сайлововоди дастурининг масалалари, парламент депутатларига номзодлар кўрсатилиши, унинг Уставига ўзгартиришлар киритилиши кўриб чиқылди.

Шуни айтиш жоизки, бугунги кунга келиб ЎХДП сафларида 400 мингдан ортиқ аъзолар бор. Партия аъзоларининг ярмидан кўпини хизматчилар, 40 фоиздан ортигини аёллар, аъзоларнинг 50 фоизини ёшлар ташкил қиласди. Зиёлилар, хизматчилар ва талабалар аъзоларнинг 50 фоиздан кўпини, 40 фоизини моддий ишлаб чиқаришда бандлар, 10 фоизини нафақадагилар ва уй бекалари ташкил қиласди. Партиядаги ишни 60 дан ортиқ миллат вакиллари – ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар, токиклар, руслар, украинлар, татарлар, уйгурлар, туркманлар, қирғизлар, корейслар ва ҳоказолар юритадилар.

Партия ўзининг ўзбек ва рус тилида чоп этиладиган газеталарига эга. «Ўзбекистон овози» 20 минг нусха тиражда чиқади, улардан 3 мингтаси матбуот дўконларида эркин нархда сотилади. Газетанинг тахминан 80% обуна орқали тарқатилади.

1995 йил февралда ташкил қилинган *«Адолат» социал-демократик партияси* таркибида фан-техника зиёлилари, давлат муассасалари ишчилари етарли даражада кенг ифодаланган.

«Адолат» социал-демократик партияси, аввалдан ўзининг туттан ўрнини, социал-демократизмнинг умумжаҳон мафкуравий оқими билан солишибди. «Адолат» ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газетаси партиянинг бош матбуот органидир (25-жадвал).

1995 йил май ойида *«Миллий тикланиш» демократик партияси* ташкил қилинди, унинг асосий мақсади – миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш жараёнларини фаоллаштириш, аҳолини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳоказо. *«Миллий тикланиш»* партияси ўз дастурида консерватив жиҳатларга таяниб, ўзини фуқароларнинг миллий рух, дунёқараш, миллий англаш ва ватанпарварликка асосланган нуқтai назарлари ва манфатларини бирлаштирувчи, сиёсий ташкилот деб таърифлайди.

**“Адолат” СДП аъзолари сони ва бошлангич партия ташкилотлари
(2007 йил 1 октябрь ҳолатига кўра)**

Партия аъзолари сони	Партия кенгашлари сони	Бошлангич партия ташкилотлари	30 ёшгача бўлган партия аъзолари сони	Партия аъзолари ичилда Ѽёллар сони
58974	188	1700	23611 (40%)	27121 (46%)

Манба: “Адолат” СДП Марказий аппарати маълумоти.

1995 йил июн ойидан партия «Миллий тикланиш» газетасига эга. Ушбу газетанинг турли бўлимлари миллий ва умумбашарий бойликларни тиклашга, ёшларни тарбиялашга, миллий тикланиш фояларини тарғибот қилишга қаратилган.

Ўзбекистондаги ёш сиёсий партиялардан **«Фидокорлар» миллий-демократик партияси** ҳукуматнинг ҳар қандай қатламида пораҳўрлик, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчиликка қарши курашни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади. Партиянинг асосий шиори – «Ислоҳотлар ислоҳ учун эмас, инсон учун». Партия 1998 йил 28 декабрда Ўзбекистон Адлия назирлигида рўйхатдан ўтди. 2000 йил 14 апрелда у «Ватан тараққиёти» партияси билан бирлашди. Партия аъзоларининг 90 фоизга яқини олий маълумотга эга. Партия ўз сафларида иқтисодчилар, ўқитувчилар, юристлар, тиббиёт ходимлари, журналистлар, қишлоқ хўжалиги ишчилари, турли соҳадаги мутахассис меҳнаткашларни бирлашитиради.

Энг ёш сиёсий партия 2003 йилда **“Ўзбекистон ишбилиармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати – либерал демократик партияси”** (ЎзЛиДеп) ташкил топди. Унинг “XXI аср” деб номланган газетаси мавжуд. Тузилганлигига ҳали бир ёш бўлишига қармай, ЎзЛиДеп партияси 2004 йилда ўтказилган Парламент сайловларини юқори савиядга ташкил этиб, бошқа партияларга нисбатан тўлиқ устунилик қилишга муваффақ бўлди. ЎзЛиДеп 120 депутатлик ўринлари учун 120 нафар номзод кўрсатишга муваффақ бўлди. Улардан 41 нафар депутатлик ўринлари учун ўтказилган сайловларда ғалаба қилдилар ва энг кўп сонли партияний фракция тузишга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистон сиёсий партияларининг мафкуравий ластурлари таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролик жамиятини қуриш асосларини ҳисобга олган ҳолда; улар партия дастурларининг мазмунига кучли даражада тузатишлар киритилишига муҳтождир. Манбаатлар, мақсадлар, йўналишларнинг хилмажиллиги уларнинг қўшимча кучлар билан умумий мақсадларга эришиш йўлида бирлашишлари зарурлигини билдиради (26-жадвал).

Кўриб турибмизки, партияний тизим тадрижийлик асосида, бир маромада ўз такомилига етиб бормоқда. Масалан, 1994 йилги Парламент сайловларида ҳокимият органлари ва аҳолининг ташаббускор гуруҳларидан 167 нафар депутат сайланган бўлса, 1999 йилги Парламент сайловларида уларнинг сони 125 тагача қисқарди. 2004 йилги Парламент сайловларида сайланган депутатларнинг 90 фоизидан кўпроғи сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган ном-

**Ўзбекистон сиёсий партияларининг муҳом кўрсаткичлари
(2008 йил 1 январь ҳолатига кўра)**

№	Сиёсий партиялар	Ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар қенгашла-рида депутатлар сони	Ҳалқ депутатлари вилоят қенгашларидаги депутатлар гурухлари	Ҳалқ депутатларин туман ва шаҳар қенгашларидаги депутатлар сони	Жами партия адодлари ичина аслларининг нисбати	Фуқаролар ўз-ӯзини бошқарни органлари рагблари (оқсоқлар) нинг партияйий мансублиги ¹	Жами партия адодлари ичизда 30 ёшта булган ёштарнинг нисбати
1.	Ҳалқ демократик партияси	2539	13	187	37,5%	3713	25,3%
2.	ЎзЛиДеП	1889	13	175	36,2%	2386	34,4%
3.	"Фидокорлар" МДП	578	13	73	44%	235	44,1%
4.	"Миллий тикланиш" ДП	138	14	14	52,2%	92	37%
5.	"Адолат" СДП	172	7	18	46%	112	40%

Маъба: Фуқаролик жамиятни ўрганиши институтига маълумоти.

зодлардир. Энди тобора кўпроқ депутатлар партияйий мансублик асосида сайланга бошладилар. Бу эса сиёсий ҳаётда сиёсий партияларининг вазни ва нуфузи тобора ошиб бораётгандигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон сиёсий партиялари шаклланиш босқичида бўлиб, уларда ҳокимият учун кураш олиб бориш механизмлари ҳали тўлиқ шаклланмаган, уларнинг ижтимоий база доираси аниқлаб олинмаган. Чунки турли ижтимоий табақалар манфаатларининг аниқлашуви ва уларни маданий тарзда ифодалаш жараёнлари эндигина бошламоқда. Ўзбекистон сиёсий партиялари тизимидағи ушбу ҳолат вақтингчалик бўлиб, сиёсий ҳаётдаги либерализация жараёнлари чукурлашган ва фуқароларнинг сиёсий фаолигига ошиб борган сайин партиялар ўргасидаги дифференциация ҳам ортиб бораверади.

Республика ҳукумати сиёсий партияларни қўллаб-куватлашга мунтазам равишда алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Чунончи, 2006 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларининг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституцияйий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари киритилди. 2007 йил апрель ойида ушбу қонун қабул қилинди ва 2008 йил 1 январида кучга кирди. Қўйидаги жадвалда Конституцияйий қонуннинг асосий жиҳатлари берилган (27-жадвал).

¹ Жами 9971 нафар фуқароларнинг ўз-ӯзини бошқарни органлари раислари (оқсоқлар)дан 6538 нафари сиёсий партияларга аъзо, 3433 оқсоқол эса бирор бир сиёсий партияга аъзо эмас.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янала демократлаштириш ҳамда мамлакатни мөдерназияция қилишда сиёсий партияларниң ролини кучайтириш түтүрисінде" ги Конституцияның қонуннинг асосий жиһатлари

Конституцияның қонуннинг баш мақсады	Давлат бошқарувини янгилаш ва янала демократлаштириш; Мамлакатни мөдерназияция қилишда сиёсий партияларниң ролини кучайтириш.
Конституцияның қонунда күлнәйлітган янги түшүнчалар	<p>1. Парламентдеги күпчилик: Қонунчилык палатасыда күпчилик үринни эгаллаган сиёсий партия фракциясы; блок тұзаёттандырылғанда неча сиёсий партиялар фракциялары да сайловчиларпен ташиббускор гурухларидан сайланған депутаттар.</p> <p>2. Парламенттеги мухолифат: Янгидан шақкыншылықтың түттегі үзіліс (курс) да дастури ёки үннің айрым үйнөнішларынан күшилмайдыган сиёсий партиялар фракциялары, шүнгінде, сайловчиларпен ташиббускор гурухларидан сайланған депутаттар.</p>
Конституцияның қонунда парламентдеги мухолифат фракциясынин күшімчалары	Қонунчилык палатасы мастьул құмитасыннан тегишили масала бўйича маъруzasи билан бир вакытда қонун лойиҳасыннан мұқобил таҳририни киритиш; мұхқама этилаёттандырылған масалалар қозасыдан үзинин алохиди фикрини Қонунчилык палатасы ялпы мажлисингин баённомасига киритиш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин Сенаты томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолати иштирок этиши. Мухолифат фракциясынин хукуқлари парламент күпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмес.
Бош вазир номзодини тайинлаш тартиби	Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири да сайловчиларпен ташиббускор гурухларидан сайланған депутаттар билан маслаҳатлашувлар үтказилғандан сүнг Қонунчилык палатаси да Сенати тасдиқлаш учун киритилади.
Күпчилик овозини ололмаган Бош вазир номзоди	Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялары да сайловчиларпен ташиббускор гурухларидан сайланған депутаттар билан күшімчалар қасиеттеги маслаҳатлашувлар үтказилғандан сүнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни яна иккى марта тақдим этиш хукуқига эга. Бош вазир номзоди уч марта рад этилган тақдирда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчими тайинлади; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинги ёки үннің палаталаридан бирини тарқатиб юборади.
Вилоят, Тошкент шаҳар ҳоқимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби	Хоким номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Халқ депутатлары вилоятлар да Тошкент шаҳар қенгашларидаги партия гурухларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар үтказилғандан сүнг тегишили Халқ депутатлары қенгашларига тасдиқланаси учун тақдим этилади. Хоким номзоди тегишили Халқ депутатлари қенгашши депутатлары умумий сонинин күпчилик овозини олган тақдирда, тасдиқланған ҳисоблашади.
Күпчилик овозини ололмаган Ҳоқим номзодлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти номзодларини партия гурухларидан күшімчалар қасиеттеги маслаҳатлашувлар үтказилғандан сүнг бир ой ичиде яна иккى марта тақдим этиш хукуқига эга. Тегишили Халқ депутатлари қенгашши тақдим этилган ҳоқим номзодларини уч марта рад этиш тақдирда: Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят да Тошкент шаҳар ҳоқимини вазифасини бажарувчими тайинлаш;
	Тегишили халқ депутатлари қенгашини тарқатиб юбориш хукуқига эга.

Мәнба: "Халқ сүзи" газетаси. 2007 йыл 12 апрайль.

Мақкур қонунларда берилған асосий конституцияйї тәдбириларыннан амалға оширилиши сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилшини тизимидағи роли ва ахамиятини тубдан күчайтириши ва сайлов жараёнларидан фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга, ахолининг хоҳиши-иродасини ифода этиб, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантиришда беносита иштирок этишига хизмат қилиши таҳмин этилмоқда.

Ушбу янги қонунлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва жойлардаги давлат органларининг зыммасига Конституция билан юқлатылған ваколатларини амалға оширишдаги роли ва маъсулиятини күчайтириш, энг асосийси, сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳастыға ва мамлакатни янгилаш жараёнларига таъсирини оширишда ҳуқуқий механизм бўлиб хизмат қиласи (28-жадвал).

28-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінда сиёсий партиялар вазни

1994 йил 25 декабрь сайловларидан сўнг (жами 250 депутат)	1999 йил 5 декабрь сайловларидан сўнг (жами 250 депутат)	2004 йил 26 декабрь ва 2005 йил 9 январдаги сайловлардан сўнг ¹ (жами 120 депутат)
ҲДП – 69 депутат; “Ватан тараққиёти” – 14 депутат; Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ташаббускор гурӯҳлари – 167 депутат	ҲДП – 48 депутат; “Ватан тараққиёти” – 20 депутат; “Адолат” СДП – 11 депутат; “Миллий тикланиш” ДП – 10 депутат; “Фидокорлар” МДП – 34 депутат; Ҳокимият вакијатлик органлари – 110 депутат; Фуқаролар ташаббускор гурӯҳлари – 15 депутат	ЎзЛиДеП – 41 депутат ² ; ҲДП – 28 депутат; “Фидокорлар” МДП – 18 депутат; “Миллий тикланиш” ДП – 11 депутат; “Адолат” СДП – 10 депутат; Фуқаролар ташаббускор гурӯҳлари – 12 депутат

Манба: Сиёсатшунослик асослари. Матъузалар тұплами. Т., 2005.

¹ 2004 йил сайловларда иккى палаталик парламенттағы үтилиши муносабати билан Олий Мажлиснинг Қонунчылық палатасыга бўлиб ўттан сайловлар назарда тутылмоқда.

² ЎзЛиДеП партияси Олий мажлис Қонунчылық палатасида бўшаб қолган 3 нафар депутатлар үрнелари учун 2006 йил декабрда ўтказилган сайловда ҳам мувалфият қозошиб, ҳар уччала үринни ҳам қайтариб олишига муваффақ бўлди.

ИЖТИМОИЙ ГУРУХЛАР СИЁСАТНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Река:

- 1. Сиёсат субъекти тушунчаси.**
- 2. Ижтимоий гурухлар ва уларнинг сиёсатдаги иштироки.**
- 3. Жамоат бирлашмалари ва ННТлар тушунчаси.**
- 4. Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари ва ННТларнинг ривожланиши.**

1. Сиёсат субъекти тушунчаси

Сиёсат ҳаётнинг ўзига хос мухим соҳаси ҳисобланади. Аммо инсонлар ҳамиша ҳам сиёсат билан шуғулланавермайди. Айримлар сиёсий фаолият билан унчалик қизиқмасалар, айримлар эса у билан қизиқишига вақт тополмайдилар. Айни пайтда, шундай одамлар ҳам борки, сиёсатдан «четда» туришни истайдилар ёки сиёсатни сирли, тушунарсиз бир соҳа деб ҳисоблайдиганлар ҳам топилиди. Аммо сиёсатга бўлган муносабат инсон ёши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Инсон ўз меҳнат (касб) фаолиятидан қатъий назар, вақти келганида унга қизиқиш пайдо бўлиши ва сиёсий фаолият билан бевосита, фаол шуғулланиши, унинг иштирокчиси (субъекти)га айланиши ҳам табиий жараёндир.

Халқимизда шундай доно фикр бор: «Ҳар бир киши сиёсат билан шуғулланиши керак, акс ҳолла сиёсат у билан шуғулланади». Бунда қандай маъни бор. Бундан сиёсат билан инсон ўртасидаги муносабатда икки хил муносабат мавжудлигини ҳамда ҳар хил оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини англаб олиш мумкин. Инсон сиёсат билан шуғуллансанса, уни сиёсатнинг фаол субъекти сифатида, унда ўзига хос сиёсий дунёқараш, онг ва маданият ҳамда сиёсий муносабатларнинг моҳиятини идрок этадиган, сиёсий жараёнларга баҳо берадиган кўникма, малакага эга эканлигидан далолат беради.

Аксинча, сиёсат инсонлар билан шуғуллансанса, инсонда унга нисбатан «тобе» лик руҳияти устуворлик қиласади.

Бу жамиятнинг сиёсий тизими, унинг характеристи ва мазмуни билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, демократик тамойилларга асосланган жамият инсонларни сиёсатнинг субъекти сифатида, унинг бевосита иштирок этишидан кўпроқ манфаатдор.

Маъмурий-буйруқбозлиқ бошқарувига асосланган жамиятда демократик тамойиллар ривожига ўрин берилмайди. Бундай жамиятда сиёсат инсоннинг сиёсат билан шуғулланишига эркинлик бермайди.

Айрим инсонлар сиёсий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлмасалар-

да, лекин бундан у инсон сифатида сиёсат билан алоқадор эмас, у унинг ҳаётига таъсир кўрсатмайди ва ҳеч қандай мажбуриятларни ундан талаб қилишмайди деган холосани бермайди. Буни ҳисобга олиш керак.

Ҳозирги замон жамияти мураккаб ташкилий тузилишга эгаки, унда сиёсий ҳокимият муҳим вазифаларни бажаради. Масалан, ҳар бир киши (инсон) у ёки бу давлатнинг фуқароси ҳисобланишининг ўзи, уни давлат қурилишининг сиёсати билан боғлайди, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, бурчларини белгилаб беради. Инсон кундалик ҳаётида ўз хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда сиёсат билан боғланади. Бунда инсон у ёки бу жамиятда яшар экан, албатта сиёсатдан четда бўлолмайди.

Сиёсат – бу инсонлар ўртасидаги муносабат соҳасидир. Шунинг учун, сиёсатга жуда кўп омиллар, муносабатлар таъсир кўрсатади. Сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг қатнашувчилари, яъни сиёсатнинг субъекти деб ҳисобланадилар.

Ўзгаришга, ўзгариришга ёки қўллаб-кувватлашга йўналтирилган сиёсий фаолият билан боғлиқ бўлган сиёсий реаллик сиёсат объектиdir. Сиёсат субъекти сифатида, алоҳида инсонлар, социал гуруҳлар, қатламлар, истиутлар ва ҳаракатлар фаолиятда иштирок этишини билдиrsa-да, уларнинг сиёсатда туттап ўрни ва роли хилма-хил бўлади. Бунда уларнинг сиёсий муносабатлардаги иштироки, ўрни ва роли улар олдига қўйилган мақсад, унинг тамойиллари ҳамда манфаат доираси билан белгиланади. Масалан, муайян «гуруҳ манфаати» доирасидан чиқа олмаган сиёсат субъектининг манфаати давлат ҳокимиятининг беносита аралашувини тақозо этмаслиги мумкин. У сиёсий муносабатлар ва жараёнларнинг боришига сезиларли таъсир кўрсатмайди ёки сиёсий аҳамият касб эгмайди. Фақат у эътибор қаратишни ва ўз кўлами даражасида ҳал этилишини тақозо этади.

2. Ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг сиёсатдаги иштироки.

Сиёсий фаолиятда шундай субъектлар ҳамда уларнинг манфаатлар доираси мавжудки, у сиёсий муносабат ва жараёнларда, сиёсатни тўғри ишлаб чиқишида ва унга амал қилишида алоҳида аҳамиятга эта. Масалан, мамлакатда мавжуд турли хил ижтимоий қатламлар, гуруҳлар, ўрта мулкдорлар қатлами ва бошқалар; ёки миллатлар, инсонларни умумий тил, маданият, урф-одат ва анъаналар билан боғлаб, уларни бирлаштириб туради. Уларнинг ўзаро муносабатларидаги мавжуд муайян муаммолар, манфаатлар доираси ҳам ўзига алоҳида эътибор талаб қиласи. Улар жамиятдаги муайян сиёсий кучлар, партиялар, ҳаракатлар, ижтимоий ташкилотлар орқали сиёсатда иштирок этади. Муаммолар юзага келганда уни ҳал этиш учун давлат ҳокимиятининг аралашуви зарур бўлади. Сиёсатда масалан, этник ва миллатлараро муносабатлар соҳасида зиддиятлар келиб чиқмаслиги учун миллий қадриятлар ва анъаналарни саклаб қолиш билан боғлиқ табиий интилишлар ҳамда уларнинг тил, маданият ва бошқа хусусиятларини эркин ривожлантиришни ҳисобга олиш муҳим ўрин тутади.

«Айни маҳалда, – деб таъкидлайди Президент И. А. Каримов, – бир мил-

лат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқ вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баззи миллат, этнослар вакилларининг бошқаларга тақаббурлик билан менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим».

Бу мамлакатда сиёсий жараёнларни ва муносабатларни барқарорлаштириш ҳамда демократик жамият қуриш вазифаларини амалга ошириш, фуқароларнинг муайян социал гуруҳнинг хоҳиш-иродаси ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ. У сиёсатда алоҳида эътиборга олиниши лозим, зеро, у сиёсатнинг субъекти сифатида социал гуруҳлар манфаатини ўзида ўйғуналаштиради. Ўзбекистон Республикасини кўп миллатли (полиэтник) давлат сифатида унда мавжуд социал гуруҳларнинг манфаатлари аниқ ҳисобга олинаётганлигини ва миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликнинг кафолати деб мисол тарзида келтириш мумкин.

Сиёсий фикр тарихида турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатини ҳисобга олиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган фикрларни кўплаб учратамиз. Хусусан, А. Н. Фаробий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, А. Темур, А. Навоий, З. М. Бобур ва бошқаларни мисол тарзида келтириш мумкин. Масалан, Амир Темур мамлакатни мавжуд ижтимоий гуруҳларга таянган ҳолда бошқариш, уларнинг маибаатларини ўйғун тарзда ҳисобга олиш зарурлигини, ўзи шунга амал қилган ҳолда жамиятдаги 12 та тоифани ҳисобга олиб бошқарганлигини келтиради.

Мустақил Ўзбекистон давлати сиёсатида, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари билан мос равишда, унинг социал муносабатларининг негизини ташкил этувчи муайян гуруҳлар ва қатламларга жиддий эътибор билан қараб, уларнинг мақсад, манбаатлари ҳамда муаммоларини аниқ ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда амалда давлат бошқаруви тизими таркиб топди. Давлатимизда қонун чиқарувчи орган – икки палатали Олий Мажлис, сайлаб қўйиладиган маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар, Президент, Баш Вазир, Баш Вазир ўринбосарлари, тегашли ваколатта эга бўлган вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари, ҳокимлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари бор. Уларнинг пировард мақсади – халқ иродасини ва умидларини, турли социал гуруҳлар манбаатларини ҳисобга олиш ҳамда рўёбга чиқаришга қаратилган.

Фуқаролик жамиятида турли-туман ижтимоий гуруҳлар мавжуд бўлиб, улар асосан қўйидагиларга бўлинади:

- Қасаба уюшмалари.
- Ёшлилар ташкилотлари.
- Фахрийлар ташкилотлари.
- Хотин-қизлар ташкилотлари.
- Физкультура ва спорт.
- Ижодий уюшмалар.
- Диний ташкилотлар.
- Сайёҳлик уюшмалари.

- Байналмилал уюшмалар.
- Экологик ташкилотлар.
- Фан ва техника жамиятлари.
- Ватан ҳимояси ташкилоти.
- Маданият, маориф, санъат уюшмалари.

Сиёсатнинг субъекти бўлмиш *ёшлар* ижтимоий гуруҳ ёки қатлам сифатида сиёсий муносабатларда алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда ёшларга алоҳида эътибор берилётганлиги, аввало, ёшларнинг мамлакат аҳолиси таркибидаги ўрни билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, Ўзбекистоннинг келажаги ана шу социал гуруҳнинг мақсад ва ингилишларини, муаммоларини сиёсий муносабатларда аниқ ҳисобга олиш билан боғлиқ эканлигини ҳётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Республика аҳолисини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳёт соҳалари, ҳамда уларни ёш таркиби, касб йўналишиари, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва бошқа соҳалар бўйича турли социал гуруҳларга бўлиш мумкин. Бу сиёсат субъекти ва унинг иштирокчиларини ўрганишда, таҳлил этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, Республика из *кўнконфесияли жамият* эканлигига ҳам жiddий эътибор қаратиш лозим. Жумладан, ислом, рус православ, рим-католик, арман-григорян, лютеран, баптистлик, яхудийлик ва бошқа диний конфесиялар ҳам муайян ижтимоий гуруҳларни ташкил этади. Шунинг учун сиёсатда уларнинг ҳар бирининг манфаатлари алоҳида эътиборга олинмоқда.

3. Жамоат бирлашмалари ва ННТлар тушунчаси.

Ижтимоий гуруҳларнинг энг асосийлари ва ўзаги сифатида фуқаролик жамиятида турли-туман *нодавлат нотижорат ташкилотлари* (ННТ) майдонга чиқади. Илк одамлар пайдо бўлибдики, улар жамоа бўлиб яшашга ва ҳёт учун курашишга кўнишишган. Фуқароларнинг ilk нодавлат бирлашмалари қадимги цивилизацияларда вужудга келган. Қадимги Юнон ва қадимги Рим мутафаккирлари уларни белгилаш учун «шаҳар-давлат фуқароларининг ҳамжамияти» терминидан фойдаланишган. Маърифатпарварлик даври ва янги давр муаллифларининг ишларида (Пайндан тортиб, то Гегелгача) бу термин ўзгача маъно касб этди: давлат структураларига параллель бўлган манфаатларни эътиборга олган ҳолда тузилган фуқаролик бирлашмаларининг тармоғи маъносини англата бошлади. Янги тафаккур хусусий мулкчилик, бозор ва буржуазия муносабатларининг юксалиши каби янги иқтисодий воқеликни акс эттириди. XIX асрда саноат инқилоби туфайли сиқиб чиқарилган фуқаролик иттифоқлари концепцияси инқирозга учради.

XX асрнинг 20-30-йилларида Германияда, реал воқелик бой тўғаракка оид ҳёт билан фарқ қилас (немисларнинг деярли ярми у ёки бу касаба ассоциацияси ва маданий бирлашмаларнинг аъзоси эди) ва бу ҳолат демократик институтларнинг мустаҳкамланишига олиб келиши лозим эди. Бироқ бу шак-

лдаги “фуқаролик жамияти” нафақат демократия ва либерал қадриятларнинг ғалабасини кафолатламади, балки аксинча, уларга птур ҳам етказди. Веймар Республикасининг заиф сиёсий структуralари рақобатлашаётган фуқаролик бирлашмаларининг ошириб юборилган ва қарама-қарши эхтиёжларини қондира олиш ҳолатида эмас эди. Оқибатда, бу ҳолат миллиатчи, популистик ҳаракатларнинг ва «кучли қўлга» бўлган эхтиёж ҳиссининг кенг кулоч ёйишига ҳамда нацистлар партиясининг вужудга келишига замин яратди. Фуқаролик жамиятининг жипслиги ва тизимлилиги нацистлар учун динамик сиёсий машинанинг яратилиш жараёнини снгиллаштириди.

Фуқаролик иттифоқлари тоғаси Иккинчи жаҳон урушидан сўнг яна қайта кун тартибига кирди. Бу вақтда италиялик назариётчи А. Грамши фуқаролик иттифоқларининг фаолларига буржуазия диктатурасига қарши курашаёттан мустақил сиёсий ташаббусларнинг тармоғи сифатида қарашни таклиф қилган эди. 70-80-йилларда бу маънодаги фуқаролик иттифоқлари Лотин Америкаси ва Шарқий Европадаги авторитар режимларга қарши курашнинг барча шакллари учун ташкилий «бошпан» ҳисобланарди.

Шу вақтдан бошлаб нотижорий секторнинг жадал кенгайиш тенденцияси кузатилади. Шундай қилиб, Америка Кўшма Штатларида 1967 йилдаги 309 минг ННТ билан тақдослаганда, 1997 йилда икки миллиондан ортиқ нодавлат, нотижорат ташкилотлари бор эди. Иш билан банд бўлганлар умумий сонининг 13,4 фоизга яқини шу соҳага жалб қилинган эди (6,4 млн. кўнгиллиларни ҳисобга олмаганда, даромадсиз ташкилотларда ишлаётганларнинг мутлақ сони 9,3 млн. кишини ташкил этди). Нотижорат секторининг иқтисодийстдаги роли ҳақидағи тасаввурни унинг миллий даромаддаги улуши ҳам беради, яъни 1990 йилда АҚШда даромадсиз сектор улуши ялпи даромаднинг 6,8 фоизга яқинини ташкил этди, бу кўрсаткич 1985 йилдагидан 1,5 баравар юқоридир.

Мана ярим асрлирки, Япония ўзининг барқарор демократияси билан бошқалардан фарқ қиласди, бироқ унда ўта жонбозлик кўрсатиш АҚШ ва Фарбий Европаниқига қараганда нисбатан заиф. Франция ва Испания тўлиқ маънодаги демократик мамлакатларга мисол бўла олади, зеро, уларда ўта кучли давлат ва нисбатан заиф иттифоқчилик ҳаётি мавжуд; сиёсий партиялар ва демократик сайловлар механизмини бу ерда плюрализм ва сиёсий сайлов ҳукуқи таъминлайди. Баъзи бир американлик сиёсий таҳлилчилар буларнинг ҳаммаси учун Япония, Франция ва Испанияни танқид қилишади. Лекин бу мамлакатларнинг олимлари, – “фуқаро ва давлат ўргасидаги муносабатларда биз ўз анъанамизга мувофиқ равишда яшаемиз”, – деб жавоб беришади.

Нодавлат ташкилотлари, табиийки, ривожланған мамлакатларда ҳукуматга тузатувчи босим ўтказади ва маҳсус масалаларда сиёсатчиларга маслаҳатлар берган ҳолда мухим роль йўнайди. Бундан ташқари, манфаат нуқтai назаридан, бундай ташкилотлар черковлар, касаба уюшмалари, палаталар, спорт клублари ва бошқалар сифатида кенг атзолик базасига ва ўзларининг ички молиявий манбаларига эга. Улар ўз атзоларини ўзларига мутлақо алоқадор бўлмаган, сараланган фаолларнинг ниҳоятда тор қатламидан рекрут қили-

шади (жалб қилишади ёки ёллашади) ва бу фаоллар уларнинг номидан иш кўришишади.

XXI аср бошларидан фуқаролик иттифоқларининг тармоғи глобаллашиб бормоқда. Пиёдаларга қарши қўйиладиган миналарни таъқиқдаши бўйича Халқаро компания ёки «Чегара билмас шифокорлар» ташкилотининг мувафақиятлари амалда трансмиллий фуқаролик жамиятининг шаклланишига, глобал (умумбашарий) фуқаролик сиёсатининг юзага келишига олиб келди. Аммо жамоатчилик бирлашмаларининг глобаллашуви тўғрисидаги хуносалар маълум маънода босиқлик билан қабул қилиниши лозим, зеро, биринчидан, трансмиллий фуқаролик жамияти туюлиши мумкин бўлгани каби унчалик янги эмас, улар ўтмишда ўзининг кўтарилиш ва инқироз даврларига эга бўлган. Ўз даврининг сиёсатига улкан таъсир эта олган шундай жамиятлар бўлган. Масалан, рим-католик черкони, тинчликни ҳимоя қилиш ҳаракати, Пагуош ҳаракати. Иккинчидан, ривожланаётган ва янги мустақил давлатлардаги “фаол ҳаракатлар”нинг аксарият кўпчилиги Farb бирлашмаларининг соғи нусхаси ёки чет эл ноҳукумат ташкилотларининг атиги филиаллари, холос. Уларнинг «глобаллиги» шубҳали ва ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Учинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг глобаллашуви ҳам миллий давлатлар доирасидаги бирлэшмаларнинг фаолияти каби муқаррар эмас. Уларнинг фойдали ёки заарлилиги (мавжуд) вазиятта боғлиқ. Ахир нафақат барча мамлакатларнинг ҳуқуқ ҳимоячилари бирлашмоқдалар, балки экстремистик гурӯҳларнинг мувофиқлашуви ҳам ошиб бормоқда, жиноий дунё ўзаро лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида жиспланишади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда номланади. Жумладан, ноҳукумат ташкилотлари, нотижорат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлари. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича бундай бирлашмалар нодавлат нотижорат ташкилотлари деб номланади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти деганда, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда тузилган, ўз фаолияти давомида фаяқат фойда олишини ўз олдига асосий мақсад қўймаган ва олинган фойданни унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўз-ўзини бошикара оладиган ташкилот тушунилали.

ННТларининг 4 та асосий белгилари бор:

1) ўзини-ўзи бошқариши;

2) жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрий равишда ташкилот этилиши;

3) ўз фаолиятидан фойда олишини кўзламаслик;

4) ННТлар фойда олиши мумкин, аммо фойда аъзолар томонидан бўлиб олинмайди, балки Низомда кўрсатилган вазифаларни ҳал этишга сарфланали.

Хўш, ННТлар нима учун керак? Давлатнинг ўзи барча соҳаларни назорат қиласа бўлмайдими? Биз давлатга солиқ тўлаймиз, давлат эса бизларнинг ижтимоий муаммоларимизни ҳал этади. Ҳамма ўз бурчини бажаради. Бир жиҳатдан бу тўғри фикр. Ҳақиқатдан ҳам, давлат ижтимоий муаммолар билан аввало ўзи шуғулланади. Аммо дунёда ҳеч бир давлат жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ёлғиз ўзи тўлиқ ҳал эта олмайди. Чунки ижтимоий соҳа жуда

кенг таълим, фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш ва ҳк. Буларнинг барига давлатнинг маблағи, салоҳияти етмайди.

ННТлар қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

- давлат харажатлари (бюджети)ни иқтисод қилишга кўмаклашади. Чунки ННТлар давлат бюджетидан маблағ олмайди, (грант орқали) олган тақдирда ҳам ижтимоий муаммоларни анча камхарожат ҳал этилишига эришади;
- жамиятда мавжуд ички (ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий) муаммолардан ўз вақтида хабардор қилади;
- ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида янги тажрибаларни ўрганиди ва уларни татбиқ этади;
- жамиятда юзага келадиган ижтиомий-иқтисодий муаммоларни ечишда фаол иштирок этади ва ҳ. к.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек, бошқа демократик қадрятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва таълим соҳасидаги мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эътиёжларни қондириш, хайрия ишларига оид фаолиятни амалга ошириш учун ва бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлаган ҳолда тузилади. Ривожланган мамлакатларда ННТ раҳбарлари ва ходимларини давлат тузилмаларига ишта қабул қилиш амалиёти кенг тарқалган. Нотижорат ташкилотлари иш жараённида улар томонидан эгалланган амалий тажриба аҳоли ва ҳудуд муаммоларини чукурроқ англашга, уларнинг ечимини тонишда янада кенгроқ дунёқарашга эга бўлишга, янги ностандарт механизmlарни қўллашга имкон яратади. Демак, ННТ нафақат жамиятнинг кадрлар ресурсига айланиб бормоқда, балки у давлатнинг кадрлар резерви (захираси) ҳамdir.

Шундай қилиб, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, давлат функцияларини аста-секин жамоатчилик ташкилотларига топшириш жараёни юз беряпти; иккинчидан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги вазифаларни ҳал қилишда нодавлат фуқаролик институтлари ролининг юксалиш тенденцияси ортиб бормоқда; учинчидан, маҳаллий аҳамиятга молик вазифаларни давлатлараро фуқаролик органлари орқали ечиш йўналишлари пайдо бўляпти; тўртинчидан, таълим ва маданият, шунингдек, ахборот технологияларини тарқатиш соҳасида фуқаролик институтларига қизиқиши кучаймоқда; бешинчидан, кенг миқёсли, халқaro, трансмиллий ноданлат нотижорат ташкилотлар пайдо бўлмоқда.

4. Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари ва ННТларнинг ривожланиши.

Ўзбекистонда фуқаролар бирлашмаларининг ривожланишини шартли равишда бир неча даврларга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич, мустамлака бўлгунга қадар ўтган давр. Бу босқич таҳминан XIX асрнинг 60-йилларигача бўлган даврни қамраб олиб – деҳқонлар (миришкорлар), хунармандлар, халқ ичидаги юрувчи санъаткорларнинг нонпрессионал бирлашмаларини ўз ичига олади. Ҳашарни жамиятдаги хусусий ёки ижтимоий муаммони ҳал қилишда ўзбек халқининг ёнг қалимий анъанаси, вақтинчалик фуқаролик меҳнат иттифоқи шакли леб ҳисоб-

лаш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришнинг ўзига хос модели мавжуд бўлиб келган ва ҳозирда ҳам амал қилмоқда, бу – маҳалладир.

Иккинчи босқич, мустамлакачилик даври, яъни колониал босқич (1865-1917 йиллар) сиёсийлашган жамиятлардан иборат эди. Бу жамиятлар чоризм ва маҳаллий бошқарув ҳукуматининг зулмига қарши қаратилган эди. Шунингдек, манфаатлар асосида тузилган турли адабий тўгараклардан иборат эди (масалан, зиёлилар йигиладиган бедилхонлик, машрабхонлик, навоийхонлик кечалари). Бу даврда ҳаттоқи, археология, сайроқи қушлар ихлосмайдарининг маҳаллий тўгараклари, шашмақомчилар жамияти ва бошқалар тузишли. Барча тўсиқларга қарамасдан, сўфийларнинг диний жамоатлари ҳам фаолият кўрсатиб келган. Табийки, мустамлака режими ўзга тоянинг ҳар қандай кўринишини, миллий уйғониш ва фуқаролар мустақил фаолиятини ҳар томонлама бўгишга ҳаракат қилди.

Учинчи босқич, «совет» мустамлакачилиги даври (1917-1985 йй.). Мазкур босқич совет ҳокимияти томонидан «коммунизм қуриш ишида ҳалқнинг сиёсий фаоллигини» бутун дунёга кўрсатиш мақсадида фойдаланилди. Булар :

- ихтирочилар ва рационализаторларнинг илмий-техник жамияти, радиохаваскорлар илмий-техник жамияти, «Билим» илмий-техник жамияти ва бошқалар;

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида – «Динамо» жамияти, «Спартак» жамияти ва бошқалар;

- ногиронларнинг жамиятлари – Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ва бошқалар;

- қизиқиши бўйича – Шахматсеварлар жамияти, Овчилар ва балиқчилар уюшмаси ва бошқалар;

- профессионал соҳада – Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси, Ўзбекистон ёзувчилар иттифоқи ва бошқ. ;

- ташқи-сиёсий тарғибот соҳасида – Тинчликни сақлаш қўмитаси, Осиё ва Африка ҳалқлари билан бирдамлик қўмитаси ва бошқ. ;

- маданий-тарихий соҳада – Тарихий ва маданий ёлгорликларни ҳимоя қилиш Ўзбекистон жамияти ва бошқ. ;

- гуманитар соҳада – Ўзбекистон Қизил Ҳоч ва Қизил Яримой жамияти, Сув (ҳавзалари)да қутқариш Жамияти ва бошқалар.

Унбу ташкилотларнинг ҳаммаси расмий характерга эга бўлган – табиийки, буни аҳолидан сир тутиш қийин эди, зеро, аҳоли орасида уларга нисбатан икки томонлама ёндашув шаклланди: бир томондан, ҳамма уларнинг зарурлигини тушунарди, бошқа томондан эса, уларнинг фойдасиз эканлигини кўришили (ёки шунга гувоҳ бўлишди). Совет ҳукумати бу бирлашмаларнинг ҳар қандай сиёсийлашувига ниҳоятла эҳтиёткорона муносабагда бўлган. Айниқса, ушбу жамоатчилик бирлашмаларига уларнинг деярли бефойда эканлигини намоён қилган аъзоликнинг «ихтиёрий-мажбурий» характеристи оламларнинг ғашига тегар эди.

Тўртминчи босқич 1985 йилда бошланиб, 1991 йилгача давом этди. Бу даврда «қайта қуриш» орқали «социализмни янгилаш» ғояси остила фуқа-

ролик иттифоқларининг ривожланган моделини қуришга ҳаракат қилинган. Лекин вазият коммунистик режим назоратидан чиқиб кетди. Бу ҳолат, биринчидан «жараённинг бориши»га умумий Кремль кайфиятини ва мамлакатда умумий бошқарувсизлигни акс эттириди, иккинчидан, жамоатчилик бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий механизмлари йўқлиги ва учинчидан, бундай бирлашмаларни молиявий таъминлаш имкониятининг йўқлиги аён эди.

Аммо шу даврда Ўзбекистонда мамлакатнинг олий раҳбарияти бошлилигидаги соғлом кучлар давлат мустақиллигига эришишда том маънодаги жамоатчилик бирлашмаларининг ролини инобатга олган ҳолда, уларнинг ривожланишига замин ҳозирлади. Шундай қилиб, Президент И. Каримов ташаббусига кўра, ҳали 1991 йилнинг ёзиданоқ, жамиятда аёллар роли ва, айниқса, мамлакатда демографик вазиятнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қайта тикланиди. 1995 йилнинг мартаидан жамоатчилик-давлат мақомини олган бу ягона ташкилот ўз структурасида вертикал иерархия тизимиға эга бўлди: вилоят қўмиталари -- 14, туман қўмиталари -- 170. Хотин-қизлар қўмиталарининг барча раҳбарлари маълум даражадаги ҳоким ўринбосарлари саналади. Бугун мамлакатимизда 91 та хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Уларнинг 55 фоизи таълим йўналишидаги лойиҳалар билан ишламоқда.

Ўзбекистондаги ННТлари тараққиётининг *бешинчи босқичи* 1991 йилнинг сентябридан бошланиб, 1996 йилгача, яъни ижтимоий-сиёсий ва ижтилоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида либерализация жараёни бошлангунга қадар давом этди. Унинг асосий хусусиятлари: *биринчидан* -- жамоатчилик бирлашмаларининг мазмун ва функцияларининг ўзгариши; *иккинчидан* -- совет структураларининг демократик структураларга оддий трансформацияси қилинишининг тутатилиши (КПни ҲДПГа, Ёшлар Иттифоқини «Камолот» жамғармасига ва ҳоказо); *учинчидан* -- баъзи бир собиқ совет структураларининг шунчаки йўқолиб кетиши.

1996 йилдан бошланган *олтинчи босқич* билан амалдаги жамоатчилик бирлашмалари мустаҳкамланди ва мустақиллик, демократия, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти руҳига мос янги ташаббускор иттифоқлар яратилиба бошланди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳам айнан Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Биз фуқаролик жамияти қуришга интилоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожланиб борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалқа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»¹.

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба ўюшмалари, сиёсий партиялар, олимларининг жамиятла-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий таъмиyllари. Т., 1995. 14-бет.

ри, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари **жамоат бирлашмалари** сифатида эътироф этилади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 56-модда, 13-боб).

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида «жамоат бирлашмаси» тушунчаси ишлатилган бўлса-да, 90-йилларнинг ўрталарига келиб, кўпроқ «нодавлат ташкилот» ёки «учинчи сектор» тушунчаси ҳам (яъни, биринчи сектор – давлат ташкилотлари, иккинчи сектор – тижорат ташкилотлари) кўлланила бошлади.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқариш ташкилотидир”!

Бугун Ўзбекистонда бир қатор жамоат бирлашмалари фаолият олиб боради. Жумладан, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият тарбибот маркази, «Соёлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, “Нуроний” жамғармаси ва бошқалар (28-жадвал).

29-жадвал

Ўзбекистонда ННТларнинг ривожланиш динамикаси ва улар фаолиятининг ҳукуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида ННТлар фаолиятининг ҳукуқий асослари	Ўзбекистон Республикаси 13-моддаси “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”; “Жамоат бирлашмалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни” (1992); «Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳукуқлари ва кафолатлари тўғрисида» (1992); «Сиёсий партиялар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни» (1996); “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий бирлашмаларнинг низомларини қайд қилиш тартиби тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1999); “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни” (1999); “Ижтимоий жамғармалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни” (2003); “ННТлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни” (2007).
Ўзбекистон Республикасида ННТлар сонининг ошиб бориши	1992 йилда 300 та ННТ; 2003 йилда 3000га яқин ННТ; 2007 йилда 5000 дан зиёд ННТ.

Маъба: Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти маълумоти.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни 2-моддаси.

Мустақиллик йилларида фуқаролик иттифоқларининг ташкил этилиши ва фаолиятини тартибга солувчи қонунчиллик базаси яратилди. Хусусан, 1991 йилнинг 15 февраляда «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» қонун қабул қилинди (1992 йил 3 июль ва 1997 йил 25 апрелда ўзгартиришлар киритилди). Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан сўнг бу жараён Асосий Қонуннинг 13, 56-62-моддалари билан тартибга солина бошланди. 1992 йилда «Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида» қонун қабул қилинди. 1996 йилда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун, шунингдек, 1996 йилда «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий бирлашмаларнинг низомларини қайд қилиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

1999 йил апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни, 2004 йилда “Сиёсий партияларни моли-ялаштириш тўғрисида” қонуни қабул қилинди. Энг сўнгтиси 2007 йил январь ойида “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” қонун қабул қилинди.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда республикаизда адлия органлари томонидан **5000 дан зиёд** нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда **50 дан** ортиқ халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхона, филиаллари давлат рўйхатига олинган¹.

Ўзбекистонда вазифа ва функцияларига кўра бир-бираидан фарқланувчи, иштирокчилар оммавийлигига ва моддий-техника имкониятларига қараб қўйидаги ташкилотларни ННТ тоифасига киритиш мумкин:

- жамоат бирлашмалари;
- ижтимоий фондлар;
- асоциациялар;
- ўз-ўзини бошқариш органлари.

1995 йилда киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мулоғиқ, истеъмолчи кооперативлар шаклидаги юридик шахслар ҳам нотижорат ташкилотларига киради.

Умумэтироф этилган таснифга кўра, Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлари қўйидаги гуруҳларни ўз ичига олади:

Биринчи гурӯҳ – аҳолининг муайян иирик тоифаларининг ижтимоий манбаатларига хизмат кўрсатилига ихтисослашган умуммиллий структураплар («Маҳалла» фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, Ногиронлар асоциацияси, «Камолот» ёшлилар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» фахрийлар фонди ва бошқалар).

Иккинчи гурӯҳ – экология, маданият ва саломатликка ихтисослашган

¹ “Халқ сўзи”. 2006 йил 19 декбрь.

миллий-халқаро фонdlар («ЭКОСАН» фонди, «Олтин мерос» фонди, «Соғлом авлод учун» фонди, Амир Темур маданий-тариҳий фонди, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш фонди, Оролни құтқарыш фонди, Марказий Осиё мамлакатларининг фан ва маданият ходимлари фонди ва бошқалар).

Учинчи гурұx – профессионал манфаатларға оид ижтимоий муассасалар, улардан эң күзгә күринганлари қойыдагилар: «Ижтимоий фикр» маркази, «Маънавият ва маърифат» жамоатчылык маркази, Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро маркази ва бошқалар.

Тұрттынчи гурұx – умуммиллий хайрия жамиятлари, фонdlар (Болалар фонди, «Улугбек» иқтидорли ёшларни құллаб-кувватлаш фонди, Ўзбекистон миллий рақс фонди, «Устоз» Республика фонди, Мехрибонлик үйлари тарбиялануучиларини ижтимоий ҳимоялаш фонди, Республика студентлар фонди ва бошқалар).

Бешинчи гурұx – ҳуқуқни ҳимоя қылуучи ноҳукумат ташкилотлари (Ўзбекистон судьялар ассоциацияси, Ўзбекистон адвокатлар ассоциацияси, Ўзбекистон аёл юристларининг жамоат бирлашмаси, Шахс ҳуқуқити ҳимоя қилиш қўмитаси, Йнсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон мустақил ташкилоти ва бошқалар).

Олтинчи гурұx – ижодий интеллигенциянинг миллий жамоат ташкилотлари (Ёзуучилар уюшмаси, Ўзбек химия жамияти, журналистлар иттифоқи, ракка қарши жамият, Бастиорлар уюшмаси, Меъморлар (архитекторлар) иттифоқи, Кинематографчилар иттифоқи ва бошқалар).

Еттінчи гурұx – Ўзбекистонда истиқомат қилаётган майдап миллат нақилларини бирлаштируучи миллий маданият марказлари (юздан ортиқ) – маданият, маънавият, урф-одатлар ва анъаналар, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан тузилган дўстлик жамиятлари.

Саккизинчи гурұx – жойларда ижтимоий аҳамияти ва ижодий қизиқишига кўра ташкил этилган бирлашмалар (Уруш фаҳрийлари бирлашмаси, Автомотоҳаваскорларнинг кўнгилли жамияти, Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти, Сайёҳлар ва ҳаваскорлик қўшиқларининг клублари, Ногирон болалар ота-оналарининг уюшмаси ва бошқалар).

Шундай қилиб, республикада жамоатчылык ташкилотларни ривожлантириш ўзининг янги тараққиёт босқичига қадам қўйдики, бу босқич ННТ тикланиш жараёнининг фаоллашуви ва улар сонининг ошиши билан характерланади. Бироқ кўп сонли нолавлат ташкилотларининг пайдо бўлиши ҳали уларнинг барқарор фаолияти ва ҳаётий яшовчанлигидан далолат бермайди. Бу, биринчидан, ННТ ўз ғоялари ва давлат ҳокимияти органлари олдидаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир эмаслиги, уларнинг профессионализм даражасининг, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг настлиги ва ҳоказолар; иккинчидан, кўпчиллик ННТ олдиларига қўйган мақсалларининг фойда олишга йўналтирилганлиги; учинчидан, ННТ мазмун ва моҳиятини жамоатчиллик томонидан (ҳали) яхши англаб етилмаганлиги ва бошқалар билан ифодаланади.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда юртимиизда муайян ижобий иш-

лар ҳам амалга оширилди. Масалан, 2003 йилдан бошлаб “Фуқаролик жамиятимиш ўрганиш институти” фаолият юритиб келмоқда. Бу институт томонидан халқаро ва миллий ННГлар ҳамкорлигига бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, 2005 йилнинг май ойидан бошлаб “Ўзбекистон нодавлат хотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси”га асос солинди. 2006 йилда ассоциациянинг ННГларни қўллаб-куватлаш фонди томонидан 19та лойиҳа бўйича 73 млн. сўм миқдоридаги грантлар ажратилди¹.

Хулоса қилиб айтганда, ННГлар айни кунда жамиятимиздаги фаол кучлардан бирига айланмоқда. Бу жараёнларни янада жонлашириш учун эса, энг аввало, улар фаолиятини аниқ мақсадлар (давлат ва жамият манфаатлари)га йўналтириш ва бу орқали уларнинг жамоатчилик орасидаги обрў-эътиборини ошириш лозим.

¹ Миллий манфаатларимиз йўлида. // “XXI аср”, 2006 йил 6 апрель.

САЙЛОВ ТИЗИМЛАРИ ВА САЙЛОВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Режа:

1. Демократик жамиятда сайловларнинг ўрни.
2. Сайловларнинг функциялари.
3. Эркин, демократик сайловларнинг асосий тамойиллари.
- 4 Сайлов тизимлари ва сайлов жараёнининг асосий босқичлари.
5. Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

I. Демократик жамиятда сайловларнинг ўрни.

Сайловлар демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Улар фуқароларнинг сиёсий хоҳиш-иродасини ифода этиш орқали ҳокимият ва бошқарув органларини шакллантириш мезони ҳисобланади. Сайловлар натижасида сайланган номзодлар ҳокимият ваколатларига эга бўлишиади. Сайловлар *кенг (умумхалқ) миқёсли ва тор (жамоавий) миқёсли* бўлиши мумкин. Кенг миқёсли сайлонларда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органларига номзодлар сайланади. Тор миқёсли сайловлар давомида турли демократик институтлар ва ташкилотлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, кўнтилли жамиятлар, акциядорлик компаниялари, касаба уюшмалари ва бошқа шу каби жамоаларнинг бошқарув органларига номзодлар сайланади.

Сайловлар накиллик демократияси шароитида кенг қўлланилади ва аксинча, бевосита демократия шароитида эса сайлонларнинг аҳамияти уччалик юқори эмас. Чунки бевосита демократия шароитида ҳокимият сайланган вакиллар орқали эмас, балки фуқароларнинг бевосита иштироки орқали амалга оширилади. Буни Қадимги Афина давлати мисолида кўриш мумкин. Бу ерда республика аҳамиятига молик энг муҳим масалалар – жумладан, солиқларнинг миқдори, урун ва тинчлик масалалари, судьялар ва ҳарбий қўмандонларни алмаштириш, ҳудудий яхлитлик каби масалалар барча фуқароларнинг иштирокида ҳал қилинган. Ҳозирги жамиятларда Қадимги Афина республикасига ўхшаб барча фуқароларни бир майдонга тўлғаб, у ёки бу масалага доир уларнинг фикрини билиш жуда мураккаб иш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, олдин ҳалқнинг вакиллари сайлаб олинади ва ундан сўнг ана шу вакиллар ҳалқ номидан ҳокимиятни амалга оширади. Бу эса сайлонларнинг юқори аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Замонавий демократия шароитида сайловлар ҳалқ суверенитетини ва ҳалқнинг ҳокимият манбаи сифатидаги ролини намоён этишнинг асосий шакли ҳисобланади. Шунингдек, сайловлар турли ижтимоий гурӯҳлар ман-

фаатларини ҳокимият органларида акс эттиришда мұхим ўрин тутади. Умум-халқ сайловлари ҳар бир фуқарони жамият тақдирига бепарво бўлмасликка ундейди. Аксарият фуқаролар учун сайловлар жамият сиёсий ҳаётида иштирок этишнинг бирдан бир воситаси ҳисобланади. Айнан сайловлар орқали оддий фуқаролар ҳокимиятга таъсир этиш, Парламент ва ҳукумат аъзолари-ни алмаштириш, уларнинг халқ олдидағи жавобгарлигини таъминлаш, сиёсий курсни ўзгартириш имконига эга бўладилар.

2. Сайловларнинг функциялари.

Илмий адабиётларда сайловларнинг қуйидаги функциялари ажратиб кўрсатилган:

1) Аҳолининг турли-туман манфаатларини ифодалаш, яъни *артикуляциялаш ва агрегациялаш функцияси*. Сайловлар фуқароларнинг ўз манфаатларини англаб олишлари ва ушбу манфаатларнинг сиёсий партиялар на алоҳида номзодлар дастурларида ифодаланиши учун қулай замин яратади. Сиёсий партиялар на алоҳида номзодлар ўз сайловолди платформаларида энг мұхим ва долзарб муаммоларга катта эътибор қаратадилар ва номзодларнинг ишончини қозонишга ҳаракат қиласидилар. Гарчи депутатларнинг айримлари сайловолди кампанияси даюомида берган наъдаларини қисман ёки бутунлай унтиб қўйсалар-да, бироқ, умуман олганда, депутатлар ахлоқий меъёрлар доирасида ҳаракат қиласидилар, зиммаларицаги мажбуриятни шараф билан бажаришга, ўз партияларининг обрўсини тўкмасликка ва наебатдаги сайловларга муносиб қатнашишга интиладилар.

2) Ҳокимият институтлари устидан *назорат қилиши функцияси*. Сайловлар натижасида ҳукумат устидан назорат қилувчи мұхим институт – Парламент вужудга келади. Бундан ташқари, сайловларнинг ўзи ҳам қайсишир маънода назорат институти бўлиб, сайловчиларга ҳукуматни қисман ёки бутунлай янгилаш, ҳукумат таркибиға мұхим таркибий ўзгартиришлар киритиш, мавжуд сиёсатни ўзгартириш имконини яратади.

3) Турли қараашларни *жиспластириш ва умумсиёсий иродани шакллантириш функцияси*. Замонавий жамиятда плюрализм, яъни фикрлар хилманилиги ҳадсиз-худудсиз эмас. У анархияга, бошбошдоқлик ва ижтимоий кризисга олиб бормаслиги учун давлат томонидан бошқарилиши зарур. Сайловлар ёрдамида кўпчилик фуқароларнинг муайян сиёсий платформага эга бўлишлари ва унинг лидерлари атрофида бирлашуви таъминланади, ҳукмон сиёсий ирода аниқлаб олинади. Ушбу сиёсий ироданинг ифодаланиши ҳукуматга куч ва нуфуз баҳш этади ҳамда унинг ишчанлигини оширади.

4) Сиёсий тизимни *легитимлаш ва барқарорластириш функцияси*. Сайловлар фуқаролар ишончини оқламаган ҳукуматни алмаштириш имконини беради. Акс ҳолда муайян ҳукумат ва у олиб бораётган нооқил сиёсат туфайли фуқаролар бутун сиёсий режимни рад этишлари мумкин. Демак, сайловлар сиёсий тизимнинг бекарорлашуви ва бухронга юз тутишига йўл қўймайди ҳамда кризис ҳолатлари, инқилюбий ҳаракатлар, деструктив интилишларнинг олдини олишга хизмат қиласидилар. Сайловлар ёрдамида нафақат сиёсий тизим, балки парламент, ҳукумат ва бошқа

ҳокимият структуралари легитимлашади, уларнинг давлатни бошқаришда-
ти ҳуқуқи тан олинади.

5) Ҳокимият институтлари ва фуқаролар ўргасидаги ўзаро **алоқаларни
кенгайтириш функцияси**. Сайлов жараёнида номзодлар мунтазам равишда фу-
қаролар билан учрашадилар, уларни қизиқтираётган ёки қийнаётган муам-
моларни эшитадилар, ўз сайловолди дастурларига тузатишлар киритадилар.
Сайловлар фуқаролар ва ҳокимият ўргасидаги ўзаро мулоқот учун муҳим канал
ҳисобланади. Сайловлар туфайли давлат раҳбарлари ва аҳоли ўргасида ўзаро
ишонч, тушуниш ва ҳамжиҳатлик вужудга келиши мумкин.

6) Тинч, институционаллашган йўллар орқали **сиёсий мажароларни ҳал
қилишга йўналтириш функцияси**. Сайловлар қарама-қарши манфаатлар, қал-
риятлар, ғояларни халқнинг очиқ ҳукмига ҳавола этиди, ижтимоий фикр
кучи ва давлат институтларининг нуфузи орқали қарама-қарши томонларни
кескин қарорлар чиқариш, радикал талабларни илгари суриси ва ноқонуний
хатти-ҳаракатлардан фойдаланишдан сақланишга унрайди.

7) Сайловчиларни долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга **мобили-
зациялаш функцияси**. Фуқароларга ўз дастурини тушунтириш, одамларни у
ёки бу сиёсий қадриятлар ва мақсаалларни қабул қилишининг нечоғлик муҳим
эканлитига ишонтириш, уларни амалга ошириш усулларини кўрсатиб бе-
риш орқали партиялар ва алоҳида номзодлар аҳолининг кенг қатламлари ва
ижтимоий фикрни мамлакат учун муҳим бўлган ишларни бажаришга сафар-
бар этадилар.

8) Аҳолини **сиёсий социализациялаш**, унинг сиёсий онгини ва сиёсий
маданиятини юксалтириш функцияси. Сайлов жараёнида фуқаролар сиёсий
қадриятлар ва меъёрларни янада кўпроқ ўзлашибадилар, сиёсий билим на
тажрибаларини кенгайтирадилар. Сайлов жараёнида сиёсий ахборот ва таш-
виқотларнинг ҳажми кескин ошади, турли-туман сиёсий-тарбиявий ишлар
кўлами кенгаяди, одамларнинг эътибори долзарб сиёсий муаммолар ва уларни
ҳал қилиш йўлларига жалб қилинади. Сайловчилар муносиб номзодларни тан-
лаш билан параллель равишда ўзлари ҳам маълум маънола муайян сиёсий
кучга тарафдор эканликларини хис этадилар.

9) **Сиёсий элитани етиштириб бериш (рекрутлаш) функцияси**. Сайлон-
лар фуқаролар ичидан сиёсий элита сафларига кириши мумкин бўлган иқти-
дорли шахсларни аниқлашда катта ёрдам беради. Сайловлар натижасида эли-
та сафлари янгиланади, сиёсий партиялар ва вакилларининг сиёсий ҳаётдаги
вазни ҳам ўзгаради.

10) Муқобил сиёсий дастурларнинг ўзаро рақобати асосида **жамият-
нинг янгиланishiшга эришиш функцияси**. Сайловлар – оддий фуқароларнинг
давлат ва жамиятга институционаллашган, тартибланишган ҳолда таъсир ўтка-
зиш омили демакдир. Турли-туман сиёсий кучлар ижтимоий муаммоларни
аниқлаб, уларнинг ечими борасида сайлонолди дастурларини тузуб чиқали-
лар. Бунинг натижасида сайловчилар бир нечта дастурлар ичидан энг яхши-
ларини танлаб, улар учун овоз бериш имкониятига эга бўладилар. Бу эса,
самарасиз сиёсий ластурлар ўрнига янги, ҳаёғбахш сиёсий дастурларнинг қабул
қилинишини таъминлайди.

Сайловларнинг юқоридаги функциялари фақат улар демократик тарзда ташкил қилингандықтан тақдирда тўла амал қиласди. Сайловлар демократик жамиятдагина ўзини тўлиқ намоён қилиши мумкин, чунки сайловлар демократиянинг умумий концепцияси ва қадриятлари билан чамбарчас бўлиб, демократиянинг асосий тамойилларидан бири ҳам даврий ва адолатли сайловлар ҳисобланади.

3. Эркин, демократик сайловларнинг асосий тамойиллари.

Куйидигилар демократик сайловларнинг асосий тамойиллари ҳисобланади:

1. Умумхалқ сайловлари.
2. Тенглик.
3. Сайлоюларда яширин овоз бериш эркинлиги.
4. Тўғридан-тўғри (бевосита) овоз бериш.

1. **Умумхалқ сайловлар тамойили** барча фуқароларнинг, уларнинг жинси, ирқи, миляти, синфий ёки касбий мансублиги, тили, даромадининг миқдори, бойлиги, маълумоти, диний ёки сиёсий эътиқодидан қатъий назар, сайловларда сайловчи ёхуд номзод сифатида иштирок этишлари мумкинлигини билдиради. Умумхалқ сайловлар тамойилидан айрим ҳолатлардагина чекиниш мумкин. Масалан, балоғат ёшига тўлмаганлар сайлоюларда қатнашиш хукуқига эга эмаслар. Шунингдек, руҳий носоғлом кишилар (агар суд томонидан тасдиқланган бўлса) ва суд қарорига кўра жазони ўташ жойларида сақланаётган маҳбусларга ҳам сайлаш ва сайланиш хукуқи берилмаган.

Фарб мамлакатларининг аксариятида XX асрнинг ўрталарига қадар мулкий ценз ва бошқа бир қатор чекловлар мавжуд бўлиб, уларга кўра, муайян миқдорда моддий бойликларга эга бўлмаган аҳоли қатламлари, ёлланма инчилар, аёллар сайловларда иштирок этиш хукуқига эга бўлишмаган. Масалан, Францияда ушбу чекловлар 1944 йилда, Италия ва Японияда – 1945 йилда, Грецияда – 1956 йилда, Швейцарияда – 1971 йилда, Португалияда эса – 1974 йилда бекор қилинганди. Умумхалқ сайлоюлар тамойили демократик мамлакатларнинг аксариятида Иккинчи жаҳон урушидан кейин жорий қилинганди.

2. **Тенглик тамойили** ҳар бир сайловчи, у ким бўлишидан қатъий назар, бир овозга эга эканлигини билдиради. Унинг ижтимоий келиб чиқиши, эталлаб турган мавқеи ва лавозими ёки бошқа шахсий фазилатлари унинг сайловчи мақомига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги лозим.

3. **Сайловларда яширин овоз бериш эркинлиги** – сайловчининг муайян қарори бошқа бирор кишига ошкор қилинмаслгини билдиради. Ушбу тамойил танлаш эркинлигини таъминлайди, фуқароларни эҳтимолдан холи бўлмаган таъқиблардан ҳимоя қиласди, қинғирликтининг олдини олади.

4. **Тўғридан-тўғри (бевосита) овоз бериши тамойили** сайловчи аниқ бир номзод учун бевосита овоз бериши лозимлигини англатади. Сайловчилар ва номзодлар ўртасида бирор бир воситачи мавжуд эмас, балки ана шу номзодлардан қайси бири сайланадиган лавозимига сайланнишини сайловчиларнинг ўзлари ҳал қиласди. Агарда фуқаролар олдин сайлаш гуруҳи ёки маҳсус орган ташкил қилишса ва улар орқали номзод сайлансанса, бундай сайлоюлар билвосита сайловлар деб юритилади. Сайлоюларнинг ушбу тури аксарият ҳолларда фуқароларда сайловларга нисбатан қизиқишининг пасайишига олиб келиши мумкин.

4. Сайлов тизимлари ва сайлов жараёнининг асосий босқичлари.

Сайлов жараёни муайян ҳуқуқий меъёрлар, Конституция ва сайлов қонунчилигига белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Сайловларни ташкил қилиш амалдаги сайлов тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Сайлов тизимининг асосий вазифаси эса халқ ҳоҳиш-иродасини намоён этиш ва ҳокимият органларининг самарадорлигини таъминлашдан иборат. Жаҳон мамлакатлари амалиётida энг кўп учрайдиган сайлов тизимлари мажоритар (муқобил) ва пропорционал (ваколатли) сайлов тизимларидир.

Мажоритар сайлов тизимида номзод ёки партия ғалаба қозониш учун сайловчилар кўпчилигининг овозини олиши лозим. Камчилик овозларни олса, номзод ёки партия ҳеч қандай мандатга эга бўлолмайди. Мажоритар тизим ҳам ўз навбатида 2 турга бўлинади: 1) Мутлақ кўпчилик тизими кўпинча мамлакат Президентини сайлаш чоғида кўлланилади. Унга кўра, сайловларда қатнашганларнинг ярмидан кўпи (50 фойздан кам бўлмаган) овозини олган номзод ғалаба қозонади. 2) Нисбий кўпчилик тизимида эса – номзод ғолиб чиқиш учун бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овозларни олиши лозим.

Мажоритар сайлов тизими АҚШ, аксарият Лотин Америкаси мамлакатлари, Франция, Англия каби ривожланган мамлакатларда муваффаққиетли кўлланиб келмоқда. Олимларнинг фикрича, мажоритар сайловларнинг яна бир афзалиги унинг парламент ичидаги кўпчиликни юзага чиқаришида ва ана шу кўпчилик асосида барқарор ҳукумат тузилишида намоён бўлади.

Масалан, Францияда сайловларнинг мажоритар тури кўлланилади. Парламентда кўпчиликни ташкил қилиувчи партиялар коалицияси учун ҳар доим бир хавф мавжуд бўлиб, коалициядаги партиялар ўргасида ички келишмовчиликлар юзага келиши оқибатида парламент тарқатиб юборилиши мумкин. Шунинг учун депутатлар илгари ўзлари сайловчиларга тақдим этган дастурлари доирасида фаолият олиб боришга мажбурдирлар. Парламентни тарқатиб юбориш хавфи ундаги “кўпчилик” коалициясини янала жипсласиб, баҳс-мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга даъват этали. Мабодо парламент тарқатиб юборилгудек бўлса, депутатлар ўз сайловчиларининг олдига келиб, сайловолди дастурлари билан яна бир марта ўртоқлашишига мажбур бўладилар. Мажоритар сайловларнинг жамиятни жипслаштириш ва мувозанатни сақлаш каби ижобий жиҳатларга эга эканлигини француз сиёсий тажрибаси яққол тасдиқлайди.

Мажоритар сайлов тизими демократик жамиятда энг оптималь вариант ҳисобланади. Мажоритар сайлов ҳар бир сиёсий партияни ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ва ўз мафкуравий арсеналидан тўлиқ фойдаланишга етаклайди. Чунки ушбу партия бошқа партияларга нисбатан ҳеч бўлмаганда бир овоз кўпроқ олишга интилиши натижасида сиёсий саҳнада бир бирига муҳолиф блоклар вужудга келади. Хорижий мамлакатлар тажрибаси икки қутбли сиёсий партиялар тизими бошқа сиёсий тизимлардан кўра самарали сиёсий қарорлар чиқаришда ва масъулиятни тўлиқ ҳис этувчи ҳукуматлар тузишда ижобий натижалар беришини тасдиқлайди. Икки қутбли кўппартиявийликнинг моҳияти шундаки, унда бир томон сиёсий ҳокимиятни амалга оширади, иккинчи томон эса конструктив муҳолифатга айланади. Электорат эса

ҳокимиятни хукмрон партия қўлида қолдириши ёки мухолифатта ишониб топшириши мумкин. Электорал рақобатининг ушбу динамикаси партияларни сиёсий спектрнинг марказига томон интилишга маҳбур қиласи ва ўз сафларида экстремистик ғояларнинг тарқалишига йўл қўймайди. Бундан ташқари, агар фавқулодда ҳолатлар ёки бўхронлар юз бериб қолгудай бўлса, бир-бира га мухолиф томонлар умумдавлат манфаатлари йўлида ўзаро муроса қилган ҳолда ягона дастур тузиб чиқишлари ёхуд, ҳатто коалицион ҳукумат ташкил қилиб ҳавфли вазиятдан чиқиб кетишлари мумкин.

Пропорционал (партиявий рўйхат асосидаги) тизим Фарбий Европадаги аксарият мамлакатларда, шунингдек, Иероилда кенг қўлланилади. Унинг асосий моҳияти шундаки, дастлаб партиялар номзодларнинг умуммиллий ёки ҳудулий рўйхатини тузадилар, сайловчиларнинг ҳар бири эса ўз партиялари фойдасига овоз беради. Сўнгра номзодлар мазкур партияларга берилган овозларнинг умумий сонига пропорционал равишида сайланадилар. Парламентда вакилликка сазовор бўлиш учун партиялар ҳар сафар кўпчилик овозларга эга бўлишлари талаб этилади.

Пропорционал сайловларнинг афзалликлари шундаки, у, биринчидан, сиёсий партияларнинг доимо фаол бўлишига туртки беради; иккинчидан, бирор депутат ўз ваколатини амалга оширолмай қолган тақдирда, унинг ўрнини тўлдириш учун ўтказиладиган оралиқ сайловларни бартараф этади. (ўз ваколатини топширган депутатининг ўрнини партиявий рўйхатдаги навбатдаги партиядоши эгаллайди). Учинчидан фақат йирик сиёсий партиялар эмас, балки кичиклари ҳам парламентга сайланиш имкониятига эга бўладилар. Ва бу ҳол парламент ичига турли фракцияларнинг фаолият олиб боришини таъминлайди.

Пропорционал тизимнинг асосий камчилиги шундаки, электорат номзодларни ташлаш жараёнига таъсир кўрсата олмайди, сайланган вакиллар эса, ўзларини сайловчилар олдида эмас, кўпроқ ўз партиялари олдида масъул, деб биладилар. Бироқ пропорционал тизим сиёсий партияларни фаоллика ундейди; сайловчилар ўтиборига номзодларнинг мутаносиблашган ва саралангтан рўйхатини тақдим этишига даъват этади. Бу эса партияларро рақобатнинг ниҳоятда кучайишига олиб келади.

Айрим мамлакатларда, хусусан, Германияда **аралаш сайлов тизими** – мажоритар ва пропорционал сайлов комбинациялари қўлланилади. Немис сайловчиси икки овозга эга: биринчи овозни у ўз сайлов округидан номзодларнинг бирига берса, иккинчи овозни партиявий рўйхат асосида ўзига маъкул бўлган партияга беради. Биринчи овоз муайян номзодга берилса, иккинчи овоз сиёсий партияга берилади. Шу тариқа, парламент депутатларининг ярми якка тартибда, қолган ярми эса партиявий рўйхат асосида сайланади.

Маълумки, XX асрда Германия демократик жамиятга томон ниҳоятла қўйин бўлган йўлни босиб ўтди. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакат тоталитар ва антилиберал мағкурадан воз кечиб, демократик ва гуманистик қадриятларни мустаҳкам қарор тоғтириши керак эди. Бу вазифаларни бажаришда ва мамлакатда сиёсий мадданиятни шакллантиришда немис парламенти – Бундестагнинг роли бекиёс бўлди. Германияда Парламент Республикаси шаклидаги либерал-демократик давлат бунёд этилди ва унда

барча фуқароларнинг эркинликлари, қонун устуворлиги, ҳокимиятлар бўлиниши, сиёсий қарорлар чиқариш жараёнида халқ оммасининг иштироқи таъминланган ҳукуқий-демократик давлат бунёд этилди.

Пропорционал сайловларнинг афзаликларидан яна биро оралиқ сайловларнинг ўтказилмаслигига намоён бўлади. Масалан, Германияда қўшимча сайловлар ўтказилмайди. Бундестагдан кеттан депутат ўрнига партияйий рўйхатда ундан кейин турувчи киши депутат бўлади. Бундестаг сайловлари оралиғида ландтаглар (маҳаллий қонунчилик органлари)га сайловлари ўтказилиши натижасида сиёсий партияларнинг фаоллиги сақлаб қолинади.

Агар Германия парламентаризмини вакиллик демократиясининг бошқа моделлари билан солиширадиган бўлсак, унинг аралаш шаклга эга эканлигини кўрамиз. Немис бундестаги АҚШ Конгрессига ўхшаб ҳукумат бошлиғидан мустақил эмас, айни пайтда худди Буюк Британия вакиллар палатасига ўхшаб ҳукуматга тобе ҳам эмас. АҚШ Конгресси ниҳоятда ишчан бўлиб, мамлакат сиёсатини ишлаб чиқиш ва қонунлар қабул қилиш билан фаол шуғулланса, Буюк Британия вакиллар палатаси, аксинча, ҳукумат сиёсатини «муҳрловчи инструмент», сайловчилар наздида эса муҳим масалалар бўйича баҳс юритаётган «нотиқ парламент» сифатида эътироф этилали. Германия бундестаги ана шу ҳар иккала моделнинг аралашмасидан ташкил топган, дейиш мумкин.

Ҳозирги даврда мажоритар, пропорционал ва аралаш тизимлардан ташқари, яна бир қатор сайлов турлари ҳам қўланиладики, уларда юқоридаги тизимларнинг уёки бу унсурлари намоён бўлади. Масалан, сўнгги йилларда бир қатор халқаро ташкилотларда *консенсус сайлов тизими* қўланилмоқда. Унинг асосий моҳияти шундаки, сайловчи бирор-бир алоҳида номзод учун эмас, балки номзодларнинг барчасига 5 баллик тизим асосида баҳо қўйиб чиқади. Чунончи, президентлик лавозимига 4 нафар номзод кўрсатилган бўлса, сайловчи номзодларнинг 1-сига 5 балл, 2-сига 4 балл, 3-сига 3 балл ва 4-сига 2 балл баҳо қўяди. Овоз бериш тутагандан сўнг баллар ҳисоблаб чиқилади ва голиб аниқланади.

Сайлов тизими жамиятнинг сиёсий тизими билан бевосита чамбарчас боғлиқдир. Амалдаги сиёсий тизим уёки бу сайлов тизимининг қабул қилинишида катта роль ўйнайди. Ўз навбатида, сайлов тизими ҳам сиёсий тизимдаги ўзгаришларнинг моҳиятига катта таъсир ўтказади.

Сайловларни ташкил қилиш билан боғлиқ жараён жуда мураккаб бўлиб, у бир неча *босқичлардан* иборатдир. Улар қўйидагилар:

- 1) Тайёргарлик босқичи.
- 2) Номзодларни илгари суриш, уларни рўйхатга олиш босқичи.
- 3) Ташвиқот-тарбибот кампанияси.
- 4) Овоз бериш ва сайлов натижаларини ёълон қилиш босқичи.

Ҳар бир босқич ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, сайловларга *тайёргарлик босқичида* партиялар рўйхатга олинади; бўлажак сайловлар тўғрисида халққа ахборот берилади; халқнинг сайловлар тўғрисидаги электорал саводхонлиги оширилади; овоз бериш ҳукуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатга олинади; мустақил ва одил сайлов комиссияси ташкил қилинади; сайлов жа-

раёнининг ҳаққонийлигини назорат қилувчи тегишли ҳуқуқ идоралари ташкил қилинади ёки тайёр ҳолга келтирилади ва ҳ. к.

Номзодларни илгари сурши босқичи ҳам турли ташкилий, сиёсий, ахборот-ташвиқий тадбирларни ўз ичига олади. Номзодларни ёки партияларни рўйхатга олиш усуллари ҳар бир мамлакат амалиётида алоҳида бўлиб, улар бир нечта бўлиши мумкин. Масалан, 1) номзод ёки партия учун имзо тўплаш 2) номзоднинг рўйхатга олиш бадалини тақдим этиши ёки муаяян пул маблағларини гаровга кўйиши, шунингдек, номзоднинг уни муайян кўллаб-куватловчи гурухга эгалигини тасдиқловчи ҳужжатта эга бўлиши 3) номзодларни оддий, партиявий мансублик асосида рўйхатдан ўтказиш.

Ташвиқот-тартибот босқичи ҳам сайловларнинг муҳим босқичини ташкил этади. Бу даврда сиёсий партиялар ва сиёсий тизимдаги күчларнинг ўта фаоллашуви кузатилади. Улар ўз эътиқодлари, мақсад ва вазифаларига халқни ишонтириш, на, шу тариқа, кенг аҳоли қатламларини ўз атрофига жиспештириш учун турли имконият ва воситалардан, жумладан, ОАВ, реклама, амалий ташниқот, сайловчилар билан номзодларнинг ёки уларнинг ишончли вакилларининг учрашувлари кабилардан кенг фойдаланадилар. Сайловолди кампаниясини олиб бориш учун маҳсус штаб ташкил қилинади. Сайлов кампаниясининг штаби маълум бир номзоднинг сайлов жараёнини бошқариш органи ҳисобланади. У учналик расмий бўлмаган вақтингчалик ташкилот бўлиб, номзод тарафдорларини тартибга солади ва йўналтиради. Ўз тузилмасида номзод тарафдорларини, партия аъзоларини, ҳамфирлар гурухи, сиёсий консультантлар ва бошқаларни бирлаштиради (30-жадвал).

30-жадвал

Сайлов штаби

Номюд		
Ишончли вакиллар	Штаб раҳбари ва унинг қўйилаги аъзозлари: 1. Матбуот бўлими. 2. Ахборот-таҳлил бўлими. 3. Жамоатчилик билан ишлани бўлими. 4. Молия-хўжалик бўлими. 5. Техник таъминот бўлими. 6. Сиёсий маслаҳатчи. 7. Юрист.	Копибият

Манба: Сиёсатнунослик асослари. Матбуозлар тўплами. Т., 2005.

Штаб, асосан, штаб бошлиги, молия-хўжалик бўлими, матбуот бўлими, сиёсий маслаҳатчи, техник ходимлар ва ёрдамчилардан таркиб топади. Штаб атрофига, шунингдек, номзоднинг ишончли вакиллари, номзодни кўллаб-куватловчи гурух, моҳир нолитологлар, психологлар, ҳукуқнунослар, имижмейкерлар, ҳомийлар, кўнгилли ташвиқотчилар ҳам бирлашишлари мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзининг муайян вазифасига эга бўлади. Масалан, молиявий ходим сайловолди кампаниясини ташкил қилишнинг молиявий жиҳатлари учун масъул бўлса, номзоднинг ишончли вакиллари жа-

моатчилик, сайловчилар билан бўладиган учрашувларда номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиласи ва номзод номидан жамоатчилик ва сайлончилар билан муносабатга киришади.

Сайловолди ташвиқот-тарғибот кампаниясини олиб бориш турли молиявий ва моддий ресурсларни ишга солиши талаб қиласи. Дунёнинг аксарият мамлакатларида сайловолди кампания давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикасида ҳам сайловолди ташвиқот кампаниясини ўтказиш билан bogliқ ҳаражатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Сайловолди кампаниясини молиялаштириш қуйидаги соҳаларни ўз ичинга олиши мумкин:

- Сиёсий партиялар, номзодларнинг сайлононди плакатларини нашр этиш;
- Оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиянинг, номзодларнинг сайловолди дастурларини эълон қилиш;
- Радио ва телевидение орқали сайловолди ташвиқотларини олиб бориш учун барча номзодларга тенг имконият яратиш;
- Номзодларнинг сайловчилар билан сайловолди учрашувларини ўтказиш учун бино ва ускуналарни уларнинг ихтиёрига белул бериш;
- Номзодларга жамоа транспортидан белул фойдаланиш имконини яратиш ва ҳ. к.

Ҳозирги давр амалиёти шуни кўрсатадики, деярли барча мамлакатлардаги сайловолди кампанияларини молиялаштиришда номзодлар ёки партиялар қонунда белгиланмаган, айрим ҳолларда эса, ҳатто қонунан тақиқланган усууллардан фойдаланмоқдалар. Шунинг учун ҳам, сайловолди кампаниясида сарфланаётган маблағларнинг шаффоғлиги катта аҳамият касб этади. Зеро, биринчидан, сайловолди кампанияларида сарфланаётган ҳаражатларнинг шаффоғлиги баъзи бир зиддиятларга барҳам беради, сайловчиларнинг номзодларга бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Бинобарин, сайловлардан кейинги қонунчилик жараёнига ҳам ишонч кўзи билан қарашга замин ҳозирлайди ҳамда қабул қилинадиган қонунлар ва қарорларнинг юқори сифатда бўлишига муҳим ҳисса қўшувчи омил сифатида хизмат қиласи. Иккинчидан, сайловолди ҳаракатларининг шаффоғлиги эҳтимолдан холи бўлмаган ноконуний ҳатти-ҳаракатларнинг, шу жумладан, сиёсий коррупциянинг олдини олишга ёки ҳеч бўлмаса қисқартиришга хизмат қиласи; турли лобби ва манфаатдор гуруҳларнинг ҳамда криминал структураларнинг сиёсатга аралашувига тўсқинлик қиласи.

Овоз бериш ва сайлов натижаларини эълон қилиш босқичи сайлов жараёнининг кульминацион нуқтасини ташкил этади. Ушбу босқичда фуқароларнинг иродаси тўлиқ ўз ифодасини топади ва ҳокимият органлари таркиби маълум бўлади.

Овозларни ҳисоблаб чиқиши турли мамлакатлар амалиётида турлича йўлга кўйилган. Баъзи мамлакатлар маҳсус сайлов машиналаридан фойдаланадилар, баъзи бирлари эса, сайлов бюлентларидан фойдаланадилар. Овоз бериши жойи ҳам турлича бўлиб, аксарият мамлакатларда сайлов участка-

ларида овоз бериш ташкил қиласади, айримларидан (масалан, Швецияда) уйдан ёки поча орқали овоз бериш йўлга кўйилган. Айрим мамлакатларда сайловларда иштирок этиш фуқаролик хукуқларининг ажралмас қисми сифатида талқин этилса, бошқа баъзиларида (масалан, Австрия, Австралия, Бельгия, Италия, ФРГ ва бошк.) фуқаролик мажбуриятлари сифатида қаралади. Бинобарин, ушбу мамлакатларда сайловларда иштирок этиш мажбурий ҳисобланади.

5. Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ўзига хос ҳусусиятлари.

Мамлакатимизда сайлов тизими тобора шаклланиб бормоқда. Қисқа давр ичилла сайлов қонунчилигининг мустаҳкам базаси бунёд этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси на унта мос равишда қабул қилинган қонунларда фуқароларнинг сайловига ойл ҳукуқлари мукаммал тарзда ифода этилган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 117-моддасида шундай таъкидланади: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик орғанларига сайлови ва сайланиш ҳукуқига эгадирлар... овоз бериш ҳукуқи, ўз хоши-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади” Этилроф этилган бу қойланинг Конституциямизда мустаҳкамланиши айнан демократик жамият талабларига ҳамоҳангдир. Ўз наяватида, уибу меъёр фуқароларимизнинг Асосий қонун 32-моддасида белгиланган «...жамият ва даилат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳукуқининг кафолати ҳамдир (31-жадвал).

31-жадвал

Ўзбекистон Республикаси сайлов тўғрисидаги асосий қонунлари

№	Ҳукуқий ҳужжат	Қабул қилинган йили
1.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	1992 йил 8 декабр
2.	“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	1991 йил 18 ноябрь
3.	“Фуқаролар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	1994 йил 5 май
4.	“Халқ депутатлари ишларига, гуман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	1994 йил 5 май
5.	“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	1998 йил 30 апрель
6.	“Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни	2001 йил 30 август
7.	“Референдум икказлари ҳамда лашват ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни	2002 йил 4 апрель
8.	“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	2003 йил 29 август
9.	“Фуқаролар йигини ранси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳачилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	2004 йил 29 апрель

Манба: Ўзбекистон Республикасидаги сайловларга оид қонун ҳужжаглари тўплами. Т., 2007.

Масалан, парламент сайлонларининг конституциявий асослари тўғрисида гап кетар экан, мазкур ҳолат Асосий қонунимизга ифода этилаштигининг гувоҳи бўламиз. 11-моддада белгиланганидек, Ўзбекистонда давлат ҳокимиютиниг тизими – ҳокимиютнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиютига бўлиниш тамойилига асосланишининг ўзиёқ фикримигининг далилидир. Бундан ташқари, Асосий қонунда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси” деб номланган алоҳида боб маъжуд. Унда Олий Мажлиснинг икки палатадан иборат эканлиги ҳамда ҳар иккала палатанинг ваколат на бурчлари, Олий Мажлисга кимлар сайлаши ва кимлар сайланиши мумкинлиги, Парламент таркибидаги кўмита, комиссияларнинг ҳуқуқий ҳолати каби кўпчаб муҳим масалалар атрофлича ифода этилган.

Асосий қонунимизнинг 76-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий вакиллик органни бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиюти амалга оширади. Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг ваколат муддати беш йил этиб белгиланган.

Шу ўринда Конституциямиз 77-моддаси моҳиятига ҳам алоҳида тўхтагиб ўтиш жоиз. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси худудий сайлов округлари бўйича кўп partiyaийlik асосида сайланадиган 120 депутатдан иборат эканлиги таъкидланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Асосий Қонун Қонунчилик палатасининг кўп partiyaийlik асосида шакллантирилишини белгиламоқда. Бу айнан демократик тамойилларга ҳамоҳангдир. Яъни Парламент битта партия ёки сиёсий ҳаракат вакилларидангина иборат бўлиб қолмайди. Бу эса ўз навбатида жамиятдаги турли қараашлар, турфа фикрларнинг, хоҳиш-истакларнинг рӯёбга чиқишига уларнинг ранг-баранг тарзда қонунларда ифода этилишига хизмат қиласи.

77-моддада белгиланганидек, Сенат аъзоларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 6 кишидан сайланиши адолат тамойиллари тантанасидир. Бу ҳол келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг оддини олади. Қарорлар қабул қилишда ҳулуларнинг тор доирадаги ўзига хос манфаатларининг устунлиги истисно этилади, ҳар бир худуднинг манфаатлари инобатта олинган ҳолда умуммамлакат манфаатлари устунарлик касб этади.

Сенат аъзоларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги давлат ҳокимиюти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланиши ўсят муҳим аҳамият касб этали. Сир эмаски, кўпчилик ҳолларда маҳаллий вакиллик органлари ҳамда мазкур органлар депутатларининг нуфузи, таъсиричанилиги замона талаблари даражасида бўлмаётган эди.

Асосий қонунимиз эса, уларга ёнди жуда катта ваколат бермоқда. Вакиллик органлари депутатлари Олий Мажлиснинг юқори палатаси, яъни Сенатни шакллантиришда бевосита қатнашадилар. Бундан ташқари, Сенат аъзоларининг аксарияти айнан улар орасидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатнинг 16 нафар

аъзосининг тайинланиши ҳам ўзбек парламентчилиги шаклланишининг муҳим жиҳатидир. Бу 16 нафар аъзонинг фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрули фуқаролар томонидан тайинланиши ана шундай шахсларнинг жамиятда алоҳида эъзозланишидан далолатдир. Шунингдек, Конституциядаги бу меъёр уларнинг бой тажрибалари, салоҳиятларидан қонунчиликни такомиллаштириш, умуман, жамият тараққиёти учун фойдаланишининг имкониятидир. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бўлажак Сенат аъзоларининг ишлаб чиқариш соҳаси билан бирга айнан фан, санъат, адабиёт намояндадаридан тайинланиши мазкур соҳаларининг ривожига ҳам маълум маънода хизмат қилади, жамиятда зиёли инсонлар қатлами мавқенини янада юксак мавқега кўтаради.

Шу билан бирга, Асосий қонунимиз депутатликка, Сенатта аъзоликка номзодлаға иисбатан муайян таълимиарни ҳам кўяли. Яъни, 77-моддага мувоғиқ, сайлов куни 25 ёшига тўлиган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин.

Айнан бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги янги таҳрирлаги Қонуннинг 25-моддасига биноан, содир этган жинояти учун судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар, Куролли Кучларнинг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавғисизлик хизмати ходимлари, бошқа ҳарбийлашган қисмларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва ўюшмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод бўлолмайдилар.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойуллари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар мамлакатимизда сайловларнинг конституциявий асосларини аниқлаштиради, мукаммаллаштиради, тўлдиради.

Республикамиза энг сўнгти сайловлар – 2007 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозими учун бўлиб ўтди. Президентлик сайлови миллий қонунчилигимизга мувоғиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фуқаролар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда белгиланган демократик, ошкоратик ва очиқлик тамойуллари асосида, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Бу эса Ўзбекистон сайлов тизимининг умумътироф этилган халқаро ҳукуқий стандартларга, демократик ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасига тўла мос келини янада бир карра тасдиқдали.

Сайлов кампанияси мұқабиллік ва соғлом рақобат мұхити асосида ўтка-
зилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида мамлакатимиз сиёс-
сий ҳәтида тобора мустаҳкам үрин згаллаб бораёттан қуидаги уч сиёсий
партиядан номзоддар иштирок этдилар

- Тадбиркорлар ва ишбилармөнлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-де-
мократик партиясыдан күрсатилған номзод – И. А. Каримов;
- Ўзбекистон Халқ демократик партиясыдан күрсатилған номзод – А. А. Руста-
мов;
- “Адолат” социал-демократик партиясыдан күрсатилған номзод Д. Ф. Таши-
мухамедова;
- 2007 йилги Президент сайловида илк бор сайловчиларнинг ташаббус-
кор гуруҳи томонидан күрсатилған номзод – А. Х. Сайдов ҳам иштирок этди.

Ушбу мұхым сиёсий тадбирда Президентликка ўз номзодини күрсатған
сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 23 минг нафардан
ортиқ кузатувчилар иштирок эттани сайлов жараённан номзодларга тенг ша-
роит яратыш, адолатлилік, қонунийлік, ошкоралық тамошларыға қатый
амалға оширишга күмаклашты. Президентлик сайлови мониторингиде 30 дан
ортиқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган, МДХ, ЕХХТ, ШХТ, Ев-
раЗЭС, ИКТ каби халқаро ташкилот вакиллари бўлган қарийб 300 нафар
халқаро кузатувчилар катнашты. Ўзбекистон Республикаси Президенти сай-
ловини 300 нафарга яқин мамлакатимиз ва хорижий ОАВ журналистлари
кенг ёритиб борди.

Сайловда рўйхатта олинган 16 миллион 297 минг 400 нафар сайловчидан
14 миллион 765 минг 444 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу рўйхатта
киритилган сайловичлар умумий сонининг 90,6 фоизи демакадир.

Тадбиркорлар ва ишбилармөнлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-де-
мократик партиясыдан күрсатилған номзод – И. А. Каримовга 13 миллион
8 минг 357 нафар сайловчи (88,1%) овоз берди. Ўзбекистон Халқ-демократик
партиясыдан күрсатилған номзод – А. А. Рустамовга 468 минг 64 нафар сай-
ловчи (3,17%), Сайловчилар ташаббускор гуруҳидан күрсатилған номзод –
А. Х. Сайдовга 420 минг 815 нафар сайловчи (2,85%), Ўзбекистон “Адолат”
социал-демократик партиясыдан күрсатилған номзод – Д. Ф. Таши-
мухамедовага 434 минг 111 сайловчи (2,94%) овоз берди¹.

¹ http://elections.uz/uzb/yangiliklar/ozbekiston_respublikasi_markaziy_saylov_komissiyasida_1.mgr

СИЁСИЙ ЭЛИТА ВА ЛИДЕР

Режа:

1. Сиёсий элита тушунчаси ва унинг таркиби.
2. Сиёсий элиталар пайдо бўлишининг сабаблари ва уларнинг вазифалари.
3. Сиёсий элита тўғрисидаги асосий назариялар.
4. Сиёсий лидер ва унинг типологияси.

1. Сиёсий элита тушунчаси ва унинг таркиби.

Тарихий тажриба ва барча мамлакатларнинг, шу жумладан, энг ривожланган мамлакатларнинг сиёсий амалиёти шуни кўрсатадики, ҳокимиятни тақсимлаш ва амалга ошириш жараёни фуқароларнинг тенг қатнашишини назарда тутмайди.

Ҳар доим ва ҳамма жойда ҳокимиятни тор доирадаги одамлар, озчилик амалга оширади. Ҳукмронликни қолганлар устидан амалга оширадиган ушбу озчиликнинг моҳияти нимадан иборат? Унинг вазифалари нима? Ушбу саволларга элиталар назариясидан жавоб олиш мумкин.

Элиталар назарияси сиёсатшунослик фанида яқинда шаклланган. Унинг шаклланишига сиёсий жараёнларни кўриб чиқишдаги синфий ёндашув тўсқинлик қилиган. Ушбу ёндашувнинг энг ёрқин мисоли марксизм эди. Марксизм назариясида муҳим бир ҳукмрон элитанинг мавжудлиги рад этилган.

Классик марксизм назарияси бўйича сиёсий ҳукмронликни амалга ошираган синф бу иқтисодий ҳукмронликни амалга ошираётган синф, бошқача қилиб айттанди, ишлаб чиқаришни ўз қўлида тутган синф ташкил этган.

«*Элита» атамаси* французча «elite» сўзидан келиб чиқкан бўлиб, у энг яхши, танланган деган маънони билдиради. «Танланган будой», «танланган пода» ва ҳ. дейилади. Буни энг яхшилигини, олий навлигини, танланганлигини кўрсатиш учун айтилади. Сиёсий лексикада ҳам аввалдан ушбу термин худди шундай маънони англатган.

Аввал жамиятни муайян таинланган ва шунинг учун ихтисослашган муайян одамлар бошқариши керак бўлган деб ўйлаганлар.

Сиёсий лексиконда «элита» атамаси авваллари худди шундай тусга эга эди. Жамиятнинг энг яхши (зўр), маҳсус бу ишга аталган, муносиб кишиларнинг бошқариши тўғри деб ҳисобланарди. Тарихан «элита» атамаси омма тепасида турган ва ўзларининг маҳсус ҳусусиятларига кўра уни, яъни оммани бошқара олалиган, жамият учун жуда қадрли ҳисобланган ижтимоий гуруҳга нисбатан қўлланилган. Платон демос (халқ)нинг давлатни бошқаришига қатъиян қарши бўлган. Унинг назарида, жамиятни донолик фазилатига эга бўлган,

ақлий жиҳатдан яхши ривожланган файласуфлар бошқариши лозим. Жамиятнинг бошқа лаззат ва шаҳватларга ғарқ бўлган қисми доно файласуфларга бўйсунниши лозим.

«Сиёсий элита» атамаси ўзининг замонавий талқинида, бутун жамият устидан реал ҳокимиятга эга бўлган «оҷчилик» ижтимоий гурӯҳи сифатида сиёсатшуносликда XX асрнинг бошларида австралийлик сиёсатшунос Р. Михельс ва италиялик сиёсатшунослар Г. Моска ва В. Паретолар томонидан киритилди.

Р. Михельс *олигархиянинг төмір қонунини* яратди. Унга кўра, ҳокимиятнинг оҷчилик томонидан эгалланиш жараёни муқаррардир на ҳар қандай ташкилотда муқаррар равишда кўпчиликни бошқаралигган оҷчилик вужудга келади. Г. Моска бу қарашни ривожлантирган ҳолда, сиёсий элитани *ёниқ синф*. «сиёсий синф» деб атайди.

В. Парето сиёсатшунослик фанига *«элита» ва «контрэлита»* тушунчаларини киритди. В. Паретонинг фикрича, индивидлар бир-бирларидан жисмоний, ахлоқий ва интеллектуал (ақлий) хусусиятлари билан ажralиб туришади. Шуларнинг ҳар бирида юқори кўрсаткичларга эга бўлган индивидлар гурӯҳи элита номини олади. Шундай қилиб, жамият элитаси – бу ўзларининг туғма руҳий (психологик) хусусиятлари сабабли, юқори фазилатни ёки ўз фаолият соҳаларида юқори даражадаги қобилиятни кўрсата оладиган маълум бир кишилар гурӯҳи. «Элита» атамасининг асосий гояси устунлик демакдир.

Паретога биноан, элита *ҳукмрон элитага* – бевосита ёки билвосита бошқариш ишларида қатнашадиган ва *ҳукмрон бўлмаган элитага* – *контрэлита* бўйсунади. Контрэлита бу элитага хос бўлган психологияк хусусиятларга эга, бироқ у ёки бу жамиятда мақоми ва бошқа турли хил тўсқинликлар сабабли, бошқарув функцияларига киришга эга бўлмаган кишилар гурӯҳидир. Баъзи бир ҳолатларга кўра, элита ва контролита вакиллари Ўзаро ўрин алмашишлари мумкин.

Америкалик сиёсатшунос Р. Милс ҳукмрон элитанинг ижтимоий гурӯҳ сифатида маҳсус, қадриятли ва психологик ўхшашигини кўрсатади. Милснинг талқинига кўра, сиёсий элита ягона ижтимоий илдизларга, аниқ ифодаланган гурӯҳ ижодига, ҳаракат ва бирлашиш учун умумий иродага эга. Умумий ижтимоий илдиз, таълим-тарбия, «ҳаёт тарзи»дан келиб чиқсан ҳолда манбаатларнинг умумийлиги ва шахсий бирдамликка таянган юқори жисплек буни кўрсатади. Милснинг фикрича, сиёсий элитага кирадиган шахсларнинг маънавий талаблари, имкониятларининг мажмуи, ижтимоий даъволарининг даражаси ва ҳатто, психологик хусусиятлари ҳам юқори мослих билан ажralиб туради. Бу эса, сиёсий элита нафақат ҳокимиятга эга бўлган кишилар гурӯҳини, балки ижтимоий танлаш натижасида шакъланган ижтимоий гурӯҳ эканлигини билдиради.

«Сиёсий элита» тушунчасини кенг ва тор маънода қўллаш лозим. *Кенг маънода* «сиёсий элита» тушунчаси «ҳукмрон элита» тушунчасига тенг.

Бошқарув элитаси бу жамиятнинг ташкилий оҷчилиги бўлиб, кўпчиликдан фарқли бўлган, лекин ниҳоятда яқдил ижтимоий гурӯҳ ҳисобланади. У лидерлик қобилиятларига эга бўлиб, бошқарув функцияларини амалга оши-

ришга тайёргарлик күрган; у жамият институтларида бошқарув курсини эгаллаши билан бир вақтда ана шу жамиятта ҳокимият қарорларига бевосита ва билвосита таъсир күрсата олади.

Сиёсий элита *топ мәйнода* бошқарувчи элитанинг бир қисми бўлиб, ўзининг ҳокимиятни амалга оширишга бевосита қатнашиши билан ундан фарқ қиласди.

Сиёсий элита ўз қўлида давлат ҳокимиятини жамлаган ва жамият бошқарувида юқори лавозимларни эгаллайдиган ижтимоий гурухдир. Жамиятнинг сиёсий элитасига ҳокимият функцияси ва ваколатларига эга бўлган юқори мартабали профессионал сиёсатчилар киради. Яна сиёсий элитага сиёсий дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда, жамият ривожланишининг стратегиясини ишлаб чиқишида қатнашадиган, маҳсус тайёрланган олий дарражадаги сиёсий ходимларни киритамиз, сиёсий элитанинг ўзига хос асосий томонини таъкидлаш мақсадида, уни баъзан «давлатларнинг сиёсий раҳбарияти», «сиёсий қарорлар қабул қилиш маркази» деб айтишади. Унинг таркиби йилдан-йилга ўзгаради, аммо лавозимлар тузилиши деярли ўзгармайди. Бу давлат бошлиқлари, ижро этиш, қонун чиқариш, суд ҳокимиятларининг раҳбариятлари, олий дипломатик корпушларидир. Сиёсий элитани ҳокимият функцияларининг ҳажми асосида куйидаги даражаларга бўлиш мумкин: олий, ўрта ва куйи.

Олий даражадаги сиёсий элитага мамлакат раҳбари, Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари ва етакчи вазирлар, парламент спикери, депутатлар фракциялари раҳбарлари киради. Бу, жамият учун анча муҳим бўлган сиёсий ечимларни қабул қиласдиган, сон жиҳатидан анча чекланган инсонлар гурухи (100-200 киши).

Ўрта даражадаги сиёсий элита кўплаб сонли сайланган мансабдор шахслардан шаклланади: ҳокимлар (губернаторлар), парламент депутатлари, сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари ҳамда касаба уюшмалари бошлиқлари. Лекин демократик институтлар ривожланган давлатларда партиялар ва касаба уюшмалар лидерлари юқори элита таркибига киришилари мумкин.

Кўйи даражадаги элитани маҳаллий доирада фаолият олиб борувчи сиёсатчилар ташкил қиласди (раҳбарлар ва маҳаллий бошқарув органлари депутатлари, регионал доирадаги партия аъзолари).

Маъмурий элита – бу бошқарувнинг техник-ташкилий воситаларини ўз қўлида монополиаштирган, бошқараётган элитанинг бир қисмидир. Персонал таркибда административ элита – бу вазирликларда, ҳукуматнинг турли бошқарув органлари департаментларида муҳим ўринларни эгалловчи давлат ишчиларининг (mansabдор шахслар) энг юқори табақаси. Административ элита сиёсий элита таркибига киради, лекин уни (бошқарув аппарати) тузилиши жиҳатидан мустақил гурухга ажратиш мумкин.

Иқтисодий элита – бу бошқарув тизимида ўз фаолиятини хусусий мулк асосида олиб борувчи, бошқараётган элитанинг бир қисмидир. Иқтисодий элита таркибига ўз қўлларида моддий ва молиявий ресурсларни тўплаган шахслар киради: улкан корпорациялар, банклар эгалари ва уларнинг менежерлари.

Ҳарбий ва полиция элитаси таркибиға давлатнинг олий ҳарбий раҳбарлари, генералитет, ички ишлар вазирлиги, давлат хавфсизлиги, маҳсус хизматлар ва ҳқ. бошлиқлари киришади. Баъзи давлатларда ҳарбий элитанинг бир қисми олий табақа элита таркибиға кирса, бошқа қисми эса ўрга ёки административ элита таркибиға киритилиши мумкин.

Кўзга кўринадиган қатламлардан бирини **мальнавият, маданий, мағкуравий элиталар** ташкил қиласди. «Мальнавий йўлбошчилар» ва Йирик оммавий ахборот воситалари ходимлари ва таълим-тарбия масканлари, зиёлилар ва заковатлилар, ёзувчилар, диний арбоблар, адабиёт ва санъат ходимлари шулар жумласидандир.

2. Сиёсий элиталар пайдо бўлишининг сабаблари ва уларниң вазифалари.

Сиёсий элита – бу ҳокимиятга эришган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида буйруқ берувчи ўринларни эгаллаган одамлар тўдаси эмас, балки барча сиёсий тизимларда бўладиган, мукаммал ташкил этилган ҳамкорлик асосидаги ижтимоий гуруҳлардир. Шу ўринда, у гуруҳларнинг вужудга келиши учун маълум бир объектив шарт-шароит ва имкониятлар бўлиши лозим ва уларни кўйидаги уч даражага бўлиш мумкин. Биринчи даражали имкониятлар ижтимоий сабаблар туфайли юзага келади ва умумий меҳнат тақсимоти ҳамда жамиятни ижтимоий йўналтиришдан иборат.

Меҳнат тақсимоти қонуни ва у билан боғлиқ бўлган жамиятнинг ижтимоий йўналтирилиши, турли гуруҳлар ва қатламларнинг ижтимоий вазифаларининг фарқлилигини таъминлайди. Жамиятнинг соҳалаштирилиши факат меҳнат тақсимоти туфайли юзага келиши мумкин ва бу ерда ҳар бир ижтимоий гуруҳ ҳаёт учун муҳим бир вазифани бажаради: бири моддий ишлаб чиқариш билан машғул бўлса, кейинтиси – мальнавий қадриятни ташкил қиласди, учинчиси – бошқарувчидир ва ҳоказо. Жамият организмининг мўътадил ишлилаши учун ва ўз вазифасини рисоладагидай бажариши учун ҳаёт фаолиятнинг барча турларини ҳисобга олиш, ўрганиш лозим. Лекин улардан баъзилари ҳаёт учун муҳимроқ, бошқалари эса иккинчи даражалидир. Шундай қилиб, ижтимоий иерархия асосида уларни ижро этадиган мос синфлар, қатламлар ва гуруҳлар иерархияси пайдо бўлади.

Ижтимоий пирамида юқорисига умумий бошқарув ва раҳбарликни амалга оширувчилар қўйилади, зеро, ушбу функциялар воситасида ижтимоий организм бирлиги таъминланади. Бошқа функцияларнинг муваффақиятли ижроси учун тегиши зарур чоралар кўрилади. Шундан келиб чиқиб, элитанинг мавжудлиги бошқарув меҳнатининг юқори ижтимоий аҳамияти ва унинг устунликлари ҳамда бошқа шакллар тизими кўринишидаги мувофиқ ҳоҳиш-иродаси билан изоҳланади. Рағбатлантиришнинг бу шакли барча сиёсий тизимларда мавжуд. Ундан давлатни бошқариш борасида фаолиятнинг юқори мотивациясини яратишда фойдаланилади. Аммо бу ерда нафақат жамият ва давлат томонидан йўлга қўйилган мотивациялар, балки индивидларнинг «юқорига кўтарилиш», давлатни бошқаришда муҳим позицияларни эгаллаш учун бўладиган ички мотивацияси ҳам намоён бўлади. Гап шундаки, сиёсат бу қадрият ва ресурслар ёйилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган боши-

қарув мөхнатидир. Бошқарувда сиёсатдан фойдаланишдаги кенг имкониятлар мұхим стимуллар, демек бошқарувчи элита мавжудлигининг омили ҳам айнан шудыр.

Ижтимоий тенгсизлик бу мақомлар тенгсизлигидир. Бу тенгсизлик иқтисодий сабаблар билан изохланиши мүмкін. Мұлкка ва аввало ишлаб чиқа-риш воситаларига эга бўлган индивидлар ва гуруҳлар моддий бойликнинг ис-теъмолида ва тақсимланишида хукмон мавқега эга.

Хозирда ҳам бу тенгсизлик индивидларнинг у ёки бу ижтимоий ролни бажаришдаги қобилиялари билан характерлидир. Шу билан бирга, раҳбарликда ва бошқарув фаолиятида тажриба, умумий билимлар, шунингдек, андиша юксак ақл-заковат талаб қилинади.

Лекин одамлар табиатан ҳар хил қобилияларга эгадирлар. Демак, одамларнинг табиат инъомига эгалиги, психологик тенгсизлиги жамиятнинг элита ва оммага бўлиниши борасидаги иккинчи мұхим омиллар.

Жамиятнинг сиёсий соҳа фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқувчи сиёсий элитанинг сиёсий омиллари ҳам мавжуд. *Сиёсат ҳар кимнинг қизиқиши доирасига киравермайди*. Кўплар учун сиёсатга жалб қилиниш бу иккинчи даражали ишдир. Сиёсатда озчилик фаоллик кўрсатади.

Шундай қилиб, асосий ҳаёттй манфаатлари сиёсатда бўлмаган *сиёсий пассив амма* сиёсий элитанинг мавжудлигидаги мұхим омил ҳисобланади. Ҳатто энг тарақкий эттан демократик давлатларда ҳам асл сиёсий амалиётда оммана сиёсий қарорлар қабул қилиш ва сиёсатни идора қилишдан четлашиб юқори даражада бўлиб, ҳалқ ҳокимиятининг ҳалқни бошқариши ҳар хилдир.

Ижтимоий бошқарувда жамоавий қадриятлар мұхим аҳамиятга эгадир. Бониқарувдаги элита жамиятдаги тараққийтнинг қадриятларини, мақсад ва назифаларини ишлаб чиқиш масъулиятига эга ва бу меъёр ҳамда қадриятлар, идеаллар, ижтимоий-сиёсий доктриналар давлат фаолиятининг узоққа йўналтирилган дастурлари шаклида бўлиши керак.

Жамиятнинг сиёсий маданияти шаклланишига бошқарувчи элита фаоллик билан таъсир кўрсатади ва ҳозирги мафкуравий моделлар ва мақсадларни “Ёргу келажак” барпо этиш учун аниқлаштириб ишлаб чиқади.

3. Сиёсий элита тўғрисидаги асосий назариялар.

Сиёсий элита тўғрисидаги тасаввурларни чуқур билиш учун аниқ тарихий ёндашувларни кўриб чиқиш лозим.

XX аср сиёсатшунослари учун сиёсий элита ёхуд бошқарувчи сиёсий элитанинг мавжудлиги мутлақ сийқа воқелик сифатида қабул қилиниши кепрак. Аммо ҳозирги кунда сиёсий элита ва жамият ўртасида мавжуд бўлган муносабатларнинг кескинлашуви кузатилмоқда ва ўргада низолар келиб чиқмоқда. Бу орала иккита асосий моделни кўриб чиқиш керак. Биринчи модел шуни таъкидлайди, таъсир доираси кенг ва бутун жамиятни ўзига қамраб оладиган сиёсий элиталар мавжуд. Бу олигархик, элитаристик моделлар. Иккинчи модел эса кўпилаб элиталарнинг мавжудлигини таъкидлайди ва элиталар ўртасидаги рақобатни ҳам ўз назарида тутади. Бундай модел эса полигархик, ёхуд демократик модел номини олган.

Биринчи моделнинг кўзга кўринган вакиллари, “*макиавеллистик мактаб*” деб ном олган оқим намояндалари Г. Москва, В. Парето, Р. Михельслардир. “Макиавеллистлар” деган атамани биринчи бўлиб америкалик сиёсатшунос Ф. Хинтер ишлаттан. Бунга сабаб ушбу сиёсатшуносларнинг фикрлари XVI асрда ижод қилган буюк мутафаккирнинг фикрларига яқинлиги эди.

“Макиавеллистларнинг” хусусияти шундаки, улар элитани алоҳида мужассамлашган гуруҳ сифатида кўрганлар. Бундан ташқари, бу гуруҳ бошқа гурухлар орасида ўз устунилигини алоҳида хусусиятлар билан қўллаб-қувватлаган.

Жамиятнинг бошқаруви озчиликка бўйсуниши, яъни элита ва бўйсунадиган кўпчилик – ҳар қандай жамиятни ҳаракатта келтирувчи омма ҳисобланади. Бундай бўлиши қонун бўйича инсоннинг табиитидан келиб чиқади. Бу табиий ҳол бўлиб, элита таркибининг ўзгаришига қарамасдан, ўз асосига кўра, унинг оммага бўлган ҳукмронлик ҳолати ўзгармасдир. Кўпчилик озчилик томонидан бошқарилади, чунки озчилик яхши ташкилаштирилган бўлади. Ҳукмрон синфга асосан гуруҳ ҳамжиҳатлиги хос бўлади. Бу гурухнинг ҳамжиҳатлиги нафақат профессионал статус ва ижтимоий келиб чиқишининг умумийлигига асосан, балки ўзини элитаристик англаш, ўзини жамиятни бошқаришга қодир деб топилган алоҳида қатлам деб ҳисоблашга ҳам асосланган. Бошқарувчи элита қаторига қўшилиш ҳар бир шахсдан алоҳида сифат ва қобилиятлар мажмусига эга бўлишни талаб қиласди. Элиталарнинг алоҳида сифати табиий туфма ҳолат ҳамда бошқариш қобилиятини шакллантиришга қаратилган тарбияга боғлиқдир.

Аммо бу сифатлар доимий эмас. Улар инсон жамиятининг эволюцион жараёнида ўзгаради. Шундай қилиб, оддий жамиятда ҳарбий ботирлик юксак даражада баҳоланганди. Цивилизациянинг ривожланиш сифати меъёрида ҳукмронликни озчиликнинг қўлига берадиган ҳукмронлик бойликка эга бўлишни билдиради эди. Тарихни ўрганиш щуни кўрсатадики, ҳукмрон синфга киришни уч омил очиб беради: ҳарбий ботирлик, моддий бойлик, маънавий ҳукмронликка эгалик. Ушбу уч омил билан аристократиянинг уч тарихий шакли боғлиқ: ҳарбий, черков ва молиявийдир. Бироқ ҳукмрон синфга ажратишнинг олий мезони бошқариш қобилияти ҳисобланади. Ўз жамиятининг заиф ва кучли томонларини билувчи, уни назорат қила олувчи.

Хозирги пайтда ташкил этилган жамиятнинг устидан ҳукмронлик қилиш ушбу вазиятнинг ўзгараслигини билдирмайди. Жамиятда ҳар доим ҳоқимият учун кураш олиб борилади.

Табиий туфма истеъодди кўпгина кишилар ҳукмронлик имтиёзи ҳолатини қўлга киритишига интиладилар. Жамият эса ўз-ўзидан доим ривожланиб боради. Янги вақт ҳукмрон элита олдига янги вазифаларни кўяди. Г. Москва ҳукмрон синфнинг ривожланишида иккита тенденцияни белгилайди. Бир томондан, элита вакилларининг ўз вазифалари ва имтиёзларини ўзларида доим қолдиришга ҳаракат қилиши, иккинчи томондан, янги кучларнинг эски кучларнинг ўрнига келишидир. Агар жамиятда аристократик ёндашув устунлик қиласа, ҳукмрон синф ёпиқ бўлади ва жамиятнинг ривожланиш қобилияти қисқаради. Агар иккинчи (демократик) тенденция устунлик қиласа, ҳукмрон синфга кириш қийинчилик түгдирмайди ва унинг шахсий янгилиниши тез суръатлар билан ошиб боради. Аммо бундай тенденция ҳолатида қўйи

гурұхларнинг қокимиятни әгаллаш учун бұлған хатти-харакатлари бекарор вазият, сиёсий кризисларга олиб келиш хавфини түдіради.

В. Парето Г. Москанинг элиталар назарияси билан боғлиқ күптина фикрларини бойитди. У шуни алоқида тақыидлаб үтдіки, ҳукмрон элита бу жамият устида туруучи маңсус ижтимоий гурұх қысбланади. Бу гурұх мұхым муштаракликка эга. У умумий келиб чиқиш ва биргаликда үтгандар тарихий йүл асосида чатишиб кеттеган ва ўзининг хатти-харакатларини ўз мақсадларига ершиш учун йўналтиради. В. Паретонинг аҳамиятли назарияси элитанинг омма устидаги устунлигини асослаш фикрига қаратылган. Ушбу устунлик элиталар вакилларининг табиий сифати билан тушунтирилади: уларнинг ҳаёти, кучи, энергияси ва иродасидир.

В. Паретода жамиятни бошқариш учун құлланадиган ресурсларни шархлашда күпроқ макиавеллистик қарашлар мавжуд. Унинг фикрича, нисбатан камсоюлы синф қысман күч билан қокимият тепасида тұра олади ва қысман бўйсунувчи синфнинг кўп қисми томонидан берилған розилиги сабаби билангина тұра олади. Розиликнинг омили ҳукмрон элитанинг оммани ўзининг ҳақлигига ишонтириш қобилиятига асосланган. Розилик эҳтимолига элиталарнинг кўпчилик ҳис-ҳаяжони на эмоциясига таъсир этиш усули билан, усталик билан эга бўлишига боғлиқдир. Бироқ ишонтириш қобилияты қокимиятни сақлаш учун кўп ҳолларда етарли эмас ва ўша пайтда элита ўз фаолиятида күч ишлатиши керак.

В. Парето шуни таъқидлайдыки, озчиликнинг кўпчилик устидан ҳукмронлиги табиий түфма қобилиятга боғлиқ бўлса, бироқ ўзининг доимий ҳукмронлик ҳолатини таъминлаб туриши учун бу омил эмас. Элиталарга тегишлилик мажбурлаш асосида ҳеч қачон мерос бўлиб үтмайди. Болалар ўз отаонасининг юксак сифатли қобилияларини ўзларидан мужассамлаштира олмайдилар ва шунинг учун бу хислатлар камайиши тенденциясига эга. Айни пайтда, жамиятда доимо контэрэлита мавжуд бўлған. Контэрэлита элиталар элементининг доимий салоҳиятли, муқаррар рақиблари дидирлар (32-жадвал).

32-жадвал

Сиёсий зилига тұғрисида түрлі қарашлар

В. Парето	Бу шундай кишиларки, улар ўз фаолият соҳаларыда юқори кўрсаткичларга (натижаларга) эришадилар.
Н. Диопре	Жамиятда юқори үрінлә турувчи ва шу түфайли ижтимоий жараёнларга таъсир этувчи кишилар.
Г. Моска	Хукуматта нисбатан ориентациялашган, сиёсий жиҳатдан энг фаол кишилар; жамиятнинг ўюшган озилиги.
Р. Уильямс	Ўз биология ғана генетик келиб чиқыши түфайли жамиятда олий үрінларни банд этувчи кишилар.
Ж. Бернхейм	Максимал миқдорда мөддий ва маънавий бойликларга эга бўлған кишилар.
Ж. Боден	Бу шундай шахсларки, омма устидан ўз институционал ва морал устуворлигига эга бўлацилар.
Г. Лассузл	Жамиятда энг катта обрў, мақомга эга кишилар.
М. Вебер	Харизматик шахслар.

Мәнба: Сиёсатпенослик асослари. Материалдар тұлалами. Т., 2005.

Юқоридаги мұлоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, **элиталар циркуляциясын** кузатиш мүмкін. Жамиятда доим есқи элиталарнинг янги элиталар билан алмашиб туриш жараёни күзгі тащланади ва янги элиталар ўзларининг келиб чиқышлари бүйінча қуий қатламлардан чиққанлар. Энг яхши элиталарнинг пайдо бўлишини таъминлаб берадиган элиталар циркуляциясининг меъёрига қараб ижтимоий тизим мустаҳкамланади. Паретонинг фикрича, элитанинг ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш имконияти унинг таркибиға ижтимоий гурухлар вакилларининг кириш имкониятининг очиқлигига боелиқ.

Бу ҳақда Буюк Британиянинг тарихи бизга яққол гувоҳлик беради. Қачонки ҳукмрон элита ёпиқ бўлса ва қастага айланса, у ўзининг бошқариши қобилиятини йўқотади ва ҳокимиятни сақлаб қолиш учун куч ишлатади. Бу ҳолатда элиталарнинг алмашинуви инқилоблар ва зўравонлик йўли билан амалга оширилади. Инқилоблар ижтимоий тенгликтни бузади ва мавжуд бўлган тизимда ижтимоий тенглик бузилади ва ижтимоий күчларнинг янги конфигурацияси шаклланади, элиталарнинг тубдан ўзгариш ҳолати юз беради. Унбу тизимнинг яққол мисоли сифатида XVIII аср охирида юз берган Буюк Француз инқилоби мисол бўла олади.

Ижтимоий мойиллик, бошқача қилиб айтганда, элиталар қаторига қуий қатламлардан чиққан вакилларни киритиш В. Парето бўйича инқилобий ҳараратларга қарши энг яхши чорадир. Бироқ унинг назарияси, унбу қоидаси жамиятнинг элитар тузилимасига бўлган эҳтиёжини шубҳа остига қўймайли.

4. Сиёсий лидер ва унинг типологияси.

Сиёсий лидерлик ҳодисасига социология, сиёсатшунослик, психология ва бошқа фанларда кўплаб назариялар мавжуд. Бу ҳодисага қизиқиш ва уни таҳдил этишга интилишнинг ибтидоси қадимги даврларга бориб тақалади. Антик даврнинг муаллифлари Геродот, Плутархлар ҳам сиёсий лидерлик тўғрисида кўплаб мұлоҳазалар билдириштаган.

Сиёсатшунослик нуқтаи назаридан сиёсий лидерлик ҳодисасини таҳдил этишда Абу Наср Фаробий, Амир Темур, А. Навоий, Н. Макиавеллининг хизматлари каттадир. Н. Макиавеллининг фикрича, **сиёсий лидер** – бу бутун жамиятни жипслаштирувчи, ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар қандай воситаларни кўлловчи ҳукмдордир.

Лидернинг волюнтаристик назариясини Г. Карлейл (1795-1881) ва Р. У. Эмерсонлар (1803-1882) ишлаб чиққанлар. Уларнинг фикрига кўра, тарих қаҳрамон, диний шахс ижодининг маҳсулидир.

Сиёсий фикрлар таълимотидаги сиёсий лидерлик назариясида **Ф. Ницше** ишлаб чиққан **парадигмалар** ҳам мұхим роль ўйнайди. У олий биологик тип – етакчи, йўлбошли инсон, гайритабиий фавқулодда инсон тўғрисидагиғояни асослашга ҳаракат қилди. Гайритабиий, фавқулодда инсон инсоний ахлоқ меъёrlари билан чегаралғанмаган бўлиб у, яхшилик ва ёмонликдан юқори туради. У оддий одамларга, ўзига ўхшаш фавқулодга йўлбошли инсонлар билан меҳрибон, мулойим бўлиши мүмкін. У юксак ҳәстий кувватга эгалиги ва ҳокимиятга бўлган иродаси билан бошқа кишилардан ажратиб туради. У киши иrodали, ривожланган ва гўзал инсондир.

Лидер, йўлбошчилар тўғрисидаги замонавий назарияларга *G. Тард* (1843-1904) ижоди сезиларли таъсир кўрсатган. У ижтимоийлашув тўғрисидаги назария асосчиларидан бири бўлиб, ҳаётнинг асосий қонунларидан бири лидер, йўлбошчиларга издошларнинг тақлид қилишидир, деган бояни асослашга ҳаракат қиласи. Жамият тараққиётининг асосий манбаларидан бири ташаббускор ва ноёб шахслар томонидан қилинган янгиликлар ва қашфиётлардир.

Лидер – йўл кўрсатувчи маъносини англатади. Бу хусусиятга эга инсон бошқаларга таъсир эта олиш, муайян мақсадларга эришиш учун уларнинг биргаликлар фаолиятини ташкил эта олиш қобилиятига эга.

Сиёсий лидерлик – сиёсий фаолият тури бўлиб, у икки томоннинг ўзаро алоқаларини англатади: *бираччи томон* – лидерлар ўз издошларининг манфаат ва эҳтиёжларини яхши биладилар ва баён этадилар, *бошқа томон* эса, шу манфаатларни ифодалаш ва амалга ошириш учун ўз ваколатларининг бир қисмини уларга ихтиёрий равишда тогиширадилар.

Замонавий сиёсатшуносликка лидерликка доир бир қанча ёндашувлар мавжуддир:

Лидер – бу бошқа кишиларга таъсир этиш демакдир. Лидер ва унинг издошлари ўртасида ўзаро муносабатлар мавжуд бўлиб, у лидердан гурӯҳ аъзоларига қараб ҳар доим бир томонлама йўналтирилган бўлади.

Лидерлик – бу бошқарувчаник мақоми, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий позициядир.

Сиёсий лидерлик – бу сиёсат бозорида амалга ошириладиган махсус тадбиркорлик шаклидир. Бундай рақобатчилик курашувида томонлар ижтимоий вазифаларни счиш бўйича дастурлар билан алмашинадилар.

Сиёсий лидер – сиёсий жарабёнлар билан бирга бутун жамият ва сиёсий ташкилот ёки ҳаракатни ҳам бошқарали, воқеаларнинг бориши ва сиёсий жарабёнлар йўналишини ўзгартира олади. Сиёсий лидерлар жамиятдаги сиёсий жарабёнларни жонлантирадилар, жамиятнинг тарихий ривожланишини белгиловчи дастурлар ва бояларни илгари сурадилар.

Сиёсий лидерга кучли ирода, ёқимлилик, қатъийлик қобилияти, интуиция зарур бўлали.

Лидерлик ва йўлбошчиликнинг табиатини тушунтириб беришда хилма-хил назариялар мавжуд. Улардан бири характер назариясидир. Ушбу назариянинг моҳияти Ѣуки, унда лидерлик ҳодисаси шахснинг юксак хусусиятлари асосида тушунтириб берилади. Бундай хусусиятларга қўйилдагилар киритилган: ўтқир заковат, фаҳм-фаросат, темир ирода, кайноқ энергия, юксак ташкилотчилик қобилиятлари, кишиларга ёқа олишлик хусусияти, айниқса, билимдонлик ва матъсулиятлиликни ўзига олишга тайёрлик хусусияти. Ҳозирги демократик давлатларда сиёсий лидерларга хушсуратлилик, нотиклик хусусиятлари ҳам асосий талаблар сифатида қўйилмоқда.

Сиёсий лидерларнинг характерли хусусиятларини аниқташ мақсадила кенг социологик тадқиқотлар ўтказилган. Бу тадқиқот натижалари характерлар назариясини муайян даражада инкор этади, яъни чукурроқ таҳлил қилгандан лидерларнинг индивидуал хусусиятлари умуман шахснинг барча жи-

хатлари ва ижтимоий хусусиятлари билан умуман олғанда мөс келини аниқланган.

Яна шу нарса аниқланадыки, шахснинг лидерликни амалга ошириши учун муайян хусусиятлар йиғиндиси ҳақиқатан ҳам муайян даражада роль ўйнайди. Бу хусусиятлар йиғиндиси тарихий давр ва дунёдаги түрли хиселатлар хусусиятларига кўра турлича бўлиши мумкин.

Булар характерлар назариясидаги иккинчи йўналишини ёки омилий-таҳлилий таълимотларни вужудга келтиради. Бу таълимот лидерларнинг соғ индивидуал хусусиятларини ва муайян сиёсий мақсадларини амалга ошириш йўлидаги хулқ-атворларнинг белгиларини таҳлил қылади.

Омилий-таҳлилий таълимот сиёсий лидерлар назариясига муайян вазият билан боғлиқ мақсад ва вазифалар туцунчасини киритади. Сиёсий етакчининг индивидуал хусусиятлари ва унинг олдида турған мақсауларга эришишга интилиси натижасида сиёсий лидернинг «иккинчи табиати» вужудга келади. Хулқ-атвор услуги ишлаб чиқилади. Сиёсий лидернинг мақсадни мўлжаллаш ва унга эришиш услугига муайян ижтимоий вазиятлар таъсир кўрсатади.

Лидерликнинг муайян ижтимиой шарқ-шароитларга боғлиқтитини **вазиятлар таълимоти** янада ривожлантиради ва асослаб беради. **В. Даиль, Т. Хильтон, А. Гарднер** ва бошқалар лидер ҳодисасининг нисбийлигидан, кўп хиллигидан келиб чиқдилар. Лидер – муайян вазият маҳсулидир. Айнан вужудга келган муайян вазиятлар сиёсий лидерларни танлаб олади ва унинг хулқ-атворини белгилайди. Тарихда тасодифий лидерлар бўлмайди: ҳар бир лидер ўз даврининг ва шу даврга хос тарихий вазиятини маҳсулидир. Искандар Зулқарнайн, Оливер Кромвель, Чингизхон, Амир Темур, Жалолиддин Мангубердилар ҳам ўз даврининг лидерлари эдилар. Аммо, табиийки, улар бир-бирларидан тублан фарқ қиласидилар.

Вазиятлар таълимоти сиёсий лидернинг индивидуал хусусиятларини рад этмайди, лекин уларни мутлақаштиришни ҳам ноўрин леб ҳисоблайди ва сиёсий лидерни муайян сиёсий вазиятлар ҳосиласи леб қарайди. Вазиятлар таълимогига аниқлик киритиш, ривожлантириши ва сифат жиҳатидан бойитиш натижасида сиёсий лидерликни, унинг издоилари ва тарафдорлари ёрдамида тушунтириш таълимоти вужудга келди.

Замонавий сиёсатшуносликада **тарафдорлар тушунчаси** кенг қамроили бўлиб, сиёсий фаоллардан ташқари лидернинг сайловчилари, шунингдек, у билан ўзаро муносабатда бўлувчилар ҳам бу тувиунча мазмунни таркибиға киритилади. Уларни таҳлил қилиш сиёсий лидернинг хулқ-атворини, қабул қилалигидан қарорларини олдиндан билиш имкониятини беради.

Бундай ёндашувнинг афзалиги шундаки, лидерлик раҳбар ва тарафдорлар ўртасидаги маҳсус муносабатлар сифатида қаралади.

Лидер билан муносабатларнинг шаклланиши ва амал қилишида сиёсий фаолларнинг роли каттадир. Айнан тарафдорлар унинг шахсий сифатлари ва имкониятларини етарли баҳолай оладилар, уни кўллааб-куватлаш кампанийасини гашкия қиласидилар. Улар воситасида, айниқса, уларнинг мақсад ва қарашларига, шунингдек, сайловчиларнинг кайфиятларига таъсир кўрсатади.

Сиёсий лидерларни тарафдорлар манфаатларининг ифодачиси сифатидаги бундай қараш бирмунча камчиликларга ҳам эгадир. Ушбу назария ва вазиятлар таълимоти ҳам сиёсий лидернинг ҳокимиятни эгаллагандан кейинги фаолиятидаги мустақилликни, фаолликни тушунтириб бера олмайди. Тарих сабоқлари кўрсатадики, кўпгина сиёсий раҳбарлар ўзини ҳокимият тепасига келтирган қатламлар ва турұхлар манфаатларига қарши қаратилган фаолият юриттганлар.

Буни Сталин фаолиятида яққол кўришимиз мумкин. У ҳокимиятга чиққандан кейин ўн беш йил давомида ўзини ҳокимият теласига келтирган большевикларни деярли бутунлай, бундан ташқари, ўз партияси аъзоларининг ҳам ярмини йўқ қилди. Бунга ўхшаш ҳолни А. Гитлер мисолида ҳам кўришимиз мумкин. У ҳам ўзини ҳокимият тепасига келтирган эски нацистлар партияси аъзоларини деярли бутунлай йўқ қилли.

Ана шу яш шунга ўхшаш кўпгина далиллар шуни кўрсатадики, лидер ва тарафдорлар ўзаро таъсирини икки томонлама йўналтирилган ҳаракат сифатида қараш керак. Лидерлар ўз ижтимоий таянчларини муайян даражада ўзгаришишлари мумкин. Бундай ҳол, айниқса, авторитар ва тоталитар сиёсий режимларда фожиали тус олиши мумкин.

Сиёсий лидерлик табиатини тушунтириш ва уни бир хилда изоҳлаш мураккаб вазифа бўлиб, унинг субъектив механизмларини психологик таълимотлар, хусусан *психоаналитика назарияси* тушунтириб беради. Унинг асосчиси З. Фрейдир. Сиёсий лидерлик асосида шаҳвоний майллар ётади. Сублимация, бошқа ҳолатга ўтиш жарёнида, у ижодий фаолиятга, жумладан, сиёсий лидерликка ҳам интилиш сифатида намоён бўлади. Кўпгина кишиларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаш субъектив – компенсаторлик вазифасини бажаради. Турли хил камчиликларга йўл кўймаслик, номукаммаллик ҳиссиятини енгишга ёрдам беради. Муайян психологик эҳтиёжлар сиёсий лидерга бўйсунишга маъжбур ётади.

Сиёсий лидерликнинг психоаналитик назарияси ривожига Франкфурт мактаби вакиллари Э. Фрамм ва Т. Адорно сезиларли ҳисса кўшдилар. Улар авторитаризмга мойил бўлган ва ҳокимиятга интигурувчи шахс типини аниқладилар. Бундай шахс носоғлом, яъни оиласвий невроз ҳолатини келтириб чиқарувчи шароитларда шаклланади. Киши бундай шароитларда уларнинг ҳаммасидан ҳукмронлик ёки бўйсуниш муносабатларига қочишга интилади. Лидерлик – авторитар шахс учун ўзининг нотекис кайфиятларидан холи бўлишга ва ўз иродасига бошқаларни буйсундиришга имкон берадиган психологик эҳтиёждир. Бошқалар устидан чексиз ҳукмронлик қилиш, бундай кишига ўзига хос сархушилик баҳш ётади. У ўзига хос садизм, зўравонлик шаклидир. Шу билан бир вақтда, авторитар шахс мазохистик ҳусусиятга ҳам эгадир, яъни у ўзидан зўрроқ куч билан тўқнашганда, унга сажда қиласди. Бошқаларнинг кучсизлиги унда ғазабланиш, уларни таҳқирлаш кайфиятларини туғлиради.

Бундай хулқ-автор шакли психологик маънода кучлиликнинг эмас, кучсизликнинг намоён бўлишидир. Авторитар шахс ҳаққоний кучга эга бўлмасдан, бошқа кишилар устидан ҳукмронлик қилиш воситасида у кучга эга

бўлишига ўзини ишонтиришга ҳаракат қиласи. Бундай шахе иррационаллар, мистикага мойиллар ва, биринчи навбатда, ҳиссиятлар асосида фикр юритади, тенглик ва демократияга тоқат қила олмайди. Бошқа барча киншиларни кучли-кучсиз муносабатлари воситасида идрок этади.

Сиёсий лидерлик турлари жуда кўп бўлиб, уларни гаҳлил қилиши ҳам анча мураккаблик туғдиради. Ушбу вазифани сиёсий лидерликни комплексе таҳлил қилиш орқалигина амалга ошириш мумкин. У лидерликнинг 4 асосий хусусиятини ҳисобга олади: лидернинг характерли хусусиятлари, у бажарини лозим бўлган вазифалар, унинг издошилари ва уларнинг ўзаро ҳаракати тизими, лидер ва ўзаро муносабат механими. Лекин лидерликнинг универсал таълимотини яратиш мумкин эмас. Сабаби, бу воқеликнинг ўзи намоён бўлишига, вазифаларига, тарихий давр, сиёсий тизим хусусиятларига кўра хилма-хилдир. Ҳозирги замон сиёсатшунослигига сиёсий лидерлар у ёки бу мезонларга кўра хилма-хил турларга ажратилади.

Раҳбарнинг кўл остидагиларга муносабатига кўра, у **авторитар ва демократ лидерларга** ажрагилади. Авторитар лидерлик танҳо йўналишилган ташсир этиши хусусиятига эга бўлиб, у санкциялар, куч ишлатишни назарда туғади. Демократик етакчилик раҳбар томонидан турар ёки ташкилот барча аъзоларининг фикрлари, манфаатларини ҳисобга олишида, уларни бониқариша иштирок этишда ифодаланади.

Ушбу тасниф ўзининг баъзи камчиликларига қарамасдан, уни қўлланада оддий ва қулайдир. Биринчи турлари лидерлик асосида одатлар, иккинчисида – тафаккур, учинчисида – эътиқол ва ҳиссиятлар ётади. Ушбу тасниф асосчиси М. Вебер **харизматик лидерликни** таҳлил этишга алоҳида эътибор беради. У лидерликнинг ушбу турини инқироз даврида жамиятни янгилашнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қарайди, чунки харизматик доҳийнинг обрў-эътибори ўтмиш билан боғлиқ бўлмасдан, у оммани ижтимоий янгилаши вазифаларини ечинига сафарбар этишга қолиридир. Жамият тараққиётидаги нисбатан тинч даврла эса тарихий анъаналарни авайлаб асрорчи ва зарурий ислоҳотларни амалга оширувчи ҳар қандай вазиятда ва оқилона иш тутувчи легал лидерлар майдонга чиқади. Умуман олганда, кўпгина давлатлар тарихида сиёсий лидерлар турларининг алмашинувида муайян кетма-кетлик кузатилади.

Лидерликнинг мумтоз, деб ҳисобланаш мумкин бўлган уч турини М. Вебернинг «Сиёсат – ҳам майл, ҳам қасб сифатида» мақоласида берган легитимликнинг уч турига асосланади:

Анъанавий лидерлик. Лидерликнинг бу турлари анъаналар, маросимлар, одат кучи каби механизмларга таянади. Итоат қилиш одати анъаналарнинг муқаддаслигига ва ҳокимиятнинг мерос тариқасида ўтишига асосланади. Лидерликнинг бу турни доҳийлар, оқсоқоллар, шоҳлар бошқаруви учун хосдир.

Харизматик лидерлик. Ҳукмдор – лидернинг қудратига халқининг чексиз ишончига асосланади.

Рационал-ошкора лидерлик. Лидерликни сайлашнинг тартиби, унга муайян ҳокимлик ваколатларининг оқиллиги, қонунийлиги тўғрисилаги тасаввурларга асосланади (33-жайлар).

Сиёсий лидер типологияси

№	Таснифлаш мезони	Лидерлик турлари
1.	Үз күл остидагиларига муносабатига күра	Авторитар лидер. Демократик лидер.
2.	Лидерлик күләмнеге күра	Умумдаштар лидери. Муайян синф лидери. Ижтимоий гурухлар лидери.
3.	Лидерлик услугига күра	Байроқбардор лидер. Хизматчи лидер. Тижоратчи лидер. Үт үчирүвчи лидер. Актёр лидер (демагог)
4.	Мавжуд сиёсий тизимга бўлган муносабатига күра	Функционал лидер. Дисфункционал лидер. Конформист лидер. Нонконформист лидер.
5.	Үз авторитетининг ижтимоий маҳиятига күра	Анъанавий лидер. Бюрократик лидер. Харизматик лидер.

Мамбаба: Сиёсатшунослик асослари. Маргуланар тўплами. Т., 2005.

Америкалик политолог *Роберт Такер* сиёсий лидерликнинг уч турини ажратиб кўрсатган:

- **Консерваторлар.** Жамиятни шу ҳолатида сақлаб қолишга қаратилган фаолият олиб борилади.
- **Реформаторлар.** Ҳокимият таркибини кенг қамровли ислоҳотлар воситасида тубдан ўзгартиришига интиладилар.
- **Инқилобчилар.** Одатда курол кучи билан бошқа ижтимоий тузумга тез, сакраш орқали ўтишни режалаштиради.

Замонавий сиёсатшуносликда лидерларнинг 4 та йигма образи кўлланилади: байроқдор ёки буюк инсон, хизматкор, савдоғар ва ўт үчирүвчи. **Байроқдор лидерни** воқеликни шахсий идрок этиш, оммани жалб этишига қодир бўлган гоялар, идеаллар ажратиб туради, бундай турга Мартин Лютер Кинни киритиш мумкин.

Хизматчи-лидер ҳам ўз тарафдорлари ва сайловчиларнинг манфаатларини ифода этишига интилади ва улар номидан иш кўради. Савдоғар-лидер учун ўзининг гоя ва режаларини чиройли қилиб кўрсатиш, фуқароларни уларнинг афзаллигига ишонтириш, уларни бу гояларни сотиб олишга жалб этиш хосдир. Ва ниҳоят, **ўт үчирүвчи лидер** энг долзарб ижтимоий муаммоларга, даврнинг мухим талабларини мўлжалга олади. Унинг хатти-ҳаракатлари конкрет вазиятга кўра аниқланади. Реал ҳаётда бу образлаги лидерлар алоҳида ҳолда учрамасдан, сиёсий арбобларда аралашган ҳолда учрайди.

Лидерларни классификациялашнинг бошқа концепциялари ҳам мавжуддир. Лидерлар турининг хилма-хиллиги, уларнинг фаолиятлари йўналишиларининг бойлиги ҳал этиладиган вазифаларнинг кенглиги билан боелиқдир.

Лидеринг функциялари унинг фаолиятининг бош йўналишларидир. Уларнинг миқдори сиёсий тартибот, фуқаролик жамиятининг етуклиги, аҳоли турмуш даражаси каби омилларга боғлиқ.

Адабиётларда лидерликнинг асосан қуйидаги б функцияси кўрсатилади:

1) **Жамиятни жислаштириш ва бирлаштириш**. Лидер ўзида ва бошқа давлатлар билан муносабатда миллий бирликни гандалантириши ва наимоиш қилиши, фуқароларни умумий мақсадлар ва қадриятлар йўлида бирлаштириши. Ватанга, давлатга, халққа хизмат қилишда ўrnак бўлиши лозим.

2) Энг мақбул *сиёсий қарорларни ишлаб чиқшиш ва қабул қилиш*. Лидерлар хатолар қилишдан кафолатланмаган бўлса ҳам, кўпинча яхши савй-ҳаракатлар кўрсатмаса ҳам, барибир ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг энг маъқул йўлини топа олиш қобилиятларига кўра одатда, уларнинг раҳбарлик лавозимларини эгаллашлари ўзини оқлади.

3) **Ижтимоий ҳакамлик ва патронажлик**, қўриқчиллик, оммани қонунсизликдан, амалдорларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш, тартибот ва қонунчиликни назорат, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари билан сақлаб туриш.

4) Ҳокимнинг ва омманииг мулоқот, сиёсий на ҳиссий алоқа каналларини мустаҳкамлаш ва шу билан *фуқароларнинг сиёсий раҳбарликдан бегоналашувшининг олдини олиш*. Оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение, шунингдек, сайловчилар билан ўзаро учрашувлар ва бошқа тадбирлар орқали президентлар ва бошқа сиёсий раҳбарлар халқ билан бевосита алоқада бўлиши учун кент имкониятларга эга бўладилар.

5) **Янгиланишларнинг ташаббускори бўлиш**, оптимизм ва ижтимоий энергияни тўплаш, оммани сиёсий мақсадларини амалга оширишга сафарбар қилиш. Лидер халқ анъаналарини авайлаб асрashi, ўз вақтида янгиликларни илгай олиши, жамият тараққиётини таъминлаши, халқда ижтимоий идеаллар ва гояларга ишонч уйғотиши лозим.

6) **Сиёсий тизимни легитимлаштириш**. Бу функция асосан тоталитар жамият лидерларига хосдир. Сиёсий режим тарихий халқ анъаналарида ва демократик тартибларида ўз-ўзини оқладай олмаганида, у буни харизматик лидернинг алоҳида хусусиятларидан излашга ҳаракат қилади. Бунда лидерларнинг қобилиятлари ҳаддан ташқари бўрттирилади.

Хозирги дунёда лидерлик ривожланишида **бешта тенденция** шаклланди:

1. Миллий лидерлар эндилика глобал муаммоларни четлаб ўта олмайдилар. Улар ўз ички сиёсатларини умумжаҳон, глобал жараённинг бир қисми сифатида қарашлари лозим бўлади;

2. Норасмий лидерлар роли ва таъсирининг ортиб бориши;

3. Лидерлар фаолияти иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ жалб қилингати. Бу – лидер фаолияти билан боғлиқ равишда у ёки бу миллат турмуш даражасининг ортишида намоён бўляпти, ўз навбатида, бу фаолиятнинг давомийлиги ҳам ортятти.

4. Лидер-қаҳрамон ва лидер-антиқаҳрамон каби сиёсатчиларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли камайяти.

5. Ҳокимиятлар бўлиниши ва фуқаролик жамияти чегараларининг кенгайиши ҳисобига сиёсий етакчи ҳокимият ҳам чекланяпти.

Етакчи ўз фаолияти учун зарур бўлган қатор хислатларга эга бўлиши лозим. Илмий адабиётларда эса етакчининг қуйидаги хислатлари келтириб ўтилади (34-жадвал).

34-жадвал

Сиёсий лидернинг асосий хусусиятлари

№	Таснифланган мезонлари	Лидернинг хусусиятлари
1.	Шахсий хислатлар	<ol style="list-style-type: none"> 1) И житимой манфаатларни ўз шахсий манфаатларидан юқори қўйишти. 2) Адолатпарварлик. 3) Ўз кўл остидагиларга ҳурмат билан қараш, инсонпарвар ва ғамхўр бўлиш. 4) Камтарларлик ва очиқ ҷеҳзали бўлиши. 5) Мехнат жамоасида қуляй руҳини муносабатларни вужулга келтириши. 6) Одамлар билан осонликача тил топишга олиш. 7) Мустакил фикр эласи бўлиш. 8) Умумий маданиятнинг савиисининг юксаклиги, воийлик маданияти билан ички ва ташкил маданиятининг ўйгун бўлиши. 9) Босиқ бўлиш. 10) Ўзига ишонч. 11) Ўз-ўзига талабчан бўлиш. 12) Билимдонлик. 13) Ташкилотчилик. 14) Раҳбарликка хос хотирага эга бўлни. Ходимларни имкон қадар исм-шарифи билан сўрани. 15) Ишга ҳар доим яхши кайфиятда келиб-кетиш.
2.	Амалий хислатлар	<ol style="list-style-type: none"> 1) Фикрининг тикинлигиги, ўз овози, нутқи, ҳиссиятини бошқара олиши, тетнилик. 2) Янгиликни қабул қила билиш, янтича замонавий технология ва меҳанимларни ўрганиб олиш, ути амалиётта тағбиқ этиш. 3) Ташкилотчилик қобилияти. 4) Ўз сўзининг устизан чиқа билиш. 5) Ташаббускорлик. 6) Ишбизлармонлик 7) Тадбиркорлик. 8) Объективлик. 9) Каеб одоби ва маданиятига амал қилиш. <p><i>(Онглии 1-3 ундан таъминланадиган бўларни ўзине кечир.)</i></p>
3.	Профессионал хислатлар	<ol style="list-style-type: none"> 1) Ўз каебига қўлиқинш. 2) Инициатикарини билиш. 3) Қалрларга эътибор бериш. 4) Ўз малакасини оширишга интилиш. 5) Ишбизлармонлик. 6) Тадбиркорлик. 7) Каебий ишлувчалик, каебий кутатувчалик. 8) Каебий ўзини-ўзи тарбиялаб бориш. 9) Узлукси з каеб маҳоратини ошириш бориш. 10) Жамоада уюшколик ва ҳамжиҳатликни таъмин этиш. 11) Онгли интизом ва ўзаро ҳурматни йўлга қўйиш. 12) Сўз ёрнилтигини қарор топтириш. 13) Тежамкорлик ва нақтлан унумни фойдаланишига орнини. 14) Ўз қадр-қимматини сақлаб борини. 15) Ҳар доим каеб одоби, маданиятига амал қилган ҳолда ижодкорлик ва ташаббускорликни ривожлантириб борини.

Манба: Политология (Ўкув қўлинима). Г., 2006.

Ҳар бир мамлакатда лидерларни етиштириб берувчи кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд. У жамият сиёсий тизим мақсадлари, сиёсий мафкура қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра кадрлар тайёрлаш тизимларини учга ажратиш мумкин:

1. *Либерал-демократик тизим*. Унинг икки қўриниши мавжуд: гарбий ва шарқий.

2. *Тоталитар тизим*. Унда лидерга, тизимга ва мафкурага содиқлик алоҳида қадрланади.

3. *Теократик тизим*. Диний мафкура амал қиласиган мамлакатларда мавжуд.

Сиёсий лидернинг ижтимоий аҳамияти тўғридан- тўғри сиёсий маданият даражаси ва омманинг фаоллиги билан боғлиқdir. Фаол сиёсий маданиятнинг, барқарор демократик анъаналарнинг мавжудлиги, давлат томонидан назорат қилинмайдиган фуқаролик жамияти ва сиёсий муҳолифатнинг борлиги заиф лидерлар учун имкониятларни камайтиради; турли хил ўзбошим-чаликнинг, ҳокимиятни сунистеъмол қилишининг олдини олади ва, шу билан бирга, сиёсатда индивидуал қобилияtlар ва талантларни намоён қилишга кенг йўл очиб беради.

Раҳбар фазилати ҳақида академик Иброҳим Мўминов шундай фикр билдирган эди: «Раҳбар З масалада қатъий бўлиши керак. Шунга амал қилган бошлиқнинг раҳбарлик фаолияти бокий бўлади. Улар:

1) ҳалоллик; 2) ростгуйлик; 3) изчил фидоийликдир.

“

СИЁСАТ ВА МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМДА ДИНЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

Рекса:

1. Миллат тушунчаси. Миллатлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Миллий муносабатларнинг зиддиияти табияти.
3. Миллий давлат тузумининг асосий шакллари.
4. Ўзбекистонда миллий сиёсат.

1. Миллат тушунчаси. Миллатлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Миллий муносабатлар муаммоси ҳозирги замоннинг энг кескин муаммолари орасида олдинги ўринлардан бирини эталлади. Мазкур муаммоларнинг ечилмаганлиги туфайли СССР ва Югославия сингари федератив давлатлар парчаланиб кетди, миллий масала Англияда (Ольстер), Бельгияда (Фландрания-Валония низолари), Канада (инглиз Канадаси ва француз Канадаси масаласи) энг мураккаб ички сиёсий муаммо бўлиб турибди. Агар Ер шарида майда қабилалардан тортиб кўп миллионли миллатларгача бўлган 2000 дан ортиқ ҳалқлар борлигини, миллатлар ва элатларнинг 90 фоизи кўп миллатли давлатлар таркибига киришини, фақат 327 та ҳалқ ва миллий гуруҳлар кўпсоноли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, миллий масала энг мураккаб масалалардан бири бўлиб қолаётганлигини тушуниш қийин эмас.

Масалан, собиқ Югославия ўрнида пайдо бўлган давлатлардан бири Сербия ҳам, ўз наяватида, айнан миллий муносабатларнинг оқилона ҳал қилинмаганлиги сабабли парчаланиб кетиш хавфи остида қолди: 2008 йил 17 февралда ушбу давлат таркибидаги албанлар яшайдиган ҳудуд – Косово аҳолиси ўз мустақиллигини ълон қилди. Ушбу “митти давлатчани” тан олиш масаласи эса жаҳон ҳамжамиятини бир бирига зид бўлган икки лагерга бўлинишига олиб келди. АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия каби давлатлар Косовони тан олган бўлсалар, Россия, Хитой, Испания, Озарбайжон каби миллий айирмачилик муаммосини бошдан кечираётган давлатлар Косовони тан олишдан бош тортдилар ва ҳатто, бу давлатнинг бир ёқлама тузилганинги ҳалқаро хукуқ меъёrlарига зид, дея баҳоладилар.

Миллий муносабатларда, яъни кишиларнинг миллат деб аталувчи бирликдаги ёки бошига этномиллий муносабатлари давлатдан алоҳида ёки унга параллел равинида мавжуд бўлмайди. Миллий ва этномиллий муносабатлар у ёки бу тарзда давлат билан боғлиқ бўлиб, ягона сиёсий яхлитликни ҳосил

қилади. Халқаро майдонда миллатлар ўртасидаги муносабатлар, энг аввало, давлатлар ўртасидаги муносабатлар сифатида намоён бўлади ва, шу сабабли, сиёсий мазмун касб этади.

Миллатни тушуниш борасида учта асосий ёндашув кенг тарқалган: сиёсий-хукуқий, ижтимоий-маданий ва биологик ёндашув.

Сиёсий-хукуқий ёндашувда миллат деганда – фуқаролик, яъни у ёки бу давлат фуқароларининг ҳамжамияти англашилади.

Халқаро хукуқда миллатлар ҳақида сўз кеттанида, айнан фуқаровий ёки сиёсий миллатлар назарда тутилади.

Одатда, фуқаролик жисплашуви ва давлатта хайриҳоҳлик даражасининг турлича эканлиги ўзига хос кўпэтносли бирлашмалар тимсолидаги сиёсий миллатлар халқаро майдонда ўз миллий манфаатлари, миллий чегаралари, миллий байроғи ва миллий тавсифларга эга «миллий» давлатлар сифатида намоён бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари айнан ана шундай миллий давлатлар сифатида майдонга чиқувчи сиёсий миллатлардир.

Ижтимоий-маданий ёндашувда миллатни ҳосил қилувчи кишилар катта гуруҳининг тили, маданияти, дини, анъаналари, урф-одатлари муштараклигига ургу берилади. Бу миллатни маънавий маданиятнинг, тарихий тараққиётнинг, майшлий турмуш тарзининг муштараклиги хос бўлган кишилар бирлиги сифатида баҳолашга имкон беради. Бундай ҳолда маданий миллат ёки этномиллат ҳақида сўз юритилади.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, миллат фақат давлат сиймосидаги объектив мавжудлик эмас, балки инсонга ўзи ҳақида «мен ўзбекман», «мен америкаликман», «мен русман» дейиш, бутун гуруҳга эса «биз ўзбекмиз», «биз америкаликмиз», «биз русмиз» дейишга, ўз мамлакати, ўз данлатига нисбатан «Ўзбекистон – менинг ватаним», «АҚШ – менинг ватаним», «Россия – менинг ватаним» деб айтишга имкон берувчи онгдан ва ўзликни англашдек субъектив феномендан ҳам иборатдир.

Миллий онг ва ўзликни англаш бўймаса, миллат ҳам бўлмайди. Миллат феноменининг таникли тадқиқотчиси Э. Геллер шундай деган: «Биринчидан, икки киши уларни фақат тоялар, шартли белгилар, алоқалар, хулқатвор ва муомала усуслари тизими сифатида англанадиган муштараклик бирлаштириб тургандагина, битта миллатта мансуб бўлади. Иккинчидан, икки киши бир-бирининг мазкур миллатга мансублигини тан олгандагина, бир миллатта мансуб бўлади. Бошқача қилиб айттанды, миллатларни инсон яратади; миллатлар – инсоний эътиқодлар, интилишлар ва майлар ҳосиласи»¹.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари, АҚШ, Англия, Франция, Испания, Лотин Америкаси ва Скандинавия сингари бир-бирига ўҳшамаган мамлакатлар миллатни тушунишда аввалги икки ёндашувга асосланадилар. Барча фарқларга қарамасдан, уларда битта муштараклик бор, қон-қариндошлигини миллатнинг ҳосил бўлишини белгиловчи омил сифатида тан олмаслик.

Миллатни тушунишдаги учинчи, **биологик ёндашув** айнан ана шунга, қон муштараклигини миллатнинг асосий доминантни деб тан олишга асосла-

¹ Геншер Э. Нации и национализм. // Вопросы философии. 1989. № 7. С. 124.

нади. У Япония ва Германия сингари мамлакатлар учун хос. Ҳар икки давлаттинг конституцияларига кўра, миллатни фақат тегишли тарзда томирларида япон ёки немис қони оқаётган кишиларгина ташкил этади.

Истроил миллати ҳам қон белгисига кўра шакллантирилади. Унинг яна бир мажбурий белгиси ўзига мувофиқ дин (иудаизм)дир.

Тан олиш жоизки, биологик қон тамойили инсоннинг ўзида мавжуд бўлали, лекин шундай бўлса-да, миллат генлар, яъни биологик омиллардан кўра кўпроқ ижтимоий омиллар – маданий мұхиттинг хусусиятлари, болани тарбиялаш ва ўқитиш тизими билан белгиланади. Кишилар шахс бўлиб туғилмайдилар, балки шаклланадилар. Бу миллат феноменига ҳам тегишилдири.

Энг кўп тарқалган тасаввурларга мувофиқ, миллат деганда, одамларнинг, муайян давлат фуқароларининг иқтисодий ҳёти, тили, маданияти ва анъяналарининг муштараклиги ҳамда ўзини муайян миллий бирликка мансуб деб ҳисоблашига, бошқалардан фарқлашга имкон берувчи индивидуал ва гурухий онг хос бўлган тарихан таркиб топган бирлиги тушунилади. Миллатлардан ташқари, бошқа ижтимоий-этник бирлашмалар ҳам мавжуд бўлиб, улар кўйидаги жадвалда кўрсатиб берилган (35-жадвал).

35-жадвал

Миллий-этник бирликлар ва улар ўргасидаги тафовутлар

Бирликлар	Белгилари
Миллат Этник гуруҳ	Яшаш жойидан қатъий назар, умумий этник белгиларга эгалик. Бир неча юз ёки минг кишидан иборат бўлган, бир-бири билан заиф боғланган бирлик, бирлашув асосида этник белгилар ётади.
Миллий гуруҳ	Мазкур мамлакат (минтақа)да туб аҳоли бўлмаган миллат, халқ-элаттинг бир қисми.
Этнографик гуруҳ	Миллат ёки элаттинг алоҳида ажralиб қолган, тил, маданият, турмушда ўзига хосликларига сақлаган қисми.
Элат	Иқтисодий алоқаларга, тил, ҳудуд, маданият муштараклигига, ўз-ўзини англашга, мунитарак психологияга эга бўлган ва мазкур белгилар миллат билан қиёслаганда камроқ ривожланган, барқарор, камсоили бирлик.

Маъба: Фафуров С. М., Ҳайдаров А. А. Тўлаганова Н. Ў. Сиёсатшунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т., 2005.

2. Миллий муносабатларнинг зиддиятли табияти.

2000 дан ортиқ миллий-этник бирликларнинг мавжудлиги фактининг ўзи улар орасида ўзига хос муносабатлар юзага келишини билдирадики, ушбу муносабатлар миллий (миллатлараро) муносабатлар сифатида белгиланади.

Миллий муносабатлар миллий этник ривожланиш субъектлари; миллатлар – элатлар, этник гуруҳлар ва уларнинг давлат бирлашмалари ўргасидаги муносабатлардир.

Бу муносабатлар уч турли бўлади:

- тенг ҳуқуқли;
- ҳукмронлик ва тобелик муносабатлари;
- бошқа субъектларни йўқ қилишга уринишлар.

Миллий муносабатларда ижтимоий муносабатларнинг бутун йигиндиси ўз аксини топади. Уларга иқтисодий ва сиёсий омиллар белгиловчи таъсир кўрсатади. Бунда сиёсий жиҳатлар ҳал қўлиувчи роль йўнайди. Бу ҳол, энг аввали, давлатнинг, миллатнинг шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамияти, миллий ва ижтимоий алоқаларнинг ички муносабати билан тақозо этилган.

Миллий муносабатларнинг ўз миллий тақдирини ўзи белгилаш, миллий ва байналмилал манфаатларнинг бирга қўшилиши, миллатларнинг тенг хукукли, миллий тиллар ва миллий маданиятларнинг эркин ривожланиши учун шароитлар яратиши, миллий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг ҳокимият тузилмаларидағи ваколати сингари масалалари ва бир қатор боғиқа масалалари бевосита сиёсат соҳасига тегишилдири. Шу билан бирга, сиёсий ақидалар, сиёсий хулқ-автор, сиёсий маданиятнинг шаклланишига тарихан таркиб топувчи анъаналар, ижтимоий ҳис-туйғу ва кайфиятлар, географик шароит, миллатлар ва элатлар ҳаётининг маданий-маишӣ шароитлари сезилларли таъсир кўрсатади. Миллий муносабатларнинг энг асосий масаласи – тенг хукуқлилик ёки тобелик масаласи, миллатларнинг улуг давлатчилик ва эзилган миллатларга бўлиниши; маданий ва иқтисодий ривожланиши даражасининг тенг эмаслиги ҳақидаги масала; миллий айрмачилик ва миллий заминда юзага келувчи душманлик, ўзаро шубҳаланиш масаласи.

Миллий масалани таҳлил қилишида икки жиҳатни – умумтарихий ва аниқтарихий жиҳатларни фарқлаш лозим. 1917 йилти Октябрь инқилобига турлича (салбий ёки ижобий) қарашлардан қатъий назар, шуни тан олиш лозимки, у Россия империясида миллий масаланинг кўп жиҳатларини ҳал этишга хизмат қилди. Бироқ СССРда миллий масала тўла ҳал қилинди дея 60-йилларда чиқарилган хulosса, шубҳасиз, асоссиз хulosса ёди. Ҳозирги кунда Германиянинг бирлаштирилишини ҳам немис миллий масаласининг узил-кесил ҳал этилиши деб ҳисобламоқдалар. Назаримизда, бундай деб айтиш умумтарихий нуқтаи назардан асоссиздир, зоро, масаланинг моҳияти шундаки, миллат фақат ўз тақдирини ўзи белгilaшигина эмас, балки уни ташкил этиувчи ижтимоий бирликларнинг бир текис ва эркин ривожланиш имкониятига ҳам эга бўлиши керак. Айнан мана шу маънода миллий масала ҳар доим мавжуд бўлади, чунки миллий масаланинг барча жиҳатларда ва ижтимоий миқёсларда тўла ва узил-кесил ҳал қилиниши диалектика нуқтаи назаридан мумкин эмас.

Миллий муносабатлар ҳақида сўз кетганида уларнинг ривожланишидаги асосий тамойилларни ажратиб кўрсатиш лозим:

- миллий онгнинг ўсиши, миллий давлат бирлашмаларининг суверентетга интилиши;
- иқтисодий интеграциянинг ривожланиши, иқтисодий алоқаларнинг чамбарчас боғланиб кетиши;
- миллий давлат бирлашмаларида аҳолининг ижтимоий тузилмасини тенглashingириш;
- ишчилар, мутахассислар, тадбиркорлар, олимлар, ижодий зиёлилар кадрларини алмаштиришни кенгайтириш;
- ўзига хослик ва ўзаро муносабатни ривожлантириш, миллий маданиятларнинг байналмилаллашуви;

- миллатлараро муносабатларнинг шаклларини такомиллаштириш;
- миллий тилларни ривожлантириш ва миллатлараро мумомала тилларининг ролини ошириш;
- бутун кўп миллатли давлат учун хос бўлган турмуш тарзига мос кела-диган хусусиятларни ривожлантириш;
- миллий давлатчиликни ривожлантириш.

Миллий муносабатларнинг ривожланиши, одатда, миллатчилик ва шовинизм сингари ҳодисалар билан бирга кечади. Миллатчилик – мафкура ва сиёсат бўлиб, унинг асосида миллий мустақиллик ва устунлик ғояси, бошқа ҳалқлар вакилларига беписандлик билан қараш ётади. Шовинизм – ўта уришқоқ миллатчилик бўлиб, бир миллатнинг бошқасига, одатда, кичик миллатнинг катта миллатга бўйсунишини билдиради.

Бу қарама-қаршиликларнинг барчаси у ёки бу миллий сиёсатни ўтказиш давомида ҳал қилиниши ёки, аксинча, кучайиб кетиши ва низоларга айланиши мумкин. Фан нуқтаи назаридан, миллий сиёсат – уларнинг сонидан қатъий назар, ҳалқларнинг миллий ҳаётини янада ривожлантириш ва яхшилашга ҳамда ҳалқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва кўп томонлама муносабатлар ўрнатишга, марказий ҳокимият билан миллатлар ўртасидаги мулоқотнинг демократик механизmlарини шакллантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган тадбирлар тизими. Миллий сиёсатга унинг шаклланиши ва давлат ҳокимиятининг барча органларида амалга оширилишининг турли даражаларида ҳисобга олиниши лозим бўлган муайян сиёсий қадриятлар (тамоиллар) хосдир.

Ҳар бир фуқаро ўзининг ва ўзгаларнинг миллий қадриятларига ҳурмат билан қарашни ўзида шакллантирган ҳолдагина миллий муносабатлардаги кескинлик йўқ бўлиши мумкин.

Миллий сиёсатнинг умумий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

- Миллийлик ва байналмилалликнинг бирга қўшилиши;
- Маҳаллий манфаатлар ва давлат манфаатларининг ўзаро уйгунилиги;
- Тенглик ва адолат меъёрларига риоя қилиниши;
- Миллий муаммоларнинг имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши;
- Ирқчилик, миллатчилик, шовинизм, миллий нигилизмнинг рад этилиши;
- Фуқароларнинг ватанпарварлик ва байналмилаллик руҳида тарбиялаши;
- Фуқароларнинг ирқи ва миллатидан қатъий назар ўзаро тенглиги;
- Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи.

Мазкур тамойилларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган миллий сиёсат миллатлар ва элатларни жипслаштиришга, юзага келган низоларга барҳам беришга қодир бўлади.

3. Миллий давлат тузумининг асосий шакллари.

Бошқарув шаклларидан фарқли ўлароқ, давлатнинг ташкил этилиши

марказда ва жойларда давлат ҳокимиятининг ва давлат суверенитетининг тақсимланиши, давлатнинг асосий таркибий қисмлари ўртасида бўлиниши нуқтаи назаридан қаралади.

Давлат тузилишининг шакли – давлатнинг миллий ва маъмурий-худудий тузилиши бўлиб, унинг таркибий қисмлари ўртасидаги, давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг табиатини очиб беради.

Давлат тузилишининг шаклига кўра, барча давлатларни учта асосий гурӯхга бўлиш мумкин:

- унитар давлат;
- федератив давлат;
- конфедератив давлат.

Унитар давлат. Унитаризм (фр. unitarizm, лотинча – unitas-бирлик сўзидан) – марказий ҳокимият органларига бўйсунувчи ва давлат мустақиллиги белгиларига эга бўлмаган маъмурий-худудий бирликлардан иборат ягона давлат бирлашмаси. Одатда, унитар давлатда фақат битта конституция, битта фуқаролик, олий давлат органларининг ягона тизими бўлади; у фақат суверенитетнинг ҳеч қандай белгиларига эга бўлмаган маъмурий-худудий бирликларга бўлинади. Унитар давлатнинг таркибий қисмлари (вилоятлар, туманлар) марказий органлар томонидан қабул қилинадиган қонунлар асосида бошқарилади, уларнинг ҳудуди маҳаллий аҳоли ва маҳаллий органларнинг розилитисиз умумдашлат қонуни билан ўзgartирилиши мумкин.

Бироқ унитар давлат таркибида чекланган суверенитетга эга бўлган автоном миллий давлат бирлашмалари мавжуд бўлган истисноли ҳолиар ҳам бўлади.

Унитар давлатларнинг икки тури мавжуд: марказлашган ва марказлашмаган.

Марказлашган давлатларда минтақавий органларнинг марказга бўйсуниши марказдан тайинланган мансабдор шахслар воситасида амалга оширилади (Нидерландия, Ўзбекистон, Қозогистон). Иккинчи турдаги давлатларда минтақавий органлар марказдан ва марказий органлардан мустақил равишда шакллантирилади, аммо умумдавлат қонунчилигига мувофиқ фаолият кўрсатади (Франция, Италия, Испания, Япония, Янги Зеландия).

Унитаризм – давлат тузилишининг ҳозирги дунёда энг кўп тарқалган шакли.

Конфедерация (лотинча confederatio – иттифоқ, бирлашма сўзидан) – давлатлар иттифоқининг шакли бўлиб, унда аъзо давлатлар ўз суверенитетини тўлиқ сақлаб қолади. Конфедерация асосан иттифоқ ҳар бир аъзосининг сиёсий мавжудлигини ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш билан боғлиқ бўлиб, унда ташки сиёсий ҳамда ҳарбий-мудофаа мақсадлари кўзда тутилади. Ички муаммоларга келганда эса, конфедерация, одатда, божхона тарифларини белгилаш, ягона почта алоқасини ва бошқа иккинчи даражали тузилмаларини қарор топтириш билан чекланади.

Конфедерацияда бутун иттифоқ учун умумий бўлган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари йўқ. Тўғри, давлатнинг мувофиқлашти-

рилган сиёсатини амалга ошириш учун конфедерация таркибига кирувчи давлатлар, одатда, муйян органлар ва мансабларни таъсис этадилар, лекин улар конфедерация субъектлари устидан тўтидан-тўти хукмронлик қилиш ҳукуқига эга эмас. Конфедератив органлар ва шахсларнинг консенсус, яъни умумий розилик асосида қабул қилинадиган қарорлари фақат конфедерация субъектларининг марказий органлари тасдиқлаганидан сўнг кучга киради.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси асосан АҚШ (1781-1789), Швейцария (1815-1848), Швеция ва Норвегия (1905 йилгача), Австрия-Венгрия (1918 йилгача), Миср ва Сурия-Бирлашган Араб Республикаси (1958-1961), Гамбия ва Сенегал (1982-1989) сингари ўз умрини яшаб бўлган конфедерацияларнинг тарихий тажрибасини акс эттиради. Конфедерацияларнинг ўз умрини яшаб бўлиши қўйидаги сабабларга кўра юз берган: а) уларнинг иштирокчилари ўртасидаги низолар туфайли; б) конфедерация тузиш йўли билан ҳал этилиши мўлжалланған вазифаларнинг амалга ошиб бўлганлиги; в) конфедератив иттифоқининг ривожланиб бориши ва федератив иттифоққа айланishi (АҚШ ва Швейцария).

Хозирги пайтда фақат битта конфедерация – Европа Иттифоқи мавжуд бўлиб, у конфедератив муносабатлар амалиётига кўпілаб янгиликлар киритмоқда.

Айтиш мумкинки, сабиқ Совет ҳудудининг катта қисмида ташкил топган Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДҲ)нинг сиёсий-ҳукуқий табииати ҳам конфедератив иттифоқининг айрим белгиларини ўз ичига олган.

Федератив давлат. Федерация (фр. federatio, лотинча federatio – бирлашма, иттифоқ сўзидан) – давлат тузилишининг юридик жиҳатдан белгилаб қўйилган сиёсий мустақилликка эга бўлган давлат бирлашмаларидан тузилган, мураккаб (иттифоқ) давлатдан иборат шакли. Миллий омилнинг роли билан боғлиқ равишда федерация тузилемасини белгилашда қўйидагилар фарқланади:

- ҳудудий асосдаги федерация (АҚШ, Австралия, Австрия, ГФР, Аргентина, Венесуэла, Бразилия, Мексика);
- миллий асосдаги федерация (Хиндиштон, Нигерия, Покистон);
- қоришиқ миллий-ҳудудий асосдаги федерация (Россия, Канада, Швейцария);

Хозирги пайтда федератив шаклдаги давлатлар сони 20 тани ташкил этади.

Федерациянинг барча федератив давлатлар асосланувчи бешта асосий тамойилини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) федерал қонунчиликнинг устуворлиги; 2) давлат тузилиши асосларининг ягоналиги; 3) одамлар, товарлар ва бошқаларнинг бутун фелерация ҳудуди бўйлаб федерация субъектлари ўртасидаги ички чегара давлат чегаралари эмаслигига асосланган ҳолда эркин ҳаракат қилиш; 4) федерация субъекти мақоми бир томонлама тартибда ўзгартиришнинг тақиқланиши (бу федерациянинг бошқа субъектлари манфаатларига у ёки бу тарзда дахл қилиши мумкин); 5) субъектнинг федерацияндан ажралиб чиқишининг тақиқланиши, бу давлатнинг ҳудудий яхлитлигини тъминлашди. Давлат тузилишининг федератив шаклида энг оғир масала иттифоқ давлати билан уни ташкил этувчи давлат бирлашмалари ва ҳудудлар

федерация субъектлари ўртасида ваколатларнинг чегаралаб олинишидир. Кўпчилик олимлар ва сиёсий арбоблар қўйидаги фикрларда яқдилдирилар:

- федерация худудини унинг субъектларининг худудлари ташкил этади;
- федерациянинг ички чегаралари фақат унинг субъектлари розилиги билан ва қонунда белгилаб қўйилган тартибда ўзгартирилиши мумкин;
- федерация субъектлари чекланган сиёсий мустақилликка эгадирлар;
- олий қонун чиқарувчи орган – парламент икки пачатдан иборат бўлади: улардан бири федерация субъектларининг ваколатини, иккинчиси – умуммиллий ваколатни таъминлайди;
- федерация конституцияси билан унинг субъектларининг конституциялари бир-бирларига зид бўлмаслиги лозим; федерация субъекти конституциясининг матни Федератив давлатнинг умумий конституциясига мос келмаган ҳолларда Федератив давлат конституцияси амал қиласи, субъект конституциясига эса зарур тузатишлар киритилади;
- иттифоқ қонунчилиги устун бўлгани ҳолда Федерация субъектлари ўз ваколатлари доирасида қонунчилик актлари қабул қилишга ҳақлидирлар;
- федерация субъектлари, гарчи илмий ва маданий ҳалқаро ташкилотларда иштирок эта олсалар ва хорижда ўзларининг тегишли ваколатхоналарига эга бўлсалар-да, ҳалқаро ҳукуқ субъекти ҳисобланмайдилар (БМТга аъзо бўла олмайдилар).

4. Ўзбекистонда миллий сиёсат.

Собиқ совет ҳудудида янги мустақил давлатларнинг миллий шаклланиши даврида миллатлараро муносабатларни уйғунаштириши янада муҳим аҳамият касб этади. Данлатларнинг полизтник типига мансуб бўлган Ўзбекистон учун миллий муносабатлар, айниқса долзарб муаммо сифатида намоён бўлади, чунки республикада асосий миллат – ўзбеклар билан бир қаторда, ўз маданиятига ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қиласидилар. Уларнинг мамлакат аҳолиси таркибидаги улуши таҳминан 20 фойзга teng¹.

Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатли эканлиги, ўзбек ҳалқининг миллий ўзлигини англашининг кучайиши ва маънаний тикланиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, жамиятнинг янгиланиши, унинг демократлашуви учун курратли омил бўлиб хизмат қиласи ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига кўшилиши учун қулай шароитлар яратади.

Давлат курилишининг ўзбек модели худудимизда тарихан таркиб топган кўп миллатли жамият тузилмасини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда мазкур омилдан демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат пировард мақсадларимизни амалга оширишда фойдаланиш юясига асосланади.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфисзликка тақдид, барқарорлик шартияри ва тараққиёт кафолатлари. //Ҳавфисзлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998. 78-79-бетлар.

Ер юзидағи күргина мамлакатларда бўлгани каби кўп миллатлилик Ўзбекистонга ҳам ҳосдир. Маълумотларга кўра, 1897 йилда ҳозирги республикамиз ҳудудида 70 миллат ва элат вакиллари истиқомат қўлган бўлса, 1926 йилда уларнинг сони 91 тага, 1959 йилда 113 тага, 1979 йила 123 тага, 1989 йилда 136 тага етган.

2007 йил 1 октябр ҳолатига кўра, салкам 27 млн. кишига тенг бўлган Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибида ўзбеклар 20804,0 минг (80,0%), бошқа миллатлар вакиллари 5202,8 минг (20,0%) кишини ташкил этмоқда. Хусусан, қорақалпоқлар 562,8 минг (2,2%), тожиклар 1302,8 минг (5,0%), руслар 970,0 минг (3,8%), қозоқлар 939,5 минг (3,6%), татарлар 250,6 минг (0,9%), қирғизлар 241,5 минг (0,9%), туркмандар 157,8 минг (0,6%), корейслар 155,9 (0,6%) минг кишини ташкил этади. Қайд этилган ҳолат миллий сиёсатимизнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи айrim жиҳатларни тушуниш имконини беради.

Биринчидан, ўзбеклар аҳоли таркибида мутлақ устувор мавқега эга. Бу эса, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари титул миллат бўлган ўзбеклар учун алоҳида масъулият юклайди.

Иккинчидан, республика аҳолиси таркибида умумий миқдори 2,5 млн. киши (ёки 10%) дан ошадиган тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман ҳалқлари ўргасидаги муносабатлар ҳам миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларга ўзига хослик бағишлайди.

Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш деганда, биринчидан, яқин ўтмишда олиб борилган сиёссат натижаси ўлароқ юзага келган негатив ҳолатларга барҳам бериш, иккинчидан, миљатлараро муносабатларда кескинликни келтириб чиқаралиган ғоявий таҳдидлар ва улардаги салбий таъсирини олдини олиш, тўртинчидан, унинг ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка асосланган бугунги ҳолатини янада мустаҳкамлаш, янги сифатий босқичига кўтариши на зарда тутилади.

Мамлакатимизда юқорида таъкидланган барча йўналишларда жиддий ва кенг қарновли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Асрлар давомида Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган юртимизда дунёнинг турли бурчакларидан келган кишилар ўзаро мулокотда бўлғанлар. Ҳалқимизга хос бўлган бағрикенглик, меҳр-оқибат, хайриҳоҳлик фазилатлари илдизи ҳам ана шу жараёнларда. Шунинг учун ҳам мустақиликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигига ишлаб чиқилган ички сиёсатда миллатлараро тотувликни, диний бағрикенгликни таъминлаш, шу заминда яшаётган барча ҳалқлар вакиллари ўргасида дўстлик ва қардошлик туйғуларини мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тулади. Ўзбекистонда яшончи барча ҳалқлар вакилларининг мамлакат маданий, ижтимоий, иқтисодий ва давлат тизимида иштирок этиши учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур тамойиллар Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Конституциянинг 4-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тилла-

ри, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлади, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». 8 ва 18-моддаларда шундай дейилади: «Ўзбекистон ҳалқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади». «Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдидаги тенгдирлар». Мазкур талаблар мамлакатимизда қатъият билан амалга оширилмоқда.

Дастлабки миллий маданий марказлар корейслар, қозоқлар, яхудийлар, арманлар томонидан Республика вилоятларида 1989 йилда тузилган эди. Ўша пайтда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида республика миллатларо маданият маркази ташкил этилди. Аммо бу марказлар ривожи мустақилликдан сўнг янги босқичга чиқди. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори билан Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. РБММ тўғрисидаги Низомда унинг мустақил ташкилот эканлиги белгилаб кўйилган бўлиб, у миллий маданият марказлари фаолиятига раҳбарлик қиласди, мамлакатда яшовчи миллий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини қондиришда давлат идораларига на жамоат ташкилотларига ёрдам беради. Байналмилал маданият марказининг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатта хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишида миллий маданий марказларга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини кўплаб-кувватлашдан иборат. Шуни ҳам алоҳида таъкидланиш зарурки, бундай тузилма қўшни давлатларнинг бирортасида ҳам йўқ.

Байналмилал маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг учрашув жойи, ўзига хос Дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда ҳалқ байрамлари, фестиваллар, учрашунлар, таниқди маданият арбобларининг чиқишилари, семинарлар, конференциялар ўтказиб турилади. Шу кунларда «Ўзбекистон – умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивалининг якунловчи босқичини ўтказишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Энди маълумотларга мурожаат этсак:

1989 йилда 12 та миллий маданият маркази фаолият кўрсатган бўлса, 2006 йилга келиб уларнинг сони 140 тадан ошиди¹. Вилоятлар бўйича олингандан, Қорақалпогистонда – 5 та, Андижонда – 5 та, Бухорода – 11 та, Жиззахда – 5 та, Кашқадарёда – 4 та, Навоийда – 7 та, Наманганда – 4 та, Самарқандда – 11 та, Сирдарёда – 9 та, Сурхондарёда – 4 та, Фарғонада – 4 та, Хоразмда – 2 та, Тошкент вилоятида – 31 та, Тошкент шаҳрида – 23 та, Республика миқёсида эса – 13 та миллий маданий марказлар фаолият олиб бормоқда.

Миллий мансублик бўйича олингандан, республика бўйича 1 тадан араб, белорус, болгар, бошқирд, грек, грузин, дунган, литва, хитой, крим татарлари ва қорақалпоқ, 3 тадан поляк ва бухоро яхудийлари, 4 тадан озарбай-

¹ Межкультурный диалог в Узбекистане. Intercultural dialogue in Uzbekistan. Т., 2007. С. 44.

жон ва украин, 5 тадан арман, немис, уйғур, тожик, турк ва яхудий, 6 тадан қирғиз ва түркман, 9 та татар, 14 та қозоқ, 19 та рус, 29 та корейс миллій мадданият марказлари мавжуд.

Миллій тилларда ахборот майдонининг кенгайтанини ҳам таъкидлаш лозим. Миллій Телерадиокомпания ва хусусий студиялар, ўзбек тилидан ташқари, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, тожик, рус, корейс, татар, уйғур ва бошқа тилларда күрсатув ва эшилтиришлар олиб борадилар. Радиодаги «Дүстлик» халқаро канали эса 9 тиңда мамлакатимиздаги турли миллат вакиллари ҳәти ва уларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятини мунтазам ёритиб боради. Буғунги кунда нашр этилаётган газеталарнинг 70,4 фоизи ўзбек, қолган 29,6 фоизи бошқа миллій ёки аралаш тилларда чиқмоқда. Хусусан, журналларнинг 45,5 фоизи бошқа тилларда ёки аралаш тилларда чиқади.

Ўзбекистонда яшаётган кўп сонли миллатлар вакиллари ўз она тилларида ўқиши имкониятига эта. Республикада олий ва ўрта таълим 7 тиңда олиб борилади, олий ўқув юртларида 35 миллатта мансуб профессор-ўқитувчилар дарс бермоқда, уларда 53 миллатта мансуб талабалар таҳсил олмоқда (талабалар гаркибидағи улуши 21,2 фоиз), лицей ва коллежлардаги ўқитувчиларнинг 22,3 фоизи бошқа миллат вакилларидир. Мактабларнинг 10,4 фоизида рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва түркман тилларида, 9,1 фоизида таълим икки, уч ва тўрт тиңда олиб борилади. Жумладан, 762 мактабда рус тилида, 581 мактабда қозоқ тилида, 376 мактабда қорақалпоқ тилида, 318 мактабда тожик тилида, 64 мактабда түркман тилида, 56 мактабда қирғиз тилида таълим берилади¹.

Маълумотларга кўра, 2000 йилда 36 мамлакатда 40 та, 2001 йилда эса 30 та мамлакатда 36 та ҳарбий низо содир бўлған. Уларнинг 27 таси, яны 75 фоизи бундан 10 йиллар олдин бошланган. Бу низоларнинг аксарияти бир мамлакат ичида кечганини зътиборга олсан, уларнинг миллій, диний ва ирқий асослардан келиб чиқсан фуқаролик урушлари эканини англаш мумкин.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллій сиёсатининг энг муҳим устувор ўйналиши барча миллатларнинг равиқақи учун тинч шароит ва имконият яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат.

Мамлакатда тинчлик ва осойишталиктининг муҳим оминалардан бири – миллатлараро тутувлик бўлса, иккинчisi – динилараро бағрикентликдир. Чунки бу икки омил инсон ҳастида уйғун ҳолда экс этади. Ҳозирги пайтда, Аллия вазирилиги томонидан 18 конфесияга мансуб жами 2104 та диний ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Евангель христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим-католик черкови. Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон Библия жамияти, 1906 та масжид, 163 та христиан черкови, 7 та яхудийлар жамоаси, 7 та баҳойлар жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти ва 13 та диний ўқув юрги (1 та Ислом университети, 10 та малраса, 1 та православ ва 1 та тўлиқ инжил христианлари семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган (масалан: Туркманистанда – 2 та, Белоруссияда – 5 та диний конфесия мавжуд)².

¹ Ҳамжиқатлик ва бағрикентлик – тараққиёт омили. Т., 2001. 7-8 бетлар.

² Миллій истиқол оғиси. Дарслик. Т., 2005. 273-бет.

СИЁСИЙ КОНФЛИКТЛАР

Режа:

1. Сиёсий конфликтлар, уларнинг моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари.
2. Сиёсий конфликтнинг функциялари ва таснифи.
3. Сиёсий конфликтни бошқариш ва ечишининг ўзига хос хусусиятлари.

1. Сиёсий конфликтлар, уларнинг моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари.

Асрлар мобайнида сиёсий конфликтлар, уларнинг олдини олиш ёки уларнинг счимини топиш муаммолари доимий равишда инсоният олдида турган энг муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Ҷарҳақиат, тарих саҳифасининг 1989 йилдан 2000 йилгача бўлган қисқа даври давомида 74 та ҳудудга 111 қуролли конфликтлар рўй берди.¹ Мазкур бўлиб ўтган конфликтлар сабабли, айни вақтда дунёда 18 миллион киши қочоқлар сифатида, 24 миллион киши эса мажбурий равишда кўчиб юрувчи шахслар сифатида ҳаёт кечирмоқдалар.² Энг асосийси, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкишмоқда. Буларнинг барчасини замирида ўз вақтида эътироф этилмаган ёки вақтида ўз интиҳосини топмаган сиёсий конфликтлар ётганлиги сир эмас.

Агар юқорида таъкидлаб ўтилган мъалумотларни эътиборга олсак, сиёсий конфликтларни ўрганиш бугунги кунга келиб қўйидаги бешта сабабга кўра муҳим ҳисобланади: 1) конфликтлар кенг қамрояли, яъни биргина кичик сиёсий конфликт туфайли мазкур конфликт рўй берастган мамлакатда сиёсий тартибсизликлар, экологиянинг ёмонлашуви, иқтисоднинг издан чиқиши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин; 2) улар катта ми ёсда жабрланишларга сабаб бўлади; 3) улар жуда кўп ҳолиарда бир мамлакат доирасидан чиқиб, кўшни давлатларни ҳам ўз домига торгади; 4) турли кучлар ҳамда ҳалқаро ташкилотлар манфаатларининг тўқнашувига сабаб бўлиши мумкин; 5) ҳалқаро ҳамжамият конфликтлар билан ишлани борасида ўз имкониятларини қайта баҳолаб чиқмоқда.

Шундай экан, “Сиёсий конфликтлар нима?”, “Уларнинг бошқа турлаги конфликтлардан фарқи нимада?” деган саволлар туғилиши табиий.

Қанчалар ачинарли бўлмасин, айни вақтга қадар конфликтларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ҳақидаги фикрлар турлича. Кўпчилик сиёсатдонлар ва журналистларнинг фикрларига кўра, конфликтларнинг сабаблари жуда оддий ва барча конфликтлар замирида кўпчилик этник ва ёки

¹ SIPRI Yearbook. Stockholm, 2001.

² <http://www.euroconflict.org/guides/pp/html>

диний гурухларнинг бир-бирига нисбатан «тарихий нафрати» ётади, деган фикр мавжуд. Бунга анча-мунча мисоллар ҳам келтирилади. Хусусан, Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқ каби қатор минтақаларда авторитар режим ҳукм сурган. Бора-бора мазкур режимларнинг тўнтирилиши ёки алмашиниши ўша мавжуд бўлган «тарихий нафратни» аниқ тарзда очиб юборди ва бунинг натижасида айнан шу режим остида яшаб келган қатор мамлакатларда қуроли конфліктлар вужудга келди.

Бироқ қатор олимлар бу каби тушунтиришларни қабул қила олмайдилар. Сабаби, бу каби оддий тушунтириш “Нима учун конфліктлар маълум бир давлатларда рўй берди-ю, бошқаларида йўқ?”, ёки “Нима учун баъзи конфліктларни ҳал этиш осон кечмоқда-ю, баъзиларини эса йўқ?” қабилидаги саволларга жавоб бера олмайди.¹ Дарҳақиқат, нима учун XX асрнинг 90-йилари бошида Чехлар ва Словаклар ўртасида конфлікт вужудга келмади? Ёки нима учун француз тилида ва инглиз тилида сўзлашувчи канадаликлар ўртасида конфліктлар вужудга келмади? Бунга ўхшаш мисолларни ҳам кўплаб келтириш мумкин. Бу саволларга жавоб қидирав экан, Гарвард университети қошидаги Жон Кеннеди номидаги ҳукumat мактаби «Фан ва халқаро муносабатлар» маркази ходими Майл Браун тўртта асосий омиллар мажмусини ажратиб кўрсатади. Унинг фикрига кўра, бу омиллар нима учун баъзи жойлар — давлатлар бошқа жойларга қараганда конфліктларга кўпроқ мойилдир, деган саволга жавоб бера олади. Булар: а) структуравий омиллар; б) сиёсий омиллар; г) иқтисодий-ижтимоий омиллар; д) маданий-идрок этиш билан боғлиқ бўлган омиллардир (36-жадвал).

36-жадвал

Сиёсий конфліктларнинг сабаблари

Конфліктларни келтириб чиқарувчи омиллар	
1. Структуравий омиллар Кучисиз давлатлар; Давлатлараро ҳанғосилик манфаатлари; Этник жуғрофия.	2. Иқтисодий-ижтимоий омиллар Иқтисодий муваммолар; Дискриминацион иқтисодий тизим; Модернизация.
3. Сиёсий омиллар Дискримигациян сиёсий институтлар; Миллий мағкура; Гурухлараро сиёсат; Ўзита сиёсати.	4. Маданий-матъиятӣ омиллар Маданий камситишнинг кўринишлари; Гурухларнинг муваммоли тарихи.

Маъба: Сиёсатнунослик асослари. Матбуозлар тўплами. Т., 2005.

Юқорида таъкидлаб ўтилган омилларнинг баъзиларига, хусусан, **структуравий омилларга** тўхтаб ўтамиш. **Уильям Зартман** кучисиз давлатларда конфліктларнинг юзага келиши билан боғлиқ тадқиқотларни кўплаб амалга оширган олимлардан бири ҳисобланади. У ва унга ўхшаш кўплаб олимлар кучисиз давлатларни барча изланишларининг асосий таянич нуқтаси сифати-

¹ Brown M. The International dimension of Internal Conflict. Mir Press, Cambridge, Massachusetts, 1996. p. 13.

да қараб келишган. Күпгина давлатлар бошдан күчсиз давлатлар сифатыда пайдо бўлишган. Уларнинг катта қисми Африка ва Жануби-Шарқий Осиё минтақасида жойлашган собиқ мустамлака давлатлардан иборатдир. Мазкур давлатларда ҳукумат ёки бошқариш тизими кучли бўлмаган. Сабаби улар айни даврғача ўзларини-ўзлари бошқариш имкониятидан маҳрум бўлгандар. Баъзи ҳолларда кучли давлатлар ёки ҳалқаро молиявий ташкилотлар томонидан ўз вақтида ташқи итисодий кўмак етиб келмаслиги бу давлатларнинг қулашига сабаб бўлади. Бу каби бошқа бир давлатларда эса коррупциянинг кучайиши, давлатни бошқаришда хато-камчиликларга йўл қўйилиши ва иқтисодий тараққиётни амалга ошира олмаслиги сабабли, ички вазият бузилади.

Давлатлар күчсизланана боргани сари конфликтларнинг юзага келиши учун имконият шу қадар кўпая боради.

Иккинчидан, у ёки бу давлат күчсиз экан, у ҳолда мазкур давлатда яшовчи идивидуал гуруҳлар ўз хавфсизликлари ҳақида ўзлари қайғура бошлайдилар. Агар вақт ўтиши билан бу давлат күчсизланиб бораверса, у ҳолда юқорида тилга олинган гуруҳларнинг мустақил равишда ҳарбий тайёргарлик кўриш ҳолларини янада кучая бориши эҳтимоли юқори бўлади. Бу гуруҳларнинг ўз хавфсизлигини ҳимоя этиш мақсадида амалга ошираётган тадбирлари кўшни давлатларнинг ҳам хавфсизлигига таъсир этиши натижасида муаммо пайдо бўлади. Шу сабабли, кўшни давлат ҳам қуролана бошлайди. Охир-оқибатда, сиёсатшуносликда «**хавфсизлик дилеммаси**» деб аталмиш вазият юзага келади. Айни вазият эса, тарихдан маълумки, кўплаб қонли низолар учун шароит туғдириб берган.

Училичидан, фикрлар структуравий омиллар устида қурилар экан, «этник жуғрофия» жумласи кўпчиликни қизиқтириши табиий. Бугунги кунга келиб Ер шаридаги 200 дан ортиқ давлат мавжуд бўлса, шулардан 20тан камроғи этник тузилиши нуқтаи назаридан моноэтник давлат ҳисобланади. Маълумки, кўпгина олимлар моноэтник давлат деганда, турли милллатларга тегишли бўлган аҳолининг сони туб ерли аҳолисонининг 5 фоизидан қамроғини ташкил этган давлатни тушунадилар. Биз ҳам шу ёндашувига таяниб ин кўрамиз. Япония ва Швеция каби давлатларда баъзи давр мобайнинда фақаттина туб аҳоли истиқомат қилган вақтлар ҳам бўлган. «Нима учун бу ҳақда ган кетмоқда?» деган савол туғилиши табиий, албатта. Сабаби, кўпгина илмий мактаблар ва олимлар моноэтник ҳалқ яшовчи давлатлар ички сиёсатида тинчлик бўлади деган гипотезаларни ҳам илгари сурадилар.

Бироқ, *Майкл Браун* бу фикр доимий равишида ҳақиқатга тўғри келмаслигига аниқ бир мисол билан жавоб беради. Масалан, Сахара субконтинентида Сомали этник тузилиши жиҳатидан ёнг моноэтник характерга эга бўлган давлат ҳисобланади. Бироқ бу мамлакатда турли маҳаллий гуруҳлар – кланлар ўртасида қонли конфликтлар бўлиб ўтганлиги ҳаммага маълум. Мазкур конфликтлар ҳанузгача тутал ечимини топганича йўқ.

Хусусан, сиёсий конфликтлар ҳақида фикр юритилар экан, айни вақтда, умумий тарзда умуман конфликтларнинг вужудга келишига турткни бўладиган омилларни ҳам аниқлаб олиш муҳим.

Хусусан, бу омиллар қуидагилардан иборатдир:

Конфликт қатнашчилари, биз уларни қисқача тарзда томонлар деб белгилаб оламиз.

Конфликттарнинг келиб чиқиш сабаблари, яъни обьекти – мавжуд қадриятлар, моддий дунё, худуд ва ҳоказолардан иборатдир.

Конфликт субъектлари ёки томонлар ташкilotлар, партиялар ва ҳоказо шунга ўхшаш сиёсий тузилмалардан иборат бўлиши мумкин.

Конфликт деб у ёки бу обьектнинг бир вақтнинг ўзида камида икки ва ундан ортиқ субъектларнинг мақсад ва манфаатларини тўла қондирмаслиги натижасида вужудга келадиган ижтимоий вазиятта айтилади.

Конфликтлар обьектига кўра турли кўринишларга эга бўлади. Хусусан:

а) этник конфликтлар;

б) бир давлат ичида мавжуд ҳукумат ва муҳолифат ўртасидаги конфликт (ёхуд бир давлат ичида турли партиялар ўртасидаги конфликтлар);

в) давлатларо конфликтлар, яъни ҳалқаро конфликтлар.

Юқоридаги мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, конфликтларнинг предмети конфликт субъектларини ўзаро конфликтга киришишга мажбур қилган муаммолар мажмуасидир. Эътиборли жиҳати шундан иборатки, томонларнинг барчаси мавжуд муаммони ўз фойдасига ҳал этишдан манфаатдор бўлади. Шу сабабли, конфликтларни баргараш этиш йўлларини топиш асосан улар предметларининг қай даражада аниқ белгилаб олинганлигига боғлиқ (37-жадвал).

37-жадвал

**Жаҳон миңтақаларида қуролли конфликтлар
ва бир томонлама зўравонлик ҳолатлари (2002–2003)**

	Давлат ичидағи конфликтлар			Давлатлараро конфликтлар			Бир томонлама зўравонлик		
	2002	2003	Ўзгариш	2002	2003	Ўзгариш	2002	2003	Ўзгариш
Африка	5	10	-5	26	25	-1	17	11	-6
Америка	2	1	-1	2	2	0	2	1	-1
Осиё	12	14	+2	5	2	-3	11	13	+2
Европа	1	1	0	0	0	0	1	1	0
Яқин	2	3	+1	1	1	0	2	4	+2
Шарқ									
Жами	32	29	-3	34	30	-4	33	30	-3

Манба: Уппсала Университети (Швеция) инсон хавфсизлиги бўйича маълумотлар базаси (Uppsala/Human Security Centre dataset), 2005.

Сиёсий конфликт – давлат, ижтимоий ва этник гуруҳлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, маълум шахсларнинг сиёсий манфаатлари, мақсадлари ва қараашларини тўқишувидан иборатдир.

Сиёсий конфликтларда асосий муаммо ҳокимият тақсимотидан иборатдир. Шу сабабли, сиёсий конфликтлар замирида жамиятда ҳокимиятни юритиши билан боғлиқ бўлган сиёсий манфаатларнинг тўқишуви ётади. Бу кўринишлардан конфликтларнинг характерли жиҳатларидан бири бу сиёсий тизим-

нинг нормал фаолият кўрсатишининг бузилиши, турли ижтимоний институтлар, хусусан, давлат ва сиёсий партиялар ўртасида рақобатнини ниҳоятга авж олиб кетинидир. Мазкур жараба низолашувчи томонлар ўз манфаатларни бутун жамиятнинг ёки унинг катта қисмининг манфаатлари билан тишилашириб, қолаверса, бирлаштириб кўрсатишга қаряят қўйади.

Сиёсий конфликтлар ривожини таҳнил этиш сиёсатчунослик фанида алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби, маълум бир босқичларда конфликтларни чегаралаш ёки уларнинг олдини олиш мумкин. **Латент босқичида**, яъни конфликтлар яширип ҳолатда бўлган биринчи босқичда, низолашувчи томонлардан бири ўз манфаатларига зарар етадиганлигини сеза бошлади. Сўнг ярим очиқ характеристига эга бўлган босқич бошланади. Бу босқичда қарама-қаршилик сабаблари шакланади. Ундан кейинги босқичда эса, ҳамфиркларни бирлашуви кузатилади ва ўз талабларини ҳимоя қилиш мақсадида фаол ташвиқолар олиб борилиши мумкин. Мазкур жараба ҳамфирклар мавжуд ҳукуматта қарши муҳолифат сифатида бирлашади ва ўз талабларини очиқласига издор эта бошлайдилар. Айни хатти-ҳаракатлар сиёсий намойишлар, йигилишлар, мавжуд қонунларга бўйсунмаслик тарзида намоён бўлиши мумкин.

Сўнгги босқичда, яъни сиёсий конфликт ҳал этилмаган тақдирда, у **сиёсий инқирозга** айланиши мумкин. Бу босқичда, айниқса, авторитар бошқаруви ўрнатилган давлатларда ҳокимият тўнтишиларининг юз берини эҳтимоли юқори бўлади. Бироқ мазкур жараба осонликча кечмайди ва, натижада, у жуда мураккаб тус олиши мумкин. Худди шунга ўхшаш вазиятга мисол қилиб 1991 йилда собиқ Шўролар Иттилоғида рўй берган сиёсий инқирозни олишимиз мумкин. Бу шуни кўрсатадики, сиёсий инқироз у ёки бу тизимнинг тўлалигича сиёсий трансформациялашувига сабаб бўлиши мумкин экан.

Мазкур инқирозлардан чиқиб кетиш эса у ёки бу мамлакатда сиёсий демократиянинг қай даражада ривожланганлигига, яъни сиёсий партияларнинг фаолиятига, ва ниҳоят, жамиятнинг сиёсий маданийти даражасига боғлиқдир (38-жадвал).

38-жадвал

Осиё минтақасида қуролли конфликтлар ва бир томонлама зўравонлик ҳолатлари (2002—2003)

	Давлат ичидаги конфликтлар		Давлатлараро конфликтлар		Бир томонлама зўравонлик	
	2002	2003	Ўзарип	2002	2003	Ўзарип
Афғонистон	1	1	2	2	0	0
Хиндишон	6	7	1	0	3	8
Индонезия	1	1	0	0	3	2
Бирма	2	1	2	0	1	0
Непал	1	1	0	0	2	0
Пакистон	1	1	0	0	0	1
Филиппин	2	2	0	0	2	1
Шри-Ланка	0	1	0	0	0	0
Тайланд	0	0	0	0	0	1

Манба: Уппсала Университети (Швеция) инсон хизбасигига буйича маълумотлар баъзи (Uppsala/ Human Security Centre dataset), 2005.

Сиёсий конфликтлар ўрганилар экан, этник конфликтларга тұхтаб ўтmas-ликинг иложи йўқ.

Этно-ижтимоий (ёки миллатлараро) конфликтлар ечимини топиш ёки тұхтатиши қыйин бўлган конфликтлардан бири ҳисобланади. Нима учун сиёсий конфликтлар қаторида миллатлараро конфликтлар кўриб чиқилмоқда, деган ўринли савол туғилиши табиий. Сабаби, мазкур икки конфликт келиб чиқиши сабабига кўра узлуксиз боғлиқдир. Яъни, нотўғри олиб борилган миллий сиёсат миллатлараро ёки этник конфликтларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бунинг акси сифатида, ўз вақтида бартараф этилмаган кичик бир этник асосга эга бўлган қарама-қаршилик бора-бора сиёсий конфликтлар даражасига кўтарилиши мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ижтимоий, сиёсий ва миллий конфликтлар ўртасида аниқ бир чегара мавжуд эмас.

Этник конфликтлар турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. У оддий бир-бирини кўра олмасликдан ва маҳаллий даражадаги камситишлардан тортиб то оммавий тўс-тўполонлар ва ҳарбий тўқнашувларгача бориб етиш ва ҳатто миллий озодлик курашларига ҳам айланиб кетиши мумкин. Худди шунга ўхшашиб ҳодисалар Тогли Қорабоғ, Молдавия, собиқ СССРнинг инқизориздан сўнг Гуржистонда ҳам рўй берган эди.

2. Сиёсий конфликтнинг функциялари ва таснифи.

Сиёсий конфликтлар ҳар қандай жамиятда маълум функцияларни бажарали. Улар жамиятда ҳаттоқи вақтингчалик характерга эга бўлган күчлар мувозанатини шакллантиради. Шунингдек, сиёсий конфликт қарама-қарши фикрларни тўлиқлигича очиқ даражага олиб чиқиши, ижтимоий қадриятлар ва мезонларнинг қайта баҳоланишига ҳамда күчлар мувозанатини бузиб, жамиятни нотинчлик сари туртиб юбориши мумкин. Мазкур омилларни эътиборга олган ҳолда, демократик жамиятларда мавжуд конфликтларнинг вайронкорлик табиатига характерга эга бўлган йўналишга тушиб қолмаслигига кагта ўтибор қаратмоқ мухим.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий конфликтларнинг ижобий ва салбий функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Ижобий функциялари:

• қониқмасликни объектив тарзда очиқ баён қилиш имкониятини туғдиради;

• у ёки бу гурӯҳ аъзолари ўртасидаги бирликни кучайтиради;

• ижтимоий ўзгаришларга имконият яратади;

• мавжуд бошқарув тизимининг демократлашувига таъсир қилади;

• жамиятда маълум бир маънодаги күчлар мувозанатини шакллантириши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Салбий функциялари:

• жамиятнинг интеграцияланувига хавф тугдиради, яъни юқорида тилга олинган мунознат вақтингчалик характерга эга бўлиши мумкин ва, маълум бир пайт ўтгач қарама-қарши манбаатларнинг тўқнашуви тўлалитигча акс этиши, мавжуд қадриятларнинг қайта баҳоланиши ва қолаверса, куч-

лар мувозанатини бузган ҳолда жамиятда бузғунчилік ҳолдарини күчайтириши мүмкін;

- мавжуд сиёсий тизимни йўққа чиқарни эҳтимоли бор, хусусан, собиқ Совет Иттифоқи сингари;

- ҳукуматнинг амалиёт кўрсагишига ва обрўйига салбий таъсири кўрсатади ва, шу сабабли, мамлакатда бошбошқоқликнинг кучайишини олиб бориши эҳтимоли мавжуд;

- бузғунчилик ва ҳаётта хавф солиш ҳоллари кучаяди;

- маънавий пасткашликни кучайтириши мүмкін.

Сиёсий конфліктларнинг қуйидаги классификациялари қабул қилинган:

- Субъектларга кўра шахслараро, партиялараро, давлатлараро конфліктлар мавжуд.

- Ўз кўламига кўра конфліктлар маҳаллий, мингақавий, глобал конфліктларга бўлинади.

- Жамиятга таъсирига кўра жамиятни бутунлай қайта тузилишини талаб қилувчи ва/ёки жамиятнинг у ёхуд бу соҳаларидағина (ижтимоий, маданий) ўзгаришларга олиб борувчи конфліктларни ажратиб кўрсатиш мүмкін.

Конфліктларни ўрганишга бўлган қизиқишилар бир кўтарилиб, бир тушиб туради. Совуқ уруш тугаши билан ҳалқаро майдонда бўлаётган катта геосиёсий ўзгаришлар конфліктлар билан шуғулланувчи олимлар учун янги бир тадқиқот соҳасига айланди.

Конфліктларни ўрганиш бўйича жуда кўплаб адабиётлар мавжуд. Бироқ конфліктларнинг замонавий ва тарихий кўринишларини тадқиқ этиш усуллари борасида ҳанузгача аниқ бир келишув йўқ. Шу сабабли, биз бир қатор олимларнинг фикр-мулоҳазаларини кўриб чиқиб, якуний ҳуносаларни шулар асосида чиқармоқ учун ҳаракат қиласмиш.

Бу масалада немис социолог олими *Георг Зиммелнинг конфліктли функционализм назарияси* алоҳида аҳамиятта моликдир. Мазкур назарияни кўпчилик олимлар конфліктология назариясининг асосларидан бири сифатида тан оладилар. Г. Зиммел жамиятда конфліктлар бўлиши муқаррарлигини тасдиқлайди. У жамиятнинг ижтимоий структурасини узлуксиз боғлиқ бўлган ассоциация ва диссоциация жараёнларига тақдослайди ва ўз нафбатида, конфлікт мазкур жараёнларнинг ташкил этувчиси бўлганлиги сабабли, мавжуд тизимларнинг бузилишига ёки ижтимоий ўзгаришлар рўй беришига сабабчи бўлиши алоҳида таъкидланади.

Г. Зиммел конфліктларнинг ижобий натижаларини ҳам кўради, яъни унинг фикрига кўра, конфліктлар ижтимоий тизимни ижтимоий организмнинг бус-бутунлиги сифатида сақтаб қолишга ва мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Г. Зиммел конфліктлар манбаи сифатида фақатгина манфаатлар тўқнашувини эмас, балки инсонларда «*душманлик ҳиссинин*» намоён бўлиши билан ҳам белгилайди. Мазкур «душманлик ҳисси» конфліктларнинг дарражасини кучайтиришига хизмат қилиши мүмкін. Шу билан бир вақтда, «*севғи ҳисси*» конфліктларнинг юмшатилишига хизмат қилишини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Г. Зиммел ижтимоий мажмуаларнинг интеграцияси ва мустаҳкамлигини таъминлайдиган фаол ва фаол бўлмаган конфликтларни таҳтил этади. Бироқ, шунга қарамай, конфликтлар ҳақидаги қўйидаги фикрлар эътиборга молик:

Конфликтта қатнашувчи гуруҳлар қанчалар ҳиссиятли бўлса, у ҳолда конфликтлар шу даражада куили бўлади.

Конфликтта киришган гуруҳлар қанчалар яхши жисплашган бўлса, у ҳолда конфликтлар шу даражада кучайиб боради.

Шу ўринда Ральф Дарендорфнинг «**конфликтларнинг диалектик назарияси**»га ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Р. Дарендорф ижтимоий ташкилотни турли даражаларда, яъни кичик бир гуруҳнинг индивидидан тортиб, то «императив мувофиқлаштирувчи уюшма» деб аталувчи бутун бир жамият даражаларигача таҳтил этади. Мазкур ижтимоий ташкилот ана шу ташкилот аъзоларининг роли ва мавқеи аниқ тарзда белгиланганлиги билан ажратиб туради. Р. Дарендорфнинг фикрига кўра, бу ерда асосий роллар бошқарув муносабатларининг келишилган фарқлари орқали белгиланади. Яъни, ҳар қандай ташкилотда индивид ва гуруҳлар ўзларининг ҳокимиятга интилишига кўра аниқ бир ролни бажаради. Шунингдек, Р. Дарендорф айтадики, ташкилотда ҳокимият муносабатлари қонунийлашишга ҳаракат қиласи. Бунинг натижасида баъзи индивидлар ёки гуруҳларни умумэътироф этилган ҳукмронлик қилини ҳуқуқига эга бўладиган авторитет муносабатлари сифатида қарааш мумкин.

Ташкилотнинг тартиблаштирилган амалиётига авторитет ва ҳокимият муносабатлари шакллантирадиган жараёнлар ёрдамида эришилади.

Бироқ ҳокимият ва авторитет ноёб ресурслар ҳисобланади. Ташкилот гуруҳлар ўртасида ҳокимият ва авторитет учун кураш ҳамда рақобат бошланади. Шу сабабли, ҳокимият ва авторитетнинг талиқслиги ташкилотдаги конфликт ва ўзгаришилар маъбди ҳисобланади.

Конфликтларнинг тури турли гуруҳ ва шахсларнинг ҳокимият ва авторитетта муносабати ва қай даражада тегишшлигига боғлиқ.

Р. Дарендорфнинг фикрига кўра, ҳар қандай ташкилотда икки типдаги асосий ролларни, яъни «бошқарувчи» ва «бошқарилувчиларни» ажратиш мумкин. Ҳокимият юритувчилар ўз вазиятини сақлаб қолишиндан, бошқарилувчилар esa ҳокимият ҳамда авторитетнинг қайта бўлиннишидан манфаатдордирлар. Матъум бир шароитларда мавжуд қарама-қарши манфаатлар даражаси кўғарилади ва нагижада, ташкилот икки конфликт қуршовида қолган томонларга бўлинади. Конфликтларни бартараф этиш ҳокимиятни қайта тақсимлашга олиб боради. Бироқ қайта тақсимланган ҳокимиятни «ҳукмронлик қилувчи» ва «бошқарувчи» ролини бажарувчи янги гуруҳлар ўзлаштириб олади ва, натижада, улар яна бир-бири билан рақобатлаша бошлайдилар. Шундай қилиб, ташкилотнинг ривожланиши – бу ҳокимият муносабатлари борасидаги қайтарилиб турувчи конфликтлар занжиридан иборат.

Р. Дарендорфнинг қандай шарт-шароитлар оддий гуруҳларнинг конфликтли гуруҳларга айланиши ва умуман, конфликтлар даражасининг ўзгаришига таъсир этиши ҳақидаги фикрлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади:

Ташкилотда қанчалар кўп гуруҳлар ўз манфаатларини англаб етга бош-

ласалар ва конфликтлашувчи гурухларни ташкич этсалар, конфликтнинг рўй берини имконияти шунчалар кўпаяди.

«Хукмрон» ва «бўйсунувчи» гурухлар ўртасида ҳаракатчанлик қанчалар суст бўлса, у ҳолда конфликт шу қадар кучсиз бўлади.

«Бўйсунувчиларнинг» ночорлик даражаси абсолют даражадан нисбий даражага ўзгариши қанчалар катта бўлса, конфликт шу қадар аёвсиз бўлади.

Конфликт қанчалар кучли бўлса, у шунчалар кўп структуравий ўзгаришларга ва қайта шаклланишларга сабаб бўлади.

Льюи Козернинг «**конфликтли функционализм**» назарияси комплекс муаммоларни ўз ичига олган кенг қамровли назариядир. Хусусан, у конфликтларнинг сабаби, даражаси, давомийлиги ва функцияси масалаларига алоҳида эътибор беради.

Л. Козернинг конфликтни маълум шароитларда ижтимоий организмни сақлаб қолиш мақсадида фаолият кўрсатиши мумкин бўлган жараён тарзида таърифлайди. Л. Козернинг конфликт ҳақидаги ёндашувининг асосий ҳолатлари қўйидагилардан иборат:

Ҳар қандай ижтимоий тизимда конфликт муносабатлари ва таранглик ўртасида мувозанатнинг бузилиши ҳоллари мавжуд.

Мажмуани бузади, деб ҳисобланиб келаётган кўпгина жараёнлар (масалан, қарама-қарши фикрлилк, конфликт) баъзи белгиланган шароитларда мажмуанинг интеграциясини кучайтиради ва унинг “ташқи муҳит” шароитларига чидамлилигини оширади.

Кўриниб турибдики, Козер ва Зиммел таърифлари ўртасида ўхшашлик мавжуд. Ўзи томонидан шакллантирилган ёндашувлар асосида Козер конфликтларнинг функциялари борасидаги назарий йўналишни ривожлантиради. Козер Дарендорфни конфликтнинг ижобий функцияларини эътибордан четда қолдирганлигини танқид қилди. Сабаби, Козернинг фикрига кўра, конфликт ва ижтимоий мажмуя интеграциялаштирувчи ва мослаштирувчи функцияларни бажаради. Зиммел каби Козер ҳам конфликт ташкилотнинг ҳайтийлигини ва мустаҳкамлигини сақлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Козер конфликтларнинг функциясини чуқурроқ ўрганиш даврида ўзидан олдинги олимларнинг фикрларидан фарқли равиша, конфликтларнинг ноконструктив характерга эга бўлган босқинчилик томонларини эътибордан четла қолдирали.

«**Душман мажмуаси**» назарияси XX аср 80-йилларнинг иккинчи ярмида руҳшунослик ва ҳалқаро муносабатлар соҳасида фаолият олиб борувчи олимлар томонидан (хусусан, АҚШ Миллий Хафсизлик Кенгаши ва АҚШ Давлат Департаменти ходимлари) гурухлар хулқ-атворининг мураккабликларини тушунтириб боришга хизмат қилувчи модел сифатида ишлаб чиқилган. Бу назариянинг моҳияти шундан иборатки, инсоният доимий равишида ўз душманлари ва тарафдорларини шакллантириб боради ва бу феномен ҳам индивидуал, ҳам гурухлар даражасида бўлиши мумкин.

Айни масала этник ва миллий бирликларнинг шаклланиши ёки хулқ-атворини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Этник ёки миллий гурухларни аниқлаб олиш кенг маънода биз ўзимизга тегишли бўлган ва бизга

тегишли бўлмаган гурухга муносабатимизни аниқлаб олиш имконини беради. Бу назария ҳаттоқи шахсларо муносабатлар масаласини таҳлил эзишда ҳам ўз кучини йўқотмайди.

3. Сиёсий конфликтни бошқариш ва ечишнинг ўзига хос хусусиятлари.

У ёки бу низоли ҳолатдан қандай чиқиб кетиш мумкин, деган саволга универсал жавоб йўқ. Сабаби, ҳар бир низоли вазият қайтарилмас характерга эгадир. Бироқ, шунга қарамай, конфликтларнинг табиати, уларнинг асосий хусусиятлари, баъзи қонуниятларининг ривожи ва уларни ечиш йўллари ҳақида бироз бўлса-да, билимга эга бўлиш мумкин. Бу борада профессор Буртоннинг конфликтларни ечишга қаратилган мулоҳазалари алоҳида аҳамият касб этади. У конфликтни ечиш, бошқариш ва ҳал этиш ўртасидаги фарқни эътироф этади. Унинг фикрига кўра бошқарув конфликтни чегаралаши ёки чеклаши мумкин. Конфликтни бартараф этиш эса ҳукуқий ва бошқарув жараёни бўлиб, у одатда элита томонидан амалга оширилиши назарда тутилади.

«Конфликтни ечиш» эса бу конфликтларни уларнинг илдизини ёки асосини таҳлилий услублар ёрдамида ўрганиш орқали тугаллашдир. Конфликтни ечиш, уни бошқариш ёки бартараф этишнинг акси сифатида муаммонинг доимий ечимини конфликтта қатнашувчи томонларнинг барчасини жалб этган ҳолда тугаллаш тушунилади.

Конфликтларни ечиш жараёни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тизимлардаги ўзгариш жараёнидир. Яъни у индивидуал, гурух эҳтиёжларини ва, шунингдек, мазкур эҳтиёжларни қондириш учун керак бўлган институционал ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда муаммонинг ечимини топиш жараёнидир.

Анъанавий ёндашувларга кўра, конфликтларни бошқариш музокаралар ва элчилликка асосланган. Мазкур ёндашувлар конфликтта киришган томонларнинг музокараларга тайёрлиги ва музокаралар юритиш учун муҳим бўлган бирор предмет бўлган тақдирдагина рўй бериши мумкин.

Конфликтларни ечиш жараёнида энг кўп кузатиладиган ҳолат бу ҳукуматлараро, ёки томонлар раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтадиган дипломатия музокаралари кўринишида бўлади. Бироқ айни вақтда, норасмий тарзда конфликтланувчи томонлар ўртасида ижтимоий фикрни шакллантиришга ва, шунингдек, керакли инсоний ва моддий ресурсларни топишга хизмат қиладиган амалий тадбирлар бу ўринда эътибордан четда қолади.

Мазкур жараёнда оммавий аҳборот воситаларининг роли ҳам бекёсдир. Аммо бу масалада оммавий аҳборот воситаларининг бетараф маълумот тарқатиши муҳим роль ўйнайди. Қанчалар ачинарли бўлмасин, кўп ҳолларда бу воситалар кимларнингдир қуроли бўлиб хизмат қилиш ҳоллари кўп учрайди ва энди эришиб келинаётган тинчликка ўтиш жараёнини мураккаблаштириб юборади, холос.

Агарда сиёсий конфликтлар қуролли конфликтлар даражасига кўтарилиган бўлса, у ҳолда уларни ечиш учун қуйидаги қатор тадбирларни амалга ошириш зарурати туғилади. Булар: конфликтларни бошқариш, кейин астасекиёлик билан конфликтларни тутатиш, сўнгра тинчликни таъминлаш ва охири конфликтларни ечиш устида бош қотирилади.

Конфликтларни ечишнинг мураккаблиги шундан иборатки, нотўғри олиб борилган тадбирлар маълум вақтга бўлса-да тўхтатиб турилган конфликтларнинг яна янгидан кучга киришига сабаб бўлиши мумкин.

Бир мамлакат ичидаги конфликтларни ечишда ҳам, ўз навбатида, қуидаги жараёнлар мавжуд:

1. Куролли конфликтдан мулоқотлар босқичига ўтиши. Мазкур босқичда томонлар ўртасидаги муносабатларни ўзгартиришга ҳаракат қилинади. Агар томонлар келишган тақдирда «Тинчлик келишувига» эришини мумкин. Мабодо бирор-бир келишувга эришилмаса, у ҳолда вазият яна орқага, яъни низоли вазиятга қайтиши мумкин.

2. «Тинчлик келишувини амалга ошириш босқичи. Мазкур босқичда асосий эътибор томонлар элиталари ўртасида «ишончининг» шакланишига қартилган. Бу «ишонч» ўрнатилса ва мустаҳкамланса, у ҳолда кейинги қадам ҳокимиятнинг қонунийлигини шакллантиришдан иборат. Акс ҳолда яна орқага, яъни низоли вазиятга қайтилади.

3. «Қонунийлашиш» босқичи. Айни жараёнда томонларнинг раҳбарлари ўртасида ўзаро яқинлашув вужудга келиши ва сўнгра келишган ҳолда мубаққат ҳукumat сайланиши мумкин. Бироқ «ишонч»нинг шаклланмаслиги яна томонларни низоли ҳолатта, яъни орқага улоқтириб ташлаши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилган босқичларнинг амалга ошишида **«вақт» омили** жуда катта роль ўйнайди. Сабаби, мазкур босқичларни шошма-шошарлик билан ёхуд жуда кечиктириб амалга ошириш ҳам ижобий самара бермаслиги мумкин.

Айни вақтга келиб, конфликтларни ечиш масаласи билан шуғулланувчи халқаро аҳамиятга эта бўлган марказлар мавжуд. Хусусан, Швециянинг Уппсала университетида конфликтларни ўрганиш бўйича алоҳида факультет очилган. Шунингдек, Швеция (SIPRI), Норвегия (PRIO) ва АҚШда Тинчлик институтлари (USIP) ташкил этилган.

СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАФКУРАЛАР

Режа:

1. Сиёсий онг, унинг моҳияти ва асосий белгилари.
2. Сиёсий онгнинг турли даражалари ва шакллари.
3. Мафкура, унинг асосий функциялари ва даражалари.
4. Замонавий сиёсий мафкуралар.
5. Миллтий мустақиллик гояси: асосий тушунча ва тамойиллар.

1. Сиёсий онг, унинг моҳияти ва асосий функциялари.

Сиёсий ҳаётнинг субъектив жиҳати сиёсий онгда ўз аксини тонади. Сиёсий онгнинг жамият ҳаёти на фаолиятидаги ролини баҳолаш мушкул. Зоро, у фагат сиёсий борлиқнинг пассия инъикосигина эмас. Сиёсий онг амалиётдан илгарилаб кетишга, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ривожланишини таҳмин қилишга қодир. Демак, у сиёсий ҳаётга, жамият сиёсий маданиятининг ривожига сезиларли таъсир ўтказа олади. Бундан ташқари, айрим кишиларнинг ҳам, ижтимоий-сиёсий бирлашмаларнинг ҳам, сиёсий хулқ-атвори кўп жиҳатдан сиёсий онг даражасига боғлиқ. То миллатлар, миллий давлатлар мавжуд экан, уларнинг мустақиллиги, озодлиги, анъана ва урф-одатларига таҳдид соловчи, уларга таъсир ўтказишга, уларнинг бойликларидан ўз манфаатлари учун фойдаланишга уринадиган кучлар доимий равишда ханф солиб туради.

Шу муносабат билан, бундай таҳдидга қарши туришнинг асосий воситаси жамиятимизда мамлакатимиз фуқароларини, хусусан, ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган, кучли иродга ва эътиқодга эга кишилар қилиб тарбиялаш учун маънавий-маърифий фаолиятни сезиларли даражада фаоллостиришдан иборат бўлмоги лозим.¹

Сиёсий онг – сиёсат соҳасининг ижтимоий субъектлар (индивидуалар, гурӯҳлар ва бошқалар) томонидан идрок этилишидир. Сиёсий онг кишиларнинг давлатга ва партияларга, сиёсий қадриятлар ва ривожланиш мақсадларига, сиёсий ҳаётнинг анъана ва меъёрларига муносабатини ифода этувчи қарашлар ва қоидалар йиғиндисидан иборатdir.

Сиёсий онг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари – икътисодий қарашлар, ҳукуқий назариялар ва меъёрлар, фалсафий таълимотлар, ахлоқий концепциялар, эстетик қадриятлар билан боғлиқ ва улар билан ўзаро муносабатга киришади.

¹ Каримов И. А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т. 1. Т., 1996. С. 76.

Сиёсий онгнинг куйидаги функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **бошқариб туриш функцияси.** Сиёсий онг воқеликни қабул қиласди ҳамда ўзи ишлаб чиққан сиёсий ғоялар, меъёрлар, тасаввурлар ва ақидалар асосида кишиларнинг ижтимоий хулқ-атворини бошқариб туради;

- **билиш-аҳборот функцияси.** Ҳозирги ҳаёт механизми шундайки, одамларга доимий равища ўз йўлларини, шу жумладан, ўз сиёсий йўлларини танлашга тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси уларни сиёсат дунёсини билиш, сиёсий аҳборотни ўзлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўринларини белгилашларига ва унда тўғри йўл топа олишларига ёрдам беришга хизмат қиласди;

- **баҳолаш функцияси.** Айнан сиёсий воқеликка баҳо берни асосида одамлар ўзларининг сиёсий қарашлари ва эътиқодларини ифода этадилар;

- **интеграциялаш функцияси.** Ушбу функция воситасида сиёсий онг кишиларни сиёсий йўналитилган хулқ-атворга, ўз ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ижтимоий ҳаётда иштирок этишга унрайди;

- **тахминлаштириш функцияси** сиёсий жараённинг мазмуни ва ривожланиш табиатини олдиндан кўра билиш учун асос яратади;

- **меъёрий функция** – келажакнинг барча қабул қилган образини яратади. Сиёсий онгнинг асосини сиёсий билимлар ташкил этади.

Шунинг учун унинг билиш функцияси доимо бошлангич функция сифатида намоён бўлади. Бироқ онг – фақат билимларга эмас, балки уларга бўлган муносабат ҳамdir, энг асосийси эса, улардан ижтимоий-сиёсий ўзгарышларни амалга оширишда фаол фойдаланишdir. Зоро, «Ҳаракат қилмасак, ақлнинг нима ҳожати бор» (Ш. Руставели).

2. Сиёсий онгнинг турли даражалари ва шакллари.

Сиёсий онг турли даражада ва шаклтарда намоён бўлади. Сиёсий онгнинг куйидаги даражаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. **Давлат даражаси.** Мазкур даражада расмий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва асосланиши амалга оширилади. «Давлат» онги сиёсий муносабатларни турли қонун лойиҳалари, дастурлар, конституцияларни ишлаб чиқиш орқали тартибга солиб туради. Сиёсий онгнинг мазкур даражасида мавжуд сиёсий тартиблар ва бошқарув тамойиллари энг изчил тарзда ҳимоя қилинади.

2. **Назарий даражаси.** Сиёсий онгнинг ушбу даражаси сиёсий ҳусусиятга эга бўлган турли хил концепциялар, ғоялар ва қарашлардан иборатдир. Сиёсатни назарий даражада идрок этиш қуйидагиларга имкон беради:

- унинг энг муҳим мақсад ва вазифаларини -- асосий (стратегик) мақсад ва вазифаларини ҳам, жорий (тактик) мақсад на вазифаларини ҳам қўйини на ҳал этиш;

- уларга эришишнинг восита ва усуllibарини белгилаш;

- пишиб етилган муаммоларни ҳал этишини ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъминлашнинг йўналишлари ва йўлларини белгилаш;

-сиёсий қарорлар ва мақсадли дастурларнинг бажарилиши устидан ижтимоий назоратнинг концептуал ёндашувларини ишлаб чиқиш;

- амалий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сиёсатга тузатишлар ва ўзгартиришлар киритиши.

3. Эмпирик даражасы. Сиёсий онгнинг бу даражаси бевосита амалиёттага, турли сиёсий бирликларнинг сиёсий жараёндаги иштирокига асосланади. Мазкур даражасы сиёсий воқеликни ҳис-түйгулар, кечинмалар, тасаввурлар шаклида акс эттиради.

4. Кундалик даражасы. Ушбу даражасы эмпирик даражасы билан яқиндан бояланган, аммо айни пайтда, у билан қиёслаганда ўзининг бир қатор фарқ қилувчи хусусиятларига эга. Масалан, эмпирик даражасы субъектнинг амалий тажрибасини тавсифлайди. Кундалик даражасы эса, ижтимоий синфнинг, қатламнинг ёки кишилар гурухининг эмпирик даражасидан яна шуниси билан ҳам фарқ қиласиди, унда мафкуравий ва назарий унсурлар ҳам мавжуд. Мазкур даражага ёрқин ифодаланган ижтимоий-психологик қирралар: кайфият, ҳис-түйғу ва хаяжонлар хосдир. Бу ҳол унга ўзига хос жадаллик баҳш этади ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришларга сезгирилек билан муносабат билдириш имконини беради.

Сиёсий онгнинг шаклларига ихтисослашган ва оммавий сиёсий онг киради.

Ихтисослашган онг – бу мафкуравий турдаги онг бўлиб, бу шаклда энг асосийси – муайян мезонлар на қоидаларни ижтимоий синф, гуруҳларнинг оддий вакиллари онгига сингдиришдан иборат. Ихтисослашган онг вакиллари, энг аввало, сиёсий партиялар ҳамда бошқа сиёсий бирлашмалар ва ташкилотларига мансубдир.

Оммавий сиёсий онг – жамият эҳтиёжларининг мазмуни ва даражасини билвосита ифодалайди. Шунингдек, у жамиятнинг сиёсий воқелик тўғрисидаги билимларига хос хусусиятни ҳам акс эттиради.

Оммавий сиёсий онг анча кенг кўламли онг демақдир. У кўплаб омилларнинг: турли ижтимоий ларзалар, муайян тарихий вазиятнинг мазмуни ва бошқаларнинг таъсирига дуч келади.

3. Мафкура, унинг асосий функциялари ва даражалари.

Сиёсатшунослик фанининг энг муҳим аспектларидан бири ҳисобланмиш сиёсий мафкуралар масаласи қадим замонлардан бери қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Зоро, сиёсий мафкура – мафкуранинг сиёсий кўриниши экан, аввало мафкуранинг ўзи нима эканлигини аниқлаб олиш мақсадга мунофиқдир.

Даврлар оша, мафкурасиз инсоннинг кундалик ҳаётини, у яшаб фаолият кўрсатадиган жамият ҳаётидаги жараёнларни нафақат тушуниш, балки тасаввур ҳам қилиш мушкул. Мафкура бўлмаса ҳар бир шахс, ва қолаверса, давлат ўзи кетаётган йўлида иккиланиб қолади; қаерда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша срда бегона бир мафкура хукмронлик қилишни бошлайди.

Мисли кўрилмаган даражада урушлар ва фожеаларни бошидан кечирган йигирманчи аср ҳам поёнига етди; инсоният янги аср бошида турган бир пайтда турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро қарама-қаршиликлари гўёки ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олаётгандай. Ранг-баранг, бальзан бир-бирларига мутлақо зид келадиган дунёқарашлар, сиёсий ва диний оқимлар, мазҳаб ва секталар орасидаги фикр талашувлар гоҳо баҳс-

мунозара чегарасидан чиқиб, қонли түқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда.

Ўтган асрнинг сўнгти ўн йиллигига келиб, дунёда икки асосий қарама-қарши қутб зиддияти барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсадларни кўзловчи ва бинобарин, турли хил манфаатларни ифода этувчи мафкуралар кураши жаҳон ижтимоий ҳаётида биринчи ўринга чиқиб олди. Таъкилтаб ўтиш жоизки, бундай курашдан кўзланган асосий мақсад – одамлар, авваламбор ёшлар қалбини эталлаш, муайян бир мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг ҳис-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва охир-оқибатда тобе қилиш.

Ижтимоий гуруҳларнинг турли-туман ва ҳатто бир-бирига қарама-қарши манфаатлари мавжуд бўлган шароитда жамиятнинг бир бутунлигини ва ундаги сиёсий тартибни, консенсусга эришиш ва жамиятнинг тараққиёт йўлидан олга боришини нима таъминлаши мумкин? Сиёсий мафкуралар айнан шундай омил сифатида майдонга чиқади.

Инсоннинг фаолияти, айниқса, сиёсий фаолият идрок этилганлил ва бир мақсадга йўналтирилганлик хусусиятига эга. Бу фаолият – хоҳ сайловларда овоз бериш бўлсин, хоҳ сиёсий тадбирларда иштирок этиш бўлсин – аниқравшан йўналтирилгандир.

Сиёсий мафкура – у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи ҳамда кўпроқ миқдордаги кишиларнинг индивидуал ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатларини ҳокимиятдан фойдаланишининг муайян мақсад ва вазифаларига бўйсундиришни талаб қилувчи тизимлашган ғоялар ва қарашларнинг йигинидисидир. Қисқача қилиб айтганда, сиёсий мафкура – муайян ижтимоий гуруҳнинг ҳокимиятга интилишини, ёки ундан фойдаланишини асословчи ва сиёсий ҳаракатнинг у ёки бу стратегиясини кўзла тутивчи ғоявий тизимдир.

Мафкура сиёсатнинг дунёқараш асосини ташкил этади ва партиялар, миллий бирлашмаларнинг манфаатларини назарий асослашгич, уларнинг фаолият дастурларини ифодалашга, асословчи ва ҳоҳиш-иродани шакллантирувчи омил сифатида намоён бўлишга хизмат қиласи.

«Мафкура» ёки идеология – ғоялар ҳақидаги фан бўлиб, XIII асрдан бошлаб кенг ёйилди.

Қачонлардир мафкуралар ҳокимиятга даъво қилувчи ёки ўзларининг ҳукмронлик имтиёзларини ёқловчи ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун яратилган. Ҳукмрон синфлар оммавий онгни чалғитиши мақсадида мафкурадан фойдаланганлар. Бугунги кунда аҳолининг аҳборот олиш даражаси анча ўсили ва гуё энди мафкурага Эҳтиёж қолмагандек туюлади.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, айнан умуммиллий, бирлантирувчи мақсадлар ва идеалларни оқилона асослаб берувчи сиёсий мафкуранинг мавжуд эмаслиги жамият барча умумий қатламларининг атрофида мустаҳкам жипслашувига тўқсингиллик қиласи.

“Идеология” сўзининг этимологияси қадимги юнон тили илдизларига бориб тақалади. “Идеос” ва “логос” сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган

бу атама **ғоялар** ҳақидағи таълимот деган маңынни беради. Европа тилларида “идеология” деб номланған болып атама илк бор 1789 йылдаги Буюк Француз инқолоби йиллари даврида А. Дестют де Траси томонидан мұомалатта кири-тилган. Мана шу даврдан бошлаб мұраккаб руҳий қодиса ҳақида хилма-хил қарашлар қарор топа бошлади. **Хусусан, иқтисодий детерминизм таълимоти мағкуравий оқымлар** ижтимоий гурухларнинг моддий шарт-шароитлари билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқади. У бу оқымларни умуман жамоа ман-фаатларини ұмома қылувчи назарий тасаввурлар сифатида тавсифлайди.

Ижтимоий гурухнинг жамияттада туттан ўрнига күра (агар синф ижтимоий тараққиёттің лидер тенденцияларга мос келадиган манфаатларига эга бўлса), иқтисодий детерминизм мағкуранинг бир томонламалигини эъти-борга олган ҳолда, унинг назарий билим вазифасини бажариши мумкинли-гини илгари суради.

Бугунги кунда ҳам **Фарб** давлатлари сиёсий билимлар соҳасида мағкура-ний оқымларнинг манбалари ва мақоми ҳақидағи мунозаралар ҳануз ниҳоя-сига етган эмас. **Неонархизм** тарафдорлари учун мағкура оммавий онгнинг маҳсули бўлиб кўринади. **Либерал-позитивистик** анъаналарга кўра, мағкура ижтимоий ва сиёсий шароитларга боғлиқ бўлмаган, тарихдан юқори турувчи қодиса сифатида таърифланади. **Неомакиавелизм** (Р. Моска, Р. Михельс, В. Парето) онгнинг эстетик ёки диний шаклларини ҳам сиёсий мағкуранинг ўзига хос намоён бўлиш шакллари сифатида талқин этади. **Фарбда мағкурани сиёсатда бирон-бир муҳим мавқе** ва аҳамиятта эга бўлмаган “ҳокимиятнинг хизматкори” сифатида тавсифловчи қарашлар ҳам кенг тарқалган.

Шу билан биргага, **Фарб** сиёсатшунослигига мағқурага нисбатан бир мунча барқарор бўлган муносабатлар ҳам қарор топди. Жумладан, мағкура билан фанни бир-биридан муросасиз айриб қўйиш, мағкуранинг билиш вазифа-ларига шубҳа билан қараш, уларни инкор қилишдан иборатдир. XX аср бош-ларидәк М. Вебер мағкурани ва бошқа **ғоялар**, диний тузилмаларни кўр-кўрона ишониш соҳасига киритган этди. Шу соҳанинг таникли мутахассиси К. Майнгем ҳар қандай мағкурани воқеаликнинг ноадекват (нотўғри), бир то-монлама акс этиши сифатида, воқеаларнинг ҳақиқий аҳволини онгли ра-вишда яширадиган **ғоялар** йигиндиси сифатида олиб қарайди. Мағкуранинг ижтимоий-тарихий манбаларини четта суриб қўйиб, уни жамоани бирлаш-тирувчи курол сифатида (О. Лемберг, Т. Парсонс), яъни ҳаддан ташқари фун-кционал талқин қилишлар ҳам кенг тарқалгандир.

Мағкурани айрим гурухлар ва индивидларнинг психологиясидан (Р. Пайс, Д. Браун) иборат қилиб кўрсатиш ҳоллари ҳам кам эмас. Шу билан биргага, илмий алабиётда мағкурани ҳалқнинг, миллатнинг дунёдаги ўрнини, ман-фаатларини, орзу-интилишларини англатадиган **ғоя**, ўтмиш ва келажакни боғлайдиган кўпприк сифатида таърифлаш (**И. Каримов**) ҳам мавжудлар.

Мағкура ўзининг сиёсий функцияларини бажариши билан жамиятни ё қандайдир ижтимоий, миллий гуруҳ манфаатлари асосида, ёки аҳолининг муайян ижтимоий-иктисодий гурухларига таянмайдиган онгли равишда иш-либ чиқылған мақсадлари негизида жипслаштириш, бирлаштиришга интила-

ди. Аҳолини реал бирлаштириш қобилияти мафкуранинг тоғаси ва қоидаларига кишиларнинг яхши турмуш тарзи ҳақидаги кунлалик қарашлари ва тасаввурларига қанчалик мос келишига боғлиқдир.

Ҳар қандай мафкура, оқилона, назарий асосланган қоидалардан ташқари, аҳолига фақат ишониш учун таклиф қўтинадиган мақсад ва идеалларни камраб олади.

Сиёсий мафкуранинг амал қилиш даражалари бир хил эмас. У назарий-концептуал, дастурий-директивалик ва хулқ-атворлик даражаларида амал қиласди.

Назарий-концептуал даражасида у ёки бу синиф, ижтимоий қатлам, миллат, давлатнинг манбаатлари ва идеалларини очиб берувчи асосий қоидалар қарор топтирилади.

Дастурий-директивалик даражасида ижтимоий-фалсафий тармоқлар ва идеаллар сиёсий элитанинг аниқ дастурлари, шиорлари ва талабларига айлантирилади ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, омманинг сиёсий хулқ-атворини рағбатлантириш учун тоғовий асос бўлиб хизмат қиласди. Мафкура амал қилишининг ушбу ларажаси “сиёсатнинг яратувчи элементи” деб ҳам талқин этилади.

Хулқ-атворлик даражада мазкур мафкура мақсадлари ва тармоқларни фуқаролар томонидан ўзлаштирилади ҳамда уларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштирок этишининг у ёки бу шаклларида ўз ифодасини топади. Бу даражада мафкура кишиларнинг хатти-ҳаракатига айланниб, уларни жисслаштиради, бирлаштиради, муайян йўлга йўналтиради, сафарбар олади.

Мафкураларнинг жамият ҳаётидаги роли улар бажарадиган функциялар томонидан белгиланган. Сиёсий мафкуралар сиёсий дунёкарои сифатида наимоён бўлиб, ишонч-эътиқол кучини касб этувчи қадриятларни ўз ичига олишидан келиб чиқиб, уларнинг қуйидаги функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **йўналтириш функцияси.** У жамият, ижтимоий тараққиёт, шахс, ҳокимият ҳақидаги асосий тасаввурларни ўз ичига олгани ҳолда мафкуранинг инсон фаолиятининг мазмун ва мезонлари тизимини белгилаб беришида ифодаланади;

- **сафарбарлик функцияси.** Мафкура анча мукаммал жамият ҳақидаги идеалларни тақдим этар экан, сиёсий фаолиятнинг бевосита мөгивлари сифатида майдонга чиқади ва жамиятни, ижтимоий гурухларни мазкур идеалларни амалга оширишга сафарбар қиласди;

- **интегратив функция.** Сиёсий воқеликка дунёнинг ўзлари таклиф этаётган манзарасига мос мазмун баҳш этиб, сиёсий мафкуралар унинг ўз миёсларига кўра ҳар қандай шахсий ва гурухий мақсадлардан устун турувчи жуда катта аҳамият касб этишини таъминтайди. Сиёсий мафкуралар хусусий манбаатларга қарама-қарши туради ва айнан шу боис интеграцияловчи омил сифатида намоён бўлади.

- **амортизация функцияси.** Сиёсий мафкуралар жамият, гурухлар, индивид ҳақиқатлари билан уларни қондиришининг амалдаги имкониятлари ўртасида номувофиқлик юзага келган вазиятда ижтимоий кескинликни юмша-

тишга хизмат қиласы. Таклиф этилаетган идеаллар индивидни мұваффақият-сизликлардан сүнг үзіда яна қайтадан фаол ҳаракатлар учун куч толишиға мажбур қылувчи, илхом берувчи мазмун сифатыда майдонта чиқады;

- мұайян ижтимоий гурух **манфааттарини ифодалаш өзімоя қилиш функциясы**. Сиёсий мағкуралар қандайдир ижтимоий гурухнинг манфаатлар асосида пайдо бўлиши туфайли улар ана шу манфаатларни ифодалаш өзімоя бошқалар олдига қўйишга хизмат қиласы.

Бу функцияларни сиёсий мағкуралар ўзларини сиёсий онгнисиг бошқа шаклардан, масалан, сиёсий руҳшуносликдан фарқ қилунчи икки хусусияти туфайли амалга оширали:

- тотал аҳамиятга (ёки глобаликка) даъво қилиш;
- меъерийлик.

Ҳар қандай сиёсий мағкура бошқа мағкураларни сиқиб қўйишга ва ўзи илгари сурәттән ғояни амалга ошириш йўлида ҳамма нарсадан фойдаланишга интилади. Мағкурани тарғибот иши билан чалкаштирмаслик лозим. Агар мағкура сиёсий тасаввурларнинг мавжудлик шакли бўлса, сиёсий тарғибот уларни тарқатишнинг асосий воситасидир. Ҳозирги замоннинг асосий мағкуравий оқимлари сиёсатшуносликда мустақил фан сифатида ғоявий-сиёсий миқёсга эга бўлади. Шу сабабли, сиёсат билан мағкура ўртасидаги нисбат сиёсатшунослик таҳлилиниң муҳим обьектларидан бири ҳисобланади.

Деярли барча ривожланган гарб мамлакатларининг тажрибаси шуни яққол исботлайдики, сиёсий феноменларнинг илмий таҳдили талқиқотчнинг ғоявий позициялари билан бемалол келиша олади. Агар XX асрнинг 60-йилларида гарбдаги кўп жамиятшунослар мағкураларнинг тамом бўлганлиги ҳақидаги концепциянинг ташаббускорлари сифатида чиқсан бўлсалар, 70-80-йилларга келиб, қайта мағкуралаштиришнинг зарурлиги ҳақида сўз юрита бошладилар, машҳур француздо социологи Р. Арон эса «мағкураларнинг ўлмаслигини» зъюон қиласи. Гарб сиёсатшуносларининг кўпчилиги ўз ёндашунлари, қонцлагари, хайриҳоҳилларига кўра либераллар, консерваторлар, социал-демократлар, марксистлар ва бошқалар сифатида тавсифланади. Бундай тасниф асосида, шубҳасиз, мағкуравий баҳолаш ҳам ётади. Шу сабабли, сўз мағкурадан холи қилиш ҳақида эмас, балки турли ғоявий-сиёсий оқимлар ва ёндашунлар плорализмининг қарор топиши, уларнинг ёнма-ён яшаши та бир-бирига нисбатан очиқиги ҳақида бориши лозим.

4. Замонавий сиёсий мағкуралар.

Ҳозирги дунё - мураккаб мағкуравий зиддиятлар дунёси, унлаги мағкуравий полигонлар ядро полигонларига қараганда кучлироқ ва хавфлироқлар. Бундай шароитларда мағкура соҳасидаги галабанинг аҳамияти сиёсат ва иқтиесодиёт соҳасидаги галабанинг аҳамиятидан кам эмас.

Ҳозирги кунда прогрессив мағкуралар халқларнинг миллий-маданий ва мальавий-ахлоқий анъанарапарига, умуминсоний қадриятларга ва демократик тамойилларга, құдратты ахборот технологияларига асосланмоқда. Тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши, гуманизм, ядросиз

дунё, миллий ва диний муроса, минтақавиј низоларни бартараф этиш гоялари устувор соялардир.

Бироқ мағкуравиј воситалар ёрдамида ўз таъсир доирасини көнгайтиришга интилиувчи сиёсий күч ва ҳаракатлар, шу жумлашан, тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм, ирқицилик, диний фанатизм ва экстремизм сингарилтар ҳам мавжуд. XX аср окирига келиб юз берін туб ижтимоији сиёсий ўзгаришлар, иккі мағкуранинш қарима-қарши түршілігі хос бўлган иккі қутбли дунёнинг йўқ қилиниши, глобаллашув жараёнлари ва ахборотга асосланган жамиятининг шаксланиши дунёнинг мағкуравиј манзарасига бутунлай ўзгача қиёфа бахш этди. Янги «мағкуравиј маконни», миллионлаб одамларнинг онгини эгаллаб олиш учун бўлётган кураш тобора долзарб ва кўп қиррали бўлиб бормоқда. Шу муносабат билан, назаримизда, мағкурани сиёсий дунёнинг ажralmas қисми сифатида ўрганиш сиёсатшуносиликниң долзарб вазифаси бўлиб қолаверади.

Мағкуралар сиёсат оламига кенг кўламдаги ёътиқодлар тўпламини олиб киради. Инсоният бундай “ёътиқод”ларсиз яшай олмайди, лекин аксарият ҳолларда биз улардан қайси бирини танлашга икқиzlаниб қоламиз. Мисол тарикасида қўйидаги жумлаларга ёътиборингизни қаратинг:

- “Мен ҳеч қачон ўз шахсий эркинликларимниң ҳеч қайси бир қисми ни курбон қилмайман”;
- “Мен учун ўз хавфсизлигим ва юртим хавфсизлиги ҳар нарсадан устун, шунинг учун ҳам шахсий эркинликларимниң маътум қисмини тинчлик ва осойишталик йўлида курбон қилишга тайёрман”;
- “Сиёсий ҳокимият ишчи ва дехқонлар қўлида бўлсангина жамиятга тенглик ва адолат хукм суради”;
- “Қарийб иккى минг йил ўз ватанидан маҳрум қилинган ва барча ҳасқаларниң нафратига учраб келган яхудийлар тенг ҳуқуқицлилар асосида ўз давлатига эга бўлишлари лозим” ва ҳоказолар.

Маргарет Тэтчер ва фон Хайек каби эркин бозор иқтисодининг тарафдорлари бозор муносабатларига – шахс эркинлигини олға сурувчи ягона замин сифатида қараашлари ҳамда иқтисодни – олдиндан режалаштириш ва давлатнинг интервенция (араласиши) сиёсати охир-оқибатда мажбурашшга ва, ўз навбатида, шахс эркинлигига таҳдид солувчи күч сифатида тан олишлари мумкин. Бунга қарама-қарши тарзда, ҳукumat интервенциясининг ашаддий тарафдори давлатнинг аралашув сиёсатида даромадининг индивидулар орасида энг адолатли йўсинда тақсимланиш сабаби ва мантиқни кўради. Фашистларнинг агрессив миллатчилик ва элитизм гояларини олға суриншлари ўз-ўзидан халқлар ва миллатлар орасида тенглик сари интигулувчиларга қарши қаратилган қаттиқ зарба бўлади. Ҳудди шу йўсинла, юқорида ёътиборингизни жалб қилган бир неча жумлалар ва, ўз навбатида, мағкураларнинг адвокатлари бир-бирлари билан келишишлари жуда ҳам машаққатли кечади.

Сиёсий мағкура замон ва макондан ташқарида бўлган мавхум руҳий ҳодиса эмас. У муайян тарихий шароит билан боғлиқ, аниқ ижтимоиј мазмунга эга бўлган маънавий ҳодисадир.

Ҳар бир тарихий давр ўзига хос ва ўзига мос мағкуравиј оқимларни

илгари суради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас. У ҳам күплаб мафкуравий оқимларни илгари сурди. Биз қуйида ҳозирги замоннинг энг нуфузли мафкуравий оқимларини, жумладан, либерализм, консерватизм, социал-демократия каби кўринишларини кўриб чиқамиз.

Охирги икки-уч аср мобайнида энг йирик ва кенг тарқалган мафкуравий оқимлардан бири – либерализм. Бу атама лотинча “либералис” сўзидан олинган бўлиб, “эркин” деган маънени англатади.

Либерализм XVII–XVIII асрларда маърифатпарварлик ғоялари негизида тарих саҳнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкураси сифатида шаклланди. Бу мафкуранинг асосий қоидалари Жон Локк, Шарль Луи Монтескьё, Адам Смит, Томас Жефферсон, Жон Стюарт Милль ва бошқаларнинг асарларида асослаб берилади.

Либерализм пойdevорини *шахс эркинлиги*, унинг барча жамият институларига нисбаган энг олий қадрят эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги, барча кишиларнинг ўзини-ўзи рӯёбга чиқариш хукуқини тан олишилиги каби тамойиллар ташкил этади. Бу мафкура парламент тузумининг муҳим сиёсий муаммоларни ҳал этишда борасида мураса-ю мадора қилиши ва келишувининг тарафдоридир. У давлатнинг кенгайиб кетган иқтисодий ва ижтимоий функцияларига салбий муносабатдадир.

Либерализм ҳокимиятнинг тақсимланиши, сиёсий плюрализм, элита-лар рақобати, қонуннинг мутлақ устуворлигини эътироф этади. У фуқаролар хукуқлари ва эркинликларини таъминлашни ўзининг асосий мақсади, деб билади. Мазкур мафкуранинг барча кўринишларида инсон шахсининг индивидуал эркинлиги, қадр-қиммати, бошқа кишиларнинг қарашлари ва ётиқолиарига сабр-чидамли бўлиш тўғрисидаги талаблари доимо ҳимоя қилиб келинади. Шахс эркинлигини ҳурмат қилиш билан боғлаб либерализм ўзининг ғоявий кўрсатмаларида индивидуализм ва инсонларварлик тамойилларини ўйнун равишда мужассамлаштиради.

Эркинлик тамойили либерализм тарафдорлари томонидан давлат чекланиларидан эркин бўлиш сифатида талқин этилади. Бу ғояни англиялик мутафаккирлар Жон Локк ва Жон Стюарт Милль яхши ифода этадилар. Жумладан, Милль бу ғояни қўйидагича изоҳлайди: “Инсон ўзига нима кераклигини ҳар қандай ҳукуматдан ҳам яхшироқ билади”.

Либерализм тарафдорларига кўра, эркинлик учун кураш инсоннинг иқтисодий, жисмоний ва интеллектуал эркинлиги йўлидаги барча тўсиқлар ва чеклашларни олиб ташлашга қаратилган курашни англатади. Улар ҳокимиятни мерос қилиб қолдиришнинг барча шаклларига ва табакавий имтиёзларга қарши чиқадилар. Бу кўрсатмалар негизида “**давлат – тунги қоровул**” деган төя қарор топади. Ушбу ғоянинг моҳияти шундан иборатки, давлат факат ижтимоий тартибни кўриқлаш ва мамлакатни ташқаридан бўладиган таҳдиддан ҳимоя қилишини таъминлайдиган, камроқ бўлган, энг керакли вазифалар билан таъминланishi даркор. Шунинг учун айнан либерализмда фуқаролик жамиятининг давлат устидан устуворлиги ғояси қарор тонди ва амалга оширилмоқда. Жумладан, Ж. Локк фуқаролик жамияти – бу доимий бирламчи, давлат эса ундан келиб чиқувчиидир, деб таъкидлаб ўтган эди.

Либерализм мафкураси учун шахснинг эркин ривожланиши ва ўзини-үзи тасдиқлашғояси характерли бўлибгина қолмай, балки эркинликнинг бозор талқинини хусусий тадбиркорлик эркинлиги сифатида характерлаш ҳосдир. Бу мафкура эркинлик ва хусусий мулкнинг ўхшашлигига асосланади. Унда хусусий мулк инсон эркинлигининг кафолати ва ўлчови сифатида қаралади. Иқтисодий эркинликдан сиёсий ва фуқаролик эркинлиги келиб чиқади.

Иқтисодий назарияда либерализм тадбиркорлик, бозор ва рақобат эркинлигини тарғибот ва ташвиқот этади. Шу билан бирга, мазкур мафкуранинг тарафдорлари шахсни бозор тизимига амал қилишининг салбий оқибатларидан саклашни ҳукуматнинг вазифаси деб биладилар.

Мумтоз либерализмнинг ғоялари инглиз-саксон мамлакатларида, авнало, АҚШнинг сиёсий ва иқтисодий амалиётида ўзининг бир мунча тўлиқроқ ифодасини топди. АҚШда индивидуализм жамият тузилишининг бош тамойи-или сифатида қаралади. Мустақиллик ва ўзининг кучига таяниш, рақобат эркинлиги Америка турмуш тарзининг асосий ғоявий устунлариdir.

Мафкуранинг ҳар қандай кўриниши ўзгармасдан қола олмагани каби либерализм ҳам ўзгаришлардан четда қолмади. У ижтимоий-иқтисодий ўзга-ришларнинг тасъири остида XX асрнинг 30-йилларида **неолиберализмга** айланди. Бу янги мафкуравий оқимнинг пайдо бўлишини талқиқотилар АҚШ президенти Франклин Д. Рузвельтнинг “Янги йўл” сиёсати билан бοглайдилар.

АҚШ президенти либерализм мафкурасига асосланган сиёсатта бир қатор муҳим тузатишлар (аникроғи, ўзгартишлар) киритали. Бу тузатишлар давлатнинг иқтисодий ва социал ролини қайталан кўриб чиқиш билан боғлиқ эди. Неолиберализм тарафдорлари давлатнинг иқтисодий муносабатларни тартибга солиши, фаол ижтимоий сиёсатни олиб бориши зарурлигини тан оладилар. Улар ижтимоий адолатни ўрнатишни, монополиялар ҳокимиятини чеклашни, моддий бойликларни солиқ тизими ва давлатнинг ижтимоий дастурлари орқали жамиятнинг қуий қатламлари фойдасига қайта тақсимлашни ёқлаб чиқадилар. Неолибераллар сиёсий дастурининг негизини бошқарувчи ва бошқарилаётгандарнинг ўзаро келишуви, сиёсий жарабёнда омманинг иштирок этиши зарурлиги, сиёсий қарорларни қабул қилиш амалиётини демократлаштириш ташкил этади.

Либерализм Farb мамлакатлари демократиясининг асосидир. Бу мафкура байроғи остида АҚШда “оқилона давлат”, “яшил фарононлик давлати” каби моделлар яратилган. Бугунги кунда неолиберализм АҚШ Демократик партияси ва бошқа демократик мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг ғоявий-назарий негизи бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларидан яна бири **консерватизмдир**. Ушбу атама лотинча “консерваре” сўзидан келиб чиқкан бўлиб, у саклаш, кўриқлаш каби маъноларни беради.

Консерватизм XVIII асрда дунёвий ва черков феодаллари, келажак олдида ҳадиксираган турли ижтимоий қатламлар манфаатларининг ифодачиси, либерализмнинг қораловчиси, Худо томонидан ўрнатилган тартибларнинг бузуиласлиги ғоясининг илгари сурувчиси сифатида юзага келди. Унинг асосий қоила ва тамоиллари инглиз мутафаккир ва сиёсатдони Эдмунд Берк,

француз жамоат арбоблари Ж. де Местр ва Л. де Бональд томонидан асослаб берилди. Бу қоидаларнинг негизида табий равишда қарор топган нарсалар тартибининг бузилмаслиги, оила, миллат, дин, табакавий бўлинниш билан боғлиқ бўлган *анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш* гояси ётади. Ана шундан келиб чиқиб, консерваторлар ижтимоий тараққиётда янгиликларга нисбатан ворисликнинг устуворлигини ёқлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, сиёсий тамойилларни урф-одатларга, миллий анъаналарга, қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий институтларга мослаштириш лозим. Уларда зинапоя тарзидаги ижтимоий тузилишнинг юқоридан ўрнатилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ ва шунинг учун уни инсон томонидан ўзбошимчалик билан ўзгартириб бўлмайди. Бинобарин, тенглик тамоили инсон табиатига зид келади ва уни жамият тузилишининг негизига қўйиб бўлмайди.

Консерваторлар ҳар доим элитаризм билан боғлиқ бўлган “ҳаддан ташкири демократизм”га қарши чиқалилар.

Тарихий тараққиёт натижасида консерватизм ҳам, либерализм сингари, муҳим ўзгаришларга юз тутди. У буржуа муносабатлари қарор топиши билан йирик капитал манфаатларини химоя қилувчи гояга айланди. Консерваторлар ҳам, либералларга ўхшаб, бозор, рақобат эркинлиги таъминланишини, иқтисодиётта давлатнинг аралашишини чеклашни талаб қилдилар.

ХХ асрнинг 70-йилларида консерватизм тарихида янги фаза – *неоконсерватизм* (Д. Белл, З. Бжезински, Н. Кристолл, А. Хайек) бошланади. Бу янги оқимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар Буюк Британияда Маргарет Тэтчер бошчилигига Консерваторлар (1979 й.), АҚШда Рональд Рейган бошчилигига Республикачилар (1981 й.), ГФРда Гельмут Коль бошчилигига ХДС-ХСС блоки (1980 й.) ҳокимиятга келишлари билан боғлайдилар.

Неоконсерватизмнинг қарор топиши тасодифий эмас. У асосан неолиберализм ва социализмга қарши туриш мақсадида шаклланди. Неолиберализм давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашиши зарурлигини тан олди ва давлат ижтимоий ластурларининг ривожлантирилишини қўллаб-куватлади. Неоконсерватизм эса, аксинча, консерватизмнинг анъанавий ақидаларидан бир қалар чекинган ҳолда, давлатнинг иқтисодиётта аралашувини чеклашни талаб қилиб чиқди.

Антиэтатизм, давлатнинг ижтимоий вазифаларини чеклаш – неоконсерватизм гоявий-сиёсий кўреатмаларининг белгиловчи аломатидир. Неоконсерваторларнинг қарашларига кўра, “камроқ аралашадиган, камрок бошқарадиган ҳукумат энг яхши ҳукуматdir”.

Неоконсерваторлар аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига ресурсларни қайта тақсимлаш мақсадида йирик капиталга солинаётган соликларга қарши чиқадилар. Улар тенг тақсимлашнинг ашаддий душмани сифатида давлатнинг ижтимоий ластурларини қисқартиришини талаб қиласидилар. Уларнинг фикрича, ҳозирча давлат кишилар учун натижалар тентлигини эмас, балки имкониятлар тентлигини яратиб бериши зарур! “*Давлат соғин сигир эмас*”. Давлатнинг “соғиладиган сигир”га айланиши инсонни бузади, ишдан чиқарали; ҳар бир киши ўз фаолиятида давлатта эмас, балки ўзининг кучига ҳамда ўзининг яқинлари ва ҳамюрларига таяниши даркор.

Шундай қилиб, консерватизм мафкурасида оила, дин, ахлоқ, айрим ижтимоий гурухларнинг имтиёзли ўрни хақидаги эски даврнинг одат ва қадриялари янги, буржуа муносабатлари даврининг қадриятлари – индивидуализм, бозор эркинлиги каби ғоялар билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу мафкура либерализм билан қарама-қарши туриб, Фарб мамлакатларининг оммавий онгига катта таъсир ўтказади.

Замонамиз ҳәётида етарли даражада кенг кўламли таъсирга эга бўлган мафкуравий оқимлардан бири – *социал-демократиядир*. Бу мафкура асосан марказда турувчи кучларнинг сиёсий доктринаси ҳисобланади.

Социал-демократия оқими XIX-асрнинг охирида немис мутафаккир ва жамоат арбоблари К. Каутски ҳамда Э. Бернштейн томонидан асослаб берилди. Ушбу мафкурага биноан, янги жамиятга синфий кураш орқали, инқолобий йўл эмас, балки тинч, эволюцион йўл билан, буржуа жамиятини астасекин ислоҳ қилиш орқали ўтилади. Социал-демократлар бу кўрсатмаларни амалга оширишини давлатнинг жамият иқтисодий ҳәётига фаол аралашуви, даромадларнинг эҳтиёжманд кишилар фойдасига қайта тақсимланиши, шунингдек, иқтисодиётнинг давлат секторини ва кўплаб давлат ижтимоий дастурларини ривожлантириш сингари вазифалар билан боғлайдилар.

Социал-демократия – ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳамкорликка асосланувчи сиёсий йуналиши бўлиб, у жамиятда турли-туман гурухларнинг тинчтотув ва аҳил ҳәёт кечириши, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик тарафдори, ташқи сиёсатда эса бошқа мамлакатлар билан тенг ҳукуқли ҳамкорлик тарафдоридир.

Социал-демократия ижтимоий ва маданий муҳитни муҳофаза қилиш, инсоннинг маънавий эҳтиёжларини таъминлаш, мустақил ва эркин шахсни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий муносабатлар тизимини кўзда тутади. Социал-демократия меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган аҳоли учун тенг имкониятлар яратиш, аҳолининг эҳтиёжманд қисми учун меҳр-муруннат кўрсатиш, барча аҳоли учун эса – ижтимоий муҳофаза ва сифатли турмуш тарзини таъминлашни кўзда тутади.

Социал-демократия мафкурасининг асосий негизини *ижтимоий муҳофаза* ташкил этади. Ижтимоий муҳофазанинг бош мақсади инсонни турмуш ва бозор алғов-далғовларидан ҳимоя қилишидир. У меҳнатни муҳофаза қилишнинг самарали механизмларини жорий этишни кўзда тутади. Социал-демократияда инсоний меҳр-оқибат марказий ўрин тутади. У бугунги кундаги энг зарур қадриятлардан биридир. Ушбу мафкура дунё мамлакатлари, хусусан, Европа мамлакатлари тажрибасида синовдан муваффақиятли ўтган бўлиб, ҳозирги замонавий жамиятлар тараққиёти йўлида ўзининг ҳар томонлама самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Дунёда социал-демократик йўналишдаги 80 дан ортиқ сиёсий партия ва ҳаракатлар мавжуд бўлиб, улар 17 млн. га яқин одамни ўз сафларига бирлаштирган. Ушбу партия ва ҳаракатларнинг кўпчилиги Социалистик интернационал (Социнтерн)га бирлашганлар. Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда социал-демократлар ҳокимият тесасида эканлитини, хусусан, аксарият Европа мамлакатларида социал-демократларининг мавқеи жуда баланд эканлиги-

ни кўришимиз мумкин. Дунё тажрибаси ушбу мафкуранинг ҳаётийлигини ва прогрессив характерда эканлигини яққол тасдиқлайди.

Жаҳонда социал-демократия мафкураси негизида турли-туман “социализм моделлари” шаклланди. Булар ичида швед ва немис модели алоҳида аҳамиятга молик. Германия ва Швецияда социал-демократик партиялар бошқаруви даврида ҳаётнинг юқори сифатига эришилди.

Аммо 1970-йилларнинг охирига келиб, бу мамлакатлар иқтисодиётида давлат монополияси ва бюрократизм, хусусий тадбиркорлик учун рағбатлантиришнинг пасайиши билан боғлиқ бўлган негатив тенденциялар кучайди. Бундай тенденциялар ушбу мамлакатлардаги тараққиёт суръатларининг пасайишига олиб келди. Натижада, социал-демократлар кўпчилик сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланмади ва ҳокимиятни консерватив мафкура вакилларига топширишга мажбур бўлдилар. 90-йилларнинг охирига келиб, социал-демократлар сайловларда галаба қозониб, яна ҳокимиятни консерваторлардан қайтариб олдилар.

Шундай қилиб, социал-демократия ҳозирги замоннинг энг таъсири юқори мафкураларидан биридир. У ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш йўли билан жамиятни ривожлантиришни ва халқнинг фаровонлигига эришишини кўзда тутади.

Юқоридаги мафкуралар билан бирга, бошқа бир қатор мафкуралар ҳам борки, уларни амалиётта татбиқ этилиши жамият тараққиётида у ёки бу дарражада салбий роль ўйнаши мумкин. Бундай мафкуралар қаторига **национализм, коммунизм, анархизм, фашизм, диний фундаментализм** кабиларни киритишимиз мумикн.

5. Миллий мустақиллик ғояси: асосий тушунча ва тамоийлар.

Ҳозирги замон мафкуралари қаторида миллий мафкуралар муҳим ўрин эгаллайди. Улар келиб чиқишига, мазмун-моҳиятига кўра бошқа мафкуралардан фарқ қиласди.

Биринчидан, миллий мафкуралар дунё мустамлакачилик тизимининг емирилиши, ёш мустақил давлатларнинг ташкил топниши ва уларни қарамлик доирасидан чиқариш, ривожлантириш зарурияти билан майдонга чиқади. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидан Фарбий Европа миллий ҳаётнинг уйғонишини ва миллий мафкураларнинг туркираб ривожланишини ўз бошидан кечирган эди. Ҳозирги кунга келиб, бу тенденциялар собиқ СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ўрнида ташкил топган республикаларда юз бермоқда.

Иккинчидан, миллий мафкуралар фақат айрим ижтимоий, ирқий, этник гурӯҳнинг манфаатларинигина эмас, балки мустақиллик учун, миллий ҳаётни ривожлантириш учун кураш олиб бораётган халқларнинг дунёда тутган ўринини, турмуш тарзини, орзу-умидларини, интилишларини, манфаатларини акс эттиради.

Учинчидан, миллий мафкуралар у ёки бу халқлар қарамлигининг объектив негизларини, уларни бартараф этиш ва хақиқий мустақилликка эришиш йўлларини очиб беради.

Тўргинчидан, миллий мафкуралар ёш, мустақил давлатлар халқлари-

нинг ўзлигини англашларига, уларнинг қарамлик доирасидан чиқишлари, чинакамига эркин бўлишларига, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринини топширига ёрдам беради.

Албатта, миллий мафкураларнинг барчаси бир хил эмас. Уларнинг ичидаги ёки бу халқ учун алоҳида шароит яратишга даъво қиладиган мафкуралар ҳам учраб туради.

Бироқ миллий мафкураларнинг аксарияти халқларниң хақиқий орзу-умидлари ва интилишларини акс эттиради. Улар ёш давлатлар халқларига қарамлик асоратларини бартараф этиш ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб, ғоявий байроқ бўлиб хизмат қиласди.

Миллий истиқбол ва миллий мафкура Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу ғоя ва мафкура Ўзбекистонда ҳам ўзининг муносиб ўринини топмоқда.

Мустақиллик йиллари давомида тўплланган давлат ва жамият қурилиши тажрибаси, жаҳон жамоатчилиги томонидан «ўзбек модели» сифатида тан олинган ўзига хос ривожланиш йўли, келажаги буюк давлатни яратиш мақсадида амалга оширилаётган барча тарихий ислоҳотлар ўзбекистонликларнинг онги ва қалбига катта таъсир кўрсатмоқда.

Халқнинг асрий анъаналари ва умуминсоний қадриятларига таиниб шаклланиб келаётган миллий мустақиллик мафкураси давлат ва жамият олдида турган олий мақсадлар ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттириши лозим. Бу бизнинг ҳар бир ватандошимиз қандай жамият, қандай даилят қураётганимизни, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий салоҳияти нимадан иборат эканлигини яққол тасаввур қила олиши учун зарурдир.

Ушбу масалалар И. А. Каримов асрларида, хусусан, унинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобида чуқур илмий асосда ҳар томонлама ёритиб берилган.

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсадларини ифода этувчи, унинг ўтмишини ва келажагини боғловчи, асрий орзу-умид ва интилишларини акс эттирунчи ғоялар тизимиdir.

Миллий мустақиллик мафкураси қўйидагиларга асосланиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига;

- халқнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавиятини, унинг анъана ва урф-одатларини, улуғ аждодларимизнинг ўлмас меросини ўзига синглириш;

- эзгулик, адолат, озодлик ва мустақиллик ғояларини, халқнинг эътиқод ва ишончини ифода этиши;

- Ватаннинг гуллаб-яшинаши, юртимизда тинчликни таъминлашти, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилиш;

- жамиятнинг барча аъзолари, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагига эришиш учун сафарбар қилиш;

- миллий, диний мансублиги, тилидан қатъий назар, ҳар бир фуқарода фахр-ифтихор, қадр-қиммат, Ватанга муҳаббат ҳис-туйғуларини, ўзаро хурмат, мустақиллик ва демократия ғояларига содикликни тарбиялаш;

• фикрлар хилма-хиллиги ва виждан эркинлигига суюнган ҳолда мәтирифат йўли билан ижтимоий онгни шакллантириш.

Миллий мафкура хақида сўз кетганда шуни ёдда тутиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда плюрализмни, дунёқараш ва фикрлар эркинлигини тўлиқ таъминлайди. Асосий қонуннинг 12-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида белгилаб қўйилиши мумкин эмас».¹

Бу шуни англатади, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган партиялар, ҳаракатлар ва ижтимоий-сиёсий гурӯҳларнинг дастурий ғояларидан биронтаси ҳам ҳукмрон давлат мафкураси бўла олмайди.

Миллий мустақиллик мафкураси ижтимоий феномен, умумий ҳодиса ўлароқ, турли сиёсий партиялар ва ижтимоий гурӯҳларнинг мафкураларига нисбатан лидер мафкура бўлиб қолади. Унда ҳеч қандай ғоя мутлақлаштирилмайди ва у мавжуд ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадига хизмат қилувчи куролга айланмайди.

Миллий мустақиллик мафкураси Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қиласи, бутун ҳалқининг барча сиёсий партиялар, гурӯҳлар, ҳаракатларнинг манфаатларини ифода этади. Улар қуидагилардир:

- мамлакатнинг мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, чегараларининг дахлисизлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш;
- Ватанимизда тинчликни таъминлаш, давлатни ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва экологик таҳдидлардан ҳимоя қилиш;
- мамлакатда фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни, ижтимоий барқарорлик мұхитини қарор тоғтириш;
- ҳар бир ойланинг на бутун ҳалқининг фаровон ҳаёт кечиришига эришиш;
- жамиятда адолат ғоясини, демократия ва ўзини ўзи бошқариш тамойилларини рўёбга чиқариш.

Мустақиллик мафкураси тўла маънода миллий мафкура бўлиши учун қуидаги таалабларга жавоб бериши керак:

- ўзида одамларнинг онгига ижобий таъсир кўрсатувчи фикрлар ва ҳисстүйгуларни мужассам этиши, гуманистик идеалларни ўз ичига олиши;
- ҳалқ ва жамиятни бирлаштирувчи кучнинг, эътиқод ва ишончнинг манбаи бўлиши;
- илгор ғояларни ўзига сингдириб олиши, гайриинсоний қарашларни рад этиши;
- ўз мақсадларига эришиш учун курол сифатида замонавий, мафкуравий воситаlardан Ер юзида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиши.

Фақат ана шу таалабларга жавоб бергандагина миллий мустақиллик мафкураси қуидаги асосий вазифаларни ҳал эта олади:

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2003.

- ёт foяларга берилмайдиган мустақил дунёқараши, барқарор ижтимоий онгни шакллантириш, ижодий фикрловчи шахсни тарбиялаш;
- кишиларнинг, хусусан, ёшларнинг озодлик ва тараққиёт илсашиларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, чинакам гуманистик эътиқоднинг мустаҳкамланишига хизмат қўйувчи юксак ахлоқийлик мұхитини яратиш;
- ватандошларимизнинг ўзлигини англаши, ватанпарварлик эътиқодини ўстиришга, тарихий хотирасини мустаҳкамлашга, муқаддас қадриятларни асраб-авайлашга хизмат қилиш;
- ҳалқимизга хос бўлган ҳалоллик, виждонийлик, сахиийлик, камтарлик ва бошқа ахлоқий фазилатларни ривожлантириш;
- кўп миллатли ҳалқ онгидаги «Ўзбекистон – бизнинг Ватанимиз» деган ишонч-эътиқодни мустаҳкамлаш.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши ижтимоий муносабатларнинг ўғуналашувига хизмат қиласи, даврнинг ўсиб бораётган даъватлари ва талабларига жавоб беришга қодир бўлган янги типдаги шахснинг шакллананишини таъминлади.

Миллий мустақиллик мафкураси мамлакатимиз суверен ривожланишининг, жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олишининг қонуний натижаси сифатида шаклланади. Ҳалқнинг истак-иродасини ифода этувчи, миллий мафкура унинг маънавий бунёдкорликнинг мураккаб йўлида эришилган йирик ютугидир.

Ҳозирги даврдаги энг катта хавф: инсонларнинг қалби ва онгини эгалаш йўлида узлуксиз давом этётган мафкуравий кураш жараён дир. Шунинг учун ҳам, Президент И. Каримов “Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қиласи. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак,”— леб қайта-қайта таъкидламоқда.

Сиёсий онгли, замонавий, қатъий, енгилмас бўлиш масалалари ниҳоятда долзарб бўлиб турганлигининг яна бир сабаби шундаки, геосиёсат нуқтаи назаридан, илгари кучли давлатлар заиф мамлакатларни очиқлан-очиқ босиб олиб, уларга ўз ҳукмини ўтказган бўлса, XX асрнинг охиридан бошлиб бундай сиёсат янги бир шакл касб этмоқда. Ҳозирги пайтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун биринчи бўлиб забт этмоқчи бўлган, ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга ингилади. Бу жуда мураккаб вазият. Ҳар бир давлат, унинг социал турухлари буни тушуниб, англаб этиши зарур.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ҳалқи озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этаётган ҳозирги даврда мамлакатимизнинг пировард мақсадларини ўзида ифодалайдиган ҳалқимизнинг эзгу мақсадлари йўлида бирлаштирадиган сиёсий онг шаклланishi мұхим аҳамият касб этиши. Сиёсий онгни шакллантиришда миллий мафкуранинг ўрни ҳам бекиесс.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА СИЁСИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВ

Река:

1. «Сиёсий маданият» тушунчаси ва уни ўрганишга бўлган асосий ёндашувлар.

2. Сиёсий маданият функциялари, даражалари, моделлари ва турлари.

3. Сиёсий ижтимоийлашувнинг моҳияти ва вазифалари.

4. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва сиёсий ижтимоийлашувнинг хусусиятлари.

1. Сиёсий маданият» тушунчаси ва уни ўрганишга бўлган асосий ёндашувлар.

Бугунги кунда сиёсий маданият муаммолари назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам долзарб бўлиб, улар сиёсий суҳбатлар, баҳслар, мулоҳазалар ва тадқиқотларнинг зинг кўп тарқалган мавзусидир. Сиёсий маданиятни тубдан такомиллаштириш зарурати жамият ҳаётида юз берадиган ўзгаришлар туфайли объектив равишда амалга оширилмоқда. Зоро, «бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгига маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди».

Бундай шароитларда шахснинг мустақил фикрлай олиши, ижтимоий-сиёсий фаолиятда ижодий иштирок этиши, мураккаб сиёсий вазиятларда йўл топа билиши, тўғри қарорлар қабул қилиши сингари сифатларининг ижтимоий ҳамияти кескин ортади.

«Сиёсий маданият» атамаси XVIII аср немис файласуфи ва маърифатпарвари *Ноганн Гердер* томонидан илмий муомалага киритилган. Бироқ сиёсий маданият феноменининг ўзи Платон, Аристотель ва антик даврнинг бошқа мутафаккирлари томонидан аллақачон ўрганилган ва ташкил этилган эди.

Сиёсатшунослик атамалари тизимида «сиёсий маданият» тушунчасини XX асрнинг 60-йиллари бошида америкалик сиёсатшунослар *Г. Альмонд ва С. Верба* олиб кирдилар. Улар сиёсий маданиятнинг ўзгариб борувчи (динамик) ҳодиса эканлигини таъкидладилар ва уни сиёсий тизим аъзолари ташкиҳатти-ҳаракатларининг уларнинг билиши, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари орқали аста-секин ўзгариши ва сиёсий тизимнинг ички ҳатти-ҳаракатларига айланиси сифатида қарадилар. Сиёсий маданиятни ўрганишга қизиқиш уйғотган сабаб XX асрнинг 60-йилларида Африка мамлакатларида мустамла-качилик тизимининг ҳалокатга учраши ва мустақил сиёсий ижод майдонига ўзларининг анъаналари, маданияти ва даяватчилик асосларига кўра Европа

мамлакатларидан фарқ қилувчи ҳалқларнинг чиқиши билан ажратиб турувчи воқеалар эди. Сиёсий маданият масалаларига қизиқиш ҳаётнинг ўзидан келиб чиқди, дунёда юз берәётган сиёсий жараёнлар катта турткы берди.

Мамлакатимизда сиёсий маданият муаммоларига бўлған қизиқиш XX асрнинг 80-йиллари ўртасида собиқ СССРда юз берган воқеалар муносабати билан уйғонди. 90-йилларнинг бошларидан эса бу қизиқишни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Сиёсий маданиятнинг ўзи нима?

Америкалик сиёсатшунослар *Г. Альмонд ва Ж. Паузел* уни мавжуд тизим иштироқчиларининг индивидуал қоидалари ва мезонларининг йиғиндиси, сиёсий хатти-ҳаракатлар асосида ётвучи ва уларга маънно берувчи субъекттив соҳа сифатида таърифлайдилар. Ушбу таърифда асосий эътибор сиёсий маданиятнинг субъекттив жиҳатига қаратилган бўлиб, бунда унинг объективлиги ҳисобга олинмаган.

Польшалик сиёсатшунос *Е. Витяр* сиёсий маданият – бу ҳокимият билан фуқаролар ўртасидаги хатти-ҳаракатларнинг йиғиндиси, деб ҳисоблайди. Унинг қараши ҳам амалда американлик сиёсатшунослар таърифларининг айнан ўзидир. Россия сиёсатшунослигида сиёсий маданият – умумий инсоний маданиятнинг бир тури, сиёсий муносабатлар барча субъектларининг атрибути, деган фикр қарор топмоқла.

Тегишли тадқиқотларнинг таҳлили «сиёсий маданият» тушунчасининг энг кўп учрайдиган куйидаги *талқинларини* ажратиб кўрсатишга имкон беради:

- шахснинг ва ижтимоий бирликнинг ўзила сиёсий маълумотлиликтини, сиёсий онг на ижтимоий-сиёсий фаолиятни бирлаштирган маданият;
- жамият маънавий маданиятининг, унинг ижтимоий-сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ унсурларини ўз ичига олган қисми;
- муайян ижтимоий бирлик ёки муайян шахсга хос бўлган сиёсий онг ва хулқ-атвор стереотипларининг йиғиндиси;
- тарихан белгилангандан сиёсий муносабатлар тизимила ижтимоий субъектнинг сиёсий билимлари, қадрият мезонлари, хулқ-атвор намуналарининг рўёбга чиқиши.

Сиёсий маданиятнинг ушбу барча талқинларини жамлаган ҳолда куйидаги умумий таърифни бериш мумкин бўлади: *Сиёсий маданият* – субъектнинг давлат билан ўзаро таъсирини ва унинг сиёсий фаолиятга кириб боришини амалга оширишла восита бўлиб хизмат қилувчи сиёсий билимлар, қадрият мезонлари, хулқ-атвор моделларининг йиғиндисидан иборат. Сиёсий маданият жамият ва шахснинг цивилизациялашганигининг ўёки бу даражасини, уларнинг сиёсий хулқ-атвор ҳамда хатти-ҳаракатларининг қондайдир қоидаларини қабул қилиш қобилиятини акс эттиради.

Сиёсий маданият инсон ва сиёсий ҳокимият ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик канали бўлиб хизмат қиласи. Унинг асосий вазифаси кишиларни сиёсий фаолиятга ва, умуман, сиёсий тизимга жалб қилишидир.

Юқорида келтирилган таърифлардан маълум бўладики, *сиёсий маданиятнинг асосий хусусиятлари* куйидагилардир:

- ҳокимият билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларда муайян

меъёрлар, хулқ-атвор тарзлари, қадриятларни олдиндан белгилаб беришни ўз ичига олади. Уларнинг бир қисми қонунчилик билан расмийлаштирилган бўлса, бошқа қисми эса – жамиятда анъаналар, урф-одат ва маросимлар шаклида қарор топади;

- сиёсий соҳанинг бир-бутулигини таъминлаш. Бу сиёсий маданиятга хос бўлган хулқ-атвор қоидалари орқали амалга оширилади. Айнан ага шулар жамиятнинг сиёсий институтлари ва ташкилотларининг бирлиги ҳамда ўзаро ҳамкорлигига хизмат қиласи; сиёсий методлар ёрдамида жамиятнинг умуман ҳаёт-фаолиятини мувофиқлаштиришга имкон беради. Турли ижтимоий гурухларнинг манбаатлари, давлат ва унинг фуқаролари манбаатлари нинг бирга қўшилишидан иборат.

Сиёсий маданият ўзига хос тузилмага эга. Унда билиш, ахлоқий баҳо бериш ва хулқ-атвор унсурлари ажратиб кўрсатилади.

Билиш унсури сиёсий билимлар, сиёсий маълумотлилик ва сиёсий тафкур усулларини ўз ичига олади. Фуқароларнинг қуйидагиларни тегишли тарзда билишлари ва англаб етишлари сиёсий маданиятнинг билиш унсури билан чамбарчас боғлиқлигидир: шахсий, жамоавий, давлат, ижтимоий, минтақавий, глобал манбаатларни; конституцияни ва мамлакатнинг бошқа қонунларини; йирик сиёсий партиялар ва бошқа ижтимоий-сиёсий кучларнинг дастурий қоидаларини; мамлакатда таркиб топган сиёсий муносабатларни; юз бераётган сиёсий воқеа ва ҳодисаларни; давлат, партия ва ижтимоий-сиёсий органлар ҳамда ташкилотларнинг моҳияти, функциялари ва тузилмасини; асосий сиёсий меъёрлар ва тадбирларни; фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокининг асосий шакл ва усулларини; ҳалқаро ҳаётдаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари ни ўрганади.

Ахлоқий баҳолаш унсури сиёсий ҳис-туйғулар, анъаналар, қадриятлар, идеаллар, ғоялар ва аниқ-равшан мақсадлардан иборат.

Хулқ-атвор унсури ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг сиёсий қоидалари, типлари, шакллари, услублари ва намуналарини ҳамда сиёсий хулқ-атворни ўз ичига олади. Фуқароларнинг референдум давомида давлат ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилишда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг субъектларини сайлашда, турли давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг ишларида, сиёсий кампаниялар ва тадбирларда, сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолиятларида онгли равишда иштирок этишлари сиёсий маданиятнинг хулқ-атвор унсури билан боғлиқ.

Ушбу унсурлар ижобий хусусиятга ҳам, салбий хусусиятга ҳам эга бўлиши мумкин. Айнан мана шу маънода улар бутун сиёсий тизимнинг ҳолатига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади ва бу ҳол сиёсий маданиятни сиёсий тизимнинг таркибий қисми деб айтишга имкон беради. Сиёсий маданиятнинг сиёсий тизимни такомиллаштиришдаги ўринни қуйидаги тезисларда ифодалаш мумкин: а) узоқ давом этувчи тарихий даврларда сиёсий маданият сиёсий тизимни янгилайди, замонавийлаштиради; б) муайян жамиятда амалда фаолият кўрсатаётган сиёсий тизим ўзила унинг сиёсий маданияти тарихини

акс эттиради. Сиёсий маданият гарчи сиёсий тизимнинг асоси бўлса-да, ўз фаолиятида нисбатан мустақилдир.

2. Сиёсий маданият функциялари, даражалари, моделлари ва турлари.

Сиёсий ҳётда сиёсий маданиятга муайян функциялар хос бўлади. Уларнинг энг муҳимларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- инсон ўзининг гурухий мансублигини англаб етишига ва мазкур бирликнинг манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилишда иштирок этишнинг ўзига мақбул усусларини белгилашга бўлган доимий эҳтиёжини очиб берувчи **идентификация функцияси**;

- инсоннинг сиёсий ҳодисалар маъносини инъикос эттиришига, муайян сиёсий тизимда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишида ўз имкониятларини англаб етишга интилишини тавсифловчи **йўналитиши функцияси**;

- инсоннинг ўзгариб турувчи сиёсий муҳитга, унинг ҳуқуқлари ва ҳоқимият ваколатларини амалга оширишнинг шарт-шароитларига мослашишга бўлган эҳтиёжини **мослаштириш (адаптация) функцияси**;

- инсоннинг фуқаролик ҳуқуқларини, сиёсий функциялари ва манфаатларини у ёки бу даражада рёбга чиқариш имконини берувчи муайян кўнимка ва хусусиятларни касб этиши билан тавсифланувччи **ижтимоийлаштириш функцияси**;

- турли гуруҳларнинг муайян сиёсий тизим доирасида бирга яшашларини, давлатнинг яхлитлигини ва унинг давлат билан ўзаро алоқаларининг сақланишини таъминловчи **интеграция (дезинтеграция) функцияси**;

- умум томонидан қабул қилинган атамалар, рамзлар, стереотиплар, ахборотнинг бошқа шакллари ҳамда муомала тилига асосланган ҳолда ҳоқимиятнинг барча субъектлари ва институтларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи **коммуникация функцияси**.

Турли тарихий шароитларда, хусусан, сиёсий жараёнларнинг бекарорлиги даврида сиёсий маданиятнинг айрим функцияларининг сўниши ва ҳатто ўз таъсирини йўқотиши мумкин. Сиёсий маданиятнинг табиати, мазмуни ва ўзига хослигига мамлакатнинг минтақавий ва тарихий хусусиятлари катта таъсир кўрсатади.

Сиёсий маданият – кўп погонали ҳодиса. Сиёсий маданиятнинг турли ижтимоий ва сиёсий жараёнлар билан алоқалари хилма-хиллиги, унинг ташкил этилиши ва тузилишининг мураккаблигини тақозо этади.

Сиёсий маданият даражаси кўп жиҳатдан умумий маданиятнинг аҳволи ва хусусиятига боғлиқ бўлади. Бу жиҳатдан ҳалқнинг анъаналари катта аҳамият касб этади.

Хозирги сиёсатшунослик фанида сиёсий маданиятнинг учта асосий даражаси ажратиб кўрсатилиди: дунёқараш, фуқаролик ва сиёsat. Мазкур даражаларнинг ҳар бирида инсонда анча қарама-қарши тасаввурлар ҳосил бўлиши мумкин.

Дунёқараш даражаси асосий ҳисобланади. Бу погонада инсоннинг сиёсат дунёсида ўз-ўзини белгилаши, сиёсий ҳулқ-атворнинг у ёки бу йўналишларини, меъёрларини танлаши юз беради. Ушбу танлаш унинг ҳаётий пози-

циялари, индивидуал ёки жамоавий қадриятларни афзал кўриш, Фарб ёки Шарқ цивилизацияси меъсрларини тан олиш, диний ёки материалистик дунёқараши, мафкурага, зўравонликка муносабати ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда кечади.

Фуқаролик даражаси сиёсий маданиятнинг ўзаги шаклланади. Ушбу даража одамларнинг ҳокимиятга ҳукмронлик ва мажбурлашнинг оммавий маркази сифатидаги муносабатини тавсифлайди. Инсон сиёсат олами билан тўқнашар ёки унга кириб борар экан, муқаррар равишда ўзининг ҳокимиятта, унинг имкониятлари ва ваколатларига бўлган муносабатини шакллантиради. Ҳокимиятни қабул қилиш асосида эса инсон ўзининг фуқаролик ҳукуқлари ва мажбуриятлари борасидаги мавқеини аниқлаштириб олади.

Фуқаронинг ҳокимиятга бўйсуниши адолатли эканлиги ёки фуқаро ҳукуқининг ҳокимиятга нисбатан устунлиги ҳақидаги ишонч айнан фуқаролик даражасида шаклланади. Кўпчилик кишилар учун ана шундай ички ишонч уларнинг партиявий интилишларига қараганда кўпроқ аҳамият касб этади.

Сиёсий даражада давлат ва давлатлараро алоқалардан тортиб то ўзини сиёсат субъекти сифатида қабул қилишгача бўлган соғ сиёсий ҳодисаларга оид қадриятли муносабатлар шаклланади. Инсон ва сиёсат ўртасидаги ўзаро муносабатлар узил-кесил ойдинлашади. Сиёсатнинг инсон ҳаётидаги роли белгиланади.

Мана шу даражага етгандан сўнг, кишилар жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлайдилар ёки сиёсатдан онгли равища четлашадилар. Бунда одамларнинг муайян қисми «кузатувчилар» позициясини ҳам эгаллайди. Улар қаҷондир ва кимдир уларнинг муаммоларини ҳал этиб беришига умид bogланни афзал кўрадилар.

Сиёсий маданиятнинг моҳияти ҳақидаги масалани кўриб чиқар эканмиз, унинг қуйидаги асосий моделларига тўхталиш жоиз.

Сиёсий маданиятнинг **томалитар-авторитар модели** фуқаронинг жамоавий сифатларининг унинг индивидуал сифатларидан устунлиги билан ажralиб туради. Бу модель учун қуйидаги хусусиятлар хос:

- жамиятнинг сиёсий онги ва қадриятлари давлат томонидан марказлаштирилган ҳолда шакллантирилади. Шунга мувофиқ равища давлат манфаатлари айрим кишилар ва ижтимоий турӯҳларнинг манфаатларидан мухимроқдир. Асосий қадриятлар жумласига «тартиб», «хайриҳоҳлик», «сиёсий ишонч», «давлат сиёсатини кўллаб-қувватлаш», «ягона мафкура», «сиёсий бирдамлик» каби тушунчалар киради;

- жамиятнинг сиёсий ахборот олиши чекланган бўлиб, ҳокимият томонидан бир канал орқали, монополия тарзида бошқарилади. Сиёсий цензурандан фаол фойдаланилади;

- сиёсий тил стандартлаштирилган ва камбағал. Унга кескинлик, аксарият ҳолларда эса – чекланганлик ва қолинга солинганлик хос;

- жамиятнинг сиёсий маданияти юқоридан туриб муқобил ҳолда шакллантирилади;

- жамият катта қисмининг сиёсий маданияти юқори эмас. Сиёсий-маданий тараққиётнинг ўсиб бориши суст.

Сиёсий маданиятнинг *тоталитар-авторитар модели* ўз-ўзини ташқи дунёдан ажратиб қўйиш ва сиёсий-маданий маконнинг биқиқлиги билан ажралиб туради. Ушбу макон чегарасида зўравонлик хусусан, тўғридан-тўри зўравонлик, ҳукмронлик қиласи.

Ташқи муҳит билан алоқага киришганда мазкур модел қабул қўзинган ва бафрикенглик даражасининг пастлиги ҳамда тажовузкорлик элементларига эга бўлган шафқатсизлиги билан ажралиб туради.

Шу билан бирга, мазкур моделнинг ичидаги унинг тоталитар ва авторитар соҳалари мутаносиб эмас. Унда ётоталитар, ва ёки авторитар тамойиллар устунлик қиласи. Биринчи ҳолатда юқорида айтиб ўтилган хусусиятларнинг ҳаммаси мавжуд бўлали. Иккинчи ҳолатда – тегишли жамиятнинг сиёсий маданиятида айрим либерал-демократик унсурлар мавжуд бўлиши мумкин.

Сиёсий маданиятнинг *либерал-демократик модели* фуқаронинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилганлиги, жамият ҳаётий фаолияти фақат ҳуқуқий бошқариш орқали тартибга солинини билан ажралиб туради.

Бу моделнинг қўйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- жамиятнинг сиёсий онги ва қадриятлари марказлашмаган (кўп каналлар) ҳолда хилма-хил манбалар асосида шакллантирилади. Унга мувофиқ, давлат манбаатларининг устуворлик даражаси уларнинг жамият ва унинг ижтимоий таруҳлари ҳамда фуқаролари манбаатларига қай тарзда мос келиши билан боғлиқ. Асосий қадриятлар сирасига инсон ҳуқуқлари, эркинлиги; мафкурада, сиёсатда, иқтисодиётда фикрлар хилма-хиллиги, демократия, ҳуқуқий тартибот, хусусий мулк ва шахсий ҳаётнинг дахлисизлиги, ижтимоий фикрнинг устуворлиги ва бошқа тушунчалар киради;

- жамиятнинг сиёсий ахборот билан таъминланиши кўп каналлар орқали ва муқобиллик асосида амалга оширилади. Тўғридан-тўғри сиёсий цензура жуда оз даражада ва асосан, радикал экстремистик мазмунидаги ахборотга нисбатан қўлланилиди;

- сиёсий тил бой ва стандартлашмаган, узлуксиз такомиллаштирилиб ва бойигиб борилади;

- сиёсий хулқ-атвор хилма-хиллар;

- жамиятнинг сиёсий маданияти анча юқори даражада. Унга техника тараққиёти билан мустаҳкамлаб борилувчи сиёсий-маданий тараққиёт хос.

Бу айтиб ўтилган ҳолатларнинг барчаси бир бўлиб жамият сиёсий ҳаётининг фаоллигини ва юксак динамикасини таъминлайди. Бунда сиёсий барқарорлик жадал сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш орқали сақлаб турилади.

Мазкур модел ташқи сиёсий-маданий маконга нисбатан «очиқлиги» билан ажралиб туради. Бу модел ўз таъсир доирасини кенгайтира олиш қобилиятига эга.

Бир қатор вазиятлар юзага келганида (ташқи хавф, сиёсий танглик ва ҳоказо) либерал-демократик модел чегарасида авторитаризм унсурлари жамиятнинг ҳаётий фаолиятига давлат аралашувининг кенгайиши, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши, цензуранинг кучайтирилиши ва бошқа шаклларда найдо бўлиши мумкин.

Сиёсий маданият, даражалар ва моделлар билан бир қаторда, турларга ҳам ажратиласди. Сиёсий маданиятнинг мазмуни кўп жиҳатдан тарихий ривожланишга боғлиқ бўлади ва сиёсий ўзгаришлар давомида ўзгариб боради. Сиёсий маданият турлари та什қи сиёсий-маданий муҳит билан ўзаро таъсир хусусиятларига, бошқа сиёсий-маданий тузилмалар билан алоқа боглашдаги ўзига хосликлар ҳамда ўзининг ички мазмунига кўра фарқланади.

Сиёсий маданиятларнинг таҳлили ва уларни қиёслаш учун кўпинча америкалик олимлар Г. Альмонд ва С. Верба томонидан 1964 йилда таклиф этилган типологиядан фойдаланилади. Улар сиёсий маданиятнинг учта идеал «соф» турини ажратиб кўрсатганлар: патриархал, тобелик, фаоллик.

Патриархал сиёсий маданият маҳаллий қадриятларга (қабила, уруғаймоқ қадриятларига) йўналтирилганлиги билан ажralиб туради ва маҳаллий ватанпарварлик, ойтайвийлик, коррупция шаклида намоён бўлиши мумкин. Индивид глобал маданиятни кам қабул қиласди, муайян сиёсий розларни (масалан, сайловчи ролини) бажармайди. Маданиятнинг бундай тури сиёсий маданият маҳаллий субмаданиятларнинг қатлами сифатида намоён бўлган давлатлар учун хосдир.

Тобелик сиёсий маданияти индивиднинг сиёсий тизимга пассив ва четлашган муносабатини тақозо этади. У гарчи сиёсий жиҳатдан онгли бўлса-да, анъанааларга қараб иш қиласди. Ҳокимиётга бўйсунар экан, индивид ундан турли неъматлар ва инъом-эҳсонлар (ижтимоий нафақалар, кафолатлар ва ҳоказо) кугади ҳамда унинг ўз ҳукмини ўтказишидан хавфсирайди.

Тобелик типидаги сиёсий маданиятнинг афзаллиги шундан иборатки, у улкан оммани сафарбар қила олади, уларнинг куч-ғайратларини ижтимоий зарур (ёки ўйлаб топилган) ислоҳотларга йўналтиради.

Фаоллик сиёсий маданияти фаоллик жалб этилганлик ва рационаллик хусусиятлари билан ажralиб туради. Фуқаролар сиёсий маланиятга фаол таъсир ўтказишига, унинг фаолиятини қонуний воситалар (сайловлар, намойишлар ва бошқалар) ёрдамила йўналтиришга интиладилар. Мазкур турнинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда шахс ва давлат манфаатларининг автономияси ҳақилаги тасаввурлар мавжуд бўлади.

Сиёсий маданият турларининг ўрин алмашуви бир лаҳзада юз бермайди, бунинг учун узоқ вақт, ўзига хос ўтиш даври лозим бўлади.

Ўтиш даври сиёсий маданиятига хос хусусиятлар сиёсий йўналишларнинг хилма-хиллиги, сиёсий қарашларнинг тез ўзгариши, экстремизмнинг аланига олиши, сиёсий таъсир кўрсатишнинг иш ташшаллар, очлик эълон қилиши, митинглар ва намойишлар ўтказиш каби воситаларидан, ҳокимиётга куч билан ёки руҳий тазиик ўтказишининг бошқа шаклларидан фойдаланишдан ибораттир. Ўз навбатида, мазкур даврда ҳокимиёт ҳам сиёсий воситалар билан керакли натижаларга эришиш мумкин бўлгани ҳолда, хукуқий ва маъмурий чораларни қўллаш ўйлидан боради. Бунинг яққол даилии 1996 йилда Беларусдаги сиёсий тангликтининг бартараф этилишидир.

Сиёсий маданиятнинг санаб ўтилган шакллари унинг «соф» тоифасига, яъни етарли даражала ёрқин ифодаланган шаклига мансуб. Бироқ сиёсий йўналтирилганликнинг «соф» турлари идеал кўрининиша амалда учрамайди, улар

бир-бирини сиқиб чиқармаган ҳолда мавжуд бўлалилар. Масалан, Буюк Британиянинг сиёсий маданиятига монархия институти билан мужассам этилувчи тобелик билан сиёсий ҳётда иштирок этишига йўналтирилганликнинг ўзига хос тарзда кўшилиб кетиши хосдир.

Айни пайтда сиёсий маданиятнинг «ёпиқ» ва «очиқ» сингари турлари ҳам мавжуд.

Сиёсий маданиятнинг «ёпиқ тури» ўзининг сиёсий биқиқчиги билан ажralиб туради. Ўз сиёсий қадриятлари ва меъёрларига йўналтирилган мазкур тур сиёсий-маданий автономия режимида ривожланади. Ўзининг ётник, диний, тарихий, ижтимоий анъанааларига содиқ ва уларга қатъий амал қиласди. Сиёсий меъёрлар ва мезонларнинг бошқа тизимларини қабул қилмайди. Мазкур турга фуқаролар сиёсий интилиштарининг чекланиши ва бошқарид турилиши хосдир. Мағкуравний (сиёсий-диний) радикализмга ва тўғрилган-тўғри зўравонликка мойил. Бу тур сиёсий маданиятнинг тоталитар-авторитар моделига яқин туради.

«**Очиқ тур**» ўзга маданиятлар тажрибасини қабул қиласди. Ўзгариб турувчи воқеаликка мувофиқ тарзда ўзгартиришлар киритилиб турувчи бой сиёсий анъанааларга эга. Доимий ўз-ўзини ислоҳ қилиш режимида ривожланади. Сиёсий маданиятнинг либерал-демократик моделига яқин туради.

Реал сиёсий ҳётда турли сиёсий-маданий турлар ўзаро фаолиятта киришади ва бир-бирига ўзаро таъсир ўtkазади. Бунинг натижасида сиёсий маданиятнинг «аралаш» турлари ҳосил бўлали. Улардан айримларини тансифлаб ўтамиш.

«Фуқаро маданияти». Мазкур тур буржуа-демократик сиёсий тизимлар учун кўпроқ хосдир. У сиёсий барқарорликнинг бошқа турларига хос унсурларни ўзида энг самарали тарзда бирга қўшади, тегишли сиёсий режимларнинг конструктив фаолият кўрсатишига хизмат қиласди.

Фрагментар сиёсий маданият. Мазкур турда жамиятнинг бўлинниб кетганилиги, уни ташкил этувчи ижтимоий гуруҳларнинг кучли қутблашганилиги акс этади. Ушбу тур ўзининг радикализми, сиёсий тажовузкорлиги ва муросасизлиги билан ажralиб туриши мумкин. Фрагментар сиёсий маданиятта харакматиклик, яъни сиёсий бирлашмалар ва уларнинг ластурларига эмас, балки жамиятнинг кўзига фавқулодда истеъод ва фазилатларга эга бўлиб кўринган муайян сиёсатчиларга (ижтимоий гуруҳлар, айрим фуқароларга) йўналтирилганлик хосдир.

Сиёсий маданиятнинг интеграциялашган тури сиёсий режимнинг асосий масалалари бўйича анча юксак ижтимоий-сиёсий ҳамжиҳатликнинг мавжуд бўлиши, сиёсий зўравонлик даражасининг пастилиги ва сиёсий ҳётнинг хилма-хиллиги билан ажralиб туради.

Сиёсий маданият турлари билан бир қаторда умуминсоний сиёсий-маданий маконда сиёсий субмаданиятлар ҳам кузатилади, («суб» бу ўринда лотинчадан таржима қилинганда «таг», остики маъноларини билдиради).

Сиёсий субмаданиятлар сиёсатнинг муайян субъектларига хосдир. Улар сиёсат соҳасида тегишли гуруҳларга мансуб кишиларнинг ўзига хос қарашилари, хайриҳоҳликлари ва хулқ-атвори билан ажralиб туради. Уларнинг

энг муҳимлари ва яққол намоён бўлиб турувчилари жумласига қўйидаги-
лар киради:

Гарб сиёсий субмаданияти либерал-демократик қадриятлар ва меъёр-
ларга йўналтирилган. Сиёсий танлов ва сиёсий интилишлар доирасининг кен-
глиги билан ажралиб туради. Унинг ҳудудларида фуқаронинг сиёсат субъекти
сифатидаги мақоми нисбатан юқори. Сиёсий ҳаёт ҳуқуқ томонидан бошқариб
турилади ва ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу сиёсий субмада-
ният сиёсий маданият либерал-демократик моделининг асосий негизи
ҳисобланади.

Шарқ сиёсий субмаданияти тарихий-диний анъаналарга йўналтирилган.
Чекланган сиёсий танлов шароитларида фаолият кўрсатади. Ушбу субмада-
ният аниқ-равшан ифодаланган сиёсий субординация, маъмурий ҳокимият-
нинг ваколати ва суд ҳокимиятларидан устунлиги билан ажралиб туради. Ҳоки-
миятнинг мерос бўлиб ўтиши ва элитарлиги кенг тарқалган.

Минтақавий сиёсий субмаданиятлар минтақавий ва давлат белгиларига
кўра ажралиб туради. Ана шу белгилар бўйича сиёсий тафаккур ва хулқ-атвор
услубларида фарқлар кўзга ташланади. Минтақавий омилини ҳисобга олган
холда шаҳар ва қишлоқ субмаданиятларини ҳам фарқлаш мумкин.

Сиёсий-диний субмаданиятлар ижтимоий ҳаётнинг диний ва сиёсий со-
ҳаларининг чамбарчас боғланиб кетганини ҳамда диний ақидаларнинг сиё-
сат субъектларининг сиёсий йўналтирилганлигига ва хулқ-атворига жиддий
таъсири кўрсатилиши билан ажралиб туради.

Этно-сиёсий субмаданиятлар миллий таркиби бир хил бўлмаган дав-
латларга хосdir. Озчиликни ташкил этувчи миллатларнинг сиёсий субмада-
ниятлари кенг тарқалган. Масалан, Туркиядаги греклар, Франциядаги жазо-
ирликлар, Испаниядаги басклар, АҚШдаги ҳиндулар ва бошқалар ана шун-
дай субмаданият эгалариридан.

Миллий озчиликни ташкил этувчи ҳалқларнинг субмаданияти қандай-
дир этник озчилик камситишга лучор бўлган ҳолатларда яққол ифодаланган
хусусият каеб этади.

Ёшларнинг сиёсий субмаданиятининг асосий вакиллари талаба ёшлар-
дир. Мазкур субмаданиятта хос хусусиятлар жамият сиёсий ҳаётини ҳис-хая-
жон билан қабул қилиш, сиёсий манфаатлар ва хулқ-атвонинг зиддиятли
ранг-баранглигидан иборат. Ушбу субмаданият вакилларида етарли ҳаётий
тажрибанинг мавжуд эмаслиги туфайли уларга сиёсий ҳодисаларни фарқла-
маслик, бошқалар таъсирига берилувчанлик даражасининг юқорилиги, тур-
ли-туман сиёсий қарашлар, назариялар ва ғоявий йўналишларни механиқ
тарзла бирлантириш ҳам хослир.

Бироқ қейинчалик жамиятда қарор топадиган кўплаб сиёсий янтиклар
кўп ҳолларла айнан мана шу ёшлар субмаданияти заминила пишиб етилади.

3. Сиёсий ижтимоийлашувнинг моҳияти ва вазифалари.

Сиёсий маланиятнинг ажралмас қисми ва функцияларидан бири сиёсий
ижтимоийлашувдир. У алоҳида, ўзига хос сиёсий-маланий жараёндан иборат.

Шахснинг сиёсатда онгли равишида ва мустақил иштирок этиши унда

сиёсий билимлар, тажриба ва маданиятнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Улар шахснинг ўз сиёсий роли ва функцияларини муваффақиятли бажаришга, турли сиёсий кучлар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолмаслигига ёрдам беради. Индивидлар олдиндан ўзлаштирилган сиёсий тажриба ва маданият билан туғилмайдилар, балки ўзларининг бутун ҳаётлари давомида ана шундай тажриба ва маданиятни эгаллаб борадилар. Индивид ёки гуруҳ томонидан муайян жамиятга хос бўлган ва сиёсий ролларда ҳамда функцияларни муваффақиятли бажаришга имкон берувчи ва бу билан жамиятнинг ва сиёсий тизимнинг ўзи сақланиб туришини тъминлайдиган сиёсий маданият қадриятлари ва мельёрларини ўзлаштириш жараёни сиёсий ижтимоийлашув деб аталади.

Сиёсий ижтимоийлашув – инсон сиёсий онги ва сиёсий хулқ-атворининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнидан иборат.

Сиёсий ижтимоийлашув жараёнида шахс ва сиёсий тизим ўзаро фаолиятта киришади ва бу ўзаро фаолият шахснинг сиёсий ижтимоийлашувнинг хизмат қилувчи турли омиллар – сиёсий ва ижтимоий институтлар (давлатлар, партиялар, черковлар, мактаблар, турмуш тарзи, оила ва бошқаларнинг, шунингдек айрим индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг таъсири туфайли тақозо этилади. Жамият, синфлар ва миллатлар даражасида шахсга давлат тузумининг тури, сиёсий режим, оммавий ахборот воситалари, жамиятдаи иқтисодий вазият, шахснинг моддий аҳволи ва бошқалар ҳам таъсири кўрсатади.

Сиёсий ижтимоийлашув ўзида икки жиҳатни бирлаштирувчи жараёндир: а) бир томондан – у сиёсий тизим талабларининг муайян мельёрлар ва қадриятлар шаклида шахснинг ички тузилмасига ўтишини қайд этади; б) бошқа томондан – у шахснинг мазкур қадрият ва мельёрларни сиёсий хулқ-атворининг муайян шаклларида мустаҳкамланган ҳолда қандай ўзлаштираётганигини намойиш этади.

Шу билан бир вақтда, сиёсий ижтимоийлашув узлуксиз жараён сифатида ривожланади. Сиёсий иштирокнинг англаб етилганлиги ва мустақиллиги даражаси нуқтаи назаридан сиёсий ижтимоийлашувнинг икки босқичига мувофиқ бўлган, аммо вақт жиҳатдан мос келмайдиган, сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи икки даражаси – бирламчи ва иккиламчи даражалари ажратиб кўрсатилади. Сиёсий ижтимоийлашув даражаларининг ажратилиши ҳокимият ва индивиднинг ўзаро фаолиятига энг кўп хос бўлган андоза-стандартларни тавсифлашни тақозо этадики, бунинг натижасида сиёсий ривожланишнинг ворисийлиги амалга ошади ва сиёсий қадриятларнинг бир авлоддан иккинчисига етказиб берилиши юз беради.

Бирламчи ижтимоийлашув болалар ва ўсмирларнинг сиёсий таълим жараёнини тавсифлайди. Бу босқичда олдинги авлодлардан мерос бўлиб қолган ва замонавий тажрибани ўзлаштириш ҳамда уни қабул қилиш амалга ошади, жамият, давлат сиёсати ҳақида билимларнинг ички эътиқодга айланиш жараёни бошланади.

Иккиламчи ижтимоийлашув шахснинг сиёсий тизим билан ўзи илгари ўзлаштирган қадриятлар ва қоидалар асосида ўзаро фаолиятта киришувида намоён бўлали. Мазкур босқичда ўз сиёсий қараашларини ҳимоя қилиш қобилиятининг шаклланиши юз беради, ижтимоий-сиёсий фаолият учун зарур

Бўлган кўнилмалар касб этилади ҳамда билимлар ва қарашлар амалий-сиёсий фаолиятда, шунингдек, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг бошқа сонахаридаги татбиқ этилади.

Шахснинг сиёсий хулқ-атвори унинг сиёсий мустақиллик даражасини, сиёсатнинг ўз танлови учун жавоб берадиган чинакам субъекти бўлишга қодирлигини кўрсатувчи барқарор намуналарнинг ажralиб туриши иккиламчи ижтимоийлашув босқичига хос хусусиятдир. Ижтимоийлашувнинг мазкур босқичида ҳокимият ва индивид ўргасидаги ўзаро фаолият мулоқотга, консенсусга ёки зиддиятга асосланishi мумкин. Бу ҳол жамиятда устунлик қулуви сиёсий маданият тури, унинг бир хиллиги ва унинг ичидаги турли-туман субмаданиятларнинг мавжудлиги билан тақозо этилади.

Иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг маълум таъсири мавжуд бўлган ҳолда маданий бир хиллик даражаси муайян жамиятларнинг сиёсий ижтимоийлашувига хос энг барқарор хусусиятларни аниқлашга имкон беради. Индивидларга сиёсий хулқ-атвонринг муайян намуналарини олдиндан белгилаб берувчи сиёсий қадриялар ва меъёрларнинг табиатига асосланган ҳолда сиёсий ижтимоийлашув бир нечта турларга ажратилади.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг *уйлунг (гармоник) тури* бир хил маданий муҳитнинг, шаклиянган демократик анъаналар ва фуқаролик жамиятининг мавжуд бўлишини ва улар ҳокимият билан индивиднинг ўзаро ҳурматта асосланган мулоқотини таъминлашини тақозо этади. Маданий бир хилликнинг бундай даражаси ҳокимият ва индивидуум томонидан қабул қилинган идеаллар, меъёрлар ва қадрияларга содиқ бўлган Британия-Америка маданияти учун хосдир.

Гарбий Европа мамлакатларида сиёсий ижтимоийлашувнинг *млюоралистик тури* устунлик қиласди. Унга шахс ва ҳокимият ўргасидаги ўзаро муносабатнинг воситачилик хусусияти; индивиднинг ўзи мансуб бўлган маданий-этник таружнинг идеаллари ва қадриялари доирасида бирламчи сиёсий ижтимоийлашувини тақозо этувчи кўп сонли ҳар хил субмаданиятларнинг мавжудлиги хосдир.

Гарб цивилизациясига мансуб бўлмаган жамиятлар сиёсий ижтимоийлашувнинг *зиддиятли тури* билан тавсифланади. Бу турга аҳоли катта қисмининг қашшоқлик даражаси юқорилиги, индивиднинг уруғ-аймоқ ва қабила-вий қадрияларга қатъян содиқлиги хос. Мазкур ўзига хос хусусиятлар турли қадрияларнинг соҳиблари билан ҳокимият ўргасида ҳамжиҳатликка эришишида қўйинчилик тутғидиради. Бу жамиятлarda маданий ҳар хилликнинг кучлилиги туфайли сиёсий зўравонлик даражаси юқоридир.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг *гегемонистик тури* инсоннинг сиёсатга фақат қандайдир бир синфнинг, муайян диннинг ёки сиёсий мафкуранинг қадриялари асосида кириб келишини тақозо этади. Сиёсий ижтимоийлашувнинг бундай тури социализм мамлакатларида амалга оширилди.

4. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва сиёсий ижтимоийлашувнинг хусусиятлари.

Одамларда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқий билимларни тарғиб этиш Ўзбекистон Республикаси олдида турган асосий нази-

фалардан бири ҳисобланади.¹ Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ-равшан билib олмас экан, мамлакатда ўтказилётган ислоҳотлар, янгиланишга интилишлар, ҳукуматнинг барча саъй-ҳаракатлари керакли натижа бермайди.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг сиёсий маданияти турли-туман сиёсий қалриятлар, қоидалар ва сиёсий фаолият андоузаларининг синтезидан иборатdir. Тобелик сиёсий маданиятнинг совет турига хос идеаллар ва қадриятларнинг яроқсизлигини эълон қилиш тез орада фаол фуқаролик сиёсий маданиятининг шаклланишига олиб келиши мумкин, деб ўйлаш хото бўлар эди. Фуқаролик жамияти ўзининг ривожланиш суръати ва динамикасига эга. Шу билан бирга, И. А. Каримов таъкидлаганидек, «сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этастгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак».²

Барқарор иқтисодиётта ва ҳокимиятнинг барқарор тузилмаларига эга бўлган барча мамлакатларда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида сиёсий ижтимоийлашув жараёни шахсни умумий ҳаётнинг ижтимоий-маданий меъёrlарига яқинлаштириш чуқур ўйланган ва изчил тизимга таянади. барча ижтимоийлашув институтлари (оила, мактаб, сиёсий партиялар, давлат ва ҳоказолар)нинг умумий вазифаси – сиёсатнинг мустақил ва масъулиятни ҳис этувчи субъектини, ривожланган фуқаролик онигига эга бўлган шахсни шакллантириш вазифаси ҳал этилишини таъминлагани ҳолда ўзаро бир-бирини тўлдиради. Лекин бундан уларнинг ўзаро муносабатларида муаммолар йўқ ёки сиёсий ижтимоийлашув жараёнида муваффақиятсизликлар мавжуд эмас, деган маъно келиб чиқмайди.

Сиёсий ижтимоийлашув соҳасидаги муаммолар ва камчиликларга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш, ёшларнинг тарбияси ва тақдирига бе-фарқ қараш, экстремистик диний оқимлар билан муроса қилиш, ёшлар орасида гиёхвандликнинг авж олишига, жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келади. «Биз, ота-оналар, жамоатчилик бўлмаган жойларда бегона, ҳasad ва ёзвуз кўз билан қаровчи кучлар пайдо бўлиши муқаррар».³ Аҳолининг барча қатламлари орасида мафкуравий, маданий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг изчил олиб борилишини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

¹ Карапи: И. А. Каримов. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. Т., 1998. 245-бет.

² И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. Т., 1998. 383-бет.

³ И. А. Каримов. Миллат құдрати -- ҳамжиҳатликла//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. Т., 1998. 360-бет.

ХАЛҚАРО СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО ТИЗИМ

Режа:

1. Халқаро сиёсат ва сиёсий жараёнлар.
2. Халқаро тизимнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Халқаро тизимнинг институтлашуви.
4. Яиги дунё тартиботини шакллантиришининг глобал жараёнлари.

1. Халқаро сиёсат ва халқаро сиёсий жараёнлар.

Сиёсатни яхлит тарзда тұлиқ таҳлил қилиш уни ҳам миллий, ҳам халқаро даражаларда ўрганишни тақозо этади. Ички сиёсат унинг турли йұналишларини ва уларнинг давлат ичидә амалға оширилишини таҳлил қилиш, миллий сиёсий жараённинг ривожланиши орқали ўрганилади. Халқаро муносабатлар тизими иккі на үндән ортиқ давлатлар ўртасидаги ўзаро фаолият, ташқи сиёсат эса бир миллатнинг, бир давлатнинг ташқи хатты-харакатларидир. Давлатнинг ташқи сиёсати ички омилларининг ҳам, ташқи омилларининг ҳам тъсири остида шаклланади. Умуман олғанда, ички ижтимоий ва халқаро муносабатлар ўртасида қалин ўзаро алоқа ва ўзаро муносабат мавжуд.

Халқаро муносабатлар халқлар, давлатлар ва уларнинг тизимлари ўртасидаги алоқалар ва ўзаро боғлиқликларнинг йигиндисини тавсифлайды. Халқаро муносабатлар деганда одатда жаҳон ҳамжамиятининг барча асосий субъектлари ўртасидаги сиёсий, хўжалик-иқтисодий, илмий-техникавий, валюта-молиявий, ижтимоий, дипломатик, ҳукуқий, ҳарбий, гуманитар ва коммуникация алоқалари ҳамда муносабатларининг тизимли йигиндиси тушунилади. Жаҳон ҳамжамиятининг асосий субъектлари бўлиб, энг аввало, давлатлар ва халқаро ташкилотлар майдонга чиқадилар.

Давлатлар – ўз қўларида халқаро ҳаётга тъсири ўтказишнинг асосий воситаларини жамлаган энг құдратли ва уюшган субъектлардир. Айнан давлат орқали халқлар ва миллатлар ўз манфаатларини дунё майдонида уюшган тарзда ҳимоя қиласидилар. Биронта ҳам ривожланган жамият ички ва халқаро ҳаётни ташкил этиш учун зарур бўлган давлатдан ташқарида яшай олмайди. Давлатлар халқаро алоқаларнинг бошқа иштирокчилари – маъмурий бирликлар, жамоат ташкилотлари, фирмалар, индивидлар фаолиятини назорат қиласиди ҳамда улар орасида воситачи ролини ўйнайди.

Халқаро муносабатларнинг бевосита давлатлар томонидан барпо этилувчи лилер субъектлари жумласига **халқаро сиёсий ёки ҳарбий-сиёсий ташкилотлар** киради. Улар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН), Европа Иттифоқи (ЕИ), Араб мамлакатлари Лигаси (АМЛ), Америка давлатлари ташки-

лоти (АДТ), Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО), Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХТ) ва бошқалар бор (39-жадвал).

39-жадвал

Халқаро ташкилотлар

Ихтисослашган ташкилотлар	Иқтисодий ташкилоглар	Минтақавий ташкилотлар	Харбий-сиёсий ташкилоглар
Жаҳон тараққиётининг ҳар хил соҳаларини ривожлантиришга қаратилган. Масалан: ЮНЕСКО, МАГАТЕ, ЖСТ, ЮНИСЕФ ва б.	Иттилоғқа кирган давлатларнинг иқтисодий яхлиллигини вужудга келтириш, маҳсулотларни сотишни йўлга кўйини, мамлакатлар иқтисодийётини инкизорсиз ривожлантиришга қаратилган. Масалан: Жаҳон банки, Халқаро валюта банки, ЕХХТ ва б.	Худуднинг яқинигини хисобга олган ҳозиран турини долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Масалан: ШХТ, МДҲ, ЕвразЕС, ОТБ ва б.	Халқаро хавфсизликни вујудга келтиришга, ҳарбий соҳия ҳамкорлик қилингина, кучнинг бирлашгирисига қаратилган. Масалан: НАТО, АНЗЮС, ва б.

Манба: Сиёсатшунослик асослари. Майзуналар тўлиами. Т., 2005

Халқаро муносабатларнинг мухим субъектлари қаторига, шубҳасиз, обўлии халқаро жамоат ташкилотлари ва касаба уюшмалари киради. Улар қаторида Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (УССТ), Касаба уюшмалари-нинг умумжаҳон федерацияси (КУУФ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро валюта фонда (ХВФ) ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Халқаро муносабатлар дунёмизнинг қиёфасини ва тартибини шакллантиради. Ҳозирги замон дунё ҳамжамиятига тобора юксалиб бораётган бирдамлик ва кучайиб бораётган хилма-хиллик хос. Дунёдаги ўзаро алоқа ва боғлиқлик халқларнинг ривожланишидаги хилма-хил ўзига хосликларнинг сақланиши билан қўшилиб кетмоқда. Халқаро муносабатлар гизимида ривожла-наётган демократлашув, инсонпарварлик, қуролсизланиш тамойиллари ҳозирча тизимга эга эмас, улар қаршиликка дуч келмоқда, яъни кўп жиҳатдан субъектив омилларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ҳозирги дунё шароитларида халқаро муносабатлар кўпроқ халқлар ва одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга айланмоқда. Биз ҳуқуқий давлатлар тизимининг, кўплаб халқаро ташкилотлар ва уюшмаларнинг ҳамкорлигини, шунингдек, турли давлатларнинг милионлаб фуқаролари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни кузатмоқдамиз. Бугунги кунда долзарб халқаро муаммоларни ҳал этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берувчи инсоний муносабатларнинг ноёб дунё тармоғи юзага келди, деб айтиш мумкин.

Халқаро муносабатлар давлатлар, давлатлараро ташкилотлар ва партиялар ўртасидаги интеграция алоқаларнинг йигитлодиси сифатида ташқи ва халқаро сиёсатнинг тамойиллари амалга ошириладиган мухитни ташкил этади.

Халқаро сиёсат халқаро ҳуқуқ субъектларини уларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиш, бутун инсониятининг яшаб қолиши, ялпи хавфсизлик ва қуролсизланишин таъминлаш, глобал, минтақавий ва миллий низоларни ҳал этиш ва уларнинг олдини олиш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, қолоклик ва қашшоқликка, очлик ва ка-

салликларга барҳам бериш, инсониятнинг бошқа глобал муаммоларини ҳал этиш, дунёда адолатли тартиб ўрнатиш билан боғлиқ бир мақсадга йўналтирилган сиёсий фаолиятидан иборатдир.

Халқаро сиёсат – халқаро муносабатларнинг асосий субъектларининг умумий бир мақсадга йўналтирилган сиёсий фаолияти; БМТ ва жаҳон ҳамжамиятининг бошқа қонуний ва барча томонидан тан олинган органлари ва ташкилотларининг фаолиятида ўз аксини топган интеграциялашган жараён.

Халқаро сиёсат тузилиши жиҳатдан миллий давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти, БМТ ҳамда давлатлар ва халқлар томонидан ваколат берилган халқаро иттифоқлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг глобал фаолиятидан иборат.

Халқаро сиёсат соҳаси давлатлар ўртасида вужудга келаётган сиёсий муносабатларнинг бутун майдонини қамраб олади. Дунё сиёсатининг асосий унсурлари ўзаро боғлиқ бўлганилиги туфайли дунё сиёсий муносабатлари, дунёдаги ягона сиёсий-даврий макон ҳақида сўзлаш мумкин ва зарур, барча асосий сиёсий ҳатти-ҳаракатлар унинг давомида ёки таркибий қисмларида юз беради. Халқаро сиёсатнинг асосий устуворликлари инсоният ва унинг субъектлари олдида турган умумий муаммоларни ҳал этиш зарурати билан боғлиқ. Халқаро сиёсат икки ёқламалик хусусиятига эга: халқаро муносабатларнинг ҳар қандай субъекти ўз манфаатларини ҳимоя қилас ва амалга оширад экан, у ёки бу даражада бошқа давлатларнинг, жаҳон ҳамжамиятининг ҳам манфаатларини ҳисобга олиши керак. Шунга кўра, халқаро сиёсат унинг субъектларининг ўз (миллий) манфаатлари ҳамда бутун инсоният олдида турган, етилган ва долзарб вазифалар ҳамда умумий мақсадлар учун курашнинг ҳосилиси сифатида намоён бўлади. Унинг асосида жаҳон ҳамжамиятида ҳокимиётга ва таъсирига эга бўлиш учун кураш ётади.

Сайёрамизда буюк географик кашфиётлар замонидан бери ўзаро алоқаларнинг глобал тизими яратилаяпти. Ҳозирги дунё гигант бир тизимдан иборат бўлиб, унда унинг турли жиҳатлари, унсурлари ва бўгинлари зиддиятли бирликда ва ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Ҳозирги замоннинг энг асосий ҳаракатта келтирувчи кучи ҳар томонлама тобора ривожланиб бораёттан илмий-техника инқилоби бўлиб, унинг чегаралари поёнсиздек кўринади. У бутун жаҳон иқтисодий ва маданий маконининг яратилишига бирлигининг ҳосил бўлишига олиб келади. Халқаро сиёсат субъектларининг ўз манфаатларини амалга ошириш мақсадидаги ўзаро фаолияти сиёсий жараёнларнинг ўзига хос тизимини ўзида мужассам этади.

Халқаро сиёсий жараёнлар – халқаро муносабатларнинг институционал ва турли-туман ноинституционал субъектларининг уларнинг ўз функцияларни бажаришда макон ва замонда ривожланишида олинган умумий фаолияти; тизимили лунёдаги турли хил сиёсий жараёнларнинг жамлантанилир. Унинг субъектлари сифатида: халқлар, этнослар, (миллатлар ва элатлар), цивилизациялар, давлатлар, халқаро ташкилотлар, нодавлат бирлашмалари, ижтимоий ҳаракатлар, диний ташкилотлар, сиёсий ва жамоат лидерлари; тузилмавий унсурлари сифатида эса БМТнинг сиёсий аҳамиятта молик фаолияти халқаро ташкилотлар, фонdlар, ташкилотлар, муассасаларнинг

сиёсий фаолияти, мінтақавий институттар, би्रлашмалар, иттифоқларнинг сиёсий акциялари, суверен давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти намоён бўлади.

Тарихий жиҳатдан дунёдаги сиёсий жараёнларнинг ривожланиши бир қатор босқичлардан ўтган. Аввал улар мінтақавий жараён сифатида кечган ва кенг мінтақада кўшни давлатлар устидан ҳукмронлик қилувчи қудратли давлатнинг мавжуд бўлиши билан ажралиб турган (Қадимги Миср, Эрон, Қадимги Хитой, Қадимги Ҳиндистон, Рим ва бошқалар). Дунё ўзаро сиёсий фаолиятининг дастлабки унсурларининг яратилиши географик қашғиётлар натижаси бўлиб, XV аср ўрталарига мансубдир (Португалия билан Испания ўтрасидаги таъсир доираларини бўлиб олиш ҳақилаги Тордесильясдаги шартнома (1434)). Бундан сўнг Буюк француз инқилоби ва Наполеон урушлари, Вена конгресси томонидан ишлаб чиқилган халқаро муносабатлар тизими (1815), Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларининг дунё ўзаро фаолиятининг сифат жиҳатдан янги тизими ишлаб чиқилишига таъсир кўрсатган якунлари билан боғлиқ жараёнларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги халқаро сиёсий жараён жамиятда манфаатлар мувозанатини, тийиб туриш ва кучлар нисбатини тенглашнинг жамиятнинг барқарор олға қараб ривожланишини ва улар бир кишининг ўз йўлини эркин ташлашини кафолатловчи кучли механизмини шакллантириш билан боғлиқ.¹

Совуқ уруш тугаши билан жаҳон ҳамжамиятининг халқаро муаммоларни адолатли ва биргаликда ҳал этишга, жаҳон ҳамжамияти барча аъзоларининг бирдек ҳанфисизлигини таъминлашга асосланган жараённинг ғалаба қилиши учун барча шарт-шароитлар пайдо бўлди.

И. А. Каримов таъқидлаганидек, «совуқ уруш» данри тугашининг асосий якуни шу бўлдики, инсоният учинчи жаҳон урушидан қутилиб қолишга муваффақ бўлди».² Бироқ ҳәстий воқелик жуда мураккаб бўлиб чиқди. Эски таҳдидлар ўрнида янги хавфлар пайдо бўлди, олдинги йилларда ўз ечимини топмаган бир қатор муаммолар янада кескинлашди. Икки қутбнинг қарама-қарши туриши ўрнини ўз-ўзидан халқаро барқарорлик манфаатларига қаратилган ҳамкорлик эгаллайди, деган умидлар ҳам амалга ошмади. Бунинг устига куч омили ўз аҳамиятини йўқотмади, балки ўзининг йўналишини ўзгартирди, ҳолос. Кескинликнинг бир қатор янги ўчоқлари алганга олди, жумладан, ўзбек чегаралари яқинила ҳам ана шундай ўчоқлар юзага келди. Мингтақавий давлатларнинг ҳарбий-сиёсий рақобати ҳануз сақланиб қолмоқда. Мана шу вазиятда оммавий қирғин куроллари ва уларни етказиш воситаарининг гарқалиши муаммоси янгича кўламлар касб этди. Ниҳоят, халқаро терроризм хавфи кескин кучайди.

Мазкур таҳдидлар ҳозирги дунё ривожланишининг ҳукмрон тамойили бўлиб қолган глобаллашув шароитларида, айниқса, хавфли хусусият касб

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфисизликка тақдил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари //Ҳанфисизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998. 51-бет.

² И. А. Каримов. Озод ва обол Ватан, эркин ва фаронон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. Т., 2000. 332-бет.

этди. Бундай шароитларда бир нарса аён бўлиб қолди: глобаллашув халқаро барқарорлик тагига қўйилган секин портловчи минага айланмаслиги учун дунёдаги жараёнларни бутун инсоният манфаатлари йўлида жамоавий бошқаришнинг самарали механизмлари зарур.

Параллел тарзда халқлар ва давлатларнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги яқинлашуви учун асос яратувчи, сиёсат учун ўта муҳим бўлган, одамлар ўргасида бир-бирларини тушуниш, ўзаро мулоқот ва ишончнинг кўпроқ бўлишига хизмат қўлувчи умумжаҳон интеграцияси жараёни ҳам бормоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда барча давлатлар ва халқларнинг манфаатларини ҳисобга олувчи ҳозирги замон дунё тартибининг зарурлиги ҳам шубҳасизdir.

Бироқ бу ўринда ҳам тўғри йўлдан ҳаракат қилиш мутлақо кафолатланмаган ёки олдиндан белгилаб қўйилмаган. Халқаро муносабатларнинг янги тизимиға ўтиш мураккаб ва узоқ давом этувчи хусусият касб этди. Бунда қарама-қарши тамойиллар ва кучлар тўқнашмоқда.

Афсуски, Farb давлатларининг сиёсатида, хусусан охирги икки-уч йилда дунё тизимининг АҚШ бошчилигидаги энг ривожланган давлатларнинг чекланган доирасининг устуңлигига асосланган бир қутбли моделини яратишга интилиш кўзга ташланади.

Косоню танглиги дунё тузилишининг бундай бир ёқлама концепцияларини амалга ошириш нималарга олиб келишини яққол намойиш қилди. Бир кутблікка интилиш давр даъватларининг биронтасига ҳам жавоб бермаслиги устига дунёдаги вазиятни тобора кўпроқ бекарорлаштиради, ўзаро ишончсизликни кучайтиради.

Халқаро муносабатларнинг кўп қутбли демократик тизимини куриш воқеиликни объектив ҳисобга олиш демакдир. Худди табиатда бўлгани сингари, инсоният цивилизацияси ҳаётида ҳам унинг яшаб қолиши учун кафолат бўлиб хизмат қўлувчи хилма-хиллик қонуни фаолият кўрсатади. Айрим мамлакатлар ва минтақалардаги демократик жараён муайян шакллари ва натижаларининг бир-бирига ўхшамагани, содда халқларнинг авторитар-бюрократик ва тоталитар режимларни йўқ қилиб, амалдаги сиёсий плюрализмни, ҳокимиётнинг бўлинишини, миллий-маданий автономия ва маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариши, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва индивидуал эркинликлар ва хукуқларни, аҳоли фаровонлигининг юксак даражасини, унинг ишончли ижтимоий ҳимоясини таъмин этувчи замонавий ривожланган фуқаролик жамияти ва хукуқий давлат барпо этишга интилиши умумий тус олди. Шубҳасиз, давлатларнинг манфаатлари жуда турли-туман ва уларни умумий бир маҳражга келтириш – мураккаб жараён. Аммо бошқа йўл йўқ. Ҳаммани ва ҳамма нарсани ягона цивилизация андозасига солиш истиқболсиз ишдир. Дунёйи жараёнларнинг бошқариувчанлигини ошириш ва дунёдаги барча давлатлар учун бирдек зарур бўлган барқарорликни таъминлаш йўлларини биргаликда қидириб топиш лозим.

Ҳозир шундай пайт келдики, энди ижтимоий ривожланиш манфаатлари умуминсоний манфаатларга айланмоги лозим ва шундай ҳам бўлмоқда. Бунда шунни эсдан чиқармаслик лозимки, умуминсоний консенсусни қидириб

топиш миллий манфаатлардан күз юмиш, у мамлакатнинг қадрияларига ёки «статус-кво»ни сақлашга беписандлик билан қарашни англатмайди. Ташки сиёсатни ҳам, ички сиёсатни ҳам чукур ўйлаган ҳолда амалга ошириш жаҳон ҳамжамияти фаолият кўрсатишининг энг яхши вариантини топиш «бошқанинг ҳисобига» ривожланиш формуласини улоқтириб ташлаш демакдир. Бугунги кунда инсониятнинг ўз-ўзини асрар қолиши ва прогрессив ривожланиши учун кенг ижтимоий кучлар ҳамкорлиги ва цивилизациялашган муносабатлар талаб қилинади.

2. Халқаро тизимнинг ўзига хос хусусиятлари.

Глобаллашув шароитида халқаро муносабатларнинг характерли хусусияти иқтисодиётнинг интернационаллашуви, ахборот ва маданий алмашуннинг минтақавий ва давлатлараро тенденцияларта мослашуви, шунингдек, ҳаффизизлик кўламининг көнтайиши билан белгиланади. Жумладан, халқаро муносабатлар тизимини шакллантиришда ўзгаришлар кўзга ташланади. Глобаллашув ва интернационаллашув шароитида, давлатлар ҳамкорлигидаги шаклларнинг таркиб топиши пайтида сиёсий тизимда кескин ўзгаришлар жараёни кечади.

XXI аср бошида халқаро муносабатлар тизими ёки Farb адабиётларида ишлатилганидек, *халқаро тизим* (International System) янги сифат босқичига ўтмоқда. Халқаро тизим “совуқ уруш” даврида ёки 1945-1990 йиллар давомида кечган Ялта-Потсдам тизими даврида касодга учради. Ялта-Потсдам тизимининг ўрнига янги халқаро муносабатлар тизимини янгилаш на модернизация қилиш даври бошланди. 1980-1990 йиллар давомида бутун жаҳон тарихида аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар рўй берди ва, оқибатда, Шарқ ва Farb ўртасида зиддият келиб чиқди. Натижада, СССР қулади ва Европасиё материгига янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Бир неча йил ичida халқаро тизимда роль ўйновчи сиёсий актёрлар ва уларнинг модели кескин ўзгаришларга учради. Оқибатда, дунё тартибликка нисбатан тартибсизликка, уни стратегик йўналтиришдан кўра конфликтга юз тутди.

Миллий давлатлар ҳамон бош сиёсий омил сифатида майдонга чиқмоқда, ҳатто давлатлараро, минтақавий, минтақалараро ва глобал ташкилотлар ўртасидаги алоқаларда ҳам бу ҳол кўзга яққол ташланмоқда. Муайян давлатлар ўз миллий манфаатларининг ҳамон тегемон бўлишини истайди. Айни пайтла, глобал муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари камайиб бормоқда. Европа ва Осиёдаги *“реал социализм”* назарияси ва амалиётининг инқизорзга юз тутиши давлатчиликда манманлик гоясининг қалқиб чиқишига шароит яратди. Миллий гоя ва миллий қурилиш тушунчалари ўнлаб йиллар давомида тоталитаризм шароитида яшаб келганларнинг янги замонга мослашини учун асос бўлмоқда. Бунда миллийлик конструктив роль ўйнамоқда.

Халқаро ташкилотлар сонининг кўпайиб бораётганлиги масалан, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларининг шаклланётганлиги халқаро гизимни бошқаришда ўзига хос шаклларни юзага келтира бошлади.

Халқаро тизимда глобаллашув жараёни билан бир қаторда номарказлашиш, минтақалашиш ва кўп қутбилик юзага келди. Япония, Германия, Хитой ва Бразилияда кўп қутбилик шакллана бошлади. Минтақавий ташки-

лотлар (“Катта саккизлик”, ЕИ, НАФТА, Ислом конференцияси ташкилоти, АСЕАН ва бошқалар) халқаро муносабатларда мухим роль ўйнай бошлиди. Ривожланаётган давлатлар сони 77 тадан 120 тага ўсди. Улар орасида ОПЕКга киругчи йирик нефть қазиб олувчи давлатлар бор.

Шарқ ва Farb ўртасидаги зиддиятнинг тугаши “*куч-кудрат*” тушунчаси нинг мазмун-моҳиятини ўзгартириб юборди. Куч-кудратнинг мумтоз белгилари (худуд ҳажми ва аҳоли сони, давлатнинг геосиёсий ҳолати, қуролли кучлари сони ва бошқалар) ва давлатнинг худудий мустақиллиги кўп ҳолларда ўз аҳамиятини йўқотди. Farbdagi сиёсий қарашлар илм-фанга “таъсир кўрсатувчи кучлар” ва “зайф кучлар” атамаларини киритди.

“*Таъсир кўрсатувчи куч*” деганда ҳар томонлама таъсир кўрсатиш ҳолати, “*зайф куч*” деганда эса, ўз манфаатини ҳимоя қила олмаслик ҳолати тушунилади. Бугунги кунда давлатнинг илмий-техник, саноат ва молиявий-иқтисодий, ижтимоий имкониятларини ҳамда унинг миллий ҳавфсизлигини таъминлаш доирасидаги куч-кудратининг кўрсаткичлари жадал ўзгариб бормоқда.

Жаҳон тизими айни вақтда тарихий давр ва ижтимоий макон сингари узоқни кўзловчи фундаментал тушунчаларга дуч келмоқда. Ҳозирги дунё “*ўтиш даври*” да бир томондан, номарказлашиш ва минтақавий давлатлараро низоларни ҳал этиш, иккинчи томондан – давлатлараро ҳарбий мустаҳкамланиш жараёнларини бошдан кечирмоқда. Айниқса, НАТО ролининг яна ошиши кўп ҳолларда халқаро тизимда муайян икқиланишларни келтириб чиқара бошлиди. Шундай қилиб, ҳозирги халқаро тизим ўзига хос ўтиш даврини бошидан кечирмоқда.

Кудратли давлатларнинг энг умумий характеристикаси – бу ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), аҳоли, ҳудуд ва қуролли кучларнинг ҳажмидан иборат. XX асрнинг 80-йилларида турли этник, диний низоларда қуролли тўқнашувлар келиб чиқиши молиявий-иқтисодий ва савдо-иқтисодий муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шу сабабли, бугунги кунда терроризм, диний экстремизм, оммавий қурол тарқатиши авж олди ва ядро қуролига эга бўлиш ҳаракати қайта авж ола бошланди. Ҳудуд муаммоси ҳам юзага қалқиб чиқа бошлади. Чунки кенг ҳудуд давлатнинг ҳарбий ҳавфсизлигини таъминлади, қишлоқ ҳўжалиги ривожига имконият яратади, давлат транспорт ҳаридорига янги қулагилклар туғидари, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш имкониятлари пайдо бўлади ва ҳ. к.

Дунёда стратегик ноаниқликнинг пайдо бўлиши давлатлараро тенглик тамойилининг бузилишига олиб келмоқда. Чунки анъанавий марказлашган кучлар дунёда ўз таъсирини сақлаб қолишга уринмоқда.

Интеграциялашув жараёни бўйича назариялар ҳам аниқ таърифларни бермаятти. Чунки ушбу асосий масала кун тартибида турибди: минтақавий интеграциялашув глобал эркин савдонинг шаклланишига олиб келадими? Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувини минтақалашув ва глобаллашувга тенг имконият яратиб беради.

Дунё миқёсидаги даромадлар туфайли жаҳон миқёсида низолар келиб чиқа бошлади. Кейинги 16 йил ичидаги камбағал мамлакатларнинг 100 тасида аҳоли жон бошига тақсимланадиган даромад кескин пасайиб, 60 мамлакатда эса – талаб даражасидан ҳам тушиб кетди. “Мулкниadolатли тақсимлаш”

муаммоси жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувида муҳим масала ҳисобланади. Афсуски, бундай муаммолар оз эмас.

Глобаллашув тенденциясининг ўсиб бориши шароитида *мустақил тенглик тамойили янги маъно* касб этиб, долзарб бўлиб бормоқда. Тенгсизлик ҳамон мавжуд экан, унга юридик баҳо берилиши керак. Бу нафақат муайян миллий иқтисоднинг кучли давлатлар қаршисидаги заифлиги билан, балки уларнинг илмий-технологик, ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-маданий, табиий-иклимий ва турли тараққиёт йўналишлари бўйича ҳам имкониятлари чекланганлиги билан ҳам изоҳланади. Бундай шароитда давлатларнинг тенг ҳукуқлигини таъминлаш учун халқаро ҳукуқ ролини ва давлатларнинг фаолигини ошириш лозим бўлади.

Мустақил тенглик тамойили халқаро ҳукуқнинг халқаро муносабатларни тартибга солишида асос бўлиб хизмат қилиши учун керак. Мустақиллик тенгсизликсиз бўлмайди ва, аксинча, Тенгсизлик давлатнинг халқаро муносабатларига путур етказади ва унга ишонч йўқолади. Охир-оқибатда у гегемонизмга ва муайян давлатнинг халқаро муносабатларда лидерлик қилишига олиб келади. Бу номақбул йўллир.

Тенгсизлик кўпгина давлатларнинг тараққиётини бўтиб кўяди. Аслида, бир давлатнинг мустақиллиги бошқа давлатнинг мустақиллигини чеклаш ҳисобига бўлади. Шу сабабли, БМТнинг Халқаро суди “Мустақиллик ва тенглик халқаро ҳукуқ билан тартибга солинувчи барча ишлардаги эркинликни билдиради”, — деб таъриф берди¹.

“*Куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш таҳдиди*” тамойили XX асрда пайдо бўлди. Бугун бу тушунча янги маъно касб этмоқда, чунки хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларнинг характеристири ўзгарди. Дарҳақиқат, халқаро ҳукуқда куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид солмаслик қоидалари БМТ Низомининг 45 ва 51-моддаларида ўз аксини топган. 42-моддага кўра, БМТ Хавфсизлик кенташи (ХК) халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун ҳаво, денгиз ёки қуруқлик кучларини ишлатиш ваколатига эга. Бундай қарор доимий беш аъзо яқдиллик билан овоз берганида қабул қилинади. Шунингдек, 51-моддага биноан, давлатлар индивидуал ва колектив мудофааланиш учун қуролли ҳужум бўлганда куч ишлатади (яъни, бир давлат иккинчисига ҳужум қилганида). Шу маънода ўзини мудофаа қилиш кенг маънода талқин қилинmasлиги лозим. Бу қуролли ҳужумдан фойдаланиб дарҳол зарба беринни билдирамайди. Шунингдек, 51- маддага кўра, давлатлардан ўзини мудофаа қилиш зарурати туғилганида БМТ Хавфсизлик кенташини огоҳлантириш ва ХКнинг ваколатларига даҳл қилмаслик талаб қилинади.

БМТнинг куч ишлатиши ҳам муайян тартибиға эга. Куч ишлатиш дунё хавфсизлигига жиддий хавф-хатар бўлсагина амалга оширилади. Бу ҳаракат ХКнинг қатъий назоратида бўлади. Куч ишлатиш ва куч ишлатиш таҳдилининг узвий қисми урушни тақиқлаш тарғиботи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистон низоларни бартараф этишнинг ҳар қандай тинч йўлларини

¹ Международные нормативные документы. //Международное право. 2002. № 1. С. 68.

қўллаб-қувватлайди"!. Масалан, халқаро терроризмни куч ишлатмасдан бартараф этиб бўлмайди ва бунда куч ишлатиш ўзини оқлади. Шу сабабли, бу борада муайян ишларни амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон бу борада халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосан хатти-ҳаракат олиб бориши позициясида турибди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 15 декабрь куни "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Унда қонунийликни, шахснинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш белгилаб қўйилган.

Албатта, террорчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш (ёпиқ шаклда бўлса ҳам) маҳсус хизмат, жамоатчилик ва ташкилотлар томонидан куч ишлатишни тақозо этади. Бутунги террорчилик хатти-ҳаракатлари қўшинилар ҳужумини, ҳарбий тажовузни ва оммавий қирғинни эслатади. Шу сабабли, бундай ҳолатта қонуний баҳо бериш лозим. Ўзбекистон Республикаси "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига кўра, терроризм "куч ишлатиш, таҳдид солиш ва турли салбий таъсир кўрсатиш билан шахс ҳёти, соғлигига ҳаиф солиш ва данлат на жамиятнинг манфаатларига таҳдид солиш"дир. У сиёсий, диний, мағкуравий ва бошқа мақсадларда амалга оширилади. Шу сабабли, бундай шароитда давлатнинг куч ишлатишдан тийилиши мушкул.

Миллий манфаатларни глобаллаштириш – глобаллашувнинг илк ва асосий камчилиги ҳисобланади. Чунки бу хатти-ҳаракат сиёсий гегемонликка йўл очиши мумкин.

Кучларни мувозанатга келтириш зарурки, у муайян тажрибалардан келиб чиқиши керак. Шу маънода, халқаро муносабатлар тизими давлатлар ташки сиёсатининг энг самарали шакл ва усулиярига асосланади. Бунда кучлар мувозанати миллий, минтақавий ва глобал ҳавфсизлик учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Кучлар мувозанатини сақлани халқаро муносабатларнинг ривожига ижобий туртки беради ва ҳавфсизликни таъминлашда асосий шарт-шароит ҳисобланади Куч ҳажмлари, иқтисодий имкониятлар, ҳарбий салоҳият кабилар мунтазам ўзгариб, янгиланиб боради. Физик қонуниятларга кўра, эскилилк ўрнини янгиллик эгаллаб боради. Шу маънода, кучлар мувозанати динамик ривожланиб бориши хусусиятига эга бўлади. Шу сабабли, халқаро муносабатларда ҳар қандай куч мувозанати ўзгарувчан бўлади. Бунда изчилилкка эришиш учун ҳамиша миллий манфаатларни устувор деб билиш лозим. Бу жараёнда умумий сиёсий қадриятларни минтақавий ва глобал даражада оқилона бошқариш зарур. Ҳемак, кучлар мувозанатини сақлашда минтақавий ёндашувни ишлаб чиқиши самарали усул ҳисобланади, ва шу аснода, глобал кучларнинг таҳдидли аралашув кучи заифлаштирилади.

Халқаро муносабатлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун бу масалага фалсафий, ижтимоий, психологияк, тарихий, сиёсий жиҳатлардан таҳлилий ёндашиши лозим бўлади. Бу ҳол тадқиқотчиларнинг сиёсий жараёнларга, воқелик ва ҳодисаларга мустақил, тажрибавий ёндашишини тақозо қиласи. Шу сабабли, халқаро муносабатларнинг долзарб муаммоларини таҳлил

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ ўтишилар. Т., 2005. 18-бет.

қилишда халқаро сиёсат назарияси қоидаларига ва тараққиёттинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси учун аҳамиятли бўлган муносабатларга урғу берилади.

Халқаро муносабатларнинг асосий тамойиллари қўйилагилардир:

- Куч ишлатмаслик ва куч билан қўрқитмаслик;
- Чегаралар дахлсизлиги;
- Давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш;
- Можароларни тинч йўл билан бартараф этиш;
- Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш;
- Тенг ҳуқуқлилик ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилани ҳуқуқини ҳурмат қилиш;
- Халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя қилиш;
- Ўзаро фойдали ҳамкорлик;
- Жаҳон ҳамжамиятини қуролсизлантириш.

Ҳозирги замон халқаро муносабатларининг асосий вазифаларидан бири давлатлар ўртасида бўлаётган **низоларни** ҳал этиш йўлларини излани бўлиб қолмоқда, чунки бу ҳол миллий манфаатларнинг тўқнашуви асосида қозага келади. Низоларнинг олий кўриниши *урушдир*. Халқаро ҳуқуқ ва дипломатия асосида ноҳарбий тамойиллар туриши керак. Низоларни ҳарбий воситалар билан ҳал этиш субъектив ва объектив омилларни келтириб чиқаради. Чунки ҳарбий воситалардан фойдаланиш дунёда ижтимоий ва сиёсий, иқтисодий ва маданий низоларни кучайтиради ҳамда воқеаларнинг ўзгача тус олинига сабаб бўлади. Бундай вазият муаммони ҳал этишини янада чигаллаштиради. Муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг ягона йўли халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига асосан муносабатлар олиб боришдалир. Бу борада муаммоларни ҳал этиш, қарорлар қабул қилиш ва давлатлараро муносабатларда муҳим стратегияга эга бўлиш лозим.

Замонавий халқаро муносабатлар кесишаётган ва мос келмаётган ташки сиёсий ва иқтисодий манфаатлар, мафкураларни ифода этаётган халқаро муносабатлар субъектларининг рақобатли кураш майдонини намоён қилмоқда. Ушбу кураш иқтисодиёттинг, сиёсий муносабатларининг, ахборот мақонининг ҳамда ижтимоий ва маданий алоқаларининг глобаллануви шароитида рўй бермоқда.

Кўриниб турибдики, *бир қутбли дунё* қуриш режасини амалга ошириш таҳдиди – истиқбол эмас, балки юзага келаётган ҳақиқатдир. АҚШ бугунти кунда халқаро ҳамжамиятнинг фикрига эътибор қилмасдан, ўз миллий манфаатларига фойдали бўлган ташки сиёсий фаолиятни олиб бормоқда.

Бироқ бир қутбли дунё тартиботи билан бирга *кўп қутбли дунё тартиботи* назарияси ҳам ривожланиб бормоқда. Истиқболда кўп қутблиликнинг кенгайишига ўз ҳиссаларини қўшиши мумкин бўлган Россия, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия каби тез ривожланиб бораётган давлатларни эътиборга олмаслик мумкин эмас. АҚШнинг бир қутбли дунё барни этиш режасини амалга оширишдаги фаоллиги шундай кўп қутблилик тизими ташкил қилининиага ҳамда бу ҳолат, ўз навбатида, минтақалараро интеграцияга ва дунё тартибо-

тининг биполяр тизими шаклланишига йўл очиши мумкин. Маълум бир шароитларда ушбу тенденция БМТнинг минтақаларо тузилма сифатида трансформациялашувига, ёки БМТ базасида АҚШнинг роли асосий бўлмаган янги универсал ташкилотнинг тузилишига олиб келиши мумкин.

3. Халқаро тизимнинг институтлашуви.

Минтақавий моделларнинг мураккаблиги буюк давлатлар ва таъсир соҳалари ҳақидаги анъанавий қарашлар билан осонгина муносабатга киришиши мумкин эмас. Шундай бўлса-да, минтақавийлик ва қудратли давлатларнинг бир мунча кенг мувозанати ўргасидаги мутаносибликлар муҳим омил сифатида қолаверади, бироқ – бу қудратли давлатларнинг ноклассик мувозанати бўлиб, бундай тартиб буғунги кунда халқаро ҳамжамият дуч келган ҳавф-хатарларга мос келмайди. Бир вақтнинг ўзида барқарор ва асосий қудратли давлатлар ўргасидаги келишилган тушунчалар доираси ва ушбу қудратли давлатларнинг муҳим минтақавий манфаатларини тан олиш барча халқаро, яъни глобал на минтақавий институтлар фаолият юритишнинг зарурӣ таркибий қисми сифатида қоланеради. Ушбу институтлар учун бундай ҳолатларга писандизлий билан қараш улар самарадорлигига путур етказиш ҳисобланади.

Европа Иттилоғи. ЕИ мисолида бирлашув на таркибий қисмларга ажралиши, уларнинг ўзаро жисплашиши, бир-бирини тўлдириши ва янги халқаро тартибининг шаклланиш жарабёнидаги модификацияси мос келишини кутиши мумкин.

Европа Иттилоғи минтақавий ташкилот бўлиб, минтақавийликни энг юқори даражада – жугофий яқин жойлашган миллатлар ўргасидаги бирлашмаларни ва интеграция алоқаларини бевосита амалга оширадиган халқаро, давлатлараро ҳамкорлик шаклида акс эттиради. Бундай ҳамкорликнинг шартлари миллий манфаатларнинг умумийлиги, ижтимоий-сиёсий тизимларнинг ўхшашлиги, иқтисодиёт ривожланиши на бир-бирини тўлдиришининг солишитирма даражаси тенглиги, маданият, тил, тарихий анъаналар ва диннинг ўта яқинлиги кабилардир.

ЕИ – бир мунча институтлашган интеграциявий бирлашув бўлиб, миллийликдан устун турувчи институтлар фаолиятининг ташкил қилинishi даражаси давлат аппарати механизmlари билан қиёслантган бўлиши мумкин. ЕИ да нафақат ҳар қандай замонавий давлат учун хос бўлган (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) ҳокимият органлари, балки илгари миллий давлатлар вазифасига кирадиган соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдан дарак берадиган бошқа бир қатор институтлар ҳам амал қиласди.

Европа минтақавий интеграцияси йўлида тўсиқ – бу миллатчилик ва турли-туманликлар. Миллатчилик биринчидан, маданий бирликка сиёсий тус беришга интилиш сифатида, иккинчидан, этнослар давлатни ташкил қилувчи миллатчилик сифатида тушунилиши мумкин.

1994 йилнинг 1 январидан кучга кирган Эркин савдо ҳақида **Шимолий Америка келишуви** (НАФТА), АҚШ Конгресси томонидан қийинчиллик билан ратификация қилинганидан ҳамда Мексика ва Канада қонунчиллик ҳокимиятлари томонидан маъкулланганидан сўнг институционал минтақавий,

ҳатто қитъавий, иқтисодий ҳудуд таъсис қилинди. Бу эса – АҚШ ва Канада ўргасида 1988 йилдаги эркин савдо түғрисидаги келишувни сақлаб қолган ва тасдиқлаган ҳолда, янги келишув асосида 6,3 трилл. Долл. ЯИМга, 370 млн. аҳолига ва дунё экспортида 20фоиз ҳиссага эга бўлган ниҳоятда катта умумий бозор ташкил қилинишига олиб келди.

НАФТА – қачонлардир минтақавий савдо-шериклар ўргасида ва биринчи марта ривожланаётган ҳамда индустрисал давлатлар ўргасида тузилган эркин савдо түғрисидаги бир мунча кўптомонлама келишувидир. Товарлар савдоси ва хизмат кўрсатишнинг шартномада келтирилган либерал тартиби, ташкии иқтисодий фаолиятнинг ҳар томонлама чуқур қамраб олингандиги, низоларни ҳал қилишнинг ишончли механизми ва бошқа қатор қоидалар ушбу бирлашувни бошқа минтақавий келишувлардан фарқлаб туради.

Америка Эркин Савдо ҳудуди (Free Trade Area Americas - FTAA). 1994 йилнинг декабрь ойида АҚШнинг Майами шаҳрида Фарбий яримшарнинг 33 мамлакати лидерлари АҚШнинг қитъалароро эркин савдо ҳудудини яратиш түғрисидаги ташаббусига кўшилдилар.

Трансатлантика иқтисодий ҳамкорлиги (Transatlantic Economic Partnership – ТЕР). Шуни тахмин қилиб айтиш мумкинки, АҚШ ва Фарбий Европа ҳали узоқ вақтлар юқори технологиялар, фан ва самарали ишлаб чиқаришнинг асосий марказларидан бўлиб қолаверади. Фарбнинг ҳарбий соҳадаги позицияси ҳам ўзига муносиб бўлиб, бугунги кунда у дунёдаги энг кучли ҳарбий конгломерат ҳисобланади.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик форуми (Asian-Pacific Economic Cooperation Forum – АРЕС). АРЕКнинг ташкил қилинишига бир қатор сиёсий ва иқтисодий омиллар имкон берди: минтақанинг жадал суръатлар билан ривожланиши, ОТМнинг иқтисодий ўзаро боғлиқлигининг иисбатан ўсиши, протекционизмдан кўркиш, “совуқ уруш”нинг тугаши билан турӯлаштаётган сиёсий ва дипломатик кучлар жойлашувининг ўзгариши, Европадаги умумий бозор ривожланиши ва Шимолий Америкадаги минтақавийлашув истиқболларидан безовталик шулар жумласидандир.

Осиё-Тинч океани минтақасидаги ҳамкорлик минтақанинг диний (христиан, ислом, буддизм), сиёсий (ҳар хил сиёсий тизимларининг амал қилиши), демографик ва иқтисодий ранг-баранглиги натижасида мураккаблашиб бормоқда. Асосан фарбий давлатлар ва Осиё аъзо мамлакатлари ўргасидаги фарқлар кўриниб қолмоқда, яъни минтақавий интеграцияни чуқурлаштиришга оид аниқ масалаларни кўриб чиқишига ўтилаётганда Осиё давлатлари интилиш ва ташаббус кўрсатишдан кўра, тийилиб туриш ва эҳтиёткорлик йўлини тутишмоқда. Натижада, бир қатор АСЕАН (ASEAN), АФТА (AFTA), АНЗСЕРТА (ANZCERTA)¹ сингари субминтақавий иттифоқлар ўз фаолиятларини давом эттируммоқда. Ушбу келишув аъзо мамлакат-

¹ Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Ассоциацияси. //Association of South-East Asian Nations (Бруней, Иndonезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Таиланд, Вьетнам, Лаос, Камбоджа, Мьянма), 1967; АСЕАН давлатлари эркин савдо түғрисидаги келишув, 1992; Иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш бўйича Австралия-Янги Зеландия савдо келишуви, 1983.

лар ўртасида савдо ва инвестиция соҳасидаги тўсиқларнинг камайишига олиб келиши лозим.

4. Янти дунё тартиботини шакллантиришнинг глобал жараёнлари.

Хозирги даврда инсоният олдида турган муаммолар, ҳеч шубҳасиз, унинг яшаб қолиши, шунингдек, барча халқларнинг тақдири билан боғлиқ муаммолардир. Бундай муаммоларни глобал муаммолар деб аташ одат тусига кирган. Таҳлил қилиш учун қулайлик яратиш мақсадида уларни бир неча асосий гуруҳларга бирлаштириш мумкин:

- **халқаро ижтимоий-сиёсий муаммолар**: ядро урушининг олдини олиш, куролланиш пойгасининг даражасини пасайтириш, минтақавий ва давлатларо низоларни ҳал этиш, ялпи хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш асосида зўравонлика асосланмаган дунёни шакллантириш, халқлар ўртасида ўзаро ишончни қарор топтириш;

- **халқаро ижтимоий-икътисодий ва экологик муаммолар**: заиф ривожланганлик ва у билан боғлиқ қашшоқлик ҳамда маданий қолоқликни бартарраф қилиш; энергетик, ҳом ашё ва озиқ-овқат тангликларини ҳал этиш ўйларини қидириб топиш, космик фазони ва дунё океанини тинчлик мақсадларида ўрганиш; ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлигини, инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган барча табиий ва инсон томонидан яратилган шарт-шароитларнинг хавфсизлигини тъминлаш;

- **инсон муаммолари**: асосий ҳукуқлар ва эркинликларга риоя этилиши; инсоннинг яшаши учун зарур ҳёттий шарт-шароитларни тъминлаш, маданиятнинг ривожлантирилиши ва сақлаб қолиниши, ижтимоий муносабатларнинг демократлаштирилиши, инсоннинг табиатдан, жамиятдан, сиёсат ва халқаро муносабатлардан ажralиб қолишига барҳам бериш.

Инсониятнинг глобал масалаларини ҳал этишга оид фаолияти миллий манфаатларни бутун жаҳон ҳамжамияти манфаатлари билан боғлашга тўғри келган даврда дунё сиёсатининг барча субъектлари ўртасидаги кураш ва ўзаро ҳамкорликнинг мураккаб шароитларида амалга ошириялгани. Шу сабабли, глобал хусусиятга эга бўлган турли муаммоларни ҳал этишида турлича даражадаги натижаларга эришилди. Энг катта ютуқлар жаҳон уруши хавфини камайтириш муаммоси бўйича қўлга киритилди, чунки бу ўринда барча давлатларнинг асосий миллий манфаатлари ҳеч бир истисносиз мос тушади. Ўз навбатида, сайсраримиз глобал муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

XX аср 90-йилларнинг бошидан бошлаб, икки тизимнинг ҳарбий-сиёсий паритетига асосланган конфронтация мувозанатидан янги, кўп қутбли дунё тартибига ўтиш юз бермоқда. Дунё тузилишининг бундай модели жаҳон ҳамжамиятининг глобал манфаатларига энг кўп даражада жавоб бера олишини бутун ҳётнинг ўзи тобора кўпроқ тасдиқламоқда.

Умуман олганда, учинчи минг йилликнинг бошида халқаро сиёсат субъектларининг бирлашган саъи-ҳаракатлари туфайли кўпчилик давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланаётган янги, демократик дунё тартиби концепцияси шаклланди. Унинг ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Янги дунё тартиби қуйидагиларни кўзда тутади:

- ҳалқаро муносабатларни қуролсизлантириш;
- барча мамлакатлар манфаатларининг мувозанати асосида минтақавий ва глобал хавфесизлик тизимларини яратиш;
- у ёки бу мамлакатлардаги ларзалар ва ўзгаришлар натижасида сиёсий вазият кескинлашган ҳолларда ҳалқаро барқарорликнинг таъминланиши;
- давлатлар ўргасидаги муносабатларни уларнинг ҳар бирини ижтимоий-сиёсий танлаш эркинлигига, суверенитети ва мустақилигига кафолат берувчи ҳукуқий база асосига қуриш;
- ҳалқаро муносабатларни мағкурадан холи қилиш;
- мамлакатлар ва ҳалқларнинг бутун сайдерада инсон ҳукуқларининг тўлиқ таъминланиши ва ҳимоя қилинишидаги ўзаро ҳамкорлиги;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва Ҳалқаро тинчликни сақлаб турувчи механизмларнинг ролини мустаҳкамлаш.

Демократик дунё тартибининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши – фаяқат ҳалқаро сиёсат субъектларининг айrim ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни эмас, балки муаммоларнинг барча кенгайиб бораётган доираси бўйича уларнинг манфаатлари ва кучларининг доимий мувозанатига эришишни ва ундан бутун дунё ҳамжамияти манфаатлари йўлида фойдаланишини талаб қиласидиган ўта мураккаб вазифа.

Ҳозирги ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, умумцивилизация қадриятларига, сиёсатнинг инсоний мезонларига, ҳалқаро ҳукуқ тамойилларига риоя қилиш барча мамлакатлар билан амалда ҳақиқий тинчлик, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга, ҳар бир ҳалқнинг ўз ривожланиш йўлини танлаб олиш ҳукуқини амалга оширишга имкон беради.

ТАШҚИ СИЁСАТ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАЦИЯСИ

Режа:

1. Ташқи сиёсат тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари.
2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси.
3. Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари муносабатлари.
4. Ўзбекистоннинг РФ, Европа Иттифоқи ва АҚШ билан муносабатлари.

1. Ташқи сиёсат тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари.

Ташқи сиёсат деганда, сиёсатнинг давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи тури тушунилади. Ташқи сиёсий мақсадлар миллий манфаатларни акс эттиради. Уларни рӯёбга чиқарар экан, давлат ўз ташқи сиёсий фаолиятини амалга оширади. Давлатнинг ташқи сиёсати ҳам ташқи, ҳам ички омиллар таъсирида шаклланади ва уларнинг мураккаб ўзаро алоқасининг ҳосиласи ҳисобланади.

Давлатлар ўртасидаги рақобат – бу объектив ҳодиса бўлиб, у суворен давлатларниң барчаси учун характерлидир. У муносабатлар ва манфаатлар йигинлиси сифатида муайян воситалар орқали юзага келади. Халқаро муносабатлар соҳасида самарали рақобатдошлиқ миллий манфаатларни ифодаловчи ташқи сиёсат натижасида пайдо бўлади. Кенг маънода ташқи сиёсат – бу халқаро муносабатларда давлатнинг ўз миллий манфаатларини рӯёбга чиқаришидир. Шунингдек, ташқи сиёсат муайян маҳкаманинг стратегияси, тактикаси ва асосий фаолият йўналишини ташкил қиласи.

Ташқи сиёсатнинг “**ҳимоя қилиш**” вазифаси давлат ва халқнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, мудофаа, миллий манфаатлар кабиларни ҳимоя қилишдан келиб чиқади.

“**Ташаббус кўрсатиш**” эса ташқи сиёсатда самарали ғоялар, ташаббуслар билан чиқиши, геосиёсат оламида давлатнинг ўз ўрнига эга бўлишини таъминлашдан иборатdir. Ҳар қандай ҳолатда бу вазифалар мақбул даражада бажарилса, давлатнинг ташқи сиёсати кутилган самарани берали (40-жадвал).

Ташқи сиёсат давлат фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида мухторлиги ва ўзига хос хусусиятга эгалиги билан ажralиб туради. Бундан ташқари, у аниқ вазифаларга, предмет ва методларга эга бўлади. Масалан, хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги ташқи сиёсат сиёсий, ҳарбий-техникавий, гуманитар каби

Ташқи сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари

Ташқи сиёсат - бу давлатнинг ўз манбаатларини эмалга ошириш учун бошқа давлатларнинг субъектлари билан ҳалиқаро майдонда олий борадиган фолијити		
Ташқи сиёсатнинг характерли хусусиятлари	Ташқи сиёсатнинг мақсаллари	Ташқи сиёсатни аматга ошириш шакллари
Июки томонлама ҳамкорлиги	Ички сиёсий йўналлиш учун қулай ташқи сиёсий шароитлар яратиш	Давлатлар ўргасида дипломатик алоқаларни ўрнатиш ёки тутатиш
Фаолият субъектлари – ҳалиқлар, давлат, корпорация, ижтиёмий ҳаракатлар	Ҳалиқаро муносабатлар тизими билан асосланган ташқи сиёсий вазифаларни амалга ошириш	Ҳалиқаро ташқилотлар қошида давлат ваколатхоналарини очиш ёки уларга аз юлий
Ҳалиқаро нормалар ва қадрингларнинг мукаммал асосланганини	Умумбашарий муаммоларни ечишида давлат иштирокини таъминлаш	Бошқа давлат вакиллари билан доимий ёки вақтиначлик алоқаларни ўрнатиш

Матба: Политология Учебник. (Под ред. В. И. Буренко, В. В. Журависка). М., 2005.

соҳалардаги муаммоларни бошқа давлатлар билан биргаликда ҳал қиласди. Давлатларнинг ҳалиқаро ҳамкорлиги ҳарбий соҳада ўзаро тушунувчанликни, хавфисизликни таъминлашса, куролли кучларнинг жанговар тайёргарлигини оширишда яқдил бўлишни тақозо этади. Айни пайтда, ташқи иқтисодий фаолиятда ҳам ўзига хос вазифалар бажарилади. Бунда асосий эътибор хорижий инвестицияларни бошқариш, коммуникация тизимини ривожлантириш, самарали иқтисодий ҳамкорлик кабиларга қаратилиади.

Дунёдаги ҳозирги ўзгаришлар ватанимиз тарихининг энг оғир, аммо бошдан кечириш муқаррар бўлган демократия ва бозор муносабатлари йўлига ўтиш билан боғланган даврига тўғри келди. Ўзбекистон ҳозир ўз тақдирининг мураккаб чорраҳасида турибди. Ўзбекистоннинг қандай йўлни ташланиши, ривожланишининг қайси муқобил вариантини мақбул кўриши кўп жиҳатдан бизнинг сиёсатчиларимизга, давлатда қандай сиёсат фаолият кўрсатишига боғлиқ.

Мустақил ривожланишнинг 16 йили давомида тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати фақат дунё жараёнларига адекват, тўғри муносабат билдиришнинг эмас, балки ички ривожланиши вазифаларини ҳал этишнинг самарали воситаси сифатида ҳам шаклланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, у миллий манбаатларни изчил рўёбга чиқариш мақсади қартилган. Бу давлатнинг хавфисизлигини, суворенитети ва ҳудудий яхлитлигини ишончли тарзда таъминлаш, унинг олға қараб ривожланиши, иқтисодистнинг юксалиши, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркиниларининг ҳимоя қилиниши учун қулай ташқи шарт-шароитларни яратишdir.¹

Энг аввало, ҳалиқаро майдонда миллий манбаатларни фаол ҳимоя қилишга йўналтирилган Ўзбекистон ташқи сиёсати асосида айнан ана ўту тамоийлар ётади. Мустақил Ўзбекистоннинг умуман жаҳон ҳамжамияти билан, ҳалиқаро

¹ Каримов И. А. Наша цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Доклад Президента И. Каримова на первой сессии Олий Мажлиса РУ второго созыва //Вечерний Ташкент. 24 января 2004 года.

ташкилотлар ҳамда уларнинг ваколатли намояндадали билан ҳамкорлигини ривожлантириш асосида давлатимиз Президенти И. А. Каримов томонидан илгари сурйилган ташқи сиёсатнинг олти асосий тамойили ётади. Ҳусусан, олтинчи тамойилда шундай дейилади: «Ўзбекистон тўла ўзаро ишончга асосланган икки томонлама ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, ҳалқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чукурлашириш тарафдоридир».¹

Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигидаги асосий омиллар унинг бой табиий иқлими, инсоний, таълим, илмий-маънавий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидир. Албатта, бу ўлканинг қадимий маданияти ва тарихи, унинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси, республиканинг Евросиё қитъаси марказида ва ҳозирги кунда тикланаётган Буюк илдида, Фарб-Шарқ йўллари кесишган ерда жойлашган геостратегик ҳолати ҳам муҳимdir.

Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг сиёсий асоси – республиканинг суверенлиги, унинг дунёдаги кўпчилик мамлакатлар томонидан тан олинганлиги ва кўпилаб ҳалқаро ташкилотларга кириши, кўпилаб ҳалқаро конвенцияларга, шу жумладан, Инсон ҳукуқлари умумжажон конвенциясига қўшилганлиги, республикадаги барқарор вазиятнинг, унинг ислоҳотлар йўлидан оғишмай олға бораётгани, инсон ҳукуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя қилинишини таъминловчи демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жамиятнинг маънавий янгиланиши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишдан ибораг сиёсий стратегик мақсаднинг аниқ ривожланганлиги ҳам катта аҳамиятга эгаdir.²

Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг ҳукуқий асоси эса – республика қонунчилик базасининг узулуксиз ислоҳ қилиниши ва такомиллаштирилиши, ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳукуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар, фармонлар ва қарорларнинг қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон қонунчилигининг ҳалқаро ҳукуқ меъёrlарига тобора кўпроқ яқинлаштирилиши, турли соҳалардаги юзага келувчи ҳалқаро ҳамкорликка оид у ёки бу масалаларни ҳал этишда ҳалқаро ҳукуқнинг республика ҳукуқидан устунлигининг эълон қилиниши ва эътироф этилишидан иборат. Бу ҳол, ҳусусан, Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир тузилган битимлари на шартномаларида ҳамда республиканинг ўзи аъзо бўлган ҳалқаро ташкилотлар ишидаги фаол иштирокида ўз аксини топали.

Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг миқёси ва даражаси унинг дунёга очиқлиги, энг муҳим ҳалқаро ташкилотларга аъзо-

¹ Каримов И. А. Наша цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Доклад Президента И. Каримова на первой сессии Олий Мажлиса РУ второго созыва //Вечерний Ташкент. 24 января 2004 года.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка тахлил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кағоятлари //Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998. 239-бет.

лиги, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига тобора кўпроқ қўшилиб бориши билан белгиланади. Ўзбекистон 800 дан ортиқ кўп томонлама ва икки томонлама битимлар ҳамда шартномалар тузди, 70 дан ортиқ энг муҳим конвенциялар ва шартномаларга қўшилди. Бундай шартномалар ва конвенциялар қаторида Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳукуқлари ҳақидаги конвенция, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқтар ҳақидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш ҳақидаги халқаро конвенция, Янги Европа учун Париж картияси, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ва бошқаларни айтиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати минтақавий назият, мамлакатнинг тарихий тараққиёт тажрибаси, сиёсий ва иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда назарий ва амалий жиҳатдан илмий асосларга таянади. Ташқи сиёсатда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди¹. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

- мафкуравий қараашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлисизлигини ҳурмат қилиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- инсон ҳукуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш;
- ички миллий қонунлар ва ҳукукий меъсрлардан халқаро ҳукуқнинг умумътироф этилган қоидлари ва меъсрларининг устуворлиги;
- давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фароновлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажralиб чиқиш;
- тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;
- давлатлараро алоқаларда тенг ҳукуқлилик ва ўзаро манфаатлорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишунлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.

Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизликка мос бўлган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги 165 давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Булар жумласига АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистонда 88 та хорижий мамлакат ва халқаро

¹ Жўрасев С., Жалилов А., Сайдолимов С. Хорижий давлатларнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси. Ўқувдастури. Т., 200. 40-бет.

ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматларо ва 13 та ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 50 га яқин давлатда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди².

2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини таълади ва оғишмай шу йўлдан бормоқда.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлидан бориб Жаҳон банки, Халқаро Валюта жамғармаси, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот ҳамда бошқа халқаро молияний-иктисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, *Халқаро валюта жамғармаси* мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур ислоҳ қилиш мақсадида мунтазам таркибий ўзгартиришлар дастури ишлаб чиқилди. *Жаҳон банки* билан Ўзбекистонга ислоҳотларни янада чукурлаштириш, миллий валютамизни мустаҳкамлаш учун 160 миллион АҚШ доллари миқдорида тикланиш қарзи бериш тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг хоҳиши-иродаси ва таклифига кўра, 1992 йилнинг 2 марта жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот – *Бирлашган Миллатлар Ташкилотига* қабул қилинди. Ўзбекистон БМТ Низомини, халқаро ҳукуқий меъёрларни, давлатларо муомала қоидаларини, шунингдек, БМТ таркибига кирувчи халқаро ташкилотлар талабларига риоя қилишини билдириди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла тенг ҳукуқли аъзоси бўлди.

1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ раҳбарларининг сайд-ҳаракатлари натижасида БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси Ўзбекистонда БМТнинг Тараққиёт дастури, қочоқлар иши бўйича олий қўмита комиссари, Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, Наркотик моддаларни назорат қилиш дастури, Саноат тараққиётини дастури, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга мувваффақ бўлди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигининг ёрқин саҳифаларидан бири Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан коли зонага айлантириш масаласида ўз ифодасини топди. Айнан Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан 2006 йилда *Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд* леб эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида БМТ доирасидаги ихтисослашган ташкилотлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, унинг БМТ ҳомийлигига таълим, фан ва маданият билан шуғулланувчи халқаро ташкилот – *ЮНЕСКО* билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 190 давлат аъзо бўлган ЮНЕСКОнинг бош мақсади

² Жалилов А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Маъruzalap matni. ЖИДУ. Т., 2002. 73-бет.

— барча халқлар келажагининг умумийлиги асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, ҳозирги замон муаммоларини янада чуқурроқ ўрганишга қўмаклашишдан иборат. ЮНЕСКО ҳар йили ўз фаолияти доирасида жаҳонда 150—200 йирик тадбир ўтказади. ЮНЕСКО ҳар бир давлатдаги илғор тажрибаларни ўрганувчи ва бошқаларга тарқатувчи «ғоялар лабораторияси» ролини бажармоқда.

1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлди. 1993-2007 йиллар мобайнида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда юртимизда ва ЮНЕСКОнинг бошқа аъзо мамлакатларида ватанимиз фани, таълими, маданияти ва тарихига оид юзлаб тадбирлар ўтказилди. Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлар рўйхатига киритилди. 2006 йил Президент И. Каримовга ЮНЕСКОнинг “Баробудур” олтин медали топширилди. ЮНЕСКО ташкилоти ҳар икки йилда бир марта Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалига ҳомийлик қилиб кельмоқда.

Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар – Жаҳон солиқни сақлаш ташкилоти, халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТнинг болалар фонди, Халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро олимпиада қўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар билан ҳам кенг ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар – Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам қўмаклашмоқда.

Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида дунёла тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширатганд нуфузли халқаро ташкилот – *Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти* (ЕХХТ)га аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси ташкилоти, қўшилмаслик ҳаратаки ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

1996 йил февраль ойида Ўзбекистон *Европа Иттифоқи* билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокаралар бопшади. Шу йил июль ойида Флоренция шаҳрида Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон, Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳукуқий негизи бўлиб, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очди. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ҳавфсизлиги ва тараққиётини таъминлончи мухим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида Ер сайдерасининг озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенциясига, Озон қатламини камайтирувчи моддалар ҳақидаги Монреал Протоколига, Атроф-муҳитта таъсир этувчи

воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни тақиқловчи конвенцияга, Ядро куролини тарқатмаслик хақидаги шартномага қўшилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихан қисқа бир даврда жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, ва, шу аснода, ҳалқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилиша, шунингдек, ҳалқаро ҳамда минтақавий ханфисзликни мустаҳкамлашда фаол қатнашा�ётган нуғузли давлат даражасига кўтарили.

3. Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари муносабатлари.

Ўзбекистон-Афғонистон. Президент Ислом Каримов 2005 йил январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимиз ички ва ташки сиёсатининг энг долзарб муаммолари ҳақида ҳам алоҳида фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Ўзбекистон раҳбари Афғонистонлаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёйлар билан бир қаторда, минтақада сақланиб қолаётган стратегик мавҳумлик ҳолати хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон ва Афғонистон қадимдан бир-бирига қўшини, ерлари бир-бирига туташган, бир дарёдан сув ичib келган. Икки давлат раҳбарлари ўртасида бир неча бор учрашувлар бўлиб ўтди. Дўстона ва амалий муносабатлар ўрнатилди. Бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Қобул ва Тошкентда дипломатик ваколатхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ҳам толибонлар режими ва ал-Қоида террористик ташкилотига қарши давлатлар коалицияси тарафида туриб курашда қатнашди. Энди эса Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида фаол қатнашмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар вайрон бўлган ўндан ортиқ кўприкларни таъмирлаб, йўлларни эксплуатация қилишга лойиқ ҳолатга келтирмоқдалар. Ўзбекистон Афғонистоннинг шимолий вилоятларига электр энергияси етказиб бермоқда. Ўзбекистон автомобиллари, курилиш материаллари ва бошқа товарлари Афғонистон бозоридан мустаҳкам ўрин эталланмоқда. Кўп афғон ёшлари Ўзбекистоннинг турли олий ўқув юртларида ўқимоқдалар. Эрон, Афғонистон билан тузилган шартномага биноан, ўзбекистонлик мутахассислар Термиз шаҳрини Эроннинг Чахбаҳар порти билан Ҳирот шаҳри орқали боғловчи янги автомобиль ўйлени куришда қатнашадилар. Келажакла шу ўйлга параллел равишда темир йўл қурилиши ҳам мўлжалланган.

Ўзбекистон ва Жанубий Осиё. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг мустақилликнинг дастлабки йилларида *Покистонга* қилган давлат ташрифи Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорликка асос солган бўлса, Покистон Ислом Республикаси Бош назири Муҳаммад Навоз Шарифнинг Ўзбекистонга ташрифи ва унда имзоланган ҳужжатлар муносабатларни янги поғонага кўтарди. Бу учрашувларда давлатлараро муносабатларда муҳим бўлган Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги шартнома, иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги, шунингдек, маданият, соғлиқни саклаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот

соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бундан ташқари, икки давлат ўртасида сув ресурслари, электрлаштириш, ирригация ва мелиорация соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги, почта ва телекоммуникация соҳасида, давлат банклари ва миллий банклари ваколатхоналар айрбошлиш тўғрисидаги, инвестициялар ва сармояларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

2005 йил март ойида Покистон Президенти Парvez Мушаррафнинг Ўзбекистонга ва 2006 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистонга қилган ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда муҳим из қолдириди.

2007 йил 14-15 март кунлари Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азизнинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи Ўзбекистон-Покистон муносабатлари ривожида янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон ва Покистон раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувларда ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш билан бирга Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва унга ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Икки мамлакат раҳбарлари афғон муаммоси бўйича мулокотларга мунтазамлик тусини беришга, террорчилик, наркобизнес ва экстремизмга қарши кураш борасида тажриба ва ахборот алмашиб боришига келишиб олдилар.

Дунё энергия захираларига эҳтиёж ортиб бораётган бир пайтда, Покистон энергия манбаларига бой ҳисобланган Марказий Осиёдан чиқадиган жаҳнубий йўналишдаги янги транспорт тармоқларининг ўз коммуникациялари га туташишидан манфаатдор. Ўзбекистон Покистон йўллари орқали Арабистон дengiz соҳилларига чиқиш имкониятининг мавжудлиги эса икки томон учун ҳам манфаатлидир. Покистон компаниялари Ўзбекистон ҳудудидаги нефть-газ конларини қидириш ва ўрганишга жиддий қизиқиш билдиromoқда. Шунинг учун Исломободда Афғонистон орқали Покистонга чиқадиган транспорт тармоқларини барпо этиш лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу Покистон товарларининг (пластмасса буюмлар, чарм ва картондан ясалган маҳсулотлар, дори-дармон, мева) Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари бозорларига кириб боришига ҳам хизмат қилиши шубҳасизdir.

Ўзбекистон эса, ўз навбатида, Покистон бозорига йўналитирилган экспорт ҳажмини (пахта, полиэтилен, суюлтирилган газ, кабель, минерал ўғитлар, ғалла, қишлоқ хўжалиги техникиаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Мисол учун, Покистон Ўзбекистон пахтасини учинчи давлатлар орқали сотиб олар эди. Масалан, 2006 йилда ўзаро товар айрбошлиш ҳажми икки ҳисса ортиб, 20 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Эрон бандаргоҳлари орқали Покистонга куборилган Ўзбекистон пахтасининг қиймати бу кўрсаткичдан бир неча карра ортиқ. Шуларни инобатга олиб, икки мамлакат раҳбарлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон кўшма комиссиясининг фаолиятини такомиллаштиришга келишиб олганлар. 2007 йилнинг бошида Исломободда комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Покистон Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи асносида эса икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ташкил қилинди.

Покистонда Ўзбекистоннинг нафақат пахта ва илагига, юргимизда давом этаётган хусусийлаштириш жараёнига ҳам қизиқиш катта. Энергетика ва транспорт коммуникациялари соҳасида амалга оширилаётган ҳамкорлик истиқболда тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда қўшма корхоналарнинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистондаги мавжуд қулий сармоявий муҳит покистонлик ишбилармонларнинг юргимизга қизиқишини тобора оширимоқда. 2007 йилда Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида тузилган 40 тага яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатган хизматларнинг йиллик ўртача қиймати 20 миллиард сўмга, экспорти ҳажми эса 4 миллион АҚШ долларига етади.

Ўзбекистон Жанубий Осиёнинг лидер мамлакати бўлган **Ҳиндистон** билан ҳам алоқаларини кенгайтироқда. Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан алоқаларининг янги босқичига кўтарилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2005 йил 4-6 апрель кунлари шу мамлакатта қилган давлат ташрифи алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ташриф давомида Президент И. Каримов билан Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмоҳан Сингх ўртасида музокаралар олиб борилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳиндистон Марказий Осиё Республикалари орасида Ўзбекистон билан яқин иқтисодий ва сиёсий, маданий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манбаатдор эканлигини намоён этмоқда. Ҳозирги лайтда Ҳиндистон билан қўшма асосга эга бўлган 30 дан ортиқ компаниялар Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритмоқда. Биргина 2004 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми 121 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди.

Ҳиндистон билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликка қизиқиш нафақат иқтисодий, балки геосиёсий омиллар билан ҳам мустаҳкамланмоқда. Зоро, Ҳиндистон бутун Жанубий Осиё минтақасида ёки Марказий Осиё билан муносабатлардагина эмас, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам ўзининг обрў-эътибори ва салоҳияти билан юксак мавқега эга бўлиб бормоқда. Гарчи анча маданий тусла ёндашаётган бўлса-да, Ҳиндистон Марказий Осиёга ҳудуди Россия, Хитой, АҚШ ёки Япония сингари геосиёсий объект сифатида қарамоқда. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда Ҳиндистонга «учинчи дунё мамлакати» сифатида муносабат билдириш ярамайди, балки аксинча, унга жуда жиддий геосиёсий ўйинчи сифатида муносабат қилингандагина ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ўзбекистон ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ. Мустақилликка эришган ҳар қандай давлатнинг тараққиёти учун нуфузли давлатлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим бўлиб, Ўзбекистон ҳам истиқлоннинг ilk кунлариданоқ ана шундай эзгу мақсад йўлида ҳаракат қила бошлади.

Биринчилар қаторида Ўзбекистон Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан алоқа ўрнатиш ва алоқани ривожлантиришга киришиди. Негаки, бу давлатлар билан Ўзбекистоннинг қадриятлари, дини, урф-одати ва анъаналари жуда яқинидир.

Ўзбекистон билан **Туркия** ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда

анча кенгайди. Ўзбекистонда Туркия элчихонаси, Туркияда Ўзбекистон элчихонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Икки давлат ўргасидаги ҳамкорлик газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшма корхоналар куриш, кадрлар тайёrlаш, туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳалар амалий натижалар бермоқда. Туркиялик ҳамкорлар Ўзбекистон иқтисодиётига 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоялар киритди. 200 га яқин қўшма корхоналар барпо этилди. «Коч холдинг», «Айセル» шулар жумласидандир.

Эрон Ислом Республикаси билан Ўзбекистон ўргасидаги алоқаларга зътибор қаратадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, Эрон Марказий Осиё билан яқинлашиш мақсадида тарихий-маданий омилларни восита сифатида кўллашга ҳаракат қиласди. Ўзбекистон эса Эроннинг қулай стратегик жойлашуви, Форс кўрфазидаги бандаргоҳаридан ўз маҳсулотларини дунё бозорига олиб чиқиш мақсадида фойдаланади.

2003 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эрон Ислом Республикасига қилган давлат ташрифи икки мамлакат ўргасида изчил ва дўстона алоқалар ривож топаётганидан далолат беради. 2002 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўргасидаги маҳсулот айирбошлиш ҳажми 260 миллион АҚШ долларига тенг бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Икки мамлакат ўргасида дипломатик алоқалар ўрнатилган давр ичida 40 дан ортиқ турли характердаги ҳужжат имзоланган. Агар 1996 йилда Эрон ҳудудидан 34 минг тонна транзит юк олиб ўтилган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 500 минг тоннага етди. 2002 йилда Ўзбекистон ҳудуди орқали ташиб ўтилган Эронга тегишили юкларнинг умумий миқдори эса – 750 минг тоннани ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси билан Яқин Шарқ мамлакатлари ўргасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришда – **Кувайт Амирлиги** ўзига хос ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Кувайт давлати Амири шайх Жаббор ал-Аҳмад ал-Жаббор ас-Сабаҳнинг таклифига мувофиқ, 2004 йилнинг 19-20 январида шу давлатга расмий ташриф буюрди.

Кувайт Амирлигига бўлиб ўтган расмий музокараларда Ўзбекистон билан Кувайт ўргасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, хусусан, сармоя жалб этиш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва транспорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш имкониятлари келишиб олинди. Учрашувлар чоғида Кувайт давлатида ер ва сув ресурларидан фойдаланиш бора-сида тўпланган тажриба Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қўл келиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йил 17-19 апрель кунлари **Миср Республикасига** расмий ташриф буюрди. Сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида мамлакатимиз раҳбари ушбу мамлакат тўғрисида ўзининг айрим мулоҳазаларини баён қилас экан, Ўзбекистон таъкиси сиёсатида Мисрнинг ўрни қанчалик муҳим эканлигини зътироф этди.

Миср қуруқликда Африка билан Осиёни, сув йўллари орқали Осиё-Тинч океани мintaқаси билан Европани боғлайди. Шу боис, Ўзбекистон ва Миср мintaқавий ҳамда халқaro сиёсатда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сирасига киради.

Миср – маданиятнинг, давлатчиликнинг энг қадимий маркази. Мисрни Нил неъмати деб атайдилар. Дунёдаги энг узун дарё, ушбу ўлкадаги ҳаёт манбай бўлган Нилда сув миқёсини ўлчайдиган иншиотни улуғ аллома, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний бунёд этган. Ўзбекистон билан Миср халқлари нинг бундай тарихий яқинлиги ва ҳамкорлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қадимги Шарқнинг фанлар академияси ҳисобланган «Байтул ҳикма»да ижод этган ватандошларимиз – буюк алломаларнинг аксарияти Мисрга бориб, маҳаллий халқнинг илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон билан Миср халқлари ўртасида бугунги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига аждодларимиз асос согланлар.

Гуманитар ҳамкорлик – тарихий муштараклик тақозоси. Ҳусусан, таълим соҳасидаги алоқалар жуда фаол. Икки мамлакат кадрлар тайёрлашда бирбiriга кўмак берадиган. Ўзбекистон ва Миср олий ўкув юрглари ўртасида йиғирмадан зиёд ҳамкорлик битими имзоланган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётир. Фармацевтика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор. Ўзбекистон мустақиллик йилларида бу соҳани фаол ўзлаштириди ва жадал ривожлантироқда. Миср ҳам фармацевтика соҳасида катта салоҳият ва бой тажрибага эга. Биргаликда фармацевтика корхоналарини очиш орқали мамлакатларимиз Марказий Осиё ва умуман, МДҲ бозорларининг салмоқли қисмини эгаллаши мумкин. Айни пайтда бу йўналишда саккизта лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. 2007 йилнинг март ойида Тошкентда Савдо-иктисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг наубатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Икки томонлама ҳамкорликнинг улкан имкониятларини намойиш этган ушбу анжуман якунида савдо алоқаларини ривожлантириш, ҳусусан, Мисрга кўплаб турдаги маҳсулотлар, жумладан, замонавийлаштирилган Ил-76 юк ташиш самолётлари ва Ил-114 ўловчи ташиш самолётлари, тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, кабель-ўтказгич маҳсулотлар, трансформаторлар, күёш батареялари, мис, ипак етказиб бериш борасида кўплаб келишувларга эришилди. Сайёхлик, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик алоқалари тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримовнинг 2007 йил апрель ойида Мисрга қилган ташрифи асносида ўзаро алоқаларнинг ҳукуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳукуқ соҳасида тажриба алмашиб тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгashi, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Миср Савдо пала-

татари федерацияси, «Ўзинфонвест» агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти. Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида англашув меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Миср Миллий банки, «Банк дю Каир» ва «Банк Мисрий» ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзолани.

Ўзбекистон – Хитой муносабатлари. Ўзбекистон Хитой билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Зоро, ташқи дунё билан алоқаларни кепт кўламда ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатимиз ўз минтақасида ҳавфсизликнинг асосий таяничи вазифасини ўтаётгани, унинг сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти ҳалқаро миқёса эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи ва ривожи ўзаро ҳамкорликка етарли даражада пойдевор қўйилганидан гувоҳик беради. Буни куйидаги омиллар мисолида кўриб чиқиш мумкин. Хитойнинг ҳалқаро ва минтақавий муаммоларини ҳал этишдаги таъсири кучайиб бормоқда. Бу, айниқса, Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш масалаларида яққол кўзга ташланмоқда.

Хитой Ҳалқ Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари билан жугоғий яқинлигини ҳисобга олган ҳолда, Хитой билан ҳамкорлик диний экстремизм, терроризм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес ва ноқонуний қурол-ярог савдоси муаммоларини ҳал этишида катта аҳамиятга эга. Буларни бартараф қилишиша далил қадамлар ташлаш ва биргаликла концепциялар яратиш икки давлат ҳамкорлигини янада яқинлаштириди.

Маълумки, БМТ Ҳавфсизлик кенгашинини доимий аъзолари таркибида кирувчи Хитой Ҳалқ Республикаси ва бошқа давлатлар, ўз атрофларида жойлашган ҳудудларнинг барқарорлиги учун масъуллирлар. Ушибу давлатларнинг элчихоналари Тошкентда ҳам жойлашган. Шу туфайли, улар орқали Ўзбекистон раҳбарияти дунёда тинчликни сақловчи асосий механизм бўлган Ҳавфсизлик кенгашига жаҳонда рўй берадиган турли хил сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва бошқа воқеаларига ўзининг муносабатини ўз вақтида билдириб туради.

Ўзбекистон ва Хитой Ҳалқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар куидаги мезонлар асосида амалга оширилмоқда: миллий давлатлар манбаатларининг устуворлиги, яъни ўзаро манбаатдорликни инобатга олиш; ўзаро тенг фойда кўриш; бир-бирининг ички сиёсатига арадалашмаслик; умуминсоний қадрияларига эътибор, тинчлик ва барқарорликни сақлаш; ҳалқаро ҳукуқ меъёrlарига риоя қилиш ва унинг давлат ички ҳукуқ меъёrlаридан кўра устуворлиги. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда.

Ўзаро алоқаларнинг кун қиррати бўлиши Марказий Осиёда ҳавфсизликни мустаҳкамлаш; ҳалқаро ташкилотлар томонидан тинчликни сақлаш учун олиб борилаётган тадбирларда иштирок этиш ва бу соҳада ҳамкорликни чу-

Курлаштириш; ижтимоий-иқтисодий, энергетика ва атом энергияси соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ўзаро истиқболли ҳисобланган транспорт лойиҳаларини амалга ошириш; телекоммуникация, туризм, фан, техника ва маданият соҳасида айнро бошлаш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти орқали Марказий Осиёда хавфиззик ва барқарорликни таъминлаш масалаларида ишончли тизимни яратишдан иборат бўлади.

2005 йилнинг 16-18 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг XXРга навбагдаги расмий ташрифи чогида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорлик изчили ривож топаётганлиги яна бир бор ўз исботини топди. Ўзбекистонда фаолият кўрсататиган 100 га яқин Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси фикримизнинг яққол далилидир. Айрим Европа давлатларидан фарқти ўлароқ, Хитой Андижон воқеаларига нисбатан Ўзбекистоннинг расмий позициясини кўллаб-куvvatлаган ҳолда адолатли баҳо берганини ХХРнинг ишончли сиёсий ҳамкор эканини намоён этди.

Ўзбекистон-Япония. Ўзбекистон Шарқини энг ривожланган мамлакати бўлган Япония билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирум оқда. Ўзбекистонда Япониянинг дунёга машҳур «Мицуи ва Ко Лтд», «Мицубиси корпорейшн», «Сумитото корпорейшн», «Томен корпорейшн», «Чори» каби компанияларининг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан Ўзбекистон ташки иқтисодий вазирлиги ўртасида ҳамкорлик түргрисида битимлар имзоланган. Япония ҳукумати Кўкдумалоқ нефть-газ конденсати конини ўзлаштиришда, Бухорода нефтни қайта ишилаш заводини куришда, Фарғонада нефтни қайта ишилаш заводини таъмирлашда, телевизорларни тармоқларини таъмирлашда ўз сармоялари билан қатнашмоқда.

Ўзбекистон-Япония ҳамкорлигининг молиявий-иқтисодий томони республика иқтисодини испоҳ қилишила муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, Япония томони Ўзбекистонга Марказий Осиёда асосий геосиёсий ҳолатта ҳамда Япония учун катта аҳамиятга эга бўлган мамлакат сифатида қарамоқда.

2006 йилнинг кузиди Япония Бош вазири Ж. Коидзумининг Ўзбекистонга ташрифи бу мамлакатнинг Марказий Осиё минтақасига, жумладан, Ўзбекистонга бўлган қизиқишини яна бир бор инфодатлаб берди. Япония Ўзбекистонга 10дан ортиқ турли дастурлар доирасида кўмак бермоқда. Жумладан, Тошгузор-Бойсун-Кумкўргон темир йўлиниң қурилишида Япония 150 миллион АҚШ лодлари миқдорида кредит ажратган ҳолда амалий ёрдам кўрсатли. Мамлакатимиз тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган ушбу йўл 2007 йил августида расман фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар янги босқичча кўтарилаётганлигини таъкидлаш мумкин. 2007 йил апрель ойининг сўнгиги кунларида Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Акира Амариини бошчилтигидан йирик саноатчи ва тижоратчилардан иборат делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши икки мамлакат ўртасида амалий ишлар ривож топаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Тинч океани минтақаси давлатлари. Ўзбекистон Республикаси таңқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири - Тинч океани

ҳавзаси мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу мамлакатлар ўртасида, айниқса *Корея Республикаси* билан алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга.

2006 йилнинг 28-30 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Корея Республикасига давлат ташрифини амалга ошириди. Мазкур ташриф Ўзбекистоннинг геосиёсий имкониятларини ошириш билан бир қаторда, мамлакатимизга бевосита сармоя жалб қилиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир. Айнан ана шу ташриф мобайнида икки мамлакат раҳбарлари турли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириши борасидаги 15 хужжатта имзо чекдилар. Келишувлар асосида Корея Республикасидан Ўзбекистонга 1 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этилиши кўзда тутилган. Бу рақамлар Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий сиёсатида Корея Республикаси бекиёс ўрин туттанилигидан далолат беради. Матъумки, Ўзбекистон ҳам Корея Республикасининг меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлиб, бу Ўзбекистон Республикасининг Корея меҳнат бозоридаги сармоясини сифат жиҳатдан юксалтириш, мамлакатга тайёр маҳсулот экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 24-26 февраль кунлари янги сайланган Корея Республикаси Президентининг лавозимга расман киришиш маросимида иштирок этиш учун ушбу мамлакатта сафар қўйди. Давлат раҳбарларининг ушбу учрашуви икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасизdir.

Ўзбекистоннинг Тинч океани ҳавзаси мамлакатларидан *Малайзия ва Индонезия* билан ўзаро алоқалари муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Осиё ва Океания минтақасидаги *Вьетнам Социалистик Республикаси, Таиланд, Австралия* ва бошқа мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик алоқалари йўлга қўйилди, улар ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Сингапур Республикаси билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганига ҳам 10 йил тўлди. Гарчи бу мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар қандайдир аниқ шаклланган геосиёсий мазмунга эга бўлмаса-да, Сингапурнинг Жануби-Шарқий Осиёдаги иқтисодий мавқеи ва ўзи кичик ҳудудга эга бўлишига қарамасдан сўнгги 20 йил итида эришган ютуқлари нуқтаи назаридан қараганда, бу мамлакат билан алоқаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини намоён этади.

2007 йилнинг 27 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Сингапур Президенти Селлапан Рам Натаннинг тақлифига биноан мазкур мамлакатга давлат ташрифини амалга ошириди. Ўзбекистон томонидан Сингапурнинг иқтисодий имкониятлари юқори баҳоланди ва Президентнинг бу мамлакатга ташрифи айнан ана шундай амалий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2006 йил маълумотларига кўра икки мамлакат ўртасидаги маҳсулот айрибошлиш ҳажми 110 миллион АҚШ долларига етган. 2007 йилга келиб Ўзбекистонда Сингапур сармояси билан ишләётган қўшма корхоналар сони 12 тага етган. Бу ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бориши ҳар икки мамлакат манфаатларига тўла мос келади.

Мамлакатимиз раҳбарининг бу мамлакатга қилган ташрифи икки томонлама муносабатларнинг янада ривожлантиришга, бу мамлакат сармоясининг Ўзбекистонга кириб келишини кучайтиришга қаратилган.

3. Ўзбекистоннинг РФ, Европа Иттифоқи ва АҚШ билан муносабатлари.

Ўзбекистон-Россия. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ҳалқаро муносабатларда муҳим роль ўйновчи Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик муносабатлари алоҳида эътибор талаб этади. Айнан ана шу сиёсий бирликлар жаҳон сиёсатини белгилашда ҳам муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Россия билан Иттифоқчилик шартномаси имзолаган бўлса, АҚШ билан Стратегик шериклик ва ҳамкорлик шартномасини имзолаган. Европа Иттифоқи билан эса 1996 йилда кенг миқёслаги ҳамкорликни кўзда тутувчи Шериклик ва ҳамкорлик битимини тузган. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи ва мамлакатимиз ўртасида 20 га яқин бошқа турдаги шартномалар мавжуд. Икки томонлама муносабатлар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ва ҳам маданий соҳаларда ривожланиб бормоқда. Чунончи, 2001 йилга келиб, Европа Иттифоқи ва республикамиз ўртасидаги савдо айланмаси 1 млрд. 57 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Буларнинг барчаси Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутишидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик хусусида гапирганда, аввало, 2005 йилнинг кузидаги имзоланган Иттифоқчилик шартномасини қайд этиш лозим. Бу ҳужжат ҳар икки мамлакат учун кенг сиёсий ва иқтисодий имкониятлар очиб беради. Иттифоқчилик шартномаси деганда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг энг яқинлашган шакли тушунилади. Ҳалқаро муносабатларнинг бу шакли стратегик шерикчиликдан ҳам яқин ҳамкорлик муносабатларидир.

Кейинги 16 йилдаги ўзаро муносабатлар тарихига назар ташласак Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси билан давлатлараро тенг ҳукуқли муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. 1991 йилдан 2007 йилга қадар икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, музокаралар олиб бориши мөқода ва Россия Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкори бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиёдаги стратегик вазият Евроосиёда мувозанатни таъминлаш борасида муҳим аҳамиятта эга. Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг олтин, уран, энергия ҳом ашёларига бойлиги; Хитой, христиан (рус православ ва гарб католик) ва ислом маданиятлари кесишигандек жойдалиги; Россия, Эрон, Хитой, Покистон ва Ҳиндистон каби мамлакатларга ҳам салбий, ҳам ижобий маънода қўшни эканлиги; минтақа сиёсатига ва шундан келиб чиқсан ҳолца, жаҳон сиёсатига жиҳдий таъсир кўрсатувчи омиллардир.

Россия сармоядорларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кенг миқёсда инвестиция киритишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу, аввало, нефть ва газ казиб олиши, уларни қайта ишлаш, телекоммуникация, төғ-кон саноати, металургия, машинасозлик, аниқ асбобсозлик, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот-

ларини қайта ишлаш каби экспортта йўналтирилган соҳалар ва бошқа ис-тиқболли тармоқларда ўз ифодасини топмоқда.

Сўнгти пайтларда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги санло-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг кенгайиши ўзаро манафаатларни ифодаловчи табиий жараёнга айланди.

Бундай ҳамкорликнинг асосини иқтисодиётнинг оёққа туриши, ҳар икки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва бир-бирини тўлдириши, ҳудудий яқинлик, транспорт инфратузилмаси ҳамкорлигининг йўлга кўйилганлиги, шериларнинг бир-бирини яхши билиши, уларнинг ҳалқларимиз умумий маданиятидан, феъл-авторидан хабардорлиги ташкил этади.

2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалабага эришгани ва Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганидан сўнг И. А. Каримовнинг хорижий мамлакатларга қылган илк давлат ташрифи 2008 йил 6-7 феврал кунлари айнан Россия Федерациясига тўғри келганлиги ҳам ушбу мамлакат билан ҳамкорлик мамлакатимиз учун устувор аҳамиятта эга эканлигини намойиш этди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи. Ўзбекистон ташки сиёсатининг Европа йўналиши қатъиятлик билан ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистон Европа Иттифоқига аъзо бўлган бир қатор давлатлар билан, жумладан, Германия, Франция, Буюк Британия, Финляндия, Австрия, Бельгия, Швеция, Италия, Испания, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисолий ва маданий алоқалар ўрнатди ва бу алоқалар тобора кенгайиб бормоқда.

2001 йил 11 сентябрь воқеалиридан кейин Европа Иттифоқи давлатлари ҳам ҳалқаро терроризмга қарши тузилган ҳалқаро коалицияга қўшилган ҳолда ўз қўшинларини Афғонистонга юбориши. Айрим давлатлар, шу жумладан, Германия ўз ҳарбий контингентини Афғонистоннинг шимолида, бир қисмини эса Термез шаҳрида жойлашириди.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан алоқалари иқтисодиёт соҳасида ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Европа Иттифоқининг фаол аъзоларидан бўлган Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги энг яқин ҳамкори ҳисобланади. Германия Марказий Осиёда рўй берастган ўзгаришларга доимо немисларга хос холислик билан ёндашган ва доимо қўллаб-қувватлаган.

Ўзбекистон ва АҚШ. Европа Иттифоқи давлатлари билан ривожланәтган ҳамкорлик сингари АҚШ билан алоқаларни ўрнатиш кўнгина данлатларда бўлгани каби Ўзбекистон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон ва АҚШ раҳбарларининг учрашувлари, Америка парламенти юқори мартабали вакилларининг ташрифлари. Ўзбекистон – АҚШ муносабатларини янги босқичга олиб чиқди.

Икки давлат ҳукуматлари ўртасида 2001 йил октябрда ҳалқаро террорчиликка қарши курашиб масалалари бўйича қўшма баёнот имзоланиши, ҳукуматлар ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириши ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро анг-

лашув ҳақида меморандум қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга расмий ташрифи Ўзбекистон ва АҚШ ўргасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация, шунингдек, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядро қуролининг тарқатилишига йўл қўймаслик борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Ташки иқтисодий фаолият банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўргасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланиши Ўзбекистон – АҚШ муносабатларида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бироқ АҚШ маъмуриятининг Марказий Осиё минтақасидаги олиб борган сиёсатини пухта ишлаб чиқилган, тамомила оқилона сиёsat, дейиш қийин. Чунончи, 2004-2006 йилларда бу сиёсатнинг бир қатор камчиликлари борлиги, энг асосийси, АҚШ маъмурияти томонидан минтақа мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишининг аниқ стратегияси йўқлиги маълум бўлиб қолди.

2006 йил АҚШ давлат департаментининг юқори лавозимли вакилларидан Р. Баучер ва Э. Фейгенбаумларнинг Ўзбекистонга қилган ташрифи АҚШ ўзининг Марказий Осиёда олиб борган сиёсатида йўл қўйган хатоларини тан олганлигини намоён этди. Айниқса, 2007 йилнинг март ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган АҚШ давлат котибининг Марказий ва Жанубий Осиё бўйича департаменти бошлиғининг ўринбосари Э. Фейгенбаум, бу хатони очиқдан-очиқ тан олган ҳолда шундай ёзади: «Турли кўринишларда ташқаридан амалга оширилган кучли тазиикларга қарамасдан, Марказий Осиё давлатлари ўз суверенитетини сақлаб қолишида мисли кўрилмаган жасорат кўрсатдилар.

Биз Марказий Осиё давлатларини кимнингдир шахмат таҳтасидаги доналар сифатида асло қабул қилмаймиз. Аксинча, улар бизнинг энг ишончли ҳамкорларимиздир. Биз бундан кейин иқтисодий ҳамкорликкка урғу беришимиз ва кучайтиришимиз лозим».¹

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир даврла ҳалқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва риножлантириш бобида бир неча ўн йилликларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшиничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносаб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

¹ www.uz-info.com

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва расмий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2004.
2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси-нинг Конунига шарҳлар. Т., 2002.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конуни. 2000 йил 14 декабрь. Т., 2001.
4. Ўзбекистон Республикасидаги сайловларга онд қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2007.
5. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Т., 1999.
6. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловов тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. Т., 1999.
7. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрьдаги қонуни. «Маърифат» газетаси, 1997 йил 8 январь.
8. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги қонуни. Олий таълим. Норматив ҳужжатлар тўплами. Т., 2002.
9. Каримов И. А. Выступление на 48-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН//Центральная Азия по пути безопасности и сотрудничества. Т., 1995.
10. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996.
11. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. Т., 1996.
12. Каримов И. А. Ватан сақдагоҳ каби муқаддасdir. Т. 3. Т., 1996.
13. Каримов И. А. Бунёлкорлик йўлидан. Т. 4. Т., 1996.
14. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқтол ва тараққиёт йўли//Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 4. Т., 1996.
15. Каримов И. А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат//Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996.
16. Каримов И. А. Важнейшие задачи углубления демократических реформ на современном этапе. Т., 1996.
17. Каримов И. А. Истиқтол йўли: муаммолар ва режалар//Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996.
18. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т., 1996.
19. Каримов И. А. От региональной безопасности к безопасности глобальной. Выступление на специальном торжественном заседании Генеральной Ассамблеи по случаю пятидесятий годовщины ООН. 24 октября 1995 г.//По пути созидания. Т. 4. Т., 1996.
20. Каримов И. А. Янгича фикрлари ва ишлари – даръ таълиби. Т. 5. Т., 1997.
21. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ханфиззликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.

22. Каримов И. А. Амир Темур – наша гордость. Доклад на международной научной конференции, посвященной 660-летнему юбилею Амира Темура. Т. 5. Т., 1997.
23. Каримов И. А. Символ справедливости и могущества. Т. 5. Т., 1997.
24. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., 1998.
25. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфисизликка таҳдил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари//Ҳавфисизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998.
26. Каримов И. А. На пути духовного возрождения. Т., 1998.
27. Каримов И. А. Ҳавфисизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т6. Т., 1998.
28. Каримов И. А. Без исторического прошлого нет будущего. Т. 7. Т., 1998.
29. Каримов И. А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин//Биз келажатимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. Т., 1998.
30. Каримов И. А. Способность народа – залог мира и прогресса. Т., 1998
31. Каримов И. А. Идеология – это объединяющий флаг нации, общества, государства. Ответы на вопросы главного редактора журнала «Тафаккур». Т., 1999
32. Каримов И. А. О национальной государственности, идеологии независимости и правовой культуре. Т., 1999.
33. Каримов И. А. Миллий давлатчилик, истиқолол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Т., 1999.
34. Каримов И. А. Миллат қудрати – ҳамжиҳатликла//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. Т., 1999.
35. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., 1999.
36. Каримов И. А. Озод ва обол Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисигинг 1 сессиясидаги маъруза, 2000 йил 22 январь//Озод ва обол Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. Т., 2000.
37. Каримов И. А. Национальная идеология – для нас источник духовно-нравственной силы в строительстве государства и общества. Речь на встрече с представителями научной и тюркской общественности, посвященной основным принципам Концепции идеологии национальной независимости, 6 апреля 2000 г. Т. 8. Т., 2000.
38. Каримов И. А. Идеология национальной независимости – убеждение народа и вера в великое будущее. Т. 8. Т., 2000.
39. Каримов И. А. Ҳавфисизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т. 10. Т., 2002.
40. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. Т., 2003.
41. Каримов И. А. Эришилган мэрраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориши – асосий вазифамиз. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлантиришнинг асосий йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. 2004 йил 7 февраль. Т., 2004.
42. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. Т., 2005.
43. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манбаатлари – энг олий қадрият. (Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига багишланган тантанали маросимла 2005 йил 7 декабряда сўзлаган маъруаси). Т., 2005.
44. Каримов И. А. Инсон манбаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллантириш – устувор вазифамиздир. Т., 2007.
45. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т., 2007.

II. Дарслиллар

46. Бутенко А. П. Советская многопартийность: проблемы формирования. М., 1991.
47. Власов В. И. и др. История политических и правовых учений. Ростов-на-Дону, 2004.
48. Гаджиев К. С. Введение в политическую науку. М., 1997.
49. Гаджиев К. С. Политология. М., 2003.
50. Демидов А. И., Федосеев А. А. Основы политической науки. М., 1995.
51. Желтов В. В. Политология. Ростов-на-Дону, 2004.
52. Ильин В. В. Политология. Учебник для вузов. М., 2000.
53. История политических и правовых учений. (Под ред. О. Э. Лейста). М., 1997.
54. Ковалев А. М. Предмет, законы и категории политики как науки//ВМУ. 1998. № 5.
55. Малышев В. А. Основы политологии. М., 1997.
56. Мельвиль А. Ю. и др. Политология. Учебник. М., 2007.
57. Основы политической науки. (Под. ред. В. Пугачева), Учебное пособие для вузов. М., 1996.
58. Отамуродов С., Эргашев И., Акрамов Ш., Қодиров А. Политология. Т., 1999.
59. Панарин А. С. Политология. Учебник. М., 1999.
60. Политология асослари. Т., 1992.
61. Политология. Учебник. (Под ред. В. И. Буренко, В. В. Журавлева). М., 2005.
62. Политология. Хрестоматия. (Под ред. М. Василика). М., 2000.
63. Политология. (с. ф. д. С. Жўраев умумий таҳрири остида). Т., 2006.
64. Политическая энциклопедия. Т. 1. М., 2000.
65. Пугачев В. П., Соловьев А. И. Введение в политологию. М., 2003.
66. Рамазонов И., Мўминов Е. Политология. Дарслик. Т., 1997.
67. Шарипов Ф. Сиёсатнунуслик. 1-2-китоблар. Т., 1996.
68. Ўзбекистонда демократик жамият қуриши назарияси ва амалиёти. Дарслик. Т., 2005.

III. Ўкув қўлланмаллар

69. Абдурахимова Н. А., Эргашев Ф. Р. Туркистанда чор мустамлака тизими. Т., 2002.
70. Анохин М. Г. Политические системы: адаптация, динамика, устойчивость. М., 1996.
71. Ангология мировой политической мысли. В 5 тт. Т. 1. М., 1997.
72. Бабырин С. Н. Территория государства: правовые и геополитические проблемы. М., 1997.
73. Бобоев Ҳ., Мирҳамилов М., Ҳасанов С. Ўзбекистонда сиёсий ва ҳукукий таълимотлар тарихи. Т., 2005.
74. Бутенко А. П., Миронов А. В. Сравнительная политология в терминах и понятиях М., 1998.
75. Ватан туйгуси. Т., 1996.
76. Вся политика. Хрестоматия. М., 2006.
77. Пугачев В. П., Соловьев А. И. . Введение в политологию. М., 1998.
78. Гегель Г. В. Ф. Философия права. М., 1990.
79. Гринберг Т. Э. Политические технологии: ПР и реклама. М., 2005.
80. Жалилов А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Майрузалар матни. Т., 2002.
81. Зокиров С. Ҳукукий дашлат ва фуқаролик жамияти сари: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари асосида. Т., 1999.

82. Кузин В. И. и др. Словарь античности. М., 1989.
83. Конституция ва қонуларнинг устулиги — Ўзбекистон тараққиётининг кафолати. Т., 2000.
84. Малышевский Н. Н. Технология организации выборов. М., 2003.
85. Маънавият — маъсуллик. 1-китоб (Маънавият нашрлари. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази). Т., 1997.
86. Маънавиятнинг ойдин йўли. 2-китоб (Маънавият нашрлари. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази). Т., 1997
87. Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишидир. Т., 1998.
88. Мусский И. А. 100 великих мыслителей. М., 2004.
89. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабол лугат. А. Жалолов ва К. Хоназаров умуний таҳририда. Т., 1998.
90. Мухасин Р. Т. Политология. Хрестоматия. Пособие для вузов. М., 2000.
91. Назаров К. Қадриятлар фалсафаси. Т., 1997.
92. Нерсесянц В. С. Политические учения Древней Греции. М., 1979.
93. Олилқорисев Х. Т., Гойибназарон Ш. Ф. Сиёсий маданият. Т., 2004.
94. Отамуротов С., Қувватов Н. Кучли давлатдан — кучли жамиятга: Олий ўкув юртлари учун ўкув қўлланма. Т., 2003
95. Сагдулаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма маңбаларда. Т., 1996.
96. Сагдулаев А., Аминов В., Мавлонов У., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т., 2000.
97. Сиёсатпенослик асослари. Маърузалар матни. Т., 2005.
98. Политология асослари. Ўкув қўлланма. Т., 1992.
99. Политология в логических схемах и таблицах. (Под. ред. А. В. Миронова). М., 1995.
100. Хайдаров А. А. и др. Основы политологии. Т., 2003.
101. Холбеков А. Идиров У. Социология: изоҳли лугат — маълумотнома. Т., 1998.
102. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи фанига схемали ўкув-методик қўлланма. (А. Азизхўжаев, О. Ҳасанов, Ҳ. Азизов ва бошқалар). Т., 2001.
103. Ўзбекистон Республикасининг "Оила кодекси"га шарҳлар. Т., 2000.
104. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т., 2000.
105. Ўзбекистонда сиёсатпенослик: (2001 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика илмий-амалий конференцияси материаллари). Т., 2002.
106. Шабров О. Ф. Политическая система: структура, типология, устойчивость. М., 1993.
107. Ўзбекистон тарихи. 1- ва 2-томлар. Т., 2000.
108. "Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар" мавзудидан республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т., 1998.
109. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркiston чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., 2000.
110. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., 2000.
111. Ўзбекистоннинг янги тарихи 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., 2000.
112. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. Т., 1998.
113. Гафуров С. М., Хайдаров А. А., Тўлаганова Н. Ў. Сиёсатпенослик асослари. Ўкув қўлланма. Т., 2005.

IV. Илмий рисола, монография ва мақолалар

114. Абу Райхон Беруний. 1000 Ҳикмат . Т., 1993.
115. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993.
116. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхул ахлоқ. Т., 1992.
117. Абдулла Орипов. Шеърлар ва дастонлар. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Т., 2001.
118. Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. Т., 1993.
119. Абдурауф Фиграт. Оила. Т., 2000.
120. Абдураҳмонов А.. Саодатга элтувчи билим. Т., 2003.
121. Абулқосимов А. ва бошқ. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурланишириш ва иқтисодиётни эркинлашириш йўллари. Т., 2001.
122. Абулқосимов Ҳ., Ҳасанов Р., Фармонов И. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлашириш. Т., 2003.
123. Алмонд Г. Политическая наука: история дисциплины//Полис. 1997. №6.
124. Амир Темур жаҳон тарихида. ЮНЕСКО. Париж, 1996.
125. Амир Темур. Темур тузуклари. Т., 1992.
126. Амелин В. Н. и др. Опыт развития прикладной политологии в России//Полис. 1998. №3.
127. Андреев С. С. Политическое сознание и политическое поведение//Социально-политический журнал. 1992. № 8.
128. Арон Р. Этапы развития политической мысли. М., 1993.
129. Арташаstra или наука политики. М., 1993.
130. Афлогун. Қонутилар. Т., 2002.
131. Барботько Л. М. Тотальная идеология против тоталитарного государства //Вопросы философии. 2000. № 11.
132. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойлевори. Т., 1997.
133. Бойқобилов Б. Ўзбекнома. Т., 1999.
134. Бекмуродов М. Б. ва бошқалар. Миллий менталитет ва раҳбар манавияти. Т., 2003.
135. Белов Г. Эволюция нормативности политической системы современного российского общества//Общественные науки и современность. 1996. № 1.
136. Бжезинский З. Великая шахматная доска. М., 2000.
137. Бобосев Ҳ.Faфуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маърифий-маданий таълимотлар тараққиёти. Т., 2001.
138. Боден Ж. Шесть книг о государстве//Антология мировой политической мысли. Т. 1. М., 1997.
139. Болтаев М. Т. Абу Али ибн Сина — великий мыслитель, ученый-энциклопедист средневекового Востока. Т., 1980.
140. Бухоро — Шарқлурдонаси. ЮНЕСКО. Т., 1997.
141. Бухоро — 2500. Т., 1997.
142. Вагришин А. А. Политика и мораль. К вопросу о миропором политическом порядке. М., 1997.
143. Васильев Л. С. Конфуций//Вопросы истории. 1989. № 3.
144. Васильев М. И. Партии, движения, политические силы — попытка леконструкции//Полис. 1992. № 5-6.
145. Васовин В. Переход к демократии в посткоммунистических странах//ВМУ. Социология и политология. 1998. № 2.
146. Великие ученые Средней Азии.//Под ред. М. Хайруллаева. Т., 1994.

147. Володенков С.В. Модели динамики политических процессов в условиях переходного периода//ВМУ. Политические науки. 1999. № 6.
148. Галжиев К. С. Тоталитаризм — как феномен XX века//Вопросы философии. 1992. № 2.
149. Галкин А. А. Становление политической науки: от философии политики к политическому моделированию. М., 1991.
150. Гафарли М. С. Ривожланишнинг “Ўзбек моделли”: тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт асоси. Т., 2001.
151. Демократия: 80 саволга 80 жавоб. Т., 2001.
152. Джесусов А. И. Различие структур и уровней развития политической культуры//Социально-гуманитарные знания. 1999. №4.
153. Диний бағрикенглиқ ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб). Т., 2007.
154. Жалилов Ш. Кучли давлатдан — кучли жамият сари: тажриба, таҳдил, амалиёт. Т., 2001.
155. Жалолиддин Мангуберди. Т., 1999.
156. Жумаев Р. З. Дағлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. Т., 1998.
157. Жўраев С., Маҳкамов Х., Рустамбоев С. Америка Кўшма Штатлари. Т., 2003.
158. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (илмий-таҳдилий мақолалар тўплами). Т., 2003.
159. Жўраев С., Жалилов А., Сайдолимов С. Хорижий давлатларнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси. Ўкув ластури. Т., 2005.
160. Загладин Н. и др. Мировое политическое развитие: век XX. М., 1998.
161. Ихтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Т., 1996.
162. Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси. Т., 1998.
163. История политических и правовых учений. Средние века и Возрождение. М., 1986.
164. История политических и правовых учений. Древний мир. М., 1985.
165. Касымджанов А. Х. Абу-Наср аль-Фараби. М., 1982.
166. Качоха В. Проблема общего блага в современной демократии//Вопросы философии. 2000. № 9.
167. Кинг П. Классификация федераций//Полис. 2000. №5.
168. Комоцкая В. Д., Тихомирова Е. Б. Г. Д. Лассуэл — классик американской политической науки//Социально-политические науки. 1990. № 11.
169. Комоцкая В. Д., Тихомирова Е. Б. Поколение 50-х в американской политологии: С. Ф. Хантингтон //Социально-политические науки. 1991. № 9.
170. Комоцкий Б. О. Мишель Корзье как политолог//Социально-политические науки. 1990. № 9.
171. Краснов Б. И. Политология как наука и учебная дисциплина//Социально-политический журнал. 1995. № 1.
172. Кувадин В. Б. Президентская и парламентская республика, как формы демократического транзита. //Полис. 1998. №5.
173. Кузишин В. И. Словарь античности. Платон. М., 1989.
174. Кузьмин М. Переход от традиционного общества к гражданскому: изменение человека. //Вопросы философии. 1997. № 2.
175. Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. М., 2001.
176. Левитин Л., Карлайл С. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти. Т., 1996.
177. Межкультурный диалог в Узбекистане. Intercultural dialogue in Uzbekistan. Т., 2007.

178. Мерриам Ч. Новые аспекты политики//Антология мировой политической мысли. В 5-т. Т. 2. М., 1997.
179. Мийон-Дельсоль Ш. Политические идеи XX века. М., 1995.
180. Миллик истиқлол тоғаси: асосий түшүнчө ва тамойиллар. Т., 2001.
181. Мировой политический процесс//Политическая теория и политическая практика (Под. ред. А. А. Миголатьева). М., 1994.
182. Михельс Р. Социология политических партий в условиях демократии//Антология мировой политической мысли. В 5-т. Т. 2. М., 1997.
183. Моргентау Г. Международная политика//Антология мировой политической мысли. В 5-т. Т. 2. М., 1997.
184. Мусский И. Сто великих мыслителей. М., 2004.
185. Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. Т., 1998.
186. Мустақиллик мафкураси ва Узбекистонда демократик жамият куришпинг ижтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. Т., 2001.
187. Макиавелли Н. Государь. М., 1990.
188. Независимый Узбекистан. Толковый научно-понулярный словарь. Т., 2002
189. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сиар ул-мулук. Т., 1997.
190. Никонов В. Код политики. М., 2006.
191. Нурилдинов З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Т., 2002.
192. Одилқориев Х. ва бошқ. Иккى палатали парламент. Т., 2005.
193. Огоҳ бўйлайлик. Т., 1999.
194. Осипова Н. Г. Социально-политические взгляды Джона Стюарта Милля //ВМУ. Сер. 18. 2000. № 3.
195. Островски К. Три политические культуры в Европе//Социс. 1998. № 2.
196. Отамуротов С. Жамият сиёсий ҳәётини эркинлаштириш//Жамият ва бошқарув. 2003. №2.
197. Отамуротов С. Ҳокимият ва демократия мутаносиблиги//Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2003, №1-2.
198. Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. (Под ред. И. Муминова). Т., 1977.
199. Платон. Государство. //Собр. соч. В 4 т. Т. 3. М., 1994.
200. Плевако Н. С. Конфликт и консенсус в политике и на рынке труда//Полис. 1995. № 6.
201. Республика Узбекистан: рождение независимого государства. (Под ред. К. А. Ахмедова). Т., 1992.
202. Романенко С. А. Типология процессов национального самоопределения//ОНС. 1999. № 2.
203. Сагдулаев А. «Авесто» — тарихий географияни ўрганиш манбаи сифатида. «Авесто» китоби тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. Т., 2000.
204. Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. Т., 1998.
205. Социальный мониторинг — 2003. Экономический рост и бедность. Внешний государственный долг. Аналитический материал: ЮНИСЕФ, 2003.
206. Семигип Т. Ю. Политическая стабильность общества. М., 1997.
207. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. Т., 1997.
208. Сумбатян Ю. Г. Концепция разделения властей: история и современность //ВМУ. Сер. полит. науки. 2000. № 2.
209. Тавадов Г. Т. Политика и национальные отношения//Социально-политические науки. 1991. № 10.

210. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Т., 2001.
211. Титов К.А. Прагматизм в политике и перспективы развития политической науки//*Полис*. 1999. №2.
212. Тихомиронов Ю. А. Государство на рубеже столетий//*Государство и право*. 1997. № 2.
213. Токвиль А. Демократия в Америке. М., 1992.
214. Туленов Ж. Миллий мағкура: мақсад ва йўналишлари, ҳётта тадбиқ этиш йўллари. Т., 1999.
215. Тўракулов М. Жамият ҳётини демократлаштириш//«Жамият ва бошқарув». 2003. №3.
216. Умарова Н. Замона зулмни кўтармас ёхуд инсониятнинг кулфати ҳакила //«Халқ сўзи». 2004 йил 19 май.
217. Файзисев М. М. Политология как наука и учебная дисциплина//Общественные науки в Узбекистане. 1992. № 5-6.
218. Фарукшин М. Политическая система общества//Социально-политические науки. 1991. № 5.
219. Федосова У. И. и др. Нация и национальность в воззрениях французских либералов и демократов первой половины XIX века//Новая и новейшая история. 1999. № 6.
220. Федякин А. В. «Национальные интересы» как категория политической науки. //ВМУ. Политические науки. 2000. № 4.
221. Френкин А. А. Правовое политическое сознание//Вопросы философии. 2000. № 5.
222. Фромм Э. Бегство от свободы. Перев. с англ. (Общ. ред. и послесл. П. С. Гуревича) М., 1989.
223. Хайруллаев М. Фараби. Т., 1985.
224. Халипов В. Ф. Власть. М., 1995.
225. Хива — город тысячи куполов. ЮНЕСКО. Т., 1997.
226. Холбеков А. Демократия ва ижтимоий адолат//Жамият ва бошқарув, 1998. №1.
227. Холбеков А., Матибоев Т. Ижтимоий адолат ва демократия. Т., 2004.
228. Хоразм Мамун академияси. ЮНЕСКО. Т., 2005.
229. Христиан-Ислом мулоқоти. Германия-Ўзбекистон. (Халқаро семинар материалы). Т., 2003.
230. Цицерон. Диалоги. О государстве. О законах М., 1969.
231. Чжен В. А., Максудов Ф. Теория и практика строительства демократического государства. Т., 1996.
232. Чудинова И. М. Идеология и политика//Социально-гуманистические знания. 1999. № 4.
233. Шабров О. Ф. Политическое управление: проблема стабильности и развития. М., 1997
234. Шамсултинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлантириш, сургун. Т., 2003.
235. Шарафулдин Али Язлий. Зафарнома. Т., 1997.
236. Шарифхўжаси М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамияти. Т., 2003.
237. Шегорин В. А. Политическая культура: модели и реальность. М., 1990.
238. Шербинина Н. С. Политика и миф//ВМУ. Политические науки. 1998. № 2..
239. Шмакова Т. В. Мир политических партий//*Полис*. 1992. № 1-2.
240. Шодисев Н. Узбекистан на пороге национального возрождения. Т., 2000.
241. Энтин М. Л. Международные гарантии прав человека. М., 1997.

242. Эргашев И. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёндар гизиминда (Сиёсий-фалсафий таҳлил). Г., 1998.
243. Эргашев И. Тараккىёт фалсафаси. Т., 2000.
244. Эргашев И., Шарипов В., Жакбаров М. Жамиятни эркиншаштириш ва манавият. Т., 2002.
245. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Т., 2004.
246. Эргашев И. Демократия – миляй ва умумбашарий қааријат// Жамият ва бошқарув. 2004. №2.
247. Эргашев И. Ўзбекистонда демократик жараёнлар: уйдирма ва ҳақиқат // «Халқ сўзи». 2004 йил 18 май.
248. Юсупова Г. Х., Бугаева Г. А. Сиёсий фикрларнинг шаксланиши ва ривожла ниши тарихи. Политология курси бўйича маъruzalap matni. I-қисм. Г., 2000.
249. Якобсон Б. А. Государство, как социальная организация// Восток. 1997.
250. Яковлев А. Н. Қайтадан кашф этилган мамлакат (Сўз боини ўринела)// «Халқ сўзи», 2001 йил 9 февраль.
251. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли иили. Т., 1999.
252. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, сиёсий мафкуралар, сиёсий маланиятлар. Т., 1998.
253. Қирғизбоев М. Ўзини ўзи бошқариш органлари – фуқаролик жамиятининг асоси//Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2003. №1.
254. Қобиљов Ш. Миляй хавфсизликни мустаҳкамлани стратегияси//Иқтисод ва ҳисобот. 1997. № 7-8.
255. Файбузлоҳ ас-Салом, Нельматуллоҳ Отажон. Жаҳонгаinta «Бобурнома». Т., 1996.
256. Фуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиягининг асоси. Т., 2003.
257. Фуломов С. Мустақил Ўзбекистон. Т., 1999.
258. Ҳамжиҳатлик ва багрикенглик – тараққиёт омили. Г., 2001
259. Ҳофиз Таниш ат-Бухорий. «Абдулланома». Т., 1999.

V. Интернет сайatlari

260. www.gov.uz/
261. www.uz-info.com/
262. www.press-service.uz/
263. www.uzreport.com/
264. www.elections.uz/
265. www.tiza.uz/
266. www.mfa.uz/
267. www.uwed.uz/
268. www.unesco.org.uz/
269. www.unesco.org/
270. www.lenta.ru/
271. <http://www.euroconflict.org/>

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ
ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ТИНЧЛИК ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО
ҲАМЖИҲАТЛИК МАРКАЗИ**

**ЗАМОНАВИЙ СИЁСАТШУНОСЛИК:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ
(Ўқув қўлланма)**

Муҳаррир: Н. Усманова
Оригинал-макет: И.В. Кравченко

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқирик отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очик навир этиши ман қилинган маълумотларни оммалаштиргани учун маъруза муаллифлари жавобгардир.

ЖИДУ руҳсатисиз қайта чоп этиши ман қилинади.

Формат 84x108 1/3. Ҳажми 18,5 б. г. Нусха сони 1000. Келининглан нарҳи.
ЖИДУда чоп этилди.
100077, Тошкент ш., Буюк Ишак йўли кўчаси, 54